

امیر محمد علی

کتابت فی معرفت
الحق بآب الہدای





Лейбниц

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

ҚИММАТБАҲО ЖАВОҲИРЛАР ҲАҚИДА
БИЛИМЛАР КИТОБИ

КИТОНУБ АЛ-ЖАМОХИР
РИ-МАЪРИФАТИ
АЛ-ЖАВОХИР
(МИНЕРАЛОГИЯ)



«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти

Тошкент — 2017

УЎТ: 549
КБТ 26.31
Б 61

Таржимон
академик **Азизхон Қаюмов**

Масъул муҳаррир
Қ. С. Санақулов – техника фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Таҳрир ҳайъати:
Қ. С. Санақулов, А. С. Ҳасанов, М. М. Исоқов,
О. С. Хаитова, Р. Т. Уразова

Изоҳлар муаллифлари:
М. М. Исоқов – тарих фанлари доктори, профессор,
О. С. Хаитова – тарих фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:
З. Исломов – филология фанлари доктори, профессор,
Б. И. Мирходжаев – геология-минералогия фанлари доктори

Б 61 **Беруний, Абу Райҳон.**
Китоб ал-Жамоҳир фи-Маърифат ал-Жавоҳир [Матн] / Абу Райҳон Беруний.
– Тошкент : «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017.
– 488 б.

Ушбу китоб Абу Райҳон Беруний қаламига мансуб «Минералогия» китобининг ўзбек тилига қилинган илк таржимасидир. Бу нашр Абу Райҳон Берунийнинг кўп жилдлик асарлари турқумини тўлдиради. Минераллар таснифи, уларнинг физик, кимёвий хусусиятлари, пайдо бўлиш назариясига ҳамда ишлов бериш технологияси каби масалаларга бағишланган шоҳ асарда Беруний минералларни таърифлаш билан бирга, уларнинг солиштирма оғирлигини физика ва минералогия тарихида биринчи марта тартибли равишда аниқлаб, маъданшуносликнинг амалий ишларига жорий қилди. Бундан ташқари, Беруний минераллар ва маъданларнинг ўз давридаги нарх-навоси, баъзиларининг дориворлик хусусиятлари, қимматбаҳо тошлар ва металллар билан боғлиқ инонч, ирим-сиримлар, қизиқарли этнографик маълумотларни баён этганки, булар «Минералогия» асарининг тарихий манба сифатидаги юксак аҳамиятини кўрсатади.

Китоб минералогия, геология, кончилик, металлургия каби соҳаларнинг назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎТ: 549
КБТ 26.31

Ушбу китоб Навоий давлат кончилик институти Кенгашининг 2017 йил 29 апрель куни бўлиб ўтган мажлиси қарори (8/6 2-сонли баённома) ҳамда 2017 йил 25 май куни ўтказилган Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгашининг қарори (10-сонли баённома) билан нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-07-548-1

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2017

СЎЗБОШИ

Мустақиллик йилларида жаҳон илм-фани, маданияти ва санъати ривожига, инсоният маънавияти тақомилига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, шу билан бирга, уларнинг ибратли ҳаёти ва ижоди, беназир кашфиётларининг жаҳоншумул аҳамияти ҳақидаги билимларни оммалаштиришга қаратилган ҳаракат бугун ўз самарасини бермоқда.

Халқимиз бутун жаҳон илм-фани, маданияти ва маънавияти тақомилига улкан ҳисса қўшган Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўплаб аждодларимиз билан фахрланишга ҳақлидир.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Хоразм вилояти сайловчилар вакиллари билан 2016 йил 11 ноябрдаги учрашувида: «... Севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг «Уммон ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали» деган сатрлари беихтиёр ёдга тушади. Ўзбекистон ёшларининг «ақл машъали» ҳали кўп бор дунё аҳлини ҳайратга солиб, ҳаммани қойил қолдиришига ишонман»¹, — дея таъкидлаши Абу Райҳон Берунийнинг буюклигига, ўша даврнинг деярли барча фанларига қўшган бетакрор илмий меросига ишорадир. Берунийнинг олимлик салоҳиятига машҳур шарқшунос олим И. Ю. Крачковский «... унинг қизиққан илм соҳаларидан кўра, қизиқмаган соҳаларини санаб ўтиш осонроқдир», — деб баҳо берган эди.

Беруний ўз даврининг энциклопедик олими сифатида жаҳон илмининг барча соҳаларида эришилган натижаларни яна бир поғона кўтаришга эришган. Унинг тафаккур қамрови ва мушоҳадасининг кенглиги ҳайратга лойиқ. Ўзидан олдин ўтган ва замондош бўлган олимлар меросига ўта хушёр ва талабчан танқидий муносабат, دادил ғоялар ва мутлақ янги хулосалар Беруний шахсини умуман жаҳон фани тараққиётида юксак ўринга қўяди.

Абу Райҳон Беруний 150 дан ортиқ асар яратган. Бизгача етиб келган асарлари қаторида «Минералогия» асарининг ўрни алоҳида. Бу асарда 30 дан ортиқ қимматбаҳо тошлар ва минералларнинг номлари, уларнинг кимёвий ва физик хоссаларини аниқлаш, эритиб синаш, конлардаги мавжуд деярли ҳамма қимматбаҳо тошлар ва турли маъданлар, уларнинг қотишмалари ҳақида илмий маълумотлар баён этилган.

Асарнинг асосий қиммати минераллар оғирлигининг аниқлаб чиқилишидир. Берунийгача бундай иш антик даврда ҳам, кейинчалик ҳам амалга оширилмаган эди, олим эса Архимед қонунига асосланган ҳолда бир қанча минераллар оғирлигини аниқлайди. Асар моҳиятидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Беруний минераллар оғирлигини

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. — Т.: Ўзбекистон, 2017. — Б. 244.

ниҳоятда аниқ ўлчаган, ҳаттоки ҳозирги замондаги ўта сезгир технология жалб этилганида ҳам олим ўлчовининг фарқи юздан бирига ҳам тўғри келмайди.

Асарнинг дастлабки қисми минералларга, иккинчи қисми маъданларга бағишланган. Қимматбаҳо тошлар, жавоҳирлар (минераллар), филиззот (металлар) ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг назарий ва амалий рисоласининг қадр ва қиймати беқиёсдир. Шу билан бирга, қимматбаҳо тошларни ўрганиш назарияси ва амалиётига ҳисса қўшган олимлардан Аъун-Ибн Ибодий, Аюб ал-Невад, ал-Басри, Баср Ибн-Шайх Саъбад, Ёкуб ал-Киндий, Абу Абд ар-Раҳмон ибн ал-Жасас, Ибн Ҳабиб Раъс ад-Дунё, Ибн Баҳлул ва бошқалар номини ҳурмат билан тилга олиб, бу фанга қўшган ҳиссаларини батафсил айтиб ўтади. Уларнинг асарларидан манба сифатида фойдаланишда танқидий ёндашув тамойилига қатъий амал қилган. Манбалардаги чалкаш ва хато фикрларни ўз тажрибалари асосида инкор этиб, соҳа бўйича замонасининг энг илғор фикрли олими эканлигини намоён этган.

«Минералогия» асари бадиий адабиёт, адабга оид ҳамда турли халқларнинг минераллар ва металлар билан боғлиқ урф-одатларига оид материалларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу ҳақда академик И. Ю. Крачковский шундай дейди: «Беруний кўп йиллик махсус изланишларини фақат илмийгина эмас, балки бадиий адабиёт, фақат оригинал араб адабиётигина эмас, бошқа тиллардан ўтган адабиёт намуналари билан бойитди». Асарда Куръондан келтирилган парчалар Берунийнинг ислом динининг ушбу муқаддас манбасини чуқур билганидан далолатдир.

Беруний агар «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия» каби асарларида турли халқларга оид афсона ва мифларни келтирган бўлса, «Минералогия» ва «Сайдана»да араб тилида яратилган шеърлардан кўплаб парчалар келтиради. Улар қадим даврлардан бошлаб олимнинг ўзи яшаган давргача бўлган шоирлар асарларидан олинган парчалардир. «Минералогия»да олим саксон тўрт шоир номи ва уларнинг асарларидан парчалар келтирган. Баъзи ўринларда Эрон, Хоразм, Бухоро, Хуросон шоирлари шеърларидан ҳам фойдаланган. Кўпинча Беруний шеърларга изоҳ беради, баъзан шеърларни танқидий таҳлил ҳам қилади. Бу ҳолат Берунийнинг адабиёт соҳасидаги билими қанчалик кенг эканини кўрсатади.

Беруний ўзи ясаган махсус асбоб ёрдамида 50 та модданинг, шу жумладан, 9 та металл, 18 та суюқлик, 3 та маъдан ва бошқа моддаларнинг солиштирма оғирликларини аниқлик билан ўлчаганлиги уни шуҳратига шуҳрат қўшди. Олтин конларини топиб, қазиб олиш масаласида ҳам Беруний баён этган фикрлар ҳозир ҳам катта аҳамият касб этади.

Беруний минералогия ва металлургияда қўлланган асбоб-усқуналар, улар ёрдамида ишлов бериш усуллари ҳақида ёзган бўлса ҳам, у бошқа муаллифлардан кўра батафсилроқ маълумот берганки, масалан, биз тошга ишлов берувчи устанинг барча асбоб-анжомларини тўлиқ тасаввур қила оламиз.

Минераллар ва маъданлар қаерларда бўлиши мумкинлиги ҳақидаги Беруний берган маълумотлар геология, минералогия, металлургия тарихи ва ҳозирги изланишлар учун ҳам муҳимдир.

«Минералогия»да келтирилган кенг қамровли маълумотлар фақат аниқ фанлар мутахассислари учунгина эмас, ижтимоий фанлар, жумладан, тарих, бадиий адабиёт тари-

хи, фалсафа, педагогика, фольклор, этнография ва бошқа соҳалар мутахассислари учун ҳам қимматли манбадир.

Ўйлайманки, устозлар томонидан ушубу қилинган меҳнат ўқув масканларида фарзандларимиз учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтиш мумкинки, Абу Райҳон Берунийнинг «Минералогия» асари конларни, айниқса, Ўрта Осиё ер ости бойликларини ўрганиш учун муҳим манба сифатида ўз қимматини сақламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида тарихий-маданий меросимиз намуналарини, аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш каби вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги шарофати билан асарнинг минг йил оша илк маротаба ўзбек тилида нашр этилиши буюк алломанинг меросига чуқур ҳурмат рамзидир. Зеро, Абу Райҳон Берунийнинг асарлари, жумладан, «Минералогия» китоби ўз актуаллигини йўқотмай, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишда фаол хизмат қилмоқда.

Бунинг ёрқин мисоли шуки, 2017 йил 28 март куни Республикаимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуслари билан Навоий кон-металлургия комбинатини 2017—26 йилларда ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Навоий кон-металлургия комбинатида 27 лойиҳа амалга оширилади. Қиймати 3 миллиард 63 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳалар натижасида комбинатнинг ишлаб чиқариш қуввати 30 фоиз ортади. 31 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади. 2017 йил март ойида Республикаимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Навоий шахрига ташриф буюриб, Ауминзо-Амантой олтин конлари негизида Навоий кон-металлургия 5-гидрометаллургия заводи қурилишининг бошланишига бағишланган тантанали маросимда қатнашдилар ва Ауминзо-Амантой олтин конларини ўзлаштириш ишлари бошланиши учун тамал тошини қўйдилар.

Бу ҳодиса Республикаимиз кон-металлургия ва минераллар захираларининг янада кўпайишида Абу Райҳон Беруний ҳамон халқимиз билан бир сафда туриб хизмат қилаётганидан далолатдир.

Қ. Санакулов,

техника фанлари доктори, профессор

Китоб ал-Жалоҳир фи-маърифати ал-Жавоҳир

КИРИШ

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ!

Оламларнинг хожаси, яккаю ягонага, ибтидо ва интиҳонинг, чексизликнинг ва абдиётнинг ягона эгасига, бу дунё ҳаётини йўқликка, саодат ва саломатликни нотоблик ва хасталикларга сабаб этгувчи Оллоҳга ҳамдлар бўлсин. У тириклик воситаларини тақсимлади, ҳаёт муҳлатларини мувофиқлаштирди ва уларнинг ҳаммасини худди Куёш ва Ойни чарчамай сувни булутларга олиб чиқмоққа мажбур қилгани каби жаҳд билан тинимсиз меҳнатга боғлиқ қилди. Мана энди булутлар бу юкни кўтарганларидан сўнг шамол уларни жонсиз тупроқ томонга ҳайдайди ва улар (булутлар) унум етказувчи сувни ана шу ерга тўкадилар. Шу туфайли ер одамлар ва ҳайвонот ундан фойдалансинлар деб, бирин-кетин маҳсуллар етиштиради. Шундан кейин сув ўз оқимиغا кўра, денгизларга қайтади ва у ерда тўхтаб жамланади.

У (Оллоҳ) ҳамма нарсани билади. Ерга нима кираётганини, ундан нима чиқаётганини, осмондан нима тушаётганини ва осмонга нима кўтарилаётганини — ҳаммасини билади. У ҳамма нарсани қамраб ола билади, у ҳамма нарса юзасидан ўз ҳукмини ижро эта олади, чунки у қудрат ва донолик эгасидир.

Оллоҳнинг Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламга раҳматлари бўлсин. Чунки бу зот адашувларга чек қўйди. Унинг расуллиги билан расуллик хотам бўлди, расул бўлмоқ яқунланди. Унинг уруғи ва хонадони кишиларидан (аҳли байтидан) бўлган ҳаммани, унинг саҳобаларини ҳам, унинг тўғри йўлидан бориб, унинг улуғлиги туфайли улуғликка эришганларнинг барчаларини Худо раҳмат қилсин.

Оллоҳ ютуқларга етказувчидир.

ФАСЛ

Оллоҳ таоло, Унга ҳамдлар бўлсин, мавжудотнинг эҳтиёжларини билар эди. Шунинг учун уларга лозим даражада, ҳаддан ташқари ортиқ ҳам, кам ҳам бўлмаган миқдорда бу эҳтиёжларни қондирди. У ўсишни таъминлади. Бу ўсиш бунга қобил вужуднинг ҳар томонга йириклашувида кўринади. Шу (ўсиш) унинг учун зарурийдир ва унинг кўринишини ўзгартиради. Бундай кўриниш маълум сабаб туфайли юз беради. Бу сабаб эса тановул, озикланишдир. Оллоҳ шундай қилдики, ўсимлик бироз миқдордаги озуқа билан таъминланади. Ўшанча озуқани ўзида тута олади, ўшани секин-аста ҳазм қилади, шу билан қаноатланади ва бир жойда ҳаракатланмай туради. Унга озуқа ҳар томондан ке-

лади. Ўсимлик уни нозик томирлари орқали сув томчилари билан бирга ўзига тортади. Бу томчилар эса ўсимликнинг томирларигача боради. Қуёш қиздирган муҳит — атмосферанинг иссиғи ўсимликнинг шохларидаги намликни ҳайдайди, шунда пастда йиғилган ҳамма нарса юқоридаги шохларга интилади, шу туфайли ўсимлик ўсади. Сўнгра озуқа унинг учун аталган (унга муҳтож) нарсаларга етиб боради, бундан эса барглар, гуллар ва мевалар яралади.

Ҳайвонларда эса озуқани ҳазм қилиш тез амалга ошади. У (ўсимликлар каби) ўзи туғилган жойига боғланмаган. Ҳаракатсизлик вақтида унинг учун етарли бўлган озуқа, унинг тўймоғи учун (ҳаракатда) етарли бўлмайди. Яна ҳайвон доимо озуқани тишлари билан парчалаш ва чайнашга мажбур. Шунинг учун Оллоҳ уни доимо ер юзидаги ўрнини алмаштириб турмоққа қобил қилиб яратган. У ҳаракатланувчи аъзолари ёрдамида озуқа қидириб юради.

Йўлда учрайдиган нарсалар орасида унга нима яроқли ёки яроқсиз эканлигини била олмоқ учун Оллоҳ ҳайвонга беш сезгини берган: **к ў р м о қ** — ҳайвон кўрмоқ орқали узоқдан истаганини кўради ва унга етиша олади; **хавfli** нарсалардан қочиб қутулади ёки у билан учрашмасликка, ўзини ҳимоя қилмоққа интилади; **э ш и т м о қ** — ҳайвон эшитмоқ ёрдамида кўрмоқ мумкин бўлмаган жойлардан келаётган овозларни тинглай олади ва хавфга дуч келиб қолиш мумкинлигини олдиндан билади ва бунга тайёрланади; **ҳ и д б и л и ш** — бу сезги орқали у ҳидларни уларнинг хусусиятига қараб искайди ва ҳайвон шунга қараб иш тутади; **т а ъ м** — унинг ёрдамида ҳайвон қандай озуқа унга яраш-ярамаслигини билиб олади; **с е з г и** — бу ҳайвонга иссиқ ва совуқни, нам ва қуруқни, қаттиқ ва юмшоқни, дағал ва силлиқни сезмоққа ёрдамлашади.

Ана шу сезгилар туфайли ҳайвоннинг ҳаётида тартиб юзага келади ва ҳар доим тикланиш юз бериб боради.

ТАРВИҲА — ИСТИРОҲАТ¹

Сезгилар уларни қўзғатувчилар орқали пайдо бўлади. Агар меъёрида бўлса, улар ёқимли ва зарарсиздир. Агарда ҳаддан ортиқ бўлса, улар оғриқли ва ҳалокатга элтувчидир.

Кўришни қўзғатувчи нарса нурдир. У (яъни нур) ҳаво орқали, асосан, тана (объект) рангини (кўзга) ўтказди. Кўриш яна уларнинг шакли ва ташқи кўринишини ҳам ўтказди. Шунинг ёрдамида саналаётган нарсаларнинг миқдори билинади.

Эшитишни қўзғатувчи овоздир. Ҳаво (тўлқинлари) уни олиб келади.

Ҳидлашни қўзғатувчи — ис, ҳид. Ҳаво уларни бурунга келтиради. Ҳидлар исланган нарсадан ажралганида, бу ҳол сувдан буғнинг ажралишига ўхшайди, унинг тарқалган зарралари ҳаво билан аралашиб кетади.

Таъмнинг қўзғатувчиси (озуқнинг) турли мазасидир. Егувчига бунини тилга шимилувчи намлик олиб келади. У ҳам танглайга, ҳам тилчага таъсир қилади. Улар таъм органларидир. Бу органлар қуруқшаб қолса, таъмни ҳис эта олмайдиган бўлиб қолади.

Бу тўрт сезги гавдада айрим-айрим жойлашган. Ҳар бири ўз ўрнида ва бошқа жойда бўлмайди.

Бешинчи сезги эса **ҳис этиш** ва бу бутун танани қоплаб олган. У тананинг бутун аъзоларига хос ва алоҳида орган эмас.

Гавданинг устки қатлами (сирти) биринчи бўлиб фарқлар сифатларини ҳис этади. Ҳис этмоқ вужуднинг умумий функциясидир. Ҳис этмоқ, айниқса, ҳаммадан олдин терида сезилади. Сўнгра у аста-секин тери остидаги нарсаларнинг юмшоқлиги ва нафислигига (майинлигига) қараб (юза) ёки чуқурроқ ёйила бошлайди ва то энг қалин ва дағал тана суюнчлари (суюклар)гача бориб етади. Суюкка етгач, ҳис этмоқ тўхтайтиди.

ИСТИРОҲАТ

Ҳайвонларда сезгилар ўлжани овлаш ва ўзини ҳимоя қилишда восита сифатида яратилган бўлса, инсон зоти барча ҳайвонотдан устун туради. Чунки унга юксак шараф ато этилган. Унга мукофот этиб **ақл** кучи берилган. Чунки инсон ана шу кучнинг макони бўлиб иззат топган. Инсонга юклатилган вазифа ерда Худонинг элчиси бўлмоқ, ерни обод қилмоқ ва унда бошқарув ўрнатмоқдир. Шунинг учун ҳайвонлар унга бўйсундилар. (Улар) ўз ихтиёри билан ҳамда мажбуран (инсонга) итоат қиладилар; туну кун унинг фойдасига ишлайдилар. Оллоҳ таоло деган (Қуръон: 36-сура, 71—72-оятлар): «Ахир улар учун ўз «қўлимиз» (иродамиз) иши билан чорва ҳайвонларини яратиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Мана улар ўша (ҳайвон)ларга эгадирлар. Биз ўша (ҳайвонлар)ни уларга бўйсундириб қўйганмиз. Ана уларнинг минадиган нарсалари ҳам ўша (ҳайвон)лардан ва ўшалардан (емишларини ҳам) егайлар»².

Агарда инсонга нисбатан шундай хайрихоҳлик бўлмаганда эди, у ҳайвонларнинг энг кичигига ҳам қарши тура олмаган бўлар эди. Чунки у ўшалардан кўра кучсизроқ ва уларда бор ҳимоя ёки ҳужум воситаларига ҳам эга эмас. Оллоҳ таоло сўзлари — Унга шарафлар бўлсин — чин сўзлардирки, (Қуръон: 43-оят, 13-сура): «Бизларга бу (улов)ни бўйсундириб қўйган зотга тасбеҳ айтамыз. Бизлар ўзимиз бунга қодир эрмас эрдик»³.

Инсон бундай мукофот билан тақдирланди ва унга юклатилган вазифа билан бошқа хилқатлар ўртасида шарафли қилинди. Унга берилган бу шараф мустаҳкамланмоғи лозим эди. Ҳар бир тилаган нарса меҳнат қилмоқ билан қўлга киради. Эзгуликка эришмоқ қандайдир қимматли бўлган нарсани сарфламоқ орқали мумкин эди. Шунда инсоннинг икки сезгиси: эшитиш ва кўриш ажралиб чиқди. Улар инсонга ҳиссий туйғулардан юқори поғонага, фикрламоққа ўтмоқ учун босқич бўлиб хизмат қилишди.

Кўриш Оқил (зот) оқиллигининг изларидан ибрат олмоққа хизмат қилади. Инсон уларни яратилган нарсаларда кўради ва яратилганлар орқали Яратувчи тўғрисида тасаввур пайдо қилади. Оллоҳ таоло деган (Қуръон: 41-сура, 53-оят; 67-сура, 3—4 оятлар; 12-сура, 105-оят): «Биз уларга атрофдаги ва ўз вужудларидаги аломатларимизни кўрсатажакмиз, токи булар ҳақиқат экани уларга аён бўлсин»⁴. Ва Оллоҳ таоло, Унга ҳамду санолар бўлсин, деди: «... етти осмонни қатма-қат қилиб яратган ул зотдир. (Эй инсон!) Раҳмоннинг яратишида бирор тафовутни (нуқсонни) кўрмайсан. Бас, кўзингни яна (самога) қайтаргин-чи, (унда) бирор ёриқни кўрармикансан. Сўнгра кўзингни қайта-қай-

та (самога) қарат, (назаринг) хор ва толиққан ҳолда ўзингга қайтур»⁵. «Оллоҳ деди: «Осмонлар ва ерда қанчадан-қанча аломатлар борки, ўтирилиб қарамаган ҳолда уларнинг олдидан кўрмай ўтиб кетаверадилар»⁶.

Эшитиш (неъмат) инсонга Оллоҳ сўзларини Унинг фармони ва тақиқларини эшитмоқ учун, уларга қаттиқ риоя қилмоқ, шундай қилиб Оллоҳга яқинлашмоқ ва том маънода хавф-хатардан холи бўлмоқ учун берилган. Бу, хоҳ зодагон, хоҳ оддий одамлар бўлсин, ҳеч кимга яширин эмас.

Робиъа қабиласидан бўлмиш Аъшо⁷ бундай деган:

*Икки биқиним орасидаги қалбим гўёки,
Кўзим кўрган ва қулоғим эшитганларини билади.*

Шоир тушунтирмоқдаки, билиш айтиб ўтилган икки сезги орқали қабул қилинади. Қалб билан боғланади, мия билан эмас. (Яъни кўрган нарсаларининг моҳиятини ақл билан эмас, юзаки, шунчаки юрак билан қабул қиладилар). Кўпчилик одамларнинг қарашлари шундай. Оллоҳ таоло деган (Қуръон: 17-сура, 6-оят): «Чунки қулоқ, кўз ва қалб — уларнинг барчаси у ҳақда (Оллоҳ билдирган нарсалар ҳақида) сўроқ қилинади»⁸. Абу Таммом⁹ айтган:

*Бутун ҳақимлар дейдиларки,
Мард кишининг тили — қалбининг хизматкоридир.*

Жамийл ибн Маъмар ал-Узро¹⁰ дейди:

*Биз ўйноқилик манзилида эканимизда
Ўзга қулоқлар ва кўзлардан ҳайиқар эдик.*

Чунки улар хуфёна (зимдан) пойловчи аъзодирлар. Улар то ўзлари учун яширин нарсани билиб олмагунларича, тешик орқали мўралайдилар ва тинглаб турадилар.

Бирор нарсанинг фойдали эканлигини тўлалигича фақат уни йўқотгандан кейингина билинади. Шунинг учун бу сезгининг (эшитишнинг) фазилати, фақат у йўқ эканидагина билинади. Карни кўр билан қиёслаш унинг кўра олмаслиги туфайлигина мумкин. Демак, Оллоҳ таолонинг сўзлари ҳақдир (Қуръон: 10-сура, 43—44 оятлар; 28-сура, 71-оят): «Лекин сен кўрларни кўзинг кўрмаган ҳолда йўлга сола олармидинг...». Ва яна Оллоҳнинг бу сўзлари: «Сен карларни эшитмоққа мажбур қила олармидинг, токим улар ниманидир тушунсинлар деб...»¹¹. «Бу сўзлар билан (бандаларига) кеча ва кундузни йўқ қилиш ҳақида огоҳлик бермаганмиди?! Ҳақиқатан, Оллоҳ инсонларга ҳеч нарса билан зулм қилмайди, лекин инсонларнинг ўзлари ўзларига зулм қиладилар...»¹²

Қолган бошқа сезгиларга келсак, улар гавдага кўпроқ боғлиқ, жонга эмас. Улар кўпроқ ҳайвон табиатига оид, инсон табиатига эмас. Бордию, инсон улардан фикрлов, фикрлов орқали эса хулосалар ёрдамида оқилона фойдалана олса, шунда у бу сезгилар ҳис этадиганларини ўрганишда кўп нарсаларга эришиши мумкин.

ИСТИРОҲАТ

Бирлашмоққа интилиш бир хиллиликдан келиб чиқади. Дейдиларки, «Бир хил нарса ўзига ўхшаш нарсага интилади, куш ўз оға-инилари билан бирга бўлади». Билмайсанми ахир, соқов учун бошқа барча одамлар соқов бўлиб туюлади. Чунки у ўшалар билан ўзининг тилакларини англатувчи қўл ҳаракатлари ва белгилари орқали муомала қила олади, холос. Соқов ўзига ўхшаганини топса, тинчийди, бутун борлиғи билан унга сари талпинади. У худди унинг тилини билмайдиган одамлар орасида ўзининг тилини тушунадиган кишини топгандай бўлади.

Оллоҳ таоло деган: «Сизларни бир жондан яратган, унга осойиш топсин деб бир жоннинг ўзидан жуфтини яратган ўшадир»¹³. Оллоҳ таоло яна деган: «Унинг аломатларидан (яна бири) сизлар (нафси қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир» (Қуръон: 7-сура, 189-оят; 30-сура, 21-оят)¹⁴. Бунга яна ёвузликдан ҳимоя қўшилса, бу мувофиқликни икки бор оширувчи ва бузилишни йўқотувчи кучга айланади. Агар бундай бирлашувдан бир томон ёки ҳар иккала томонга фойда бўлганда, бу истаклар мувофиқлашувининг ниҳояси бўлади. Бундай аҳвол ривожлана бориб, охири одамлар ўртасидаги ўзаро ёрдамни келтириб чиқаради, уларнинг бирга яшамоқларига, шаҳар ва қишлоқларнинг юзага келмоғига сабаб бўлади.

ИСТИРОҲАТ

Инсон табиатан мураккаб гавдага эга. У қарама-қарши ҳаракатдаги қисмлардан иборат. Улар фақат бўйсундирувчи куч туфайлигина бирлашганлар. Жон эса ўзининг кўп жиҳатлари билан гавданинг мизожига (темперамент) бўйсундирилади. Шунинг учун унинг ҳолати турли-туман бўлади ва ўз характериға кўра, хилма-хилдир. Маълумки, қарама-қарши томонлар, жамланмоққа мажбур бўлгач, доимо бир-бирларидан узилиш йўли билан бу мажбуриятдан қутулмоққа интиладилар. Агарда бир қарама-қарши томон кучая борса, бу ҳол шу томоннинг ўзига қарши томон устидан ғалабасини англатади, мағлуб томон енгган томонга ўхшаш бўлиб қолади. Бу эса ҳайвонда юз берувчи нотоблик ва касалликларнинг келиб чиқишиға сабабчи бўлади. Улар жониворнинг ичида уни ташқаридан ўраб турган қарама-қаршиликлар туфайли келиб чиқади.

Инсон эса ўзининг яланғочлиги ва ожизлиги, унда ҳимоя органларининг йўқлиги учун бошқалар томонидан синовларға дуч қилинмоқлари туфайли ҳар доим ўзини сақлайдиган нарсаға зарурият сезади, эҳтиёжларининг қондирилишиға муҳтож бўлади.

Шоир деган (Беруний бу шоирнинг номини айтмаган.. — А. Қ.):

*Кишининг ўлими билан унинг эҳтиёжлари ҳам ўлади,
Аммо у ҳали тирик экан, унда доимо қандайдир эҳтиёж бўлади.*

Талаблар эса шунчалар турли-туманки, инсон бир ўзи уларни қондирмоққа имкони йўқ, бунинг учун унга битта ёрдамчи ҳам камлик қилади. Талаблар ҳар хил ва кўп сонли. Фақат бир неча одам жам бўлсагина, эҳтиёжларни қондирмоқ мумкин. Бунинг учун эса одамлар (кўрғонлар, қишлоқлар ва) шаҳарлар тузмоққа эҳтиёж сезадилар.

Оллоҳ, Унинг номи шарафли бўлсин, одамларга танлов ҳуқуқи бермоқ йўлида йиғилмоқ, бирлашмоқ ва турар жойлар тузмоқ имкониятини берган. Уларнинг тилаклари ва кучларида фарқларни яратган. Буни уларнинг бирон-бир энг юксак ва гўзал нарсани танлашда бир-бирларига дуч келмасликлари учун қилган. Бу ҳол ундан (юксак ва гўзал нарсадан) қуйи нарсанинг йўқолмаслиги, одамлар ўртасидаги умумий бараварлик уларнинг ҳаммасини ҳалокатга келтирмаслиги учун қилинган.

(Натижада) одамларнинг мақсад ва ниятлари турлича бўлди, санъат ва ҳунарлар ҳам ҳар хил бўлди. Бир киши бошқа бировни ўзига ходимликка олди. Яъни, бошқа биров унга адолатли келишув асосида ҳар доим хизмат қиладиган ва бунинг эвазига тегишли ҳақ оладиган бўлди. Зўравонлик ва ёллов воситасида амалга ошириладиган мажбурий меҳнат доимий ва барқарор эмас.

Эҳтиёжларнинг ортиши, уларнинг турли вақтларда келиб чиқиши, яна бирортанинг вақти-вақти билан бошқада бор нарсага эҳтиёжи бўлмаслиги — булар ҳаммаси одамларда қийматни баҳолаш воситасини, яъни бир ўлчовни изламоққа олиб келди. Чунки ҳар бир ҳолатда бирор нарсанинг ўз қийматига мос келувчи баробар қийматини ўрнатмоқ қийин эди. Бундай ўлчов учун одамлар ўз кўриниши, ярқироқлиги билан назарни қувонтирадиган ҳамда кам учрайдиган ва узоқ сақланадиган нарсани — олтинни танладилар. У (олтин) айрим бўлақларини бирлаштирув орқали бир бутун қилиб катталаштирилиши, яна айрим бўлақларга ажратиш орқали кичрайтирилиши мумкин. У узуклар ясамоққа ярайди. Уларга ўйиб муҳр ўрнатмоқ ҳам, турли тасвирлар солиш ҳам мумкин. Аммо бундан олтиннинг моддий қиймати, ашъвий асоси ва моҳияти асло ўзгармайди.

Оллоҳ — У буюк ва шарафлидир — ўзи яратганларининг эҳтиёжларини асбоблар воситасида қондиради. Инсонни унга берилган ақл орқали тўғри йўлдан олиб боради, ақл кўрсатилган йўл-йўриқларни қабул қилувчидир. Шундан сўнг пайғамбарлар — уларнинг ҳаммаларини худо раҳмат қилсин — шоҳлар ва уларнинг инсонлар орасидаги ноиблари орқали одамларни келажакдаги яхшиликлар сари йўналтирадилар. Булар ҳаммаси Оллоҳ таолонинг иродаси билан амалга ошади. Оллоҳ ҳаммани дунёнинг барча ишларида адолат билан иш кўрмоққа чорлайди. Худди шунингдек, у ўзи яратганларга раҳм-шафқат ва ғамхўрлик кўрсатади.

Одамлар яратилгунигача Оллоҳ улар учун керакли кўп нарсаларни ер остида баланд тоғлар қаърига йиғиб қўйди. Улар бу нарсалардан савдо-сотикда ёки ҳимоя учун фойдалана оладилар. Бу ҳақда Оллоҳ таолонинг айтганлари бор: «Ёрни ёзиб қўйдик, унга мустаҳкам турувчиларни ўрнатдик ва унда ҳар хил нарсаларни андозаси (ўз меъёри) билан ўстириб қўйдик» (Қуръон: 15-сура, 19-оят) ¹⁵. Шундан сўнг олтин ва кумушни мутаносиб (эквивалент) этиб белгилади. Улар барча керакли нарсаларга баҳо каби бўладилар, дея одамлар ўзаро келишиб олдилар. Оллоҳ бунинг йўлини кўрсатди, одамларни конлардан уларни (олтин ва кумушни) қазиб олмаққа ўргатди. Улар конларда асрлар

оша беркитиб қўйилган эди. Оллоҳ ҳукмронларга буларни ўшаларга ўхшаш, аммо фарқли металлардан қалбаки нусхаларини ясовчи алдамчилардан ҳимоя қилмоқни буюрди. Яна (олтин ва кумушни) тоблаш ва қиздириш йўли билан чиркинликлардан (кирлардан) тозаламоқни ҳам топширди. Чунки ҳақ билан бирга ноҳақ нарса ҳам бўлади. Ҳаққа қарши, албатта, алдамчи туради. Алдамчи ўзини ҳақ деб кўрсатмоқчи бўлади. Бундай шароитда муносиб ҳукмронлар ҳаққоний бошқарув шартларига риоя қилмоқлари шарт. Ўшандагина улар халқ ўртасида Оллоҳ тайинлаган бошлиқ ва «Оллоҳнинг ердаги элчиси» унвонини оқлаган бўладилар. Ўшандагина улар Оллоҳнинг, Унга шарафлар бўлсин, айтганларини амалга ошира оладилар. Ўшандагина юқори ва қуйи, кучли ва ожизлар ўртасида адолатни ўрнатмоқ мумкин бўлади.

Эзгуликни амалга оширишда Ундан мадад тилаганларга Оллоҳ мадад берсин!

ИСТИРОҲАТ

Оллоҳ олтин ва кумуш ёрдамида одамларга турмуш қийинчиликларини, озуқалар алмашинувини енгиллаштирди. Кишилар қалбида бу металларга ошиқиш пайдо бўлди, жонларида бу металларга мойиллик юзага келди. Бу эса худди шу металларда қўлдан қўлга ўтишга интилиш пайдо бўлганига ўхшар эди. Уларни йиғиш ва кўпайтиришга ҳавас кучайди. Шу металларнинг ҳурмати баланд бўлди ва мавқеи кучайди. Аммо бундай ҳолат баъзи бир тартиб-қоидаларнинг натижаси эди. Табиатан юзага келадиган асл ҳол эмас эди. У одамларнинг шартли равишда келишиб олганларига биноан юз берган. Чунки ўша иккала маъдан (олтин ва кумуш) ўз моҳияти жиҳатидан қоринни тўйғиза олмайди, чанқовни бостира олмайди, зўравонликка қарши чиқа олмайди ёки ёвузликдан ҳимоя қила олмайди, ҳар бир нарса ўз моҳияти эътибори билан ўша одам ёки ҳамма учун озиқ-овқат сингари инсоннинг яшамоғи ёки авлодини давом эттирмоғига ярамаса, ёки кийим каби зарардан, иссиқ-совуқдан сақлай олмаса, ёки уй-жойга ўхшаб ёмонликдан асровчи восита бўла олмаса, у, аслида, табиатан мақтовга нолойиқ нарсадир. У тасоdffий равишда мақталадиган (нарсa бўлиб қолган). Чунки у орқали керакли нарсани қўлга киритадилар. У нарсани бошқа восита билан ололмайдилар. Шунинг учун ҳам олтин (ва кумуш)ни мутлақ эзгу деб биладилар. Чунки у мақсадга эришувга хизмат қилади. Бу ҳақда келган ваҳий барчага маълум. Яъни Оллоҳ таоло деди: «Сизларга тақдири азалда белгилаб қўйилганидек, кимгаки ўлим юзма-юз бўлган пайтда у ўзидан бойлик қолдирган бўлса...»¹⁶ Ва яна «Йўлингда ғов бўлиб турган бойликка маҳлиё бўлма, душманга бўйсунма, гуноҳкорга (шерик бўлма)...»¹⁷. Оллоҳнинг сўзлари билан яна: «У чиндан ҳам бойликка қаттиқ муҳаббат қўйган»¹⁸. Шундан ушбу мақол ҳам пайдо бўлган: «Дирҳам эҳсон қилган бойлигини эҳсон қилди демак». Зеро, унинг мазмунида бойлик бор (ҳисобланади), аслида эса уларнинг (олтин ва кумушнинг) табиатида бойлик йўқ.

Денгизда саёҳат қилган бир киши ҳикоя қилган эди. Улар тушган кемани шамол суриб кема йўлидан четда турган бир оролга тақаб қўйди ва улар ноилож кемани шу жойда тўхтатдилар. Ўша саёҳатчи бошқа сайёҳлар билан бирга оролга тушган. У бу ерда яшовчи бир кишидан ўзига керакли нарсаларни олган ва унга динор (олтин танга) берган. Орол кишиси бу динорни олгач, уни айлангириб кўрган. Ҳидлаган. Таъмини татиб

кўрган. Бу одам ўз сезиш органлари орқали фойда ёки таъм белгиларини сезмагач, тангани эгасига қайтариб берган ва деган: «Ҳар бир фойдали нарса эвазига фойдасиз нарса билан ҳақ тўламоқ ярамайди». Ҳаётим билан қасамёд қилиб айтаманки, (бу ўзаро зарур нарсалар билан алмашиб қилинадиган) табиий савдо шаклидир. Ана шундагина маданий одамларда ўзаро хизмат чоғи чин тартиб ўрнатилган бўлади.

Халқлар ва мамлакатлар ҳақида бизгача етиб келган маълумотларга кўра, савдода ўрнашган шакл металллар воситасида амалга оширилади. Бу металллар одамлар кўзига қадрли кўринадилар ва одамлар юраги уларга ҳавас ва иштиёқ билан қарайди. Оллоҳ эса ўз меҳру шафқати асосида уларни одамларга ўз ишларини битирмоқлари учун (восита қилиб) берган, уларнинг ўзлари учун берган эмас. (Қуръон: 57-сура, 20-оят): «Билингиз! Бу дунё ҳаёти фақат ўйин, беҳудалик, зийнат. Ўзаро фахрланиш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборатдир»¹⁹. (Қуръон: 9-сура, 34-оят): «Ва унга ҳамдлар бўлсин, Оллоҳ деди: «Одамларга мол-дунё жилвали кўрсатиб қўйилган»²⁰. Хотин, бола-чақа, тўплаб қўйилган олтин ва кумуш, тамға урилган отлар, чорва, экин-тикинлар — буларнинг бари бу дунё учун, Оллоҳнинг ҳузури эса (бу ўтқинчи мол-дунёдан) гўзалроқ»²¹. «Олтин ва кумушларни йиғиб олиб, уларни Оллоҳ йўлига сарф қилмайдиганларга аламли азоб борлигини хабар қил»²². (Қуръон: 3-сура, 14-оят): «Аёлларга, фарзандларга, қиммат отларга, чорва ва экинларга ҳирс қўйиш одамларга зийнат қилинган. Лекин булар бу дунёнинг молидир. Оллоҳнинг ҳузурида эса энг яхши макон бордир».

Олтин ва кумушга нисбатан Оллоҳнинг йўли шундай: олтин ва кумушни одам қўлма-қўл айланмоққа қўйсин; улардан ўз фойдасига доир ишларда баҳо сифатида фойдалансин. Лекин агар уларни хазина қилиб йиғиб берилса, одамларнинг улардан фойдаланмоқлари тўхтайдиган, уларга нисбатан Оллоҳ таолонинг буйруғи ва иродаси бузилади, унинг марҳаматига путур етади. Чунки бундай ҳолда олтин ва кумушлар ўзларининг ер остидаги дастлабки ҳолатларига қайтарилгандек бўладилар. Бу эса ҳомиланинг она қорнига қайтариб солиб қўйилганидек.

Ҳақиқатда эса олтин ва кумуш конлардан қазиб олингандан сўнг йиғилган дон-дун ёки сўйилган ҳайвон каби бўлиб қоладилар. Уларни емоқ, сарф этмоқ керак. Худди шунга ўхшаб бу бойлик қазиб олингандан кейин олтин ва кумуш тангаларга айлантирилиб, одамларнинг савдода ўзаро ҳисоб-китоб ишларида ва зарурий тўловларда ишлатилмоқдан бошқа вазифаси йўқдир.

ИСТИРОҲАТ

Мурувват инсоннинг ўзига, яқинларига, мулкига доир мажбуриятларни юклайди. Футувват эса бундан баланд туради²³, у бошқаларга ҳам доир. Олийжаноб инсон (маръ) ўз вужуди ҳамда ҳеч кимнинг даъвоси бўлмаган ўз мулкигагина эгалик қилади. Аммо у ўзгаларнинг қарзини ўз устига олса, уларнинг тинчи учун қийинчиликларга чидаса, Оллоҳ унга берган, лекин ўзгаларда бўлмаган нарсаларни қизғанмай бошқаларга берса, у фато (футувват) бўлади. Бундай одам ўзининг шундай ишга қодирлиги туфайли шону шавкатга эга бўлади, ўзининг яхшиликка ҳозирлиги, марҳаматлилиги, қатъия-

ти, чидамлилиги, фазилатлари, шу билан бирга камтаринлиги билан юқори мартабага эришади. Гарчи у келиб чиқиш жиҳатидан бундай одамлардан бўлмаса ҳам, қадимий насаби туфайли эмас, ўз хизматлари туфайли, шундай баланд мавқега эга бўлади.

Жаҳза ал-Бармакий²⁴ айтиб берган эди. Басрада бир одам бўлган. У ҳар куни ўзининг ясанли кийимларини кийиб, йўрға отига миниб, одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун йўлга чиқар экан. Бу тўғрида ундан сўраганларида у жавоб бериб деган: «Мен ўз ҳаётимнинг энг ёқимли пайтларида овози дарахтлардаги қушларнинг овози сингари энг яхши ашулачилар куйлаётган, нодир садолар янграётган чоғда соф шароблар ичиб (роҳатланганман). Аммо бундай роҳат мендан яхшилик кўрган кишининг ўз яқинлари ҳузурда менга миннатдорлик изҳор этишидан оладиган шодлигимга баравар кела олмайди». Шунинг учун ҳам футувват ёқимли хурсандлик, марҳаматли туҳфа, олийжаноблик ва зўравонликни йўқотувчи деб белгиланган.

Машхур насабли бир киши Исмоил ибн Аҳмад Сомонийга²⁵ ўз аждоди номидан ёрдам сўраб мурожаат қилган. Исмоил унинг хатига бундай деб жавоб ёзган: «Сен аждодларнинг улуғлиги билан эмас, балки ўзинг, ўз кучинг билан шараф қозонадиган одам бўлгил».

У шоир сўзларини кўзда тутган:

*Исомнинг жони юксалтирди Исомни²⁶,
Ботир ҳужумкорликка ўргатиб уни.*

«(Эй инсонлар!). Сизларни (мол-дунё) кўпайтириш иштиёқи то қабрларни зиёрат қилмагунингизгача машғул қилади. Ҳатто мақбараларингиз (кўплиги билан фахрла-ниш)гача бордингиз»²⁷ (Қуръон: 192-сура, 1—8-оятлар).

Бир юнон деган экан: «Кимки, қариндош-уруғларини рўқач қилиб, кимлар билан алоқа йўлини изласа ва ўлган аждодлари билан ғурурланса, унинг ўзи ўлик, ўша марҳум аждодлари эса тирикдир».

Бу тўғрида шоир ёзган:

*Агар мард одам юксакликка ўзини ўзи қўтара олмаса,
(Марҳумларнинг) чириган суюклари фахрга сабаб бўла олмайдилар.*

Гоҳо *фато* (футувватли киши) меъёрдан ўтиб ҳам кетади. Улар мулк жиҳатидан ўзгаларни ўзларидан ортиқ қўйиб, ҳатто ўзларини улар учун қурбон қилмоққача борадилар, чунки уятдан ҳайиқадилар; ёки адолатсизликни йўқотмоқ учун ёки ўзларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига таяниб шундай қиладилар. Улар худди араблар ичидаги қароқчиларга ўхшаб жасурлик кўрсатган ва ўз меҳмонлари учун жон фидо қилганларга ўхшайдилар. Улардан ҳимоя сўраганлар учун ҳам шундай қилганлар. Баъзилар эса ўз қилиқлари билан беҳудачиликкача бориб етганлар. Масалан, ўз чодирларининг атрофига ўрнашиб олган чигирткаларни ҳимоя қилиб, уларни овлаётганларга қарши курашганлар. Яна айримлари Хотам ат-Тойъий²⁸ сингари олийжаноб ва карамли бўлганлар. Яъни Хотам ат-Тойъий сингари ўз рақибига у ҳалокат асносида экан пайтида (футувват кўр-

сатадилар). Танасидан жони чиқиб кетаётган рақиб айёрлик билан Хотам ат-Тойъийдан найзасини бериб туришини сўраганда, Хотам раҳмдиллик қилиб рақибига ўзининг найзасини берган эди. Ёки Каъб ибн Мома-ал Аёдий²⁹ сингари ўз чекига теккан сувни ўз ўртоғига берган. Чунки ўртоғи ан-Нумайрий сингари (сен ҳам менга) биродарингга сув бергин, деб илтимос қилган эди. У сувни ўртоғига бериб, ўзи ташналикдан ўлган.

Шоир ёзади:

Саховатнинг ниҳояси фидойиликдир.

Бошқа шоир ёзган:

*Шавкатлилар ичида энг шавкатлиси —
Тонгги, кечки ичимлигин вақтида ичган эмас,
Тун ҳам, тонг ҳам душманга зарба бериб,
Дўстга наф келтирган кас.*

Али ибн ал-Жоҳим³⁰ деган:

*Сахий гар бемолу мулк, уятмас, бу бандаликдир.
Йўқса эзгуликка рағбат — баайни шармандаликдир.*

Биринчи мисрада у футувватни кўзда тутган. Чунки уни қалб саховати, ҳамда катта мол-дунё борлигида амалга оширилади. Баъзан футувватга интилишни унинг ўзи билан (яъни молу давлат борлиги) билан баравар қўядилар. Бирор кишига тақдир истаган нарсасини амалга оширмаққа, (Саховат, қўли очиклик кўрсатишга) имкон бермаса, ундай одамдан гина қилмаслик керак. Иккинчи мисрада эса шоир олийжаноблилик (мурувват)ни кўзда тутди. Чунки олийжаноб инсонларнинг мағрур юраклари ҳар қандай ўз-ўзини чекловни рад қиладилар, улар ўзларини тубанликдан сақловга ҳаракат қиладилар. Улар имкон борича ўз бойликларини кўрсатмоқчи ва эҳтиёжларини яширмақчи бўладилар. Уларнинг ҳақиқий аҳволини билмаганлар бундай одамни бой деб ўйлайдилар. Чунки буларнинг харажатда чекланмасликларини, таналари тоза, кийимлари кўркамлигин, Оллоҳ берганларини ва беришдан маҳрум этмаган нарсаларини бошқалар билан баҳам қўришларини, бу ишларни беминнат, унинг эвазига ҳеч нарса талаб этмай қилаётганларини кўриб турадилар. Оллоҳ таоло (Қуръонда) уларни ўқитганки: «Қилган эҳсоннинг орқасидан миннат қилиб ва озор бериб, уни барбод қилманг»³¹. Оллоҳ бизни огоҳлантирадики, кўз бўямачилик, тубан мақсадлар йўлида, (гўё) марҳамат юзасидан имкони бўлмаган сарф-харажатлар Оллоҳга манзур эмас. Оллоҳнинг ажру мукофотига (бундайлар) сазовор бўлмайдилар.

ИСТИРОҲАТ

Ўткинчи бўлмаган маънавий ишлардан ақлли киши қониқиш ҳис этади. Беақл эса нарсаларнинг ҳақиқий қимматини билмайди. Чунки уларни ҳислар қабул қилади, шун-

дагина уларнинг қанчалар лаззат бағишловини тушунмоқ мумкин. (Шу сабабли) беақл киши ўз назарини турли безаклар билан ясантирилган ерга йўналтиради, чиройли йиғиштирилган жойларга қаратади. Бундайлар эса тилсиз ҳайвонни ҳам шодлантирмоғи мумкин. Чунки ернинг мўл-кўл хидларидан (ҳайвон) эрмак топади, ундан лаззатланади. Нутқ эгаси бўлган вужудларнинг (яъни одамларнинг) бунинг моҳиятини баҳолашга қодирлиги тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Ақлли одам бу нарсаларнинг ҳаммасини ақл кўзи билан кўриб, чуқур англаб билгандагина ундан руҳий қониқиш олади. Бепарво кимса эса жисмоний лаззат олади, холос. Бу ҳол унда кун бўйи емоқ, ичмоқ, шароб ичиб маст бўлмоқ фурсатларида пайдо бўлади. Бу ва бунга ўхшаш ҳамма нарсаларга (ўткинчи лаззатларга) фақат қисқа муҳлат берилган. Ўша муддат ўтиб кетгач, тарқалиш келиб чиқади — зангори бўлган нарса сарғаяди, ширали бўлганлари бемаза бўлади, улар қуруқ шохларга айланадилар, сўнг шамол совуриб юборади, бўрон кул қилади, оқимлар ахлат сингари оқизиб кетадилар ва ҳаммасининг ўрнига қирғоқларда чиқитлар пайдо бўлади. Булар ҳаммаси ўтиб кетгандан сўнг одамларнинг қалбида фақат элас-элас эсдаликларгина қолади. Қўрқувдан оқарган юзлар сариқ ёки ўтлоқ заъфаронини эслатади, тикилиб қараган кўз қорачиқлари очилган нарғиз гули ўртасидаги қора нуқтани ёдга солади. Тўқ қизил лаблар — анор (тўқ қизил рангли қимматбаҳо минерал кўзда тутилмоқда. — М. И.) доналарини, оппоқ тишлар — ёмғирдан сўнгги мойчечакни, мўйлаблар ўрнида эса ўсиб чиқаётган хатт (гўзалнинг лаби қирғоғидаги майин тук қаторини), намозшом гули ва бинафшани эслатади. Лекин бу хотиралар тасодифлардан ўзга нарсалар эмас. Улар тун ва кунларнинг алмашинуви орқали умри чекланганлардир. Жаннатдагилардек ўзгармас, фақат улар учун белгилаб қўйилган абадийлик ҳолатида бўла олмайдиган одамларга хосдир. (Ваҳоланки), баъзилар ўша қисқа (роҳат-фароғат, лаззатлар) муддатини абадий деб ҳисоблайдилар.

Бунинг ўрнига жаннатдагиларга бошқа тимсоллар белгилаб қўйилган. Улар қимматбаҳо тошлар. Бундай тошлар ер остида ёки қоялар тагида кўмилганлар. Ёки тўлқинли денгизларнинг тубида беркитилганлар. Улар асрлар давомида ёнларидан ўтувчи ва йўқ бўлиб кетувчи, (аммо уларнинг мавжудлигини сезмай ўтиб кетувчи) авлодлардан узоқроқ яшайдилар. Бу тошлар инсонлар учун авайлаб асралган. Оллоҳнинг сўзларига биноан «У иккисидан (аслида шўр сувлисидан марварид ва маржонлар чиқур). Бас, (эй инсонлар ва жонлар) Сизлар улардан тақадиган зебу зийнат чиқариб олурсизлар. Уларнинг баданлари тиниқлик ва силлиқликдан гўёки ёқут ва маржонлар кабидир. Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!³². «Денгиздан тошлар олиб чиқиб ўзларингизни безайсизлар»³³. Қимматбаҳо тошларни жаннат ҳурларига ўхшатилади. «Оллоҳ таоло деди: Улар айна ёқут (ва) дур эрурлар»³⁴ (Қуръон: 55-сура, 22—23 оятлар).

Агар қимматбаҳо тошлар безак сифатида ишлатилмаганда эди, олтин билан кумушдан фарқ қилмаган бўлар эдилар. Чунки улар ҳам ўзларича одамларнинг эҳтиёжини қондира олмайдилар. Тўғрироғи, улар ўртасидаги фарқ шундаки, олтин ва кумуш бир афзалликка эга. Улар одамлар учун керакли ва лозим нарсаларнинг баҳосини белгилайдилар. Қимматбаҳо тошлар ҳам улар орқали баҳоланади. Тўғри, гоҳо улар (олтин ва кумуш воситасида) баҳоловга муҳтож бўлмайдилар. Чунки уларнинг ўзлари ашёвий

қимматли нарсадирлар. Уларнинг фазилати шундаки, бундайларни гўзаллик сифатида ҳис-туйғу билан қабул қилинади, шунга қараб баҳоланади. Улар ўзларича бор бўлганида шундай бўлади. Уларни маънавий бойликлар билан қиёс қилинганда ҳақиқий фазилати очилади. Шунда уларнинг мақталган сифатлари нуқсон сифатида ҳам кўрилади.

Бу шунга ўхшаб кетадики, Абу Бакр Хоразмий³⁵ бир кишини олийжанобликда гавҳарларнинг гавҳари деб мақтаган, аммо ўша одам чиғаноқдаги гавҳар эмас, (кўчма маънода) у эркин яралган ёқутларнинг ёқути, аммо тош-ёқут эмас.

ИСТИРОҲАТ

Инсон эга бўлган сари унга янада кўпроқ эга бўлишга интиладиган нарса чин лаззат бағишлайди. Илгари билмаганини билганида, инсон жонининг ҳолати шундай бўлади. Аммо тани жондан устун келади. У зўриқиш ва чарчоқликдан сўнг дам олишни истайди. Жонни у машғул бўлаётган ишдан узиб олади. Чунки ҳис-туйғулар фаолияти туйфайли чарчаганда лаззат бўлмайди. Уйқуда эса тафаккур қуввати хаёлотнинг (чалкаш манзаралари) билан чекланади.

Қабул қилинаётган товушларнинг маъносини тушуниб етганда лаззат юзага келади. Агарда бу товушлар маъносиз бўлса, жон ўз табиатига биноан улардан чарчайди ва осойишталик, жимликда улардан дам олмоқни истаб қолади. Жисмоний лаззатлар эса уни синаб кўрганларга ўзидан кейин изтироблар етказди, охири хасталикка олиб келади. Бундай лаззатлар узоқ давом этгудай бўлса, безор қиладилар ва меъеридан ошиб кетсалар изтироб етказдилар. Бунга сенинг учун овқат емоқдан оладиган лаззатлар етарли далил бўла олади. (Яъни), овқат ейишнинг бошида кўпроқ емоқни хоҳлайди киши. Сўнгра бу истак камая боради, охирида эса энг қуйи даражага келади. (Меъёрдан ортиғи)дан кўнгил айниш ва ўқчиш пайдо бўлади. Ўқчишдан сўнг фақат мажбурият туйфайлигина овқат ейилади. Бу эса жоннинг оладиган лаззатига зид. Жон бирор нарсани билгандан кейин, унинг оладиган лаззати бошлангандан сўнг бу лаззат ҳар доим орта боради, у бирор ниҳоясида тўхтамайди; бу лаззат олдида дунёнинг (бошқа) гўзалликлари беҳуда, унинг чиройи хунуклик эканига ишончини кучайтира боради.

Ёки жинсий алоқани олайлик. Унга жони тўғрисида ўйламайдиган фикрсиз кимсалар берилиб кетадилар. Сен яқинлик қилаётганларни кўрасан. Улар ўзлари ожиз бўлган ишга — ўз севгилиси билан тўлиқ бирлашиб кетмоққа интиладилар. Лекин етишиб бўлмайдиган мақсад уларни яна такрорламоққа мажбур қилади. Мана у кўкраклар, бир-бирига ёпишсин ва юраклари яқинлашсин деб ёрнинг бўйнидан кучоқлайди. Улар шундай нафас оладиларки, нафаслари қовушиб кетади, уларнинг юраклари биргаликда тепишади. Ўпкаларининг ҳаво олиши ҳам...³⁶ Аммо яқинлашувдан кейин севгучи ғоят ачинарли ҳолатга тушади. Барибир, сал дам олгач, у худди маст кишидек яна шу ишга қайтади. Ҳолбуки, инсонлик табиати унга эркин ирода берган. Ҳайвон учун эса бу ҳаммаси табиий ва зарурийдир.

Мутаваккил³⁷ тўғрисида бундай ҳикоя қиладилар: унинг мизожи султ эди ва жинсий алоқа қила олмас эди. Қовушмоқликдан у қониқиш ҳис этмас эди. Унга ҳавзани симоб билан тўлғазганлар. Тагига теридан қилинган кўрпача солиб, уни симоб усти-

га ётқизганлар. Симоб унинг олатини ҳаракатга келтирар, ўзи эса қимирламасди. Бу унга роҳат бағишлар эди. У (симобни) қаердан олинмоғини сўради. Унга Озарбайжонда аш-Шийз³⁸ деган жойдан эканини айтдилар. У ўша ерга Ҳамдун ан-Надиймни³⁹ ҳоким этиб тайинлади. Ҳоким унга симоб етказиб турмоғи лозим эди. У эса деди: «Аш-Шийзга ҳокимлик — истеъфодир. Ундан бўшатишмоқ эса ноибликни эгалламоқ бўлади. Агар менга раҳмли бўлсанг, мени у ердан бўшатмоқ тўғрисида буйруқ бер». У Мутаваккилдан шунчалар илтимос қила бердики, охири у ҳокимликдан озод қилинди. Бундай ортиқча ишлар кучни заифлаштиради. Бу лаззатлар орасида икки хил изтироб, икки хил ёмонлик бор. Улар гўё яхшиликдай туюладилар. Худди яратиш ва табиат томонидан ўрнатилган тузоққа ўхшайдилар. Улар орқали турнинг вақтинча сақланмоғида ҳамда зотнинг доимий давомига эришилади. Бу эса роҳат ва лаззат бор вақтидагина мумкин бўлади. Улар тажрибасизларни алдов билан қўлга оладилар, беақл бундай алдамчиликка лаққа тушади. Меъёр кетади. Аммо аслида-чи, (меъёр бўлса), ана шулар ёрдамида оламни уюштиришдек илоҳий мақсад амалга ошади. Бу ерни ҳайдаш, авлод қолдириш, тирикларни (тирикликни) яратиш мақсадидир.

Яна инсон оғзидан ёмон ҳид келмоғига ҳам мубтало бўлган, гарчи табиатан унинг ҳиди соғломдир. Бундай ҳол унинг ичида ташландиқ ва хилтлар йиғилиб қолганлигидан келиб чиқади. Улар оғиз ва чиқарув тешиги орасида тўпланадилар. Айниқса, уйқудан кейин оғиздан келадиган ҳид бадбўй бўлади. Қорин очлигида ва эрталаб кучоқлашишгандан кейин иккаласининг ҳидлари ўпич ва тупук орқали қўшилиб кетганда шундай бўлади.

Ибн ар-Руммо⁴⁰ деган:

*Тонгда боғлар ҳиди ёйилгани ёқимлидир,
Аммо одамларнинг ифорлари бошқача.*

Маълумки, одам ҳар доим терлайди. Ён-атрофидаги ҳавонинг иссиқлигидан ё ўзини совуқдан асрамоқ учун ўрганган кийимлари туфайли буғ пайдо бўлади. Яна ўз иши билан банд бўлиб кучли ҳаракатлар қилганда ҳам шундай бўлади. Терининг тешикларидан секин-аста буғланувчи ва сезилмасдан бузиладиган ажратмалар йиғилиб қолади. Шулар чиқаётганда терлаш юз беради. Тер қўлтиқ остида йиғилса, у ёқимсиз ҳид беради. Оёқ оралиғида йиғилганда, оёқ бармоқлари орасида ва оёқ остида тўпланганда ҳам шундай бўлади. Одам бундай ҳолатда пайпоқ ҳидидан холи бўлмайди. У худди ботқоқ юзасидаги балчиқ ҳиди каби сассиқдир. Тана аъзоларининг бир-бирига суйкалиши натижасида ҳам, бу ҳаракат вақтида содир бўлади, инсон терисидан шундай ҳид чиқади. Буни сен бир панжангни иккинчисига сурункасига ишқалаш вақтида кўрмоғинг мумкин. Танада тер ва кирнинг бирор қисмда бўлмайдиган жойи йўқ. Аммо улар кўздан яшириндирлар.

Ибн Абу Марямдан⁴¹ нега бошни ёпиб ва салла билан ўраб юрадилар деб сўраганларида у деган: «Бош тананинг энг юксак ва олийжаноб аъзоси. У менинг дунёни билмоғимга сабаб бўлувчи нарсани ўзида тутати. Унинг таъсири орқали энг узоқ мақсадларимга эришаман. У, аслида, унга ҳурмат кўрсатмоғимга лойиқдир, шунинг учун у безамоғим ва

кир-чирдан ва зарарли нарсалардан асрамоғимга муносибдир». Ўйлаб кўр, инсон тана-сидаги тешикчалардан доимо қанча хилт ажралади ва чиқиб кетади. Унга қарамоқ ёқим-сиз, унга тегмоққа жирканадилар. Ҳатто уни эслатмоқ жирканчлик туюлади.

Аммо, баъзилар учун гоҳо у диққатга сазовор туйилади, лекин бу жоннинг таъсири туфайлидир. Ақл чекинганда ва севикли ёрнинг нуқсонларини севги туғени яширганида шундай бўлади. Шунда одам маҳбубанинг кўз ёши томчиларини сочилган дурдонага ўхшатади. Шунинг каби оғиз нами таъмини ёқимли деб ҳисоблайди ва уни асалга, шаробга ўхшатади, нафасининг ҳиди эса мушку анбардек туйилади.

У ўзининг ҳиссиётлари туғени туфайли ўзи гўзал деб ҳисоблаган нарсасидаги хунукликни сезмайди. Ўша ёқимли деб билган нарсалари маҳбубанинг танасидан сал нарироққа узилгандан ёки унинг кўзи ва оғзидан чиқаётган нарса қотганидан сўнггина (буни фаҳмлайди). Дарҳақиқат, кўз ёши кўзнинг мижжасида узоқ ушланса, маддага айланади. У олдин тиниқлиги учун беҳад тоза дурга ўхшар эди. Ёш кўз ва юздан узилгач, оғиз нами эса лаб ва оғиздан ажрагач, илгари уларни ёқимли деб ҳисоблаганларда йирганч туйғусини уйғотадилар. У энди булардан сақланади. Энди у уларни татиб кўриш у ёқда турсин, ҳатто тегиб кетмоқни ҳам ўзига нолайиқ иш деб билади.

Мен ҳам ёқиб қолган одам тупурган овқат ёқимли деб ўйламайман. Айниқса, бу яна йўтал билан аралашган, яна бу йўтал ўпкадаги балғамни лабларга ва бурундан оқаётган ёпишқоқ ажралмаларни бурунга келтирган бўлса, агарда ўжарлик устун келса, эҳтимол, бундай чиркинликдан холи одам ҳукм чиқара қолсин.

У эса ҳаммадан олдин ўзини севажагини, бошқани ҳам ўзи учун севажагини инкор эта олмайди. Ўзини севмоқ ўз нуқсон ва чиркинликларини кишининг ўзидан яширади. Чунки «Бирор нарсага ишқнинг кўзи кўр, қулоғи кардир» (Берунийнинг бу иқтибоси машҳур «Севгининг кўзи кўр» деган ўзбек мақолини эслатади. — М. И.).

Лекин у ўзгалар учун ёқимли ва муносиб нарсани ўзи учун ёқимли ва муносиб деб билмайди. Аксинча, у бундай нарсаларни тубан ва ифлос деб итқитиб ташлайди. Шунинг учун ривоят қиладиларки, пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) овқат ва ичимликка пуфлашни таъқиқлаган.

Шундан маълум бўладики, биз айтиб ўтганларимиз асосида уларни номақбул деб билмоқ бор. Мақбул дейиш эса келиб чиққан тасодифийликлар, тасодифийлик эса албатта, йўқолади ва ҳамма нарса аслига қайтади.

ИСТИРОҲАТ

Одамлар дунёдаги ҳаётларида навбатма-навбат турли ҳолатларда бўладилар.

Мақтовга сазовор хатти-ҳаракатларнинг куйи фазилати шундан кўринадики, уларни қилувчи танқидга учрайдиган хатти-ҳаракатни ёқтирмайди, унинг тўғрисида гап бўлишини истамайди ва ўзига ёлғондакам мақтовли ишларни боғлашни яхши кўради. Гарчи у шундай ишларни қилмаган бўлса-да, шундай йўл билан ўзини жазодан сақловни ва номусга қолмаслигини тилайди.

Мақтовли ишларнинг энг юқориси мурувватдир. Бу ишнинг ўзи эса — тозалик ва тартиб. Кимки шуларга ўз ихтиёри билан риоя қилса, у мўл-кўлликка эришмоққа қобил-

дир. Кимки булардан четланса, унинг елкаси қашшоқлик туфайли эгик. Уларнинг ўрта-сида эса ўз турмушидан мамнун (озга рози, қаноатли) одам туради. У ҳаёт учун керакли нарсалар билан таъминланган, улар тугамайдиган даражада. Унинг бахти мақтовли хусусиятларга эга қадрдон дўсти борлигида. Бундай дўст муносиб турмуш тарзини кечиради. Улар иккови жонажон, фақат жисмлари билан фарқлидирлар. Худди ҳақиқий дўст тўғрисидаги мақолда айтилгандек: «У сендир, гарчи сен бўлмасанг-да!». Уларнинг ҳар бири дўсти мақбул топмайдиган нарсадан ўзини узоқ тутуди, ўзи хоҳлайдиган нарсаларни дўсти учун ҳам тилайди. Маълумки, бундай дўст ва улфат фақат битта бўлади. Бу миқдор азалдан чеклаб қўйилган. Бошқа тоифа дўстлар эса одамнинг молу мулкининг дўстидир. Уларни (яъни, ўша хил дўстларни) ўзига мойил этмоғи ва боғлаб олмоғининг эса чеки бўлмайди. Унинг муруввати дастлабки даражада қолаверса, бундай дўстлар кўпая боради. Ана шундай дўстлар орқали у баланд мавқе ва даражага эришади². Эзгуликка интилиш мурувват ортган сари орта боради. Эзгулик ҳаммага, умуман ва айниқса, ўз қариндош-уруғига яхшилик қилиш истагидан иборат; ожизлик пайтида яхши тилаклар изҳори, имкон бўлса, амалий ёрдам кўрсатмоқ ҳам шунга барабар.

Инсонга ҳаммадан ҳам яқини ўз жони. У айниқса, биринчи бўлиб эзгуликни излаш билан юксакдир. Ундан кейингиси унга яқин турганлар. Ана шундай яқинлар ичида энг яқини кийимдир. У танага ёпишиб туради ва терисини ўрайди; уй-жой у одамни ўз ичида тутуди; хизматидагилар унинг талабларини бажаради, идиш-товоқлар, озик-овқат, ва ичимликлар; меҳнат қуроллари — булар инсонга энг яқин нарсалар.

Юзнинг гўзал бўлмоғи, қоматнинг хушбичимлиги — униси ҳам, буниси ҳам ёқимлидир. Кишилар ўзлари билан учрашувчи одамларда шуларни кўрмоқ истайдилар. Ҳатто худонинг элчиси Муҳаммад (с. а. в.), элчиликка қадду қомати келишган, чиройли исмли одамларни юборар эканлар. Агар одамларнинг исми, жойи ва маконларининг отлари (исмларига қўшиб айтиладиган нисбалари) хунук бўлса, уларни жарангдор отлар билан алмаштирар эканлар³. Аммо юз она қорнидаёқ берилади ва уларни алмаштирмоқнинг иложи йўқ. Бирорта яратилган зотни бундай қилиб бўлмайди. Жоннинг қиёфасини эса ахлоқ ва ҳаёт тарзи ўзгартира олади. Чунки у ўз эҳтирослари устидан ҳукмрондир. Уларни ўзгартирмоққа кучи етади, уларнинг салбий томонларини мақтовлига айлантира олади. Бу ҳолга унинг ўз жонини тарбиялаб бормоғи, маънавий муолажа орқали амалга оша боради, носоғликларини ахлоқий китобларда кўрсатиб қўйилганидек изчил кетказмоқ орқали эришилади.

Инсон танасида дастлаб кўзга ташланувчи унинг териси ва ташқи кўринишидир. Гарчи инсон ўз кўринишини ўзгартирмоқдан ожиз эса-да, терини тоза сақловга кучи етади. Агарда у бу масалада сўзлай олмайдиган жониворлардан-да, масалан уйдаги мушукдан тубанроқ бўлишни истамаса, ўз танасини покиза тутта олади. Мушуклар одам-

² Берунийнинг бу сўзлари «Жон дўстинг бошқа, мол дўстинг бошқа» деган ўзбек мақолини эслатади (М. И.).

³ Пайғамбаримиз (с. а. в.)нинг «Фарзандларингизга гўзал исмлар қўйинглар», — деган ҳадислари шунга хосдир (М. И.).

ларнинг уйларида жойлашгач, ўз чиқитларини гиламларда ёки одамлар йиғиладиган жойларда қолдирмайдилар. Улар учун холи жойлар, масалан, одамлар таҳорат ушатадиган жойларни топадилар.

Шундай қилиб, бундай ишлар учун табиий равишда имкон топилган. Бу нарса Оллоҳ сўзлари асосида қонун сингари ўрнашган (Қуръон: 5-сура, 6-оят): «Эй мўминлар, намоз ўқиш учун турганингизда юзларингизни, қўлларингиз тирсагигача ювингиз, бошингизни сув билан силангиз, оёқларингизни тўпиқларигача ювингиз»⁴². Ўйлаб кўр, мушуклар ўз чиқитларини ер остига шунчалар астойдил беркитадиларки, улар асло сезилмайдилар ва ҳид таратмайдилар. Сўнгра мушуклар истинжос қиладилар, яъни ўз чиқарув жойларини тозалайдилар. Бу худди таҳоратга ўхшаб кетади, биқинларини ялаб тоза қиладилар, юзларини сийпалаб «ювадилар», тирноқлари билан бурун катакларини тирнаб аксирадилар, бу худди одамларнинг кўрсаткич бармоқларини ишлатиб, бурун катакларини тозалаганлари кабидир. Бу ишлар ҳаммаси оғизни чайқаш ва бурунни сув билан тозалашга ўхшаб кетади. Бутун намлик йўқолиб битгунгача шундай қиладилар. Яна уларнинг, мушукларнинг бош ва қулоқларини сўлаклари билан ҳўлланган олд оёқлари ёрдамида артувларига қаранг.

Одамларнинг тозаликка интилишлари асосида ювинмоқ учун ишлатиладиган сув ётади. Унинг ҳиди ва хушбўйлигига ҳаво ва шабадалар тўладилар, бу эса ҳаётнинг ўзига тот бағишлайди. Ҳеч нарса ифлосликлардан ёйилувчи нафратли кўринишлар ва сасиқ ҳидларни сув, ёки унга ўхшашлар сингари тозалай олмайди. Диний ишларда таъқиқланган эсада, аммо сув каби таъсир кўрсатувчи суюқликлар сув ўрнини боса оладилар. Араб эркаклари ва аёлларининг ўз қизларига насиҳатлари сувга доирдир.

Абдулло ибн Жаъфар⁴³ қизини эрга бераётганда деган: «Рашкдан сақлан, чунки у талоқнинг калитидир. Эрингга танбеҳ қилмоқни сенга тақиқлайман, чунки у қаҳр уйғотади. Ўзингни безамоғинг лозим. Бунинг учун энг яхши восита сурмадир; яна хуш ҳидлар таратувчи нарса сувдир».

Амир ибн аз-Зариб ал-Аъдвоний⁴⁴ қизини жиянига эрга бераётганда унинг онасига бундай деган: «Қизингга буюргинки, у саҳрога йўл олганида сувни жамлаб олсин. Чунки сув ташқи кўринишга ялтироқлик бахш этади, авротни тоза сақлайди. Эрининг истакларига қаршилиқ кўрсатмасин, чунки бахт мувофиқат (ўзаро ризолик. — М. И.) дадир. У кўрпада эри билан узоқ ётмасин. Чунки тана чарчаганда юрак ҳам толиқади».

Араблардан бири тўй кечаси ўз қизига бундай деган: «Сен эрингга чўри бўлгин, шунда у сенга қул бўлади. Сен у билан юмшоқ муомала қилгин. Бу нозу ишвадан яхшироқдир. Сувдан кўпроқ фойдалан. Бу хушбўй нарсалар ичида биринчисидир».

Бир она қизига насиҳат қилиб айтган: «Эринг учун сен кўрпа-ёстикдек бўлгин. У сенга тирикчилик манбаи бўлади. Сен унга тўшакдек бўл, у сенга ёпинғичдай бўлади. У хурсанд эканида қайғули, у ғамгин эканида шўх бўлмоқдан сақлан. У сенда ҳеч қандай бетартибликни кўрмасин, сендан фақат энг ёқимли ҳидлар анқиб турмоғинигина сезсин. Унинг сирларини унга очма, чунки унда ўзингни унинг қаршисида тубанлаштирган бўласан. Ҳамиша сув ва сурма ёнингда бўлсин. Сув барча хушбўйликларнинг энг яхшисидир». Бир она қизига дебди: «Танангга хуш ҳидлар бағишла, эрингга бўйсун. Энг кўп ёқимли ҳидлар таратувчи сифатида сувни ишлатгин».

Яна бир она қизига: «Терингни хушбўй тут; эрингга бўйсун; ўзингга энг яхши хушбўй хидлар таратувчи нарса этиб сувдан фойдалан», – деган экан.

Бошқаси эса деган: «(Эринг хузурида) ўз ёпинчиғингни тушириб кўрин, эрингни хурмат қил; иккиюзламаликдан чеклан, ўз хушбўйлигингни сув билан ярат».

Яна бири деган: «Эрингга гап қайтарма, уни толиқтириб қўясан, у билан жанжаллашма, шундай қилсанг уни ўзингдан четлантирасан. У билан самимий ҳақиқатгўйлик қил ва сувни ўз хушбўйлигинг учун ишлат». Ҳақиқатда ҳам шундайдир. Аммо ўз гўзаллиги тўғрисида ўйловчи терисини ювиб, тешик ва тешикчаларни мўл-кўл сув қуйиб ювиб, топ-тоза қилиб бўлгач, энди ўз терисини бўёқлар ёрдамида безаса бўлади. Бўёқлар нур туфайли кўзга яхши кўринадилар. Танани эса терининг устидан кўп сув қуйиб ва атиргул ёғи билан артиб оқартирадилар, айниқса, танада табиий ёки тасодифий сарғишлик бўлса, шундай қиладилар. Шундан кейин тишни тозалаш керак, уларни (мисвок билан ишқаб) қирмоқ лозим; кўз ва қовоқларни тоза сақлов керак. Уларга сурма суртиш керак: сочларни эса зарур бўлса, бўямоқ даркор, уларни тарамоқ, четларини кесмоқ, (тананинг) баъзи (тук)ларини эса (илдизидан) юлиб ташламоқ лозим. Тирноқларни олиш ва текислаш лозим.

Танани ўраган нарсларга келсак, кийим инсон учун энг муҳим ва биринчи (лозим) нарсадир. У танага тегиб туради, кийим танани озодаликда тутати. Кийим ранги одатда кенг ишлатиладиган рангда, яъни оқ бўлмоғи дуруст. Кийим силлиқ бўлсин. Ўшанда унга чанг ва ғубор ўлтирмайди. Ёки у йил фаслига хос рангга бўялган бўлмоғи керак. Ёки мамлакат урф-одатига мос бўлсин. Шунда зарар етишмайди. Бўёқлар безамоқ учун яратилган қимматбаҳо тошларга ўхшашдирлар.

Умар ибн ал-Хаттоб⁴⁵дан, уни Оллоҳ раҳмат қилсин, мурувват нима? деб сўраганларида у: «Кийимнинг орасталиги», — деган. Яна бир киши ҳам шундай гапни айтган: «Мурувват айни озода кийимдадир». Кимки, усти бошининг озодалигига диққат қилса, у ишни ўз танасидан бошлайди. У кийимни ичдан тананинг кирлиги туфайли ифлос қилмасликка диққат қилади. Сўнг ўз уйи, ёки иш жойининг озода бўлмоғига, кийимни ташқаридан ифлослаш ёки чангга ботишига йўл қўймасликка интилади. Бу тўғрисида шундай ишларга бепарво бўлганлар ҳақида айтилган гапни эшитмоқ кифоядир.

*Абул Фатҳнинг қиёфасига бойлик ҳам,
Ислому нурунинг ярқироқлиги ҳам ярашмайди.
Чунки, унинг кийими, салласи ва минган оти ифлосдир,
Юзи, бўйни ҳамда унинг хизматкори ҳам худди шундай.*

Кийимнинг озодалиги, усти бошининг — дўмбол ва қўйлақларнинг тартибли бўлмоғи юксак даражада аҳамиятга эга эканлиги жон ва қалбнинг озодалигидан нишонандирлар.

Қуръоннинг муфассирларидан (шарҳ этувчилардан) бири Оллоҳ таолонинг сўзларини шарҳ этиб, «Кийимингни тоза тут»⁴⁶, — деганда «Қалбинг ва интилишларинг кўзда тутилган» деб, талқин қилган. Бу мумкин. Шеърнинг ҳам ташқи ҳам ички мазмуни, ҳар иккаласи олий даражада гўзал ва ақл-идрок талабларига тўғри келади. Энг тор чегара-

ларда мурувватнинг аниқ тушунчаси ана шундайдир. Гарчи баъзилар уни бошқарувни севиш тарзида таъриф этсаларда, чунки бошқаришга эришув ўзини тута билиш ва зўр бериш орқали мумкин бўлади, аммо бу футувват белгиси бўлади, мурувват белгиси эмас (футувватга тегишли. Зеро, бошқарув ўзгалар қайғуси билан яшаш, жамият манфаатларига хизмат қилиш демакдир. — М. И.)

Ан-Набиға⁴⁷ дейди:

*Сабосиб байрамида нозик сандал шохчалари
ва гўзал камар боғлаганларни райҳонлар-ла кутарлар.
Сабосибни хурмо барглари байрами дейдилар.*

Бу байт Ҳасанийларга⁴⁸ тегишли, улар эса насронийлар эдилар. Райҳон сўзи бу ўринда Исо (а. с.) билан бирга Байт ул-муқаддасга кириб келган насронийларнинг қўлларида бўлган зайтун ва лимон шохчалари маъносида ишлатилган. Бу фикр ҳақиқатдан йироқ эмас. Аммо шеърнинг мазмуни бундайки, райҳон саҳрони босиб ўтаётганда кам учрайдиган нарса. Барибир, шу кунларни у билан табриклагоқдалар. Чунки улар бошқаларда йўқ нарсага эга эдилар. Бу эса зиёрат чоғида саҳродан ўтаётган ва роҳат-фароғатга ўрганган шоҳлар ва аркони давлат учун бу саҳрода уларга гул ва мева-чевалар тутмоққа ўхшаб кетади. Нимаки нодир бўлса, яхши белги ҳисобланади.

Бакр ибн ан-Наттоҳ ал-Ҳанафий⁴⁹ деган:

*Ромишна сени ромишна билан қутлайди.
У мирт ромишнасидан гўзалроқдир.*

Ромишна — миртнинг икки япроғи. Уларнинг ўрталари ёпишиб кетган. Лекин охирлари ажралиб туради. Бундай барглар кам топилади. Эъзозли шахсларни улар билан қутлуғлайдилар, бу айниқса, Дейлам халқи ўртасида кенг ёйилган⁵⁰.

Кийимдан сўнг қимматбаҳо тошлар безак сифатида келадилар. Уларнинг энг қимматлилари ҳар бир жойнинг урф-одатларига кўра, аниқланади. Эркакларнинг узуклари, шоҳларнинг тожлари, камар бандларнинг боғлағич тўқалари ва бошқа боғланадиган нарсалар, бош кийимлари, енглари, қўлдаги (шоҳлик рамзи бўлмиш асолар), шоҳларнинг ёнларидаги аёнларининг ҳассалари, шуларнинг барчаси (тошлар билан безатилади). Аёлларнинг тароқлари, тиллақошлари, билакузуклари, тўпиққа тақиладиган олтин занглари (қўнғироқчалари)⁴, ёпинғичлари, қўл ва бўйинга тақиладиган зебу зийнатлари ва маржонлари ҳам худди шундай.

Исрофгар ва бойлик роҳатларини севгучилар бунинг чекидан ўтиб кетадилар. Улар қимматбаҳо тошлар билан ҳатто шундай танадан узоқ жойларни — уйларнинг деворлари, шиплари, эшиклари, деразаларини ҳам ўзларини безагандай безайдилар. Бу ҳаммаси, кўзга ташланиб турадиган жойларни безамоқ, яъни мақтанчоқлик, ўзининг бой

⁴ Бухороча «занг» рақси тўпиққа олтин қўнғироқчалар тақиб, товон зарблари билан ижро этилган. Авеста китобида маъбуда Ардвиги Сура либоси ва зебу-зийнатлари қаторида тўпиқ тақинчоғи ҳам таърифланган (М. И.).

бадавлатлигини, шу билан устунлигини намойиш этмоқ учун безак сифатида ишлатилади, асло ҳақиқатни белгиламоқ учун эмас!

ИСТИРОҲАТ

Мурувватнинг тўлалигини, мукамаллигини исботловчи энг аниқ нарса тартиблик, унинг хушбўй ҳидлар таратув орқали камол даражасига етказмоқдир. Бундай ҳидлар ҳар ёнга ёйилиб атрофдагиларга роҳат етказадилар. Уларда кишига яқинлашув ва бу ёқимли ҳидларни искамоқ иштиёқини туғдирадилар.

Хушбўйлилик кишидаги ёқимсиз ва бадбўй ҳидларни яширадилар. Шулар қаторига сўзлар ҳам киради. Сўзлар мурувватни билдиради. Бу эса ўзи учун тилаган нарсани ўзгаларга ҳам тиламоқдир. Таъқиқ қилинган нарсалардан четланиш ва одамларни ранжитмоқдан сақланишни мурувват деб билувчилар бундай сўзларни гапирадилар.

Тўғрироғи, агарда мурувват фақат диний қоидаларга риоя этмоқдан иборат деб тушунилганда барча айтиб ўтилган гаплар бундан ҳам ташқарида бўлмас эди. Ахир, дин адолат, тенглик, адолатсизликни йўқотмоқни, мазлумларга ёрдам кўрсатмоқни ўзи учун керакли деб биладику.

Муруватнинг ўзгачароқ қоидаси ҳам ундан узоқ эмас. Очиқ-ойдин қилмоқ уятли бўлган ишни яширинча қилмаслик керак. Ўз хусусиятларини мақтовли сифатлар билан безовчи, ўз таомини рухсат берилган дориворлар билан бойитувчи, унга бошқаларни ҳам тенг асосда таклиф қилувчи, ўзининг амалга ошираётган ишларида озодаликни сақловчи, уларни хушбўйликлар билан тўлдирувчи — бу ишлар ҳаммаси Оллоҳнинг элчиси (с. а. в.)га ёқадиган ишлардир, у ўз зиёфатдошини хурсанд қилади, ўзи билан бир дастурхон атрофида ўлтирувчига хурматли муносабатини билдирган бўлади, ўз дўстига шараф бағишлайди, унга ёқимсиз нарсани четлантиради, унга ўзига тилаган нарсани тилайди. У ўзгаларга ёрдам кўрсатмайдиганларнинг, ўзи ёлғиз овқатланадиган, куллари урадиганларнинг бошига тушувчи жазолардан омон қолади.

Кийимнинг озодалигига ўхшаган яна бир нарса қалб озодалиги, унинг шундай моҳиятидир. У эзгулик билан бирга бўлмоққа, оз нарса билан қаноатланмоққа, дунё ишларида энг тўғри йўлдан бормоққа ва Муъиз уд-давла Аҳмад ибн Бувайхга⁵¹ эргашмоққа ташвиқ этади. У ўта кетган шиаликка мутеъ эди. У бир куни Форс худудларидан Алийларнинг⁵² энг таниқлисини, энг тақводорлиги билан, худодан кўркуви билан от чиқарганини, покиза ҳаёт кечирувчи ва ўзини тута биладиган арбобларидан бирини чақирди. Унга махфий равишда ҳезалакчалиш эркакларнинг қўлини ўпмоқдан нафратланишини айтди. У халифа Мутйиъни⁵³ кўзда тутган. У яна деганки, мен сени ҳокимиятни қонуний эгасига топширмоқ, халифаликни унга муносиб одамга бермоқ мақсадида чақирдим. Алийлар орасида сен шунга лойиқсан. Ворис сифатида жамоани бошқара оласан, сенга Оллоҳ шундай сифатларни берган, уларга яна фазилат, адолат ва тақводорликни ҳам қўшиб берган.

Алий уни дуо қилган, унга Пайғамбар (с. а. в.)нинг хонадони кишиларига ҳамда Фотима⁵⁴ онамизнинг болаларига ишонгани учун, шу орқали Оллоҳга яқин бўлмоқликка хоҳиши учун кўп миннатдорликлар изҳор этган ва ундан ўзининг фикрида бор гапларни айтмоққа рухсат сўраган. У деган: «Бутун мамлакат ва вилоятларда кўп одамлар Аббосийларнинг

чақириқларига кўникканлар, уларнинг ҳокимиятига ишонганлар ва Оллоҳга ва Унинг элчиси (с. а. в.)га ишонган сингари бу ҳокимиятга ишонадилар. Уларда ҳукмфармоларни кўрадилар ва оломон бўлиб, уларнинг ҳокимларига бўйин эгмоққа шошадилар.

Исёнчи Алийлар томонидан эса улар асирлик ва қатл этишликдан бошқани кўрмаганлар ва Алийлар Оллоҳ ноибларига қарши чиққанларида ғалаён ва эътиқоддан чекинмоқдан бошқани кўрмайдилар.

Агарда сен кўнглингда туккан ишингни қилсанг, унда барча одамлар ҳайратда қоладилар, чунки улар бошқачасига ўрганиб қолганлар ва дарҳол сенга эргашмайдилар. Шартномага содиқ қолганлар эса бошқа ҳамма нарсадан кўра шу ишга қарор қилганинг учун сенга ғайрликлари келади. Ҳокимиятни бир уруғдан бошқасига олиб бермоқ учун сенинг узоқ ва давомли урушлар қилмоқдан бошқа чоранг қолмайди, бу эса сени нотинчликка сабабчи қилиб қўяди, мен ҳам шунга сабабчи бўлиб қоламан. Сен ҳам менга нафрат ва қаҳр билан қарайдиган бўласан. Булар ҳаммаси сенга қайғу ва пушаймонлик келтиради.

Ҳатто сен урушларда енгиб чиққанингда ҳам худди шундай бўлади. Аксинча бўлган тақдирда эса сенинг шоҳлигинг тугайди. Мен эса ҳамон ислом мамлакатига қолар эканман, ўзимга маҳкам бир ўрин топа олмай қоламан. Уруш ва жоҳилият мамлакатига кетмоғимга тўғри келади. Сени ўлим ва ҳалокат хавфига мубтало бўлмоққа нима мажбур этмоқда? Мен эса ҳозир яшаб турган жойимда хурмат, шуҳрат бошқа бирор деҳқон ёки ер эгасидан кўра мўлроқ бойликка эгадирман, узоқ ва яқинларга буйруғим ўтади, на раис, на амир, на омилнинг⁵⁵ қўллари менинг қўлимдан юқорироқ кўтарила олмайди.

Кўй мени, Оллоҳ берганидан фойдаланайин ва сен ҳам ўз шоҳлигинг билан лаззатланаётганинг сингари роҳат топайин. Сен халифа енгини ўпмоқдан нафратланма. У кўп жиҳатдан сенга ёқадиган ёғли лаблар, кир тишлар ва оғиздан келадиган ёқимсиз ҳидлардан кўра тозароқдир. Сен бўлса ўшаларни кун ва тун ўпмоқ ила бандсен. Аммо улардан ўзингни четлатмайсан ва буни ифлос иш деб билмайсан. Оллоҳ субҳоноллоҳул азимдан тилагинки, сенинг эътиқодинг ва дунёвий ишларингга ривож берсин, бунга менинг дуоларим ҳам мадад қилсин».

Муъиз уд-Давла бу сўзларни диққат билан тинглади. Алий унинг кўзларида ва қалбида буюк инсон бўлиб қолди, у Алийга эҳтиром билан қарайдиган бўлди.

Муъиз уд-давла кўзида ёш билан шундаёқ унинг ёнгинасига яқин келиб турди, кўз ва бошидан ўпди, унга катта мукофотлар бериб иззат-хурмат билан ўз юртига қайтарди.

Шоирнинг куйидаги ўринли айтган сўзларини ёдлаб ўқиган ва уларга амал қилган киши ҳам ундан қолишмаса керак:

Сен давлатга эга бўлсанг, уни асрай бил.

Исён эса давлатдан маҳрум бўлмоққа элтади.

ИСТИРОҲАТ

Одамлар — ҳаммалари бир отанинг фарзандлари ва бир-бирларига ўхшашлар. Аммо улар ўзаро рақобат ва ғайрликдан холи эмаслар. Бу уларнинг ўрганиб кетган

нарсаларидан келиб чиқади. Улардаги аралашувлар, мизожлари, табиий хусусиятлар шуни туғдиради. Чунки булар ҳаммаси лаънати иблисдан, Одам(ато)нинг икки ўғли қурбонлик келтириб, бири қабул бўлиб, бошқаси рад қилинганидан (бухл) пайдо бўлган. Одамларни ушлаб турувчи Оллоҳдан қўрқиш, ҳозир эса султондан ҳайиқишдир. Султон заиф бўлса, унинг фармонлари бажарилмаса, у ўз ваъдаларига вафо қилмайдиган бўлса, унинг бошқарувида тоза тартиб жорий бўлмайди. Унинг ҳар бир тобеси ўзини султон деб ҳис қилади. Ўзини султоннинг мулки ва шоҳлигига муносиброқ деб ҳисоблайди. Шунинг учун шоҳлик ҳуқуқи фақат бир қабила ичида бўлади, токим бошқа қабила одамларининг қўли унинг сари чўзилмасин. Сўнгра ҳокимият бир кишининг қўлига ўтади, у бошқалардан кўра шунга муносиброқ эди ва ундан унинг авлодига меросхўрига ўтади ва шоҳлик узил-кесил шулар қўлида маҳкам ўрнашади. Бунга яна ғаройиб бир мўъжизани боғлайдиларки, у туфайли жуда катта қудратга эришилади. Бу эса юқоридан берилган илоҳий фармонки, бу фармон шу уруғ (шу қавм)га қаратилган эканидир. Шоҳлик шу уруғнинг ўзак вакилларида ташқарига чиқмаслиги лозим эканидир. Форсларда Хисрав сулоласига (Бу ўринда Эроннинг илк ўрта асрлардаги Сосонийлар сулоласи кўзда тутилган. Бу сулола ўрта аср манбаларида Хусравлар деб юритилган. — М. И.) нисбатан шундай муносабат бўлган⁵⁶. Исломда ҳам шундай. Имомлик ҳуқуқи Қурайшийлар⁵⁷ уруғи билан чекланган. Уларга Муҳаммад уруғидан бўлганлари учун кишилар муҳаббат билан ёндошмоққа жолиб эдилар. Худди шунга ўхшаб Тибет халқи ишонадиларки, уларнинг биринчи хоқони⁵⁸ Қуёшнинг ўғли бўлган, у осмондан зирҳда тушган: Кобил халқи жоҳилият вақтида Браҳмакин⁵⁹, уларнинг биринчи турк подшоси у ердаги қандайдир ғорда яратилган, бу ғорни Буғро деб аталган. Шоҳ ўша ғордан бошида шоҳлик кулоҳи (тож билан) чиқиб келган (Қалансуво) деб ишонадилар.

Бошқа халқларнинг афсоналари ҳам шу кабидир. Бу уларнинг ақлий даражасига боғлиқ. Бу нарса одамларни бирлаштиради, уларни ихтиёрий равишда бўйсундиради ва уларнинг ҳар бирида шоҳликка эга бўлиш иштиёқини кесиб ташлайди. Шоҳлар бошқалардан ана шундай хусусиятлари билан ажралган ҳолда ўз фарқларини чуқурлаштирадilar. Улар шунинг учун саройлар қурадilar. Қасрлар бино қиладilar. Баланд жойдаги тахтларда ўлтирадilar. Бунинг ҳаммасини улар осмонга кўтарилмоқ ва ому хос (барча одамлар) устидан юқори турмоқ учун қиладilar.

Ал-Бухтурий⁶⁰ ўз сўзларида ана шунга ишора қилади:

*Ой сенга юқоридан туширилган нарсага эга,
Ўшанда у нур сочади, шунинг учун унинг
Манзиллари⁶¹ баландликда бўлади.*

Дастлаб қудратни кучайтирмоқ учун ҳеч қандай ортиқча беҳуда ишлар керак бўлмаган. Аммо кейинчалик тож ва махсус бош кийимлари қила бошладilar. Сўнгра шоҳларни қўли узун дея бошладilar; ҳатто уларнинг қўлларини тиззагача етадиган қилиб тасвирлай бошладilar. Масалан, ҳиндлар ўз шоҳларидан бирини Маха-баха, яъни қўли узун деб атаганлар. Форслар Баҳмонни Ардашер Раванддаст⁶² деганлар. Чунки ра-

ванд-равочнинг илдизи. Равоч, ҳатто унинг устки шоҳлари тоғлар чўққисига етган тақдирда ҳам, фақат томири сувга етгандан кейингина ўса бошлайди.

Булар ҳаммаси ҳокимиятнинг қудрати ва унинг шоҳлар қўлида кенгаймоғи учун хизмат қилган.

Шундан кейин шоҳлар ўзларини турли қимматбаҳо безаклар билан безай бошладилар. Бу ажойиб бойликлар билан юрак лаззатлансин деб шундай қилганлар. Улар турли хил найрангларни ўйлаб топганлар. Бундай найранглар устакорлик, нозиклик ва фавқулодда бир-бирларидан ўтар эдилар. Сарой аҳли, тобеълар тўдаларининг ишларидаги яширин сирларни билиб олмақ учун шундай қилинар эди. Уларни билиб олгач, ўша аҳлнинг қилиқларига яраша муносабатда бўлар эдилар. Бундай ишларни тезроқ амалга оширмақ учун эса яна янги йўллар ўйлаб топишар эди. Вилоятларнинг узоқлиги ва тарқоқлиги туфайли тинимсиз босиб олишлар, хабарчи каптарлари керак бўлган. Улар узоқ масофаларни тезда босиб ўтиб буйруқ ва фармонларни жадал етказар эдилар. Охири бориб шунга етдики, уларда очиқ ва яширинча қўрқув пайдо бўлди ва очиқ ва махфий сотқинликнинг олдини олмаққа киришдилар. Биз буни айёр шоҳлар ва зolim шоҳлар тўғрисидаги ҳикояларда кўрамиз.

ИСТИРОҲАТ

Шоҳлар бошқа одамларга қараганда кўпроқ бойлик йиғишга эҳтиёж сезадилар. Чунки улар ёрдамида бошқарув тизгинини маҳкам тутадилар ва тобеъларини итоатда сақлайдилар.

Бир куни ал-Мансур⁶³ ўз ҳожибига⁶⁴ деган:

«Эй Рабоъ, мен пул йиғаман, шунинг учун одамлар мени бахил, зикна дейдилар, ваҳоланки, аслида эса Оллоҳ мени бундай пастликдан асраган. Аммо мен одамларнинг динор ва дирҳамга қул эканликларини кўрганимдан сўнг менда шу нарсалар орқали одамларни тобеъ этиш истаги пайдо бўлди. Одамлар шуларга муҳтож бўлганларида (динор ва дирҳам) менда бўлади».

Дарҳақиқат, шоҳлар пулларни хазина ёки бойлик манбаи тарзида сақламоқ учун йиғмайдилар, чунки барча йиққанлари уларда қиядан оқаётган сувдан ҳам тезроқ тарқалиб кетади. Бу марҳаматни кутиб, очилиб турган оғизлар, совға ва мукофотга чўзилган қўллар янги ой чиқишини пойлаб, маош чиқишига ва бериладиган нарсаларни олишга очкўзлик билан тикилаётган кўзлар, кун санаб ётган бармоқлар кўп эканлигидан шундай бўлади. Барча йиғилган, албатта, тарқалиб кетади, харажат қилинганлари эса тугайди.

Марҳум амир Маҳмуд Ямин уд-Давла⁶⁵ эсимга келади. Айтиб ўтганларимиз унинг хислатларида қатъий ва мустаҳкам ўрнашган эди. Бунинг исботи учун унинг бирор ўлжани қўлга киритган заҳотиёқ бошқасини ҳам эгалламоққа интилмоғи, унга назар қаратмоғи ва кетидан қувмоғини келтириш мумкин. Бу худди бир водийдан бошқа водий сари тез оқаётган сувнинг ҳаракатига ўхшаб кетар эди.

Бир куни Меҳргон⁶⁶ байрами пайти кечқурун Хоразмдан⁶⁷ қайтиб келгандан сўнг мунажжимларнинг айтган гаплари тўғрисида сўз кетди. Улар деган эмишларки, унинг

(Маҳмуднинг) ўн йилдан ортиқроқ умри қолган. У шу гапдан сўнг деди: «Менинг қўрғонларим бойликлар билан шунчалар лиқ тўлиб-тошганки, агар уларни кун ба-кун тақсимлаб чиқиб тўла сарф этмоққа эҳтиётли киши ҳам, исрофгар ҳам эришмоқдан ожиздир».

Мастоналик билан (бир сафар), (шу сабабли Маҳмуд мени доим танқид қилар ва койиб менга қўпол муомала қиларди), мен унга журъат қилиб бу сўзларни дедим: «Худога шукрлар қилгин ва ундан тилагинки, у бойликларнинг манбаини, бахтли тақдир ва ютуқларингни асрасин. Сен фақат унинг марҳамати билан ўз хазиналарингни топгансан. Агар омад кетиб (бу тақдир) ўчгудек бўлса, бу бойликлар бетартиб сарф бўлиб, улар бир кунга ҳам етмаяжаклар. Мақтанмоқдан тортингин».

Кимки, менинг сўзларимни ҳисобга олса, шаҳид амир Масъудни⁶⁸ (эсга олсанг), унинг даражасини Оллоҳ шаҳидлик ўлими билан юксакликка кўтарсин, ўшанда нима бўлганини кўриб, бу сўзларнинг адолатли эканига ишонади. Ишларида тартиб йўқолган заҳоти, бетартиблик содир бўлиб ҳам қўлга киритган, ҳам мерос қолган беҳисоб бойликлари бир кундаёқ «тутун куни»⁶⁹ дагидек соврилиб⁷⁰ кетди. Од қавмини худо бахтсизликдан сақламагани каби бўлди, бузилган нарса тuzалмади. «Оллоҳнинг иши ўлчовли тақдирдир»⁷¹ (Қуръон: 33-сура, 38-оят).

ИСТИРОҲАТ

Ер остидаги хазиналар ернинг қаърида чириб йўқ бўлиб кетади. Улар кўпинча икки тоифа одамларга тегишли бўладилар. Бу одамлар бир-бирларидан кескин фарқ қилдилар ва зид қутбларда турадилар. Улар ҳокимият кишилари ва қашшоқликда қолган кишилар.

Қашшоқларга келсак, улар тиланчиликка ўрганадилар, унга озуқа топмоқ манбаи сифатида суянадилар; уни бойимоқ воситаси, айниқса, тиланчилик қилганда қатъий ва узил-кесил бўлсалар, астойдил садақа талаб қилаберсалар, шундай бўлади деб ҳисоблайдилар.

Улар шу орқали озиқ-овқат ва ичимлик йиғмоққа эҳтиёжлари қолмаганда фалс, хаб ва қаратларни йиғмоққа киришадилар, уларни бир-бирларига қўшиб қўяберадилар. Кейин эса фалсларни дирҳамга, дирҳамларни динорларга алмашадилар. Уларда бу йиғилган нарсаларни сақламоқ учун ердан бошқа жой йўқ. Чунки ер нимани унга топширсалар, уни қайтариб беради. Бу гапнинг тўғрилиги ҳақида ҳатто мақол тўқилган: «У ердан кўра ҳам садоқатлидир». Сўнгра бундай шахслардан кўплари ёки қаттиқ ва бешафқат ҳаёт тарзи, ё бўлмаса ўта кетган хасислик туфайли оғир касаллик сабабли ўладилар. Лекин ўшангача ўз очкўзликлари учун бахтли якунга, соғайиб кетмоққа умидларини йўқотмайдилар. Улар шунча меҳнат билан топганларини бошқа бировга қолдирмоқ ёки васият қилмоқни жону дилдан истамайдилар. Шунинг натижасида, хоҳ кўп, хоҳ оз бўлсин, ерга кўмилганича қолиб кетади.

Подшоҳларга келсак, уларнинг бошига тушадиган кўп синовлар сабабли хазинани ҳарбий асбоб усқуналар учун йиғадилар. Улар ўз бойликларини қалъаларда, мустаҳкам қасрларда сақлайдилар. Бу ерларга юк ташувчилар ва соқчилар ёрдамида яширинча келтирилади. Улар учун махсус махфий ўринлар керак бўлади, улардан ҳеч ким хабар-

дор бўлмаслиги керак. Подшоҳлар ичида шундайлари ҳам бўладики, Оллоҳдан кўрқмай ўша юк ташувчиларни бойлик кўмилган ерлар ёнида ўлдиртирадилар.

Бошқа бировлари эса эҳтиёткорлик билан иш тутадилар ва ҳар хил ҳийлалар қилдилар. Масалан, ишловчиларни бўш сандиқларга жойлаб белгиланган жойга элтадилар, ўзлари эса хачирларни ҳайдаб борадилар. Ўша жойга етиб келгач, тунда одамларни сандиқдан чиқарганларида бу одамлар қаерга келганликларини билмайдилар. Улар бойликларни ерга кўмиб бўлганларидан сўнг яна ўша одамларни сандиқларга жойлайдилар ва қайтариб жўнатадилар. Шу билан мақсадга ҳам эришилади, жиноят ҳам содир бўлмайди. Аммо бунинг учун бир шартга риоя қилмоқ зарур. У эса бундай: ишга бир кишини икки мартаба олиб борилмаслиги шарт. Одамлар ишнинг мақсадидан беҳабар бўлмоқлари ва ишга тайёрланмаган бўлишлари лозим.

Шоҳлардан бири бундай шартга риоя қилмади. Иккинчи бор шундай ишга юборилган одам яширинча ўша ёққа қайтмоқчи бўлди. У сандиқ остида бир тешик тешди, ўзи билан бир халта гуруч олди ва йўлда аста-секин гуручни сепа борди. Эртаси куни ўша издан бориб бойликлар кўмилган ерга етиб келди ва кўмилганларини қўлга киритди. Хазина эгаси бу ишдан йигирма йил кейин хабардор бўлди. Унга хазина керак бўлиб қолганида, у ўша ердан ҳеч нарса топа олмади, унга фақат «масхарабозлар ҳисоби»гина насиб бўлди⁷².

Яна хазинани кўмган одам билан ҳар нарса бўлмоғи мумкин. Хазина эса то абад ер остида қолиб кетади. У ё тасодифан топилиб қолади ёки сел ва бошқа табиат ҳодисалари уларни очиб юбориши мумкин. Масалан, Божком ал-Маконий⁷³ бойликлари яширин жойларда қолиб кетган. У ана шундай жойлар қилмоқни ёқтирар эди. У тиф зарбидан тўсатдан ҳалок бўлганда ўша бойликлар ер остида йўқ бўлиб кетди. Абу Али Муҳаммад ибн Илёснинг⁷⁴ Кирмон саҳросидаги⁷⁵ хазиналари, у Сўғдга⁷⁶ ўтганда ер остида қолиб кетди. У Сўғдга ўтмоққа ихтиёрий эмас, ўз ўғли томонидан мажбур этилган эди. Кўпинча шундай бўладики, биров ўзга учун ҳаракат қилади, ўша ўзга эса уйда еб-ичиб ўлтиради, ҳатто миннатдор ҳам бўлмайди.

ИСТИРОҲАТ

Шоҳлар гоҳ ихтиёрий, гоҳ зарурият туфайли у ёқ-бу ёққа ўтадилар, кўчадилар. Шунинг учун улар пулларига қаровчи хизмат аҳлига эҳтиёж сезадилар. Шу сабабли хизматчилар улар билан бирга юрадилар. Шулар туфайли уларда йиғмоқ ва тасодифий солиқлар солмоққа зарурият қолмайди. Кумушни ташимоқ енгилроқ. Унга сотиб оладиган нарсаларни олиб юрмоқдан бу осонроқ. Текширилганда шу маълум бўладики, ундан кўра олтин афзалроқдир. Яна олтинга сотиб олинган керакли товарлар кумушга олинганлардан кўра қадимий олди-сотди ва солиққа оид ўрнатилган тартибга биноан ўн баробар кўпроқдир. Тўғри, гоҳ бу нисбат кейинчалик ўзгара борди. Бу у ёки бу металнинг топилмоғи, вақт тақозоси, ёки танганинг бузилиши туфайли юз берар эди. Лекин асрлар давомида бутун дунёда туб моҳияти жиҳатидан аниққи, олтин кумушдан кўра камёброқ, кумуш эса мисга қараганда камроқ учрайди.

Бунга яна бирининг ҳажми кичикроқлиги, бошқасининг каттароқлиги, яна бирининг салмоғи оғирроқ бошқасининг эса енгилроқ эканлиги ҳам тўғри келади. Ҳайратли ҳол шундайки, Зарубондаги⁷⁷ конлардан бирида бу уч метал (олтин, кумуш ва мис) кўрсатилган нисбатга яқин таносибда олинади. Яъни руда таркибида олтин ўн дирҳам, кумуш эллик дирҳам, мис эса ўн беш ман бор.

Шунинг учун ҳам одамлар ўзлари билан кумушни эмас, балки олтинни олмоқни афзал кўрадилар. Чунки уни ташимоқ енгилроқдир. Тақдирнинг ўзгариб айланишларига ишонч йўқолгандан сўнг одамлар гоҳо қутилиш йўли, гоҳо юкнинг кичик ҳажми ва паст миқдорига боғлиқ эканини тушунгач, қимматбаҳо тошларга мойил бўла бошладилар. Чунки уларнинг ҳажми олтинга қараганда янада камроқ. У эса олтиннинг кумушга нисбатан ҳажмидан янада камроқ. Кумушнинг ҳажми эса унга сотиб олинadиган нарсалардан кўра камроқ. Шундан кейин одамлар қимматбаҳо тошларни йўлга оладиган ва уларни ўз ёнларида сақлайдиган бўлдилар.

Аммо шароитнинг айланишлари одамларни қайта кийинмоққа мажбур қилганида тошлар гоҳо чақимчидек бўлиб қоладилар ва уларга қарши далил хизматини ўтайдилар. Бу эса худди ғорга беркинганлардаги⁷⁸ танганинг қадимийлиги уларга қарши далил ҳисобланганлиги ва уларга нисбатан эски хазинани топганлар деб шубҳа уйғонганига ўхшаб кетади. Чунки, қимматбаҳо тошлар фақат шоҳларга тегишли бўлади. Улар бошқа кишиларнинг қўлига тушгудай бўлса, бу эса ўша одамларнинг аянч аҳволига ярашмай турса, шубҳалар туғилади ёки ўғирлаб олинган деган гап чиқади ва ўғрини ахтарила бошланади; ё бўлмаса бу бирор кийимини ўзгартириб олган бой одамники дейдилар-у, уни кузатмоққа киришилади.

Подшоҳларнинг ичидаги энг муносиб зотлар хазиналарни махсус қурилган иморатларда сақлаганлар, ёки ардоқланган жой деб қараб масжидларга элтиб қўйганлар. Сўнгра уларни асраб тутганлар. Сўнгра уларни сақлаганлар, сарой кўриқчиларига, уларнинг мулкани душманлар хуружидан асровчиларга улашганлар. Чунки уларнинг ўйлаганлари ишларидан фарқ қилмаган.

Бу жиҳатдан улар одил халифаларга, ёки уларнинг издошларига ўхшайдилар. Умар ибн Абдул-Азиз⁷⁹, Марвонийларнинг⁸⁰ кўпчилиги, Аббосийларнинг⁸¹ айримлари шулар жумласидан эдилар. Шулар ўзларидаги вазифаларни оғир юк деб қарар, уни кўтаришга ўзларини мажбур деб билар ва уларни синов учун юклатилган деб ҳисоблар эдилар. Шунинг учун гуноҳларга ботиб кетмаслик мақсадида халифалик юкининг оғирлигини камайтирмоққа ҳаракат қилардилар.

Дейдиларки, узоқ Мағрибдаги⁸² шаҳарлардан бирида мўътабар шахслар ва ер эгалари навбатма-навбат бошқариш ишларини бажарар эканлар. Ўзига навбат келган ҳар бир киши бошқарувчилик вазифасини уч ой давомида ижро этар экан. Муҳлат битгач, ўз ихтиёри билан бошқарувдан кетар ва хурсандлик ва миннатдорлик юзасидан садақалар улашар экан. У ўз оиласига қайтар ва бундан мамнун бўлар экан. У ўзини худди оғир тугунлардан қутулган деб ҳис этганича ўз ишлари билан машғул бўлар экан. Чунки бошқарувнинг ва бошчиликнинг моҳияти — бошқарилувчилар тинчлиги учун ўз тинчидан маҳрум бўлмоқ, азоб чекканларнинг ҳуқуқини тиклаш учун азоб чекмоқдир. Уларнинг ўзи ва оиласининг тинчлигини, мулки ва ҳаётини сақлайман деб танаси

толикади; улар учун курашув ва ҳимоя қиламан деб жони куйиб-пишади. Бошқарувчи учун аҳолидан йиғиладиган улушлар эса худди турар жойини қуриқлайдиган қоровулга тўланадиган ҳаққа ўхшайди; карвонни етаклаб бораётган йўл кўрсатувчига унинг машғулоти ва даражасига яраша йўлчилар томонидан йиғилиб тўланадиган йиғим кабир. Аммо бу ҳаммаси муҳлат битгач, тугайди. Вақтнинг ҳар бир бўлаги ўз одатларига эга, уларга одамлар риоя этмоқлари лозим. Бўлмаса, бирдамлик ва мувофиқат йўқ жойда тартиб ҳам бўлмайди.

ИСТИРОҲАТ

Олтин ва кумуш идишлардан ичмоқ тақиқланган. Чунки олдин айтилганидек, бунда улардан (олтин ва кумушдан) келадиган фойда камаяди. Шайтоннинг айтганлари ҳам шунга алоқадор: «Уларга буюраманки, улар Оллоҳнинг яратганларини ўзгартирадилар»⁸³ (Қуръон: 4-сура, 119-оят). Эҳтимол, бу таъқиқда бир мақсад бордир. У эса бундайдир, олтин ва кумуш идишлар фақат шоҳларда бўлсин, оддий одамларда эмас. Лекин одамларда шароит ҳар доим ўзгариб туради, бадавлатлик кунлари муҳтожлик кунлари билан алмашилиши мумкин.

Фаровонлик пайтларида шоҳ бундай идишлар учун унинг ёрдамга берилмоғи лозим нарсаларни сарф этади. Чунки бундай пайтда даромад мўл-қўл бўлади. Сўнгра эса вақтлар ўзгаради, фаровонлик йўқолиб, унинг акси юз беради. Шунда ўша идишларни қайтадан гудоз қилиб (эритиб) улардан дирҳам ва динорлар ясамоққа тўғри келади.

Эҳтиёж пайдо бўлганда эзгу ниятлар заифланади. Душманлар одамлар ўртасида заифлик ва камбағаллашув тўғрисида гаплар ёйилишини тоқатсизлик билан кутадилар. Ҳасад қуллари ҳуқуқни бузмоқнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланадилар.

Олтин ва кумушдан идишлар ясамоқни тақиқловнинг моҳияти ана шунда. Дарҳақиқат, муқаддас қонун умумий, хусусий, дунёвий ва охиратга оид фойдали йўл-йўриқлардан холи эмас.

Оллоҳ таоло ҳамма одамларга ўтмишдан келажак учун фойдали хулосалар қилмоқ, бу ҳақда фикрламоқ қобилиятини берсин! Уларни доимий оғирчиликлардан чидам билан озига қаноат қилмоқ орқали сақлай берсин! Уларга шафқат ва қарам кўрсатиб алдамчилар ва ёвузлардан беҳавф этсин!

ФАСЛ

Энди биз хазиналарда йиғилган қимматли тошлар ва қимматбаҳо буюмларни санаб ўтиш билан машғул бўлмоқ ниятидамиз. Биз тошларга алоҳида қисм бағишлаймиз. Иккинчи қисм эса қимматбаҳо нарсалар ва шуларга яқин металллар тўғрисида бўлади. Булар (қимматли тош ва металллар) гўзаллик ва фойдалилик жиҳатидан она қорнидаги эгизак ака-укалар, ёки баравар чопаетган чопқир отлар каби бўладилар. Ана шуларга оид бу тўплам ўта шуҳратли шоҳ, Оллоҳ қўллаб қувватлаётган буюк, олийжаноб давлат машъали, диннинг туб ўзаги, халқнинг шону шуҳрати, ғолибият эгаси Маъдуд ибн Маъсуд ибн Маҳмуд⁸⁴ хазинасида мендан хотира бўлсин. Оллоҳ бу шоҳнинг ёшлигига бах-

ту саодатини қўшиб ато этсин, унинг қўлини доимий ва улкан ғалабалар орқали мустаҳкамлай берсин, чунки у Оллоҳ таолога ўз ишида ишонган, ўзига Оллоҳни улуғлаш ва ҳимоя қилиш заҳматини олган. Оллоҳни севмоқни ўзига мақсад этган — унинг номи билан шафқат сўраганларни кечирган. Унинг номини такрорлаб хавфсизлик қидирганларга беҳавфлик бағишлаган. Унга (Оллоҳнинг) марҳамати бўлмоғини тилаб, очик тухфалардан кейин яна яширин садақалар берган.

Оллоҳ унинг умидларини амалга оширсин, унинг қилган ишларини ўз шафқати ва буюк карамлари ила мақбул этсин.

Менинг қўлимга бу билим соҳасига оид Абу Юсуф Яъқуб ибн Исҳоқ Ал-Киндийнинг⁸⁵ «Қимматбаҳо тошлар ва уларга ўхшашлар тўғрисида» деган китобидан бўлак ҳеч китоб тушмади. У биринчи бўлиб бу билим соҳасидаги кўриқни очди, унинг чўққиларини топди, ҳам бу соҳада, ҳам унинг қўли етган бошқа соҳаларда кўп нозик жойларни кашф этди. Шундай қилиб у ҳам замондошлари, ҳам келажак авлод учун ибрат бўлиб қолди.

Ундан кейин Наср ибн Яъқуб ад-Диноварий ал-Котибнинг⁸⁶ рисоласи, у форс тилида ёзилган, бу асар бошқа тилни билмайдиганларга мўлжалланган. Лекин у кўп жиҳатдан ал-Киндийга эргашади.

Мен бу ҳар иккала асарда бор нарсалардан ҳеч нарсанинг диққатдан четда қолмаслигига ҳаракат қиламан. Шунингдек, бошқалардан эшитганларимни ҳам ёзаман. Гарчи қимматбаҳо тошлар билан савдо қилувчилар бир-бирларига айтиб берадиган ҳикояларида ёлғон ва ҳаддан ортиқ уйдирмаларда овчилар ва қушчилардан (ов қушини тарбияловчиларнинг лофчиликларига ишорат қилинмоқда. — *М. И.*) узоқ кетмаган бўлсаларда, агар ер ва осмон Оллоҳнинг иродасига кўра, эмас, балки бирор бошқа сабаб туфайли парчаланиб кетганда эди, улар бу тўғрида ҳам ёзган бўлар эдилар.

Биз учун Птолемей⁸⁷ ибратли мисол бўла олади. У савдогарларнинг жойлар, уларнинг узунлик ва кенгликлари тўғрисидаги, масофалар ва белгилари тўғрисидаги тўқима гапларини эшитмоққа мажбур бўлган эди.

Оллоҳ таолодан ўйлаган ишимга муваффақият тилаб қоламан. Бу ишни амалга оширмоқда ундан мадад кутаман.

Оллоҳ ютуқларни етказувчидир.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР ТЎҒРИСИДА

Наср ибн Яъқуб ўз китобини заргарлар авлоди бўлган машхур шахсларнинг отларини келтириш билан бошлайди. Улар Марвонийлар ва Аббосийлар даврида шуҳрат топган эдилар. Улар қуйидагилардир: Авн ал-Ибодий, Айюб ал-Асвод ал-Басрий, Бишр ибн Шозон, Сабоҳ, Яъқуб ал-Киндий, Абу Абдуррахмон ибн ал-Жассос, Ибн Ҳаббоб, Раъс ад-Дунё, Ибн Баҳлул¹. Биз унинг изидан кетмаймиз. Чунки замон ва маконга қараб уларнинг сони орта боради. Улар буюк шоҳлар даврида шуҳрат топадилар, билим ва ақл жиҳатидан бир-бирларидан ўтиб кетадилар.

Аммо барча олимлардан буюқроқ билимдон Оллоҳдир.

ЁҚУТ — ЙАКУТ

Ёқут — ҳамма қимматбаҳо тошлар орасида ғоят гўзаллиги ва қийматбаҳолиги билан биринчидир. Оллоҳ таоло Қуръони Каримда ажру мукофотлар манзилгоҳи (жаннат) даги хурларни тасвирлар экан, «... улар айнан ёқут ва зумрад кабидирлар», — деган² Аввало ёқутнинг қуйидаги турларини фарқлайдилар: оқ, кўк, сариқ ва қизил³. Зеро, юзнинг ва тананинг кўклиги сиқилиш, заҳиллик ва задаликнинг ташқи аломатидир. Сариқлик эса сариқ касалига учраганлар ёки қўрқиб кетган кишиларнинг юзларига ўхшайди. Аввало, Оллоҳ хурларни қизил ёқутга ўхшатади.

Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфаҳоний⁴ дейди: форсчада ёқут йоқунд⁵ дейилади. Йакут эса арабчалашган шаклидир. Форслар унга сабаж-асмур деган лақаб берганлар⁶. Бу ўлатни даф қилувчи деганидир. Форсчада ўлат *сабаж* дейилади.

Қизил ёқутлар, тошларнинг хусусиятларига бағишланган китобларда таъриф этилган. Ҳамза бу тўғрида ёқут номларини келтирганда айтиб ўтган. Ҳиндистонда яшовчилар уни падма-рог⁷ деганлар. Улар тўқ қизил рангли, тиниқ ва ялтироқ ёқутларни афзал кўрганлар.

Падмани унинг оти деб ўйламоқ мумкин (чунки у қизил). Амалда эса падма ёқутнинг сифати, холос.

Уларнинг тилида (бу сўз) қизил, сувда ўсувчи нилуфарни⁸ англатади. Уларнинг ботқоқликлар ва сув ҳавзаларида нилий кўклари эмас, оқ нилуфарлари кўп учрайди («нилуфар» сўзининг ўзаги нил-зангори кўк рангни билдиради. — М. И.). Уларнинг мамлакатада биз келтирилганлардан бошқа кўк нилуфарларни кўрмадик, ўзлариники эса бўлмайди.

Кўк сув нилуфарлари кечкурун қоронғуда қизарадилар, лекин шундай туюлади, аслида, бу қизариш эмас. Уларга офтоб тушгач, асл кўк ранглари тикланади. Ҳар бир кўк гул ҳам *ҳаббан нил*⁹ ва унга ўхшашлари сингари шундай хусусиятга эгадир. Уларга сирка тегса қизарадилар. Сув билан намланган қизил гул ҳам зангори бўлиб қолади. Уни оқартирилган мурдосанж билан артиб, бир оз вақт қўйиб қўйилса, зангори ва пистоқи ранг ўртасидаги рангга ўхшаш тус олади.

Қизил ёқутнинг ранг турлари икки чеккадаги нуқталар оралиғида бир сафни ташкил қиладилар. Қатордаги биринчи ёқутнинг талабгорлари кўп бўлади, охиригиси эса энг паст нави бўлгани учун харидоргир бўлмайди, талабгорлари кам бўлади. Олий тури — тўқ қизил (анор доналари каби) ранглиси (руммоний)дир. Ундан кейингиси баҳрамоний¹⁰ (ёввойи заъфарон рангига ўхшаши), кейин уржувонийси¹¹ (қип-қизил), ундан сўнггиси гўшт рангли (лахмий), сўнгра анор гули ранглиси (гулианорий)¹², сўнг гулранглиси (вардий) келади. Қип-қизил ёқут билан гўштрангли лахмийси ўртасидаги баъзилари сафсар (бинафшагий) рангида бўладилар. Лекин кўпчилик бунга эътибор бермайди. Буларнинг қайси турга тегишлилиги кўз билан кўриб қиёслаш орқали аниқланади. Шунинг учун улар турли жойларда ва табақаларда ўзаро фарқли бўладилар. Масалан, гранат ва заъфарон рангли дегани бир хил турга тегишли. Биринчиси Ироқлиларда¹³, иккинчиси эса Жибол¹⁴ ва Хуросонлилар¹⁵ ўртасида машҳур. Ал-Киндийнинг ёқут ранглари тақсимлаши ҳам бу тўғрида гувоҳлик беради. Чунки у заъфарон рангли ёқутга энг юксак ўрин берган. Дейдиларки, анор рангли нусхани олмоқ учун, у ёқутга хос; тоза, силлиқ, шипаланган кумуш лавҳага қирмизий¹⁶ рангли ёқут келиб чиқади. Бу қоннинг ранги меъёрида бўлсин. Бу томирдаги қон ҳам қирмизий бўлади.

Ал-Киндий ёқутлар рўйхатини гул рангидаги турдан бошлайди. Унга оқ рангдан гулранглиларгача бўлганларни киритади. Гулхайри¹⁷ рангли ёқутни ундан юқорида берган. Чунки унинг рангида гулранглидан кўра қизиллик ортиқроқдир. Чунки унга қип-қизил ранг қўшилган. У сафсарга ўхшаб ўзида гулрангдан бошлаб то хайригулгача ранглари жилвалантиради. Ундан юқоридагиси қизил-заъфарон (усфурий)¹⁸ ранглиси, ярқироқ ва тиниқ. Бу фақат олтин ранглидан¹⁹ кейин келади. Сўнг оч қизил (баҳрамон-усфурий), тоза, олтинранг крахмал сингари ҳеч нарса билан доғланмаган (нашастаж)²⁰. У қизил ранглилар ичида энг юқори баҳрамоний сингари олий даражалидир.

Бу рангдаги тошлар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Рангланиш сифати, унинг қуюқлиги, унда «сув»нинг кўплиги, ярқироқлиги ёки нуқсонсизлиги жиҳатидан шундай-дирлар. Шу сифатлари туфайли ўзаро турли баҳоланадилар.

Наср уларнинг қуйидагича рўйхатини келтиради: гулранг (биринчи), шам олови ранглиси (иккинчи), тоза, ярқироқ қизил гул ранглиси (учинчи), тобланган чўғ ранглиси. Менимча, *хайрий* сўзи Ал-Киндий китобида хато ёзилган. У жамрий²¹ бўлса керак. Яна Оллоҳ яхшироқ билгувчидир. Сўнгра анор дони рангли ва тобланган чўғ ранги ўртасидаги (хилларини фарқлайди).

Номаълум бир муаллифнинг китобида дейилганки, ёқутнинг энг яхши тури заъфарон ранглиси. Сўнг гулранглиси. Қип-қизил ёқут тўғрисида айтилганки, у тўйинган қизил ранглидир. Униси эса қизилликда ундан қуйи — бу ёввойи заъфарон (баҳрамон) ранглисидир. Баҳрамон дегани усфур (ёввойи заъфарон)дир. Масалан, кийим баҳрамо-

на рангли, ё усфурий дейилади. Ёқут рангини таърифлаганда бу ўсимлик ранги (усфур) кўзда тutilмайди, чунки у сариқ рангда бўлади, аксинча, крахмали ажратилган пайтда биринчи бўлиб ажраладиган шарбатнинг сариқ ранги кўзда тutilади.

Усфурдан чиқадиган қизғишлик берувчи нарса гранат рангига ўхшаш ва у жарёл дейилади. Шунинг учун ҳам жарёл жуда гўзал бўлади. Анор гули рангидан кейин эса унга ўхшаш жавҳарларга яқин. Жарёл сўзи усфур ўрнига ҳам ишлатилади.

Бу ан-Набиға ал-Жаъдий²² сўзларида ҳам кўринади:

*Изарнинг юпқа бўлаги, уни мен қолдирдим,
Унинг кийимида, жарёлнинг шарбати сингаридир.*

Жарёл — сузғичдан ўтказилган шарбат (ровуқ)²³. У моддий ашёдан ташқари, гоҳо рангни ҳам билдиради.

Ал-Аъшо шароб тўғрисида ёзганда шуни ишлатган:

*Бобил узоқ ушлаб турган шароблардан қанчаси,
қурбонлик қилинган ҳайвонлар қони каби эдилар.
Мен уларни жарёл²⁴ (ранги)дан жудо қилдим.*

Халил ибн Аҳмад²⁵ дейди: баҳрамон усфурнинг бир хилидир. Агар унинг гапи ҳақ бўлса, унда баҳрамон энг олий тур бўлади, шунинг учун унинг номи ёқут учун сифат маъносида хизмат қилган.

Ас-Сорий ар-Раффо²⁶ «Хушбўй нарсалар тўғрисида» китобида бундай дейди: усфур — химёрий (тилидан олинган) сўз. Ҳамза дейди: Усфур форсий хасакфарнинг арабийлашганидир. Бу ўсимликни сарғишловчи (хасак)²⁷ дейилади. Унинг мевасини қуртум дейдилар. Агар шарбати зарарли бўлса, уни алвастининг қони (аъндом)²⁸ дейилади. Унинг куртаги бахрамо дейилади, арабийлашгани эса бахром, бахрамон, бахромаж²⁹ бўлади. Кийимни ана шу нарса билан бўяйдилар. Менимча, Миррих (Марс) сайёраси форс тилида Баҳром дейилмоғи унинг қизил рангда эканлигидандир.

Усфур — ҳиндча кусунб³⁰. «Ал-машоҳир» китобида ёзилганки, ранф³¹ — бу сахро бахромажи. Шундан маълум бўладикки, у ўша сахро усфурининг ўзгинаси. Абу Ҳанифа ад-Диноварий³² «Ўсимликлар китоби»да ёзади: «Ранф — тоғ дарахтларидан биридир». У ҳилоф балхий³³ номи билан маълум. Сахро бахромажи ўз баргларини тунда шохлари атрофига йиғиб олади, кундузи эса барглари яна ёзилади. Унинг оти форсчадан келиб чиққан. Осилиб турадиган қуюқ қизил рангли гулларга эга ўсимлик ҳам шу турга мансуб.

Айтиб ўтилганидек, тунда баргларининг йиғилиши сув нилуфари ва озарийун³⁴ барглари юмилишига ўхшаш эмас. Чунки, унинг барглари сўлиб осиладилар. Ҳилофи балхий ўсимлигининг барглари эса уни Балхда сиришк (кўз ёши) — ундан сиқиб олинadиган шарбатнинг номи шундай, нилуфар (савсан) баргидан кичик. Сўнгра уни сузғичдан ўтказиб, қайта тозалайдилар. Аммо улар шохлардаги ўз жойлашуви жиҳатидан ўхшашдирлар. Улар шохда икки қатор бўлиб ўрнашадилар.

Кун чиқар пайтида барглр юз томони билан Қуёшга қарайдилар³⁵, ботаётганда ҳам. Кундузи пешин чоғи улар шохлар атрофига йиғиладилар, юқорига чўзиладилар, тунда пастга тушадилар, худди сўлигандек бўладилар. Худди шундай кўриниш бошқа ўсимликларнинг баргларида ҳам кўзга ташланади. Улар Қуёшга қараб қайриладилар. Бундай хусусият баъзиларида сезиларлироқ, бошқаларида эса ёпиқроқ бўлади. Бу улардаги намликнинг даражаси ва тузилишининг нозиклигига боғлиқ. Усфур (жарёл)нинг шарбатига келсак, бу тўғрида Ҳамза ёзган эдики, бу «алвастининг қони» (аъндом)дир. Луғатлар муаллифларининг айтишларича, «аъндом — қизил саҳронинг қизил ўсимлиги». Улар дейдиларки, у йирик суффо³⁶, яъни бу настурсия (хурф)дир³⁷. Шунинг учун бу сўз билан Ҳамза айтганидек, ҳамма қизилликларни атайдилар. Бошқалар эса бу сўзни сандал ёғочининг шарбати (баққам)³⁸га нисбатан ҳам қўллаганлар. Чунки унинг қайнатмаси усфур шарбатидан фарқ қилмайди.

Ал-Ажжож³⁹ ёзган:

*Икки ўмров ўртасида қайнайди қони,
Бўёқчининг қозонида қайнаган каби.*

Сандал ёғочининг шарбати ва аждаҳо қонини бирлаштирувчи хусусият ҳар бирининг қонга ўхшашлигидир. Сандал дарахтининг барглари рута, (сазоб)⁴⁰нинг барглари каби. Санфир⁴¹ номи билан ҳам маълум Хайбарда, уларнинг бир ўлчамини талъ нархида сотадилар. Ҳар бир талъ юз қотия, ҳар бир қотия эса биру чорак менага тенг. Ҳар бир талънинг нархи бир олтин тинага баробар. Тина ўн олти мошижага тўғри келади, мошижа тўрт доник олтин туради. Бу олтин тангалар Нишопурнинг ярим динорига алмашилади. Баъзилар «аждаҳо қони» номини айдаъга нисбатан ишлатмоқчи бўлиб⁴² ўтказмоқчи бўладилар, аммо бу нилуфарнинг илдизидир.

Унга саҳройи бадавий араблар айтганлари бўйича Абу Ҳанифа дейди: бу нил деган ўсимликдир. Унинг гуллари тўқ қизил бўлади. Гулининг номи «аждаҳо қони» (аъндом)дир. Аммо бошқалардан мен бу гапни эшитмадим.

«Девон ул-адаб» китобида: «аждаҳо қони» (аъндом) «икки оға-инининг қони»⁴³ дейилган; форсчада у «Сиёвуш қони» дейилади. Форсларнинг эътиқодига кўра, у Кайковуснинг⁴⁴ ўғли Сиёвушнинг қони тўкилган ердан ўсиб чиққан эмиш.

Ҳиндларда бу иккала ўсимликнинг номлари айтиб ўтилганларга яқин — пандурат, яъни Пандунинг қони. Панду — бу бир қабиладирки, улар билан амакиваччалари Куру⁴⁵лар ўртасида қаттиқ урушлар бўлган, улар ҳар иккала томоннинг батамом қириб ташланиши билан тугалланган.

Ал-Аъжжож ёзган:

*Қабиланинг совутлари кўкракдаги қонли қўйлақлар
«Аждаҳо қони» аъндом сачрагани каби.*

У яна ёзган:

*Хаффон шерларининг умрови ва юзидаги
қора доғни аъндом деб хаёл қилди.*

Бундай мисоллар кўп. Гарчи араб шеърлятида аъндом ҳақида эслатишлар уни шароб ва қонга нисбат беришлари етарли эса-да, араблар барибир, унинг моҳияти тўғрисида бир-бирларига зиддилар. Бундай қарама-қаршилиқлар улар бунинг моҳиятини билмаслиқларини кўрсатади.

Шунга ўхшаб «Мажистий» сўзининг маъносини билмаганлари учун фалакиётчи олимларига ҳеч ким таъна қилмайдику! Ҳолбуки, улар бу китобга суянадилар, унга ишонадилар, бу китоб улар билган билимларни охирги нуқтасигача ўз ичига олган. Барибир, улар бу сўзнинг маъносини, унинг қайси тилга оидлигини билмаганлари учун астрономларга ҳеч ким таъна қилмайди! Ҳар ҳолда бу юнон сўзи эмасдир⁴⁶.

Ибн Дўрайд⁴⁷ уржувон сўзи тўғрисида бундай дейди: «Бу арабийлашган форсий сўз бўлиб, жуда қуюқ тўқ қизил рангни англатади. Бундай рангни қирмиз ҳам дейдилар. Кийим рангининг жуда қизил эканини таъкидлашни истасалар ҳам уржувоний ёки бахрамоний рангли дейдилар. Лекин бу арабча шаклдаги сўз, форсчаси эса *гули арғувондир*. Сен бундай рангни камёб дарахтда кўрасан. Улар майда, қуюқ қизил рангда, шароб рангига ўхшаш, ҳидсиз, аммо кўриниши ёқимли. Барибир,, улар арабчами ёки арабийлашган форсчами, фарқи йўқ, араблар ўртасида умум қўлланилади».

Амр ибн Қулсум⁴⁸ ёзган:

*Кийимларимиз ҳам бизнинг, ҳам уларнинг эғнида каби
Худди уржувон рангга бўялган ёки олтин суви юритилгандек.*

Қип-қизил ранг — Рум қайсарлари⁴⁹ кийимларининг ранги. Қадим замонларда оддий одамларга бу рангдаги кийим тақиқланган эди. Айтадиларки, бу шиллиқ куртлар қони. Сур халқи⁵⁰ бу рангни итлар оғзи орқали билганлар. Итлар қирғоқда бу жониворларни еганлари сабабли, лаб-даҳанлари уларнинг қони билан қизариб қолар экан.

Дейдиларки, Янол монийчи⁵¹ ўзининг Сосонийлар саройида ёзганлари орасида сўз-аро эслатиб ўтадики, хитой императорининг кийими қип-қизил бўлар экан; фақат унинг ўзи шундай афзалиятга эга бўлган, яъни қизил кийим кийган. Бошқа ҳеч ким бундай кийим киймаган.

Жолинус⁵² қип-қизил курт⁵³ тўғрисида хабар беради. Уни денгиздан хўллигича олиб чиқадилар. Сўнгра у қотади. Бу эса Сур халқи тўғрисида айтилганларга шубҳа уйғотади.

Энди ўзимиз гапирётган, аммо изоҳлаш мақсадида ундан узоқлашган гапларга қайталик. Шундай қилиб, ал-Киндий ёқутнинг (йақутнинг)⁵⁴ нуқсонларини санаб чиққан. Улар бундай: илдизида доғи бор. Уни кетказа олувчи бирор нарса йўқ. Доғлар кўпайганда улар ёйилади ва тошнинг ичига ҳам кириб кетадилар. Яъни хармалият деган тошлар шулардандир.

Ҳармал⁵⁵ оқ ранг дегани. Форсчада кунжада⁵⁶ дейилади. Уларга кўпикланув ҳам хос. Яъни лойга ўхшаш кирлик. Яна ёриқлари ҳам бор. Улар нур кирмоғига тўсқинлик қиладилар ва тошни ярқирамайдиган қилиб қўядилар. Бундай ёриқлар шиша ва тоғ бил-

лурларида уларни урганда, улар парчаланганда пайдо бўладилар. Бу ёриқлар шунчалар кўриниб турадики, улардан сув ҳам ўта олади. Ёқутда улар табиатан бўладилар, ёки кейинчалик юзага келадилар.

Ранглинининг турли бўлақлардаги хилма-хиллиги ҳам нуқсон қаторига киради. Бир жойда ранг тўласича, бошқа жойда эса заифроқ бўлади. Бу эса тошларни турли рангли қилади. Оқ чиғаноқ юзасидаги қирови ҳам шундай. У ёндан ёпишади. Уни «асийн»⁵⁷ дейдилар. Агар у тошнинг ичига сингиб кетмаган бўлса, уни қириб олиб ташлаш мумкин. Агар чуқур сингиган бўлса, унга қарши ҳеч нарса қилиб бўлмайди.

Дейдиларки, «маъдин» сўзи (кон, қазилма бор жой) *аъдн* сўзидан келиб чиққан». Бу турар жой маъносини англатади. Гўё изланаётган нарса конда асрлар давомида турмоқда экани, ёки кон қазувчилар уни кавлаб олмоқ учун ҳатто бутун бошлиқ ғорлар қазимоқдан ҳам эринмай ишламоқда эканини билдиради⁵⁸.

Ёқутнинг асосий конлари Сарандиб⁵⁹ оролида, Ҳирканд⁶⁰ денгизи қўлтиғида ва қирғоқдаги тоғларда. Бу қирғоқлар оролни рўпарасида ёнма-ён жойлашган. Қизил ёқут ҳақида ҳикоя қилишларича, уни майда тошлар уюмлари орасидан ковлаб оладилар. Шундай ёқутларни ҳам топадиларки, улар гранатнинг пўсти каби чиғаноққа эга бўлар эканлар. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Бадахшон лаълларини ҳам биллур ўрам ичидан топадилар. Бутун ярқироқ минераллар, аслида, асосан оқувчи суюқликлардан қотиб тошга айланганлар.

Уларда ташқи аралашмалар — ҳаво пуфаклари, сув томчилари, ўсимликлар барги, ёғоч парчалари борлиги, бу ҳақда биз кейинчалик тоғ биллури тўғрисида гапирганда айтиб ўтамиз, шундан далолат беради. Ҳар қандай суюқлик оқар пайтда идишга муҳтож бўлади. Бу идиш суюқликни то қуриб, оқиш қобилятини йўқотгунгача ушлаб туради ва оқиб чиқишига йўл қўймайди. Шунда бу идиш суюқликни асровчи бўлади. Аммо унинг бундай хусусияти ҳаммага маълум. Қотиш қандай пайдо бўлади, унинг сабаби нимада, қандай қилиб турли ранглар юзага келади, бу нарсаларни тушунишга ҳали инсон ақли етиб келгани йўқ. Буларни фақат Яратувчисининг ўзигина билади.

Оллоҳ буюк ва шарафлидир.

Айтилганлар шу билан тасдиқланадики, ёқут, албатта, қиздирмоққа муҳтож. Ўшанда унинг бўёқлари тозаланади, унинг қизил ранги унга гоҳи ёпишадиган сафсарийликдан холи бўлади.

Сўнгра ёқут унга аралашиб қолган тупроқдан, унинг бўшлиқларига кириб олган қумдан, ёки унга тушган ҳаво пуфакчаларидан қутилгунгача унинг бу нуқсонларини кўриб чиқадилар, унинг ташқи қаватини то ўша нуқсонларни чиқариб ташлагунгача қиртишлайдилар. Бунда тошнинг салмоғи камаяди, чунки ҳажми кичраяди, устки юзаси текис бўлмайди. Аммо бу сўнги иш унга янги нуқсонлар қўшмайди. Чунки бундай нотекислик унинг табиий ҳолатида деб ҳам кўрилмоғи мумкин. Аммо нуқсон тошнинг юзасида эмас, ичида бўлса, ўша жойга қадар тешик тешадилар, токим ўша тешик орқали ҳавонинг чиқиб кетмоғига йўл очилсин деб. Шундай қилинмаса, тош қиздирилганда ёрилмоғи мумкин. Эҳтимол, худди шундай тешикларни кўзда тутиб Абу Таммом ёзгандир:

*Маддоҳ ўз мақтовлари билан ютуққа эришди (бозори, омади келди)
Сен тешилмаган ёқутлар маржонини унинг эгнига осдинг.*

Иъқд — бу маржон. Агар улар чинни гулнинг уруғидан қилинган бўлса, сиҳоб (қимматбаҳо тошларсиз) деб аталади. «Ютуққа эришган» деб шоир тинимсиз берилаётган мукофотларни кўзда тутган. «Ёқутлар маржони» эса у ҳақли равишда эшитган мақтовлар. Кўпинча бундай тақинчоқлар қўлга тақишга мўлжалланган бўлади. Бу ерда шоир бу сўзни каранфул⁶¹, саховатли қўл ўрнида ишлатган. Аммо мақтовни ёқутлар маржонга ўхшатишда, ҳақиқий маржон тешилган ёқутлардан бўлишини кўзда тутганда — шу билан у ўхшатишни рад қилади ва ҳақиқий далилни тасдиқлашга қайтади. Кўринадик, бу маржон тошлардан эмас, балки гўзалдан гўзал шеърлардан иборат кўчма маънода экан.

Ал-Бухтурий ҳам шунга ўхшаш гапни айтган:

*Биз уларни ипга терилган дурдек териб боғлаб чиқамиз.
Аммо тешилмаган нарсани териб боғламоқ қандай яхши.*

Ал-Ваъва ад-Димишқий⁶² дейди:

*Биламан, дур териб боғловчилар уларни тешадилар.
Бу эса тешилмаган, у қандай қилиб терилиб қолди экан?*

Абу Таммомнинг «тешилмаган» деган сўзи ёқутнинг ўта тозалигини кўрсатади. Унда айтиб ўтилган нуқсонлар йўқ, агар у шуларни кўзда тутган бўлса, шу жумладан олтин миҳчалар воситасида қилинган тешикларнинг йўқлигини ҳам — агар улар бўлганида шубҳа туғдирган бўлар эди. Бу олдинги синган жойни тузатиш деб тушуниларди. Шундай бўлганда у ипга термоқ учун ясалган тешикларни кўзда тутмаган бўларди. Маржон фақат ўшалар бўлгандагина ясалади, бўлмаса ясалмайди.

Ипга «терган» жумласини ишлатганда, у фақат ёқут ичидан ип ўтказилганда ипга термоқни кўзда туттади. Ёқут ичида тешикнинг бўлмоғи ва ундан ип ўтказилмоғи — бегона нарса туфайли ярқираши ва тозалиги камайишига олиб келади. Улар эса фақат тешиклар йўқлигида мукамал бўладилар. Шундай қилиб тешиклар ҳам нуқсонлардан бири, ёқут гўзаллигига халал берадиганлардан бири бўлади.

Абу Нувос⁶³ шаробни мақтаб ёзган:

*Унинг-чун, у ҳақда эшитганимдан кейин,
Қанча тешилмаган ёқутни сарф этдим тайин.*

Ёриқдаги нуқсонлар қаторига ундан заҳарланиб қолиш (эхтимоли) ҳам киради. Агар уларга ҳатто седана қадарча ҳам ўлдирадиган заҳар кириб қолгудай бўлса, шундай бўлади. Чунки одатига кўрга заргарлар қимматбаҳо тошни ўз оғизларига солиб, уни хўллаб, унинг юзасидан у ерга тушган чанг ёки ғуборни кетказмоқчи ва шу билан тош-

ни ярқиратмоқчи бўладилар. Менимча, худди шундай ҳодиса бир одам билан юз берган. У тирикликда асирлик ичра тубанлашувдан кўра, қабрда шарафланувни афзал кўриб узукдаги захарни сўрди ва шу билан шармандалиқдан қутулди.

Масалан, Қулубатра (Клеопатра) — Батлимуснинг (Птолемей) қизи (Қадимги Мисрда Птолемейлар сулоласидан ўн тўртинчи ҳукмдор Птолемей XIVнинг хотини малика Клеопатра ҳақида гап бормоқда. — *М.И.*) Ағустусга (Август — Рим консули) асир тушиб аёл сифатида хўрланишдан кўрқиб, ўз кўкрагига захарли илонларни қўйди. Унинг жасадини тож кийганича ўлтирган ҳолда топдилар, унинг боши ўнг қўлига суялганча қолган эди. У душман қўлига тушмай ҳаётдан кетди.

Тешиқларга келсак, уларда ё ҳаво бўлади — уларнинг кўриниши ёқутга ҳеч бир яхшилик келтирмайди, чунки улар асосан аралашмалар ва нуқсонлар туфайли вужудга келган ва ёқутнинг тиниқ ярқирашига тўсқинлик қиладилар; ёки бу тешиқлар (сунъий равишда) нима биландир тўлдириладилар, ўшалар ёқутнинг қизиллигини кўпайтирадилар. Лекин бу иш алдов ва найрангга ўхшаб кетади. Шу билан унинг нуқсонларини яширмоқчи бўладилар.

Бу ишларнинг ҳаммаси рад этмоққа сазовор.

Баъзан бундай алдоқ учун қилингандай туюлган киритилганлик ёқутда табиий бўлмоғи ҳам мумкин. Ёқут парчасининг бутун ранги заиф, лекин унда қандайдир нурли қизил доғ бор. Ўша доғ тошнинг қолган қисмларига шуъла ташлаб туради, уни тўла безайди ва унга гўзаллик бағишлайди.

Аристотилус (Арасту)га нисбат бериладиган «Тошлар ҳақида китоб»⁶⁴, — менимча бу китобни унга фақат нисбат берадилар холос, — ёзилганки, гоҳо ёқутда кичик бир доғ бўлади. Унинг қизил ранги тошнинг қолган рангларидан кўра анча нурли бўлади. Агар уни оловда қизитилса, ўша кичик доғ кетганда, шу билан тошнинг гўзаллиги ортади. Агар у қорароқ бўлса, қоралиги қисман йўқолади.

Бу гап ал-Жоҳизнинг⁶⁵ ёқут тўғрисидаги ҳикоясини эслатади. Ёқут бир кишининг қўлидан тушиб кетганида уни туяқуш ютиб юборган эмиш. Бунда икки моний динига эътиқод қилувчи зиндиқ⁶⁶ ҳозир бўлган экан, улар (бу воқеани) кўришган эмиш. Ёқутнинг йўқолгани маълум бўлгач, шулардан гумон пайдо бўлибди. Уларни айбига иқрор қилмоқ учун ура бошлабдилар. Уларнинг ҳар бири ўз ўртоғига азоб берганларида уни ҳимоя қилар экан. Уларнинг дуалист (яхшилик ва ёмонлик кураши ғоясига ишонувчи, борлиқнинг моддий ва илоҳий асосларини параллел равишда мавжудлигига ишонувчи монийчилик дунёқараш эгалари. — *М. И.*) эканликларини билганларидан сўнггина одамлардан ишнинг қандай содир бўлганини сўрай бошлаганлар. Уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда туяқушнинг қилган ишини аниқлаганлар. Гумон қилинганлар эса туяқушни ўлимга маҳкум этмоқни гуноҳ деб ҳисоблаганлар. Шунда тош эгаси шошиб туяқушни сўйган ва унинг меъдасидан қимматбаҳо тошни тортиб олган. Тошнинг салмоғи камайган, лекин ранги гўзалроқ бўлиб қолган эди. Чунки меъдадаги ҳарорат унинг учун ёниб турган оловнинг ўрнига ўтган. Агарда бу иш маълум ва машҳур бўлиб кетмаганида мунчалик муҳокамага тушиб кетмаган бўлар эди. Бу тўғрида гап ҳатто аш-Шофиъийга⁶⁷ ҳам, уни худо раҳмат қилган бўлсин, етиб борган. Ундан сўраганларида жавоб бериб, бундай деган экан: «Менда қимматбаҳо тошнинг эгаси тўғрисида ҳеч қандай фикр йўқ. Аммо у ақлли киши бўлга-

нида, туяқушни тутмоғи уни сўйиб ичидан қимматбаҳо тошни олмоғи, сўнгра эса унинг эгасига тирик ва сўйилган туяқушнинг баҳоси ўртасидаги фарқни тўламоғи керак эди»⁶⁸.

Абул Қосим ибн Бобакнинг⁶⁹ фикри Абу Таммомнинг фикрига қарама-қаршидир.
Абул Қосим дейди:

Унда қатор дурлардан тузилган маржон бўлгай.

У маржон тешилган дуру ёқутлар ипин ажратиб тургай.

Ал-Киндий ҳикоя қилади: у Ҳиндистондан келтирилган бир халтада оловда тобланмаган тошларни сотиб олган. Улардан баъзилари оловда тобланган. Қизилларининг ранги яхшироқ бўлиб чиққан. Улар орасида иккитасининг бири жуда қора бўлган. Унинг қизиллиги фақат ёруғликда аранг кўзга ташланарди. Бошқаси эса ялтироқ, лекин ранги заиф. У уларни тигил (ноёб маъданларни эритишда фойдаланиладиган махсус идиш — М.И.)га солиб, элик мисқол олтинни тобламоққа қанча вақт кетса, шунча қиздирган. Сўнг тортиб олиб совутган. Асл ранги хира тош тозароқ бўлиб қолган, унинг ранги гул рангига яқинлашган. Қора тошдан эса бўёқ бутунлай ўчиб кетган ва у тош Цейлон (Сарандиб) тоғ биллурига ўхшаш бўлиб қолган. Синаб кўрилганида у ёқутдан кўра заифроқ бўлиб чиққан.

Шундай қилиб, тобланса ёқутнинг қизил рангига аралашадиган бўёқларни кетказди ва у тозаланади. Ал-Киндий дейди: рангининг қизилиги сақланмаса, бу тобланган тошнинг ёқут эмаслигини билдиради. Аммо бу хулоса акс кучга эга эмас. Ҳар бир ўрнашиб қолган қизилликка эга бўлган нарса ёқутдир. Масалан темир, гарчи ёқут бўлмасда, оловга чидамли.

Ал-Киндий дейди: Шундай ҳам бўладики, ёқутни оловдан тортиб оладилар. У оловда ишлов олаётган эди. Лекин ҳали тозалаш жараёни охиригача етган эмас. Кам ҳолларда уни қайтадан оловга кўядилар. Чунки бахтсиз ҳодисадан хавотирланадилар ва такрорий тобланишига йўл кўймайдилар. Агар шу тош Ироқ савдогарлари кўлига тушса, улар унинг қора рангини кўриб, очкўзлик билан баҳосини оширадилар. Уни сўғд лойидан ясаиб, бирлаштирилган икки тигил орасига кўйиб янгитдан тоблайдилар. Сўғд лойи оқ ва ўтга чидамли бўлади. Тигиллар орасини суваб беркитадилар. Кошинкор усталарнинг кўзасининг ўртасига солиб, бир мисқол олтиннинг тобланувига етарли вақтгача ўрнатиб кўядилар. Сўнгра уни тортиб олиб, унга қипиқ сепиб совигунича кутадилар. Натижада тош тозаланади, унинг баҳоси ошади. Уни ишлаш пайтида тешгач ва чуқурчалар каби нуқсонларини йўқотилгач, уни кондан олинган тупроқ ва у билан аралаштириб эзилган қизил бўёқдан қилинган лой билан шуваб кўядилар. У қуригач, тошни маълум фурсатдан сўнг ўтда тоблайдилар. Бу иш бир соатдан кам, бир кеча-кундуздан ортиқ давом этмаслиги керак. У совигач, тортиб оладилар. Гоҳи, агар тозалов тўла бўлмаган бўлса, бу ишни яна қайта амалга оширадилар.

Ёқутларнинг қазиб олинадиган жойлари тўғрисида айтадиларки, улар Сарандиб оролида, шу ном билан аталадиган қўлтиқда, Нагаз⁷⁰ деган жойдадир. Уларни тоғларда қазиб оладилар. Сарандиб ҳиндчасига Сингалдибдир. Диб⁷¹ ҳар қандай орол маъносидаги ҳиндча сўздир. Менимча, маъносига кўра, бу сўз «Кўпчилик орол»ни англатади

ёки «Ороллар тўпланган жой»дир. Диб — Дийбажот⁷² сўзининг ўзагидир. Бу эса неча минглаб оролларни билдиради. Бу эса араблардаги сўз ҳарфларини камайтириш ода-тини эсга солади.

Амр ибн Аҳмар⁷³ бундай деган:

*Тойчоқ тойиб айланар ва доирада чопарди,
Чап оёғи сайқалчи қўлида ярақлаётган Сарандиб қиличига ўхшарди.*

Сарандиб бандаргоҳи қирғоқда жойлашган. Бу — Мандробатан⁷⁴ шахри. Уни Хуросон аҳли Мадрапатон дейди. Бу ердан Чола⁷⁵ вилоятининг чегараси ўтган. Вилоят маркази — Бижовар⁷⁶. Бу чегарадан юқорида Шарққа қараб Саялон⁷⁷ чегаралари чўзилади, сўнг Ба-лакарон⁷⁸ келади. У ерда сариқ ва сурмаранг ёқут конлари келади. Ундан юқорида Рўнак⁷⁹ вилоятининг чегаралари. У ерда Барқ⁸⁰ тоғи. Унинг қаърида қизил ёқут конлари бор.

Дейдиларки, ўша барқ ёқутларини чақмоқ яратар эмиш. Лекин бу булутлардан бўла-диган чақмоқ эмас, бундай чақмоқ шамол ҳайдаб келган булутларнинг йиғилишидан тўпланган куч туфайли чақнайди. Бу бошқа барқ. У ўша тоғда доим ёнувчи олов. У қуд-ратли аланга бўлиб чақнайди, шунинг учун уни яшинга ўхшатадилар. Тунлари денгиз-даги кемалар ундан йўлларини топадилар, худди Ободон⁸¹ оловига қараб йўлларини топганлари каби. Бу эса кемаларнинг Канкавон устунлари (хашабот)⁸², ёки Исканда-рия⁸³ маёғи орқали йўл топишлари кабидир. Кундузи эса Барқ тоғида тутунга ўхшаш нарса кўриниб туради.

Ал-Масъудий⁸⁴ «Китоб масолик ва-л-мамолик» китобида эслатадики, у ерда Рохун⁸⁵ тоғи бор. Гўё бу Одам тушган жой эмиш, унга сулҳ бўлсин, мен ҳисоблайманки, бу Ру-накнинг⁸⁶ арабийлашган шаклидир. Баъзилар бу ернинг Одам тушган жой эканлиги-ни тасдиқлаш ниятида. Дейдиларки, у ердаги ўтлар ўсиб чиққанларидан сўнг, бир неча муддат юқорига ўсадилар, сўнгра ерга эгиладилар ва яна туяларнинг бўйни сингари юқорига кўтариладилар. Сўнг уларда яна аввалги ҳол такрорланади. Гўё булар ҳаммаси фаришталарнинг Одам олдида таъзим қилмоқларига ўхшар эмиш. Бундай дегувчилар тушунмайдиларки, аъзим ўрни эгилув ўрни эмас!

Ал-Киндий дейдики, ёқутларнинг туғилиш жойи Саҳонадир⁸⁷. Бу Сарандибнинг ке-тидан ундан кичикроқ оролдир. Унда катта тоғ бор. Номи Рохун. Унинг атрофида ша-моллар еладилар. Сув оқимлари ўтади, улар ёқутларни келтирадилар.

Бу оролнинг майдони олтмишга олтмиш фарсах келади.

Бу тўғрида ҳикоя қилган кишининг чегара маъносида «орол» сўзини ишлатмоғи шубҳа уйғотади. Яна у «қирғоқ ва орол» сўзларини ҳам қўллайди. Гарчи улар иккиси ҳам сув билан чегарадош бўлсалар-да, қирғоқ сув билан фақат бир томондан чегара-ланади, орол эса — ҳар томондан. Бу маънода у «вараъ ва халфа» сўзларини ишлатган. Гарчи улар маънодош бўлса-да, вараъ сўзи ҳикоячига оид икки нарсадан бирига, яна унинг турган жойидан анча узоқ масофадаги нарсага нисбатан қўлланилади. Халфа эса оролга нисбатан унинг очиқ денгизга қараган томонига нисбатан қўлланилади.

Наср ҳам бу оролни эслатади. Аммо уни Мандрабатон деб атайди. Аммо биз айтиб ўтдикки, бу шаҳар, денгиздаги орол эмас.

Дейдиларки, Куёш ёкутни ёритганида ўша томонда чақмоқ чақнагандай бўлади. Уни Рохун чақмоғи деб атаганлар. Лекин у ерга етиб бориб бўлмайди. Чунки тоғ душманлар ихтиёрида. Бу гаплар ҳаммаси хаёлан тўқилган ва тарқалган ёлғон-яшиқ нарсаларга ўхшаб кетади. Ўшалардан баъзиларини айтиб берайин. Бу чақмоқ Куёш ботишидан пайдо бўлади. У чиқаётганда эса йўқ бўлади. Ҳикоя қилишларига кўра, шундай олов Зобаж (Суматра)⁸⁸ соҳилидаги тоғларда ҳам кўринар экан. Кундузи улар қорайиб, тунлари эса қизил бўлар экан. У бир неча кунлик йўл, масофалардан ҳам кўринар, унинг устида чақмоқ чақнашлари ҳам бўлиб турар экан.

Яна ал-Киндий айтади: «Оқим келтирадиган ёкутлар лойқадан ва ердан топиладиган ёкутлардан яхшироқдир». Бунда ақл ҳайрон қоладиган бирор нарса йўқ.

Денгизчилардан бири айтиб берган гаплар ҳам шунга тўғри келади. Бир куни шамол уларни Жибол Ахдарда⁸⁹ паноҳ тутмоққа мажбур этган. У Барқ тоғининг шарқида. Денгизчилар ўша ерда лангар ташлаганлар ва кемани тўхтатганлар. Улар тўхтаган жойнинг қирғоғида форуқун⁹⁰ ўсган ерлар бўлган. Бу эса созаждир⁹¹. Бу исмларнинг бирида юнон сўзига ўхшашлик бор. Агарда дарахтни юнончасига *фуллан* десалар, ҳиндча уни *қандабир*⁹² дейдилар.

Ҳикоячи давом этиб дейди: кема хизматчилари қирғоққа тушганлар. Қайтиб келгач, новхудога (нов «кема, қайиқ», кемачи эса новнинг эгаси, яъни нов худо. — М. И.)⁹³ кўрганларини таърифлаб берганлар. Қирғоқ сайр учун қулай экан. Улар ўша ёққа йўл олганлар. Ўзлари билан сайр жойига олинмоғи лозим нарсаларни олган эдилар. Улар ўрмон ўртасида бир каттагина ҳовузга дуч келдилар. Унинг бўйида бир чол ўлтирибди. Улар чолга ўзларида бор нарсалардан — ёнғоқ, бодом, хурмо кабилардан совға қилиб берибдилар. Шундан кейин чол шу яқин жойда бўлмиш уйига бориб, бир дарахтнинг баргларида ясалган қутича билан қайтибди. Қутичадан бир қизил ёкут бор экан. Унинг вазни бир мисқолдан ортиқроқ эди. Чол бу ёкутни қилган мазкур яхшилиги учун бошлиққа берибди. Шунда бошлиқ кемага одам юбориб, у ердан олдингига қараганда кўпроқ мева-чева олиб келтирибди. Сўнг уларга кийимлар, рўмол, туз ва бошқа совғалар кўшиб чолга берибди. Шундан кейин чол яна бир ёкут олиб келибди. Унинг вазни олти мисқол келар эди. Аммо у силлиқ ва жуда юпқа эди. Бошлиқ ундан сўрабди: «Буларни қаердан олгансан?». Чол бошлиқнинг қўлидан тутиб, қуриб қолган кумлоқ ариқ бўйига етаклаб борибди ва ёкутларни ёмғир оқимлари келтиришини айтибди. Унинг ўзи бу тошларни қидириб юрмас экан. Чунки уларга эҳтиёжи йўқ экан. У тарки дунё қилган ва дарвешона яшар экан. Сўнг у бошлиққа унинг учун қидирув ишини ўзига олмоққа, у қайтиб яна келганида кўп тошларни бошлиққа йиғиб бермоққа ваъда қилибди. Лекин улар қайта учрашишмабди. Бу ҳикоя ўша сойнинг бошланиш жойи ёкутлар пайдо бўладиган тоғда бўлса керак, деган тахминни келтириб чиқаради.

Шунга ўхшаш воқеалар Хитой тўғрисида ёзилган «Ҳазиналар тўғрисидаги китоб»да ҳам учрайди. Ранги турлича бўлган ёкутлар Сарандиб оролидан олиб келинган. Уларнинг кўпчилиги сув кўтарилган вақтда пайдо бўлади. Сув уларни ғорлар ва тоғ бурчларидан ва сув оқимларининг тубидан ювиб чиқаради. Шоҳ бунга кузатувчилар ва соқчилар тайинлаб қўйган.

Бу тўғрида Букайр аш-Шомий⁹⁴ ёзган:

*Қиличнинг ҳар икки тиғи қўрқинчли,
Қиннинг безаклари эса қўрқинчли эмас.*

Абу Бакр Хоразмий дейди:

*Йирик ва майда дурлар сувдан олинганидек,
Сен ҳам ҳақиқатан ўшалар жумласидансан.*

Сен уларнинг маконида яшайсан, бу эса қимматбаҳо тошлар ва зумрадларнинг макони тоғларда эканига ўхшашдир. Гоҳ уни конлардан ҳам оладилар. Баъзан уни бошқа тош билан қоришиб кетган ҳолда топадилар, сўнгра уларни бир-биридан ажратиб оладилар.

Куйидаги ҳикоя шу ҳақдадир: Ҳиндистонда озиқ-овқат сифатида ишлатиладиган дон-дун — гуруч, ловия, турли нўхатлар, мош⁹⁵ — орасида шундай дон ҳам борки, уни калат дейдилар. У сарғишроқ кул ранг, нўхатга ўхшаш. Уни икки қўл бармоқларида сиққанда у ловияга ўхшаб силлиқ бўлиб қолади, аммо ундан кенгроқ, чунки умуман йирикдир. Бу дон (калат) сийдик қопадаги тошларни зўр куч билан юмшатиш қобилиятига эга. Бу тўғрида китобларда ёзилган. Дейдиларки, унинг бундай таъсири нафақат ўшандай тошларга, балки тоғ тошларига ҳам ўтади. Айниқса, кончилар ёқутни қазиб олаётганларида қаттиқ жинсларга дуч келсалар. Унга калат эритмасини қуядилар ва маълум вақт шундай қолдирадилар. Шундан кейин у жисмларни ёриш ва майдалаш осон бўлади. Шунга ўхшаб олтин ва кумуш конларида ҳам шу мақсадда ўтин ва ёғдан гулханлар қиладилар.

Ёқут ўз қаттиқлиги жиҳатидан бошқа тошлардан устун туради. Лекин олмос унданда ўтади. Олмосда кесик ё тирнав қолдирадилар. Буни уъшар⁹⁶ дейиладиган ҳўл ёғоч воситасида қиладилар. Уни аввал текис мисда сув билан силлиқлайдилар, Яман ақиқининг йўл-йўл тарам-тарам тури кукуни билан ишқалайдилар. Ақиқининг бу тури оҳак сингари куйдирилган бўлади. Бу иш тошнинг юзаси қўрғошин тахтасида наждак (сунбазож) текислангандан сўнг амалга оширилади. Гоҳо наждак тахтанинг остидаги сувга оқиб тушади. Агарда чуқур ярқироқлик талаб қилинса, мис парраги ўрнига айланувчи паррак ишлатилади.

Яна у айтадики, ёқутга нур таратувчанлик хосдир. Бу нарса бирор ёруғ тошда пайдо бўлмайди. Унинг ярқирови жуда кучли.

Шунинг учун уни ал-ғазо⁹⁷ дарахтининг куйдирилганидаги чўғларига ўхшатадилар. Чунки уларда энг тоза ярқироқлик ва энг ёрқин қизил ранг бўлади ва бу чўғлар бошқаларга қараганда жуда секин кулга айланадилар.

Ар-Роъий⁹⁸ деган: Дур ва ёқутки, уларнинг тошчалари ал-ғудо дарахтининг куйдирилгандаги чўғларига ўхшашдирлар, гўзаллар кўксини безаб турадилар.

Шаҳримизнинг заргарлари деган эдиларки, бизнинг давримизда гранат рангли ёқутларнинг олий навларини топиб бўлмайди. Чунки Сарандиб ҳукмрони уларни ўзи-

нинг шахсий мулки деб эълон қилган, фақат уларнинг ёмонроқларинигина сотмоққа рухсат берган. Шунинг учун бизга гранатга ўхшаш ёқутларни келтирмай қўйганлар. Учрайдиганлари эса эскиларидир.

Батлимуc (Птолемей) «Жуғрофия»⁹⁹ китобида қуруқлик орқали кирмоқ мумкин бўлган ёқут ороллари¹⁰⁰ ўраб турувчи Қизил тоғ тўғрисида ҳикоя қилади. Бу тоғ оролни қуршаб олган. Ичида эса шаҳарлар, булоқлар ва дарёлар бор. Птолемей айтган ва у келтирган узунлик ва кенгликларга кўра бу орол одам яшайдиган ерларнинг шарқида энг четида, ё экваторда ё унга яқин ерда жойлашган. Аммо у ўша тоғда ёқут конлари борлиги ва шунинг учун қизил ранглилиги ва шундай деб аталгани тўғрисида бирор маълумот келтирмайди. Ҳалигача у ҳақда тўла маълумотга эга бирор одам учрагани йўқ.

Гоҳо қандайдир жой ўзида йўқ нарсанинг номи билан аталган бўлади. Баҳр ул-аҳдар (Яшил денгиз)¹⁰¹ Дийбажот ва Зобаж атрофида. Дива ва Жива (Ява)¹⁰² оролларига бораверишда бир орол бор. У Ёқут ороли номи билан машҳур. Ваҳоланки, бу ерда ёқутдан асар ҳам йўқ. Бу орол ундаги аёлларнинг гўзаллиги туфайли шундай деб аталган (бўлса керак).

Ғубб ал-қамар (ой кўрфази) аёллари тўғрисида ҳам шундай дейдилар. Бу жойнинг оти Ой билан боғлиқ. У юмалоқ шаклда, унда сув оқими ва унинг қайтиши ўртасида ал-машинувга боғлиқ равишда, у ёқ бу ёққа оқиб туради. Ғубб ал-қамар (кўрфаз) — шундай жойки, у ерда денгиз қуруқлик ичига кириб келади. Бундай жойлардан кемалар эҳтиёт бўладилар. Чунки ундай жойлар саёз, Ал-жазр — оқим кирадиган жой. Бундай оқим денгизда оқади ва қуйилиш жойида ёйилади. Баъзилар ўйлайдиларки, бу сўз ал-Ғуббнинг тескариси, хусусан, дейдиларки, бу «ернинг бўйни» (қумли муюлиш), у денгизга кириб қолган, аслида эса бундай эмас.

Менга ҳикоя қилиб берганларки, ёқут оролининг ҳукмдори Ҳажжож ибн Юсуфга¹⁰³ мусулмон аёлларни юборган. Бу аёллар бу ерга келган савдогарлардан туғилган эканлар. Шу йўл билан у Ҳажжожга яқинлашмоқни истаган. Лекин Дайбулдаги¹⁰⁴ қароқчилар, уларни бавориж¹⁰⁵ деб атайдилар, улар бийр қайиқ эгалари бўлганлар. Бу ердагилар тилида кемани *бийр* дер эканлар, кемага ҳужум қилиб бу хотинларни банди қилганлар. Аёллардан бири, у Ярбу қабиласига қарашли бўлган, ёрдам сўраб «Эй, Ҳажжож» деб қичқирган. Бу хабар унга етгач, у «мен шу ердаман» деб жавоб берган. Бу ал-Муътасимнинг¹⁰⁶ жавобига ўхшаб кетади. Ўшанда Византия чегарасида бир бева аёл «Эй, Муътасим» деб чақирганида у «Мен шу ердаман» деб жавоб берган экан.

Шундан сўнг Ҳажжож Дохир ибн Жажга¹⁰⁷ бу аёлларни озод қилишни буюрган. Лекин у бу сўзларга парво қилмай, аёлларни босқинчилардан қутқариб олмоққа унинг кучи етмаслигини айтган. Шунда Ҳажжож Синд¹⁰⁸ чегарасига ўн олти яшар Муҳаммад ибн ал-Қосим ибн Мунаббихни¹⁰⁹ ҳукмрон этиб таъйинлаган. У Ҳажжожга шикоят қилганки, унда сирка етишмайди, унинг аскарлари шунга ўта муҳтож. Ҳажжож тозаланган пахтани ўтқир шароб сиркасида бир неча бор ҳўллаб, салқин жойда то сиркани шимиб олгунгача қуритишини буюрган. Сўнгра, уларни юклаб Муҳаммадга юбортирган. Унга ёзганки, пахтани сувда увитсин ва бундан овқат пиширишда фойдалансин. Муҳаммад Синдга етиб келгач, Дохир ибн Жажни таъқиб қила бошлади, охири уни ўлдирди.

У Синдни ва пойтахти Бамаханауни эгаллади. Форслар бу шаҳарни Манобод дейдилар; Арканд¹¹⁰ жадвалларида эса бу шаҳар Брахманобод дейилган. Муҳаммад бу шаҳарга кириб келганда «Мен ғалаба қозондим» деган ва шундан бошлаб шаҳар Мансура¹¹¹ (ғолиб келувчи) дейила бошлаган. Сўнг у Мўлтонга¹¹² қараб йўл олди, уни ҳам эгаллади. Унга кириб келганида «Бу ерга одамларни жойлайман», деди. Шунинг учун бу шаҳар Маъмура (одамлар билан тўлдирилган обод шаҳар) деб аталиб кетди. Лекин бу ном Мансур номи қадар шуҳрат топмади. Мўлтон Фарж аз-заҳаб (Олтин йўлак) ёки Олтин оғиз¹¹³ номини олди ва бу ерда пул йиққанлар. Пулни томонлари ўн ва саккиз тирсак келадиган, қулфланган ва муҳрланган хонада йиққанлар. Пулларни томдаги тешикдан ичкарига ташлаганлар. Шунинг учун Мўлтон Олтин оғиз деб аталган. У олтин билан тўлгандек эди. Сабаби эса бундай: у ерда бир ёғоч бут бор эди. У қизил сафён (махсус ишлов берилган чарм) билан қопланган. Унинг кўзлари икки қизил ёқутдан ясалган. Оти Қуёш маъносида Адит¹¹⁴ эди. Уни зиёрат қилмоқ учун узоқ шаҳарлардан одамлар келардилар. Улар эҳсон учун пуллар келтирганлар. Муҳаммад тинчликни сақламоқ учун ўша бут билан иши бўлмади. Бут бузилмаганча қолди. У то Муқтадир¹¹⁵ ҳукмронлигида Ҳакам ибн Шайбон¹¹⁶ синдириб ташлаунгача сақланди. Ҳалам билан руҳонийлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Сўнг ўша бутга тегишли хазинани тортиб олдилар.

Ютуқларга элтувчи Оллоҳнинг ўзидир.

ҚИММАТБАҲО ТОШЛАРНИНГ АСЛ БАҲОСИ

Қимматбаҳо тошларнинг баҳосига келсак, уни аниқламоқ учун қатъий асосдаги белгилаб қўйилган доимий қоида йўқ. Борлари ҳам ўзгариб туради. Бундай ўзгариш жой ва вақтнинг турлилиги, юқори тоифанинг уларга ва уларни сотиб олишга эҳтироси ва ҳароратли муносабати асосида шаклланувчи дидларнинг ҳар хиллигига боғлиқдир. Яна шароитнинг ўзгариши, бу эса тошларнинг беҳад мўллиги ёки етмаслиги туфайли содир бўлади ва баҳосининг ё тушиб кетиши ёки кўтарилиб кетмоғига сабаб бўлади. Биз келтираётган баҳолар бизнинг ёки унга яқин вақтда Ғазна¹¹⁷ ва унга яқин шаҳарларга тўғри келади. Бу (вақт ва маконда) ана шундай келишувлар бўлади. Пулнинг қадрини эса Ҳиротдаги¹¹⁸ нархга нисбатан кетирилади. Қимматбаҳо тошларнинг нархини ҳам Ҳиротдаги баҳоси бўйича берамиз. Агар бу тўғрида бирор бошқа гапдан хабардор бўлсак, уни айтамыз.

Биздан олдингиларнинг сўзларига қараганда *баҳрамоний* рангли энг олий сифатли, ундан юқорироғи бўлмайдиган ёқутнинг бир мисқоли беш минг динар бўлган. Ярим мисқол вазнли тош икки минг динар турган. Икки мисқолли тошнинг баҳоси йўқ, уни ўзинг белгиламоғинг мумкин.

Қимматбаҳо тошлар билан савдо қилувчи ҳозирги савдогарлар дейдиларки, узукка қўйиладиган тўқ гранат рангидаги тош: гранат рангидаги қуюқ бўёқли, тоза, тиниқ, дағал (ғадир-будур) ўсимталарсиз, бўғиқ хира эмас, тиниқ силлиқ юзали, параллелопипед шаклда бўлмоғи керак, бу таг қисми камонсимони¹¹⁹; устки юзаси темирчининг сандонига ўхшаши эса ундан кейинги нав ҳисобланади. Бундай тош юксак сифатлидир,

уни юлдуз (нажм — араб тилида «юлдуз») дейдилар. Ваҳоланки, қиёс учун «юлдуз» дейилиши кўпроқ дурга тўғри келган бўлар эди. Улар айтадиларки, шундай алоҳида юлдуз туридаги бир тош, агар у бир *тосуж* вазнли бўлса, баҳоси беш динор туради. Вазни икки баравар ортиқ бўлса, баҳоси ҳам икки баравар ошади¹²⁰. Бир *донгли* тош, яъни $\frac{1}{6}$ мисқоллиси ўттиз динор туради. Тошнинг вазни икки баравар ошса, унинг қиммати тўрт баравар ошади. Ярим мисқолли тош эса тўрт юз динор, бир мисқоллиси минг динор, бир ярим мисқоллиси — икки минг динор туради. Биз кўрсатилган сифатларга эга бўлган тошларни кўрмаганмиз, дейдилар заргарлар. Ҳатто бир мисқол вазнли тош, худди шу вазндаги гавҳарга ўхшаб жуда кам учрайди.

Ёқутнинг бир *донги* вазни ошган сари дурдан қимматроқ туради. Улар айтадиларки, баҳрамоний рангли ёқутнинг бир мисқоли, унинг гранат ранглисидан, яъни гранат туридан бир поғона паст деб ҳисоблайдилар-да, саккиз юз динор туради, деб баҳолайдилар; қип-қизил ранглиси эса беш юз динор, гўшт рангли ва анор гули ранглиси юз динордан туради. Тоза гулранглисининг баҳоси ҳам шунга яқин. Гоҳо турли тур ёқут парчалари ҳам учраб қолади, анор доналарига ўхшаш ранглиси бундан мустасно, уларнинг вазни йигирмадан ўттиз диноргача бўлади.

Ал-Киндий дейди: мен кўрганим қизил рангли энг катта ёқутнинг вазни бир мисқолу яна учдан бир ва ундан сал ортиқроқ эди. Лекин миш-мишларга ва баъзи ҳикояларга кўра ўн мисқолли ёқутлар ҳам бўлар эмиш. Бизнинг кўрганимиз энг катта гул рангли ёқутнинг вазни ўттиз мисқол эди.

Наср дейди: ёқутнинг юксак фазилати рангининг қуюқлиги, сувининг мукамаллиги, ярқироқлиги ва тозаллиги, шуълаворлиги ва нуқсонсизлиги билан аниқланади. Ана шу асосда, ўша сифатларнинг борлиги билан баҳоси ҳам борган сари оша боради. Шунинг учун баҳрамоний рангли ёқут юксак баҳога сазовордир. Сўнгра усфурий рангли ёқут, сўнгра кўмир алангасига ўхшаш ранглиси, сўнгра гулранглиси келади.

Маълумки, ёқутларнинг турли хиллари бўёқларини — гул рангли, ёввойи заъфарон ва гўшт ранглиларини солиштирмақ учун хизмат қилувчи барча нарсалар ранглари ҳам турли сифатларга эга. Масалан, гулранглисини олайлик. Биз ҳаммадан олдин тоза оқ рангли гулни, сўнгра заиф қизғиш рангли гулни, охири қизиллик орта бошласа гул худди яноқлар қизиллигига ўхшаб кетади. Сўнгра янада ортиқроқ қизил бўёқли бўлиб кетса, у қизил лола рангли шақоъиққа (Ўрта Осиёда тарқалган лоланинг икки тури, лотинча *Anemone Stellata Lam.* ёки *Anemone coronarieL* лолалари)¹²¹ рангига ўхшаб қолади ва ҳатто қорамтироқ қизғиш тус касб этади.

Ёқутларнинг рангини аниқлашда уларга тўғри келадиган бундай ўхшашликларини қидириб топмоқ учун, буни изловчиларга ўша ўхшатилаётган нарсанинг турли туманлигини аниқламоқ ва тушунтира билмоқ керак бўлади. Шунинг учун ранг танловчи буларнинг хусусиятлари, навлари ва фазилатларини астойдил ўрганиб олмоғи лозим.

Менинг қўлимга Шом (Сурия)да Абд ул-Малик ибн Марвон¹²² вақтида ёзилган бир китоб тушди. Унда бу илмнинг бутун нозик томонлари ва ўша вақтларда қимматбаҳо тошларнинг нархи қандай бўлгани тўғрисидаги маълумотлар бор. Унда ёзилганки, қизил ёқут ва олий турдаги дурнинг ўшандаги баҳоси икки пойга отининг баҳосига тенг экан.

Мен бу тўғрида ҳар бир бобда айтиб ўтаман, қай бири ҳақиқатга тўғри келиши ва қай бирининг ёлғонлигини билдираман.

ЁҚУТГА ЎХШАШ ТОШЛАР

Қизил ёқутга ўхшаш тошлар қаторига каркунд¹²³, яъни кар (гаранг) ёқут¹²⁴ деб аталган тур ҳам киради. Чунки у зич, унчалик ярқироқ эмас, хирароқ. Унинг нархи у билан бир хил вазндаги кўк ёқутнинг нархидан ортиқ эмас. Ал-Киндий дейдики, каркунднинг яхшироқ тури уъсфурий рангидаги ёқутга кўпроқ ўхшашдир.

Бу тош *синдий* номи билан (синдийа)¹²⁵ маълумдир. У бир оз шуълаворроқ. Унинг айрим турларини ошланмаган тери ёрдамида силлиқлайдилар. Бу тур жуда арзон ва сифати паст. Ундан кейинги тур тузга ўхшаш. Уни силлиқлаб бўлмайди. У энг паст туридир.

Ёқутга ўхшаш тошларга ёқут конларида топиладиган гурбуз¹²⁶ деб аталадиган тур ҳам киради. Унинг кўриниши чиройли, гул рангида, осон синади. Юмшоқлиги сабабли гурбузни каркунд енгади, у гурбузни синдиради, лекин гўзаллик жиҳатидан у билан тенглаша олмайди. Ёқутга ўхшаб унинг ҳам бир неча турлари бор. Масалан, унинг баҳрамоний рангиси ёқутнинг баҳрамоний рангли олий турига монанд. Ҳатто тажрибали заргарлар текширишда бепарволик қилсалар, гурбуз ғафлатга солади ва улар гурбузни ёқут ўрнига қабул қиладилар.

Гурбуз қизил ёқутга ўхшаш хилларга эга бўлиш билан чекланмайди — у бошқа рангларда ҳам бўлади, уларнинг ҳар бири ўзидагига ўхшаш рангдаги ёқутлар кабидир. Ҳамза унинг сифати тўғрисида бундай дейди: бу қимматбаҳо тошнинг бир тури, ташқи томондан ёқутга ўхшайди, лекин ундан қуйи туради. Арабийлашган номи журбуз. Ёлғончини шундай деб атайдилар: гурбуз, жирбуз ва гург бизад¹²⁷.

Ал-Киндий қизил ёқутга ўхшаш тошлар орасида қизил афлах¹²⁸ турини эслатади. У мутахассисларни гурбузга ўхшаб адаштиради. Ал-Киндий сўзлари орқали берилаётган маълумотлар, шу жумладан номлар унинг китобидан олинди, яна улар қўлимиздаги нуқсонли қўлёзмадан, лекин ўзимиз уларни эшитганимиз йўқ. Бу ҳақдаги иқроримизнинг ўзи бизнинг узрхоҳлигимизнинг ифодаси бўлсин.

Наср дейдики, ёқутга ўхшаш тошлар тўрттадир: Каркунд, каркахан¹²⁹, журбуз ва бижозий¹³⁰ (заррин, анор пўсти рангиси). Ёқут каркундда из қолдиради (яъни каркунд ёқутдан юмшоқроқ), улардан энг шуълавори синдий ҳисобланади. Бу сарғиш-қизил товланадиган тош. У оловда ёқут рангини олади. Унинг турларидан бири тузсимон, силлиқлаб бўлмайди. Аблаж¹³¹ ҳам шу турдандир. У ёқутдан ўзининг майинлиги билан ажралиб туради. Бу ал-Киндий сўзларига асосланиб, афлах деб атаганимиздир. Бунинг учун узр айтган эдик.

Наср яна дейди: каркихан тоши қизил, заиф қорамтир тусга эга, фақат Қуёшда ярақлайди ва ўтга чидамайди. Унга халуқий тури ҳам киради; зайтун ранг, пистоқи ранг, ҳаво ранглари (осмонжуний) ҳам киради. Халуқий¹³² тури агар шуълаворликда ундан кам бўлмаганда ҳамда силлиқланмайдиган бўлса, сариқ ёқут ўрнига ўтган бўлар эди. Бу ранглар уни айлантирганда абу қаламун (буқаламун)¹³³ ва товушқоннинг бир

тури (абу бароқиш)¹³⁴ сингари ўзгарувчан товланиб кўринади. Абладдан ташқари бу тошлар ҳаммаси фақат Сарандибдаги ёқут конларидан келтирилади.

Бу тош ичида журбуз ҳаммасидан кўра кучлироқ ялтирайди ва ранги, сувга тўйинганлиги ва нурли чақнаб туриши жиҳатидан заъфарон ёқутига монанд. Агарда ўт билан синаб ва ёқут билан ишқаланса мутахассис ҳам журбузда адашмоғи мумкин.

Олтинсимон бижозий — бу Бадахшон лаълисидир. Ёқутга кўпроқ ўхшаш бўлган тошлар шу хилга мансуб бўладилар. Бу ишнинг мутахассислари учун эса ранги сир эмас. У ёқут сингари ялтироқликка эга бўла бермайди. Дейдиларки, уларнинг ранглиридаги фарқлар бундай: ёқут тоза оловга ўхшаш, бижозий эса дудли олов сингари. Шуълаворлиги ёқутдан паст бўлган тошлар каркунд ва аблаж ҳам худди шундай. Ёқутга кўпроқ яқин бўлгани журбуз, сўнгра синдий туридаги каркунддир. Ёқутга ўхшаш тошларни синаб кўрмоқ учун энг қулай восита тоза ёқутнинг ўзидир. Ёқут уларни ўз тиғи билан жароҳатлайди ва ишқалаганда уларда из пайдо қилади, аммо ўзи улар томонидан шундай оқибатлар кўрмайди.

Ал-Киндий дейди: ёқутга ўхшаш тошлар ўтмишда ёқут сингари сотилган, ёқутнинг баҳоси қандай бўлса, уларнинг баҳоси ҳам шундай бўлган. Айюб ал-Асвод ул-Басрий халифа Ал-Маҳдийга¹³⁵ каркунд, журбуз ва афлаҳларни минглаб динорга ёқут деб сотган. Сулаймон қабиласидан Авн ал-Ибод халифани Айюбнинг алдовидан огоҳ этгунгача бу давом этган. У халифага тушунтирганки, бу ёқутга ўхшаш тошлардир, агар уларни оловга қўйилса, ҳақиқий қизил ёқутдан фарқли равишда улар олов тобига чидай олмайдилар. Ҳақиқий ёқут эса бундан яна ортиқроқ гўзаллик касб этади. Ал-Маҳдий ўша тошларни бирма-бир оловга қўймоққа буюрган. Шундай уч мисқол вазндаги каркунд куйиб кетган, афлаҳ туридаги тош эса беш мисқол вазнда бўлган, у ҳам куйиб кетган.

ЁҚУТЛАР ВА ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИКОЯЛАР

Қимматбаҳо тошлар билан савдо қилувчилар хабар берадиларки, Сарандиб шоҳининг бир парча пичоқнинг сопидек узун бир ёқути бор эди. Шоҳ уни ҳамиша кўлида айлантриб турар эди. Унинг вазни эллик мисқол. Ҳеч ким бундан кўра йирикроқ парчани билмас эди.

Мен эшитдимки, Сарандибда бир тошлоқда катта қизил ёқут топилган, у қобикда эди. Қобиғини олиб ташланганда унинг салиб шаклидалиги маълум бўлган. Уни тозалаб, силлиқлаб ва тоблаб Рум (Византия) шоҳига олиб борганлар. Шоҳ бу тошни катта маблағ бериб сотиб олган ва ўз тожига уни безак қилиб ўрнатган. Бу ҳикоя кенг ёйилган бўлса-да, бирор ишончли манбага бориб етмайди. Агарда у тўғри бўлганда ҳам у бошқа бир ҳикояга, яъни осмонда салиб шаклидаги думли юлдузнинг пайдо бўлгани, ана шундай салиб тасвирини ўз байроқларига тимсол этиб ўрнатгани, шу туфайли жангларда унга (Рум қайсарига) ғалаба насиб этгани, унгача эса у ўз душманларининг қўшинларига қарши чиқмоқдан ожиз бўлиб келгани тўғрисидаги ҳикояга ўхшаб кетади.

«Халифалар тўғрисидаги хабарлар»¹³⁶ китобида ёзилганки, бир куни ал-Мутаваккил янги йил совғаларининг топширилиши муносабати билан қабул маросими ўтказган. Унга турли-туман жуда гўзал маржонлар ва юксак даражали нодир нарсалар тақдим

этилган. Мана энди унинг табиби Жабройил ибн Бохтийешу¹³⁷ кириб келди. Халифа у билан дўстона алоқаларда эди. Халифа ундан сўради: «Бугунги ишларга қандай қарайсан?», у жавоб бериб деди: «Булар ҳаммаси гадойлар кўлидаги ўйинчоқлар қаторида, чунки улар ҳеч қандай қийматга эга эмасдир. Мендаги нарсани қабул эт». Шундан сўнг у энги остидан олтин билан нақшланган ёғоч қутичани чиқарди, ичидан бир бўлак зангори ипак мато ўрамини очди, ундаги қошиқдек қимматбаҳо тошни олди, у нур сочиб турарди, уни халифанинг олдига қўйди. Ал-Мутаваккил ҳеч қачон кўрмаган бир нарсани кўрди ва сўради. «Буни қаердан олдинг?» у жавоб берди: «Саховатли кишилардан».

Сўнг у ҳикоя қилиб берди: «Бу менинг отамга Умм Жаъфар Зубайдадан¹³⁸ уч марта уч юз минг динор билан бирга ўтган. Отам унинг уч дардини даволаган эдилар. Биринчи шикоят томоқ оғриғи, ичбуруғдан дарак эди. Отам қон қуйишни, томоғини хўллаб туришни ва у ёзиб тайин қилиб берган аталани ичмоқни тайин этган. Унинг тавсия қилган масаллиғи асосида тайёрланган аталани нозик ишланган хитойи косада келтиришди. Косада ана шу қошиқ ётар эди. Отам менга ишора қилиб бу қошиқни ол, деди. Мен унинг айтганини қилдим, қошиқни олиб тўним ичига яширдим. Хизматчи мендан уни тортиб олмоққа уринди. Унга Умм Жаъфар (хоним) деди: Унга ёқимли муносабат кўргаз ва қайтариб бермоқни сўра, эвазига эса ўн минг динор бергин. Мен қаршилиқ қилдим. Отам дедилар: «Эй муҳтарама хўжа хоним, менинг ўғлим ҳеч қачон ўғрилиқ қилган эмас. Уни биринчи бор қилаётгани учун уялтирманг, юраги эзилмасин». Хоним хўжа кулиб юборди ҳамда қошиқни отамга ва менга тухфа қилди.

Гарчи ҳикояда бу қошиқнинг қандай матоҳдан ясалгани айтилмасада, унинг нур сочиб тургани айтилган. Демак, у қизил ёқутдан ясалган. Халифа бошқа икки касаллик тўғрисида сўраганида табиб деган: «Бир маҳал унинг яқинларидан бири хўжа хонимга унинг (хонимнинг) оғзида ёқимсиз ҳид пайдо бўлганини айтган. Хонимнинг айтишича, бу унинг учун ўлимдан ҳам бадтар эди. Табиб (хонимни) кечгача оч ўлтирмоққа мажбур қилган. Сўнгра сиркада увитилган балиқни едирган ва мажбуран энг ёмон хурмолардан қилинган шаробнинг қуйқасини ичирган. Унинг нафаси қайтиб, кўнгли айнишгача борган. Бу иш уч кунгача давом этган. Сўнгра хонимга табиб деган: «Энди ўша гапни айтган одамнинг юзига нафас уфур ва билгин, ўша сассиқ ҳид йўқолибдими?»

Учинчи касаллик хонимни ҳалок этмоғига оз қолган экан. Бу қаттиқ ҳиқичоқ тутмоқлик экан. Унинг хиқичоғи хонасининг деворлари оша эшитилар экан. Табиб хизматчиларга бутун ҳовли бўйлаб қатор сувга тўлдирилган идишларни териб қўймоқни буюрган. Ҳар бир идиш ортига бир хизматчи ўлтирган. Табиб қарс урганда хизматчилар бу идишларни ҳовли ўртасига итқитадилар. Шундай қилинган, шу қадар қаттиқ шовқин кўтариладики, хўжа хоним кўрқиб ўрнидан сакраб туриб кетади. Шундан сўнг ундаги хиқичоқ ҳам таққа тўхтабди.

Уммавийлар даврида ва Аббосийлар ҳукмронлигининг бошларида қимматбаҳо тошлар мўл-кўл бўлган. Ҳатто улардан идиш ҳам ясалган, дейдилар. Бу тўғрида аш-Шофеъий «Ҳармала» китобида хабар беради. Ёқут ва биллурдан ясалган идишларни ишлатмаслик буюрилган. Чунки уларнинг баҳоси олтин баҳосидан ортиқроқ турган ва уларга олтиндан кўра кўпроқ сарф-харажат кетган. «Ал-Умм» китобида у ёзган: Улардан фойдаланмоқ мумкин, тақиқнинг том маъноси фақат олтин ва кумушга тегишлидир.

Ироқдан келган бир киши айтган эдики, Абу Тохир ибн Баҳо уд-Давла¹³⁹ (бу киши Басрада¹⁴⁰ ҳукмронлик қилган, сўнг Бағдодни¹⁴¹ эгаллаган) қўлида қизил ёқутнинг катта бир бўлаги бўлган, у олтин ёмбига ўрнатилган. Оти «Жабал» («тоғ») экан. Лекин бу ёқут Фахр уд-Давлага¹⁴² тегишли эди, чунки таърифи тўғри келади.

Райлик¹⁴³ ака-ука ал-Ҳасан ва ал-Хусайнлар¹⁴⁴ (ўз замонида машхур заргарлар бўлишгандирки, Беруний уларни тез-тез эслаб, айтганларини далил қилиб келтиради. — М. И.) ҳикоя қилганларки, амир Ямин уд-Давла Маҳмуд, уни худо раҳмат қилсин, уларга узум бошига ўхшаш ёқутни кўрсатган, вазни ўн икки мисқол; улар бунга йигирма минг динор баҳо қўйганлар. Амир бу баҳони маъқуллаган ва деган: «Бу ёқут шоҳ Таручано-палга¹⁴⁵ тегишли бўлган у буни бир савдогарга кафолат тарзида тўрт юз минг дирҳамга берган. Агар у, шоҳнинг фикрича, йигирма минг динор турмаганда уни сотиб олмаган бўлар эди. Айни замонда бу ёқут 1,5 мисқол ҳам, ҳатто бир мисқол тўрт бурчак руммоний ёқутча турмас эди. Унинг таърифи «Юлдуз» номи билан юқорида келтирилган».

Чўлат¹⁴⁶ ҳақида ҳикоя қиладиларки, унда ёқутнинг катта бир бўлаги бўлган. Бу ёқут Чўлат отга минишида оёғи остига қўйиладиган курсига ўрнатилган эди. Икки одам ўша курсини тўрт томонидан ушлаб туришар, Чўлат эса унинг устига чиқиб тургач, шу йўсинда уни эгарга мингазганлар. У хачирнинг елкаси даражасида кўтарилгунича курсини тутиб туришган. Ўша Райлик оға-инилар ҳикоя қилганларки, улар шаҳид амир Масъуд, худо уни шаҳидлик билан ўлгани учун раҳматий қилсин, у Райда, Жабал вилоятида бўлганида унинг учун қизил узунчоқ, арслонга ўхшаш ёқутни етти минг нишопур динорига сотиб олганлар. Улар тасдиқлайдиларки, бу «Жабал» тоши эди. Унинг эгаси Сиёҳ — Қобус¹⁴⁷ вазирининг укаси эди. У бу тошни отаси мулкидан ўз ҳиссаси ҳисобидан мерос қилиб олган экан. Дейдиларки, бу тош шерга ўхшаш бўлиб, қўлда қисиб ушлаганларида ўрта қўл ва чимчилоқдан чиқиб турар экан.

Уни Сарандибда чегара соқчиларидан қандай яшириб олиб ўтганлари тўғрисидаги ҳикоя худди эртакка ўхшаб кетади. Уни олиб чиққан одам сочини тўла қириб ташлаган, ўзига мисдан қалпоқ ясаган, қалпоқда бир чуқурча ўйган ўша чуқурча остига тешиклар қилган, чуқурчага қимматбаҳо тошни яширган ва то сочлари ўсиб тешикчалардан ўтиб қалпоқни тўла беркитгунгача уни кийиб юрган. Бу одам ҳассага суяниб юрган, боши эса очиқ, у худди гадо сингари эди. Шу йўсинда у текшириш жойидан ўтиб олган.

Бир маҳаллар Хоразмда ҳар йили амир Ямин уд-Давлага юбориладиган тухфалар орасида бир қизил ёқутдан ясалган сопли пичоқни кўрганман. Сопни бармоқлар ичига олганларида унинг икки учи муштнинг иккала томонидан — юқорисидан ҳам пастидан ҳам кўриниб турар эди. Аммо у йиғма эди. Кейин ўшани эслаб, мен ўйладимки, эҳтимол, у каркунддан ясалгандир. Кейинчалик мен унинг тўғрисида ҳеч гап эшитганим йўқ.

Жабал (тоғ) номи эса заргарлар фикрига кўра, ҳар қандай йирик ҳажмли нарсага нисбатан ишлатилган. Шунинг учун катталиги билан ажралиб турадиган ёқут парчаларини шундай деб аташ бошлаганлар. Лекин бу сўз баҳоси қиммат бўлган тошга ёки уни анор гули рангли ва ёввойи заъфарон рангли тош билан қиёслашда ҳам ишлатилади. Халифанинг хазинасида панжа ҳажмидаги бутун бир қимматбаҳо тош бор эди. Унинг вазни ўттиз мисқол, номи эса «Жабалия». Яна ўша жойда бошқа бир узунчоқ шаклдаги юқори қисми қуйига эгилган бошқа бир қимматбаҳо тош ҳам бўлган. Унинг номи

«Анқо»¹⁴⁸ вазни йигирма бир мисқол эди. Яна ўша ерда «Тумшуқ» деган тош ҳам бўлган, вазни ўн беш мисқол. Дейдиларки, у қизил ёқутдандир. У сарғиш тумшуқли қуш каби. Бу ажойиб нарса. Наср «Тумшуқ» тўғрисида дейдики, бу тош бир *донги* кам икки мисқолли узук учундир. У ранги ва суви билан жабалдан кўра устунроқ бўлган. Лекин (Наср) нега уни «Тумшуқ» деб атаганини изоҳламайди. У дейди: Ал-Муқтадирнинг холасида узук учун бир тош бўлган, уни хушбўй барг деганлар. Чунки у ҳажм жиҳатидан ўша япроққа тенг бўлган. Унинг вазни икки арпа уруғи (шаъирайи кам мисқол) эди. Ўша тошни олтмиш минг дирҳамга сотиб олинган экан. Ўша ерда яна «Баҳр» (денгиз) деган қизил ёқут тош ҳам бўлган, вазни йигирма саккиз мисқол. Лекин у юпқа ва эгилган бўлиб, ундан сув ичгудек эди.

У ерда бошқа тошлар ҳам бўлган. Улардан баъзиларининг эса оти бўлмаган. Чунки бу қимматбаҳо тошлар Хусравларнинг мулки эди. Улар Ардашер Бобакан ўғли¹⁴⁹ давридан бошлаб йиғилган ва мерос бўлиб катталардан катталарга ўтиб келган. Бу то уларнинг давлатида араблар фойдаси учун тўнтариш бўлгунгача давом этган. Охир Форс ерлари янги давлатга ўз хазиналаридаги бекик бойликларни чиқариб берди ва унинг ҳукмронларига ўз оғирлигини юкледи¹⁵⁰.

Биринчи тўрт халифа¹⁵¹ давридаги аҳвол ҳаммага маълум. Унда хазина тўплаш бўлмади, бор нарсаларни мусулмонларга улашдилар. Уларнинг ўрнига келган Уммавийлар ва Марвонийлар вақтида ҳам худди шундай бўлди. Уларнинг давлати арабий эди. Бир икки одамдан бошқа ҳеч ким ақлини йўқотиб тошларни йиғиш билан шуғулланмади. Уларнинг бошқариш пайтида айтиб ўтилган кўп қимматбаҳо тошлар йиғилиб қолди, хазиналар улар билан тўлди. Сўнгра Уммавийларнинг ўрнини тўсатдан Аббосийлар эгалладилар.

Бошида Аббосийлар илгарилар Уммавийлар чумоли каби йиққан бойликларга нисбатан худди туялар подаси сингари муносабатда бўлдилар. Яъни топган нарсаларини териб олар ва ютиб юборар эдилар¹⁵². Уларнинг ҳаммаси (Аббосийларнинг) мулкига айланди. Сўнгра эса бу бойликларни кўпайтириш ва тўлдиришга киришдилар. Халифалар қўлидаги қимматбаҳо нарсалар то ал-Муқтадир давригача кўпая боради. Ал-Муқтадир ўз билгича иш тутувчи киши эди. У ўзига ўхшашларга бефойда ишлар билан шуғулланмоқни севар эди. Аёллар жамоаси билан бўлмоқни ёқтирар, улар билан ўйнашар ва беҳудага вақт ўтказарди. У худди йиртқич босқинчи сингари пулларга ташланар; сўнгра эса қимматбаҳо тошларга ўтди. Уларни хотинлар ўртасида исроф қилар ва хотинлар қўли билан уларни йўқотар эди. Лекин, у ўз вазири ал-Аббосдан¹⁵³ тортинар эди ва уни талон-тарожда иштирокчи этиб ва хиёнат билан қоралаб жимитиб қўймоқчи ва ўзининг қилаётганларини кўриб кўрмасликка солишга мажбур қилмоқчи бўлди. Ниҳоят у вазирга ҳурмат нишонаси сифатида ҳажми йирик қимматбаҳо тошларни юборди. Аммо ал-Аббос уларни қайтариб жўнатди. У дедики, булар — ислом безаклари, халифаликнинг мулки, уларни исроф этмоқ маъқул эмас. Халифа хижолат чекди. Унинг юрагига бу оғир ботди.

Али ибн Исо вазирликдан кейин Маккага жўнатилган эди, қайтиб келгач, ал-Муқтадир билан учрашди. Шунда у (ал-Муқтадир) билан суҳбатда ибн ал-Дажжоддан ўттиз минг динорга сотиб олинган ва бу пулга ўзи кафил бўлган маржоннинг қаерда эканли-

гини халифадан сўради. «У хазинада», — деб жавоб берди халифа. Шунда Али ибн Исо¹⁵⁴ ўша маржонни келтирмоқни сўради. У ахтара бошлади ва ҳатто ўша маржоннинг изини ҳам топа олмади. Али ибн Исо эса уни ўз енги орасидан чиқарди ва деди: «Буни мен учун Мисрда сотиб олиб бердилар. Агарда қимматбаҳо тош билан шундай ҳол юз берган бўлса, бошқа нарсалар билан нималар содир бўлмоғи мумкин эмас?» Бу гап ал-Муқтадирга ҳам Али ибн Исога ҳам ёқмади. Чунки улар бу ишда Зайдон ал-Қаҳрамондан¹⁵⁵ гумон қилишган эди. Қандай қилиб бу (хонимдан) гумон қилишмасин, унинг очкўзлиги тўғрисида мақоллар тўқилиб кетган-ку! Модомики, унинг сифатлари тўғрисида ишонарли ҳикоялар кам эканлигидан, биз бу тўғрида тафсилотларни айтиб берамиз. Чин ҳақиқатгўй бир киши айтиб берган эди:

*Гар хотинлар бошқарса, дунё яшамас алҳол,
Бир кун бошқарса, дунё билан хайрлашиб қўя қол.*

Ахир Зубайда сингари ўз эзгу ишлари билан шуҳрат топган аёллар борку, агар сен бу масалада баҳс қилмоқчи бўлсанг (айтиб берай): унинг бир тасбеҳи бор эди. У руммоний турдаги ёқутдан ясалган, кўриниши ёнғоқ сингари, қовун тиликларидек чархланган. Ҳозир шунақаларни топсалар, ўша туфайли биладилар ва унга тааллуқли дейдилар. Салиб шаклидаги йиғма дурни у ўйлаб топган эди. У ушбуни мато тайёрловга мўлжаллаган. Бу матодан сарой қизлари учун кийим тикмоқчи бўлганлар. Унинг маймуни, унинг ўлдирилиши, унинг мотамида ўқилган дуолар, унинг тўғрисида яратилган мотам нолалари — (умуман) маймун тўғрисидаги йиғи-сиғилар ҳаммаси соғлом ақл учун ҳақорат бўлган. Аммо бундай ҳикоялар (Зубайда тўғрисидаги) тақиқлаб қўйилган, чунки унга ҳурмат катта эди. Шундан сўнг у юрганда, оёғи остида кул бўладиган бошқа нарсалар тўғрисида нималар ҳам демоқ мумкин?

Ал-Муқтадиргача бўлган халифалар, гарчи қимматбаҳо тошларга қўл чўзган эсаларда, хазинага зарар етказмай меъёрида қилганлар. Шунинг учун уларни ёмонлаш керак эмас.

Ар-Рашиднинг¹⁵⁶ канизаклари орасида бири, гўзаллиги бениҳоя бўлгани, ар-Рашид унга бирор совға қилса, ўз ҳиссасини қайтариб берар эди, ундан халифа қаттиқ ғазабга келарди. Бир куни шундай бўлдики, улар олдида халифа қимматбаҳо тошларни тўқди ва канизаклар уларни тера бошладилар. Бу гўзал эса тошларга ҳатто қўл ҳам узатмади. Сўнг халифа бошқа тошларни келтирмоққа буюрди ва улардан танлаб-танлаб олдилар. У гўзал канизакка «Нега сен ўз ўртоқларинг қатори териб олмаяпсан?» деди. У жавоб берди: «Агар танлаганим меники бўладиган бўлса, буни қиламан». Сўнг у халифа ёнига келди, унинг қўлини ушлаб туриб деди: «Мана менинг барча қимматбаҳо тошлар ичида танлаганим». Ар-Рашид ғоят қувонди ва уни «холиса» деб атади. Бу канизак бошқалардан кўра кўпроқ унинг мукофот ва совғалар жиҳатидан диққат эътиборига сазовор бўлди.

Бир маҳал шундай бўлдики, ар-Рашиднинг Абу Нувосга атаган мукофоти ушланиб қолди. Шоир деган:

*Менинг шеърларим эшигингиз тагида
Холисада дур йўқолгани сингари йўқолди.*

Бу гап Холисагача етиб борди ва у ар-Рашидга шоирдан шикоят қилди. У шоирни чақирмоққа буюрди ва унга деди: «Эй гумроҳ, бундай ишга сени нима мажбур қилди». «Бу котибнинг хатоси, у «ҳамза»ни «аъйн»¹⁵⁷ деб ўйлаган» жавоб берди шоир. Ар-Рашид бундан қониққан бўлди, ўзини бу ёлғонга ишонган қилиб кўрсатди, шу билан шикоятчини ҳам тинчитди. Бўлмаса қандай қилиб ар-Рашиддек киши билан шундай воқеа содир бўлмоғи мумкин, ахир у шеърятни яхши тушунувчи билимдонлардан эдику?

Умар ибн Ҳаттоб тўғрисида ҳикоя қиладиларки, у ҳам шундай воқеа юз берганида ўзини тушунмаётган кишидек тутган. У шоир ал-Хутайъани¹⁵⁸ Забриконни¹⁵⁹ ҳажв қилгани учун таъқибдан сақлаб қолмоқчи бўлган. Аммо Ҳассон ибн Собит¹⁶⁰ Умарнинг ниятига тўсқинлик қилган. Умар Хутайъанининг тилини совғалар билан кесиб, уларни яраштириб қўймоқчи эди. Унинг ўзи ва бошқа ақлли ва жасур кишилар пайғамбар изидан бормоқни тарк этмадилар — у шоир тилини лутфу марҳамат устараси билан кесмоқни буюрган эди. Улар шоирлар уларга дахлдор бўлмаган «водий»ларда адашиб ўзларини ёмон тутганларида уларга раҳм-шафқат билан қараганлар. Сен наҳотки ал-Убайдуллоҳнинг¹⁶¹, Муътадид¹⁶² вазирининг, Али ибн Бассамга¹⁶³ унинг икки ўғлидан бири ўлганда айтган гапларига инсоф билан ёндашганини кўрмайсанми:

*Ғам юкида қолган Абу-л-Қосимга айт:
Тақдир сени ажабтовур қутиб олибди —
Ҳаётинг безағи, оқил ўғлинг ўлибди,
Ноқис, номаъқул ўғлинг тирик қолибди.
У ўғлинг тиригидан бунинг ўлгани...
Сен бечора баттар ғамда қолибсан.*

Убайдуллоҳ бундан огоҳ бўлгач, Ибн Бассамни ўз ҳузурига чорлабди ва унга дебди: «Эй Али, сен қандай қилиб бундай дея олдинг!» У ёмонлик қилишидан кўрқиб кетди ва шу ондаёқ бошқа шеър тўқиди:

*Ғам юкида қолган Абу-л-Қосимга айт:
Ўлимга чора йўқ, даф қилгувчи йўқ.
Ҳарна қудрат бўлса кимнинг қўлида.
Бошга тушган мусибат чексиз, бироқ,
Ўлим чаққон экан, бизлардан тезроқ,
Бизларга ёзмишлардан уни қутқармиш.*

Лекин бу ерда Ибн ал-Муътазнинг¹⁶⁴ Убайдуллоҳни юпатмоқ учун ёзган шеърдаги сўзларга тақлид қилган:

Али ибн Бассам Убайдуллоҳнинг ҳузуридан чиққач, унинг ғайир қилиғи тутиб қолди ва ҳақоратли шеърни яна такрорлашга тушди.

*Мендан вазирга етказинг (салом),
Айтинг унга: икки бора тушмиш унга ғам.*

*Саховатли зурриёт ўлиб, носазо
Иккинчи ўғли Абул Хусайн ҳаёт қолмишдир.
Сен собир юраксан, кўзларингда нам. Чунки
Бу ўғлинг тириги, у ўғлинг ўлиги асли ўзи тенг.
Бошингни чангаллаб арзир йиғласанг.*

Бу шеърлар кенг ёйилиб кетди, мақолга айланди. Уларни ҳар хил шароитда такрорлайдилар, масалан шахмат ўйнаётганда уларни ҳеч мақсадсиз қайтардилар.

Ҳикоя қиладиларки, Ибн Ҳамдун ан-Надим¹⁶⁵ бир куни ал-Муътадид билан шахмат ўйнаётганда Убайдуллоҳ кириб келган ва ундан қандайдир бир иш учун рухсат сўраган. Бу тўғрида фармойиш олгач, у чиқиб кетган. У кетгандан сўнг ал-Муътадид ёддан шеър ўқий бошлаган: «Бунинг тириклиги, унинг ўлимидир» ва то шахмат ўйини тугагунгача ўша шеърни ўқиб турган. Шунда ал-Қосим яна бир бошқа иш бўйича унинг ҳузурига келган. Муътадид ўйинга берилиб кетганича ўша шеърни такрорлар эди ва унинг келганини пайқамаган. Ибн Ҳамдун йўлини топиб унга ал-Қосимнинг келганини билдирган. Шунда ал-Муътадид бошини кўтариб шу қадар қаттиқ уялганки, ҳатто юзида қизил доғлар пайдо бўлган. Сўнгра у деган: «Эй, Абул Хусайн, — уялмоқ уни куня¹⁶⁶ билан мурожаат қилмоққа мажбур этган эди. — Нега бу уятсизнинг тилини кесиб ташламайсан ва шу билан унинг ёмонлигини ўзингдан нарига отиб ташламайсан. Ал-Қосим тезда чиқиб кетди. У Ибн Бассом тўғрисидаги бу ўзи учун қулай воқеадан фойдаланиб қолмоққа шошар эди. У шоирни қидириб топмоқни буюрди. Тоқим у билан масалани ҳал этиб қўя қолса. Ибн Ҳамдун бу гаплардан шундай саросимага тушдики, унинг қўли қалтирар, ўйинни ёмон ўйнар эди. У Ибн Бассомга ачинар, унга раҳми келар, унга бир бало бўлмоғидан хавотирланар эди.

Ал-Муътадид, сенга нима бўляпти, деб сўради. «Эй, амирал мўминин, — деди у — Ал-Қосим шундай ғазабга келганки. Менимча, у қаттиқ аччиқ устида Ибн Бассомнинг тилини кесажақ. Бу одам эса энг олий даражадаги шоирлардан, унинг бошига тушганини билиб одамлар амирал мўмининни айблаяжаклар. Халифа ал-Қосимни чақирди ва ундан Ибн Бассомни жазоламоқ учун нима қилганини сўради. «Мен Муънисга¹⁶⁷ уни тутиб олиб келмоқни буюрдим» деб жавоб берди у. «Аmmo биз сенга буюрган эдикки, — эътироз қилди халифа — унга марҳамат кўрсатгин. Мукофот бер. Шу билан у сени ҳажв этмай, аксинча тавсиф этсин». «Эй, амирал мўминин,» — деди у — «агар сен унинг яхши билганинга ва сўзларини эшитганинга сен унинг тилини кесмоқ кераклигига тўла ишонган бўлар эдинг».

Ал-Муътадид бу ишорани тушунди ва кулиб туриб деди: «Шунинг учун ҳам биз қўлни бузиб ташламоққа буюрганмиз. Сен уни олиб келмоқни буюргин, унга уч юз динор бер. Бу биз учун бошқа ишдан кўра яхшироқ бўлади». У шундай қилди. Унга мукофот берди ва уни Саймара¹⁶⁸ баридига (почтасига) бошлиқ этиб тайинлади, бу ишда то ал-Муътадид ҳукмронлигининг охиригача қолди.

Ал-Қосимнинг ишорасига сабаб бундай эди. Ал-Муътадид катта бир қўл ясамоқни буюрган, уни боғлар билан ўратган, бу ишга олтмиш минг динор сарфлаган эди. Одатда у ўша жойда ўз канизаклари билан ёлғиз қолиб маишат қилар эди. Канизаклар орасида энг севиклиси бор эди. Уни Зурайро дер эдилар. Ибн Бассам ёзган:

*Одамлар кўлни ташлаб кетдилар.
У ўзи бир четда ёлғиз бўлиб
Ўлтириб Зурайронинг...
Ноғора қилиб чалар эди.*

Бу гап ал-Муътадидга етганида у эшитганини ҳеч кимга билдирмади, лекин у ерда курдирган ҳамма нарсасини буздириб ташлади.

Энди келиб тўхтаган жойимизга қайтамиз ва машҳур ёкут «Жабал» тўғрисида ҳикоя қиламиз. Унинг номи бошқа қимматбаҳо тошларга ҳам берилган. Бу узук учун қизил ёкутдан ясалган бениҳоя қимматли тош. Иброҳим ибн ал-Маҳдий¹⁶⁹ ҳикоя қиладики, бу узук унинг отаси учун уч юз минг динорга сотиб олинган эди. Бу динорларни халталарга солиб, бир-бирининг устига тахлаганда худди бир уюм пайдо бўлгандек бўлди. У буни ал-Ҳодийга¹⁷⁰ совға қилди. Ар-Рашидга эса у зумрад кўзли узукни тухфа этди. Унинг номи «Исмоилий» бўлиб унга ўхшаш нарсани ҳеч ким кўрмаган. Унда бир чуқурча бўлган. Узоқ йил у шу чуқурчани тўлдирмоққа керакли тошни қидирган. Ниҳоят, бир қанча вақт ўтиб ар-Рашид шундай тошни топган, уни шундай ишлаганларки, у ўша чуқурчага тўғри келадиган бўлган. Сўнг заргарларни чақирганлар. Улар ўзининг иштирокида узукни олиб чуқурига елим суртиб тошни ўша жойга ўрнатмоқчи бўлганлар. Ар-Рашид уни кафтига қўйиб ҳар иккиласининг бир-бирига тўғри келишини қарай бошлаган. Шу вақт тошга пашша қўнган. Тош пашшанинг оёғига ёпишиб қолган. Пашша эса уни олиб учиб кетган. Ар-Рашид деган экан: «Оллоҳ таоло сўзлари ҳақ: «Тилаб турган ҳам, тиланмиш ҳам ожиз»»¹⁷¹

Ал-Ҳодий халифа бўлганидан кейин ар-Рашид унинг хузурига кирганида ал-Ҳодий ар-Рашиднинг қўлида «Исмоилий»ни кўрган, унга ҳаваси келган ва «Исмоилий»ни «Жабал» билан қўшишни истаган.

Ар-Рашид унинг хузуридан чиққач, халифа унинг ортидан ал-Фадл ибн ар-Рабиъни юборган, у билан бирга Исмоил ал-Асвад ҳам борган. Халифа буюрганки, ар-Рашид унга «Исмоилий»ни бериб юборсин. «Агар шундай қилмаса, — деган ал-Ҳодий, — менга унинг бошини кесиб олиб келингиз». Ар-Рабиъ кетидан бориб уни тутган ва бу иш ҳақида хабар берган. «Оллоҳ ёди билан қасамёд этаманки, уни фақат ўз қўлим билан топширажакман», — деб жавоб қилган Ар-Рашид ва ар-Робиъ¹⁷² билан бирга орқасига қайтган. Улар кўприк устига етганларида Ар-Рашид бармоғидан узукни олган ва деган: «Эй Фадл, бу «Исмоилий»ми?». «Ҳа» деган у. Ар-Рашид ўша узукни Дажла дарёсига ташлаб юборган. Уни кўп ахтардилар, аммо то ар-Рашид халифа бўлгунигача топа олмадилар. Ар-Рашид тахтга ўлтирганидан бир йил ўтганда, у Хулдда¹⁷³ эканида у Мусо ал-Ҳодийнинг унга қилганини эслади ва хотирига ўша узук воқеаси келди. У ал-Фадлга буюрдикки, сув остига шўнғиб узукни изласинлар. «Эй жаноби олийлари, уни кўп қидирганлар, — деди ал-Фадл, — ўйлайманки, бу узоқ муддат давомида у лойқа билан тўрт тирсақдан ортиқроқ қопланиб кетгандир. Сўнг ал-Фадл ғаввосларни келтирди. Улардан бири унга деди: «Ар-Рашид ўшанда турган жойда тур ва ўша узук ҳажмидаги кесакни узукни ташлагандай ташла. Ал-Фадл шундай қилди. Ғаввос ўша сув остига кесак тушган жойга шўнғиб, тубга етмасдан олдин сув ўша кесакни олиб кетган масофани

ўлчаб, узукни топди ва олиб чиқди. Ар-Рашид бу узукни «Жабал» билан бирлаштирди. Шу билан ал-Ҳодий истаган, аммо тақдир насиб этмаган ишни қилди.

Наср ҳикоя қиладики, бу баҳрамон туридаги сарғиш, тоза, вазни бир донги кам уч мисқол ва баҳоси юз минг динорга тенг қизил ёқут эди. Ар-Рашид қимматбаҳо тошларга жуда берилиб кетган ва уларни очқўзлик билан қўлга киритар эди. Масалан, у заргар ас-Саббоҳни, яъни ал-Киндийнинг бобосини Сарандибга унинг мамлакатидаги қимматбаҳо тошларни сотиб олмоқ учун юборган. Сарандиб шоҳи уни иззат-хурмат билан ва хурсандлик билан кутиб олган, унга ўз хазинасидаги қимматбаҳо тошларни кўрсатган. Уларни танлаётганда ас-Саббоҳ бу тошларнинг улуғлиги ва улканлигидан ҳайратда қолган. Айниқса, у бир қизил ёқутни кўрганки, бундайини бошқа шоҳлар хазиналарида учратмаган эди. Борган сари унинг ҳайрати ошарди. Шоҳ сўраган: «Шунга ўхшаш бирор бошқасини биласанми?» «Худо номига қасамёд қиламанки, йўқ», — деб жавоб берган ас-Саббоҳ. Шоҳ деган: «Уни баҳолай оласанми? Бошқалар буни қила олмаганлар». «Қиламан», — деган у. Бу подшоҳга ёқмади ва у деди: «Сенинг ақлингга юксак баҳо бераман. Аммо менинг сенга нисбатан зийраклигим мени алдамоқда, чунки сен ҳеч ким қила олмаган ишни қиламан, деб даво қилмоқдасан». Шунда ас-Саббоҳ деган: «Сенинг зийраклигинг хато қилаётгани йўқ, агар истасанг мен буни исботлайман. Сен қимматбаҳо тошларни биладиган билимдонларни ҳузурингга йиққин». Шоҳ уларни жамлади. Шундан сўнг ас-Саббоҳ бир ёпинғич келтирмоқни сўради, уни ёйди ва тўрт кишига тўрт томонидан ушлаб осиб турмоқни буюрди. Сўнгра бутун кучи билан ёқутни ёпинғич устида юқорига отди. Ёқут ёпинғич устига тушганда шоҳга деди: «Унинг баҳоси ёқут ердан ҳавога кўтарилгунгача бўлган жойни тўлдирадиган миқдордаги олтинга тенгдир. Йиғилганлар унинг сўзини маъқулладилар. Шундай қилиб у ўзининг улар қошидаги ва шоҳ олдидаги хурматини тиклади. Шоҳ унинг оғзини сиққанича жуда гўзал тошлар билан тўлдирди, унга хурматли либослар кийгизди ва ас-Саббоҳ ўз вазифасини адо этгач, унга қайтмоққа рухсат берди.

Ас-Саломий¹⁷⁴ бундай ҳикоя қилган, у эса ал-Лаҳҳомдан¹⁷⁵ эшитган экан. Абу Бишр ас-Сирофий бир маҳал тунда Сарандибдаги тоғаси ҳузурда бўлган. У ерда узукка (кўз қилмоқ) учун бир тошни келтирганлар. У қизил ёқут. Уни китоб устига қўйилса, ўша саҳифаларни ўқимоқ мумкин бўлар эди. Ҳикоя қилувчи бунга ҳайрон қолган. Чунки бу тун қоронғулигида юз бермоқда, тиниқ тошнинг ўзи нур сочар эди, унга атрофдаги бирор ёритқичдан нур тушаётгани йўқ. Ҳикоячи шундай деб ўйлаган. Амалда эса бу ёқут ярим шар шаклида ва унинг текис томони билан ёзилган хатларга қаратилган эди. Майда сатрларни ўшандай ярим шар шаклидаги тоғ биллури ёрдами билан ҳам ўқилса бўлади. Чунки у орқали хатлар кўзга йириклашиб кўринади, сатрлар кенгаяди. Бунинг сабабини эса ойналар тўғрисидаги билим ечиб беради.

«Исмоилий» тоши билан бўлган иш бир маҳаллар Балхда Ямин уд-Давла билан ҳам бўлиб ўтган. У от миниб овга бормоқда эди. Унга бухоролик бир гадой дуч келди ва садақа сўрай бериб безор қилди. Ямин уд-Давла бундайларни ёқтирмас эди, у гадойни қамчиламоққа буюрди. Шундай бўлдики, у қўлини силкитганида узукнинг кўзидаги тош тушиб кетди. Буни калтакланган бухоролик кўрган эди. У отлиқларнинг узоқлашувини кутиб турди, сўнг қайтиб келиб йўлдан тошни олди. Амир қайтиб келгач, узукка

кўзи тушди ва тошни қидириб топмоқни қатъий равишда буюрди. Эртаси куни у яна отлиқ йўлга тушди ва бухоролик яна унга учради яна тиланчилик ила безор қила бошлади. Амир калтак билан уни уриб бошини ёрмоққа буюрди. Бухоролик деди: Агар сен ўз мулқингдан менга ҳеч нарса бермоқни истамасанг, унда мулқингдан менда бор нарсани қайтариб ол» ва тошни унга узатди. Ямин уд-Давла ҳайрон қолди, бу қандай қилиб юз берди, деб сўради. У бу ишнинг қандай бўлганини айтди. Маҳмуд деди: «Оллоҳнинг сен орқали мени садақа бермоққа мажбур қилмоғи бу. Ва гадойга уч юз динор бермоқни буюрди. Сўнг яна гапига қўшиб қўйди: «Буларни ол ва мендан миннатдор бўлма, бу менинг совғам эмас, у Оллоҳ таолонинг сенга совғаси. Агарда менга қолса, сенга бир динор ҳам бермас эдим».

Яна бундан ҳам ажойиброқ иш бўлиб ўтган. Фарова¹⁷⁶ аҳолисидан Аҳмад ибн ал-Ҳасан ал-Язидий шаробни жуда яхши кўрар ва тўхтамай ичар экан. Бир маҳал тунда у ўз улфатлари билан Хоразмнинг Журжония¹⁷⁷ деган жойида ичкиликбозлик қилиб ўлтирганида узугидаги тош тушиб кетган. У эрталабгача буни сезмаган, бунинг қаерда юз берганини ҳам сезмаган. Шундан икки йил ўтган. Бир маҳал тунда кимдир унинг дарвозасини тақиллатган ва деган: «Қонуншунос ал-Ихшидий ал-Хатиб сенга бу тошни бериб юборди». Маълум бўлдики, бу узугидан тушиб қолган тош эди. Эрталаб у ўша кишининг хузурига бориб, тош тўғрисида сўради. Бу қонуншуносда ғишт пиширадиган хумдон бор эди. У жавоб берди: «Мен хумдон олдида туриб эдим. Ишчилар ғиштларни елкага ортиб хумдондан ерга олиб ўтмоқдалар. Ишчилардан бирининг қўлидаги ғишт тушиб кетди ва парча-парча бўлди. Синиқлар орасида бу тош кўринди. Мен унда сенинг отинг ёзилганини кўрдим ва сеники эканлигини билдим».

Мана бунга тескари бир воқеа. Ал-Маъмун Хуросондан қайтиб Бағдодга келганида ал-Фадл ибн Рабиъ узук учун бир ёқут совға қилиб юборди. Ҳозиргача бундай ёқутни ҳеч ким кўрмаган эди. Ал-Маъмун уни айлантира бошлади, у қўлидан бу қўлига ўтқазиб берди ва ёнидагиларга деди: «Мен бундан гўзалроқ тошни кўрмаганман». Сўнг у ҳикоя қилди. Абу Муслим¹⁷⁸ Зиёд ибн Солиҳни¹⁷⁹ Хитойга юборган. У уёқдан бунга узук учун қимматбаҳо тош жўнатган. Бу тош бундан Абу-л-Аббос ас-Саффоҳга¹⁸⁰ ўтган. У эса тошни Абдуллоҳ ибн Алига¹⁸¹ совға қилган. Ундан бу тош ал-Маҳдийга ўтган, сўнг ар-Рашид қўлига тушган. У қачондир ўқ отиладиган асбобдан отаётганда тош узукдан узилиб ерга тушиб кетган. Бу ерни ва атрофини кўп кавлаганлар, лекин тошнинг изини ҳам топа олмаганлар. Ар-Рашид қаттиқ хафа бўлган. Ҳар бир омбор бошлиғи йигирма минг динорга узук учун тенги йўқ бир тош сотиб олиб, уни ар-Рашидга йўллаган. Шу билан уни юпатмоқчи бўлган. Ар-Рашид бу тошни кўргач, «бу менинг тошимга ета олмайди» деган. Сўнг ал-Маъмун дебди: «Мен бу тошларни қадрламайман, уларда ҳеч қандай маъно йўқ». Уни ал-Фадлга қайтариб берган ва унинг элчисига деган: «Унга айтгил, Абу-л-Аббос, сенинг ҳокимиятинг тугабди».

Тош ал-Фадлга қайтгач, у индамай тошга қаради ва ўз яқинларидан бирига деди: «Ал-Маъмун шу кундан бошлаб бир йилдан камроқ яшайди, холос». Қош қораймасиданоқ бу гаплар Маъмунга етиб борди. У буларни сир сақлади; бир йил ўтгунгача ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Бир маҳал у ал-Аббос ибн ал-Мусайябнинг¹⁸² тобутини кузатиб отда кетаётганда Сурия дарвозаси олдида унга ал-Фадлнинг ўғилларидан бири учраб

қолди, яқинлашиб салом бериб унга яхшилиқлар тилади ва ўзини танитди. Ал-Маъмун унга яқинроқ келишни буюрди ва у оти узангисига яқин келганида унга эгилиб пичирлаб деди: «Абу-л-Аббосга айтгилки, вақт алақачон ўтиб кетди».

Оллоҳ номига қасамёд қилиб айтаманки, Умар Абд ал-Азиз¹⁸³ бундай тошларни ҳеч қадрламас эди. У бундай нарсалардан ва унга ўхшашлардан ўзини узоқ тутар, ҳаттоки, у гарчи бутун дунёга ҳукмрон эрасада, бутун дунёвий ишлардан йироқ эди. У бир маҳал эшитдики, ўғли Абдуллоҳ бир минг дирҳамга узуги учун тош сотиб олибди; шунда у ўғлига бундай хат ёзган: «Менгача хабар етиб келдики, сен узук олибсан ва унга минг дирҳамга тош ҳам сотиб олибсан. Менинг қатъий қарорим шундайки, уларни сотгин ва тушган пулга минглаб очларни тўйдиргил. Ўзингга эса кумушдан узук қилдиргин ва унга муҳр ўйдир ва унга: «Оллоҳ унинг қудратини билувчига раҳм-шафқат қилсин» деб ёздиргин. Ўғли халифа буюрган ишларни амалга оширди.

Ар-Рашиднинг узугидаги тошнинг дарвоза ва ҳовли орасида йўқолишига келсак, эҳтимол, уни қидириб кавлаётган хизматчилардан бири топиб олиб яширган бўлиши мумкин; ёки қандайдир бир қуш учиб ўтаётиб кўриб қолган ва ерга пастлаб уни олиб ютиб юборгандир; ё бўлмаса, уни гўшт деб ўйлаб тумшуғи билан тортиб олган, сўнг учиб кетаётиб ташлаб юборган.

Абдуллоҳ ибн Марвон¹⁸⁴ ибн Муҳаммад Нубия¹⁸⁵ мамлакатида пиёда қайтаётганда латтага ўралган минг динор баҳодаги қизил ёқути бўлган. У дер эди: «Оҳ, унинг ўрнига менда от-улов бўлсаю ўшанда ўлтириб кета олсам эди». Марвонийлардан бири айтган экан: «Қочиш пайтида бизда беш динорли арзонбаҳо тошлардан фойдалироқ нарса бўлмаган. Чунки, бола ёки хизматчи бундай тошни тортиб олиб сотмоғи мумкин эди; қимматбаҳо тошларни эса очиб кўрсатмоққа журъат қилолмадик. Уларнинг қимматли эканлиги биз учун бефойда бўлди, аксинча зарарли эди».

Бу ҳол Яздигирдга¹⁸⁶ белбоғидаги қимматбаҳо тошларнинг фойдасиз бўлганига ўхшайди. Тегирмончи ундан тўрт динор сўраганда айни ўша тошлар Яздигирднинг ўлимига сабаб бўлдилар. Шунинг учун Яздигирд мисолидан ибрат олиб, қаерда бўлмасин ёнида тўрт динор олиб юрмаган муғни¹⁸⁷ кам учратасан.

Наср дейди: амир Нуҳ ибн Мансур ар-Радий Сомонийнинг¹⁸⁸ икки узуги бўлган. Уларнинг ҳар бирини «Қовун» деб атаганлар. У тошлардан бири қизил ёқут, катталиги узум донасидек, иккинчисидаги тош эса олмос бўлган. Шакл ва катталиқда у биринчиси каби эди. Дейдиларки, ҳеч ким бундан йирикроқ тошни кўрмаган экан.

Ислом шоҳлари Оллоҳнинг уйи Каъбани ҳурматлаб барча энг яхши деб ҳисобланган совғаларни ўша ерга юборар эдилар. Бунда улар Абдул Муттолибдан¹⁸⁹ ибрат олганлар. Замзам¹⁹⁰ қудуғини очганларида, унинг излари ўчиб кетган, унда Каъба эшиклари учун юборилган қалайи қиличларини топганлар, яна олтин билан безатилган икки кийикча ҳам топилган. Улардан бирини у Каъба эшигини безамоқ учун, бошқасини эса ичига осиб қўймоқ учун берган. Бу билан у пайғамбар (с. а. в.)нинг, Оллоҳ унга марҳамат ва лутф қилсин, Каъба эшигига олтин барсўм¹⁹¹ ёпганига тақлид қилган. Буни пайғамбар (с. а. в.)га Яманнинг¹⁹² форс ҳукмдори Бодом¹⁹³ унинг исломни қабул қилганидан сўнг совға қилиб юборган эди. Шу билан Бодом ўзининг мажусийликдан узилиб, уларнинг урф-одатларидан воз кечганини кўрсатган эди.

Пайғамбардан сўнг Умар ибн ал-Хаттоб¹⁹⁴ ҳам шундай қилди. У Каъбада иккита ярим ойни осиб қўйди. Улар Мадоъин забт этилгандан кейин унга келтириб берилган эди. Улар билан бирга бебаҳо тошлардан ясалган челақчалар ва икки қадахни ҳам осиб қўйди. Улар ҳаммаси буюк қимматбаҳо тошлар билан нақшланган ва гўзал забаржад билан безалган эдилар. Сўнгра Язид ал-Муъовийа¹⁹⁵ ҳам Каъбага иккита ярим ойни юборди. Улар қизил кибрит¹⁹⁶, ёки руммоний ёкут билан ясатилган бўлиб, илгари Дамашқ черковида сақланган эдилар. Ҳар бирининг баҳоси юз минг динорга етарди. Язид уларни сотгани йўқ. Уларни Каъбага жўнатган. Улар билан икки идишни ҳам юборди, бири ақиқ, бошқаси эса ой тошидан қилинган; яна икки кичик идишнинг бири, ярим қимматбаҳо тошдан, бошқаси эса ёкутдан қилинган идишни юборди.

Абдуллоҳ ибн ал-Зубайр¹⁹⁷ Каъба эшикларини олтин варақлар билан қоплади. Абдул Малик Марвон Каъба учун икки лавҳа Қуёш ва икки ойли идиш юборди ва тўсинлар ичини олтин япроқлар билан қоплади. Ал-Валид ибн Абдул Малик¹⁹⁸ икки идиш йўллади, улар тўғрисида китобларда ҳеч нарса ёзилмаган. Ас-Саффоҳ хризолитдан ясалган зангори тахтача юборди. Буни у тўрт минг динорга сотиб олган эди. Ал-Мансур фиръавн ойнасида¹⁹⁹ ясалган кичик идиш, унга олдинлари Рум шоҳи совға қилган катта кумуш тахтани жўнатди. Ал-Маъмун олтин ва кумуш маъбудалар билан бирга ёкутни юборди. Улар Кобул²⁰⁰ испохбедидан исломни қабул қилганида олинган эди. Бу ёкутни оқибатда Каъбага зиёрат вақтида осиб қўйдилар. Ал-Мутаваккил бу ерга олтиндан ясалган Қуёш тасвирини жўнатди. Унга дур, ёкут ва хризолит қадалган эди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси зиёрат вақтида осиб қўйилган.

Муътаззнинг²⁰¹ онаси Қабиҳа кўп қимматбаҳо тошларни жамлаган, у булардан на имон, на дунё ишлари учун ҳеч қачон фойдаланмас эди. Унинг ўғлига ҳам улар буюрмади. Турклар²⁰² ундан беш юз минг динор талаб қилган эдилар. Шунда турклар Солиҳ ибн Восифийни²⁰³ ўлдириб, ал-Муътаззни ундан қутқармоқчи эдилар. Ал-Муътазз онасига ёрдам сўраб мурожаат қилганида, у хотин бахиллик қилди ва пули йўқлигини қатъиян айтди. Муътазз ўлдирилгандан кейин Солиҳ махфий хонада уч қутини топди, улар шу хотинга тегишли эдилар. Биринчи қутида чўмичдай катталикдаги зумрад, бундай нарсани на Мутаваккил, на бошқа бирор киши кўрган эди; унинг тагидаги иккинчи қутида чўмичнинг ярмидек келадиган йирик доналар, бундайлар дунёда яна бирор жойда бўлмоғи мумкин деб ўйламайман; яна унинг остидаги учинчи бир қутида унинг сифати тўғрисида ҳеч ким эшитмаган вазни каттагина келадиган қизил ёкут бор эди.

Бу қутидагилар Солиҳ учун сотмоққа икки минг динорга баҳоланди. Бу қутилар билан бирга яна бошқа қимматбаҳо тошлар ҳам топилдики, уларнинг нархи минг динор турар эди. Буларнинг ҳаммасини ўша хотин ўзининг хасислиги ва аҳмоқлиги билан йўққа чиқарди, шу билан ўғлини ҳам ҳалок қилди, халифаликка ҳам зарар етказди. У хотин маблағи ва кийими йўқ, шармандаю шармсор бўлган ҳолда зиёратга жўнади, йўл-йўлкай Солиҳни қарғаб борарди.

Қимматбаҳо тошлар ҳақидаги ҳикоялардан бири, унинг тафсилоти маълум эмас, Хуросон ҳукмдорларидан бирига доир. У Хусравлардан бирига тегишли олтиндан қуйилган хурмони топди, унга турли қимматбаҳо тошлар терилган эди. Улар хом ва пишган меваларга ўхшаб шоҳлар орасида эдилар. У ушбу топилмани Мусъоб ибн аз-Зубайрга²⁰⁴

Ироққа элтди. У икки минг динорга баҳоланди. У ҳозир бўлганлардан сўради: «Бу хурмога кимни муносиб деб ҳисоблайсиз?» Унга жавоб бериб «Сени, буни ўз ўғилларингга қолдир», дедилар. У деди: «Йўқ, мен буни азалдан бизга ёрдамлашаётган кишига бераман, улар учун у кўпроқ фойдали бўлади. Буни Абдуллоҳ ибн Абу Фарвага²⁰⁵ берингиз». У буни олди.

Мусулмонлар Ниҳовандга²⁰⁶ киргач, ўлжаларни бу ишнинг бошлиғи ас-Соъибга²⁰⁷ топшира бошладилар. Шунда Хузайфа ибн ал-Ямонга²⁰⁸ хирбоз келди²⁰⁹ ва ундан сўради: «Агар мен сенга билганимни айтиб берсам менинг хавфсизлигимни таъминлай оласанми?». У деди: «Ҳа, айт ниманг бор?» У деди: «Нохиржон²¹⁰ менга Хусрав хазинасини қолдирган. Агар менинг ва мен хоҳлаган кишиларим ва айтган одамларимнинг хавфсизлигини тинчлигини сақласанг, уларни сенга келтириб бераман». Хузайфа деди: «Шуни мен амалга ошираман». У одам икки қатта қути олиб келди. Уларда лиқ тўла ёқут ва дурлар бор эди. Барча мусулмонларнинг бу борадаги фикри бир хил бўлди: Уларни уларнинг ҳиссаси деб унга юбормоқ лозим, ўзаро бўлишиб олмоқ керак эмас. Ас-Сойиб буларни Умарга келтирди. У деди: «Хазинага олиб кириб қўй. То мен бир фикрга келгунимгача ўша ерда турсин. Ўзинг ўз қўшининг ҳузурига жўнагин». У шундай қилди. Умар туни билан шу ҳақда ўйлаб чиқди, эрталаб ас-Сойиб изидан у чопар юбордики, у орқага қайтсин. Лекин чопар унга фақат Куфага²¹¹ кириш вақтида етиб борди. Тонг отганда улар бир вақтда туяларини чўқдирган эдилар. Чопар ас-Сойибга деди: «Амирал мўминин хузурига қайтгил». У қайтиб келди. Умар уни кўргач деди: «Бу нарсалар менга ҳам, ас-Сойибнинг онасининг ўғлига ҳам, тўғрироғи ас-Сойиб онасининг фарзандига ҳам, менга ҳам тегишли эмасдилар. Иккала қутини ҳам ол, уларни қаердан келтирган бўлсанг ўша ерга элт ва тушган пулларни мусулмонларга иш ҳақи учун сарф эт. У қандай буюрилган бўлса шундай қилди. Уларни Куфа масжиди олдига қўйди. Бу ерда Амр ибн Хорис²¹² икки минг дирҳамга сотиб олди. Кейинчалик у бу нарсаларни араб бўлмаган ерларда тўрт минг дирҳамга пуллади.

92-нчи йилда (ҳижрий) Мусо ибн Нусайронинг²¹³ озод қилинган қули Ториқ²¹⁴ Мағрибдан Андалузияга²¹⁵ келди, жангда бу ернинг шоҳини ўлдирди. У шоҳ турли қимматбаҳо тошлар билан безалган чодир остида ўлтирар эди. Бу чодир ҳар хил қимматбаҳо тошлар билан безалган. Унинг тахти ҳам шундай. Тахтни икки отга ортиб олиб юрардилар. Улар бир аробага қўшилганлар. Бундай аробани юнонлар «жанговар ғилдираклар» дейдилар, ҳиндлар ату; шахматда рухлар ҳам шундай деб аталади. Шундай ҳам бўлар эдики, қандайдир барбар бир қоп тўла қимматбаҳо тошлар ва парча олиб келиб, уни улгуржигга бирор арабга бир ё икки дирҳамга сотар эди. Сўнг 93-нчи йилда Мусо ибн Нужайр ҳам Андалузияга келди. Уни унинг озод қилинган қули Ториқ кутиб олди. Улар Андалуз шаҳари Тулайтула (Толедо) сари йўл олдилар ва уни эгалладилар. Бу ерда улар бир мез (курси)ни қўлга киритдилар. Уни Сулаймон ибн Довуд²¹⁶ дер эдилар. Чунки бу ердаги оддий одамларда шундай одат бор эдики, ҳар бир маҳорат билан ажойиб ва ҳайратомуз қилиб ишланган нарсаларни, шунингдек ҳар бир моҳир қурувчи ёки ғаввосни Сулаймон бўйсундирган шайтонлар деб билганлар. Бу мез олтин ва кумуш аралаштириб қуйилган экан. У қимматбаҳо тошлар билан уч қатор қилиб безатилган. Уни хачирда олиб юрардилар. Ториқ бирор шубҳали ишдан гумонсираб бу мез (курси) оёқларидан бирини олди ва унинг ўрнига темир оёқ ўрнатиб қўйди.

У эгаллаётган шаҳарларда бир уй бор эди. Унда Андалузия шоҳларининг йигирма тўрт тожи сақланган. Лекин у ҳар бир тожнинг қийматини аниқлай олмади. Уларни ҳар бир ўтмиш шоҳларнинг сонини ва ҳукмронлик йилларини билмоқ учун сақлаган бўлсалар керак, ёки уларда шундай қонуний тус олган одат бўлган.

96-нчи йилда Мусо ал-Валид ибн Абдулмалик хузурига келди ва унга ўша мезни тақдим этди. Шунда Ториқ ал-Валидга деди: «Уни мен ўлжа қилиб олган эдим, у эмас. Лекин уни ўзимга олмоқни эп кўрмадим ва унга қолдирдим». Ал-Валид уни ёлғончиликда айблади. Аммо Ториқ яшириб қўйган мез (курси) оёғи ёрдамида ўзини оқлади. У деди: «Мез ҳақида Мусодан сўрагин». У деди: «Мезни шундайича топган эдим. Шунда Ториқ мезнинг ҳақиқий оёғини чиқариб кўрсатди. Ал-Валид Ториқнинг рост айтганини тусунди ва унга мукофот берди, Мусони эса ёлғончиликда айблади».

Холид ибн Бармак²¹⁷ Жабал²¹⁸ ва Масмуғон²¹⁹ испаҳбедларини қамал қилди. Улар Табаристон²²⁰ тоғларидаги бир қалъага беркинган эдилар.

Уларнинг аҳволи ёмонлашгач, хавфсизликларини таъминлашни сўрадилар. Ўзларини халифа иродасига таслим этажакларини билдирдилар. У рози бўлди ва қамалдагилар чиқиб келдилар. У дарвоза олдига одамлар қўйди, улар ўлжалардан ҳеч қайсисини олиб чиқмоққа йўл қўмадилар. Бир одам мушукни тутиб, унинг ичини тозалаган ва уни қимматбаҳо тошлар билан тўлдирган. Сўнг уни тикиб қалъа деворидан ошириб ташқарига отган. Аммо у бу иш фош бўлишининг олдини ололмади. Тасодифан ҳарбийлардан бири ўша мушук тушган жой яқинида бўлган, уни олиб келиб Холидга берган. У хазинахоналарни сақловни кучайтириш тўғрисида буйруқ берган. Чунки Хисрав Ироқдан Марвга²²¹ қочаётганда Жабал шоҳларига энг қимматли тошлар ва энг енгил нарсаларини сақловга қолдирган эди. Ўшалардан топиб олганларининг баҳосини ҳеч ким билмас эди.

Давор мамлакатада²²² Зўн²²³ деб аталган санам бор эди. У олтиндан қуйилган бўлиб, кўзлари эса икки ғоят гўзал ёқутдан ясалган. Абд ур-Раҳмон ибн Самура²²⁴ уларни суғуриб олди ва санамнинг бир қўлини кесиб олди. Сўнг у марзбонга²²⁵ деди: «Қолган олтин ва қимматбаҳо тошларни ўзингга ол. Менинг бу ишдан мақсадим, унга талпинувчиларга бу санамнинг фойдаси тегмаслиги, унга зарар етказувчиларга қаршилик қила олмаслигини кўрсатмоқ эди».

Ҳикоя қиладиларки, Ал-Мансур хузурига бир киши келиб бундай деди: У Хусравлардан бир шоҳнинг навусига²²⁶ (зардуштийларнинг майитлар суяклари сақланадиган остадонлар қўйиладиган махсус қурилма навус дейилади. — М. И.) кирган ва у ерда қимматбаҳо тошлар ва дурлардан иборат тожни кўрган. У тошлар бебаҳо эди. Аммо бу тўғрида унга хабар қилмай туриб улардан бирортасига тегмасликка қарор қилган. Ал-Мансур бу одамни қамчи билан етмиш марта урмоққа ҳамда «Хоҳ тирик, хоҳ марҳум шоҳнинг жойига тўсиқ оша кирувчининг жазоси шундай», — деб айтиб турмоқни ҳам буюрган. Халқни бошқарувдаги талаб ва зарурий чора шон-шавкат ва олийжанобликни таъминлаш чораси ана шундайдир.

Аммо кимки йилномаларни ўрганиб чиққан бўлса, ўша манбалар орқали арабларнинг форсларга нисбатан уларнинг мамлакатини ва бойликларини эгаллаганларида ва Уммавийлар сулоласи қабрларини Абдуллоҳ ибн Али ўч ва жазо баҳонасида талон-то-

рож қилгани, ал-Мансурнинг бойликларга ўчлигини билади ва бу ҳикоянинг ёлғонлигини тушунади, гарчи бу ҳикоя адаб илмининг беазаги деб ҳисобланган тақдирда ҳам²²⁷.

Форслар воқеаномасида, улар Хусравларни ва уларнинг давлатини улуғлашда муболағалардан холи бўлмасалар-да, бундай ҳикоя қилинган: Сарандиб шоҳи Анушервонга²²⁸ денгизда қўлга киритилган нарсаларнинг еттидан бирини, ўн фил ва икки юз минг тик дарахтидан қилинган тўсинни (сож)²²⁹ юборган. Хитой ҳукмдори эса дурдан ясалган от ва чавандоз совға қилиб юборган. Отнинг ва чавандознинг қўзлари ёқутдан қилинган эди. (Хитой ҳукмдори) яна ушорий деб аталадиган хитой либосини йўллаган. Ушорийнинг кўм-кўк этагида тож кийган шаҳаншоҳнинг шоҳона либослардаги тасвири, унинг ҳузурида турган хизматчилари акс этган. Бу кийимни сочлари ёйиқ, сочлари танасини тамомила ёпиб турган гўзалликда тенги йўқ канизак олиб кирмоқда. Бошқа кийимлар эса олтин сандиқда олиб кирилмоқда. Ҳинд шоҳи унга оловда эрийдиган дарахтдан минг ман миқдорда жўнатган. Ундан ҳосил бўлган эритма сиёҳ сифатида хат ёзишда ишлатилади. Яна дурлар билан тўла ёқут коса ва писта шаклидаги, лекин ундан йирикроқ камфарадан ўн ман, ола-чипор илон терисидан қилинган ипакдан ҳам майин гиламлар ва етти тирсак бўйли канизак юборган. Хоқон (турк хоқони) юз дона олтин ва кумуш суви билан зарҳал қилинган совут ва тўрт минг ман Тибет мушкини совға қилиб йўллаган²³⁰.

Дейдиларки, Абарвиз (Парвез)²³¹ хазинахонасидаги бойликлар орасида, уни Мадоъиндаги Баҳорхуррам деб атар эдилар, бу эса Тайсифундир²³²; менимча, Мадоъин деган ном шунинг учун берилганки, у шаҳаншоҳнинг пойтахти бўлган ва шаҳарларнинг шаҳари деган маънони билдиради, олтин ва кумуш пуллардан ташқари, олтин ва кумуш идишлар, ўн бир қути ва уларда ўттиз минг дона қизил ёқут тошлар бўлган. Яна ўнта қути, уларнинг ҳар бирида ўн икки минг узунчоқ зумрад ва ҳар бирида бир мингтадан хушбўй мушк, юзта қопда камфара бўлган.

Бу гаплар ҳаммаси эҳтимолдан холи эмас ва ўз асосларига эга.

Гоҳо хабарларда идишлар ва уларда нималар борлиги тўғрисидаги маълумотнинг ростлигини текширмоқ учун имкониятлар ҳам сақланади. Уларнинг сон-саноғи, ҳажми, яроқлилиги, энг катта ва энг кичик миқдорининг нималарга яраши, энг яхшиси ва энг ёмони масалаларини ўша хабарлардаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Эҳтимолдан ташқари бўлган ҳамма нарсага танқид қўли етмайди, шу билан унда ҳақиқат ва ёлғонни ажратмоқ мумкин бўлади. Кулгили ёлғонларга келсак, уни эшитиб эрмак қиладилар, ундай олди-қочди лофлар форсларда жуда кўп. Аммо биз учун ҳикоя қилаётган ишимизга оидларинигина айтиб ўтмоқ kifоядир. Масалан, уларнинг Абарвиз тўғрисидаги ҳикоялари шундай ёлғонлардандир. Масалан, Абарвиз бошқа ҳеч кимда бўлмайдиган, ҳар бир одам ҳам муҳтож ўн олти хил хислатга эга эмиш. Аммо бу хислатларни санаб ўтирмайлик, чунки бу иш бизни ҳозирги машғулотибимиздан четга тортади.

Гоҳо тоғлардан бўшлиқларда қайтадиган акс садо улардаги хазиналардан хабар беради. Ана шундайлардан бири тош қовға (гаурованд)дир²³³. У хўкиз шаклида эди. У кўмиб қўйилган экан. Унга тасодифан дуч келганлар ва Бадр ибн Ҳасанавайҳнинг²³⁴ бобоси ал-Ҳусайнга келтирганлар. У билдики, бу қовғадир ва унга сув қуя бошлади. Ундан

қанча ичсаларда, ҳатто кўп ичганларида ҳам сув ҳеч тугамас эди. У ана шу қовғадан кўп вақт фойдаландилар. Охири унинг қариндошларидан бир курд сўрагач, унга бермоққа тўғри келди. Бу курд бир маҳаллар ал-Хусайнга душманининг бошини кесиб олиб келган эди. Лекин одамлар ўртасида бу қовғага оид ишлар тўғрисида гап тарқалди. Ичида нима борлигини билмоқ учун курд қовғани иккига бўлиб ташлади. Унинг ичида олтиндан ясалган икки узум эзувчининг ҳайкали бор эди. Бирининг кокили иккинчисига боғланган экан. Улар эзаётган узум олтиндан экан. Сўнг курд қовғани тузатмоқчи бўлиб кўп уринибди, лекин ҳеч нарса қила олмабди, қовға эса ўз хислатини йўқотибди.

Ибн Закарийо²³⁵ «Хусусиятлар ҳақида китоб»ида ҳикоя қиладики, Мисрда²³⁶ бир черков бўлган. Унда икки ўлик қўйилган. Уларнинг остидан тинмай зайтун ёғи чиқиб турар эмиш. Ушбу хабар учун Оллоҳдан кечирим сўрайман.

Ёниб кетган хазиналар тўғрисидаги гапларга келсак, маълумки Форсада (Хусравнинг) хазинахонаси бўлган. У олтин ва кумуш тангалар ва турли қимматбаҳо тошлар, хушбўй нарсалар ва ёғлар билан тўлиб тошган эди. У яшин тушиб ёниб кетди. Ёнғин тўрт ой давом этди, шундай ёндик, атрофида қирқ фарсах нарида ҳам ҳайвонлар куйган ҳидни сезар эдилар. Бундай ҳолатда одат бўлганидек кимга бу гапни айтсалар, ишонмас эдилар. Ёнғин тугаб ўзи ўчганда кулларни ва унинг остидагиларни кавлаганларида бутун майдон яхлит қизил ёқут тахта бўлиб қоплангандек бўлиб қолганини кўрганлар. Хусравнинг кўнгли тинчиди, у шод бўлди, чунки бу ёқут қиймати жиҳатидан бутун дунёдаги бойликлардан ўн минг марта ортиқроқ эди. Шу сабабли Хусрав ўзи қаторилардан энг олдинда, ўзидан олдинги ва кейинги шоҳларнинг ҳаммасидан ҳам устунроқ бўлиб қолди. Сўнгра у ушбу ёқутдан ҳар бири минг мисқол вазнли юзта бўлакларни қирқиб олмоққа буюрди, қолганларидан эса ичимлик ичадиган идишлар ясаптириб, уларнинг ҳаммасида ичимлик ичар эди.

Ҳар ҳолда нима бўлса ҳам, булар ҳаммаси ерда бўлиб ўтар эди. Инсон буларнинг деярли ҳаммасига чидайди, изтиробларига тоқат қилади. Аммо унинг осмони фалақда юз бераётган расволиклар тўғрисида ўйлаб чиқарган гаплари чидаб бўлмас даражададир. Ҳатто эзгулик ва ёвузликни солиштириб кўрмайдиган, яхшилик ва эҳтиётсизликни булар билан ўлчаб кўрмай қиёс қилмайдиганлар ва Оллоҳ сўзларига муносиб равишда парво қилмайдиганлар, шулар асосида хурсанд қиладиган нарсанинг ҳақиқий сифатларини билиш ва гўзалликни чиркинликдан ажрата олиш ва ёлғонлардан нафратланиб, Оллоҳ қувватлаган бандалари билан бирга бўлмоқдан узоқлашувчилар ҳам бор. Ваҳоланки, Оллоҳ деган: «Оллоҳга уларнинг на эти, на қони етиб боради, аммо бизларнинг тақвоимиз унга етиб боради»²³⁷. (Қуръон: 22-сура, 38-оят; 25-сура, 72-оят; 25-сура, 64-оят), албатта, Оллоҳ имон келтирганларни мудофаа қилур, албатта, Оллоҳ барча хоин ва ношукрларни суймас. Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари ёлғон гувоҳлик бермасалар ва беҳуда (сўз, ё иш) олдидан ўтган вақтларида олийжаноблик билан (ундан юз ўгирган ҳолда) ўтарлар²³⁸. Ва яна жоҳилона сўзлар билан улар мурожаат этсалар, «Сизга тинчлик» дейдилар. Улар яна тунларни Парвардигорга сажда қилган ва тик турган (ибодат билан бедор) ҳолда ўтказадиган кишилардир³³².

Китоблардаги ғалабаларга оид ҳикоялар ҳам мароқли. Масалан, Саъд²⁴⁰ Умар ибн ал-Хаттобга ёзибдики, Оллоҳ ундан мамнун бўлсин, «Кўлга киритилган нарсалар ора-

сида олтин сандиқни ёздим (рўйхатга олдим). У олтин калит билан қулфланган. Лекин уни очганим йўқ. Бир одам унинг учун шунча-шунча пул бермоқчи». Жавоб келган: «Уни сотгин. Чунки ўйлайманки, бу форсларнинг яна бир аҳмоқоналикларидан бошқа нарса эмас». У шундай қилди. Харидор сандиқни очиб кўрди. У ерда бир қутичани топди. Уни очганида, бир ёзув бор эди. У ўша ёзувни ўқий оладиган одамни топиб келтирди. Мана бунда нима ёзилган экан: «Соқолни тароқ билан томоқ томондан бир марта тарамоқ, бет томондан тарамоқдан минг марта фойдалироқдир». Харидор Саъддан бу олди-сотдини бекор қилмоқни сўрай бошлади. Саъд бу тўғрида Умар ибн ал-Хаттобга яна хат ёзди. Улар унга бундай жавоб ёзган: «Мен келишувни бекор қилмоқни сўрамаган бўлардим». Унга жавоб бериб деганлар: «Биз ҳам келишувни бекор қилмаймиз».

Бир одам билан бўлиб ўтган ана шундай ҳодиса тўғрисида Исмоил ибн Али бундай деб ёзган:

*Худди ёпиқ қути, безалган
Четлари олтинли сувратлар ила,
Ундан завқланган шахс очаркан, дейди:
«Қанча қимматбаҳо тошлар бор бунда».
Аммо қулфини очганидан сўнг
У ерда фақат ҳид борлигин билди.*

ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР ВА ЁҚУТЛАРНИНГ БОШҚА РАНГЛАРИ

Дейдиларки, ёқутларнинг қизил турларидан бошқа энг яхшилари гулранг-сарғиш, сўнг кўк ранглиси, энг қуйи тури эса оқидир. Райлик оға-инилар ҳикоя қилганларки, гоҳо ёқутнинг бир бўлагида бу рангларнинг ҳаммаси жам бўлади²⁴¹. Улар шундай хилини учратганлар. Унда ҳамма ранглар бор эди: қизил ҳам, сариқ ҳам, зангори ҳам, кўк ҳам, оқ ҳам. Улар билардиларки, олов уларнинг ҳаммасини йўқ қилади ва оққа айлантиради. Чидамли ва ўчмайдигани, аслида, қандай бўлса шундай қоладигани фақат қизилидир. Чунки у ёқутларнинг асосий рангидир. Бошқа ранглар эса тасодифийдир. Улар қиздирилганда оқариб кетадилар ва тоғ биллури сингари бўлиб қолади. Ал-Киндий сотиб олган кон топилмалари ҳам бунини тасдиқлайди.

Сариқ (асфар)²⁴². Дейдиларки, унинг энг ёқимли тури тўқ сариқ, қизилга яқин, аноргули рангига ўхшаши; сўнгра ўрикка ўхшаш ранглиси, сўнгра лимон ранглиси, сўнг сомон ранглиси. Шундан кўринадики, унинг ранги ўчиб бориб, заифланади, ниҳоят деярли оқ ранггача етиб боради, охири эса мутлақ оқ бўлади.

Бир мисқол вазндаги энг яхши турининг нархи юз динордир. Сўнг бу нарх аста-секин пасая боради (рангига қараб) охири бир мисқолининг нархи бир диноргача тушади.

Ал-Киндий дейди: кархаканнинг барча турлари ёқутга ўхшаш тошлар сафида туради. Унга ҳолуқайи, зайтун, пистоқи ранг, буқаламун (ўзгарувчан)лар киради. Буқаламунийда ҳолуқий, сариқ, зангори ва ҳаворанглар кўшилиб кетади. Тошни айлантириб кўрилганда, бу ранглар товушқон (ёввойи қуённинг ола-була бир тури)га ўхшаб соя ва нур тушганда товланганидек товланади.

Сариқ каркаханни ёқут билан адаштирилмоғи осон. Чунки у фақат шуълаворликда ёқутдан қолишади холос. Намликка келсак, у жуда намлидир. Ал-Киндий айтганидек, айлантириб кўрганда кўзга ташланувчи нурлар эса каркаханнинг сариқ ранги ҳақиқий эмас, алдамчилигини исботлайди.

Буқаламун ва товушқон ранглилар. Бу ранглар тоғ биллурунинг синдирилганида ва биллур музининг офтобда товланишида кўринади. Шундай товланишни кўзни қисган ҳолда тошни Қуёш нурига тутиб қараганда кўриш мумкин.

Наср дейдики, бу турнинг биринчиси — сариқ, намли, сувли, ярқироқ ва шуълаворидир. Иккинчиси — ҳалуқийси. Ранги тўқ бўлади. Сўнг гранат (бижозий) ранглиси, ҳалуқийдан кўра рангдорроқ ва ярқироқроғи. У ҳаммасидан кўра қимматлироқдир.

Кўк (акҳоб)²⁴³. Дейдиларки, бу турнинг энг яхшиси товусга ўхшаши²⁴⁴. Сўнгра ҳаворанглиси, сўнг нилий ранглиси, сўнгра сув рангидагиси. Бу оққа яқин. Бу турга сурмарангли, нафт ранглилар ҳам киради. Бу тури қорага ҳам айланиб кетади. Бир мисқол товус ранглининг баҳоси ўн динордан пасая бошлаб то бир диноргача тушади.

Наср дейди: Кўк ёқутлар турли даражада бўладилар; улар бир-биридан рангининг тўқлиги билан фарқ қиладилар. Биринчи навбатдагиси ҳаворанглиси, сўнг кўк (азрак)²⁴⁵, сўнг кўкиш, нилий рангли. Сўнг сурма ранглиси. Охиргиси барчасидан тўқроқ рангга эга.

Яна ал-Киндий дейдики, ҳаворанг тошларда аҳёнда сарғишлик ҳам учрайди. Шунда тошни оз муҳлатга то сарғишлиги кетгунигача ўтга тутадилар. Бунда агар уста хато қилингудай бўлса, кўк ранги ҳам ўчиб кетади. Бу эса ундаги сариқ рангининг кўк рангга қараганда заифроқ эканини исботлайди. Яна у дейдики, биз кўрган ҳаворанг тошлар орасида энг каттаси қирқ мисқолга яқин эди, оқ ранглиси ҳам шунга яқин бўлган.

Бизда Хоразмдаги хазинахонада ҳаворанг ва сурмаранг ўртасида бўлган бир тош бўлаги бор эди, унинг вазни олтмиш мисқолдан сал камроқ эди. Ўша тошдан йўниб ёш аёлнинг қомаги ишланган эди. Унда аёл тиззаларини кўксига йиғиб, чўққайиб, кўксига ёпишган тиззаларига иягини тираб, қовушган қўллари эса тиззаларини кучоқлаб ўтирган ҳолда тасвирланган.

Ал-Киндий сотиб олинган бир халта тўғрисида айтадики, бу халтада гўё турли-туман рангли тошлар бўлган. Аммо танлаб олинганда ва диққат билан ёруқча тутиб қаралганда маълум бўлганки, халтада фақат қизил, сариқ ва ҳаворанг ёқутларгина бор экан.

Каркунд ва каркаханнинг хилма-хиллари бундай: сариқ, пистаранг, зайтуний ва ҳалуқий; журбузнинг турлари — тўқ қизил, оч қизил. Бу ранглар тошларни бўлиб-бўлиб ўрнатмоқ учун эговлаганда кўринади, сўнгра уни қизитганда уларнинг қизил ранги яхшиланади.

Менга бир ҳиндча китобдан ёқутнинг кўк тури ҳақида ўқиб берган эдиларки, бу турга оид тошларнинг энг қимматли ва қаттиғи қуюқ рангли ва табиий юмалоқ шакллисидир. Унга офтоб тушганда унинг ранги қорая бошлайди.

Денгизчилардан бири ҳикоя қилган эди. Бир маҳал саёҳат чоғида улар бир тоққа етдилар. У бир ғор устида бурчак шаклида кўтарилган. Ғорда эса денгиз суви худди гирдоб бўлиб айланар экан. Денгизчилар кемадан қайиққа ўлтириб ғорнинг тоқи остига келиб-

дилар. Гирдобга тушиб қолмаслик учун эҳтиёткорлик билан ғорнинг четларидан қайиқ билан сузиб бораверишибди. Ғорнинг тоқи тирқишларида кўк ёқутлар ярақлаб кўринарди. Денгизчилар уларга ўқ, найзаларни ва бошқа нарсаларни ота бошлабдилар. Натижада тоғ тошининг парчалари узилиб туша бошлабди. Лекин, фақат қуруқ сохилга ёки сувнинг саёз жойига тушганларини олибдилар. Гирдоб ўртасига тушганларига тега олмабдилар. Улар анча нарса йиғиб олибдилар. Йиққанларини чархловчиларга сотибдилар.

Ал-Киндий дейди: Ҳаворанг афлаҳ тошлари орасида шундайлари борки, улар кишини адаштирмақлари мумкин, одамлар уларни ўша рангдаги ёқут деб ўйлаб истеъмолга киритадилар. Бундай тошлар ичида шундайлари ҳам борки, уларнинг ранги қорамтир, лекин бу энг паст туридир. У дейдики, ёқутга ўхшаш бундай тошлар ёқут конларида олинади. Фақат афлаҳ бундан мустасно. Уни Сарандиб шаҳарларидан бири Мандарўндан келтирадилар. У бу Мандарайбатан бандаргоҳи бўлса керак, деб ҳисоблайди.

Агар сен энг йирик, турли рангдаги ёқутларни ўзаро солиштириб кўрсанг, уларнинг қиймати уларнинг сифатларига ва афзалиятларига мос бўлмоғини кўрган бўлар эдинг. Яна шуни кўрар эдингки, майда тошлар одатда каттароқ қийматга эгадирлар, йириклар эса кўп учрайдиган бўлганлари учун, соф олтин, кумуш ва мис каби (булар ҳақида кейинроқ айтамыз). Бир кондан топилганлари сабабли уларни баҳолагандаги нисбатни буларга ҳам қўллаш мумкин.

Ёқутларнинг вазнига келганда, агар ҳажмда бир хил лекин ранглари ҳар хил парчаларни олсак, бизнинг ўрганишимиз ва синовларимизга кўра, кўк ёқут қизилидан сал оғирроқ бўлади. Охиргисининг оз оғирлиғи сабабини бундай деб гумон қилмоқ мумкин: қизил ёқутда тешикчалар бор. Улар ўзининг тортиши туфайли сувга у ёққа ўтмоққа имкон бермайдилар, чунки найчага ўхшаб ҳаво билан тўла, шунинг учун ғоваклар сувдан холи бўладилар. Чунки ёқутнинг тубидаги тор тешиги ундан сув чиққач, у ёққа ҳавонинг ўтишига йўл қўймайди. Агар ҳам сув, ҳам ҳаво бир вақтда эркин ўта оладиган қилиб тешикни кенгайтирилса, ундан сув оқиб чиқиб кетади. Мен буни сувда синаб кўрганман, бу ҳақда махсус асар ёзганман. Ўша асарда олинган натижалар баён қилинган. Бунинг ҳаммаси шундай хулосага олиб келдики, агар кўк ёқут вазни юз бўлса, шу ҳажмдаги қизил ёқутнинг вазни $97 \frac{1}{8}^{246}$ бўлади. Агар ҳисобни яхлитлаштирилса, қизилнинг кўкка нисбатан вазни 777 нинг 800 га нисбатига тенг бўлади. Бизга барча рангдаги ёқутлар билан бу тажрибани ўтқазмоққа имкон бўлмади. Лекин оқ, зангори ва қоралари кўкдан фарқ қиладилар деб ўйлайман. Чунки улар ҳам шундай зич ва оғирдирлар, уларда қизилида бўладиган ғоваклар ва тешиклар йўқ. Биз шунинг учун кўк ёқутни бошқалари билан солиштирмақ учун юзни ўлчам қилиб олдик. Бундан буён шу меъёрга қонун сифатида ёндошажакмиз.

Ал-Киндийга келсак, у ёқут тўғрисида умумий мулоҳазаларни билдиради ва ёқут қимматбаҳо тошларнинг энг оғиридир, дейди. У ўзига фазодаги ҳажми, яъни эгаллаган ўрни — чунки нарсанинг ҳажми унинг фазода эгаллаган ўрнига баравар — яна тошнинг юзаси эгаллаган майдони назарий жиҳатдан баравар ҳисобланади. Бу ерда у бир турни иккинчисидан айирган эмас. Агар у бу тўғрида гапирганда тошларни эритмоққа мойил эмаслигини аниқлаганида, бу кўпроқ эҳтиётли гап бўлар эди, чунки олтин, симоб, кўрғошин вазн жиҳатида ёқутдан ортиқдирлар ва эрувчандирлар.

Зангори. Дейдиларки, зангори турлар ичида энг яхшиси зайтунийсидир, сўнг пис-таранглиси. Сўнгра ранглар аста-секин заифлаша боради, охири оққача етади. Баҳоси кўк ранглининг баҳосига яқин. Абу ал-Аббос ал-Омоний²⁴⁷ айтадики, кўк турлар ичида авқала²⁴⁸ дегани бор. У ранги жиҳатдан заифроқ, ёмонроқ ва юмшоқ. Мен ўйлайманки, бу ўша ал-Киндий афлаҳ деб атаган тур бўлса керак. Ўз китобида у буни «Х» ҳарфи билан ёзган. Аммо Наср уни «ж» деб тўғри ёзган. Демак, арабийлашган авқала — афлаж бўлади (афлаҳ — афлаж сўзларида ҳ билан ж ҳарфлари битта нуқта билан фарқли. — М. И.).

Райлик оға-инилар дейдиларки, амир Ямин уд-Давла Мохура²⁴⁹ шаҳаридаги бутхонадан олган тош авқала туридан эди. Унинг вазни ўттиз беш мисқолдан ортиқ бўлган. Унинг кони Ҳиндистонда. Унинг аҳволи нилум (сафсар)нинг тоғ биллурига нисбатан аҳволи каби. У олтин маъбуданинг бошига ўрнатилган эди. (У бош) тўқсон беш мисқолга тенг бўлган. Ямин уд-Давла ўша маъбудани парчалаш ва ўтда эритмоқни буюрди. Шу билан ўз тенгқурлари орасида бойлиги ва шухрати билан ғурурланмоқчи эди. «Зафарнома»²⁵⁰ да бу тош тўғрисида кўк ёқут каби дейилган. Мен бу тошни Маҳмуд қайтаётганда йўлда кўрганман. Унинг ранги ойнанинг оч зангорвор рангидан озгина фарқ қилар эди. Бу тош иккала кафтни беркитар эди ва бир бурчидан тешилган тешикка эса олтин узук кийдирилган, унда «Ҳадар досим»²⁵¹ деган ёки шунга ўхшаш бир сўз хат билан ёзиб қўйилган. Мен уни кўлимда салмоқлаб кўрдим, унинг енгиллигини билдим. Унга бириктирилиб қўйилган одам буни сезиб уни менинг кўлимдан олди. У менинг бу тошда бошқалар кўрадиганларга зид нарсани кўришим мумкинлигидан хавотирланар эди.

Оқ ва қора. Қора турлар тўғрисида дейдиларки, улар нафт ва сурма рангида бўладилар. Агар уларнинг ранги тўқроқ бўлиб хиралашиб қолса, уларни кўкка ҳам тегишли демоқ мумкин.

Оқига келсак, уларнинг шундай турлари учрайдики, бундайларга бошқа ранглар бир оз аралашадилар, шунинг учун буларни сайқаллаштирадилар ва шундай шакл берадиларки, у буларга тўғри келадиган тошлар рангигина берилади ва уларни ўшаларнинг ўрнига ёки бирга сотиб юборадилар.

Гоҳо алдов йўли билан оқ тошнинг турли жойларига тешик қилинади ва бу тешикни бўяб қўядилар.

Оқ тошларни Сарандибдан келтирадилар; улар оғир, оғизда синалса совуқ бўладилар. Наср дейдики, оқлари икки турдадир. Бири биллур шаклида. У оқишлиги, тиниқлиги ва серсувлиги билан тоғ биллурига ўхшайди; иккинчиси эса юқоридаги сифатлари жиҳатидан ундан паст туради, лекин қаттиқликда ундан ўтади. Шунинг учун уни эркаклар зотига мансуб дейилади.

Ҳиндистонда яшовчилар ўртасида ой тоши тўғрисидаги ҳикоя кенг ёйилган. Уни жандараконд²⁵² дейдилар. Аммо бу Яҳё ибн Наҳвийнинг²⁵³ Аbruкулусга (Проклга)²⁵⁴ эътироз қилиб эслатгани эмас.

Унинг айтишича, ўша тош устида оқ доғ пайдо бўлиб, бу доғ то ойнанинг тўлинлик давригача улғайиб борар экан. Ой учинчи ва тўртинчи чораклардан ўтиб, кўринмай қолиши билан баробар камайиб боради ва охири ранги йўқолади; ой янгилангач, яна

пайдо бўлар эмиш. Ҳиндлар таъкидлайдиларки, ҳатто уни қоронғу жойга қўйилса, унда сув пайдо бўлар эмиш. Мен ўйлайманки, бу тоғ биллуридир. Унга «Синд ҳақида ахборот»²⁵⁵ даги гаплар ўтқазилган. Бу гаплар эса бундай: Искандарга²⁵⁶ шоҳ юборган совғалар орасида бир коса бўлганки, у ўзи ўзидан сувга тўлиб қолаверар эди. Мен кўп асосларни, эҳтимол этиб кўрдим. Бу ўша эслатилган ой тоши бўлса керак.

Оқ ёқут. У тоғ биллуридан кўра оғирроқ. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, оғизга солинса унинг совуқлиги сезилади. Бу унга сув йиғилмоғига кўмаклашади. Сув қатрадек бўлади. Бу ҳол худди қор билан тўлдирилган метал идишларни ёзда салқинда тутилгандаги ҳолига ўхшашдир. Оддий одамлар ўйлайдиларки, бу идишнинг ичидан ташқарисига сув сизиб чиққани учун юз беради; бу, айниқса, Ҳиндистоннинг иссиқ ва нам оби ҳавосида шундай бўлади. Аммо қандай қилиб сизмоқдан томчилар пайдо бўлмоғи мумкин, ахир уларни гоҳ-гоҳ йиғиб борилса, қандайдир салмоқ пайдо бўладику. Лекин бу идиш вазнини ундаги борлар билан бирга камайтирмайди, айниқса, идиш маҳкам беркитиб қўйилган бўлса.

Сусруд²⁵⁷ ўзининг «Қисқартма ва тафсилотлар» китобида бу тош тўғрисида эслатиб ўтади. У дейдики, у ўша тошдан томаётган сувни даво ишларида истифода этган. Яна кўшиб қўйганки, бу сув шаббодалаш ва хафақонликни шифоловда фойда келтиради.

Халқ тасавурида ёқут ўз рангини ўзгартира боради, у кўкимтирликдан оқишлик ва сарғишликка ўтади, охири эса қизғиш бўлади.

Ал-Жазоирий²⁵⁸ ёзган: Рангдан рангга ўзгарувчанлиги сабабли ёқут кўп ўзгаришларга учрайди, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтади.

У олдин сарғиш эди, сўнг қизғиш бўлиб қолди. Бундай тасаввурнинг пайдо бўлмоғига сабаб шундаки, одамлар олимлардан эшитганлар: гўё қизил ёқут — камолотнинг чўққиси. Бу худди олтин червон — олтиннинг энг юқори андозаси бўлгани каби. Улар ёқут ўз рангини ўзгартиради ва аста-секин қизара боради ва шунда тўхтади. Чунки, бундан ортиқ камолот бўлмоғи мумкин эмас, унга ортиқча нарса қўшмоқ маҳолдир.

Шунга ўхшаб олтин ҳам турли қиздириш жарёнларидан ўтади. У ўз волидайнлари (рамзий ота-оналари — М. И.) бўлмиш симоб ва олтингугуртдан²⁵⁹ бошлаб, қалай, мис, кўрғошин, кумуш ва турли ҳолатларни касб этади; рангланув ва қаттиқликка эришади, сўнг шунда тўхтади ва камолот даражасидан ортиқ кўтарилмайди. Шунинг учун ҳам дейдиларки, у кул бўлгани ҳолда, вазни ортади, лекин янги бир ҳолатга ўтмайди. Олимлар инсон тўғрисида тахминлари маъносини шунга ўхшатадилар. Яъни инсон камолотнинг олий даражасига ўзларидан қуйи бўлмиш ҳайвонларда мавжуд бўлган сифатларга янги сифатларни қўшмоқ орқали эришганлар. Шу билан улар инсоннинг келиб чиқиши ва табиатини кўрсатадилар, аммо унинг ҳайвонликдан инсонлик ҳолатига кўтарилмоғини эмас. Яъни инсон итликдан отликка, сўнг маймунликка, шундан то инсонликка етгунгача бўлган ҳолларини кўрсатмайдилар.

Абу Бакр Али ибн ал-Ҳусайн ал-Кўҳистоний²⁶⁰ ёзган:

*Ёқутлар шундайдиларки, мен бу ҳақда эшитганман,
Улар Қуёш тобининг узоқ таъсири остида келиб чиққанлар.*

Агарда бу сўзларда Қуёшнинг узоқ давом этган таъсири остида ҳар қандай тош ҳам ёқутга айланмоғи мумкин деган фикр тушинилса, бу жиҳатдан у (шоир) фақат фаразий жиҳатдан ҳақ; аммо агар у ёқут табиатини ўзида касб эта олувчи материяни кўзда тутаётган бўлса, у чиндан ҳақ бўлиб чиқади. Буни биз унинг шеърлари мазмунига биноан қайд этиб ўтдик.

Мансур Муваррид²⁶¹ ёзган:

*Унинг қасри қуллари — алкимёдир,
У (алкимё) қулни ёқутга айлантира олади.*

Тўғри, дунёда ҳамма нарса бир неча муҳлатдан сўнг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўта олади. Аммо ушбу ҳол шоирларнинг ҳаддан ташқари мақтамоқ учун ишлатадиган ёлғонларидан биригина холос.

БАДАХШОН ЛАЪЛИ — АЛ-ЛАЪЛИ БАДАХШИЙ

Асосан, уч қимматбаҳо тош ўзаро шуҳратда рақобот қиладилар. Улар ёқут, зумрад ва дур. Шунинг учун таърифда улар бирин-кетин келмоғи тўғри бўлар эди. Аммо ёқут тўғрисидаги бобга унга ўхшаш тошлар тўғрисидаги фасл киритилгани учун, уларга лаъли¹ ҳам қўшмоқ даркор бўлди, чунки у ҳам шулардан бири. Яна улар орасида энг гўзали ҳам шу.

Мен айтаманки, бу тош қизил, мусаффо, тоза ранг жиҳатидан энг яхши ёқутга ўхшаб кетади. Баъзан эса гўзаллик ва ярқироқлик жиҳатидан ундан ўтиб ҳам кетади. Лекин қаттиқликда ундан қуйи туради. Шу сабабли бошқа нарсаларга тегиш ва ишқаланиш орқали бурчаклари ва қирралари осонликча бузилади.

Сўнг бундай бузилиш текис томонларига ҳам ўтади, уларни сувдан маҳрум этади². Сўнггиси олтин ранг маркашит³ билан пардозланса, унинг суви тикланади, кончилар баранжа⁴ ҳам дейдилар. Улар бунинг сарғишлигини латунь (шибх) билан қиёс қиладилар. Чунки маркашит гарчи ранги туфайли бир неча турларга ажралсада, жумладан сарғиши олтинсимон, оқиши-кумушсимон, қизили миснамо ва оч жигарранглиси темирсимон деб аталади. Аммо тош усталари фақат олтинсимонини ишлатадилар. Мен ҳамон била олмадимки, бу ҳол унинг махсус ўзгаларда йўқ хусусиятларидан келиб чиқадими, ёки унинг кўплиги, бошқаларнинг камлиги туфайлими?

Бу лаъл ал-Киндий ва Насрлар айтган олтинсимон *бижозийдир*. Бундай номланишига уни сайқалламоқда олтинсимон маркашит (темир ва олтингугурт бирикмаси)ни қўлламоқ зарур эканидан бошқа бирор сабабини мен билмайман.

Бошқа соҳаларда эса олтиндан узоқ, чунки олтинда унинг ранги билан ўхшашлик йўқ, бўлганда бундай қиёсни қилмоқ мумкин бўлар эди: унда яна олтинсимон аралашмалар ҳам йўқ, бундайлар бошқа тошларда, масалан, ҳаво ранг бўлакларида кўзга ташланиб туради.

Наср унинг конлари Бадахшонда⁵ бўлади, дейди. У айтадики, Бувайҳийлар⁶ вақтида лаъл ёқут баҳосида сотилган, уни яхшироқ билиб олганларидан кейин уни бу баҳода сотиш тўхтаган. Бадахшоннинг ўзи лаъл билан ҳеч қанча боғлиқ эмас. Унинг лаъли-Ба-

дахшон деб аталмоғининг сабаби шундаки, Бадахшон уни олиб ўтиладиган жойдир, бу ерда уни сайқаллайдилар, пардозлайдилар. Бадахшон унинг учун бир дарвоза каби, бу ердан уни олиб ўтиб бошқа мамлакатларга элтадилар. Худди шунга ўхшаб миробалан (халилаж)⁷, ўд ва эмбелия — (баранг)⁸ Кобулий⁹ дейилгани каби. Чунки илгари Кобул ислом мамлакатлари учун Ҳиндистон чегарасига энг яқин жой бўлган, бу ерда турк шоҳларининг маркази бор эди, ҳукмдорларини *шоҳ* деб аталган. Ундан (Кобулдан) кейин Бароҳина¹⁰ пойтахт бўлган. У вақтларда Кобул бундай ўд ва барангларни олиб чиқиб кетмоқ учун бир манзил каби эди.

Соф ўд Кобулга Ҳиндистоннинг жанубий чегараларидан, миробалан эса Жалхондордан¹¹ келтирилган.

Уларнинг ораси ўртача тезлик билан юрганда икки ойлик йўл. Барангни эса бу ёққа Қиротдан¹² олиб келганлар. Бу манзил Кашмир¹³ ва Қандахор¹⁴ чегараларига яқин.

Маълумки, ёқут турларидан қизилидан бошқаси ўтга чидамайди. Сарик ва кўк ёқутнинг ранглари қиздирилганда ўчиб кетади. Аммо ҳозирги сайқалловчи ва текисловчи усталардан бири айтдики, лаъл тоши агар уни аста-секин ўтда қиздирилса, ўтга чидамлидир. Уни қиздиргач, қиздиргични ўчоқда қолдирилади, унда лаъл то аста-секин совигунгача туриши керак. Ўшанда олов лаълга гўзаллик ва тозаллик бахш этади. Мен ўзим буни кўрганим йўқ ва текширган эмасман.

Лаъл конлари Варзифанж¹⁵ қишлоғи жойлашган ерда. Бу Бадахшондан уч кунлик йўлда, Воҳан¹⁶ чегарасида, Шаҳаншоҳ давлатида. Унинг пойтахти Шиқосим¹⁷. Кондан чиққач, Шикинонга (Шуғнонга) томон кетишдаги йўл ўша ердан ўтади. Шунинг учун Воҳан ҳукмдори қимматбаҳо тошларни ўзига олади ва яширинча уларни жўнатади. Лаъл топувчиларга унинг катта парчаларини четга олиб боришни тақиқлаган. Бундан айрим вазнга эга тошлар мустаснодир. Уларнинг вазнини шоҳ белгилаб қўйган ва ўшаларни четга олиб чиқмоққа рухсат берган. Ўша вазндан ортиқлари унинг ўзига тегишли ҳисобланади, уларни олиб чиқмоқ мумкин эмас.

Бу қимматбаҳо тошларни биринчи бор қандай топганлари тўғрисида ҳикоя қилдиларки¹⁸, бир маҳаллар ер қимирлаш вақтида бир тоғ парчаланиб, бўлақларга ажралиб кетган, жуда катта тоғ тошлари шу ерда остин-устин бўлган. Ўшанда лаъл юзага чиқиб қолган экан. Уни ҳаммадан олдин хотинлар кўрганлар. Улар буни кийимларни бўяйдиган ранг деб ўйлашган. Лаълни майда қилиб кукунга айлантирганлар, аммо у билан ҳеч нарсани бўяб бўлмаган. Шунда улар буни эркакларга кўрсатганлар. Бу ҳақдаги гап ҳар ёнга ёйилган. Тоғда қидирув иши бошлаганлар ва топганларини ўз номлари билан атай бошлаганлар: ал-Балъаббосий, ас-Сулаймоний, ар-Рахмоний. Баъзан эса шу конларга яқин тураржойлар оти билан атаганлар, масалан ан-Найазокий¹⁹. Бу кон ўша ердаги тоғнинг чўққиси номи билан аталган. Аммо бу «тиғ учи» маъносига ҳеч қандай алоқаси йўқ (яъни найза сўзига алоқаси йўқ, — М. И.).

«Лаъл икки хил усул билан олинади: конлардан қазиб олиш, бошқаси эса тошлар орасидан ва ердан қидириш. Булар ер қимирлаш вақтида ер силкинишлар натижасидаги бузилишлар оқибатида ёки тоғ ён бағирларида оққан сел туфайли очилиб қолган бўладилар. Бундай терма усул тотарий²⁰ дейилади. Лаълни конда қазиб олмоқ эса гўё қимор ўйини, йўлни билмай сахро ва сувсиз чўлларда тентираш, ёки истаганга еткази

олувчи, йўл бошловчи бўлмаган ҳолда фақат ўз хаёлига ишониб денгизга чиқиш каби-
дир (таваккал иш, дейилмоқчи. — М. И.).

Бундай ишга киришиб кўр-кўрона, фақат таваккал ва ўзбўларчиликка ишониб тоғни
қуртлар ва қумурсқалар каби ўя бошлаганлар ҳам ана шундай ҳолга тушиб қоладилар.
Агар уларнинг иши ана шундай ҳолда узоқ давом этгудай бўлса, улар зарар кўрадилар
ва ҳафсалалари пир бўлади. Аммо агарда оқ тошни учратсалар, у ўз ранги жиҳатидан
мармар сингари бўлса, лекин юмшоқ ва мўрт бўлса, иккала томони чақмоқтош ёки бош-
қа тош қобиқ билан қопланган бўлса, унинг номи чипқондир, у бадандаги чипқонга ўх-
шаш бўлади». Яна ўзи оқ ва сал кўкиш бўлса, улар ишни давом эттира берадилар. Чунки
бу меҳнатдаги биринчи ютуқ ва умид учқуни бўлади.

Шундан кейин улар *шириста*гача кавлаб етадилар. Бу мўрт жинсдир. Уни қазиб
чиқарганларида, у сочилиб кетади. Ундан фойда йўқ. Аммо бу изловчилар учун иста-
ганларининг хабари. Шундан сўнг улар қандайдир мўрт бўлмаган зич жинсга йўлиқади-
лар, ундан бурғулаш усули билан мунчоқ ясаيدилар. Бу жинснинг изланаётган нарсага
алоқаси каркунд билан ёқут алоқасига ўхшаш — мен каркунднинг хиралиги, зичлиги
ва етарли даражада ярқироқ эмаслигини кўзда тутмоқдаман. Ана шу қатламдан ўт-
гач, қимматбаҳо тош бор жойга етадилар. Бу қимматбаҳо тош — улар учун мукофот-
дек бўлади. Бу нарса барча давлатпаноҳлар орасида ўзининг марҳамати билан шуҳрат
топган шоҳнинг мукофотига ўхшайди. Унга сари ҳар томондан ўша тухфа ва мукофот
умидида одамлар кела берадилар. Бу одамлар шу мақсадда жуда катта масофаларни
босиб ўтадилар. Бу йўллар сувсиз саҳролар ва яйловлардан ўтади. Уларни тажрибали
йўлбошловчи бўлмаса босиб ўтмоқ маҳол. Бу иш худди тоғ бағрларини кавлагандагига
ўхшаб кетади. Саҳрони босиб ўтгач, ўша шоҳлик чегарасигача келиб етадилар ва кўз-
ланган манзилга яқинлашувдан шодланадилар. Бу худди оқ тошни кўриб шодланганга
ўхшайди. Чунки у ютуқдан дарак беради. Бир манзилдан иккинчисига аҳоли жойлаш-
ган ерлардан ўтиб ундан кейингисига етганлари эса ковлаш чоғида ширистага етган-
ларига монанд, шаҳарга бориб етмоқлари эса иккинчи манзилга етмоқларидир. Мана
энди ният этилган шоҳ қасрига етиб келадилар.

Бу лаълни тоғ биллурига ўхшаш оқ тош ўрамида топадилар. Бу ўрамнинг оти унинг
ичидагисига ўхшаб *магал*²¹ дейилади. У турли ҳажмларда бўлади. Айрим бўлаклари
ёнғоқдан то қовунгача бўлганлари ҳам топилади. Аммо унинг уч ратлдан каттароқ бўл-
гани ҳеч эслатилмайди. Уни ўрамидан ажратиб олинганда қимматбаҳо тош кўринади.
У ё бир бутун бўлакдан иборат бўлади, бу жуда кам учрайди, ёки анор доналари пўст-
лоғи ичида қандай жойлашган бўлсалар шундай ўрнашган доналардан иборат бўлади.
Бу бўлакчалар турли ҳажмдадирлар. Магалдаги бир бутун бўлакдан то ҳажми тарикдан
катта бўлмаган майда бўлакларигача учрайди. Гоҳо оқ тош ўрамисиз қимматбаҳо соф
лаъл ҳам топилади.

Турли конларда олинадиган тошлар ранг жиҳатидан фарқлидирлар — бири оқ, бош-
қалари оқиш, баъзилари эса тоза қизил рангли бўладилар. Масалан, Абу Аббос номи
билан машҳур бўлган конда жуда тўқ қизил рангли тош топилган. Ар-Раҳмоний номи
билан маълуми эса энг арзонидир; уларнинг ичида энг яхшиси Найозаки номлиси, Заъ-
фарон-гули намози шом ранглиси жуда ҳам тозасидир.

Бизнинг давримизда бир дирҳам вазндаги тошнинг баҳоси ўн Ҳирот динори туради. Аммо агар тош йигирма дирҳамдан юз дирҳамгача вазнга етса, унда ҳар бир дирҳам вазннинг нархи йигирмадан то ўттиз диноргача тенг бўлади.

Амир Ямин уд-Давланинг заргарлари ҳикоя қилиб берган эдиларки, улар вазни юз дирҳамдан ортиқ тошни кўрганлар. Уларнинг айтганлари бир қидирувчи тўғрисида ай-тилган гапга ўхшаб кетади. У бир магални учратган, вазни бир ярим ман экан. Ҷрамини ажратиб олганларида энг яхши бутун найозак экани маълум бўлган. Уни тутиб бу то-пилмани тортиб олишларидан кўрқиб тошни майдалаган. Бир бўлагини Ямин уд-Дав-лага олиб борган. Унинг вазни тўқсон дирҳамдан ортиқроқ эди. Шунинг учун магалда, гоҳо уни топган одамнинг бутун умрига етарли бойлик бор, дейдилар.

Мен илгари ва неча марта эшитган эдимки, ӯрама ичида лаълни суюқ, оқувчан ҳолда топганлар. У ҳавонинг таъсирига тушганида тошга айланади ва қаттиқ бўлиб қолади. Худди шундай гапни ўша вилоятда яшовчи одамдан ҳам эшитган эдим.

Бошқа ҳикоячилар бу гапни рад қиладилар, аммо уларнинг раддияси бунинг мум-кинлигига ишончни камайтирмайди. Эҳтимол, бундай бутун ва катта тош кам бўлса керак. Шунинг учун уларнинг ўзлари бундай ҳолга учрамаганлар, ёки бу ҳақда бошқа-лардан эшитмаганлар. Чунки тоғ биллури тўғрисидаги бобда айтилганидек, у суюқ шаклда бўлиб, кейин тошга айланади.

Бинафша рангли лаъл. Кўк, зангори ва сариқ рангли бўлади. Мен зангори тошни кўрганман. Унинг ранги бўёғининг қуюқлиги жиҳатидан зангори бўёққа ўхшаш эмас эди. У кўпроқ шиша рангига ўхшаш эди.

Бир сайқалловчи уста айтган эдики, мен унинг тўғрисида айтиб ўтганман, бу ви-лоятнинг таниқли одамларидан бири унинг ҳузурида зангори лаълни кўп мартаба ва давоман ўтда қиздирган, аммо лаълнинг ранги ҳеч ўзгармаган ва олов унга зумрадга зарар етказганидек зарар етказмаган.

Сариқ лаъл оловда товланишга чидамайди ва ўз рангини ўзгартиради. Ал-Киндий хабар берадики, кўк ёқутга сарғишлик аралашади. Бу ана шунга ўхшаб кетади. Сариқ лаъл сариқ ёқутда бўладиган ялтироқликка эга эмас, шундай бўлмаганда ўзига ўхшаш тошлари қаторига қўшилган бўлар эди. Унда яна сариқ эмалдаги каби сув ҳам йўқ. Унинг энг юмшоқ бир хили осонгина майдаланади ва сочилиб кетади. Бундай сариқ лаълни барча конларда топадилар, лекин уларнинг кўпчилиги Варзафанж деган жой яқинида-ги, тоғ ёнбағирлигида, дарё бўйида. У ерда Новнулун деган кон бор. Унда ўрик рангли лаъл бўлади. Бинафшаранг кўкиш лаълга келсак, уни ал-Балъаббосий кони атрофида топадилар. Ундан юқорида эса аш-Шарифий кони бор. Унинг тошларида қорамтир тус қизғишдан шунча ортиқки, унинг ёрқинлиги ва қизиллигини яшириб туради. Бу ҳол агар тошни Куёшга тутиб қаралса, айниқса, кўзга ташланади. Бу кон жойлашган тоғнинг қарши томонида тоғ биллурини топадилар. Унинг кўриниши шакар қамишига ўхшаш.

Менга лаълнинг кўк рангли хилини келтирган эдилар. У сурма рангли ёрқин ёқут сингари эди.

Қисман қизил рангга, қисман сариқ рангга бўялган лаъллар тўғрисида кўп ҳико-ялар бор. Бир заргар ҳикоя қилган эдики, лаълнинг шундай бир парчаси учрайдики,

унда қизил, сариқ, зангори ранглар бирлашган бўладилар. Лекин улар турли рангдаги парчаларнинг яхлит бир парчага қўшилганидек эмас, балки материяга сингиб кетган, рангларнинг чатишиб, моҳият эътибори билан бир рангга айланиб кетган бўладилар.

Наср ибн Ҳасан ибн Фирузон²² ғаройиб, айниқса, ишланмаган тош ва тошсимон нарсаларни йиғишга ишқибоз бўлган. У айтган эдики, унда кафтдек келадиган қизил ёқут бўлган. Хоразмшоҳ ундан шу тошни кўрсатмоқни сўраган. У ана шу тошни шоҳга совға қилган. Тошнинг қалинлиги деярли бармоқдек, кенглиги эса шундайки, қўлга олганларида у кафтни қоплагудек эди. Уста эса донсимон худди лимон ёки зич узум боши каби бўлган, ости эса текис; ранги қизил, сал шароб рангига ўхшашроқ, тўласича соф эмас. У айтган эдики, бу тош Ҳиндистонда бошқа бир тош билан қовушиб кетган ҳолда топилган. Уни ажратиб олмоқ учун қайроқ тош билан қайрамоқни буюрган. Лекин бу тош эговга чидамаганлиги учун, биз уни ёқутсимон тош деб билдик.

Бир маҳал мен Кашмир яқинидаги Солиҳия деган жойдан икки фарсах нарида Қожия билан чегарадош, ботқоқли пасқам тепасидаги тоғ бағридаги ғор ичида ажойиб бир нарсани кўрганман. Бу ғорнинг тубида катталиги йирик гранат мевасидек келадиган қизил ярим шар, у Наср ибн Ҳасан топган тош янглиғ тошлардан бири. Унга яқинлашиб қарай бошлаганимда менга туюлдiki, бу яримшар лойга ўхшаш, унга таъбийий доналар сингиб кетганлар, улар худди анор доналарига ўхшайдилар — гранатдек қип-қизил. Ҳар бир донанинг ичида юпқа, узунчоқ ўзаги нур сочиб турар эди.

Ҳар бир донанинг катталиги тўқ, узунчоқ тўқ қизил турининг иккита ёки учта донасига тўғри келади; уларнинг ҳар бирининг остидан лойга сингиб кетувчи анор доналаридагига ўхшаш унинг бағрига кириб кетаётгани ип сингари бир нарса бордек туюлади. Мен бу доналарни териб олдим ва сочиб қўйдим, лекин улар ўсмадилар ва мен лойда доналарнинг дарахт ёки ўсимликсиз пайдо бўлганига ҳайрон қолдим.

Лаъл ва кўк ёқутнинг баравар ҳажмдаги нисбий вазни $73 \frac{1}{8}$ дан 100 га қадар²³.

Тилшунослар ва шоирлар ҳар доим исмларда бир маъно излайдилар, уларда эзгу, бахтли ёки бебахт нишонларни кўрадилар. Масалан, Ҳаким абу Саъд ибн Дўст ан-Нисобурий (Нишопурий) ўзининг бир дўстига насрдан сўнг қуйидаги шеърий мисраларни ёзган:

Шубҳасизки, бир узукда икки қўшимча бор.

Бу икки дўстни англатади.

Агар шу эзгу белги бўлмаганда,

Бу қимматбаҳо тошни олмоққа ишим бўлмас эди.

ГРАНАТ (ТЎҚ ҚИЗИЛ АНОР ДОНАЧАЛАРИ РАНГИГА ЎХШАШ ҚИММАТБАҲО ТОШ) — БИЖОЗИЙ

Бу ўринда гранат (бижозий)¹ ҳақида маълумот беришимизга сабаб гранат ёқутга ўхшаш тошлар қаторига киришидир. Ал-Киндий ва Наср лаълни алоҳида хил деб, уни ёқутдан ажратадилар. Чунки улар ёқутни олтинга ўхшаш деб билганлар. Гранатнинг қизил ранги бинафшаранг олов рангидан маҳрум эмас. Унинг энг яхши тури Цейлонда (Шри Ланка). У тўқ қизил, тоза олов рангида. Ўта қаттиқ, йирик тош бўлиб, қушлар-

нинг юлинган парини зўр куч билан ўзига тортиб олувчи тошдир (электрланиш ҳодисаси кўзда тутилмоқда. — М. И.). Жуда қимматли ҳисобланади. Гоҳо ундай тошнинг бир дирҳам вазндагиси бир диноҳ нархланади.

Ал-Киндий дейдики, гранат биринчи бор Роҳун тоғида топилган. Сўнгра унинг конлари Шиқинонда (Помир тоғларининг Шуғнон тармоғида) ва Тоҳаристон² чеккаси Воҳонда, Бадахшон деб аталадиган жойда борлиги аниқланган. Лекин бу гранат эмас, лаълдир.

Бу иш билан машғул одамлар ҳеч қачон бу гапларни чалкаштирмайдилар ва уларда ҳеч қандай алоқани кўрмайдилар. Кимки, Бадахшондан Шиқинонга йўлга чиқса, ўнг томонида тоғларни кўради. Улар лаъл конлари бор тоғлардан ажралиб турадилар. У ерларда гранат *сажарий*³ номи билан маълум. Бу Воҳон томондаги бир қишлоқнинг номидир.

Кашмирга етказиладиган гранат Шиқинон конларидан олинади. Бу тоғли вилоятнинг маркази Хоблиқ Шиқинондан Кадкадгача⁴ икки кунлик йўл. Шоҳ Булулнинг⁵ турадиган жойи эса етти кунлик йўл. Бу масофа Кашмир водийси чегараларидан Аддастон⁶ вилояти марказигача бўлган ердан ҳисобланади.

Ал-Киндий айтадики, гранатни ёқут конларидан топадилар. Бу гапга бир сайқалловчининг айтганлари тўғри келади. У деганки, гранат ёқутдан олдин учрайди. Бу Шаристининг лаъл борлигини билдирмоғига ўхшайди. Агар бирор жойда гранатни топсалар у ерда ёқут ҳам бўлмоғини кутадилар. Гарчи бу ҳамиша бўлавермаслиги ҳам мумкин.

Шу вилоятлардаги бир Али тарафдори (шиа мазҳабига оид шахс. — М. И.) деган эдики, у майда тош дончалари орасида анор рангига ўхшаш ёқут парчаларини топган. Лекин улар жуда майда эканлар, вазни бир донгдан ҳам оз.

Мен амир Ямин уд-Давлада, унга Нохўра шаҳари ибодатхоналаридан келтирилган гранатни кўрганман. У қайроқча шаклида эди. У дарё оқимида силлиқланган, узунчоқ шаклда, текис, шароб рангига анча яқин, ўзи топ-тоза ва ярқироқ. Унинг вазни йигирма ва ўттиз дирҳам ўртасида деб белгиланди.

Лекин мен уни ўз қўлим билан салмоқлаб кўрганим йўқ. Гранат вазни билан кўк ёқут вазнининг нисбатига келсак, мен буни тажрибада аниқламоқ имкониятим бўлмади. Менимча у лаъл тўғрисида айтганларимизга яқин турса керак.

Ас-Санубарий⁷ ёзган:

*Йўқ, лек совиган шароб қурбон қилинган ҳайвон
Қонидек бир идишга қуйилмоқдадир алвон.
Қимматли тош қаърида ялтираш бўлар пайдо.
Бу сув эрур, анорранг тоши тобланар, илло.*

Мансур⁸ — Ҳирот қозиси ёзган:

*Агар тўлин ойни йилда(!) бир мартаба кутсалар,
Роҳатидан кўрган кас йил бўйи лаззатланар.*

*Киприкларинг қалбимни тортиб олдилар охир,
Бижозий ҳам сомонни шунча тортмасди ахир.*

Яна у ёзган:

*Янги ойни кузатсанг, кўрурсанки, у нечук
Куйганда куюк бўлгай ва тағин чиққай тузук.
Ким кўзларинг қалбимни қилгани каби шайдо,
Бижозий ҳам сомонни бунча тортмагай ҳатто.*

Яна у ёзган:

*Тўлин ой тугилмоқдан қутулди, бўлди халос,
Қаршисида бир лаҳза кўринган эдинг, холос.
Сен қалбимни шунчалик ўзингга банд айладинг,
Бижозий сомон парча тортмоқда келмагай мос.*

Аmmo бизни ўзимиз эшитмаган гаплар қониқтира олмайди. Ал-Киндийнинг ўз китобида гранатга ўхшаш тошлар тўғрисида ва уларнинг хилма-хиллиги ҳақида ёзганлари ҳам шундайдир. Масалан, Жаржўн⁹. У исфид чашма (сафед чашм — оқ кўз — И. М.) деб аталган турдан заифроқ экани билан фарқ қилиши ва уни худди булутга ўхшаш бир парда беркитиб туриши тўғрисидаги гаплар ҳам шулар жумласидан.

Исфид чашма тошига келсак, уни Ҳамза қимматбаҳо тошлар орасида эслатиб ўтган. У дейдики, бу тош гранатга ўхшашдир. Наср ибн Аҳмад ал-Хатибий айтадики, бу тошни Мисрга Мағрибдан келтирадилар. У ёқутдан қуйи, гранатдан тоза ва лаъли бадахшондан кўра ранги тўқроқ. У исфид чашма дейилади, лекин гарвий¹⁰ номи билан ҳам машҳурдир. Бир мисқолининг нархи ўттиз мағриб диноригача боради. Наср ёзадики, уни фақат мунчоқ шаклидагина кўрган; ҳар бирининг вазни ярим мисқол келар эди.

Абул Қосим ибн Солиҳ ал-Кирмоний дейдики, исфид чашма ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турига (жаз) ўхшашдир. Лекин у ярқироқроқ, унда худди тутунсимон бир нарса бордек туюлади. Форс шиъалари ундан муҳр ясайдилар. Бунинг сабаби, унинг Мағрибдан келтирилганлигидир. Миср ҳукмронлари Мисрга келмоқдан олдин Мағрибда бўлганлар. Ал-Кирмоний айтадики, у унчалик қадр қилинмайди, чунки шиъалардан бошқа ҳеч ким у билан қизиқмаган.

Наср дейди: Исфид чашма гранатнинг бир хили, унда Рум ақиқининг сарғишлиги бор. Ранги гўзал ва бу гўзаллиги орта боради, агар узукда бу тош остига астар қўйилса, айниқса, шундай бўлади.

Ал-Киндий дейдики, у тўқ қизил, бинафшаранг аралашуви йўқ, лекин унда хулқи рангли сариқ доғлар бор. У жуда намли. Унинг турларидан бири тозароқ руммо ақиқ сингари. У бўялиши жиҳатидан жаржундан фарқли. Номи зардўз деб шуҳрат топган. Унинг яна бир хили сарғиш рангга эга, у зич, сувсиз (қурч), номи торбон¹¹. Ал-Киндий айтадики, унинг барча хилларига ишлов бермоқ сайқаллаш ва силлиқлашда зумрад-

га қандай бўлса, шундайдир. Унинг орқа томонида сайқаллов пайтида чуқурча ҳосил бўлсада, у орқали астарлари ёритилади, агар чуқурча бўлмаса бундай бўлмайди. У ёқут каби ғоят тоза ва нам эканидагина силлиқ асосда у шуълаланади, аммо бу оз, истисно сифатидагина юз беради. У яна дейдики, хуросон бизожий доналари орасида вазни бир ратл, яъни юз йигирма дирҳамга тенг келадиган бўлаклари ҳам учрайди.

Цейлон (Шри Ланка) бизожийсининг солиштирама оғирлиги тахминан ёқутга баробар, ундан сал фарқ қилади холос. Ал-Киндий ва Наср мозинаж¹² деб аталувчи бир қимматбаҳо тошни ҳам эслатиб ўтганлар. Уни Дайбулдан¹³ юқорида Синдон деган жой атрофидаги тоғлардан келтирганлар. Аммо унинг кони қазиб бўлинган ва у тугаган. Улар бу тошнинг қип-қизил эканини, каркундга ўхшашлигини айтадилар. Аммо у қорамтирликка мойил. Шунинг учун нур сочмайди, фақат астар ёрдамидагина шуълаланади. У юмшоқлиги туфайли ва намсизлиги туфайли гранатдан қуйи туради. Шунинг учун баҳоси ҳам гранат баҳосича эмас. Гоҳо унинг тўртдан бири, ёки бешдан бирича бўлади. Сотувчилар дейдиларки, бир бўлагининг вазни бир ратлгача боради. Унинг номи билан аталадиган гули бор, ёки аксинча тошнинг ўзи шу ном билан аталгандир, ас-Санаубарий бундай деб ёзган:

*У ҳаворанг ферузага монанддир,
Мозинажга ўхшаш, ранги қизғимтир.*

Мозинаж тошининг ранги қизғиш рангли деб тилга олинган. Бу худди икки кўк ранг биринчи мисрада айтилганига ўхшайди. Қизғишлик — ўта куйдирилган қўрғошинга хос, у сарғиш ва қизил ранг билан киноварь (зунжуфр) сингари бўялган бўлади.

Ҳамза яна манк¹⁴ деб аталган тош тўғрисида ўз ҳикояларида сўйлайди. Эмиш, у форс шоҳларида бўлар экан. У рангсиз, унинг остига астар қўйилса у ранг берар эмиш. Ой тошининг (ал-моҳий) ва оқ ёқутнинг хусусиятлари ҳам шундай. Ҳиндлар тоғ биллури билан ҳам худди шундай қиладилар.

Мен Суманот¹⁵ маъбудаси найчаларида шунга ўхшаш нарсани кўрганман. Найчалар олтиндан ясалган. Узунлиги икки тирсак. Қалинлиги бир ярим панжа. Улар бир-бирига мутаносиб қилиб терилган ва маъбуда бошида устунча сингари юксалиб турар эдилар. Уларнинг тожида, устунчаларнинг шарафасида ой тошидан ясалган ярим шарлар бор эди. Уларнинг тубида эса ёнбошидан кесилган жойларига безаклар ўрнатилган бўлиб, уларга локдан¹⁶ астар қўйилган, улар қизил ранг бағишлаб турадилар.

Ҳамза эслатадики, моза-сўрий¹⁷ деган номни у араб тилига ма сўрий (сур суви) деб берган. Аммо сув сўзини қаердан олган эканини айтмайди. Оллоҳ барча ютуқлар боисидир.

ОЛМОС — АЛМАС

Бошқа қимматбаҳо тошлар ҳақида гапиришдан олдин мен олмос¹ тўғрисида, — уларга бош ўрин берилганлигидан қатъий назар, дур ва зумрадни кўзда тутмоқдаман. Чунки олмос ёқутдан кучли, унга таъсир кўрсата олади. Ёқут ундан қуйи турганларга ҳам

таъсир қилади, ўзига эса ҳеч бир бошқа нарса таъсир қилмайди, магар таъсир қилса ҳам фақат зарурий даражадагина бўлади. Чунки у гарчи узоқ йиллар давомида сақлана олсада, бузилмоғи мумкин бўлганлар қаторига киради. Унинг булар қаторидаги аҳволи худди куйидагилар ва оддий фуқаро бўйсунадиган хўжайиннинг аҳволига ўхшайди.

Олмос билан ёқут ўртасидаги алоқа жуда яқин, зич; бу маҳкамлик, қаттиқлик ва ноорганиклик жиҳатидан шундай. Конлардаги уларнинг қўшнилиги, яъни бошқа тошлардан бурғулаш ва кесиш қобилияти орқали устунлиги жиҳатидан ҳам ана шундай.

Дур эса — бу сувли органик тур бўлиб, у ердаги ўлик ноорганик қимматбаҳо тошлардан фарқ қилади. У ўшалардан ўзининг ўса олиш қобилияти билан ажралиб туради. Биз унинг тўғрисидаги ҳикояни сал кейинроққа қолдирсак, бундан унинг нодирлиги, бошқаларга етакчилиги ва қимматбаҳолигига путур етмайди.

Олмоснинг номи ҳиндча — *хийро*², юнонча *азомас*, яна *адамантун*³. Ал-Киндий дейдики, бу сўз «*синмовчи*» демакдир; сурёний тилидаги номи алмийос, кифод ал-мос⁴, гўё бу «олмос тош» маъносини англатар эмиш.

Олмоснинг бош хусусияти шундаки, у ҳамма нарсани синдира олади, уни эса ҳеч нарса синдира олмайди. Баъзилар зирронни олмос деб ўйлашади. Аммо бундай эмас. Бу от «зирр»дан келиб чиққан (зирр — чақмоқтош). У «кесмоқ» маъносини билдиради. Шундан зиррон дегани тобланган «эркак» темир⁵ маъносини билдиради. Бу сўзнинг пўлатга нисбатан ишлатилгани Иешуа (Исо Навин)нинг китоби бош қисмида айтилганидек, «зиррон қиличи» маъносидадир. Бу матнда зирроннинг олмос маъносида ишлатилмоғи тушириб қолдирилади. Шеърларда ҳам бу сўз «з» орқали учрайди.

Имрул Қайс⁶ дейди:

Урғочи туя зиррон тош парчаларини ҳар ёнга учуриб юборади. Тошлардан яраланган, сертомир ва юнгли оёқлари билан уради. Уларни синдиргандаги тош жаранги худди ҳақиқийси ва қалбақисини ажратаётгандаги кабига ўхшашидир.

Абул Ҳасан Санаубарий дейди:

Кучли урғочи туянинг тошлардан яраланган, юнг билан қопланган оёқлари зарби билан ўткир тош парчаларини (зиррон) ҳар ёнга учуриб юборади.

Олмос кўп ҳолларда ёрқин тошдир. Ранг жиҳатидан у симобга яқин туради. Бу эса ёсмин ёғини қўрғошин рангига ўхшатиб, уни «қўрғошин ёғ» дейишларига ўхшаб кетади. Ал-Киндий олмосни фиръавн шишаси⁷га ўхшатади.

Унинг ранглари бундай: оқ, зайтуний, сариқ, қизил, кўк ва қора⁸. Олмосни танлаш усули ҳам куйидагича. Унинг бир четини бармоқ билан ушлаб туриб, мумга (шамга) қўядилар. Сўнг уни Куюш ва кўз ўртасига тутадилар. Агарда шунда қизил ранг ва аланга кўринса, бу олмоснинг энг яхши тури бўлади. Бундай ранглар фақат оқ ва сариқ олмос беради. Шунинг учун булар ҳиндларда энг яхши тур деб ҳисобланади. Ҳиндлар бу рангларда яхшилик аломатини кўрадилар. Агар шундай бўлса, у шу туфайли бутун қардош тошлардан устун туради ва уларни енгади.

Менга уларда бўлмиш бир китобдан ўқиб берган эдиларки, то у нафасдан исигунгача унга қараб нафас чиқармоқ керак. Сўнгра уни кумуш ювилган намакобга солмоқ лозим. Шунда оқариб кўринган олмос энг яхшиси бўлади. У безамоқ учун энг қулай қиличларни ва маржонларни нақшламоққа, яна гавданнинг юқори бўлагини безайдиган

турли нарсалар ясатмоққа ярайди. Бу сувда қизил бўлиб кўринадигани эса камарларни ва гавданинг ўрта қисмига доир нарсаларни безамоққа қулай. Сарик бўлиб кўринадигани узукка кўз қилмоққа, қўлга безак ёки билакузукка ярайди. Ранги қорага айланадигани бўлса, оёқларни безамоққа ишлатилади.

Улар дейдиларки, агар бу тартибга риоя этилмаса ва бу рангларни билан уларга оид бўлмаган нарсаларга ишлатилса, кишини яшин урмоғи мумкин эмиш.

Мабодо бу ҳақиқат бўлса, ажойиб экан, ахир ичи ғовак нарсаларга масалан, ичак ва кулоқ соҳаларига ёки чодирлар, иншоотлар, гумбазлар, тоғдаги бўшлиқларга овоз таъсир қилади-ку. Айниқса, кучли ва қаттиқ овозлар уларни бузади ё хароб қилади. Олмос эса ташқи таъсирни ўзига олмайди, олмосда бўшлиқ, ғовак холилиқ йўқ. Унинг ишловдан олдинги табиий шакллари конус, кўпбурчак, уч қиррали бўлади, уч қирралиларнинг бирикмаси кўринишида бўлади; бундай шакллар нория (оловли)⁹ дейилади. Уларнинг учбурчаклари тубида бирлашган бўлади. Улар орасида кўринишда ҳавойи¹⁰ деб аталган шаклларни эслатувчилари ҳам бор. Ундайларнинг учлари ва охири ўткир ва ўртаси сал кенг бўлгани учун «арпасимон» ҳам дейдилар.

Баъзилар ҳисоблайдиларки, олмоснинг бошқа тошларни ажратиш ва ўйиш қобилияти унинг нория (оловли) шаклга эга эканлигидадир. Чунки фақат оловнинг кучигина ҳамма нарсаларни бу бошидан у бошигача ўйиб, ичидан ўтиб кетмоққа қодирдир. Бундай шакли билан у оқ ёқутдан ажралиб туради. Алдамчилар эса оқ ёқутдан сайқаллов орқали эговлаб олмосга ўхшаш шакл ясайдилар ва уларни олмос билан бирга сотувга чиқарадилар.

Бизга ўз шакли ва ҳажми жиҳатидан худди арпа донларидек тошларни Нисо¹¹ худудидаги Исфинақон ёки Сарийқон томонлардан келтирадилар. Уларнинг баъзиларида учбурчак қирралари кўриниб туради. Улар учбурчакли олмос қирраларига ўхшаш. Бу тошлар сарғиш хабиса¹² каби эдилар. Кўрган киши уларни сунъий равишда сайқалланганига ҳеч шубҳа қилмайди. Аммо икки сабабдан бундай эмас эди. Биринчидан, мен уларда бутга ўхшаш бир нарса топдим — бир томони бошқаси билан кесишган, унга киришиб бирлашиб кетган. Бу менга дастлаб уларнинг хамир каби юмшоқ ва берилувчан бўлганини, бу эса бир қисмининг иккинчисига босим остида киришиб кетганини исботлаб турар эди. Иккинчидан, уларни келтирган киши айтиб бердики, улар ғорда қизғиш рангдаги оқ тупроққа беланиб ётганлар, ғор уларга лик тўла эди. Уларнинг мўл-кўллиги кимнингдир уларни сунъий равишда, бирор фойдаси бўлмаган ҳолда тайёрламоғи мумкинлигини истисно қилади. Улар юмшоқ, осонгина майдаланар ва ҳеч бир қаттиқ тошга ўхшамас эдилар.

Шунда менда бир фикр туғилдики, унинг фойдасига тажриба ҳеч нарса демаган. Улар яраларни битириб юборадиган балат дарахтининг елими ўрнига ўта олмасми эканлар? Чунки уларнинг ранги Хоразмдаги яраларни даволаш хусусиятига эга бир тош рангини эслатар эди. Ўша тош юмшоқ конус шаклида, узунасига ўртасигача ярқироқ эди. Синдирилганда ранги жиҳатидан бошқаларидан фарқли конуснинг учи чизиққа ўхшаб ажралиб турар эди. Қуйи қисмининг қоралиғи ҳам конус юзасини ажратар эди.

Дейдиларки: У (балот) Саригад қишлоғининг шарқидаги водийда ўсади, бу ер Хоразмдан Марв ва Бухорога кетаверишда учинчи тўхтов жойидир. Бу водий ўртасида уч

баландликлар марзаси бор. Улар уч оёқли номи билан машхур. Шу ерда бундай тошларни терадилар.

Тошларнинг мутаносиб шаклларга ўз-ўзидан шаклларга кириб қолишида бирор сирли синоатли нарса йўқ. Баршувар¹³ рўпарасидаги тоғ тизмасида темир рангидаги қора тоғ бор. Қоянинг майда йирик парчалари ва қайроқи тошлар¹⁴ бу ерда ғишт кўринишига ҳамда темирдан ясалган тарозу тошлари шаклида бўлади. Ғиштан буларнинг фарқи уларнинг нисбатан енгиллиги холос.

Ҳиндистондаги бир қалъадан унчалик узоқ бўлмаган Манқўвар¹⁵ худудларидан менга бармоқдайин ва ундан майдароқ оқ рангли, бироқ қизғиш товланадиган, ранги хирароқ тошлар келтиришди. Улар менга сафсарни эслатди. Барчасининг шакли олти қиррали қаламчалар кўринишида туморсимон эдилар¹⁶. «Туморчалар»нинг бир учи нуссимон пирамидаларга ўхшар эди. Уларнинг сирти силлиқ. Бироқ уларнинг сиртида табиий бўртиқчаларни кўрмагунимча менда улар чархлаб шундай шаклга сунъий равишда келтирилган бўлса керак, деган шубҳа бўлди. Агар сунъий пардозланса бундай бўртиқлар текисланиб йўқолган бўлар эди. Бордию, пардозлашада бўртиқчаларнинг атрофини ишлаб, уларни қолдирилган бўлса, у ҳолда пардоз изи кўзга ташланар эди. Шунда мен бу тошларнинг кўриниши сунъий эмас, табиий экан деган хулосага келдим. Менга шу каби тошлар Ғазна яқинидаги тоғда бўлади деб хабар беришди.

Ҳиндлар олмосларнинг бутунини ва шакли тўғриси ва кемтиклари йўғини танлайдилар. Улар бурчаклари синган тошларни ирим қилиб қарайдилар ва ёмон кўрадилар. Бундай тошларни улар бошқа тошлар билан урушиб енгилган деб ҳисоблайдилар. Улар маъбудларининг бирор аъзоси синган бўлса, ишлатаётган асбоб-ускуналари синса, бирор қисми зарарланса ҳам шундай ирим қиладилар, бирор ёмонлик белгиси деб ҳисоблайдилар.

Хуросон ва Ироқ аҳли олмоснинг нави ва ранг хилларининг фарқини қилмайдилар. Улар учун ҳамма олмос бирдек. Чунки улар олмосдан тешиш учун ва ундан заҳар тайёрлашни кўзлайдилар. Ҳиндлардек олмосга эътиқод билан қарайдиганлар йўқ. Ҳиндлар олмосга шундай ихлос қўядиларки, оқ олмосни *браҳман*¹⁷, сариғини — *киштир* (қадимги ҳиндларнинг ҳарбий табақаси кшатрия сўзининг Берунийда берилган шакли. — М. И.), бошқа навларини у қадар қадрламайдилар. Қора олмосни *жамдол* дейдилар. Аконит (биш)¹⁸ тоши масаласида ҳам улар худди шундай йўл тутадилар. Яъни аконитнинг рангига қараб, ўзларининг каста (табақалари) даражаларидан келиб чиқиб турли номлар беришади. Бундан ташқари касталарини сифат хусусиятлари бўйича тошларнинг номлари билан атайдилар.

Абу Зайд ал-Аражоний¹⁹ қандайдир табибнинг айтганини сўзлаб, олмос ичдирилган одам бир неча соатдан кейин ўлади, деб айтиб берди. Ва биз бу тошнинг буссаз (маржон шодаси) сингари тез ўлдириш хусусияти борлигини биламиз. Агар бу шундай бўлса, бу хусусият тошнинг (олмоснинг) ўткир қирралари, шакли, балки вазни (оғир чўкиб, аъзоларни ўйишидан), яъни тошнинг ташқи хусусиятларидан деб тушунамиз. Лекин симоб олмосдан енгил, вазни ҳисобига эмас, балки у (симоб) тирик бўлса, махсус тайёрланган кўринишда²⁰ одамни ўлдириши мумкин. Олмоснинг заҳарли экани тўғрисида гап кетса, унинг қаттиқлигини кўзда тутилиши керак. Олмос одамнинг ошқозони ва

жигарини тешиб ташлайди²¹. Бироқ олмосни ичириш ақлга сиғмас ишдир. Демак, хабарчининг зўр бериб ишонтиришга уриниб айтган гаплари шубҳали. Олмосни ичириш учун жуда ҳафсала билан уни талқон қилинса, унинг ўткир қирралари қолмагунча кукунга айлантирилса, шундагина тузми, шакарми бирор нарсага қўшиб ичирилса тузук. Акс ҳолда олмос тишга билинади. Менинг кўз ўнгимда олмоснинг майда кукунини итга ичиришди. Ит ўша онда ҳам, кейин ҳам ўлмади.

Айтилган гаплар яна шунга ўхшайдики, олмос ҳақида нўвадил²² сингари тутундан қотишиб пайдо бўлади, деб гапиришади. Нўвадил саконий (найзадор) деб ҳам аталади. Чунки унинг зарралари найзага ўхшайди. Олмос, ҳикоячиларнинг айтишларича, гўё момоқалди роқ ва чақмоқдан туғилар эмиш. Бу ҳодисани нашатирнинг оловда куюқлашувига қиёс қилишади. Олмос ҳам гўё чақмоқ оловида тутундан қотиб пайдо бўлар эмиш. Нўвадилнинг зарралари найзасимонлигини олмоснинг кристаллари ҳам найзасимон (стрелкасимон)лигига ўхшатилади. Шу сабабли олмос ҳам нўвадил сингари тутундан пайдо бўлади, деган сафсатани тўқишади.

Булардан ташқари Абу Зайд ал-Аражоний янада хайрон қолдириш учун олмос шунчалик қаттиқ бўлгани билан, юмшоқ, ҳатто, мумдек юмшоқ кўрғошиндан энгилар эмиш. Ва бу кўрғошиннинг алоҳида хусусияти эмиш. Кўрғошиннинг ҳиди олтинни²³ парчалар эмиш. Устига устак, кўрғошин (мурдасанж) метал куйишда ишлатиладиган тигил (қолип) устидан қопланадиган кўрғошин ҳам шундай таъсирга эга эмиш.

Лекин бу ерда бошқа масала бор. Олмос болғани ҳам, сандонни ҳам ўйиб яроқсиз қилишга қодир. Олмос майдаланган тақдирда ўзи ҳам болға ва сандон ҳам зарарланади. Шунинг учун олмосни кўрғошин билан ўраб, сўнгра унга майдалаш ишлови берилади. Енгил-енгил зарб билан майдаланади. Бу усул олмоснинг ҳам, болға ва сандон ҳам зарарланишининг олдини олади. Олмос болға зарбидан сачраб кетмайди. Кўрғошин ўрнига мум ишлатиш ҳам мумкин.

Олмос майдалангандан кейин уни пашшалардан эҳтиёт қилиш лозим бўлади. Чунки пашшалар хартумчаларида олмос доначаларини кўтариб кетсалар, олмоснинг вазни камайиш хавфи бўлади. Бу худди пашша бўтқага кўниб, хартумида бўтқа зарачаларини олиб кетгани каби. Зеро, пашшанинг хартумчаси тиш тозалагич, мисвокка²⁴ ўхшайди. Бунинг ёрдамида пашша намликни сўриб олади ва намлик билан бирга озиқни ҳам ўзлаштиради.

Агарда бошқа нарса таъсир ўтқазаетган қаттиқ жисм билан бошқа нарса ўртасида ундан кўра юмшоқроқ нарса ётса таъсир кучи ортади. Наҳотки кўрмаган бўлсангки, ўқчилар темир тахтани ўқ билан урмоқчи бўлсалар, унинг устига гўшт кўядилар. Ўқ унга теккач, ундан сакрамайди, чунки у ерда гўшт бор, ўқ олдин гўштга тегади, сўнгра эса унинг кучи аста-секин тахтага ёйилади. Худди шунга ўхшаб музни юпқа оби нон билан ўралса уни пичоқ билан худди сабзи ва шолғомни кесгандай кесмоқ мумкин: эҳтимол, олмосни кўрғошин билан ўрашлари шу маънога эгадир.

Олмос ҳақида дейдиларки, унинг энг яхши тури биллурийси, сўнгра қизили; агарда унинг вазни ярим мисқолга етса, баҳоси юз динор бўлади. Ал-Киндий дейдики, энг қимматли олмос Кўёш нурлари остида камалак сингари товланадиганидир. Бир мисқолининг баҳоси, агар унинг бўлакчалари қалампир уруғича бўлса, саксон динор туради.

Мен ўрмон ёнғоғидан йирикроқ олмосни кўрмаганман. Бундай олмоснинг нархи майда доналардан уч ҳатто беш баравар қимматроқдир.

Оға-ини заргарлар дейдилар: «Биз уч дирҳам ваздан ортиқ олмосни кўрмаганмиз». Одатда уни тортиб кўрмоқ учун дирҳам ишлатилади, мисқол эмас. Мисқолни зумрад, лаъли бадахшон ва олтинни ўлчамоқда ишлатилади. Уларни конлардан қум сингари топиб оладилар. Агар улар танга зарб қилмоқ учун ишлатилмайди. Дейдиларки, бир дирҳамлик майда доналарининг баҳоси юз динор; агар бир парча шу вазнда бўлса, у бир минг динорга баҳоланади. Наср Муъиз ад-Давла Аҳмад ибн Бувайҳ ҳақида деганки, у укаси Ҳасан Рукн ад-Давлага²⁵ узугига ўрнатмоқ учун уч мисқолли олмосни совға қилган экан. У бундай вазнли бошқа олмос тўғрисида эшитмаган ҳам экан.

Олмос конлари ёқут конларининг яқинида, булоқлари кўп бир оролдадир. У ерда қумни олтин ташувчи қум каби ювиб оладилар, уни сова дейдилар. Қумни конус шаклидаги идишда ювадилар, олмос пастига йиғила боради. Бу конлар Ховар²⁶ давлатидадир. У Сарандиб қаршисида жойлашган. Абул Аббос Оммоний дейди: Олмос конлари Комарун Танкалонда²⁷, соз тупроқли тоғларда ҳар йили баҳорда ёмғирлар ювиб тез-тез яшинлар чақнаб турган пайтларда ювилиб тупроқ ва лой билан бирга пастга тушадилар. Ал-Киндий айтадики, уни (олмосни) ёқут конларида тошлар орасидан терадилар.

Ёқут ва олмос конларида қўшни бўлганликларидан бу кўринишнинг сабаби уларнинг ўзаро ўхшашлиги ва пайдо бўлишининг бир хиллиги бўлса керак, деган тахмин туғилди. Баъзилар дейдилар: «Йўқ, у олтин конларида топилади». Агар бу гаплар ҳақ бўлса, бу Зобаж оролларидаги олтин конларига нисбатан тўғри.

Бу оролларни Олтин ер, дейдилар, ёки ҳиндчасига Суварнадиб²⁸ ёки Олтин тупроқ, яъни Олтин ороллар, Суварнабҳум (Бирма)²⁹. Одамлар маҳаллий ҳалқларнинг гапларига мурожаат қилдилар. Эмишки, аҳёнда тоза олтинда (ибриз) ҳажми қумдан катта бўлмаган, эговни бузиб, унга зарар етказувчи олмосга ўхшаш нарса бўлади. Ундан қутилмоқ учун олтинни қаттиқ силкитмоқ керак, шунда қумчалар ўзи тўкилиб тушади.

Олтин билан ишловчи заргарлар олмосни ўша қумчалардан ажратиб уларни самас деб атайдилар. Аммо олтин қидирувчиларнинг шартли тилида уларга баранжа деб от берилган, яъни олтинсимон марказит. Айтадиларки, аҳён-аҳён қахрабо орасида биз айтиб ўтган сайқалловчи асбобларга зарар етказувчи тош учраб қолади.

Уторид ибн Муҳаммаднинг³⁰ унчалик малакали эмаслигидан шу дарак берадики, у ўз китобида олмос тўғрисида ҳеч нарса унга таъсир кўрсата олмайди деб ёзган. Сўнг ўзи бу гапни унутиб, олмос тошини ўйиб, унга бир аёл сувратини ишлашни ва узукка ўрнатмоқни буюрган. Бу аёл тўртта от устида, ўнг қўлида ойна, чап қўлида қамчи ушлаб турмоғи, бошидан эса етти нур таралмоғи керак эди. Эҳ, бу ҳикояни айтувчи олмосга шундай таъсир кўрсата олувчи бирор тош борлигини айта олганда эди! У худди ўйлайдики, бунинг ҳаммасини гўё олмосга кўрғошин ёрдамида ўйиб ишламоқ мумкин. Чунки у олмоснинг кўрғошинга бўйсунуши ҳақида ёзади.

Олмос конлари, олмосни қандай қилиб топишлари тўғрисида кўп ёлғон-яшиқ гаплар айтилган. Масалан, олмосга берилган номлар орасида «Бургут тоши» дегани ҳам бор (ҳажар ал-уқаб)³¹. Дейдилар: бу номнинг берилишига сабаб шуки, олмос қидирувчилар бургутнинг палапонлари бор уясини шиша билан қоплар эмишлар, шунда бургут

буни кўргач, уясига кира олмаганидан учиб кетар эмишу, олмос олиб келиб уни шиша устига кўяр эмиш. Олмослар анчагина йиғилиб қолгач, қидирувчилар уларни олар ва шишани ҳам олиб кўяр эмишлар. Токим бургут ўз қилган иши муваффақиятли чикқан деб ўйласин. Яна бир муддатдан кейин одамлар шишани ин устига қайтариб кўяр эканлар. Бургут эса яна олмос келтирар эмиш. Онда-сонда олмос изловчилар рамзий маънода нўшадилни бургут дейишади³². Биз ҳам юқорида олмоснинг нўшадилга ўхшашини айтган эдик.

Шунга ўхшаш ҳикоя ал-Киндийда ҳам бор. Бироқ у бургут ўрнига қалдирғоч деб ёзди. Ал-Киндий гўё эшитган эмишки, қалдирғоч уясига болаларига ярқон³³ тоши олиб келар эмиш. Бунинг учун қалдирғочнинг инини заъфарон билан суваб беркитиб қўйилса, уни қуш ўзининг боласи деб ўйлар эмишда, олмосни унинг олдига кўяр эмиш. Аммо қандай қуш бўлмасин, бу гаплар бари — аҳмоқона, беҳуда ва ёлғондир.

Худди шундай беҳуда гап мавжуд, гўё ҳозирги бор олмослар Искандар Зулқарнайн³⁴ томонидан олмослар водийсидан³⁵ топилган эмиш. У ерда илонлар бўлиб, уларнинг кўзи тушган одам ўлар эмиш. Шунинг учун у буюрган эмишки, олдинда ойна кўтариб борсинлар. Илонлар ўз аксини ойнада кўргач, улар шу заҳоти ўлиб қоладилар. Ахир бир илон бошқасини кўрганда ўлмаган эдику! Ахир танининг ўзига унинг ойнадаги аксидан кўра ўлдирмоқ хосроқ эмасми. Агар бу гаплар одамга оид бўлса, нега энди илон ўз аксини ойнада кўриб ўлар экан? Ниҳоят, агарда одамлар Зулқарнайн ўйлаб топган ишни билган бўлсалар, уларнинг бу ишни ундан кейин такрорламоқларига нима халақит берган?

Жолинус илонлар маликаси³⁶ деган илон ҳақида ҳикоя қилган. Ким уни кўрса ёки шивиллашини эшитса, ўша жойда ўлиб қолар эмиш. Қани энди, ўша жой тўғрисида гапирган одамни ёки у билан бўлган ишни билсам эди — аммо бу мумкин эмас, чунки у аллақачон ўлиб бўлган!

Ибн Мандавайҳ³⁷ *босийлийкун* деган илон тўғрисида гапиради. Бу шоҳ деганидир. Унинг бошида тожи борлиги учун шундай деб атаганлар. Таъриф этилишича, у уч *шибрдан* узунроқ, боши учқир (найзасимон), кўзлари қизил, терисининг ранги қорамтир товланувчи (йўл-йўл) сариқ. У судралганда ёнида нимаи-ки бўлса, уни куйдириб юборар эмиш. Шунинг учун ҳайвонлар ундан эҳтиётланар ва қочар эмиш. Қушлар унинг устида учиб ўтаётганда ерга йиқилар эмиш, уни ҳатто узоқдан кўрган, ё анча масофадан, бир ўқ отими нардан унинг шивиллашини эшитган ҳар бир жонивор, унга яқинлашган ҳайвон ҳам ўлар эмиш. У турклар мамлакатида ва Нубияда бўлар эмиш. Бу жойлар Мисрдан жануби-ғарбдаги қора танлилар яшайдиган жойлардир.

Атайус ал-Омидийнинг³⁸ Абул Хайр³⁹ томонидан арабчага таржима қилинган китобида ёзилганки, Арқам илонининг, у ибн кутра⁴⁰ ҳам дейилади, узунлиги бир ярим тирсак, унинг танаси юпқа, қизил рангли, у чақса ўлдиради, уни кўрган ва шивиллашини эшитганлар ҳам ўлади. У чаққан тирик жон борки, даволана олмай ўладилар. У чаққанида бир жонивор ўлса, унга яқинлашган ҳайвоннинг олдин туклари тўкилади, кейин у кўкариб кетади ва охири кўп қийналиб, сўнг ўлади ва тезда бузилиб кетади.

Лекин бу ҳикоялар, гарчи бир-бирига ўхшаш бўлсада, масаланинг ойдинлашувига хизмат қилмайди. Илоннинг тожига келсак, бунда ажойиб ҳолат йўқ. Ахир бундай безакка эга ҳайвонлар бўлади-ку. Масалан хўроз, товус ва шу кабилар. Яна Ал-Омий-

дий илон хиллари ўртасида *ақрон* илонини эслатиб ўтади. Аммо бу илоннинг шохлари⁴¹ таърифида фикрлар турлича. Бировлар дейдиларки, унинг битта қора, эгик, қаттиқ шохи бор. Бошқалар эса унда икки шох бор, дейдилар. Баъзилар икки гўштсимон ўсимта унинг бошидан чиқиб туради, дейдилар.

Заҳарли илон ва унинг судралганда қарсиллаши тўғрисида Зу-р-Руммо⁴² ўз шеърида бундай деб ёзган:

*Шохдор ҳам деб аталган, у қорадир, оқ эмас,
Чиқаргайдир ўзидан қарсилловчи садо-сас.*

Абу Нажм⁴³ эса деган:

*Унга шохдор ўз чодирисида (чайласида) ўхшашдир,
Яъни ўз уясида ўхшаш.*

Илоннинг сариқ рангига келсак, у бир табаристонликнинг менга айтиб берганига тўғри келади. Бир неча одам ўрмон ичида бораётиб, ўлиб ётган одамларга дуч келибдилар. Аммо улардан бири нафас олмоқда экан. Ундан сўраганларида у бундай жавоб берган: «Биз билан шундай ҳодиса юз берди, унинг сабабини билмаймиз. Биз бир олтин ёмбига ўхшаш нарсани кўрдик, узунлиги бир шибрдан узунроқ, шошиб ёнига бордик. У илон экан. У қўлимиз остидан қочиб кетди. Биз эса юзимиз билан ерга йиқилдик». Агарда улар ўша нарса бўлган жойга қараганлари учун шу можаро содир бўлган бўлса, бу нарсанинг таъсири ҳақиқатдан узоқ. Агарда бу ҳол илон изининг бирор қаттиқ нарсага тўқнашгани туфайли юз берган бўлса, ҳақиқатга яқинроқ, бутун йўл давомида ёндирилмоғи эса бу бўлиши мумкин бўлмаган ишдир. Шунинг каби шитир-шитирларнинг таъсири ҳам шундай. Чунки товуш ҳаддан ташқари ўткир бўлгандагина қулоқ ва ички томонларга ёмон таъсир этиб, ҳалок эта олади.

Ўқнинг отилганига оид масофа эса менимча, товушнинг жуда кучли бўлганини исботлаш учун келтирилган. Илон чаққан одамга яқинлашув туфайли ўлмоқ тўғрисида эса қуйидаги гап шоҳидлик беради: бизнинг давримизда икки одам Ғазна ва ар-Рухаж⁴⁴ орасида йўлда бир илонни кўрганлар. У қишки уйқудан эндигина уйғонган экан. Йўлчилардан бири илонни олган, шунда у йўловчининг билагига ташланган ва чақиб олган. У одам дарҳол заифлашган, шеригини тобут келтирмоққа юборган, шериги тобутни келтирганда ўша йўловчи ўлиб ётган. У бутунлай совиб қолган. Уни олиб кетадилар. Ўликни бир ювғучи ювган, сўнг ўзи ҳам ўша куни ўлган. Бошқа ювғучи уни ювган. Буниси эса бир ҳафтадан кейин ўлган.

Яна Ибн Мандавайх айтадики, бир одам ўз ҳассасини «малика» илонга қўйган ва чириган суякларга айланиб қолган (яъни ўлган). Ўша илонга тиғ урган чавандознинг ўзи ҳам, оти ҳам ҳалок бўлган. Ўша илон бир эшакни лабидан чиққан эди, эшак ўлди, уни миниб кетаётган ҳам ўлди.

Бу гаплар момақалдиروқ (чақмоқ) тўғрисидаги гапларга ўхшаб кетади. Яъни унинг кучи тўр орқали калтакка, ундан калтакни тутувчига ўтади. Натижада, унинг қўли шол

булиб қолади⁴⁵. Бу ҳикоя шундан далолат берадики, уни (момақалди роқни) кўрадилар. Лекин бу билан у ўлдирмайди. Гераклидус⁴⁶ ҳам дейдики, унга қарамоқ мумкин, бўлмаса уни қандай қилиб таърифламоқ мумкин бўлар эди?

Рум денгизи тўғрисида ҳикоя қилувчиларнинг айтганлари ҳам шундай масалалар жумласидандир. Айниқса, унда бир танасиз бош оқиб борармиш, уни кўрган одам дарҳол ўлар эмиш. Йўлини топиб, бошни тутибдилар. Ғаввос унинг остидан шўнғиб ўтган ва орқасидан ушлаган, сўнг уни қандайдир шоҳга олиб келиб берган. Шоҳ жанг чоғида бу бошни душманлар сари отмоққа буюрган. Натижада душманлар жангда ҳалок бўлганлар. Аммо улар ҳам айёрлик йўлига ўтганлар, бош қаршисига кўрларни чиқирганлар. Бош уларни ўлдирмагани учун шоҳ ўйлабдики, бошнинг хусусияти тузган, кучи бўшашган. Ўзи бошга қараган ва ўша заҳоти ўлган. Шоҳнинг сафдошлари бу бошни ёндириб юборганлар ва шу билан ундан қутулганлар. Ана шундай бемаъни сафсаталарга мияни айнитувчи *тош* ҳақидаги гаплар ҳам киради. Дейдиларки, кимки ўша тошга қараса ўзини йўқотиб, тутқаноқ тутгандек қотиб қолар эмиш. Искандар бу тошдан шаҳар қурдирган эмиш. Одамлар (тошга қарашдан) тутқаноқ тутмасин учун уларни тунда ишлатган эмиш.

Бундан ҳам ажойиброғи, Мусо ибн Нусайр⁴⁷ номи билан боғлиқ хатлардир. Улар ҳар доим адабга оид китобларда келтирилади ва китоблар ёшларга ўқитилади. Хатлардан бирида ёзилганки, Мусо Мағриб саҳроларида бир қалъани учратибди, унинг деворлари жуда баланд, аммо дарвозасини топа олмабди. Қалъадан ҳеч ким чиқмас эмиш. Унинг одамлари бўхчаларни бир-бирининг устига тахлаб деворнинг бошигача етказганлар. Унга ҳамроҳларидан бири чиққан. У девор устига чиқиб жангчиларга қараган ва ўша заҳоти кула бошлаган. Сўнг девор остига йиқилган. Мусо улар кетидан яна икки кишини юборган ва уларга ўз буйруғини таъкидлаган. Улар юқорига кўтарилгач, ўртоғи нима қилган бўлса, шуни қила бошлаганлар. Бу нарса учинчи бор яна такрорланган. Мусо қўрқиб кетиб қайтмоққа мажбур бўлган.

Бу аҳмоқлар орасида бирор киши топилмаганки, деворга кўтарилувчининг оёғига арқон боғлаб қўйиб, у кула бошлагач дарров ўзига тортиб, бўғчалар орқали пастга тушиб иш нимада эканини суриштириб билса...

Яна шундай одамлар борки, олмослар тўғрисида ҳикоя қилганда дейдилар: олмослар⁴⁸ чуқурлик ичида ётадилар. У ёққа ўтмоқ ҳам, тушмоқ ҳам мумкин эмас. Олмос қидирувчилар ҳайвон жисмини парчалаб кесиб, у чуқурга янги гўшт парчаларини ташлайдилар. Улар олмослар устига тушадилар, улар гўштга ёпишиб қоладилар. У ерда бургутлар ва катта калхатлар учиб юрадилар. Улар гўштни олиб ғор четига олиб келадилар ва ея бошлайдилар. Шунда бу қушлар унга ёпишган ҳамма нарсани қоқиб ташлайдилар. Буни одатда барча ҳайвонлар қиладилар. Улар ўз емишини силкитиб, унга ёпишган кир ва чангларни қоқадилар. Шундан сўнг одамлар келиб қоқилган олмосларни териб оладилар. Шунинг учун олмосни «*бургут тоши*» дейдилар⁴⁹. Бундай ўйдирмаларнинг охир-кети йўқ.

Шундай гапларни овчилар ҳам айтадилар. Улар қуёнларни пичиб, моякчаларини оладилар. Бу тухумчалар жонбадастарга дори⁵⁰ бўлар эмиш. Сўнгра уларни қўйиб юборадилар. Қуён иккинчи бор тutilганда, елкасига ётиб ўзининг пичилганини кўрсатар

эмиш. Шу билан бебахтликдан қутилмоқчи бўлар эмиш. У билмайдики, овчилар унинг фақат тухумчаси эмас, балки гўшти ва териси учун ҳам ов қиладилар.

Ютуқларга етказув Оллоҳнинг ўзидан.

НАЖДАК¹ (ҚУМҚАЙРОҚ) — СУНБОЗАЖ

Бу тошнинг форсча номи унинг эговламоқ хусусиятидан дарак беради. У пўлат каби қаттиқ. У олмосга сайқалланиш ва текисланишда ёрдамлашади, айрим ҳолларда эса унинг ўрнига ўтади. Шунинг учун биз олмос тўғрисидаги ҳикоялар қаторига унинг ҳақидагиларни ҳам киритдик. Агар шундай бўлмаганда унинг кўп эканлиги туфайли, бундай воз кечмоқни тақозо қилар эди. Чунки у қимматбаҳо тошларга ишлов бермоқ ва безамоқ учунгина ишлатилади. Унинг ўрнига Самарқанд кумини ҳам ишлатса бўлади. Бу қум чархловчи қайроқтошлар тайёрлашда ишлатилади. Улар билан одамлар пўлатни чархлайдилар. Уларнинг ҳаракати кучига боғлиқ.

Ал-Киндий дейдики, наждак тошини Ҳиндистондан келтирадилар. У денгизда ўсувчи ўсимлик сингари² осонгина кукунга айланади. Қаттиқ бўлгани учун ёқутни³ ва бошқа тошларни у билан сайқаллайдилар, у секин-секин уларни қайрайди. Аммо ал-Киндий унинг қаттиқлигини кўрсатувини осонгина кукунга айланмоғи билан қўшиб юбормаслиги керак эди. Бу икки қарама-қаршилиқдир. У бошқа тошлар каби бир тош. Мен унинг хусусиятлари орасида уни ўсимликка ўхшатиш учун бирор асосни билмайман. Эҳтимол, булар ҳаммаси қўлзмадаги хато кўчиришлардир.

Райлик оға-ини (заргар)ларнинг айтишича, унинг энг яхши тури — Нубиядан келтирилганидир. Сўнгра цейлонлиси ва ниҳоят ҳиндистонийсидир. Гоҳо Нубиялисини *зинжий* ҳам дейдилар. Улар кўрсатадиларки, уни ўша ердаги дарёларда шағал орасидан топадилар. Қўл билан ушлаганда у совуқ туюлади. Шу нарса уни бошқа тошлардан фарқлайди. У қаттиқ ва фақат қимматбаҳо тошларни ишловигагина ярайди. Цейлонлиси юмшоқроқ ва қиличларга ишлов беришда фойдаланилади.

«Тошлар тўғрисидаги китоб»да ёзилганки, қумқоғоз кукуни конлари Хитой денгиздаги оролларда бор. У ерда бунини йирик қум сифатида топадилар. Аммо бу ерда шундайлари ҳам борки, улар тошдек қотишиб кетганлар. Дейдиларки, унинг йирик доналарини чумолилар ўз инларидан олиб чиқадиладар. Бу эса уларнинг худди ердан тупроқ уюмчаларини олиб чиқиб уялари атрофига ташлашлари сингаридир. Дейдиларки, унинг энг яхши тури адас, сўнг халуқа, юнончасига у самийрасдир⁴.

Оға-инилар давоман таъкидлайдиларки, яна бунинг юшоқ, ёпишқоқ тури ҳам бор. У конда нам ва мўрт ҳолда бўлади. Уни қизил олтингугурт (кибрит) деб атайдилар. Билувчилар ўртасида қизил олтингугуртни қизил ёқутдир деган гап ҳам бор. Менимча, бу отнинг сабаби бундайдир: ўзининг қизил ранги билан, қисман ёрқинлиги туфайли ҳам каркундга ўхшайдиган кибрит ва зирниҳдан қуйилган қизил мунчоқлар бўлади. Уларни Исфаҳондан келтирадилар. Агар улар ўтга ташланса, кўк, сарғиш олов бериб ёнадилар ва олтингугуртга ўхшаш ҳид чиқарадилар; яна ёқут деб ҳисобланмоғига сабаб фақат унга ўхшашлигидир; баъзилар ҳатто олтингугуртнинг анор доналарига ўхшаш турларини кўрганликларини ҳам айтадилар.

Оддий халқнинг фикрига кўра, қизил олтингугурт — бу ал-иксир (эликсир)⁵ деб, унинг ёрдамида сунъий равишда турли табиий моддалар олмоқчи бўладилар. Масалан, кумушни тоза олтинга айлантирмоқчи бўладилар. У Дамованд⁶ тоғларида учрайди, дейдилар. Улар алкимёгарлардан эшитган эмишларки, у тузлардан биридир. Баъзи афсунгарлар айтадиларки, бу тоғда Беварасп⁷ қамаб қўйилган эди. Ўша тоғ чўққисидан чиқётган доимий тутун маҳбуснинг нафасидир, оқаётган олтингугурт суви эса унинг ёки ўша ёққа чиққанларнинг пешобидир. Бу сув оқиб ўтаётганда буғланиши туфайли чуқурчалар атрофида сариқ рангли гўзал олтингугурт чўқади. Улар шуни туз ўрнига қўйдилар ва алкимёда ишлатадилар. Ундан қизил олтингугуртни холи қилиб оладилар, уларнинг фикрича, шу олтин ал-иксиридир.

Мен бир денгизда бир нарсани кўрганман. Унинг катталиги муштдек, қизил, қорамтир. Уни парчалаганларида, юпқа бўлакчалари сал-пал ярқираб кўринади. У кумуш дирҳамни қиздирди ва устига ўша нарсанинг бир бўлагини қўйди. У нарса дирҳамни тешиб, нарига томонидан чиқди. У дедикки, бу нарсани Хитойдан Басрага олиб келадилар. У қизил олтингугурт дейилади. Уни олтин заргарлари сотиб оладилар. У бу ҳақда шундан бошқани билмас эди. Бу тўғридаги масаллардан яна бири «Тошлар тўғрисидаги китоб»да ҳам бор. Эмиш, қизил олтингугурт кони узоқ Ғарбда уммон⁸ атрофидадир. У тун пайти конда эканида бир қанча фарсах масофага етарли нур сочиб туради, кондан олганларидан сўнг эса нур сочмоқдан тўхтайтиди.

ДУР — ЛУЪЛУЪ

Оллоҳ хурлар тўғрисида деган: «Улар ёқут ва маржон кабидирлар». Шунинг учун биз даставвал ёқутлар тўғрисида, сўнг унга ўхшаш тошлар тўғрисида ҳикоя қилдик. Бундай тошлар улар билан бирга сотилади. Яна биз ёқутлардан устун турадиган, қаттиқлиги ва сифати билан уларни енгадиган, уларга ёрдамлашувчи ва уларнинг ўрнини босувчи тошлар тўғрисида ҳам сўзладик. Энди эса Қуръонда ёқутдан сўнг номи келган тош, хусусан, маржонга¹ эътиборимизни қаратамиз.

Биз айтишимиз керакки, асли бир хил бўлган нарсалар турли тилларда турлича аталади. Турли тилларда бир хил айтилиш эса тасодикий бўлади ва кам учрайди. Дунёда халқлар кўп. Ҳар бири ўзига хос тили билан ажралиб туради; бир нарсанинг номлари ҳам тилларга ўхшаб ҳар хил бўлади. Халқларнинг турли элатларга, элатларнинг эса қабилаларга бўлинмоғи тилларнинг сонини янада кўпайтиради. Чунки агар тиллар бир-биридан тўла фарқ қилмасаларда, барибир, гоҳ унда, гоҳ бунда ажралиб турадилар. Айниқса, ҳинд аҳли бир хил нарсага турлича ном бермоқни ёқтирадилар. Баъзилари бунга беихтиёр қилсалар, бошқалар ўша нарсаларнинг сифати ва ҳолатидан келиб чиқиб номлайдилар. Аммо бизнинг мақсадимиз — арабларда ёки араб шеъриясида бор нарсани кўрсатмоқдир ва ҳиндлар билан ҳеч қандай ишимиз йўқ.

Кўп тилшунослар ҳар бир халқ ва қабилада эшитганларини йиғиб юрадилар. Шундай қилиб аниқламоқчи бўлган нарсаларига изоҳ топадилар. Бунда улар ўзлари учун бирор фойда қидирмайдилар, фақат бошқалар билан шухратда ва йиққан бойликларининг кўплигида мусобақа қиладилар. Улар ҳатто соф виждонлиликни бир четга йиғишти-

риб қўйиб исбот учун шеърлар тўқийдилар, бу шеърларни қабрга қўмилган одамларга нисбат берадилар, уларни гоҳ қадимий, гоҳ янги деб атаб, нақлларда айтилганга риоя қиладилар. Айтилганлар эса бундайдир: «Агар алдамоқчи бўлсанг, яхши эса тутки, гувоҳлик учун ҳозир бор бўлган тирик инсонни танлама, токим у сенинг гапингни рад қила олмасин. Шунинг учун марҳумлар орасидан гувоҳ топ, чунки у абадий йўқликка кетган.»

Луълуъ — дурнинг (қимматбаҳо жавҳар тури) умумий номи. У икки ҳолни ўз ичига олади. Дур — йирик, маржон — майда. Абу Уъбайд² деганки, дур³ — бу йирик доналар, маржон⁴ эса майдалари. Луълуъ уларни ҳам буларни ҳам бирлаштиради. Оллоҳ тало деган: «Ул иккисидан марварид ва маржон чикур» (Қуръон: 55-сура, 22-оят). Яъни бир-бирига қўшилмас денгизнинг икки оқимидан марварид ва маржонлар чиқади, дейилмоқчи.

Бу иккиси катта-кичиклиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи хиллардир. Луълуъ йирик доналарга оид.

Абул Ҳасан ал-Лихйоний⁵ дейди: «дурр ва луълуъ — бу йирик доналар». У маржоннинг майда доналар эканлигига қўшилади. Лекин маржоннинг луълуъ деб аталмоғига қаршидир. Шубҳасиз, у бу фикрида ан-Набиғанинг⁶ сўзларига суянади:

*Дур билан, ёқут билан қўкрак усти безалган,
Оралиғи товланар дур ила забаржаддан.*

Аммо забаржад ва ёқутни дур (луълуъ) билан бирга ишлатмайдилар.

Али ибн ал-Жаҳм⁷ аксинча фикр қилади: «Унга менинг бошимда қўргани ёқмади ва деди: «Бу сочнинг оқими ё териб қўйилган дурларми?». Шоир бу ерда маржон демоқчи бўлиб, луълуъ сўзини ишлатган. Сочнинг оқи йирик дурларга эмас, балки дурнинг майдасига ўхшатирилгани маъқул. Ҳажми жиҳатидан ханталнинг уруғи сингари майда дурларни сочнинг оқига ўхшатса бўлади. Сочларни дурга ўхшатганда, оқдан ташқари тароқланган сочни кўзда тутадилар. Агар шоир шундай демоқчи бўлса, уни терилган дур каби таърифламаган бўлар эди, ахир тароқланган сочлар кўпроқ сочилиб ётган дурларга ўхшашдир.

Аус ибн Хожар⁸ деган:

*Маржоннинг ипи худдики, майда
Кичкина юмалоқ дурларни бермиш.*

Ибн Бобак⁹ деган:

*Узилган ипда қолиб кетган ялтироқ дурлар
Қоронғу тундаги ой ўроғидек туюлар.*

Бу ерда у майда дур (луълуъ)ни кўзда тутмоқда. Чунки маржон кўздан нарида бўлса, терилган дурлар бир текис туюладилар ва уларнинг бўртиқ жойлари қараган кўзга

кўринмайди. «Узилган ип» сўзида у узилган нарсадан тўла доира ясаб бўлмаслигини ҳам билдирмоқда.

Луғатларда дейилганки, *талаълаъа важхуҳу* («юзи нур сочади»), яъни бу сўз феълнинг тафаъала шаклидан тузилган ва луълуъ сўзини бу шаклдан изоҳланса, «ярақламоқ» маъноси келиб чиқади.

Аҳмад ибн Али¹⁰ «Сабаблар изоҳи» китобида ёзган: «ан наҳор» (кун) дейилмоғига сабаб нур бу вақтда дарё каби Шарқдан Ғарб сари оқади ва улар (Шарқ ва Ғарб) ўртасидаги ҳамма жойни қоплайди. Қани энди мен кун билан тун ўртасидаги фарқни билсам эди. Ахир туннинг тўғрисида ҳам, унинг борлиқни эгалловчи қоронғулиғи Шарқдан Ғарбга қараб дарёдек оқадику, ҳамда улар (Шарқ ва Ғарб) орасидаги ҳамма жойни қоронғулик билан тўлдиради-ку.

У (Аҳмад ибн Али) дейдики, тун (лайл) шунинг учун шундай аталганки, нур тунда илтираб кўринади (йулаълибу). Кимки, тунда бирор нарсани кўрса, у шубҳага тушади. Олдин «шу ўша» дейди, сўнг «йўқ, йўқ!» (ло, ло) дейди. Нарсалар ҳам унга ло, ло («йўқ, йўқ») деяётгандек. Нарсалар унга жилоланиб кўринадилар ва дейдиларки, шу сабабли дурни *луълуъ* деб атаганлар. Чунки заргарлар айтадиларки, ҳар сафар кўзинг дурга тушганда у сенга олдингидан ўзгачароқ бўлиб кўрина беради. Бунга сабаб дурдан завқланув эмас, эҳтимол, унинг юмалоқ шаклда эканидир. Бошқа қимматбаҳо тошлар текис юзага эгалар, ёки бошқача шаклдадирлар. Шу туфайли кўз тошнинг бутун юзаси ёки бир қисмини дарҳол кўра олади, гоҳо эса тиниқлик кўзга орқа томонини ҳам кўриш имкониятини беради ва у бирданига ҳар иккала томонни ҳам кўра олади. Юмалоқ, лекин тиниқ бўлмаган нарса бундай бўлмайди, кўриб тургувчи унинг юзасининг фақат катта бўлмаган бир қисминигина қоплай олади. Фақат уни айлантирганларидан кейингигина илгари кўринмаган қисмлари кўзга ташланади.

Оллоҳ ютуқларга етказувчидир.

ДУРНИНГ ОТЛАРИ, УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ТИЛШУНОСЛАР ТАЪРИФИДА

Дурнинг отлари араб тилида шернинг (арслоннинг) отлари каби жуда кўп. Лекин биз ҳаммасини санаб ўтирмаймиз. Чунки аввало, бу қўлимиздан келмайди, иккинчидан китобхонни чарчатиб қўяди.

Энг кўп маълум отлари: луълуъ, дурра, маржона, нутфа, тўма, тўбомийа, латимийа; садафийа, саффона, жумона, ванийа, хайжумона, харийда, ҳуса, саъсаъа ва ҳасл.

Халил ибн Аҳмад деган: сув томчиси (нутфа) зилоллиги ва тозалиги билан дурга ўхшашдир.

Дўл донаси ва сутнинг томчиси сув томчисидан кўра дурга кўпроқ ўхшайди. Аммо дурни эркаклик нутфаси (маний) билан ўхшатмоқ яқинроқ бўлар эди, лекин тиниқлиги жиҳатидан эмас.

Маний сув томчисига ўхшашлиги учун нутфа сўзи билан аталган. У яна сувга ўхшашлиги учун ҳам эркаклар ва аёлларга нисбатан «зилол сув» дейилади.

Аммо бу маънода нутфа сўзи кўпроқ маълум.

Шоир (Сувайд ибн абу Кохил) тўғомийа — дур тўғрисида бундай деган:

*Тўғомийа дурига ўхшайди, тегинсанг гар,
Ҳам кўзинг, ҳам хобгоҳинг шавқу лаззатга тўлар.*

Бу ном денгиз соҳилидаги бир жойнинг номидан олинган. **Ҳо (унинг)** олмоши эса **бошартаҳо** («унга етишсанг») сўзида дурга алоқадор бўлса, у билдирадиги, у бўлганида кўзинг яйрайди, аммо ўз ётоғингдан тўла мамнун бўлмайсан, агар уни йўқотсанг. Агарда бу гаплар аёлга тааллуқли бўлса, уни ўша дурга ўхшатилаётган бўлса, шуни билдирадиги, уни кўргач, кўзинг яйрайди, агар ётоқда у билан ётсанг, у билан қовушсанг жуда ёқимлидир.

Ал-Ҳармозий¹¹ Туъома тўғрисида деганки, бу Уммоннинг¹² маркази, соҳил бўйида Сухор¹³ эса тоғларга яқин ерда сахро йўлида, оралари йигирма фарсах. Латимия деган отига келсак, дейдиларки, бу нисбий олмош **лотима** (хушбўй) сўзидан келиб чиқади, у Абу Зуъайбнинг¹⁴ шеърларида ва бошқа шоирларда ҳам учрайди. Бу шеърларда у бошқа бирор отдан келиб чиққан сифат сўз бўла олмайди. Чунки латимадан хушбўйлик маъносигина келиб чиқади. Яна дейдиларки, унинг шундай аталмоғи тўлқинларнинг тўқнашуви — (тилотул ал-амвож)дан бўлиб, денгиз билан боғлиқдир.

Худди шундай чиғаноқ ҳам садафдан олиб аталган.

Ан-Набиға аёлни тавсифлаб ёзади:

*Садафийа дуридек ярақлайди ул азим,
Топган ғаввос қувонур, кўрган айлагай таъзим.*

Шоир чиғаноқ ичида яхши сақланган ва берк дурдан хурсанд ва шавққа тўлганини айтади. Бу тўғрида (Қуръон: 56-сура, 22-оят) ваҳий ҳам бор¹⁵.

Чиғаноқ дурнинг онаси. Она ўз чақалоғини сийлайди ва унга ғамхўрлик кўрсатади. Ан-Набиға дурнинг чиғаноқда ўз ярқироқлигини сақлашини кўзда тутаётгани йўқ, у фақат дурнинг чиғаноқ билан алоқасини кўрсатмоқнигина истаган. Аммо Абу Али ал-Исфохоний¹⁶ айтганидек, чиғаноқнинг таърифи заиф, у зарур моҳиятни ифода эта олмайди. Чунки ҳар қандай дурни ҳам чиғаноқда топадилар.

Дурни сақловчи чиғаноқ бошқалардан ҳеч бир ўзгача эмас. Фақат бир воқеа борки, у ҳинд аҳолисининг афсоналарида асосланган. Яъни улар дейдиларки¹⁷, шундай филлар бўлар эмишларки, уларнинг бошқалардан фарқи шундаки, буларнинг пешонасидаги гўштда дур топилар эмиш. Бу филлар бошқа филлардан ўзининг сарғиш ранги ва ҳинд ёсимини ҳидига ўхшаш ҳиди билан ажралиб турар эмиш. Яна ўша аҳоли дейдики, қамиш ўсган ерларда унинг томири остидан дур топар эмишлар. Бунини изоҳлаб дейдиларки: бундай қамиш қизил бўлади, у энди ўсиб келаётган пайтида нафис бўлади, ҳали маҳкамланиб улгурмаган, ўшанда ойнанинг Ғафр ва Зубоно¹⁸ даврларида ёмғир пайтида унинг найларига томчи тушиб, шундан дур пайдо бўлар эмиш. Қамиш найлари маҳкамлашганда дур ҳам қотар эмиш. Ундан табошар¹⁹ (бўр) қиладилар. Аммо ўша жой яқинида яшовчи аҳоли агар қамиш найдан тобашар ёки бошқа бирор дурга ўхшаш нарса

топганларида улар бу қамишларни ёқиб юбормас эдилар, балки аввал қиздирган бўлар эдилар. Бу иш умумий тус олган бўларди. Шундай қилиб дурнинг бу турини билган бўлар эдилар. Ҳар ҳолда агар қамиш ёки фил дурлари бор бўлса бордир, денгиз дури фақат чиғаноқдагина бўлади.

Абд ар-Раҳмон ибн Ҳассон²⁰ деган:

*Ғаввос топган дурдай у, ярқироғу ялтироқ,
Беркитган жавҳаридан айирса, бўлур шундоқ.*

Агарда у дур чиғаноқдан айрилуви ва уни тортиб олувини кўзда тутган бўлса, у ҳақ эмас, чунки чиғаноқни қимматли тош (жавҳар) демайдилар, у қимматли тош учун фақат ўрамдир.

Сулаймон ибн Язид ал-Адавий²¹ деган:

*У гўёки яшириб қўйилган дурдайин оқ,
Уни денгиз мавжида хавфдан асрар чиғаноқ.*

Агар шоир материянинг шарофатини ундан дур пайдо бўлмоғини кўзда тутган бўлса бу асослидир.

Тўюмия дурига келсак, бу ном билан жуфт дурлар аталади. Улар «Ягона» («Фарида») ва «Ятим»²²дан фарқ қиладилар. Агар уларни топсалар жуфт-жуфт қилиб маржонга терадилар ва қўлга икки қатор қилиб тақадилар, буни акрас дейилади, яъни софлар. Дейдиларки, қурраса (дафтар) сўзи шундай келиб чиққан. Агар икки бир хил дурларни бирини бирига қарши қўйиб ўртача дур ёнига териб чиқсалар унда бу дур «Ятим» номини йўқотади. У ёлғиз бўлмайди, чунки унинг ҳамширалари (опа-сингиллари) пайдо бўлдилар. Дурлар қаторини бир-бирига қарши терилган қаторларини тақорус дейилади.

Зу-р-Руммо деган:

*Дарахт тўла ўсиб кетди, шохидаги шабнамлар
Қуёш чиққач гўёки дур бўлиб ёна бошлар.*

Шоир шабнамни дурга ўхшатмоқда. У дарахтнинг чирмашиб кетган шохларида, кун кўтарилганда Қуёш бу қатралар нур сочиб акс этади.

Тўм сўзи дейдиларки, унинг ўзи дур маъносини билдиради, у бошқа сўздан келиб чиққан эмас.

Ал-Асвад ибн Яъфур²³ деган:

*Шароб билан бирга қулоғида икки дур (тум) бўлган бир йигит
шошиб бормоқда,
Енглари шимарилган, бармоқлари учи эса қизил шотут
шарбати билан бўялган.*

Яъни улар шароб ранги билан бўялган, бу эса хинанинг²⁴ қизил ранги билан безалганга ўхшаб кетади. Шотутни эҳтиёт билан терган кишининг бармоқлари учидан бошқа жойи уларнинг шарбати билан бўялмайди. Шеърдаги мақталувчининг бармоқ учлари худди хинанинг ранги билан бўялган сингаридир. Бу ерда қизил рангни ифодаловчи сўзлар фақат хина рангини билдирмайди, бармоқ учлари шотут меваси шарбати билан бўялган демоқ мумкин. Шу билан соқийнинг машғулоти ва нафис ёшлигини кўрсатмоқ мумкин.

«Дурри ятим» дур гавҳарлари каби кумушдан қўйилади, маъшалаба эса унга ўхшаш чиғаноқдан, дейдилар.

Худди шундай ҳол жумонга ҳам оид. У табиий дур, у кумушдан қўйиб олинади, деган гап бор.

Бу тўғрида шеъриятда кўп марталаб айтиб келинади.

Имрул Қайс дейди:

*У терлаганда, тер томчилари, қатралари, бегумон,
Икки биқинда сайқалчи дурларидек (яъни жумон).*

У яна деган:

*Кўз ёш тўкарман, кўз ёш. Тўлаётган оқими
Дурлар – жумон ва дурнинг оқимига ўхшайди.*

Яна бир бошқа Антара²⁵ дегани ёзган:

*Ўрмонда мусичалар кукулашгани боис
Тушмадимикан кўз ёшинг тахти равонга?*

Хотам ат-Тоъийй деган: Улар кузатувчи назари учун бўйинларига жумон, ёқут ва гўзал қилиб терилган дурларни бўйинларига осиб олмаганмиканлар?

Абу Таййиб (ал-Мутанаббий)²⁶ деган:

*Тонгданоқ йўлга чиқдик, дарахт шохини силкиб,
От ёлига дур-жумон – шабнамларни ёғдирдик.*

Абу Бакр ал-Хоразмий ёзган:

*Шароб ичдик, тун охири ухлатди бизни,
Ёнбошлади, қовоқларин остига қўнди уйқу.
Парча-парча қилинган дурларга ўхшар айни,
Ипга тизиб терилган доналарга ўхшар у.*

Бошқа бир шоир деган:

*Бизлар ал-Увайнда Хусайн учун қабила
Аёлларининг жумон термоғига бердик имкон.*

У демокдаки, тоғ остидаги ўша жойга хужум чоғида аёллар кўрқиб қочганлар. Шунда аёлларнинг маржон иплари узилган. Уларнинг хавфсизлиги таъминлангач, аёллар тўкилган дурларни термоқ учун қайтганлар.

Аъдий ибн Зайид²⁷ деган:

*У бўйнини мато билан маҳкам боғлаб ўради,
Бокира қизлар ипга терган жумон билан ўради.*

Шоир айна ёш бокира қизлар деб таъкидлайди. Чунки улар хўжалик ишларидан овоздирлар, зебу зийнатни яхши кўрадилар ва унга интиладилар, уларга табиат томонидан йигитлар диққатини тортмоққа ҳаракат қилиш, ҳавас ва истак берилган. Улар бу ишда бир-бирлари билан мусобақа қиладилар, нафосат ва кашфиётчилик кўрсатдилар, яна нозик бармоқлари ва ҳассос терилари билан дурларни термоқ гўзаллигини муваффақият билан намойиш этадиларки, булар ҳаммаси ёшликка ярашиб тушади.

Бу ифодалар барчаси табиий дурларга тааллуқли, кумушдан олинган дурларга алоқаси йўқ деб ўйламоққа асос бўла олади.

Ан-Набиға деган:

*Ёмғир томчилар оқиб тушар ёввойи эшак терисидан,
Тешикчаларидан ипга терилаётган дурлар сингари.*

«Ип» ва «тешикча» сўзлари бир-бири билан боғлиқ. Бири бошқасининг ўрнига ўтмоғи мумкин. Бу «мен узукни бармоғимга кийгиздим», ёки «мен бармоғимга узукни кийгиздим» кабидир.

Ибн Ҳамза деган:

*Ҳаммаси осилган: ёқут, мунчоқ ва кумуш. Ранги қуёш каби дур.
У ҳали ҳеч кимсага шу пайтгача, аёнки, насиб ҳам қилмагандур.*

Қайс ибн ал-Мулавваҳ²⁸ дейди:

*Унда заргарлар дури – жумони мавжуд,
Тун туфлаб чиқарган шудрингмасмикин ёхуд.*

Жумон (дур) билан бирга заргарларни тилга олмоқ жумоннинг кумушдан олингани, унинг сунъийлиги тўғрисидаги тахминни қувватлайди. Аммо заргарлар ўз хунарларида (ясаётган буюмларни безаш учун) ўзлари тайёрламаган турли қимматбаҳо тошлардан фойдаланадилар.

Ал-Ашъо деган:

*Кимки Хавзани кўрса, таъзим қилар уялмай,
Тож устидан саллани ўраб-ечар пайтда ҳам.*

*Унинг тожин заргарлар ёқут-ла айламиш шай,
Бироқ ёқут нуқсони кўзга кўринмас ҳар дам.*

Бу шунинг учун айтилганки, Кисро Абарвийз Хауза ибн Алига²⁹ тож совға қилган. Ҳанифа қабиласи араблари таъкидлайдиларки, ҳар қандай араб уни кўргач, улуғлиғи олдида бош эгган, ҳар бир форс унга таъзим қилган, чунки тожда Хусрав тасвири бор эди. Форсларда кумуш дирҳамларда унинг сувратини кўргач, таъзим қилмоқ одати бор эди.

Ал-Асвад ибн Яъфур айтган:

*Сирғалию белбоғли – барно, сўзи қўшиқдай,
Ким кўрса таъзим айлар дирҳамга келтирди май.*

Шеърятда бу ҳар бир қарама-қарши фикрни тасдиқловчи таъриф ташбеҳлар учраб туради. Лебиднинг³⁰ сўзлари жумоннинг кумушдан олинмоғи тўғрисидаги тахминга йўл қўймайди ва аниқ билдирадигани, у табиий дур (жумон)дир.

*У қоронғулик аро сочиб турар ёрқин нур,
Денгизчи маржонидан баайни тўкилган дур.*

Ал-Аъшонинг амакиси ал-Мусайяб³¹ бундай деган:

*Жонон денгизчи топган жумонга ўхшар чунон,
Айни денгиз қаъридан излаб топилган жумон.*

Денгизга алоқадорлиги таърифи дурнинг денгиздан олинганини аниқ билдиради. Аммо ўхшатилаётган нарсага нисбатан шубҳа бор, у унинг денгиздан узоқлигини билдиради.

Жамил ибн Маъмар ал-Уъзрий деган:

*Ул жонон гўзаллардан, кўксида хушбўй ифор.
Жумонлару ёқутлару дурлар-ла безалган ёр.*

Бу шеърда безовчи сифатида ёқут ва жумон хизмат қилади, уларнинг ипда бирлашуви майда дурлар ёрдамида амалга оширилади, бу уларни ажратиш ҳам туради. Кумушдан ясалганлари эса ипак матодаги юнгдан қилинган иплар сингаридир.

Ибн ал-Аҳмар деган:

*Устки либосларида ғижирлайди зеб-зийнат,
Бўрон қўтарган тўзон ғижирлагани монанд.
Қизиган ғадо дарахт чўғларидай мунчоқлар,
Жумон, ёқут гўзаллар кўксини безагайлар.*

Шоир Худбанинг³² сўзлари «жумон» сўзини фақат сунъий равишда тайёрланган дур маъносидагина талқин қилмоқни тақозо қилади.

У ёзади:

*Улардаги безаклар, Мадинанинг заргарлик буюмларидан
Жумон, чигиртка танасидек ям-яшил ёпинғич.*

Жумон тўғрисида дейдиларки, бу арабийлашган форс сўзи. Агар шундай бўлса, у «гумон» сўзидан келиб чиққан бўлади. Бу шубҳа демакдир. Мабодо шундай бўлса, модомики, ҳалигача жумоннинг дур(луълуъ)ми ёки унга ўхшаш нарса экани қатъий аниқ бўлмагани учун, бу ном унинг кумушдан ясалганлигига мойиллик туғдиради.

Аммо луълуъ дейиладиган дур кўп шубҳа келтириб чиқармайди, фақат унга ўхшашлардангина шубҳаланмоқ мумкин.

Бир қадимий шоирнинг гаплари таҳсинга сазовор:

*Қалбим нозик ниҳол (жононга) мойил,
Белбоғининг учлари эркин-эркин осилган.
Гўзалликда гўёки денгиз қирғоққа элтиб
Қолдирган дурнинг ўзи аниқ, аён ва чиндан!*

Бундай ўхшатиш моҳиятан унча чиройли эмас. Чунки дур фақат ўлгандан кейингина қирғоққа чиқариб ташланмоғи мумкин. Бундай ҳолатда эса дур одатда бузилиш арафасида бўлади, чунки унинг шакли ўзгарган ва ўзи сал ейилгандир. Чиғаноқ тирик экан, у ҳар доим энг чуқур жойда ётади. У ерда оқим таъсир кўрсатмайди ва қирғоққа чиқариб ташланмайди.

Масрурнинг³³ сўзлари ҳам шундай шеърлардандир:

*Ёки у ёрқин дурдир, чиғаноқда кулиб турмоқда,
Уни денгизнинг кўпикли тўлқинлари ташқарига чиқарган.*

Мансур ал-Қозий деган:

*Фато одам, унинг кафтидан саховат оқаятган пайтда
Сел бўлиб тошади, тинимсиз шаррос қуйилган чоғда
Худди денгиз сингари, тўлқин қирғоққа тошади,
Тинч пайтида-чи, дурларни ташқарига сочади.*

Мансур биринчи шеърни иккинчиси билан ўхшатиш орқали боғлаш тўғрисида ҳеч нарса демайди. Уни фақат бир бўлакча билан бирлаштиради. Агар у «ҳалок этувчи тошқин»ни намликнинг ёйилиши билан қиёс қилса, бу жуда узоқ қиёс бўлади. Дур тўғрисидаги гаплари эса ундан ҳам заифроқ. Аммо шоирона норостлик (ташбеҳ) туфайли чиройлироқ чиққан. Айтайлик, денгиз дурни тўлқин туфайли тирик чиғаноқ чаноғидан ташқарига чиқариб

ташлайди. Бунинг учун (денгиз) тубида зилзила ёки қаттиқ силкинишлар юз берган бўлмоғи керак. Бундай ҳолатлар қуруқликда бўлиб туради. Шунда ўз тубидан денгиз бир нарса ни юқорига итқитади. Ана шунда шоир сўзларида қандайдир маъно бўлар эди. Аммо денгиз тинч эканида чиғаноқни ташқарига чиқариб ташламоғи умуман ақлга сиғмайди.

Худди Мутанаббийнинг сўзларини бир киши етказганидек:

*Денгиз каби яқинига қимматбаҳо тошларни тақдим этади.
Узоғига эса фақат булутларни йўллайди.*

Буни ва «чиқариб ташлайди»ни ўрнига «тақдим этади»ни ишлатган. Мансур ал-Қодий уни ал-Мутанаббийдан олган. У денгиздир. У тинч эканида унга шўнғи, дур топмоқ учун, аммо у кўпикланганда эҳтиёт бўл. Аммо бу сўзларни етказувчи, «дур» сўзини қимматбаҳо тошлар билан алмаштириб бузиб қўйган.

Ундан Ибн Самуда³⁴ ҳам бу тимсолни олиб деган:

*У билмас эдики, денгиз тинч бўлсагина унда сузадилар,
Агар у қачонки тўлқинланса, кема чўкиб кетади.*

Улар ҳаммалари улуғланаётган зотнинг марҳаматини денгизга ўхшатганлар. Абул Фараж ибн Хинд³⁵ ҳам ундан олиб деган:

*Денгиз ўз чуқурликларида дурни асрайди,
Кимки, яқин келса, унга хас-хашак совға қилади.
Маконига тақиллатиб келувчига беражак арзимас совғаси шу.
Дур — чақариб келувчига денгизнинг жавобидир.*

Дурнинг тубда қолмоғи, хасу хашакнинг эса юқорига чиқмоғи тўғрисидаги фикр шоирдан шоирга ўтиб тез-тез қўлланилиб турилади.

Ибн ар-Румий деган:

*Ташландиқ сасиб гирдоб юзасига чиқди,
Дур эса сув тубида ёпинғич остида қолди.*

Шамс ал-Маъолийга³⁶ қуйидаги шеърни нисбат берадилар:

*Кўрмадингми, ташландиқ денгиз юзига чиқди,
Дурлар эса энг тубда, энг чуқурда қимирламай ётарлар.*

Ривоятда дейилган: «Ўзларингизга озуқани ерда яширинган хазиналардан излангиз. Эй, денгиздаги ғаввослар. Чунки чиғаноқ ер кўзлардан беркитган нарсалар қаторига киради». Ўшанда яна айтилган: «Конлардаги қимматбаҳо тошлар ҳам ерда хазина каби яширилган бойликлар ҳам шундай»

Яна дейилган: «Ерни ҳайдов билан унинг бағрига кирув орқали ҳосил ундирилади». Бир киши деган экан: мен Абдуллани кўрганимда унга дедим: Ар-Раҳматайн баландлигида Куёш чиқаётган пайт эди. «Ер остида яширилган хазиналарни тинмай изла ва эгасини дуо қилгин. Зора қачондир у сенга диққат қилса ва сен совғага сазовор бўлсанг».

Дейдиларки, Абдуллоҳ ибн Жуъон³⁷ қудуққа беркитилган олтин хазинани топган³⁸. Олтин қудуқ тубига яшириб қўйилган экан. Аммо қудуққа қараганларнинг ундан бошқа ҳеч бири хазинани ола олмаган. Чунки улар ҳаммалари бу қудуқ деворида бўртиб турган қоялар қаторидан бўлак ҳеч нарса йўқ деб ўйлаганлар. Шундай бўлдики, Абдулла диққат билан сувга қараб, сездикки, қудуқ тагида олтин акс этмоқда. Шу билан у бирданига бойиб кетди. Шу муносабат билан деган экан:

*Мен Жудднинг хазинасини унинг қояларидан қидирдим,
Ер остида ёритқич тутиб судралдим.*

Урва ибн аз-Зубайр³⁹ Абдулло ибн Шиҳобга деган:

*Сенга ер нега керак, наҳот шоир сўзларин эшитмаган бўлсанг сен.
Ер остида яширин хазиналар излагил ва дуо қил эгасин.*

Уларда ишлатилаётган шиша идишларни дур ва унинг чиғаноғи билан солиштириш ҳам худди шундай. Сўзда у чиройли эшитилади, аммо моҳият эътиборида заиф. Тоқим уларнинг ичидагини юқоридан қарамай ташқаридан кўрмоқ мумкин бўлса, бу ўша идиш ичида нима борлигини билмоққа имкон беради. Юқоридан қарагандан кўра шу дуруст. Дур лозим тиниқликка эга эмас.

Ибн ал-Муътазз ёзган:

*Бу қиздириб эритилган олтиннинг аралашмаси,
У оқ дурнинг пўсти сингари, косада турибди.*

Абу Нувос ёзади:

Юзи шундай нафиски, унинг териси дурга ўхшайди.

У яна ёзган:

*Кийикка гўё Оллоҳ дур пўстини тери ўрнига кийгизгандай,
Унинг бетида қачон хоҳласанг гулларни кўрасан.*

Ас-Санаубарий ёзган:

*Соф ақиқий сув доира бўйлаб қўлдан қўлга ўтмоқда
У қуйилган идиш эса — тоза дур сувидир.*

Бошқа бир шоир тиниқ бўлмаганлик тўғрисида деган:

*Гўё бизнинг идишларимиз кумушдан,
Уларга қизил олтин ўралган.*

Ибн ар-Румий айтади:

*У шароб варс⁴⁰ сингари оқ идишда, аммо у сенинг кўзингга
Оқ чехраларда кўринганда худди аждар қонига ўхшаб кетади.*

Иброҳим ан-Наззом⁴¹ дейди:

*Соқий дур ичиндан дурдек май ила сийлаб туради,
Қўли ҳам дурдек — унинг рангини туйғулар ила ҳис этасан.
У ҳам сув, бу ҳам сув, сувда ҳар иккаласини аралаштиради,
Ҳар икковида оқайтган сув — фарқлидирки, ақлинг топади.*

Бошқа бир шоир деган:

*Уларнинг косаси дурнинг чиғаноғидан ясалган,
Суви кумушдан, майи олтиндан.*

Аммо сувни кумушга ўхшатмоқ ҳаммасидан ёмонроқ. Яна ҳамма бало шундаки, шоирлар рангсиз, масалан, тиниқ сувни ёки тоғ биллурини оқ, масалан, сут ёки оқ тиш билан баробар қўядилар. Ваҳоланки, булар сирланганга ўхшашдирлар. Шоирлар эса уларни бир хил оқ рангда деб таърифлайверадилар. Улар ҳаммалари бу масалада Абу Нувосга эргашадилар. У эса «батамом йиқитдию, бийрон қовурди» (яъни мақсадига эришди — М. И.). Мана унинг сўзлари:

*Шароб — ёқутнинг бир парчаси. Коса эса дур,
Қўлда нозик қадрли дурлар.*

(Шоирлар) яна Абдаллоҳ ибн Муътазнинг эритилган олтин тўғрисидаги гапларига ҳам эргашадилар:

*Биз унга қаттиқ олтинни тортиб (ўлчаб) бердик,
У эса бизга суюқ олтинни тортиб қайтарди.*

Яна бири дейди:

*Мен унга соф олтинни тортиб бериб тўлайман.
У эса куйиб ўлчаб беради.*

Яна бири дейди:

*Улар ўхшаш экани туфайли
Иккисидан қай бири олтин деб сўрайди.
Мен жавоб бераманки, улар бир хил.
Фарқи фақат шундаки,
Буниси қаттиқ. Униси эса суюқ.*

Бошқа бир шоир деган:

*Аτροφимиздан латта ёпган кўза кўтариб айланади-ю,
Ундан бизнинг косага суюқ олтинни сиздириб қуяди.*

Абу Таммом деган:

*Ё оқ иффатли (қиз) дур, унга ҳомиласи бор ҳолда,
Ичида қип-қизил ёқут яширган шу қип-қизил ёқут.*

Шоир дурга қизиллик тушунчасини кўшган, бу эса қизлик ҳайзи ўхшатмасидир. Ҳомиладорлик эса дейди шоир, ҳайз қонини ичда тутиб туради. Бу ҳолатни қизил шароб ичиш билан боғлашни маъқул деб бўлмайди. Бошқа бир шоирнинг ҳам сўзлари, гарчи чиройли кўринсада, шундайин тутуриқсиздир:

*У (шароб)ни сув билан аралаштирганларида
Гўё дурни ютадию, сўнг чиқариб ташлайди.*

Шароб ичганда ичмоқ ва чиқариб ташламоқ қайга олиб келади. Лекин бу дурнинг чиғаноғини шаробга ўхшатмоққа асос бўла олмайди. Дурнинг ранги кўшма — оқ, унда озгина сарғишлик бор. У кучли ярқироқлик билан фарқланади. Бундай тиниқлик инсон терисида бўлса, у мақталади. Айни замонда тери токим унинг ортидагини кўрмоқ учун тиниқликка муҳтож эмас.

Ан-Нусаййиб⁴² айтади:

*У (жонон) худди дурнинг пўстидан ясалган,
Гўзалки шундай, қай томондан каралса-да, ойдек кўринади.*

Моний⁴³ деган:

*Унинг бадани — худди дурнинг пўсти,
Тозаловчи чиғаноқдан гўё уни (ҳозир) ажратган.*

Башшор⁴⁴ деган:

*У худди дур сувидан яратилган,
Гўзаллик уни ҳар томондан асраб туради.*

Ал-Бухтурий дейди:

*Дурни бўяганларида сарғишлик пайдо бўлди.
Улар четлари маржонда сарғайган дурларни мақтамоқдалар.*

Ал-Омидий⁴⁵ айтади: озгина сарғишликда дурлар оппоқ дурлардан устундирлар, худди олтин кумушдан устун бўлгани каби. Чунки, гўзал оппоқ нур сочиб турувчи. Ҳозиргина денгиз остидан олиб чиқилган дур ўзгариш ва хиралашувга дуч келади, бу аста орта боради. Охири у бутунлай қорайиб данакчага ўхшаб кетади. Агар дурда озгина сарғишлик юзага келса, у ана шундай бузилишдан холи бўлади, унинг бошқа ўзгармаслигига ишонса бўлади.

Абул Қосим олижаноб иш қилди. У машхур шоирларни ҳимоя қилди, адолатсизлик билан уларга ёндошганларга яқинлашмади. Аммо ундан олдин ўтганлардан бири маржон рангини дурнинг оқлигидан афзал кўрар ва Оллоҳнинг, у улуғ ва шарафлидир: «Улар ёқут ва маржон кабидирлар» деган сўзларини «Ёқутнинг тозалиги маржон (дур)нинг оқлиги билан бир қаторда туради, улар таратган ранг бадан таърифи учун мақтовли», деб талқин қилди. Шундан аниқландики, дурдаги оқлик фақат унга хос эмас, балки маржон ҳам дурга хос. У ўз оқлигининг устунлигидан ташқари суви ярқироқликда ҳам ўз улушига эга. Ваҳоланки, бу икки сифат дурда аниқроқ ва кескинроқ ифодаланган эсада, сўнггиси заиф сарғишликка эга. У тошни қотиб қолмоқдан сақлаб туради. Бу эса хитой дурига хос.

Демак, ўйлаш мумкинки, у сунъий равишда тайёрланган. Шунинг учун уни сарғишлик учун ҳам, юқорида айтилганидек, сарғишлиги йўқлиги учун ҳам мақтайдилар.

Шунингдек, майда мунчоқчалари дур ва маржонни ажратиб турадилар, улар гагат (сабаж)дан, ёки феруза (ложувард)дан бўлмоқлари мумкин. Лекин кўпинча улар олтиндан бўладилар. Шунда мунчоқдаги олтиннинг акси дурга сарғиш кўриниш бахш этади.

Шунинг учун ал-Бухтурий ёзган:

Унинг четлари сарғишланди.

Яъни иккала тешикнинг ҳам четлари бор. Шулардан ярқираш келиб чиқади. Агар олтин ярқирамаганида эди, дурда сарғишлик кўринмаган бўлар эди.

Зу-р-Руммо ҳам шунга мойил бўлган.

Кўз нури билан қора, кўзни қамаштирадиган даражадаги оқликдаги сарғишлик туфайли у олтин аралашган кумуш сингаридир. Ана шундай меъёрлик аралашув гўзалликни келтириб чиқаради. Агар аралашма кўп бўлмаса шундай бўлади. Агар аралашма кўп бўлса, у қулларни сотиб олиш вақтида қайтармоққа ва юқумли касаллик юқишидан қўрқиб улардан узоқлашувга сабаб бўлгани кабидир. Соғлом инсонда агар ишончи комил бўлса, у қўрқмайди, бу бавосил (касаллиги) борлигидан, кўп жаҳлланиш ва юрагида ҳасад борлигидан дарак беради.

Лекин бошқа хабар ҳам бор. «Унга олтин тегди» дейиш гўзалроқ, чунки тегиб ўтмоқ миқдор жиҳатидан аралашувга қараганда камроқ таъсирлидир. Худди шундай фикр қилади мана бу киши:

*У оқ ва сариқ, унда икки ранг –
Олтин ва кумуш мусобақалашмоқда.*

Шунда ўхшаш гапни Туфайл ал-Ғанавий⁴⁶ ҳам айтган:

У оппоқ, сарғиш товланувчи рангли...

Язид ибн ат-Тасарийнинг⁴⁷ шеъри ҳам шундай:

Назарни ҳайратлантирувчи ранг.

У фил суягининг заъфарон ранги билан бир, дея тасвир этганига ўхшайди.

Абул Қосим ҳисоблар эдики, сарғишлик аралаш дур билан оппоқ дур ўртасидаги фарқ олтин ва кумуш ўртасидаги фарққа тўғри келади. Агар у уларнинг баҳоси тўғрисидаги фарқни кўзда тутган бўлса, бу тўғри. Агарда фақат рангни бўлса, унда кўриб чиқмоқ керак. Чунки қимматбаҳо олтин, сарғишлиги қизилга айланган олтиндир.

Аммо агар тоза кумушга нисбат қилинаётган оппоқ дур баҳоланаётган бўлса, тоза олтинга нисбат қилинаётган дур мақтовга сазовор эмас. Чунки у шундай рангли, у мақталмайди. Шундай қилиб, айтилганлардан уларга гапдан бошқа ҳеч нарса қолмайди. Бундай гаплар эса на ҳикоячига, на унинг ҳақгўйлигига ишонч ҳосил қила оладилар.

Гоҳо сарғишлик дурда касалликнинг бошланаётганини кўрсатади. Касаллик охири уни қорайтириб юборади. Бундай ўзгаришлар дурда кечроқ пайдо бўлади. Бошида эса бундай иллат унда бўлмайди. Бизга шу маълум бўладикки, сарғишлик дурдаги ёмон сифатли ўзгаришдир. У турли сабаблар орқали ўтади — масалан ёғнинг таъсири, тер ва хушбўйликлар — заъфарон халуқа ва лаҳолиҳо⁴⁸ каби. Шубҳасиз, дурда оқлик ўзининг товланишлари билан бўлмоғи керак. Сарғишлик эса нуқсондир, гарчи уни мақтасалар ҳам.

Абу Мансур ас-Саъолибий⁴⁹ шоирлар одатига кўра, ўхшатиш қилиб, Али ибн Муқланинг⁵⁰ хати тўғрисида ёзади:

*Ибн Муқланинг хати шундайки, кимнингки кўзи унга тушса,
Қолган барча тана аъзолари ҳам кўзга айланиб кетмоқни истар.
Дур ҳасаддан сарғаяди уни мақтаётганларида,
Гул эса унинг гулдорлиги қаршисида хижолатдан қизариб кетади.*

Лекин, дурнинг тўла сарғайиши гулнинг тўла қизармоғига ўхшаш эмас. Биринчиси нуқсон, иккинчиси эса фазилатдир.

Баъзилар фикр қиладиларки, Яратувчининг «Унда (шаробда) ақлдан оздирувчи нарса бўлмас, ва улар бундан маст бўлмаслар»⁵¹; «Уларнинг устида мангу ёш ғулумлар (хизмат қилиб) айланиб турурларки, уларни кўрганингизда сочиб юборилган дурлар деб ўйларсиз»⁵²; «Уларнинг устида гўё чиғаноқ ичида яширин гавҳардек ғулумлар (хизмат қилиб) айланиб юрар»⁵³ каби сўзларида (Қуръон: 37-сура, 42-оят; 76-сура, 19-оят; 52-сура, 24-оят) дур рамзи кўзда тутилган.

Бир киши айтдики, у ҳажми ва оқлиги жиҳатидан гўзалларнинг кўз олмаларини дур билан солиштириб чиққан. Уларни дур деб мақтайдилар. Улар зарар етишидан қовоқлари ёрдамида асраладилар; бошқалар дейдиларки, у (туяқуш)нинг тухумини кўзда тутган, унинг оқлиги сарғишлик билан аралашган бўлади. Бу одам ўшаларни гўзалларнинг юзи билан солиштиради. Чунки улар ҳажм жиҳатидан яқин. Айниқса, хотинларнинг юзи шундай. Чунки туяқушлар ўз тухумларини босиб ўлтирганда парлари билан беркитиб ўтирадилар. Натижада тухумларга шамол ҳам зарар етказмайди, чанг ҳам уларни кир қилмайди.

Баъзилар дейдиларки, у одам шом пайтини кўзда тутган, яна уларни эслатганда (балки) оқлиги ва тухум сариғининг рангини айтмоқда.

Имрул Қайс дейди:

*У ифбатли қизга ўхшайди, оқ ранги сарғишлик билан аралаш
Унга тоза сув ичирилган, бу эса ҳеч кимга nasib бўлмаган эди.*

Дейдиларки, у ҳам туяқуш тухумини кўзда тутмоқда. Чунки у ҳам кўп ҳолларда ёшлик оппоқлиги ва тозалигидан гувоҳлик беради. Бу гап тухумга дахлдор бўлганда биринчи бор яқинлик юз бергандан сўнг туғилган тухумни англатади, аммо уни покликнинг бузилиши билан ўхшатиб бўлмайди.

Бошқалар дейдилар, у дурни кўзда тутмоқда, чунки, у тўласича оқ ҳам сарғиш ҳам эмас, лекин унда бу ранглар аралаш, «Ифбатли» деганда, у ҳали ишланмаган маъноси-ни бермайди, чунки яқиндагина излаб топилган.

Сўнгра улар дейдилар, тоза сувнинг эслатилмоғи «гарчи дурни ҳаддан ташқари тоза сувдан топилмаслигини» билдирса-да, барибир, у аччиқ, тузли сувда ҳам яралмайди. У ўртамиёна сувда пайдо бўлса, гўзал бўлади. Ана ўша сувда у ўсади, гарчи бу сув тўласича тоза бўлмаса ҳам, дур ўшандай сувдан озук топади.

Дурга катта диққат-эътибор барча халқларда бор. Агарда сарғиш рангли дур бошқалардан кўра кўпроқ қадрланса, унга кўпроқ диққат қилувчи қабилалар ичида, айниқса, иккитаси ажралиб туради. Ал-Киндий деган: агар юмалоқ дур камроқ сарғиш бўлса, у Ироқ ва Мағриб аҳлига ёқади, агар сарғишлиги ортиқроқ бўлса, у фақат Исфаҳонлиларга манзурдир. Шунга қараб дурни керак томонларга олиб чиқадилар, бу дурлар ўша мамлакатлар номи билан аталади.

НАМ ДУРНИНГ СУВИ ТЎҒРИСИДА

Дурнинг намлигига келсак, унинг аҳамияти сувининг ярқироқлигида, гўзаллигида. Юзасининг нафосати тўласича тоза эканидадир. Чунки намлик — сувнинг моҳиятини ташкил этади ва сўзда унинг ўрнини босади. Лекин дурдаги намлик қуруқ бўлмоққа қарама-қаршиликдир деб бўлмайди. Бу форсларнинг оқувчи олтин тўғрисида гапирганлари қандай ҳайрат уйғотса, шунчалар ҳайрон қоларлидир.

Абул Қосим ал-Омидий Абу Таммомнинг шеърини келтириб ёзган:

*Қасида унинг учун танлаб олинган дур билан ора-орада бўлина борур,
Аммо, шеърлар орасида унинг ўзи нам дур кабидур.*

Дейди: «У бу тушунча «намли» сўзи орқали «янги»ни кўзда тутган. Бу унинг кашфиётларидан биридир». Лекин у билан мақтовни ҳам, унинг айтганларига розилигини ҳам ифода этмайди.

У ал-Бухтурийни Абу Таммомдан устун қўяди. У гарчи «Мувозанат» китобида ўзининг улар икковининг шеъриятига холис ёндашуви тўғрисида даво қилган бўлса ҳам шундай қилади. Агар Абу Таммом буни кашф этган бўлса. Бошқалар ҳам унга эргашганларку. Ваҳоланки, буни эслатганда ундангина куладилар ва тобу тоқат кўрсатмайдилар.

Лекин барча нарсаларнинг ёш авлоди, хоҳ ҳайвонлар, хоҳ (дарахт) шохлари ва ўсимликлар бўлсин, шубҳасиз нозик ва нам бўлади. Чунки унда ўсиш қобилияти бор. Агар дур чиғаноқ ичида ўса борса, унда жуда оз бўлсада намлик хоссаси бор. Лекин Абу Таммом дур ҳатто тошдан ва темирдан ҳам қаттиқроқ бўлса-да, ундаги сув ва гўзалликдан бошқа ҳеч нарсани кўзда тутган эмас.

Ал-Омидий ҳам Абу Таммомнинг «танлаб олинган дур» деган сўзларини ёмонлайди. У дейдики, бошқаларнинг шеъридан олинган сўзлар ўғирлангандан бошқа нарса эмас, шоир учун эса ўғирликни бўйнига олмоқ шармандалик ва нафратлидир.

Аммо Абул Қосим бу ўғирликни, эҳтимол, юлдузлар орқали каромат қилиш ёки кушлар парвози ёрдамида фол очиш орқали аниқлагандир.

Шеърларнинг ўзида мен бу нарсанинг изини ҳам кўрганим йўқ. Агарда киши ўз қасидасида у ёрқин, танлаб олинган шеър дурлари билан ўз маржонини бўлиб қўйилган, бу унда ҳеч қандай нуқсон ва камчилик йўқдир, деб ёзса, бунинг ҳеч бир ёмонлиги йўқ. Барибир, мен бу шеърнинг яхши ва ёмон томонларини таҳлил этмоққа ўз фикримни жиддий ишлатдим.

Ибн ар-Риқоъ⁵⁴ айтганидек:

*Қанча қасидалар битилганди, уларни ёзмоқ-ла тунларни ўтказдим,
Шундай қилиб, уларнинг хато ва оғишларини тўғрилаб чиқдим.*

Ал-Бухтурий ҳам деган:

*Динорлардаги ўйма хатлардай қасидаларга тоза ва сара сўзлар олинган,
Улар тозаланган қизил олтинга ўхшайдилар.*

Ана шуни танлов дейдилар. Агарда унинг қоралаш истаги, унинг душманлиги ва унинг шеърларидаги сўзларнинг ўзиники эмас, балки бошқаларники эканлигини кўрсатиш нияти бўлмаганда бундай гапларни гапирмаган бўлар эди.

Дурнинг намлиги тўғрисида гапирмоқ учун бошқа бир асос ҳам бор. У ҳақиқатдан узоқ эмас. Айни: бошқа барча қимматбаҳо тошлар ерга тушганда ўз ўрнида қолади, дур эса юзанинг сал-пал эгилиши билан пастга қараб юмалайди; дур яна бармоқлар орасидан сирғаниб ўтиб кетади, чунки бармоқлар уни тутиб турмоққа қийналадилар. У

худди олма ва нок уруғлари сингари силлиқ. Агар у намли бўлса, уни икки бармоқ билан қисиб ушламоқчи бўлсалар, у бармоқдан сирғалиб учиб тушади. Бунинг сабаби намлиги ва силлиқ юзасининг сирғанувчанлигидир.

Ибн ал-Муътазз дейди:

*Унинг қўлидаги коса — худди келиндек
Белбоғи унинг нам дурдан қилинган.*

У шабнам томчисини кўзда тутмоқда. У нозик ва нафислиги туфайли аста томади. Мансур ал-Қозий деган:

*Тонгги сабо бизга пайғом келтирди,
Боғлар нафаси билан бизни тўйдирди.
У гулларни уйғотди, улар бизга табассум қилдилар,
Кўзлари эса нам дурлар билан ёшга тўлди.*

Ал-Хўбзаъ ар-Рузий⁵⁵ деган:

*Унинг ичимлиги — дурнинг рангида
Ёки қизил шароб рангида, у сут билан аралаш
Намли дурга ўхшаш юзасининг ранги,
Ичдан эса ақиқ сувининг рангида.*

Ас-Санаубарий ёзган:

*Боғдаги наргислар,
Шаббода уларни қуйига эгилтирганда
Ёқут косага ўхшаб кетадилар.
Сенга уни тутмоқдалар
Намли дур бармоқлар билан.*

У яна ёзган:

*Ёқут косалар. Сенга узатилган
Нам дур қўллар орқали
Ўнг қўлидаги хол
Юракдаги қора доғга ўхшайди.*

У яна ёзган:

*У худди нам дурдан ясалган чамбаракдаги
Қора гагат кабидир.*

У яна ёзган:

*У муҳитдаги қуёш — худди оқ парчаю,
Ундан намли дур томиб тушмоқда.*

Нумайр ал-Уқайлий⁵⁶ айтган:

*Унинг атрофида қорақўз ҳурлар, унинг қўз ёшлари
Намли дурга ўхшаш. Назари худди ўлдирадигандек.*

Нумайр ал-Уқайли чўтир тўғрисида ёзган:

*Чечак унинг юзида из қолдирган эмас,
У менинг юрагимда из қолдирган.
У худди тўлин ойдек намоён бўлди,
У ойда намли дурдан доғлар бор эди.*

Мана, ҳаётим номига қасамёд қилиб айтаманки, намли дур ҳақида айтилганларнинг чин моҳияти ана шундай! Аммо агар бундай таърифлари кўзи ва қалби ўз маҳбубасининг нуқсонларини кўрмайдиган севгучидан бошқа ҳар бир кимсанинг қўнглини айни-тади.

Ҳикоя қиладиларки, Соҳиб ибн Аббод⁵⁷ Авф ибн Муҳаллимнинг⁵⁸ шеърларини эшитган. Адий ибн Зайд деган:

*Эй, агар сен асир бўлганигда эди — аммо сира ундай бўлма —
Ўшанда менинг нима деяётганимни тушунган бўлар эдинг.*

Зу-р-Руммонинг сўзлари нафосат ва гўзалликда улардан қолишмайди:

*Ёш гўзал қиз, юзлари силлиқ. Нозикниҳол,
Табассуми булутнинг порлашидек.
Унинг дудоқларида, уларнинг тотини татиб кўрганамча йўқ,
Маст этувчи намлик, унинг шарбати ғоят ширин.*

Зу-р-Руммонинг сўзларига Ибн ар-Румийнинг шеъри шарҳ сингаридир:

*Мен, унинг кулгиси хушбўйлигидан
Ва қанча ҳикоя қилувчиларнинг қўзлари гувоҳлигида
Айтганларидан бошқани татиб кўрмаганман.*

Дур бу шеърларда акс маънога эга. Чунки бу ерда у эшитувнинг оғирлиги (кирлик), кўздаги оқ доғ (кўрлик), бурундаги шамоллаш (тумов), оғиздаги тахирлик, тикан

санчилиши, ётар жойдаги тош каби туюлади. Улар ал-Ваъва Димишқийнинг хасталар тўғрисидаги сўзларидан қанчалар узоқ.

*У касаллик туфайли оқариб ва сарғайиб кетди.
Ва юзи баргли нарғисга ўхшаш бўлиб қолди.
Пешонасига тер томчилари чиқади,
Худди териб қўйилган дурларга ўхшаб.*

Ас-Санаубарий деган:

*Менда ҳам соч оқариш, ҳам пулсизлик, ҳам қичима бор.
Бири бузилиш, бошқаси шум тақдир, сўнггиси оҳиста келаётган ҳалокат.
Қичима давом этса, тирноқ, тери, эт, асаблар ҳам қолмайди.
Наҳот тешиклари йўқ дур каби қўлга терилиб келаётганин кўрма-санг.
Бу кичик узум ғужуми сингари пайдо бўладию,
Тинимсиз ўса бошлайдики, узум ҳам бундай ўсолмас.
Уни «гўзаллик донаси» деб атайдилар; оҳ, менинг ҳаётим.
Оҳ, қани энди улар бу номлари билан гумдон бўлсалар.*

Сўнгра дур намлиги тушунчаси ҳамма қимматбаҳо тошларга ҳам ишлатилади.
Ас-Санаубарий дейди:

*У гулдасталар тузди, уларнинг гуллари — қимматбаҳо тошлар,
Зумрадлари нам. Олтини эса ҳўл.*

Бундан кейин бу тушунча зумрад ва олтиндан тубан турадиган мунчоқларга ҳам ўтди. Шоир ёзган:

*Оҳ, намли гагат шохи,
Сен туфайли дур қайғуда қолди.*

Абул Қосимнинг Абу Таммомга ёмон назар билан қарамоғига унинг қуйидаги шеърлари ҳақида айтганлари гувоҳ ва бу сенинг ишончингни кучайтиради.

*Дур каби юлдуздаги ҳар бир тутилишни ёмон деб биламан,
Аммо Қуёш ёки Ойдаги тутилиш бундан-да ёмонроқ.*

Ёритгичларнинг тутилиши уларни бошқа ёритгич ёпиб қўйганда юз беради. Унда улар бир-бирининг ҳаракат даврасида тўқнашадилар. Аммо фалакиётчи олимлардан бошқа ҳеч ким бунинг вақти-соатини топа олмайди. Бунда ҳеч қандай ёмонлик йўқ.

Чунки бундаги ёмонлик, эҳтимол, унинг ҳаммага кўринмоғи (ва ундан одамларнинг хавотиридан)дир⁵⁹. Абу Таммом юлдузларнинг тутилишини ёмон дейди. Ҳар иккала ёритгичнинг (Қуёш ва Ой) тутилиши янада ёмонроқ, дейди. Аммо аёндинки, бу ерда «ёмон», «ёқимсиз» маъносида иккала ёритқичнинг йўқолмоғи ва тутилмоғи ёқимсиз. «Қуёш тутилиши», ва «Ой тутилиши» сўзлари бу ёритгичларнинг бирида ёки икковида ҳаракат чоғи нурнинг йўқолмоғи (бирини-бири тўсиб туришидан) ёритқичнинг кўринмаслиги сабабли ишлатилади.

Бир вақтда иккала тутилиш оламнинг бузилиши вақтида юз бермоғи мумкин. Оллоҳ таоло деган: «Қачонки кўзлар хиралашиб, ой қорайган чоғида Қуёш ва Ой, бир-бири билан қовушади...»(Қуръон: 75-сура, 7, 9-оятлар)⁶⁰.

Кимки «кусуф» сўзини иккала ёритқичга боғласа, у Ой тутилиши (ҳусуф) сўзи билан чалкаштирмоқдан ўзини сақламоқчи бўлади. Ой тутилиши баъзан ер қимирлаш вақтида бўлиб ўтади.

Юлдузларга келсак, гоҳо Ой уларни беркитиб қўяди. Қуёш ҳам худди шундай қилади. Буни тутилиш дейилади, чунки улар бу вақтда нурдан маҳрум бўладилар. Гоҳо шундай ҳам бўлмоғи мумкинки, Ой жуда заиф нур беради. Шунда юлдузлар қоронғуда кўринмай кетадилар. Бир юлдузнинг бошқа юлдузга муносабатига келсак, бунда ютиб юбориш эмас, қўшилиш юз беради. Фалакиётчи олимлар одатига кўра, буни тутилиш дейдилар. Аммо бу ҳолатга беркиниш ва бирлашув тушунчалари кўпроқ тўғри келади.

Абу Таммом бу тўғрида сўзлайди. Чунки бу у мансуб бўлган тоифанинг одатидир.

Аммо бундай ҳодисалар нурнинг заифлашувига тўғри келадиганлиги сабабли одамлар уни пайқамайдилар. Улар Қуёш ва Ой билан бўладиган ишлар юлдузлар билан ҳам юз беради, деб ҳисоблайдилар. Чунки улар учун бундай ҳол аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган. Бу иккала ёритгич билан бўладиган иш уларни тушунмоққа яқин. Чунки улар тун ва куннинг аломати. Уларнинг тутилиши маълум ибодат белгилаш муҳлатини кўрсатади. Бу худди эртанги ва кечки ҳар кунги Қуёш чиқиши ва ботиши вақтидаги ибодатлар сингаридир.

Тутилиш чоғи ибодатлар қилинмоғи халқда хавотирлик ва қўрқувни кучайтиради. Айниқса, бунга турли маҳмадоналарнинг сафсаталари ва мунажжимларнинг, гўё ой ва Қуёш турли катта ва кичик ишларга таъсир кўрсатмоғи тўғрисидаги беҳуда алжирашлари қўшилганда қўрқув яна авж олади. Одамлар эса хоҳ хос, хоҳ оми бўлсин, ҳаммалари бировлар гўёки Қуёш катта ишларга, Ой эса кичик ишларга бошдирлар деб ишонадилар.

Абу Таммомга келсак, Абул Қосим унга нисбатан кўп ҳолларда ноҳақ бўлган.

ДУРНИНГ ХОССАЛАРИ ВА УНИНГ ЗАРГАРЛАР ОРАСИДАГИ ОТЛАРИ

Дурнинг оти заргарлар орасида кўпинча қиёслаш асосида берилади. Шунинг учун турли халқларда турлича. Бу замон ва маконнинг турлича эканлигидан келиб чиққан. Яъни турли халқлар ва даврлар таъсирида юз берган. Шунинг учун биз Ал-Киндий келтирган дурнинг турли отларидан воз кечамиз.

Ҳиндчасига дурни муто⁶¹ дейдилар. Ҳиндистонда шундай отга эга бир шоҳ бор. У Кашмир билан кўшни ерларда яшовчи турклар душманлиги ва улар устидан қозонган ғалабалари билан донг чиқарган.

Дурнинг хилларидан бири *ғўлинга* ўхшаш бўлади. У уйғун (кўзлар) деб аталади. Бу сўз бирликда ишлатилмайди. Дур тўғрисида гапирганда *аъйн* (кўз) сўзини ишлатмайдилар. Олтинга нисбатан *аъйн* ишлатилганда ҳам кўплик қўлланилмайди ва *уъюн* дейдилар. Дурнинг бу тури кўз ғўлагига ўхшаш юмалоқ. Агар ранги қизил, суви кўп ва ёрқин бўлса, уни нажм (юлдуз) ва хушоб (суви ёқимли, хушоб) дейдилар.

Дурнинг бошқа бир хили — узунроқ бўлади (тухумсимон шаклда). Сирти текис ва юмалоқ. Кўй қумалоғи донасига ўхшаш. Форсчада *пашаки* дейдилар, гоҳо уни зайтун мевасига ўхшатиб *зайтуний* ҳам дейдилар. Гоҳо эса ҳойадийс, яъни тухумсимон деб ҳам атайдилар.

Дурнинг хилларидан бирига *ғуломий*⁶² деб аталувчиси киради. Унинг туби юмалоқ, юқори қисми конуссимон учқирлашиб боради. Қуйи қисми юмалоқ ғўлиннинг сегментига ўхшаш бўлади. Уни қалпоқчага ёки тагини кўзанинг тагига ўхшатиб форсчада *бод-рисиқий* дейдилар. Чунки дурнинг охириги навини *бодраса* дейилади. Уларга яна *фўфалий*⁶³ ҳам киради. Унинг таги текис, юқориси эса гумбазсимон, фўфалий дарахтининг мевасига ўхшаш. Улар қаторига бодомсимон дур ва арпа донасига ўхшаши ҳам киради, уларнинг қирралари ўткирдир. Уни форсчада жавдона, яъни арпа донаси, дейдилар. Яна тишли дур ҳам бўлади (мударрас). Унинг чизиқлари ноаниқ. Чунки тишчалар ва чуқурчалар билан синдирилган. *Кулзум* дури шу *Кулзум*⁶⁴ денгизининг номи билан аталган. Унинг донаси кўпинча тишсимон, нотекис юзага эга.

Цейлон (Шри Ланка) дурлари орасида мударрас ҳам бўлади. У гўё бир неча доналардан иборатдир. Улар бир дона бўлиб бир-бирига ёпишганлар. Лекин ўртасида боғловчилари бор.

Ар-Роъий бундай шеър ёзган:

*Хулкар ярқирайди ва нур сочади,
Худди ўртасида белбоғли дур каби.*

У барчасини битта дур деб атамоқда. Ваҳоланки, улар олтига. Араблар ҳам олти юлдуздан иборат Хулкарни битта юлдуз деб биладилар. Боғловчи эса Хулкарнинг жанубий қисмидаги икки юлдузни, шимолидаги тўрт юлдузни боғлаб туради. Бу иккала қисм бир хил эмас. Шимолий қисм каттароқ. У шарққа қараб чўзилган. Унинг қаршисидаги эса аксинча, жанубга қараб чўзилган ва тўсиб қўйилгандек кўринади. Дурнинг яна бир хили *музаннардир*. У камарбаст дейилади. Яъни бели боғланган. Баъзилар уни *камар пушт* демоқ тўғрироқ дейдилар, бу бели букри, *эзилган* демакдир. Бу ўртасида бўғими бор туридир. У айланасига белбоғ билан боғлангандек. Сотиб олаётганда бу турга нисбатан жуда эҳтиёт бўлмоқ керак. Чунки бундай дур икки бир хил дурнинг пўсти бирлаштириб, бир-бири билан қўшилган ва ичи ганч хамири билан тўлдирилган бўлмоғи ҳам мумкин. Бу хамирга пишлоқ қўшиб қорилган бўлади ва сувда ивимайди; сандарак елимига қорилса ҳам шундай бўлади. Бўлиши мумкин, чунки, дур пиёзга ўхшаган нар-

са — унинг бир қатлами иккинчисини ёпиб туради. Гоҳо бундай дурни чиғаноқнинг ички қобиғидан ясайдилар. Бунга уни юмшатмоқ, устки қатламини ўткир пичоқ билан кесмоқ, сўнг асбоб ёрдамида қирмоқ билан эришадилар. Бундай асбобдан заргарлар дур бўлакларини қирмоқда фойдаланадилар. Яна талқдан⁶⁵ сунъий равишда тайёрланадиган дурлар ҳам бўлади. Талқни буғланиб бўлган сутни буғланиб қуритилган симоб билан аралаштириб пайдо қилинади. Бунинг ҳаммасини пишлоқдан ясалган елимга солинади ва аралаштирилади. Сўнг табиий дурга ана шу сунъий қоришмадан ранги ва ҳажми унга тўғри келадиган бўлагини қўшадилар. Бу сунъий усул табиий дурга яқин дурни пайдо қилади. Бундай сунъий усул билан яратилган дур бошқа дурни эритиб буғланган сирка ва лимон ачитқисида ясалганидан кўра табиий дурга яқинроқдир.

Менинг ўзим билан мана бундай бир ҳодиса содир бўлган. Бир маҳал мен бир зиёратчидан (Бағдоддан) дори-дармон келтирмоқни сўрадим. Шу жумладан дориларга аралаштирув учун тайёрланган майда дур келтиришини ҳам сўрадим. Бундай нарсанинг юракка фойдаси бор. Бағдодлик савдогар мен юборган одамдан сўраган нарсаларининг харидори кимлигини, яъни менинг ҳақимда сўрай бошлаган. У мени таърифлаган ва шошиб-пишиб бундай дурнинг менга нега кераклигини айтган. Бағдодлик шунда икки кичик юмалоқ донани олган, уларнинг ранги фақат туя кумалоғининг рангига ўхшар эди, ва деган: «Унга етказа бер — (у мени кўзда тутмоқда) — менга отамдан бой мерос қолган, уни мен дур тайёрламоққа сарф этганман. Охир оқибатда ана шу икки юмалоқ донага эга бўлдим. Сен ўз ҳаётингни ва пулингни асра, уни менга ўхшаб беҳудага исроф этмагин. Вас-салом».

Денгиздан олинадиган дур чиғаноқларининг ёки уларга ўхшаган нарсаларнинг юқори қисмига мум ёрдамида ёзув қиладилар, шишиб турган, равшан кўринадиган ҳолда қолдирмоқни истаган жойларини беркитадилар. Кўпроқ паст ва чуқаноқ қилмоқчи бўлган жойларини эса очиқ қолдирадилар. Шундан сўнг чиғаноқни нўшадил аралаштирилган ўткир сиркага солиб, унда бир неча кун қолдирадилар. Сўнгра ундан олингач, маълум бўладики, чиғаноқ оралиқлари ейилиб кетган ва чўтир қолган бўлади. Мум билан беркитилган жойлар эса бўртиб чиқадиладар. Менимча, сиркани эмас, лимон кислотасини (жавҳар лиму) нўшадил билан аралаштирилса, янада таъсирчанроқ бўлар эди.

Яна хушқоб деб аталадиган дур бор. У Хитой дури⁶⁶. Уни Қатой мамлакатига нисбат берадилар. У хира рангли, оқлиғи ганчсимон. Унда сув йўқ. Унда ярқироқлик кам. Бу турга мансуб дур ўз белгилари билан майда тошчаларга ўхшайди. Шунинг учун у хушқоб (сувсиз, курук) дейдилар. Бу дур хушоб (суви ёқимли) дурининг зиддидир. Унинг нархи бошқа хил дурлардан паст бўлади. Одамлар бу дур сунъий равишда ясалган, деб ўйлайдилар.

Шаҳид бўлган бахтли Амир Масъуд бир маҳал ўз воситачаларидан бирини шундай деб айблади. У эса ғазабланган ҳолда келди ва доналардан бирининг пўстини пичоқ билан арчиб деди: «Шундай нарсани қўл билан ясаб бўладими?». Аммо бу одамнинг гаплари ҳам, қилиқлари ҳам бу гапни рад қилмоқ учун исбот бўла олмайдиар. Чунки сунъий дур ясай оладиган киши ундаги пўстлоқларни шундай жойлаштира оладики, уларни бирин-кетин сидириб олмоқ мумкин бўлади.

Кулзумий дур ранги жиҳатидан хитойига ўхшаш. Аммо унинг нуқсони – емирилганлик. Кўрғошинсимонлиги ва кўпроқ сезиладигани қорамтирлигидир. Райлик оға-инилар дейдиларки, гоҳо кулзумий дурлар орасида хушоб турига мансуби ҳам учраб қолади. Улар шу йўсинда ғуломи турдаги дурдан $\frac{1}{2}$ ва $\frac{1}{4}$ мисқолларини сотиб олганлар.

Ҳамза турли хилларга мансуб дурларнинг отларини эслатиб ўтган. Улар орасида шахвор, яъни шоҳона дегани бор. У энг шарофатли ва нодир турдир. Хўша (бошоқ). Бу билан демоқчиларки, у бир дон бўлсада, бошоққа ўхшаб кўп донлардан ташкил топган. У худди мударрас янглиғ бир неча доналардан тузилган. Яна дурро-марварид — бу оро марварид дегани (ясанишга ишлатилувчи дур). Форсларда марворид деб майда донани тушунадилар; даҳрам — марворид⁶⁷ — энг йириги, бунинг арабийлашган номи дурра.

Юлдузларнинг юксак моҳияти фақат алоҳида кишиларгагина маълум. Қимматбаҳо тошларнинг баланд нархи ҳаммага маълум. Шунинг учун нур сочадиган жуда катта юлдузни дурга ўхшатадилар. Айрим ўкувларда бундай юлдузнинг номи дурга олиб келинган. Масалан, «ал-кавкаби дуррий» (дуррий юлдуз). Агарда одатлар ва урф-одатлар бўлмаганда, улар илмий ҳақиқатни аниқлов йўлидаги тўқинлар бўлар эди (Қуръон: 24-сура, 35-оят) «ад-Дуррий ал-каваб»⁶⁸ (дуррий юлдуз) демоқ тўғрироқ бўлган бўлар эди. Бу худди дурни юлдуз (нажм) деб аталишига мос тушар эди.

Ахир, араблар тан оладиларку, Қуръон Оллоҳ сўзларини уларга қаратилганларга тушунтирмақ учун туширилган.

Абу Таммом айтган:

*Дурлар порлоқ юлдузлар сингаридирлар
Пўсти оддий эмас, гўзаллик чиғаноғи билан ўралган.*

Наср эслатадики, дурнинг турлари орасида тоза дур кетидан қалайий тури (расоса) келади. Унга оқ рангли сарғишсимон дур киради. Шунинг учун уни сомоннамо (табиий) дейилади. Сўнг Қуёш рангидаги дур келади, бу ёсуман рангидир. Шунинг учун уни ёсуманий (самин) дейилади. Сўнгра сутсимон, шунинг учун уни сутли (ширбом) дейилади. Бундай ўзгаришлар дур чиғаноқ ичида эканида юз беради. Агар сув кам бўлса, чиғаноқ Қуёш иссиғига яқин бўлади ва одам танаси Қуёш тобида қорайгандек қораяди. Шундан дурнинг ўзи ҳам ўзгаради. Сўнгра Сарандиб денгизида бўладиган дур келади. Бу дурнинг оқ рангига қизғишлик аралашиб кетади, шунинг учун унинг номи гулгун (варда). Мен лекин мис рангидаги дурларни кўп кўрганман.

Наср дейди: бузилган дурлар орасида *шарроба* деб аталадиган тури ҳам бор. Унинг чиғаноқлари бир-биридан ажралган, орасига ҳаво кириб уларни қуритган. Агар бундай дурни сувда ивителиса, чиғаноғи яна бирлашади. Аммо бу алдовдир. Шаббода тегиши билан бир оз вақт ичида улар олдинги ҳолатига қайтади. Яъни ажралишади. Алдов фош бўлади. Шарробага ўхшаш дурлар қаторида Наср биринж (бронза) дейилган турни ҳам эслатади. Унинг пўсти нафис, ичи эса лойқа. У оз фурсат сақланадию, сўнг ишга ярамай қолади. Яна бошқа бир тур бор. У оқ ранг заиф қизғишликка эга, *варақ* дейилади. У ҳам тез бузилади.

Ал-Киндий *курӯш* (*ошқозон*) турини ҳам эслатган. У сув билан тўла биргина ўрам билан қопланган, пўсти эса қора. Уни терадилар ва оқиб тушган сув ўрнини мастика (турли таркибга эга хамирсимон модда) билан тўлдирадилар.

ДУРНИНГ НАРХЛАРИ

Одатда дурнинг вазни мисқолларда, нархи эса Нишопур динорларида белгиланади. Қиёсламоқ учун эса унинг юмалоқ *нажм* (юлдуз) ва *буйн* дейиладиган доналари ишлатилади.

Райлик оға-ини заргарлар дейдиларки, нажм дурининг донаси агар бир мисқол бўлса, баҳоси минг динорга тенг бўлади. $\frac{1}{2}$ ва $\frac{1}{3}$ ($\frac{5}{6}$) мисқол дурнинг баҳоси саккиз юз динор; $\frac{2}{3}$ мисқоли беш юз динор туради. $\frac{1}{2}$ мисқоли — икки юз динор, $\frac{1}{6}$ — беш динор, $\frac{1}{8}$ — уч динор ва $\frac{1}{12}$ мисқоли бир динор, ғуломий турининг баҳоси нажм баҳосининг ярмича.

Ал-Киндий айтадики, тухумсимон донанинг баҳоси, агар вазни бир хил бўлса, юмалоғининг ярим баҳосига тенг; бели боғлиғи (музаннир)нинг баҳоси, агар вазни бир хил бўлса, юмалоғи баҳосининг $\frac{1}{5}$ миқдориди. У яна айтганки, дурнинг бошқа турлари бир мисқоли ўн динор туради.

Нажм тури одатдагидек шундоқ турдаги Уммон ва Баҳрайндагидан баҳоси камроқ бўлади. Райлик оға-инилар айтадиларки, Баҳрайн нажми, агар юмалоқ бўлса, юксак даражада гўзал бўлса донасининг вазни $\frac{1}{2}$ мисқол бўлса, уни дурра дейдилар, минг динор туради. Икки мисқол дурнинг эса баҳоси йўқ, унга қанча хоҳласанг шунча баҳо қўя бер, ҳақиқат юзасидан бу сенга гуноҳ бўлмайди.

Ал-Киндий дейдики, иккала чети барабар юмалоқ бўлган тухумсимон дур сал чўзилган шарга ўхшашдир. Бир чети юмалоқ, бошқа чети ўткирлашган дур мукаммал эмас — бу тухумсимондан кўра арзон баҳоланади. «Ятима»нинг вазни уч мисқол. Унинг чиғаноғи бунинг ҳамшираси (синглиси) туғилмай туриб ўлган. Шунинг учун «Ятим» (етим) дейилган. Унга ўхшаш дур «Фарид» ҳам дейилади. Чунки унга тенглашадигани йўқ. Шунинг учун уни маржоннинг ўртасига ўрнатадилар ва «Ал-Қилода» деб атаганлар. Бу иккала муаллифдан ташқари бошқалар айтадиларки, кўпчиликнинг фикрига кўра, баҳо ва вазн хусусида қиёсламоқ учун намуна бўлиб юмалоқ дур хизмат қилади. Баҳрайндаги нархлар бундай: $\frac{1}{6}$ мисқол вазнли донанинг нархи икки динордан уч диноргача; $\frac{1}{3}$ мисқоллини ўн иккидан йигирмагача; $\frac{1}{2}$ мисқоллиси ўттиздан эллик диноргача; $\frac{2}{3}$ мисқоллиси етмишгача; мисқоллиси — юз диноргача; бир мисқоллиси икки юзгача. Бундан сўнг ҳар бир қўшимча данг вазнга баҳоси юз динордан кўпая боради. 1 $\frac{1}{2}$ мисқолдан кейин бир данг учун беш юз диноргача ошади. Вазни икки мисқолга етганда баҳоси икки минг динор, уч мисқолда уч минг, лекин бу адолатдан эмас, чунки уч мисқол ва ундан ортиғининг баҳоси ундан ортиқ бўлмоғи керак.

Яна у дейди: дахлаки тури — кўрғошин ранглисининг баҳоси Макка мағрибий динорида — бир донгига икки динор, икки донгига ўн динор бўлади. Аҳёнда Кулзумий тури орасида йирик дурлар учраб қолади. Агар бундай дур емирилиб кетмаган ва ёриқлари

Абул Фараж ибн Ҳинду дейди:

*Энг қимматли дурнинг ҳам қиммати йўқдир,
Чиғаноғин синдириб айирмагунча.*

У яна ёзган:

*Дур қизларнинг бўйнида кўркам,
Чиғаноқда эса кўрки яширин.*

Ибн ар-Румий айтган:

*Фазилатлар кўпол одамлардан кўра,
Нозиктабъ одамларда кўп.
Дурни нозик ипларга терадилар.
Дур нодирки, арқонга термаслар уни.*

Тибга оид китобларда айтилишича, дурнинг тешилмаган ҳолда дори-дармонлар учун ишлатилмоғи кўз учун қилинадиган сурманинг турли хилларида воқеъ бўлади. Бунинг учун у туйилган ҳолда олинади. Ўйиб тешмоқ ҳам туймоқнинг бир хилидир. Лекин дур билан даволаганда ўзлари тешиқлар орқали келадиган заҳардан зарар топмаслари учун ва ички органларни ва кўзни зарардан сақламоқ учун дурни туядилар. Бироқ, даволашда йирик ва майда дурлар баравар ишлатилади. Аммо майдалари арзонроқдир. Эҳтиёткорлик шундан иборатки, заргарларнинг одат қилганини қилмаслик керак. Заргарлар дур ёки бошқа қимматбаҳо тошларни қараб чиқишдан олдин уларни оғизларига солиб ҳўллайдилар ва энглари билан артадилар. Ваҳоланки, заҳарлар орасида шундайлари ҳам бўладики, озгина миқдорда бўлсалар ҳам ўлдирадилар. Ҳатто ҳидлари ҳам ўлдиради. Шунинг учун ҳеч қандай дурни то уни тозалаб юлмагунча оғизга олмаслик керак. Дур тизилган ипни эса бир неча марта у ёқдан бу ёққа у тоза бўлгунгача тортиб ўтказмоқ лозим. Ҳасан ибн Али⁷³ тўғрисида ҳикоя қиладиларки, у қимматбаҳо тошлар тўғрисида кўп нарса билиши билан ажралиб турар эди. Шунга қарамай, унга нархини белгилаб бермоқ учун тошларни келтирганларида уларнинг заҳаридан ўлган⁷⁴. Унгача Оллоҳ жангчиларидан бири ҳам худди шундай ўлган эди.

Дейдиларки, дур қотган ва денгиздан тортиб олинганидан кейин бузилиш хавфига дучор бўлмоғи мумкин. Агарда бошданоқ унинг ичида чириш, емирилиш, шунингдек ўйиб ишлов берилганда синиш ёки ўрамасида ажралиш юз берса шундай бўлади. Шу сабабли унинг баҳосини билганлар ўзлари, айниқса, қимматбаҳо доналарни ўймоққа ботинмайдилар. Уларни дурнинг баҳосини яхши билмайдиган шогирдларига топширадилар. Улар эса дадил ишламоқда давом этадилар. Бахтсиз ҳодисадан кўрқиб қўллари титрамайди. Чунки буни хавфсираб қилинса, ўйиш вақтида бирор кор-ҳол содир бўлмоғи мумкин ва дур парчаланиб кетади. Гоҳо улар шогирдларини шапалоқлайдилар, йиғлатадилар, шу билан хаёллари чалғишидан асрайдилар. Дурлар ўйиб ишлангандан

сўнг, хавф-хатар чекинади, ўшанда унинг ичида нима борлигини биладилар. Бир вақтда чириш туфайли пайдо бўлган иссиқлик бу тешик орқали чиқиб кетади, ўша тешик орқали ҳаво ҳам кириб келади. Бу тиш оғриғига ўхшайди. Агар тишни ўйилса, ё тешилса оғриқ тўхтагани сингаридир. Илдизлар орасида тиш яратган иссиқлик ўшанда йўл топиб чиқиб кетади. Гоҳо шундай ҳолатда тишни суғуриб олинса, оғриқ дарҳол тўхтайдди. Агар унинг яқинидаги бузилган қонни (маддани) чиқариб юборилса ҳам шундай бўлади. Биз ўйиб ишлаш тўғрисида айтиб ўтганимиздек сайқаллов ва бошқача ишловлар ҳаммаси шогирдларга юклаб қўйилган.

Лебид деган:

Сув уларнинг елкасини сайқаллайди.

Бу шогирдларнинг янги дурни сайқаллашларига ўхшайди.

ДУРНИНГ НУҚСОНЛАРИНИ ТУЗАТИШ

Ҳайвонлар ўсимликларга қараганда тезроқ чириб бузиладилар, ўсимликлар эса минераллардан кўра тезроқ. Бу ҳаммаси улардаги намликка боғлиқ. Чириш ўша намликни табиий найчалар орқали иссиқлик чиқариб ташламоққа ожиз бўлиб қолганида тез ривож топади. Ўша найчалар чириш манбаи билан боғланганлар.

Дур — ҳайвон организмнинг бир бўлаги ва унинг суякларига ўхшайди. Эскирмоқ унинг рангини ўзгартиради, уни чириш ва бузилишга яқинлаштиради⁷⁵. Материянинг ўзида бунинг оқибатларини тузатиш бўйича ўсишни тикламоқдан бошқа восита йўқ. Фақат шугина уни аввалги аҳволига қайтармоғи мумкин. Дурнинг эскириши — қариллик туфайли заифлашувнинг худди ўзгинасидир. Кексалик келиши билан ёшликнинг қайтмоғига ҳеч қандай умид қолмайди.

Агар дур рангининг ўзгариши соч оқармоғига ўхшаб пайдо бўлса, бундан уни бўяш орқали қутилмоқ мумкин. Аммо бу алдовдир. Агарда ранг тасодифий ташқи шароит таъсирида ўзгарса. Масалан, кирлик, тер, буғланиш. Ёғ ва атирдан бўлса, ундан қутулмоқнинг энг яхши воситаси бузилган устки қатламни кўчириб олиб ташламоқдир.

Дейдиларки, бир дурни пайпаслаб кўрганда у бошқалардан илиқроқ туюлса, бу унда қурт борлигини исботлайди. Эҳтимол, ана шу унинг ўйилмоғига биринчи сабабдир. Ахир гўштда, сочларда, суякларда қурт пайдо бўлса, уларнинг ориқланиши ва ейилмоғига ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ. Шунга ўхшаб Иёс ибн Муъовия⁷⁶ хулоса қилгани, унинг уйи саҳнидаги бир ғишт остида илон бўлган. Чунки ўша ғишт бошқаларидан кўра ҳеч қандай ташқи сабабсиз илиқроқ экан.

Гоҳо дур чиғаноқ ичида эканида ўша чиғаноқнинг озукаси ярамаслиги натижасида касалланади. Масалан, Кулзум дурида унга ёпишган қумни топадилар. У дурга ёпишиб қотиб қолган. Гоҳо дур ичида сассиқ сув бўлади. Шунда уни тешадилар, ичини сувдан бўшатиб мой билан тўлдирадилар. Уммон дури юксак сифатлидир. Чунки у яхши озукка берадиган жойга, яхши ҳавога ва чуқур жойдаги сувга эга. Биз ўз олдимизга қўйган вашифа, яъни дурнинг нуқсонларини тузатмоқ алкимёгарларнинг ўз олдига қўйганларига ўхшаб кетади. Текширишдан бошқа тўғри йўл йўқ. Тажрибада синаб кўрмоқдан

муваффақиятга элтувчи бошқа қўлланма ҳам йўқ. Биз бу тамалдан ҳеч қаёққа чекинмаймиз. Биз ҳар турли ҳикоячиларнинг айтганларига суяна олмаймиз. Улар одатда ҳамма билганларини айтиб бермоққа, айниқса, хасислик қиладилар, ёки алдов мақсадида яширадилар. Жумладан, улар ўзларининг берган кўп хабарларида дурнинг нуқсонини тузатмоқ учун оловдан фойдаланмоқни маслаҳат берадилар. Ваҳоланки, олов амалда ҳар қандай суякни бузади ва уни оҳақка айлантириб юборади. Агар олов жуда кучли бўлса у дурни бутунлай бузиб ташлайди.

У дурга оловнинг таъсири тўғрисида ғозийлар⁷⁷ Ужайна чегарасидаги⁷⁸ конларда зумрад билан бўлган ҳодиса гувоҳлик беради. Дарҳақиқат, қўрқоқлар учун оловни қўлаш безак бўла олмайди. Ужайнанинг ҳокими Далаҳара⁷⁹ амир Ямин уд-Давла қўлида асир эканлигида унга хат ёзиб деган: «Бу тентаклар сенинг катта миқдордаги қимматбаҳо тошлардан маҳрум бўлмоғингга сабабчи бўладилар. Уларни ҳайдашни буюргин. Шундан сўнг ўт қўйсалар қўяберсинлар». Аммо Ямин уд-Давла, унинг одати ҳамма айтилганларнинг тескарисини қилмоқ, ўжарликдан тенгсиз эди. Охири ёнғин тўхтаганида кулларни тита бошладилар ва уларда йирик қимматбаҳо доналарни топдилар, улар худди табошарда қирилгандек эдилар. Бир неча қизарган ёқутдан бошқа ҳеч қандай фойдали нарсани топа олмадилар.

Дейдиларки, араблар дурни фил суяги деб атаганлар. Чунки улар фил суягидан одатда ўзларига зийнатлар ясар эдилар.

Бир бадавий деган экан:

*Холиба қўлидаги Уъмайранинг суви ҳам
Фил суяги кабидир, сарғишлиги яширин ёқимлидир.*

Гарчи «беркитилган, яширин» дегани дур учун мақтовли сўз бўлсада, мен шундай деб ўйлайман. У хусусан фил суягини кўзда тутган. У (фил суяги) дур сингари сарғаяди. Ҳикоя қилганлар, араблар ва ҳиндларда одат борки, улар фил суягидан нозик билакузуклар қиладилар. Бундай (безакли нарсалар) турлича кенгликда бўладилар ва ўша аёлларнинг билаклари семизлигига тўғри келадилар. Уни вақф дейдилар.

Ан-Нобийға ал-Жаъдий деган: «У вақф сингаридир, фил суягидан қилинган, ундан хушбўй мушк ҳиди келиб туради. Уни Ямандан келтирадилар».

Агарда бу фандан қимматбаҳо хазиналарни нуқсондан сақламоқда фойдаланиш умиди бўлмаганда, суянмоқ мумкин бўлмаган бундай фандан юз ўгирмоқ маъқулдир.

Наср дейди: агарда дурдан сув тушиб кетса ва у хиралашиб қолса, уни бўлак-бўлак қилиб кесилган думба ёғи орасига қўйиб, ёғни нордон хамирга ўраб қозонга солмоқ ва оловда қиздирмоқ керак. Дурни чиқариб олгач, унга оқлик (камфара) суртмоқ лозим. Яна айтадиларки, бундай ҳолларда дурни гурунч унига кўмиб бир неча кун сақланса, ундан кетган сифатлар яна қайтадан тикланади. Агар дурни илик ва қовун шарбати билан даволаса ҳам шундай бўлар эмиш.

Дейдиларки, бузилган дурни ажратмоқ учун уни ўткир сиркага солиб қўйиш керак. Бу сиркада бир карат ишқор, нашатир, икки ҳабба тинкар⁸⁰, бир ҳабба бўр⁸¹, уч ҳабба тўйилган ишқор⁸² (сўндирилган оҳақ) солинган бўлиши лозим. Ана шуни яхшилаб те-

мир идишда қайнатмоқ керак. Сўнгра идишни ўтдан кўтариб оладилар ва совуқ сувга соладилар; сўнгра дурни андарон тузи⁸³ билан ишқалайдилар ва охири сув билан ювадилар. Лекин бунда бутун бир қатлами ёки устки ўрамаси тушиб кетиш хавфи бор. Агарда дур руҳлардан ўзгарган бўлса, уни лой билан шувалган шиша идишга солмоқ лозим. Бу идишга баравар миқдорда совун, ўчирилмаган оҳак, андарон тузи солиб сув, шароб сиркаси қуйиб заиф оловда қайнатмоқ керак; муттасил совун кўпиги олиб ташланиб туради, бу то у кўринмай қолгунча ва идишдаги нарсалар тоза бўлгунгача қилинади, сўнг дурни ажратиб олиб, у ювилади.

Дейдиларки, сарғайиб ва қорайиб кетган дурни пахтага ўрайдилар ва райаҳий камфара⁸⁴ (оқлиғи)га соладилар, сўнг кирбос (сурп мато)га⁸⁵ ўраб тоза симоб солинган идишда осиб қўядилар, бу идишни ўчаётган чўғда бир юз элликкача саналадиган муддатда тутиб турадилар. Сўнг идишни ўтдан олиб совутадилар. Бунда уни шамолдан асрамоқ керак.

Агар буни такрорламоқ лозим бўлса, такрорлайдилар. Агар қорамтирлик дурнинг юзасида бўлса, дурни анжир сутида қирқ кун ивитадилар. Сўнг бунинг ҳаммасини идишга қуядилар. Идишда баравар миқдорда олуча (маҳлаб)⁸⁶ кунжут ёғи (хирва)⁸⁷ ва камфара бўлмоғи керак. Шундан сўнг шу идишни икки соат ёнаётган кўмир устига қўйилади. Лекин ўтти пуфлаб кучайтирмаслик лозим. Шундан кейин идишни оладилар. Агарда қорамтирлик дурнинг ичида пайдо бўлса, уни мум билан шувайдилар ва лимон кислотаси солинган идишга тушириб тинимсиз чайқайдилар. Кислотани ҳар уч кунда алмаштириб турадилар. То дур оқаргунча шундай қилинади.

Агар дур сарғайиб кетса ва сарғишлик унинг юзасида пайдо бўлса, уни аввало анжир сутида қирқ кун ивитадилар. Сўнг бунинг ҳаммасини баравар миқдорда совун ва ишқор солиб қўйилган идишда юқорида айтилган қорамтирликка нисбатан қилинган ишларни амалга оширадилар. Агарда сарғишлик дурнинг ичида пайдо бўлган бўлса, олуча, кунжут ва камфорани баровар миқдорда олиб, туйиб унга дурни жойлайдилар. У чўкиб, хамирга кўмилиб кетмоғи керак. Сўнг уни темир идишга солиб, унга қўй ёғи қуядилар. Дур унга кўмилиб кетмоғи керак. Сўнг заиф оловда икки мартаба қайнатадилар, сўнг чиқариб оладилар. Агар дур қизариб қолса, уни аввал янги соғилган сутда қайнатадилар. Сўнгра уни янги соғилган сутга қуюқ қилиб қорилган хамир билан қалин қилиб шувайдилар. Бундай хамир баробар миқдорда олинган ва майда қилиб туйилган форс ишқори⁸⁸, камфара ва Яман аччиқтошидан ясалади. Шундан сўнг уни янги соғилган сут билан қорилган нон хамири ичига жойлайдилар ва тандирга ёпадилар. Агар дур қўрғошин рангида бўлиб қолган бўлса, уни лимон кислотаси (жавҳар лиму)да уч кун бўктириб қўйилади. Сўнгра уни тухумнинг оқи билан ювилади ва шамолдан асралади.

МАРЖОН⁵ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

Дейдиларки, маржон сўзи яманийлар тилида *маражту* сўзидан келиб чиққан. Яъни «мен аралаштирдим» деганидир. Чунки маржон табиий доналарнинг аралашмасидир.

⁸⁴Маржон сўзи мунчоқларнинг ипга терилган тизмаси. Беруний ўз асарида маржон сўзининг кенг умумий маъноси ва амалий кўриниши тўғрисида сўз юритмоқда (Таржимон – А. Қ.).

Шунинг учун бу дурни маржондан ажратмасликка сабаб бўлади. Аммо умумий қўлла-нишда маржон денгизда ўсадиган (ўсимлик) буссаз маржон шодасини (маржонни) ан-глатади. Кимки бундай талқинга мойил бўлса, унда ҳақиқатдан йироқ фикрлаш ва хаёл-ларга берилиш одатидан бошқа гувоҳлиги бўлмайди. Улар эса Арийбосийус⁸⁹ китобида мушк ва унинг билан бирга тешилмаган дур, маржон, афюн, асал ҳамда заъфарон олиб юрилса, ваҳимадан, (кишини) ғам-ташвишдан, юрак касалликларидан холос қилиши ҳақида келтирилган сафсаталарга ўхшаб кетади. Эҳтимол, бу ҳақиқатдир, зеро, муал-лиф ўз тилида буссазни ишлатган бўлса, таржимон ўз халқи одатига биноан бу сўзни маржон деб бергандир. Маржон эса — майда дур⁹⁰.

Шеърятга келсак. Бу талқин фойдасига ва унга қарши гувоҳлик берувчи шеърлар учрайди. Уларни такрорлов эса қулоққа ёқимли ва ақлни чархлайди.

Абу-л-Аъло ас-Сарвий⁹¹ деган:

*Кўзларимиз ёмғир тилаб дуо ўқийдилар,
Ўзлари эса шундай селоб тўкмоққа шошиладиларки,
Уларда ёшдан олдин қон келади.*

Худди дур ва маржон доимо бир тартибда ипга терилганлари сингари дур ва маржон кўз ёши ва қон билан қиёс қилинганида мазмун (қон ранги) маржон билан ўхшати-моғи туфайли хиралашади. Эҳтимол, ахир Абул Аъло ранглари эмас, фақат уларнинг бири кетидан бирининг келаётганини кўзда тутгандир.

Абд ул-Малик ал-Ҳорисий⁹² дейди:

*Шоданинг ипларида маржон доналарини дур билан ажратдилар,
Гўёки уларнинг бўйнида дўл ва ўтли чўғлар навбат билан тақилгандек.*

Агар бу шеърда маржонни майда дур сифатида тушунилса, мазмун жиҳатидан нотўғри бўлади. Чунки майда дур (тақинчоқда) йирик нарса билан ажратилмайди, агарда шундай бўлса, бу яхши эмас ва таҳсинга сазовор бўлмайди. Чунки майда дур (бу ерда) нуқсондир. Уни фақат йирик дур йўқ пайтидагина ишлатадилар. Гоҳо эса аксинча, йирик дурни майдалаيدилар. Кўз эса ажратиб кўрсатилган нарсани кўради.

Ас-Санаубарий деган:

*Дарахтлар гўё зангори либос кийганлар
Ва дуру маржон билан безалганлар.*

Оқ гулларда қизиллик ҳам бўлади. У ё гулнинг четида. Ё ўртасидадир. Бунда ҳам ўй-лаш мумкинки, маржон шодаси (буссаз)ни билдиради.

Абу Ҳайё⁹³ дейди:

*Улар ёш одамга суҳбатда (доно) сўзни тўксалар,
Ипга ўтказувчи қўлидан маржон тўкилиб кетаётгандай бўлади.*

Буссаз (маржон шодаси) — бу тош каби қотган. У тош. Дур эса суяк, тош эмас. Аммо дурни ҳам тош деса бўлади, чунки улар яқин қўшнилари. Ахир, дурга жуда ўхшаш бўлган нарсалари (дур ҳам шу қаторда) минераллардан келиб чиққан. Яна дур ва чиғаноқ қардошдирлар. Чиғаноқ ва унга ўхшашларни китобларда «лой (ғазоф)⁹⁴» дейдилар. Бу эса сунъий арзон тошдир.

Абу Нувос деган:

Оҳ, дурлар, қизил олтинлар қизилликлари орасида ялтирайсизлар.

Унинг яна айтганлари:

*У дур ва маржон билан зийнатланган,
Худди қизил камқонлилар орасидаги гул сингари.*

У ҳисоблайдики, маржон шодасида оқ дур икки қизил тош ёқут ва маржон орасида гулал кўринади. Улар ёқут ва маржон (маржон шодаси). Лекин бундай қилиб унга термоқ мақбул эмас. Фақат майда дур ҳар бир йирик дур ва ёқут орасида жойлаштирилганда, уларни ажратмоққа ва бир-биридан узоқлаштирмоққа хизмат қилади, текис юзасида ёқутнинг қизил шуъласи ялтираб кўринади, ана шу қизиллик олтиннинг рангига ўхшашдир.

Зу-р-Руммо деган:

*Маржоннинг қулоқчалари гўё она оҳуга
У осиб қўйилган Машофирнинг оҳучалари эргашгандек.*

Аммо дурларга қулоқча қилинмайди. Айниқса, майдаларига. Маржон эса кўндалангига ўйилади, у гўё қулоқчасидан осилгандай бўлади. Гоҳо эса уни ўймайдилар. Олтин ёки кумушдан кичиккина қулоқли идишга қилиб унга (маржон ўрнатилади).

Ал-Ахтал⁹⁵ сўзларини келтирамиз. Бу шеърда маржоннинг дур экани, коралл эмаслиги айтилган.

*Ёмғир томчиси (оҳунинг) шохига, елкаси ва устига тушса,
Улар маржон доналаридек бир-бир пастга думалар.*

Энди денгизлар тўғрисидаги ҳикояга ўтмоқ керак. Чунки улар дур ва маржон шодаси (маржон) туғиладиган жойлардир. Бу ҳикоя биз ҳозир машғул бўлаётган ишларни тушунарлироқ қилади.

ДЕНГИЗЛАР ТЎҒРИСИДА (БАҲР ВА ЯММ)

Тил билимдонлари денгиз тўғрисида бундай дейдилар: бу шундай жойдирки, у ерга кўп сув йиғилади, лекин у ердан ҳеч қаёққа чиқиб кетмайди. Унинг асосий белгиси энг

кўп сувли эканидир, дейди Абу Али ибн Исо. У ёзган: «Араблар тоза ва шўр сувни денгиз (бахр) дейдилар. Шундан Яратувчининг сўзлари: «У денгизларни ажратди»⁹⁶, яъни тоза ва шўрларини бор қилган.

Ҳассон дейди:

*Менинг тилим — ўткир қилич, ундан нуқсон йўқ,
Денгизим эса челақлаб сув олинса ҳам лойқаланмайди.*

Аммо пақирлаб сувни денгиздан эмас, балки қудуқдан оладилар. Бу ерда денгиз сўзи фақат муболаға учун ишлатилган. Абу Ҳанифа ад-Диноварий денгизнинг асосий белгиси маконнинг катталигидир, деб ҳисоблайди. У ҳатто дейди: «Биҳор» сўзи ерга нисбатан кенг маъносини англатади. Бирлиги баҳр бўлади.

Селни тасвирлаб Қусаййир⁹⁷ дейди:

*У ўздан сўнг қўпорилган арақ ва танзуб⁹⁸ дарахтлар,
Денгиз яқинида эса кўм-кўк қўлмақлар қолдиради.*

У бундай демоқчи: чунки, ёмғир суви тушган заҳоти рангсиз бўлади. Турабергач, у кўкка айланади.

«Девонул адаб»да айтилганки, денгиз каттароқ бўлмоққа, яъни кенгаймоққа (истибҳор) интилноғи учун денгиз деб аталган. У яна дейдики, баҳр — сувга мўл катта оқимдир. Бу ном маълум сувларнинг йиғилмоғига берилади. У яна денгизнинг кўп сувли (бошқа оз сувлиларга нисбатан) эканини ёзади. Шундай қилиб бошқа бирор нарса билан қиёс қилинганда, бу ном тушиб қолмоғи мумкин. Масалан, Нил — бу ўз ирмоқлари ва қўлтиғига нисбатан баҳр дейилмайди. Сурия денгизи ҳам баҳр дейилмайди. Сурия денгизи уни ўраган денгиз — (океан)га нисбатан кўрфаз бўлмоғи мумкин.

Гоҳо Мисрдаги Нилга ҳам денгиз номи (ямм) берилади. Чунки, қачонлардир Мисрнинг ҳамма ери денгиз бўлган. Сўнгра сув тортилиб-тортилиб тушиб кетган. Бунга сув ёки шамол орқали тупроқнинг келиши сабаб эди ва бу ерда етти қўлтиқ пайдо бўлган. Буларнинг ҳаммаси қадимий муаллифларнинг китоби орқали маълумдир. Дейдиларки, баҳр номга *абхар ал-маъ* сўзидан олинган. Бу эса шўрсув дегани ва *мо баҳр*, яъни шўрланган сувдан олинган. Чунки денгиз суви одатда шўр бўлади.

Нусойиъиб деган:

*Ерда сув шўрланди ва нотоблигимни оширган нарса
Ширин ичимликнинг шўрлануви бўлди.*

Дейдиларки, денгизнинг баҳр (тилиниш) деб аталганига сабаб унинг туби узоқ ва ер юзаси тилинган ва чуқурлик ташкил этиб чўккан. Шундан баҳара (туя урғочиси) сўзи келиб чиқади. Урғочи туя бешинчи бор болалаганда сўнг унинг қулоғини кесади-лар. Яъни дейдиларки, *ат-табаҳхур фил иълм* (фанга киришиб кетмоқ) олим илмни бошидан охиригача чуқур эгалласа шундай бўлади. Яна дейдиларки, денгизнинг баҳр

дейилмоғига сабаб (бахр — юз рангининг ўзгариши) унда қуюқлашув ва хиралашув ту-
файли сувнинг рангининг ўзгармоғидир. Қонни ҳам агар у қуюқ ва қора бўлса боҳир ва
бахроний дейдилар. Лужжул баҳр (очиқ денгиз) — бу шундай жойдирки, унда сувнинг
мўл-кўллиги ва ернинг кенглиги учун қирғоқ кўринмайди. Яна айтадиларки, лужжни
шарм ҳам дейилади, баҳр ўрнига шарм демоқ ҳам мумкин. Чунки унинг эгаллаган мако-
ни қуруқликдан ажралган, шарм ва баҳр дегани узилмоқни билдиради.

Шоир деган:

Истардимки, Аълвани севганим учун

Ҳеч нарсага эга бўлмай денгиз ўртасидаги дарахт (тахта) устида қолсам⁶.

Ямм сўзи тўғрисида ал-Ҳалил дейдики, бу денгиздир. Унда на тубга, на қирғоққа ети-
шиб бўлмайди. Бу луж қандай бўлса шундай. Денгиз кўтарилиб қирғоққа тошиб кетса,
Ямма ас-соҳил дейдилар. Яммнинг баҳр (денгиз) маъносида ишлатилмоғида ҳеч қан-
дай қарама-қаршилиқлар йўқ. Чунки бу унинг сурёний тилидаги номидор. Аммо муқад-
дас ёзувда денгиз (ямм)⁹⁹ тўғрисида ал-Ҳалил сўзларига мос келмайдиган тарзда сўз-
ланади. Унда бу сўз ҳар қандай сувларнинг жам бўлган ўрнини англатади. Оллоҳ таоло
деган: «Биз уни ва кўшинини тутиб, денгизга (ямм-га) чўктирдик» (Қуръон: 28-сура,
40-оят). Фиръавн ҳозирги Қулзум шаҳари яқинида Қизил денгизга чўктириб юборил-
ган эди. Бу шаҳар унинг қўлтиғида энг чет жойида жойлашган. Бу жойни яхудийлар Сўф
денгизи, ёки қамишзор дейдилар. Эмиш, Оллоҳ ўша қўлтиқнинг саёз ерларида қамиш
ўстирган экан. Унинг бу ердаги кенглиги ал-Ҳалилнинг ёзганларидай эмас. Оллоҳ таоло
деган: «Биз Мусонинг онасига ваҳий қилдикки, «уни эмизавер». Бас, (уни ўлдириб ке-
тишларидан) қўрқсанг, уни дарёга ташлагин ва қўрқмагин ҳам, қайғурмагин ҳам. Зеро,
биз уни сенга қайтарувчидирмиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчидирмиз»¹⁰⁰ (Қуръ-
он: 28-сура, 7-оят). Бу ё Нилга ёки унинг Айн Шамсгача чўзилиб борадиган ирмоқла-
ридан бирига алоқадор. Айн Шамс¹⁰¹ Фиръавннинг маркази. Нилнинг бир қирғоғида
кишига унинг нариги қирғоғида бўлаётган ишлар кўринмай қолмайди.

Оллоҳ таоло Мусо ((а. с.)) ҳақидаги ҳикояда деган: «Бас, кет сен учун ҳаётда (Менга)
тегиш йўқ!» дейишгина қолур. Охиратда эса сен учун сира хилоф қилинмайдиган ваъда
(азоб) бордир. Сен устидан жилмай сиғинаётган «илоҳинг» ҳолини кўриб қўй. Биз уни,
албатта, ёндириб, (кулини) денгизга сочиб юборурмиз» (Қуръон: 20-сура, 97-оят)¹⁰².

Бу Синай (Тах)¹⁰³ саҳросида бўлган. У ерда денгиз ёки қўл ё ботқоқлик бўлган деб
тахмин қилмоқ мумкин эмас. Бу жой пастлик бўлган. Бу ерга ёмғир оқимларининг суви
йиғилиб қолган. Улар шу ерда маскан қилиб жойлашганлар. Ёки бу ерда тошлар ораси-
дан чиқиб келаётган сув билан тўлган ҳовуз бўлган.

Муқаддас ёзув ва афсоналарга зид равишда, улар баҳр ва яммга бир хил маъно бер-
ганлар, ал-Ажжож уларни бир-биридан фарқлайди.

⁶ Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида тўлқинлар кемани парчалаб ташлагач, Фарҳод ана
шундай бир тахтага ёпишганча денгизда қолиб кетган эди.

Ўзин ул тахта узра маҳкам айлаб

Вада ўз жисму жонидан ҳам айлаб (Навоий) (Таржимон – А. Қ.)

Ямм катта дарё ютиб юборган (бахр) сингари.

Бахр сўзи, унинг маъносини аниқлаш бўйича тилшунос олимларнинг айтганлари ана шундай. Амалда эса бу сувнинг йиғилмоғи, бу ерда ерда оқувчи дарёлар сувларини келтириб қуйиладилар, аммо уларга бу ерда ҳеч нарса оқиб чиқмайди. Чикса агар фақат қирғоққа сувнинг тошуви ва орқага қайтувидан тасодифан бирор нарса чиқмоғи мумкин. Унга ер аралашмалари бўлаклари қўшилгани учун суви қуюқ бўлади. Қуюқликдан ташқари у шўр. Бу шўрлик аччиқликкача боради. Баъзилар бахр сўзининг келиши маъносининг бошқа томони, яъни ҳал қилиш ҳам бор. Дейдилар, масалан оғир касалликнинг ҳал қилиш пайти, бухрон, бу нарса беморнинг аҳволи бир неча кун давомида қандай бўлишини ҳал қилади. Гарчи айрим четланишлар денгизда ҳар кун ёки ҳар ойда бўладиган сув тошуви ва қайтуви сабабларини беркитиб турсаларда, уларнинг юз бермоғи муқаррар. Бу ҳам бемор аҳволидаги бухронга ўхшаб кетади. Тошув ва қайтув. Уларнинг тугаллануви ҳар бир ишда ҳам бор.

Оллоҳ ютуқларга етказувчидир.

ЧИҒАНОҚЛАР ВА ДУРЛАР ТОПИЛАДИГАН ЖОЙЛАР ТЎҒРИСИДА

Сув ҳайвонларини душманларидан асровчи суюқлар қаторига чиғаноқ ҳам кирази. Уларнинг оти ҳазаф¹⁰⁴ (лой). Тимсоҳларнинг тангалари, тошбақаларнинг зирхлари, шиллиққуртнинг чиғаноқлари бурама шаклда ва шунга ўхшашларнинг чиғаноқлари чиғаноқнинг қаватларидир¹⁰⁴. Бундай чиғаноқлар ботқоқлик, нам оби ҳаво туфайли намлик кўпайган жойларда туғилади. Масалан, Журжон¹⁰⁵ ва Табаристонда учрайдилар. Ташқи томондан зирх билан ҳимояланган ҳайвонлар ва Журжонда учрайдиган шиллиқ қуртлар *қўҳла* деб аталади. Жолинус уларни «ўз бурама чиғаноғидаги гўшт» деган. Шиллиқ қуртнинг икки дона юмшоқ шохи бор. Улар ичига тортилмоғи ва ташқарига чиқмоғи мумкин, шунда оқ шилимшиқ суюқлик чиқарадилар. Шу суюқлик билан қурт ўз турган жойини юмшатади, намлайди ва суюқлик устидан судралиб олдинга юради. Бу оқ суюқлик қуриб қолганда тупук сингари ялтирайди. Қуртнинг катталиги ёнғоқдан ортиқ эмас, пўсти юпқа.

Аммо менга Зарубондаги олтин конлари қудуқларидан топилган бир неча қуртчаларни келтирганлар. Улар чуқурлиғи юз эллик тирсак келадиган қудуқдан топилган. Катталиги ёнғоқдек. Пўсти жуда қалин, тошсимон ва чизиқлар билан қопланган эди. Улар худди унинг айланмаси устидан чизиб қўйилгандек. Чиғаноқларда жониворларнинг ўзи йўқ эди. Улар лой билан қоришиб кетган, оқибатда эса тошсимон бўлиб қолган эдилар. Лекин мен бундай тошсимонликнинг қачон пайдо бўлганини ё чиғаноқлар қудуқдан узиб олингандами ёки сўнгми, уларни узиб олаётганларида ҳаво тегиб шундай бўлганми, аниқлай олмадим. Бундай лойларга ўша тошсимон лой ҳам кирази. Лекин мен уни кўрмадим. Лекин қачонлардир бу қудуқларнинг туби ернинг очиқ юзаси бўлган. Чиғаноқларнинг катталиги ўша жойнинг — ўрин ва сувнинг характериға ҳамда табиий хоссасига боғлиқ бўлган. Денгиз қуртчалари каттароқ. Уларнинг чиғаноқлари йўғон ва қаттиқроқ бўлади. Ҳиндистонда яшовчилар уни шанк¹⁰⁶ дейдилар ва фил устида келаётганларида уларни най ўрниға ишлатиб пуфлайдилар. Улар бу қобиқларни

узунасига парчалайдилар ва ундан ичмоқ учун фойдаланиладиган косага ўхшаш идиш қиладилар. Бу чиғаноқлар ганч каби оппоқ бўлади. Мен бир маҳал шундайини кўрдимки, унинг ташқи томони хира, қора; ички томони эса кучли сарғиш ярқировли дурга ўхшаган эди.

Чиғаноқнинг вадъ¹⁰⁷ деб аталгани ҳам шулар тоифасидан. Бундайларни занжилар ўз оролларида сув қайтув чоғида йиғиб оладилар. Улар йиғилган чиғаноқларни чуқурларга тахлаб қўмадилар ва то қуртчалар ўлгунгача қолдирадилар. Уларнинг гўшти чириб кетади. Дийбажотлилар ҳам шундай қиладилар. Булар чиғаноқларни овламоқ учун кокс пальмаларининг шохларини ишлатадилар. Улар шохларни денгиз остига суқиб кўядилар ва сув тошганида чиғаноқлар бу шохларга илиниб қоладилар. Сув қайтиб, паст тушиб кетгач, улар чиғаноқларни териб оладилар ва занжилар қилгандек қиладилар. Дийбажот — бу икки орол гуруҳларидир. Кемаларга ишлатиладиган пальма иплари тўқималарини олиб келинадиган ороллари уларнинг номи билан Касора деб атайдилар. Вадъ чиғаноқларини келтирадиганларини эса Кура¹⁰⁸ дейдилар. Ҳиндлар ўз юрларида улардан амалларида майда пул ўрнига фойдаланадилар. Улардан худди суяк ва қимор ўйини тоши каби фойдаланадилар. Туяларнинг тизгинлари шундай чиғаноқлар билан безатилади. Вадъга яна чиғаноқларнинг тухумдек келадиганлари ҳам киради. Уларнинг юзаси нуқталар билан қопланган ва қизғиш бўлади. Уларни отларнинг бўйнига осадилар: улар билан ёзувлардаги олтинга пардоз берадилар, у минкоф дейилади. Ўнгдан гулдор боғламали чиғаноқлар кам учрайди ва қиммат туради. Чунки унда дуо ва яхши аломатларни кўрадилар. Бундай чиғаноқларни улар нодир бўлганлари сабабли шохларга туҳфа этиб юборадилар. Бу Эфиопия шохларининг савлатига монанддир.

Шунга ўхшаб баъзи ҳукмдорлар рамашнадан солиқ йиғадилар. Бу мирт баргларида иборат, улар ўсиб қовушиб кетган бўладилар. Бундай барглари топмоқ яхши аломат ҳисобланади. Чунки улар кам учрайди. Эҳтимол, бундай бахтли чиғаноқ вадъ қандайдир онабошисидир. Бу асалари оналари ёки бизга ўхшаб жамоа бўлиб яшайдиган¹⁰⁹ ёки ҳайвонлар тўдасини етаклаб борувчиларга ўхшаб кетади.

Вадъ қобиғининг турли хилларидан бири ҳажми катта бўлмаган, оқ ранглиси грамматик кўплик шаклда сумум деб аталади, бирликда эса сумм ва сумма дейилади. Бадавий арабларда ва қишлоқ аҳолиси орасида ёш қизлар уларни ипга териб қўл ва оёқларига тақадилар. Бу чиғаноқлар кемаларнинг сув остидаги қисмларига ёпишадилар ва қотиб кетадилар. Уларни нашр дейилади. Улар ўткир бўлади, теккан нарсани кесадилар. Уларни кемалар четидан темир асбоблар билан қириб оладилар.

Бундай чиғаноқлардан баъзилари қирғоқда туғиладилар. Аммо уларга офтоб тушса, шамол елписа улар ҳалок бўлиб бузилиб чангга айланиб кетадилар. Дейдиларки, ана шу чириклар қирғоқда тош билан дур чиғаноқлари ё вадъ чиғаноқларига қўшилиб қотгач, Басрада яшовчилар улардан тошга ўхшаш нарсани кесиб ясайдилар, уни тош ёки тегирмон тоши ва сопнинг бош қисмига ўрнатадилар. Аммо уни буғдойни янчадиган тегирмонга ишлатмайдилар.

Тилшунос мутахассислар садаф (чиғаноқ) сўзи тўғри дейдиларки, бу тўғрида Ибн Жанна¹¹⁰ хабар берган, бу сўз чиғаноқнинг илдизидан келиб чиққан маъноси «узилиш, ажралиш»дир. Чунки у дурдан юз ўгиради.

Аммо, у агар бу сўз «садаф ал-жабалайн» дарё водийсидаги икки қарама-қарши турган тоғ бағридан олинган деса, ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди. Чунки бу ҳайвонларнинг қобиғи, улар очиқ эканида агар ерга ағдарилиб қўйилса, икки тоғ ёнбағрига ўхшашдир. Кичик чиғаноқлар булбул дейилади. Катталари эса маҳора.

Имрул Қайс дейди:

*Урғочи туянинг панжаси силлиқ, у чиғаноққа (маҳорага) ўхшайди,
У чапақай, тошларни ортига ортади.*

Халил ибн Аҳмад маҳора ҳақида деганки, бу гўшт, у қобиқнинг икки чети орасида, шу ўша ҳайвоннинг ўзи. Лекин бундай эмас. Чунки маҳора «чиғаноқ» демақдир, у гўштга тўлами ёки бўшми фарқи йўқ.

Ар-Роъий деган:

*Улар чуқур ботиқ кўзлари билан эрталаб тўхтов жойига келадилар
Йўл-йўлакай маҳора (чиғаноқ)ларни ағдар-тўнтар қилиб.*

Эрталаб туялар чуқур ўлтирган кўзлари билан бу ерга келадилар. Бу ер денгиз кирғоғи. Туялар кенг панжалари билан катта қадам ташлайдилар. Бу қадамлар катта чиғаноқлар каби. Шеърнинг маъноси шундай.

*Абу Ҳанифа дейдики:
Денгиз чиғаноқларидан бири дулло дейилади.*

«Ал-жамҳара» китобида — қибқиб — бу денгиз чиғаноғи. Унинг гўштини еса бўлади. Агар шундай бўлса, барча чиғаноқлар қибқибдир. Чунки уларнинг ҳаммасини қайнатиб ейдилар. Уларнинг гўшти ёқимли ҳисобланади. Мазаси қайнатилган тухумга ўхшайди. Ҳеч нарса бундай ўхшатишга монеълик қилмайди, фақат унинг бағрида дур борлигини истисно қилсак. Бундай чиғаноқлар Адан соҳилларида сотилади. Сотув чоғида унинг номини «бахт ёнғоқлари» деб қичқирадилар.

Махшалаба ҳам чиғаноқ. Аммо у дурнинг оти дейдилар. У сунъий равишда чиғаноққа ўрнатилган, яна дейдиларки, бу шиша. У билан бадавийлар кумушни ёпадилар.

Абу Тоййиб ал-Мутанабби деган:

*У (жонон) юзи шундай: қаршисида сенга қуёш қора бўлиб қўрингай,
Сўзлари — дур, асл дур сунъий (махшалаба)дек туюлгай.*

Унга эътироз билдириб, бу арабча сўз эмас, деганлар. Лекин у таъкидлаганки, бу соф араб сўзи. Бу сўзни ал-Ажжож ҳам ўз шеърларида эслатади. Маъно жиҳатидан улар ал-Жарир сўзларига яқин.

*У (жонон) — кечки тўлин, ярқираб турган булут,
Унинг нурлилиги билан чиғаноқдаги дур ярқироқлиги тенглашолмас.*

Ибн ар-Румий деган:

*Дур гўзал ва баркамол, қизлар уни таққанда дур камтар бўлиб қолди.
Қизлар дурга айланиб, дур-чи, чиғаноқдек бўлиб қолди.*

Яна бир шоир деган:

*Бир томчи сувда бир нарса борки, у ёмғирли булутда йўқ,
Дур ҳам денгиз чиғаноғида бўлмайдиган бир нарсага эга.*

Яна бир шоир деган:

*Унинг ҳайратин оширгани йиртиқ-ямоқ кийимда юришинг бўлди,
У тушунмасдики, дур ҳамиша чиғаноқ ичида бўлади.*

Чиғаноқда икки бўлак бор, улар бир-бирига ёпишган, елкасидаги тугун мушак уларни ушлаб туради. Унинг ёрдамида улар ё очиладилар, ё қўшиладилар. Бу уларнинг ўртасидаги уларга ёпишиб олган жонворнинг хоҳишига боғлиқ. У ерда ўша бўлақлар бор томони билан судралади, гоҳ уларни очади, гоҳ ёпади. Ўша юмшоқ ва бўлақлар унга судралмоқ учун оёқ ўрнига хизмат қиладилар. Улар тўда-тўда бўлиб, ўтлоқларда дам олиш учун чўккан карвон каби ҳаракат қиладилар. Улар тўпланиб жам бўладилар. Чунки уларда кўриш органи ҳам, эшитиш органи ҳам йўқ. Баъзилар уларнинг бошини таърифлаб дейдиларки, унинг оғзи ва қулоқлари бор. Аммо (бундай эмас). Ахир қулоқлар эшитмоқ, кўзлар кўрмоқ учун яратиладику!

Бу жонвор ёпишқоқ, шилимшиқ, нозик оёқлари бор, чиғаноқ деворига ёпишган танаси — қора. Кичиклигида у қирғоқ яқинида бўлади. Шунда ёғи кўплигидан «Нам булбул» дейдилар. Қимматлироғи маҳораа — катта бўлган, улғайиб маҳкамланиб қолгани, ташқи кўриниши чиройли, аммо ёғи кам. У чуқур жойларда яшайди, тунда емиш излаб юқорига сузиб чиқади, гоҳо чуқур жойдан ажрамайди ва алоҳида туради. Бошқаларига яқинлашмайди. Уни маҳораа дейдилар.

Дейдиларки, Уммон денгизида харгўш деб аталган чиғаноқ хили бўлар экан. Унинг шакли чўзиқ, харгуш (куён)нинг қулоғига ўхшаш эмиш. Бу чиғаноқларда тоза йирик доналар топар эканлар. Чиғаноқлар қанча чуқурроқ жойда бўлсалар, уларга Қуёш тоби шунча кам зарар етказадилар. Шунинг учун донасининг сифати яхши, суви оппоқ бўлади. Оллоҳ таолонинг айтганлари шунга тааллуқлидир: «Уларнинг устида гўё чиғаноқ ичида яширинган гавҳардек пок ва хушсурат ғулумлар айланиб (хизмат қилиб) юрар (Қуръон: 52-сура, 24-оят)¹¹¹. Яъни чуқурда жойлашганлари ҳақида шундай дейилмоқда.

Йирик чиғаноқларда кўп ҳолларда дур доналари бўлмайди. Агар бўлса йирик бўлади. Дурлар кўпроқ бўладиган чиғаноқларнинг ҳажми панжадек. Баҳрайн¹¹² чиғаноқла-

ри эса бунинг ярмича бўлади. Катта ёки одатдагидек ҳажмдаги чиғаноқларга келсак, дона ва чиғаноқнинг катталиклари барабар бўлмайди. Катта чиғаноқдаги йирик донани кўпроқ ҳавода топадилар.

Чиғаноқларнинг пайдо бўлишига келсак, улар анжодан¹¹³ дарахтининг барги кўринишида туғилдилар, дейишади. Сўнг кемага ёпишадилар, суякка айланиб сўнг қотадилар. Алоҳида чиғаноқ шаклига киргач, улар чўкадилар ва сув тубида ётадилар. Дур улар ичида уларнинг ўзидан туғилади. Лекин гапириб юриладиганидек¹¹⁴, ёмғир томчисидан эмас. Бу айтиб ўтганимиздек, ҳасар чиғаноғининг кемаларга туғилмоғи сингаридир.

Наср авом ўртасида ёйилган фикрга, яъни дур ёмғирдан туғилади, уни чиғаноқ ўстиради деган фикрга қўшилган. Унинг айтувича, дур одамнинг тупуги кабидир. У чиғаноқ оғзида айланиб ярқироқлик касб этади. Бунинг гувоҳлигини у қайси йил ёмғир кўп бўлса ва эртароқ ёғса, шунча чиғаноқлардан дур кўпроқ топилади ва улар яхши ўсган бўлади. Ал-Киндий ҳам билган одамларнинг сўзига асосан шундай дейди.

Дур чиғаноқ билан маҳкам боғланган ва уни қирқиб ёки арралаб ажратиб олганларида топилганларнинг ярмигина ишлов беришга яроқли чиқади. Фақат дур чиғаноққа сингиб кетган бўлса, ўша жойи қотиб қолган бўлади.

Ана шундайларни унга ўхшаш дурлар билан бирга маржон учун ишлатилади. Чиғаноқдан ажратилган ва гўшт орасида эркин айланадиган дурларда эса вақт ўтиши билан янги қаватлар пайдо бўлади. Бунинг юз бермоғи мумкинлигига, менимча унда (чиғаноқда) қатламларнинг кўплигини гувоҳ қилса бўлади. (Дур ҳосил қилишда) етарли тажриба борлиги тўғрисида гапириб ҳам ўлтирмоққа ҳожат йўқ.

Наср дейдики, ёмғир қатралари чиғаноққа тушади, у қотади ва ўса бошлайди, сўнг ярқироқлик касб этади. Агар у (чиғаноқ) оғзи ўртасига тушса, у ерда юмалайди ва қимматбаҳо нам дур — *уъюн* пайдо бўлади. Агар оғзининг четига тушса, у букилади ва тўғрилана олмайди, тупукдек ағдарилади. Гоҳо дур унга чиғаноқнинг босими туфайли букилади ва босим излари унда ўрнашиб қоладилар.

Энг яхши дур то юмалоқ дурр пайдо бўлгунгача бир пўсти бошқасининг устига ўсиб чиққан хилидир. Четларидаги қора гўшт ичидаги дур одатда нуқсонли бўлади. Чиғаноқнинг дурга босими ва унинг қолдирган излари тўғрисида Насрнинг айтганлари дурнинг, аслида, юмшоқ бўлганини билдиради. Бу турли қумларнинг табиий олтиндаги изларига ўхшаш. Улар олтиннинг бир маҳаллар энг олдинги симобли хамир каби юмшоқ ва нам бўлганини кўрсатади. Унда ётган тошчалар ўз изини қолдирган, сув эса уларни турли жойлардан оқизиб унга бу шаклни берган.

Унинг бошқа сўзлари шуни тахмин қилмоққа мажбур қиладики, у дурнинг пўстлари ҳаммаси бирданига пайдо бўлган деб ўйлаган. Сўнгра улар пиёзнинг пўстига ва бор қаватларига ўхшаб ҳаммаси пиёз юзага келгунгача турганлар. Сўнг ҳар бир пўст алоҳида ўса бошлаган, бу то уларнинг етуклик пайтидаги энг қалинликка етгунгача давом этган. Эҳтимол, қабатлари бирин-кетин яралган, деб ўйлагандир. Эҳтимол, у буни бир ёмғирдан бошқа ёмғиргача кузатиб ҳам тургандир.

Ал-Киндий дейдики, булбул дурининг доналари чиғаноқнинг четлари бўйлаб ичида жойлашганлар; қулоғи ва оғзига яқинлари — энг яхшилари. Шунинг учун йирик

доналар тўғрисида улар унинг томоғида пайдо бўлади, дейдилар. Бу ерда улар доим думалайдилар, юмалоқлашадилар ва ўсадилар. То пишиб етгунгача пўстларга ўраладилар. Уларнинг ташқи юзасида қават кетидан қаватларнинг пайдо бўлиши шундан далолат беради. Масалан, бир қаватни олганда унинг ички юзаси чиғаноққа ўхшаш бўлади, ярқироқ бўлмайди. Иккинчи қаватнинг юзаси биринчисининг ташқи юзаси сингари бўлади. Бу шундан далолат берадики, иккинчи қават ўз вақтида биринчи қаватнинг юзаси сингари ташқи қават бўлган. Ал-Киндий ҳисоблайдики, дур чиғаноқ учун суяк ва бўғинлар ҳайвонларнинг юмшоқ танасини боғлаб маҳкамлаб турувчи бўлгани кабидир. Уларсиз чиғаноқлар ҳаракат қила олмаган бўлар эдилар. Аммо бу тахминга қарши сўзлар бор. Улар булбул аввал юмшоқ бўлади, сўнг етишиб йириклашади, бу то маҳора яралгунгача давом этади, деган гаплардир. Бунинг учун маҳора чиғаноғи йирик ҳажмдаги дурга эга бўлмоғи керак. У булбул чиғаноғи эга бўлган дурлардан йирикроқ бўлмоғи лозим. Чунки Ал-Киндий сўзларига кўра, дур булбул чиғаноғида суяк охирги йирикликка ва маҳора даражасига етгунгача ўсгани каби ўсмоғи лозим.

Дурнинг ҳар бир қавати юзасида ёрқинлик борлигига оид далилларга келсак, у бирин-кетин пайдо бўлади деган гаплар ишонарли эмас. Масалан, пиёзнинг бир қавати олинса, албатта, иккинчи қавати кўринади. У тери каби силлиқ, ярқироқ ва қаттиқдир. Ички юзаси эса юмшоқ, хира ва ғадир-будир бўлади. Ахир бу ерда қатламлар бири бошқаси атрофида изчил ёпишиб ўралмаганку, ҳаммаси бирданга пайдо бўлган.

Агар сен катта ёшли кишининг тишларига қарасанг, уларнинг юқори қисми чайноқ натижасида қирилган бўлади. Янада яхшироғи филнинг тишини кессанг худди шундай сувратни кўрасан. Бу ерда ҳам қатламлар бирин-кетин пайдо бўлган эмас. Фақат Оллоҳ сирларни билади, инсон эмас. Инсон учун умиднинг ниҳояси кузатилаётган аниқликдан мавҳумликка, хулосага кўтарилмоқдир. Агар инсон устанинг бир мис тахтани бошқаси билан қўшганда ва унда тишлар ясаганда у тишларга ҳар бир тахтадаги чуқурчалар тўғри келмоғини таъминлаганда ва бу тахталарни ўша тишлар ёрдамида бирлаштирганда, сўнг уларни болға билан маҳкамлаганда шу жараённи кузата туриб ва шундан келиб чиқиб ўйлайдики, бош суягининг бўлаклари ана шундай тишлар ва чоклар ёрдамида бир-бири билан қўшилган ва бу қандай санъаткорлик билан амалга оширилган; бу бўлақлар ажратилгач, бу одам унинг ўхшатуви нотўғри деб ўйласа, хато қилади. Чунки, гарчи бу иш назорат туфайли яширин ва ҳисларга дахлдор бўлмаган эсада, бош суяги бирдан ана шундай қилиб тузилган.

ДУРНИ ОВЛАШ

Дур овланадиган жойлар ғаввосларни сувга тушириладиган ва дур чиғаноқларини муваффақият билан овлайдиган жойлардир. Бу жойлар яхши маълум. У ёққа борувчи кемалар кузатувчилар ва ёлланган ишчилар учун етарли озиқ-овқат билан таъминланган бўладилар. Бу иш дур овлаш жойларининг қирғоқдан узоқлиги ҳамда очиқ денгизда бўлмоқ муддатининг узунлигига боғлиқ бўлади. Яна бир гап: маълум ва машҳур дур овлаш жойлари ягона эмас. Қирғоққа яқин бошқа жойларда ҳам чиғаноқлар бўлади,

уларда гоҳи йирик доналар ҳам учраб қолади. Яшил денгиз шундай чиғаноқлари билан шухрат топган. Унинг қўлтиқ ва бўғозларида кўп машхур ва маълум дур овлаш жойлари бор. Масалан, Сарандиб оролларида, Форс қўлтиғида, Баҳрайнда, Дахлак¹¹⁵ оролларида, Қулзумда (Қизил денгиз) янги кашф этилган Софалат аз-Занжда (дур овлаш жойлари бор)¹¹⁶. Эсга келадикки, бу денгизнинг тармоғи Шар-гўр¹¹⁷ денгизида, ас-Синдан¹¹⁸ юқорироқда ҳам дур овладиган жой бор. Рум денгизи¹¹⁹ эса гарчи у Шар-гўрдан кўра каттароқ бўлсада, зангори денгиздан ажралгандан сўнг дурли чиғаноқлардан маҳрум бўлди. Аммо мен бу хабарни етказганлардан уни текшириб кўрмоққа ҳаракат қилган бирор кишини учратмадим. Яна дур излов жойларида гоҳо овламоқ учун тўсиқлар ҳам бўлиб туради. Масалан, Қизил денгизда йиртқич ҳайвонлар тимсоҳлар ва акулалар борлиги учун дур изловчи жойлар йўқ. Қурайш қабиласининг шундай аталмоғига сабаб улар акула (карш)ни озуқа қилганлар.

Қулзум дурини ўлик чиғаноқлардан оладилар. Уларни тўлқинлар қирғоққа чиқариб ташлайдилар. Улар сувда чириган бўладилар. Сўнг офтоб уларни иситади. Чириш кучаяди. Улар қуртлаб кетадилар. Изловчилар бу чиғаноқларни қуриб қолган ҳолда топадилар. Улардаги дур бўш ва емирилган бўлади. Шар-гўр денгизида ҳам шундай. У ерда дурни ўлик қирғоққа чиқариб ташланган қум ва шамолда қуриб қолган чиғаноқлар ичидан топадилар. Хитой дурининг хиралиги шундадир. Унинг ганчга ўхшашлиги ва сувининг йўқлиги ҳам шундан. Бу денгиз тўғрисида ҳикоя қилувчилар сувнинг совуқлиги ва чуқурлиги сабабли унга тушиб бўлмаслигини айтадилар. Совуқ ҳам қурт-қумурсқаларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Бу денгиздаги дурли чиғаноқлар доимо юм-юмалоқ ва емирилмаган бўладилар. Совуқ, ҳаётим билан қасамёд қилиб айтаманки, ҳақиқатанан ҳам ғаввослик учун кучли тўсқинликдир. Аммо бу жойлар жуда ҳам шимолий эмасларки, ёз вақтида сувга тушмоққа имкон бермасалар.

Денгизнинг жуда ҳам чуқурлиги унинг тубига етиб бўлмаслик тўғрисидаги гаплар чиғаноқлар денгизнинг чуқур жойларида бўлмайди, деган гапларга зиддир. Агар бу тўғри бўлса, ўлик чиғаноқлар саёз жойларга тўлқинлар билан келтирилган бўлиб чиқадди. Эҳтимол, бундай дурнинг хиралиги ўша жойдаги сув ва ернинг сифати ҳамда чиғаноқдаги қуртнинг озуқасига боғлиқдир. Масалан, Қулзум дурининг кўрғошин ранглиси кўпроқ, худди шундай ранг Дахлак дурида ҳам бор. Ваҳоланки, сўнггиларини саёз жойдан термайдилар, балки шўнғиб олиб чиқадилар. Ҳар ҳолда Дахлак дури билан Қулзум дурининг ранги бир хиллиги сабаб уларнинг бир денгиз ва бир ердан эканлигидадир. Дахлак қўлтиққа кираберишда, ўша жойдан у таралади ва Зангори денгиз билан қўшилади. Бу қўлтиқдаги сув лойқали, эҳтимол, лойқа дур рангининг ўзгарувига сабабчидир. Емирилганлигининг боиси эса чириш характериға боғлиқ. Дейдиларки, Қулзум чиғаноқларидан қундуз пешобининг ёқимсиз ҳиди келиб туради. Унга нисбатан Ҳинд денгизи ва Форс қўлтиғи чиғаноқларининг ҳиди хушбўй туюлади.

Ал-Киндий Қулзум денгизи тўғрисида сўзлаганда Айла¹²⁰ ва Сувайшни¹²¹ эслатади. Айлага келсак, у Қулзумга оид ё унга киради ё ундан алоҳидадир. Ҳар ҳолда у Қулзум яқинида қўшни бўлиб жойлашган. Сувайшга келсак, у Жиддадан¹²² Аданганча чўзилган. Ал-Киндий дейдики, Айланнинг булбули Сувайшнинг булбул туриға яқин. Фақат Сувайш

булбули зардобга ўхшаш суюқлик чиқаради ва ёпишқоқ бўлади. Бу икки денгиздаги чиғаноқларнинг сифати тўлқинлар олиб келадиганларининг сифатига ўхшаш.

Дур қидириш жойларининг Форс кўрфазидагилари энг гўзал ва тоза дурга эга ва шу билан Баҳрайнниқидан ажралиб туради. У катта фойда келтиради ва сарф-харажатни оз талаб қилади. Бу унинг комиллигини таъминлайди. Ундан кейинги ўринда Баҳрайн ва Сийроф¹²³ яқинидаги дур овлаш жойлари келади. Улардаги дур қатарий¹²⁴ дейилади. Бу қатр (қатра) ёмғир суви сўзидан олинган сифат эмас, балки Баҳрайндаги бир вилоят номидан келиб чиққан нисбий сифат. У ерда кемаларни жиҳозлайдилар (Ҳозир бу жойда Қатар давлати жойлашган. — М. И.).

Ар-Роъий деган:

*Яманники каттами ёки Қатарники?
Матоси икки Ит туркумининг чангидан.*

(Самодаги Катта ва Кичик ит юлдуз туркумлари ҳақида гап кетмоқда. — М. И.) Яъни бу иккала юлдузлар туркуми пайдо бўлганда кўтариладиган чангдан дур пайдо бўлар эмиш. Ал-Бухтурий дейди:

*Улар бир маҳал ўз ярқироқ ёпинчиқларини олганларида
Худди икки денгиз дурларин нусти олингандай (ярқироқ) бўлдилар.*

Икки денгиз деганда у Баҳрайн яқинида бир-бирига қуйилиб қўшиладиган икки денгизни кўзда тутмоқда.

Ан-Набиға деган:

*Оҳ, бу юрагинг тўлдирган гавҳар (дур),
У мажнундек севгувчига ўхшаб ҳамиша ёдлайди.
Уни сенга Яман денгизидан
Машхур нозик дур мукофот қилиб олиб келган.
У тоғлар билан қуролланган жангчиларни
Қайсар сари бошлаб боради.
Ас-салом чавандозларини ҳам
У ҳар йили Ал-Искандариядан
Ҳар йили Аъдволийга келади.*

Форс кўрфази қирғоқлари бўйлаб қатор дур овлайдиган жойлар мавжуд. Улар Макрон¹²⁵ чегараларидан то Баҳрайнгача борадилар, сўнг Зангори денгизга ўтадилар. У ерда аш-Шихр¹²⁶ мамлақатидаги жойлар машхурдир. Масалан, Сар жумхат, унинг араб-часи Раъс ул-Жумжума¹²⁷ бўлади. Мажира бу эса Масирадир¹²⁸. Машкат, бу эса Масқот¹²⁹. Улар Адангача ундан Дахлак ороллариғача занжир каби тизилиб чўзилгандир. Агарда биз айтиб ўтган тўсқинликлар Қулзум денгизида бўлмаганда дурни унинг охириги қўлтиқлариғача овлаган бўлар эдилар.

Барбар¹³⁰ яқинида Аданнинг қаршисида Ҳабашистон томонда ҳам дур излов жойлари бор. Ал-Киндий ана шундай ороллардан Ускутрон¹³¹ эслатиб ўтган. У донаси йирик оқ ва гўзал Барбар дурини мақтайди. У агарда у ерда дур юмалоқ ва лўндаланган бўлганда, бу дурлар бошқаларидан кўра устунроқ бўлар эди, дейди. У яна дейди: «Адандан кемалар Занжи денгизига борадилар. Унда булбул чиғаноғи йўқ. Фақат маҳора бор. У ерда аҳёнда бирор нарса топа оладилар. Топганлари эса Уммонникига яқин».

Наср дейдики, чиғаноқлар тириклигида денгиз тубини тарк этмайдилар. Улар бир жойда тура берадилар. Улар ўлганда қурийдилар ва тўлқинлар уларни қуруқликка чиқариб ташлайдилар¹³². Чиғаноқлар ўлгач, дур ҳам бузила бошлайди. Қуёш қизиғи ва шамол бу ишни охирига етказди. Охири чиғаноқлар ғижимланиб қоладилар. Мавсум тугаши билан ғаввослар овни тўхтатадилар. Улар қирғоққа чиқиб ўша бузилган чиғаноқларни қидириб топадилар ва улардан ўзгариб кетган дурларни чиқариб оладилар. Гоҳо уларнинг баъзиларида юқори қавати сақланиб қолади, шу билан унинг остидаги дур жуда яхши сақланган бўлади.

Абул Исҳоқ ал-Форисий¹³³ «Ашкол ал-ақолим» («Иқлимлар шакллари») китобида ёзганки, Форс кўрфази қаршисида баланд қирғоқ ёнида денгизда Хорик ороли¹³⁴ бор. У ердаги дур излов жойида дур кам топилади. Аммо у нодир дурдир. Дурнинг ана шу жойдан олингани исботланса, унинг нархи унга ўхшашлардан кўра баландроқ бўлади.

Дейдиларки, «Ятим» дури шу ердан олинган. Ал-Киндий Сарандибдаги дур излов жойлари тўғрисида дейдики, у ерда ов вақтидан ўн тўрт йил танаффус қиладилар. Бу чиғаноқлар ўссин деб қилинади. Сўнг яна ўн тўрт йил овлайдилар. Агар у ерда «нам булбул» тури топилса, яна денгизга ташлайдилар. Ўшанда у қотади. У ердаги дур майда ва нозик қаватли, кўп қисми сарғиш музаррас¹³⁵ турига тааллуқли. Гоҳо у ерда танаффус тугамасдан ҳам овни бошлайдилар, бу эса биз айтганимиздек, чиғаноқларнинг бутунлай йўқ бўлмоғига олиб келади.

ДУР ҚИДИРУВ ЖОЙЛАРИНИНГ ЧУҚУРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Кемалар ов учун отланар экан, дастлаб улар қирғоқ бўйидаги хавфу хатардан ва сув ости тошларидан ўзларини эҳтиёт қилиш учун очик денгизга йўл оладилар. Аммо дур овлаш чуқур жойларда ўтказилмайди.

Денгизнинг чуқурлиги баъа номли ўлчов бирлигида ўлчанади ва лот ёрдамида текширилади. Лот кўрғошиндан қилинган шарга ўхшаш нарса. Уни ингичка арқонда денгизга туширадилар. Шундай қилиб чуқурликни билмоқчи бўладилар. Лот денгиз тубидан олиб чиққан нарсалар асосида, яъни лой, кум ва кирлик бўйича қай чуқурликда тугаганини аниқлайдилар. Баъани қиймон ҳам дейдилар. Тирсакни эса банжак дейдилар. Билувчи одамлар айтадиларки, қиймон — бу чап кўлнинг ўрта бармоғидан то ўнг кўкраккача бўлган узунликдир. Бу икки тирсакдан ортиқ. Лекин баъзи денгизчилар бу чап кўкраккача, дейдилар.

Кучли шамол ва тўлқин бўлганда чуқурликка етгувчи лангар туширадилар. У кема ни маҳкам тутаяди. Уларни темирдан ясайдилар. Узунчоқ, охирида оёққа ўхшаш шохлари бўлади. Лангар улар билан денгиз тубидаги қаттиқ ерга ёпишади ва маҳкам ўрна-

шади. Лангарнинг юқори учида халқа бўлади унга қалин арқон боғланади. Лангарлар каманинг оғирлигига мос бўладилар. Лангарларнинг оғирлиги бир юз эллик мандан уч юз мангача бўлади. У ерда маҳкам ўрнашгач, кема ҳам тўхтади. Бу жой унинг учун тўхташ жойи бўлади ва бандар деб аталади.

Дур излов жойининг чуқурлиги ва ҳажми тўғрисида ҳар хил гаплар бор. Баъзилар унинг чуқурлигини ўн тўрт қиймон билан чеклайдилар. Бошқалар эса ўн саккиз қиймон деб белгилайдилар. Баъзилар қирқ тирсак дейдилар. Агар қиймон ўрта бармоқ билан кўкракнинг бошқа биқин томонигача узунлик деб тушунилса, бу тирсаклар сони ўн саккиз қиймонга тўғри келади. Бу Барбар ов жойининг чуқурлигидир. Наср сув остига ўн олти қиймонга шўнғув тўғрисида гапириб қиймонни баъага тенглаштиради. Бу эса ўн олти тирсакдан ортиқ. Аммо қиймон у айтгандек эмас.

ОВ ФУРСАТИ

Бу тўғрида Ал-Киндий бундай дейди: Ов Нисон ойининг бошидан то Айлул ойининг¹³⁶ охиригача давом этади. Қуёш бу вақтда Қўй буржи билан Мезон буржининг ўртасидаги осмон бўлаги орқали ўтади. Насрнинг айтишига қараганда, ов олти ой давом этади. Наврўздан Меҳржонгача¹³⁷ чўзилади. Бу олти ой муҳлатдир. Аммо унинг боши ва охири форс ойлари асосида берилган. Улар Қуёш йилига тўғри келмайдилар ва улар қаби эмаслар. Улар гўёки йилнинг икки чорагини — баҳор ва ёзни биладилар.

Биз айтиб ўтдикки, Форс денгизи бу даврда тинч бўлади. Тўлқин бошланганда ов тўхтади. Шундан келиб чиқиб, кузги ва қишки чоракларда Ҳинд денгизида ов тўхтади. Лекин Форс кўрфазида бўлган бошқа кишилар дейдиларки, ов фурсати фақат икки ой давом этади. Бу вақт энг иссиқ ва дим пайтлардир. Чунки шу пайтда бу денгизнинг суви тинч бўлади. Бошқа вақтда эса денгиз тўлқинланади ва сув лойқаланади. Қиш пайтида дарёларда сув камаяди, шунинг учун Форс денгизига қўшиладиган сув ҳам озаяди. Шунинг учун баҳор сўнгида ва ёзнинг бошида у саёзланади, сув тозароқ бўлади, ана шунда ов бўлади. Кейинчалик ҳаво қизигач ва дарё тўлиб оқа бошлагач денгиздаги сув лойқаланади, унда нафасни тутиб турмоқ қийинлашади, шунда ов тўхтатилади. Буни Форс митрополити Яшуъбухтнинг сўзлари ҳам тасдиқлайди. У деганки, ғаввослар учун шўр сувдан кўра тоза сувда нафас олмай турмоқ қийинроқдир.

ҒАВВОСЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДУР ОВЛАШЛАРИ ТЎҒРИСИДА¹³⁸

Шундай қилиб, биз араб шеъриятдан бу тўғрида бирор нарсани билмоқчи бўлсак, унда ал-Муҳаббала ас-Саъдий¹³⁹ сўзларига қулоқ осайлик.

*Мен унга катта баҳони тўлайман, уни эса сотмоқ учун
Ўқ сингари қотма кўксига зайтун ёғи суртилгандек киши келтирди.
Бу одам дурни денгиз тўлқини орасидан, тепасида
Лухм балиғи сузиб юрган жойдан келтирган.*

Шоир дейди: «Бу дурни катта пул бериб, озгин, ингичка суяклари чиқиб ётган ғаввосдан сотиб олдим. У офтоб ва шўр сув куритиб юборган кўксини зайтун ёғи суртиб юмшатгандек эди. У ушбу дурни тўлқинли денгиздан, юзасида лухм балиғи¹⁴⁰ сузиб юрган жойдан олиб келган». Дейдиларки, лухм ёвуз балиқ, думи узун; думи билан қурбонини ҳалок этади. Уни «денгиз туяси» дейдилар. Шоир айтган гап муваффақиятли чиққан. Чунки бунда денгиздаги ваҳшатлар, сувга шўнғишнинг хавфу хатари бирлашиб кўшиб тасвирланган.

Ибн Аҳмар дейди:

*Ғаввос, уни тутаётганда атрофидаги мудҳиш
Харакалла (ақула) ва катта балиқлардан қўрқиб кетди.
У гоҳ буларга ғазаб (анид) билан ташланар,
Гоҳо ўзини тутиб турмоққа уринар эди.*

Харакал дегани улкан — ҳар бир катта нарсага нисбатан айтилади, анид сўзи эса «ғазабли» демакдир.

Ал-Аъжжож деган:

*Ё суяги чиқиб турган, қуриган ўт янглиғ
Юкни элтувчи ва лухмга ҳужум қилувчи.*

Ал-Фарро¹⁴¹ дейдики: — лухм — қурбақадир. Абул Аббос ал-Аъмоний дейдики, лухм форсчада фошвоз. Бу эса йиртқич эмас, йиртқич *хараст* дейилади, яна у *қўсаж* номи билан ҳам маълум. Кўсажни таърифлаб ёзадиларки, бу сувда яшовчи йиртқич ҳайвон, боши шернинг бошига ўхшайди, авлодини қорнида сақлаб оғзи орқали туғади. Тишлари ўн икки қаторда жойланган, тимсоҳда эса фақат икки қаторда. Денгизчилар уни ҳазр дейдилар. Авлодини ичида олиб юрмоғи унда кулоқлар борлигидан далолат беради. Чунки маълумки, кулоқсизлар тухумдан чиқадилар, юқори даражадагилар туғиладилар.

Абул Ҳасан ат-Турунжий¹⁴² бир тўпламда деган: Кўсаж — бу эгилган елкали қора балиқ, тангаси йўқ. Унинг тишлари аррага ўхшайди. У тишлаганда орқасига ағдарилиб тегирмон тоши каби айлана бошлайди, то одамнинг, ёки бирор бошқа тишланган ҳайвоннинг танасидан бир бўлак ажралгунча шундай қилаверади. Агарда лухм йиртқич ҳайвон бўлмаганида шеърларда уни тилга олмоқнинг ҳожати қолмас эди.

Зайтун ёғи сўзи уларнинг шеърларида турли хилларда такрорланади. Ал-Муталамис¹⁴³ бундай деган: баъзилар буларни ал-Мусайяб Ал-Аъшонинг амакиси айтган дейдилар.

*Ғаввос денгиз остидан олиб чиққан денгиз дурига ўхшаб
Оғзидан зайтун ёғини тупураётган тишлари
Нотекис, сўровчи (тақдирдан иноят),
Чанқоқ, қашшоқликда азоб чекувчидир.*

Денгиз тўлқини отасини ўлдирди, у эса дейди:
«Мен унинг кетидан бораман
Ёки қисмат истагидан фойда топаман».
Тушди, уни сув беркитди,
Унинг дўсти номаълумлик нима атаб турганини билмайди.
Мана, у тилаганини топиб олиб келди:
Худди ёнувчи чўғдек ялтировчи дурни.
Унга баҳо берадилар, у эса рад қилади.
Дўсти сўрайди: «Уни сотмайсанми?»

Ал-Асмоъий¹⁴⁴ айтади: ашго бу оғзи катта, тишлари эгри инсон дегани. Сўнгра дейди, Абу Убайд ал-Қосим ибн Саллом¹⁴⁵ ғаввосни тасвирлар экан, ҳикоя қиладики, у оғзига зайтун ёғини олиб сувга шўнғиётганда уни пуркийди. У ёғ денгиз ичини у кўра оладиган қилиб ёритади. Унга ўхшаб ал-Қутомий¹⁴⁶ ҳам ғаввосни ва дур овини бундай тасвир этади:

Ё ўзи овлаган арзон дурлардан бири
Чарчаб толган сариқ ҳинд,
У қайиқчада жўнаб қолди. Сув уюмларини кечиб,
Улар буни жуда жасур деб ўйладилар.
Мана, қайиқ тўлқинлар остида қолиб кетди.
Қийилган, ёғ билан бўялган: гирдоблар қўтарилади
Ва унга қуч билан ташланадилар.
У устидаги фақирона кийимларини ечиб ташлади,
Сўнгра ўлимга элтувчи гирдоб остига чўмиб кетади.
Денгизчилар хавф остида Оллоҳ номини
Такрорлаб, ундан мадад сўрайдилар.
Ғаввос сувга чўкар экан, оғзидан ёғни сувга пуркайди.
Денгиз гирдоби эса ҳукмрон унда.
Дурни излар экан, ғаввос ортидан ўлим эргашиб борар.
Қораёғдек зулматда у шўнғиган чуқурликларда пойлаб туради.

Аммо ҳозир ғаввослар буни билмайдилар. Улар денгиз сувида очиқ кўз билан қарамоққа моҳирлар. Шўр сув қовоқлари очиқлигида кўзларига зарар етказмайди. Яна зайтун ёғи ўз табиатига кўра, ёритмайди. Яратувчининг гаплари¹⁴⁷: «Оллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир. Нурининг мисоли худди бир токча ичидаги чироқ. Бу чироқ шиша ичида, у шиша гўё бир дурдан яралган юлдузга ўхшайди У чироқ на шарқий ва на ғарбий бўлмаган муборак зайтун дарахти мойидан ёқилур. Унинг мойи мусаффолигидан гарчи унга олов тегмасада, аланга олиб кетгудек...» (Қуръон: 24-сура, 35-оят)¹⁴⁷ эса улар фақат ёғнинг тозалиги ва софлигининг муболағали тасвиридир.

Кимки, уларнинг фикридан бош тортса, у бу ишларни билган ва кўрганларнинг ҳикояларига асосланади.

Наср ўз китобида ёзганки, кимматбаҳо тошлар билан савдо қилувчиларнинг ҳикояларида ғаввосликка ўрганувчилар қулоқларини маҳкам беркитишдан бошлайдилар. Шундай беркитадиларки, ҳатто у ерда йиринг пайдо бўлиб, қуртлар ҳам келиб чиқади. Ўшанда қулоқда томоққа йўл очилади, унинг ёрдамида сув остида сал-пал нафас олмоқ имконияти туғилади. Қўлэзма (китобда) бир нарса кўрсатилмай қолган. Ўша пўкак нимадан қилинади. Менимча, йиринг ва қуртлар ўшанда ёки ўшандан келиб чиқади.

Ал-Киндий бу тўғрида бошқачароқ гап айтган. Яъни шўнғишга ўрганиш бошида ғаввос нафасини шундай ушлаб турадики, қулоғининг илдизида ёриқ пайдо бўлади, унда эса йиринг ва қон йиғилади. Сўнг бу чиқиқ (яра) томоқ томонга қараб ёрилади. Натижада томоқ ва қулоқ ўртасида икки тешик пайдо бўлади. Булар битиб кетгач, улар орқали секинлашган нафас ўта олади. Бу сув остида узоқроқ ушланмоққа кўмаклашади, нафасни чорак соатгача тутиб турмоқ мумкин бўлади.

Қулоқлар ва оғиз ўртасидаги алоқа, унинг касалликлари ва даволаниши маълум. У англамоқ ва изоҳламоқ жиҳатидан овоз ва эшитув ўртасидаги муносабатга ўхшаш.

Нафас ҳаво олув ва чиқарувдан иборат. Бу юракнинг софланиш ва ортиқча иссиқни чиқариб ташлаш эҳтиёжига лойиқ бўлади. Ўшанда чиқиб кетаётган исиган ҳавонинг ўрнига юракка тоза совуқ ҳаво келади. Чиқиб кетаётган исиб қолган ҳаво эса ортиқча ташландиқ сингари юракка энди керак бўлмайди. Айниқса, ундан қутилмоқ зарур, чунки ички органлар улардаги беркинган ҳаводан қутулмагунча, уларни тоза соф ҳаво билан алмаштира олмайдилар. Тахмин қилайликки, нафас олув ўша тешикчалар орқали амалга ошади. Лекин ўшанда бу фақат унинг бир қисми орқалигина мумкин бўлади, яъни нафасни чиқарув орқали. У юракка фойда бермайди, аксинча бўғилишни кучайтиради. Чунки чиқарилаётган ҳаво ўрнига юрак учун ғоят зарур бўлган ҳаво келмайди. Тешиклар орқали сувга чиқаётган ҳаво эса албатта, сув юзасига интилади. Аммо нафас жараёнининг иккинчи қисми у ерда ҳаво бўлмаса қандай қилиб амалга ошади? Агар у сув орқали бўлганда эди, унда бу ғаввосни фақат ҳалокатга олиб келган бўлар эди. Бу чўкиб ўлганнинг аҳволига ўхшаган бўлар эди. Унга ҳаво алмашинув йўклиги туфайли сувнинг совуқлиги ҳеч қанча ёрдам кўрсатмайди. Менинг фикримча, бу ҳикоялар аҳмоқона масаллардаги каби, ғаввосларнинг савдочилар билан бозордаги сафсаталаридан иборат. Бу гаплар шулар орқали ёйилган. Ҳар иккала олим ҳам ўшаларга ишониб уни асослаш билан машғул бўлганлар.

Ғаввосларнинг сувга шўнғиш олдидан Қуёшнинг кун ярмида тиккага келишини, тоқим денгизнинг остини ёритиб, унинг тубида бор нарсаларни кўрсатгунича кутиб туриши ҳақида Наср хабар беради ва бу билан кўпчиликнинг фикри бир. Сўнг у тубга қарайди, то йирик чиғаноқни кўргунигача унга тикилиб туради, у чиғаноқ йирик силлиқ тошга ўхшаш бўлади. У ғаввосга ҳақиқатда бўлганидан кўра каттароқ бўлиб кўринади. Бу худди узум донасининг тоза сув остида нок сингари кўринмоғи каbidир. Чиғаноқ унинг кўзига кўза сингари бўлиб кўринади. Сўнг ғаввос букилган пальма ёғочига (буни Беруний *даум* деб кўрсатган. — М. И.) ўтиради. Ёғочнинг бир томонига арқон билан йигирма бешдан ўттиз мангача вазнли қора тош боғлаб қўйилган. Сўнг у ўз қайиғини эшакка ўхшаш нарса билан ўша чиғаноқ кўринган жой сари юргизади. Сўнгра у ит сингари вовуллайди, увлайди ва қичқира бошлайди. Буни ўша чиғаноқ атрофидаги йиртқич ҳайвонларни ҳайдаш учун, то ўшалар тарқалиб кетгунгача давом эттиради.

Шундан кейин у бурнини фил суюгидан ёки сариқ ёғочдан қилинган пўкаклар билан беркитади, чунки улар сувга тушиб кетмайдилар, латтани белига боғлайди. Бўйнига торган чиғаноқларни жойламоқ учун канопдан ясалган тўрсимон тўрвани осади. Шундан кейин оёғини тошга қўйиб арқонга осилади. Тош ва арқон унинг сувга тушишига кўмаклашадилар. Шу арқон орқали у кейин юқорига кўтарилади. Сўнг тошни қайиққа ортиб қирғоққа жўнайди.

Одатда қора рангли тошни танлайдилар, чунки денгизда шундай ҳайвон борки, ундан ғаввослар қўрқадилар. Унинг ёнидан сузиб ўтаётганида уларни иккига бўлиб ташламоғи мумкин. Агар қора тош олинса, у ҳайвон қочади. Агар у оқ ёки бошқа рангда бўлса, у тошни бирор еса бўладиган нарса деб ўйлаб, олмоққа интилади. Гоҳо ҳайвон тошни тутиб уни ўзига тортади, қайиқни ағдариб юборади ва уни ўзининг дадил ҳаракатлари билан бузиб ташлайди. Ғаввос бундай ҳайвонни кўргач, тошни ташлаб, ундан кутилиш учун сувнинг юзасига кўтарилмоққа шошади. У қирғоқ сари сузади ва чўзиб қаттиқ қичқиради. Шундай қилиб ҳаводан нафас олади. Чунки сув остида эканида, у ҳаводан маҳрум эди. Сўнгра у яхшилаб ўранади ва бир неча вақт то терлагунча шу ҳолатда қолади. Сўнгра у ўрнидан туради ва яна ўз машғулоти билан банд бўлади.

Ғаввос эрталабдан то пешингача уч-тўрт мартабадан ортиқ сувга туша олмайди. У оч қолда тушади. Фақат ўз ишини тугатгачгина овқатлана бошлайди. Бир вақтда у йиққан чиғаноқлар талвасада бўладилар. Оғизларини очиб, ёпиб турадилар. Ғаввос овқатланиб бўлгунгача улар ҳалок бўладилар. Шундан кейин у чиғаноқларни ёриб дурни излашга тушади. Агарда у тирик чиғаноқни очмоқчи бўлса қаватларни қўлда тутмоғи қийин бўлади, чунки чиғаноқ уларни маҳкам ушлаб туради. Ғаввос чиғаноқларда топган ҳамма нарсани олади. Агар ўзи учун ишлаётган бўлса, чиғаноқлар унга қолади. Агар ёлланиб ишлаётган бўлса, савдогарнинг кузатувчисига беради.

Агар ғаввос тушган жойида чиғаноқ топа олмаса, у арқонни қўйиб юбориб ва ўша атрофда изғийди, у бир ўқ етадиган масофагача юради ва тўрсимон тўрвани топган нарсаси ёки унинг учун деб билганини солиб тўлдиради. Гоҳо икки ғаввос бир чиғаноқ ёнида бир-бирларига дуч келадилар ва уни олмоқ учун кураша бошлайдилар. Охири ким кучлироқ бўлса, ўша эгаллайди. Агар ғаввос чиғаноқ тополмаса, тирноқлик ҳайвонларни (денгиз раклари) туттади. Улар ичаксимондирлар, иккала четида тешиклари бор. Бу тешикларда икки хушбўй тирноқлари бўлади.

Ал-Киндий дейди: ғаввос йиққан нарсалар ичида, агар у чиғаноқни тополмаган бўлса, сочга ўхшаган бир нарса бўлади, ундан курд билагузуклари ясалади, уни *харўба* дейдилар. Бу — ўсимлик, денгиз тубида ўсади. Лекин (Ал-Киндий) уни нима билан ўхшатмоқ мумкинлигини айтмаган.

Ёлланган ғаввосларга келсак, улар қайиқларда савдогарнинг кузатувчиси билан бирга ишга чиқадилар. Улар олтита ёки ўн иккита бўладилар. Биттаси сувга шўнғиганида, шериги арқонга қараб туради. Маош ҳар жума кунни тўланади.

Наср Ал-Киндийнинг китобида айтилганлардан нари кетмаган. Фарқи шундаки, Ал-Киндий даум пальмасидан қайиқ ўрнига майда мукул дарахти ёғочларидан ясалган сол ҳақида айтади. Унда ғаввос ўз устки кийимини елкан ўрнига ўрнатган. Яна Ал-Киндий дейдики, ғаввос тошни тушираётганда солни ўша ерда тўхтатади. Бу тош унга худ-

ди кема учун лангар кабидир. Ғаввос юқорига ўзи кўтарилади. Чунки денгиз суви зич, унда юқорига кўтарилмоқ осон. Зугар кўлида¹⁴⁸, унинг суви жуда ҳам шўр эканлигидан унга тушганнинг пастга чўкканини кўрмаганмисан? Ким унга тушса, чўкиб кетмайди. У яна бурунни беркитувчи пўкаклар тўғрисида гапиради. Улар шохдан кесилади. Қис-тириб қўйиладиган бўлади. Тошбақа косасидан ҳам қилинади. Ғаввос у билан бурнини беркитиб қўяди. Бир кўрган киши айтганки, у шохдан қилинган санчқи тишлари билан бурунни қисиб олади, шунда бурунга сув кирмайди.

Ал-Киндий яна ёлланган ғаввослар ҳақида дейдики, улар қайиқда олтидан ўн ик-китагача бўладилар. Менимча бу фақат қайиқнинг катталигига боғлиқ бошқа ҳеч нар-са эмас. У айтган ғаввосни ютиб юборадиган ёки иккига бўлиб ташлайдиган йиртқич ҳайвонлар акулалардир. Улар солни тортиб кетадилар, агар тош қора бўлмаса, шундай қиладилар. Сўнгра гоҳо тишлари билан арқонни кесиб ташлайдилар. Шунда сол ағда-рилиб кетмайди.

Унинг ғаввоснинг сувдаги қичқириғи, дод-войлари тўғрисида айтганларига келсак, мен бу бўлиши мумкин деб ўйламайман. Оғиз ҳамма вақт ёпиқ бўлмоғи керак бўлганда, бу мумкин эмас. Фақат оғиз очиқ бўлганда ва ҳавони чиқариб юборилгандагина овоз чиқади. Сув остида туриб ҳавони чиқариб бўлмайди, агар ўшандай қилинса, оғизга сув киради; агар ғаввос сувда оғзини оча олса, у юқорига чиқмай туриб қичқира олмайди. Чунки ҳаво олмоққа кучли равишда ҳаракат қилади. Унинг айтганлари ичида ҳеч мумкин бўлмайди-гани, ҳатто қулоқ илдизи¹⁴⁹ орқали нафас олиш тўғрисида айтганларидан ҳам баттари шу.

Савдогарнинг кузатувчиларидан бўлган бир киши ҳикоя қилиб берганки, тутилган чиғаноқлар омборга жойлаштирилади. Унда то чиғаноқлар ўлиб чиригунгача ётадилар. Ўшанда уларнинг ичидагиларни олиш осон бўлади. Сўнгра унга қарши нима биландир бузилиш туфайли чиқадиган сассиқ ҳидни йўқотадилар. Майда дур ҳайвоннинг ичак-ларида бўлади, уларнинг бузилмоғини кутиш шарт эмас. Кимки бунга тоқати бўлмаса, чиғаноқларни тутгандан сўнг тезда, улар ўлган заҳотиёқ қидиради. Чунки тириклари қаватларини шундай ёпадики, уни очмоқ ғоят мушкул.

Антара деган:

*У мағрур, бу эса худди овчининг дурини сариқ мўйловлилар
Очиш пайти чиғаноқдан чиқаргач (ташрик) ўраб олганларидагига ўхшар.*

Овловчи бу ерда савдочи, сариқ мўйлаблилар араб бўлмаган ёлланиб ишловчилар. Ташрик дегани «чиғаноқни кесмоқ».

Қайс ибн ал-Хотим¹⁵⁰ дейди:

*У овловчи эга бўлган дурга ўхшайди,
Уни чиғаноғидан ажратиб олмоқдалар.*

Бағдодлик бир киши менга деган эдики, ҳозир ғаввослар сувга тушишнинг бир усу-лини ўйлаб топганлар. У нафасни ушлаб туришдаги қийинчиликларга барҳам беради, эрталабдан кечгача, кўп марта қанча хоҳласалар шунча сувга шўнғишга имкон беради.

Бу эса ёлловчининг истаги ва қанча ҳақ тўлашга боғлиқ. Бу мослашув теридан қилинган қопдир. Улар шу қопни ўзларига кийгизадилар. У то кўкракнинг пастигача етади. Сўнг қовурғалари остидан маҳкам қилиб боғлайдилар. Шундан сўнг сувга туша бошлайдилар ва ўша қопдаги ҳаводан нафас оладилар. Аммо бу қопни ҳаво билан бирга пастга туширмоқ ва уни бир ерда ушлаб турмоқ учун жуда оғир юк керак.

Бу мосламанинг юқори қисмига бош қаршисига теридан қилинган чокли енг сингари бир най ўрнатилса, кўпроқ қулайлик туғилар эди. У найнинг узунлиги чўкиш чуқурлигича бўлади. Най эса мум ва смола билан шувалган бўлади. Найнинг юқори четини кенг ҳажмли идишга тагидаги тешик орқали қўшиб қўймоқ керак. Унинг четларига бир ёки бир неча пуфланган мешлар ўрнатилса, улар ёрдамида идиш сувда тутиб турилади ва чўкиб кетмайди. Шунда ғаввос най тешиклари орқали нафас олади, чиқаради ва сув остида ҳатто бутун кун ҳам тура олади. Сувга шўнғишга хизмат қилувчи юк ҳам кичрайтирилиши мумкин. Чунки ҳаво ўтмоқ учун йўл топади, шу билан унинг қопдаги ҳажми камаяди.

ДУР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИКОЯЛАР

Райлик оға-ини (заргар)лар ҳикоя қилганларки, улар амир Ямин уд-Давлага қарашли бир хазинахонада тугунлироқ дурни кўрганлар. У туфайлий туридан эди. Туби текис, вазни икки ва учдан икки мисқол, нархи ўттиз минг динор; Оти «Ятим». Аммо бу от унинг машҳур «Дурри Ятим»га қардошлигини билдирмас эди. Ҳамшираси (шериги) бўлмаган кўринишда унга ўхшаш ва яқин ҳар бир дурга «Ятим» ёки «Якка» («Фарид») оти ишлатила беради. Аммо кўпинча уни «якка» (фарид) дейдилар. Чунки «Ятим» оти фақат ўша машҳур «Ятим» учунгина хос.

Ал-Мутанаббий деган:

*Унинг сўзлари — худди дур (фариди дур)
Ёқут ва туғма йирик олтин (самар хикоз).*

Фарид — бу дур (маржондаги) ҳамширалари ўртасида жойлашади, ундан кейинги эслатилувчилари дурлар унинг икки тарафига жуфт-жуфт қилиб қўйилади. *Сом ариқоз* сўзи кондаги олтин мўл ерни англатади. Бу билан у маржондаги дурларни ажратувчи олтин табоқчаларни билдиради.

Абу Бакр ал-Форисий деган:

*Дарахтнинг новдаси ҳам дарахт сингари,
Аммо чиғаноқ луълуъ ва фарид тақдим этади.*

Шунинг учун оғир вазнли дур икки жиҳатдан мақтовга сазовор. Биринчидан, у шундан гувоҳлик берадики, дурнинг қаватлари зич беркилган, бир-бирларига қаттиқ ёпишган, на ҳаво, на бирор бошқа бузувчи уларни ажрата олмайди; иккинчидан, у дурнинг улканлигини кўрсатади — ахир оғирлик унинг катталигига яраша бўлади.

Шоир деган:

*У кулиб тишларини кўрсатади.
Улар худди териб қўйилган дурларга ўхшайдилар,
Моҳир шодаловчи маржонни ипга тергандек.
Унинг йирик олд тишларини танбеҳ қилдилар.
Мен дедим уларга:
«Дур қанча катта бўлса, у шунча қимматлидир».*

Ибн ар-Румий деган:

*Тарози паллаларини тўлдиргач, қайғуга ботдим
Бачкана одамлар ўз даражасида гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасаяр.
Аммо дур тарози палласини пастга босгудай бўлса,
Улар билан билагузукнинг энг юқори ўрнини безаб ўрнатадилар.*

Ибн ал-Муътазз деган:

*Дур денгизнинг тубига чўккан.
Унинг юқорисида ташландиқлар.
Кўпик ва хас-чўплар кўтарилган.
Лек дурни денгизнинг зангор мавжлари аро
Албатта, тортиб олмоққа интиладилар,
Сўнгра у тожларга чиқади.*

Ар-Рабиъа қабиласидан бир бадавий Абу Нувосга жавобан Қаҳтон қабиласининг устидан кулиб деган: Улар шону-шуҳратининг боши ҳам, охири ҳам қайиқда туриб, С билан¹⁵¹ дур овлаш мумкин жойни қидириб топмоқдан иборат.

*Агар қайиқ билан бориб дур конидан битта дур топсалар,
Сайёралар орасида Қуёш порлагандай у порлаб турса.
Қаҳтон қабиласида уни сотиб оладиган одам топилмайди.
Уларнинг ўша ерда шундай юрмоқ жонига тегиб кетади.
Шунда уни сотгали шоҳга олиб келадилар,
Пулни назар-писанд қилмовчи ва уни туҳфа этувчи шоҳимизга.
Ана шунда у улардан ўша дурни сотиб олса,
Унинг эгаси билан савдолашиб ўтирмай,
У дурни маржонга теради, у маржон
Улоқда илғор чиққан отнинг бўйнига тақилади.*

Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир¹⁵² бир чиғанокдаги бир жуфт дурни ажрата олар эди. У дейди:

*Бир чиғаноқда гоҳо икки дур топадилар.
Фарқиға борувчи ҳақиқий дурни танлаб олади.
Биттаси шундайки, унинг нархини туширмаслик лозим,
Бошқаси эса чиғаноқ баҳосидан ҳам камроқ.*

«Ятим» дурига келсак, уни Ҳишом Абдул-Малик¹⁵³ хузурига келтирдилар. Рафиқаси Абдаъ — Абдуллоҳ ибн Язид ибн Муовиянинг қизи ёнида эди. У хотин ғоят семиз бўлган, бировнинг ёрдамисиз ҳаракат қила олмас эди. «Агарда сен, бировнинг ёрдамисиз ўрнингдан тура олсанг ана шу дур сеникидир», — деди Ҳишом унга. Хотин ўрnidан турмоқ учун уриниб ҳаракат қила бошлади, аммо кўтарилмоққа улгурмай юзи билан ерга йиқилди, бурнидан қон кела бошлади. Ҳишомнинг ўзи уни яхшилаб ювди ва унга дурни тақдим этди. Дейдиларки, ўша дурнинг вазни уч мисқол ва барча яхши сифатларга эга — юмалоқ бўлган экан. Тоза, ярқироқ. Сувининг кўплиги туфайли нам. Наср дейдики, у тухумсимон эди, вазни икки $\frac{1}{2}$ ва $\frac{1}{3}$ мисқол, етмиш минг динорга сотиб олинган. Уммавийлар давлати қулагач ва Али ибн Абдуллоҳ¹⁵⁴ Марвон ибн Муҳаммаднинг¹⁵⁵ гаровга қўйган нарсаларини сотиб олмоққа юборилганда унга яширинча хабар берганларки, Абдаънинг қўлида ўша «Ятим» дурли икки исирға қолган. У Абдаъни чақириб шуларнинг ҳаммасини бермоқни талаб қилган. Хотин сўраган «Агар айтганларингни барчасини топширсам, мендан яна бирор нарса сўрамоқни истаб қолмайсанми? «Йўқ» деб, у жавоб берган. Хотин ўша заҳоти унга ўша қимматбаҳо нарсаларни узатган, чунки улар ўзида эди. «Ўзингга бир яхши жойни танла, сени ўша ерга яхшилаб жойлаштириб қўяйин». Хотин Суриядаги бир жойни айтган. У хотинни ўша ёққа жўнатган. Сўнг у ас-Саффоҳ бундан хабар топиб хотиндан бу тўғрида сўраб қолишидан кўрқиб кетган. Шунда бир қобиллик қулни хотиннинг кетидан юборган, қул хотинни бир чеккага элтиб, уни сўйиб ташлаган. Диққатга сазовор шуки, сўфийлар Қуръонни шарҳ этар эканлар. Яратувчининг «(Эй, Муҳаммад, Раббингиз) Сизни етим ҳолда топиб, бошпана бермадимми?!»¹⁵⁶ сўзларида Муҳаммад (с. а. в.)ни «Дурри Ятим» билан қиёс қилинган, дейдилар: Чунки унга ўхшаш нарса оламда йўқ, худди унинг ўзи ҳам шу сингаридир. Унинг бошида тинчлик бўлсин. Худо яратганлари орасида энг яхшиси, ундан кейин пайғамбар чиқмайди. Ибн ал-Жассос сўзларига суяниб дейдиларки, ал-Муқтадир даврида у ўша дурни (Ятимни) бир юз йигирма минг динорга баҳолаган яна деган: «Агарда у ягона бўлмаганда беш юз минг динор баҳо қўйган бўлар эдим».

Ал-Бухтурий деган:

*Сенинг марҳаматли қўлинг мен учун шундайки:
Унинг ёрқинлиги қуёш порлоқлигидан ортиқроқ ярақлайди,
Қуёшнинг ёруғлиги унинг олдида сўнади.
Агарда сенинг лутфу караминг бирма-бир амалга оша бошласа,
Инга қатор терилган дурлар жуфтланганда гўзаллиги ортганидек бўлур.*

Дейдиларки, ҳозир «Ятим» дурри ал-Аҳсода қарматлардадир¹⁵⁷.
Бу Абу Абдулло ал-Хусайн ибн Аҳмад ал-Жассос ўзида икки хислатни ўзида мужас-

сам этган эди: бири — қимматбаҳо тошларни билиш, бу соҳанинг эътироф қозонган билимдони эди. Ундан ҳеч ким юқори кўтарилмас эди. Иккинчиси бойлик. Шунинг учун уни «халқнинг Қоруни»¹⁵⁸ деганлар.

Ибн ал-Мунажжим¹⁵⁹ Қози Али ибн Абдул Азизга¹⁶⁰ қасида ёзган ва унда бундай дейилади:

*Эй, ибн Абдул Азиз, ҳар қандай бойликлар эгаси
Шухратда умид эгаларининг шарафидан ўта олмайди.
Ибн Жассос каби бойлик эгасини кўрсат,
Менга ибн Бармак¹⁶¹ каби лутфу карамли кишини кўрсат.*

У бахтсизликка учради. Унинг ўн минг динар пулини тортиб олдилар. У қамоқдан чиққанида Ал-Муқтадирнинг онаси унга ғамхўрлик кўрсатди. У ўз уйидан олиб чиқилиб султон саройига олиб кетилмоқчи бўлган матолар тўла юзлаб тугунларни ёнидан ўтиб борар экан, ал-Муқтадирнинг онасидан ўша мулкни қайтариб олишда ёрдам сўради. Унинг мулки қайтариб берилди. Бу матолар Мисрдан келтирилган эди. Ҳар бир тугунда минг динар баҳоланадиган мол бор эди. У ўшаларнинг ҳаммасини сотди. Харидоргир моллар бўлгани учун улардан катта фойда кўрди.

Унда нодир қимматбаҳо тошлар бор эди. Уларни у махсус қутичада сақларди. У мушкулотларга дучор бўлганида қутичани талаб қилар, ундаги тошларни тиззасига тўкиб солиб шодланар ва ғамларини қувар эди. Бир куни боғда ҳовуз бўйида шу иш билан банд бўлиб ўлтирганида уни туттали келдилар. Ўрнидан туриб тошларни гуллар орасига сочди. Ишлар битиб ташвиш кетиб тинчигач, у боғига кириб келди. Бу вақтда барча нам нарсалар қуриб битган, гуллар сўлиган, сабзавот тугаган, у эса қимматбаҳо тошларини топмоқдан умидини узган эди. Аммо у марзо (гулларнинг ариғи)га қараганда кўрдик, қимматбаҳо тошлар шундайича ўз жойида ётибди. — Уларга ҳеч кимнинг қўли чўзилмаган, уларни қушлар тумшуқлари билан териб олмаганлар. Сичқонлар ташиб кетмаганлар. У тошларни йиғиб олди, ўзининг эгилган қаддини тиклади.

Унинг учинчи хислати аҳмоқлиги эди. Чунки аҳмоқликда у биринчилардан бўлган. Абу Бакр ас-Сулий¹⁶² Абдулло ибн Сулаймон сўзларидан келиб чиқиб дейди: дунёда учта ғаройиб нарса бор Иккитаси йўқолиб кетган. Уларнинг отидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Бири Мағриб анқоси¹⁶³, иккинчиси қизил олтингугурт. Аммо энг ажойиби — учинчиси ҳозир бор. Бу Ибн ал-Жассосдир. У — ҳамма ишларда энг нодон одам. Фақат қимматбаҳо тошларнигина билади, бу ҳам бўлса, Оллоҳ таолонинг мўъжизаларидан бири. Янада ажойиброғи шуки, у ўзининг эшаклардек аҳмоқлигига қарамай, ал-Муътадид ва Ҳиморавайҳлар билан яқин алоқалар ўрнатган. Уларга яқин бўлган. Улар унга мулкларини сақламоқ учун топширганлар ва халифа уни жуда яхши билган. Ибн ал-Жассос тўғрисида ҳикоя қиладиларки, бир одам унга ўғлининг вафоти туфайли таъзия билдириб деган: «Чидамли бўл, қайғурма, эвазига мукофот оласан». У эса ўша одамга бундай деб жавоб берган: «Мен ўлимга одатланмаган қабилага мансубман». Ас-Сулий ҳикоя қилади: ал-Муътасим Аббосий қасрини қуриб битказгач, тантанали йиғин уюштирган, бутун оила аъзоларини йиққан, улардан қасамёд қабул қилган, бошига тож кийган. Тожда «Ятим» дури бўлган.

Исҳоқ ал-Мавсулий¹⁶⁴ ундан рухсат олиб шеър ўқиган:

*Эй, қаср, ҳалокат сени ўзгартирди ва йўқ қилиб юборди.
Оҳ, сен нимага дучор бўлганингни билганимда эди.*

Ал-Муътасим бунда бир ёмонлик белгиси борлигини кўрди. Ҳозир бўлганлар бир-бирларига қараб ҳайратга тушдилар. Улар узоқ вақт халифалар ва шоҳлар билан бирга бўлган одамда бундай хавотирлик пайдо бўлганига ҳайрон эдилар. Бу олдиндан айтилган гап ўзини оқлади. Тезда орада ал-Муътасим Самаррага¹⁶⁵ кўчиб ўтди бу қасрга ҳеч қайтиб келмади, қаср хароб бўлди. Ўша йиғинда қатнашганлардан ҳеч бири шундан кейин иккинчи бор унда бўлмади.

Райлик оға-инилар айтиб берган эдиларки, Ямин уд-Давланинг хазинахонасида қора доғлар билан қопланган бир дур бор экан. Гоҳо дурлар орасида турли рангдагилари учраб туради: кумушдек оппоқ, сариқ — варс ўсимлиги рангидагилар. Кўрғошинранг — кулранглари, миссимон қизил рангидагилари, қора рангилари. Биз буни бир дурда кузатганмиз. Айрим дурларда бундай рангларнинг барчаси бўлмоқлиги рад этилади. Чунки бундай дурлар оз, ундайалар кам учрайди. Яна қуртчалар ҳам учрайди. Улар чумолидай, оппоқ ва қора бўладилар. Уларнинг бўғинлари галма-гал — бири оқ ва иккинчиси қора рангда бўлади.

Ўша Райлик оға-инилар дейдиларки, бу хазинада хурмо ва зайтун данаклари бўлган. Уларнинг бир қисми дурга айланиб кетган, қолган қисми ўзгармаган. Аммо биз ҳали билмаймизки, чиғаноқ ичидаги шилиққурт данак биланми ёки лой билан озукланадиларми? Ахир у жонвор юмшоқ-ку. Озуқаси ҳам шундай бўлмоғи керак.

Ўшанда иш ҳақиқатга яқин бўлар эди. Ўрамаси қаватма-қават яхлитми, бири-бирининг устидами эканини билмоққа яқинлашар эдик. Лекин бу даволовчи дур ҳақида Ал-Киндий айтганларига тўғри келмайди. Унинг айтишига кўра, гўё дурнинг ичида қизил донаси бор, у Қуёшда ёки ёритгич нури остида кўринади. У ўзаги ёпишган пўчоқ билан беркитилган, аммо бундай бўлмоғи мумкин эмас дейдилар.

Бу гаплар ҳар бир шаҳарда юради. Бирор қимматбаҳо тош йўқки, уни яқиндан билган одамнинг бу тўғрида гувоҳлиги ёки ҳикояси бўлмаса, яна унга узундан-узоқ иснод¹⁶⁶ ҳам келтирадилар.

Шоҳларда, уларнинг тожида ва маржонларида мунчоқлар бўлган. Улар «шоҳлик мунчоқлари» дейилган. Улар шоҳларнинг ҳукмронлик даврини кўрсатмоқ учун ишлатилган. Қиморда бунинг учун уларнинг шодасидан фойдаланишади.

Шоҳликнинг ҳар бир йили ўтганда битта мунчоқ кўйилган. Шундан бу шоҳнинг қанча ҳукмронлик қилганини билганлар. Мархум шоҳ меросхўрининг ҳар бирига шу ишлатилган.

Хусрав Нуъмонни¹⁶⁷ ўлдирганда Лебид деган эди:

*У шоҳлик мунчоқларин йигирма йил ҳукмдорлик белгиси деб сақлади.
Яна йигирма йил, соч-соқоли бутунлай оқариб, ўлгунича ҳам сақлади.*

Хусравларда эса мунчоқ сифатида кўзни қамаштирадиган дурлар шу вазифани ба-
жарганлар.

Ал-Фараздақ¹⁶⁸ деган:

*Сен унинг пешонасида шоҳлик мунчоқларини кўрасан,
У индамас. Ёш, тишлари лат емаган.*

Абу Нувос дейди:

*Ар-Робий уруғининг устунлиги
Бешдан бирнинг ўндан бирдан устунлигидек.
Макка кунларида юз ўгирган қабила,
Муҳаммаднинг буюк чақирғига қарши курашди.
У халифаликнинг мунчоқларини эгаллади,
Бу мунчоқлар унга ўхшашлардан устундир.*

Хусравларда бундай шоҳона мунчоқлардан ясалган тасбеҳлар бор эди. Улардан йигирма бир донаси ипга терилган бўлиб, улар, Ҳамза айтганидек, «наск шумора»¹⁶⁹ дейилган. Чунки улар (бу тасбеҳ доналари) Наск китоби — уларнинг Абисто (Авеста) дейилган китобларининг боблари сонига тўғри келган. Бу доналар маълум тартибда терилган. Уларни бармоқлари билан санаганларида ҳар куни эрталаб ўқиладиган ибодат қоидасига кўра, дуолар қилар эдилар. Ал-Маъмун ал-Восиқни¹⁷⁰ яхши кўрар ва унинг тарбиясига кўп аҳамият берар эди. Бир кун сафар чоғида улар бирга кетишар эдилар. Туякаш қўшиқ айтиб ҳайвонларни етаклаб борарди. Ал-Маъмун туякашнинг ўз қўшиғи билан Восиқни уйғотиб юбормоғидан хавотирланиб, уни шовқин солиб чақирмай, тасбеҳининг ипини узди ва доналарни бирма-бир туякашга ота бошлади. Охири бир дона унга тегиб, туякаш қаради. Шунда ал-Маъмун ишора билан жим бормоқни буюрди. Эрталаб ал-Маъмун ишончли кишилардан бирини ўша ерга жўнатди. У келиб йўлда тушиб ётган дурларни териб олди. Дурлар қандай тушган бўлсалар, шундай ётган эди. Худди ташлаб кетилган тошчалар каби.

Ум-Жаъфар Зубайданинг тасбеҳлари бор эди. Уларнинг сифати тўғрисида китобларда ҳеч нарса ёзилган эмас. Аммо айтадиларки, бир маҳал Хорун ар-Рашид билан бу аёл ўртасида Умар ибн Ҳамза ибн Маймуннинг соф виждонлиги унинг олижаноблиги тўғрисида гап борди. «Энг маҳкам оёқлар пул ҳидидан ўз жойида ҳам қоқинадилар, — дерди аёл. — Уни чақир. Унга менинг тасбеҳларимни совға қилиб бергин. — Бу тасбеҳлар эллик минг динорга сотиб олинган эди. Агар у уларни рад этса, ўшанда мен унинг соф виждонлигини тан оламан». У шундай қилди. Сўнг айтиладики, Хорун ар-Рашид у билан ёлғиз қолганда иш тўғрисида гаплашди, сўнг тасбеҳларни тақдим этди. Лекин Умара уларни Хорун ар-Рашид олдига қўйиб, унга лутфу карам учун ташаккур изҳор этди. Кетаётганида эса тасбеҳларни ўз ўрнида қолдирди. Зубайда деди: «Унинг эсидан чиққан». Шунда Хорун ар-Рашид ўз хизматчиси орқали ўша тасбеҳларни унга жўнатди. Умара хизматчига деди: «Агар сен рост гап айтаётган бўлсанг, ол, улар сенга». Хизматчи қайтиб келиб

деди: «Умаро уларни менга совға қилди». Зубайда унга минг динор бердию, тасбеҳларни қайтариб олди. Агарда бу айтганларимиз унинг силлиқ тасбеҳларига оид бўлса улар ёқутдан қилинган эдилар, агарда бошқалари тўғрисида сўз бораётган бўлса, тўғрироғи, улар ярақловчи дурлардандир. Бу ҳикоя Умара тўғрисида. Худди шундай ҳодиса ас-Саффоҳ ва Умму Салама ал-Маҳзумия¹⁷¹ ўртасида ҳам бўлиб ўтган. Бу аёл ўз қабиласининг фазилатлари тўғрисида мақтаниб гапирган. У эса бу аёл олдида ўз одамларининг бири тўғрисида мақтаниб сўзлаган. Бу одам Умаро ибн Ҳамза эди. Бу ҳикоя аввалгидан ҳеч фарқ қилмайди. Фақат халифа ва унинг аёлининг исмлари бошқача холос.

Дейдиларки, Қутайба ибн Муслим¹⁷² Бухоро чегарасидаги Пойкент¹⁷³ қалъасини ташт этганда, у ердаги бир оловхонада икки дона дур топган. Руҳонийлар айтганларки, икки қуш оловхона томига қўнганлар. Сўнг улар шу икки дурни ташлаганлар. Қутайба бу дурларни ал-Хажжожга жўнатган ва уларнинг ҳикоясини билдирган. У бундай жавоб қилган: «Сен айтган гапларни тушундим. Дурларга ҳайрон қолдим. Қушларга ҳам. Аммо ҳаммасидан ҳайратланарлиси сенинг бизга кўрсатган саховатингдирки, уларни бизга юборган сен. Эй, Абу Ҳафс — вассалам».

Абул Ҳуқайқнинг¹⁷⁴ бойлиги ҳазина дейилар эди. Лақаби эса «қўй терисидан қилинган қопчиқ»¹⁷⁵. Чунки қўй терисидан қилинган қопчиқларда қимматбаҳо тошлар ва тақинчоқлар лиқ тўла бўлган. Яна ҳўкиз терисидан, туя терисидан қилинганлари ҳам шундай лиқ тўла эди. Уларнинг баҳоси ўн минг динор бўлган. Бу қимматбаҳо нарсалардан тўйларида қарзга олардилар. Оллоҳ элчиси (с. а. в.) Хайбар¹⁷⁶ халқини қамал қилганида, улар билан шундай сулҳ тузган: қон тўкиш тўхатилади. Улар Хайбарни ва уларнинг от-уловини олиб кетгунича мулки уларга қолади. Унга эса олтин, кумуш халқалар, яъни совут тегади. Яна Оллоҳ элчиси (Муҳаммад с. а. в.) шарт қўйганки, улар ҳеч нарсани беркитмасинлар, яширмасинлар. Агар шундай қилгудек бўлсалар, ҳимоя ва шартномадан айриладилар. Аммо улар шартномани буздилар. Ўз ихтиёрлари билан бу пулни яширдилар. Яна бир кишининг бойлигини ҳам беркитдилар. Бу бойлик ўз қабиладошлари билан бирга Хайй ибн Ахтабники бўлган, буни у Хайбарга келтирган. Ўшанда ан-Нодир қабиласи Мадинадан Хайбарга ҳайдалган эди. Оллоҳ элчиси (с. а. в.) Шуъба ибн Амирдан сўради: «Хаййнинг қопчиғи нима бўлди?» У жавоб берди: «У оддий харажатлар ва урушга сарф қилинди». У деди: «Сулҳ тезда тузилган эди, молу-мулк эса кўп бўлган». Хайй олдин ўлдирилган эди. Оллоҳнинг элчиси (Муҳаммад с. а. в.) унга тинчлик бўлсин — аз-Зубайрга буюрдиларки, у Шуъбадан қийноқ йўли билан иқрорга эришсин. У буни амалга оширди. «Мен Хаййни кўрдим — деди Шуъба — у уйлар орасида юрар эди». Ўша ерни тафтиш қилиб қопчиқни топдилар. Шуъба асир қилинди, сўнг ўлдирилди. Мулкни эса бўлиб олдилар.

Ҳажжож тўғрисидаги ҳикояда унинг ўз ҳукмронларидан бирига ёзган хати тўғрисида хабар берилади. «Бизга дурлар солинган қопни юборгин, унга энг тубан нарса сингарни муносабатда бўл!» (Шу ўринда Беруний бахраж биҳи сўзини ишлатган). Бахраж сўзи, унга арабча шакл берган кишининг айтишича, форс тилидан олинган. Маъноси «ёмон». Илдизи ҳинд тилидаги «бахли»дан. Бахли ҳиндчасига «қимматли», ёмон эса «набахла». Шунингдек, форс тилидаги «б»ли бахли араб тилида «ф» харфи билан алмашади. Форсларнинг энг яхши ҳол сўзи *фахлавий* дейилади. У «устунлик, қудратлилик» маъноси-

даги нисбий сифатдир. Дейдиларки, паст қимматли дирҳамлар *набахра*¹⁷⁷ дейилади. Тўғри йўлдан чиқиб кетадиган сўқмоқлар ҳам худди шундай аталади.

Аммо бу ҳикоя, араблар орасида кенг ёйилгани сабабли, ва яна, баҳраж «ёмон» деган маънони билдирган бўлса, у ҳолда ал-Ҳажжожга арзон ва баҳоси паст нарсанинг жўнатилмоғидан маъно нима эди?... Абу Муҳаммад ал-Қутайба буни қуйидагича тушунтиради: у бу нарсаларга оддий қопларга қарагандай қарасин, ёмон ниятлиларни чалғитсин, (қопда қимматбаҳо нарса бор эканини одамлар билиб қолмасин деган маънода) илоҳим, у билан бирор ёқимсиз ҳодиса юз бермасин. Ёвуз ниятли талончилар тортиб олмасинлар, солиқчилар солиқ баҳонасида олиб қўймасинлар. Шундай қилиб, ал-Ҳажжож дурни элтувчига юкни беркитишни, эҳтиёт бўлмоқни буюрган. Дурни элтувчи чопар айнан шундай қилган (ва юкни асраб қолган).

Қабийҳа ўз ўғли Муътаззга акаси ал-Муаййадни ўлдирмоққа маслаҳат берди. Сўнг марҳумнинг онасига Рамазон ойида баҳоси тўрт минг динор турадиган дурлардан ясалган тасбеҳни юборди ва чопарга «Булар билан ибодат қил, эй синглим» демоқни буюрди. У эса ўша дурларни ҳавончада туйиб талқонга айлантирди ва қоғозга ўраб бир киши орқали қайтариб жўнатди ва айтиб юбордики: «Буларни синглимга мендан деб топшир ва унга дегинки, «Тасбеҳлар қон ҳароратини совута олмайдилар».

Али хонадонидан ат-Тахирти билан бўлган воқеадан кейин, у Миср ҳукмронининг элчиси, ал-Ҳаким Биамриллоҳ¹⁷⁸ унвонига эга эди, у «Мадина амири» номи билан маълум бўлган Али хонадони элчисига хужум қилиб, уни шафқатсизларча ўлдиргач, ал-Ҳоким амир Ямин уд-Давла унинг ўзига қарши чиқмоғидан хавотирга тушди. У табиатан ақли паст одам эди. Бу кўрқувдан шундай маҳзунликка тушдики, синглисидаги барча қимматбаҳо тошларни тортиб олди, ўзидагиларни уларга қўшиб майдалаб туйдирди. Шу билан у ўз қимматбаҳо тошларини туйиб ташлаганини одамлар билгач, ўзининг шармандалигидан қутулади, деб ўйлаган эди.

Ал-Киндий ҳикоя қилади: Ар-Рашид қимматбаҳо тошлар солинган қопни Яҳё ибн Холидга¹⁷⁹ омонат қилиб топширди. У қопни унутиб ўз уйида қолдирди. Қопни хизматкорларидан бири олиб қўйди. Эсига тушгач, Яҳё қопни излаб топа олмади. Бундай йўқотиш уни қаттиқ изтиробга солди. Шу маҳалда мен унинг хузурида эдим. У кўр фолбин Абу Яъқубни чақириб келмоқни буюрди. Унинг келтирилганини хабар қилганларида Яҳё ҳозир бўлганларга деди: «Жим ўлтирингиз. Ҳеч ким сизнинг унингизни эшитмасин. Бўлмаса, унинг фоли бузилади». Абу Яъқуб кириб келгач, унга деди: «Мен сендан бир нарса тўғрисида сўрайман. Сен шунинг нима эканини айт». Бир оз жимиб тургач, у деди: «Сен мендан нима йўқолганини сўрайсан». Сўнг Яҳё деди: «Ўша нимадир?» Фолбин узоқ ўйланиб қолди, сўнг қўли билан чапак чалиб деди: «У баҳоси қиммат маржон оқ, қизил, зангори, у қопга жойлаштирилган ва идиш ичида». Яҳё деди: «Топдинг». Сўнг сўради: «Уни ким олган?» Фолбин деди: «Хизматкор». У сўради: «У ҳозир қаерда?» «Ахлат чуқурида». Яҳёнинг кўнгли тинчиди ва деди: «Ахлат ва ахлат чуқурларидан унинг изини қидирингиз». Унинг изини бир чуқур четидан топдилар. Уни кавлаганларида қимматбаҳо тошлар солинган қоп чиқди, у бебаҳо эди. Сўнг Яҳё деди: Эй қул, бунга беш минг дирҳам бергин. Фалончига айт, беш минг дирҳам турадиган бизнинг ёнимиздаги бир уйни сотиб олиб унга берсин. Фолбин деди: «Бу беш мингни оламиз. Лекин у уйни ҳеч қачон со-

тиб олиб бўлмади». Яҳе ундан фол тўғрисида сўради. У жавоб берди: «Фол очиш сезув органлари воситасида амалга ошади. Мен кўрмоқдан маҳрумман ва товуш ёрдамида фол очаман. Мен кириб келганимда қулоқ сола бошладим. Аммо ҳеч нарсани тинглай олмадим ва паришон бўлиб «йўқотиш» дедим. Ҳеч нарсани эшита олмагач, қўлимни гилламга урдим, у ерда хурмо данаги бор экан. Ўзимча дедим: «Палманинг меваси идишга ўхшаш-ку, деб ўйладим. Унда оқ, қизил, зангори нарсалар маржонга терилгандек ётади. Шундан йўқолган нарса қопда бўлган деб хулоса қилдим. Сўнг ўйладим: «Ким уни олган?» Шу вақт эшак ханграб қолди. Бу қишлоқнинг белгиси эди. Қишлоқ одамлари подшоҳнинг нарсасига асло қўл урмайдилар. Фақат хизматкоргина шундай қилиши мумкин». Сен ўғирланган нарсанинг қаердалигини сўраганимда кимнингдир: «буни ахлат чуқурига ташла», — деган овозини эшитдим. Сўнг Яҳе сўради: «Биз сенинг ҳақингда гапирётганимизни қандай қилиб билдинг?» Фолбин деди: «Сен биринчи беш минг тўғрисида буйруқ берганимда қулларнинг «ҳа» деганларини эшитдим. Ўйладим, майли буни олайн. Сен иккинчи беш минг тўғрисида фармон берганимда, кимнингдир «йўқ» деганини эшитдим. Шундан сўнг у беш мингни олди-ю қайтиб кетди. Кўп вақт ўтмай Бармакийлар билан бўлган ишлар бўлиб ўтди. Улар бебахтликка мубтало бўлдилар.

Бир фойдали масалада дейилган: бир одам қушчани тутиб олган. Қушча ундан сўраган: «Мендан нима истайсан?» «Сўйиб емоқчиман». Қушча деган: «Қорнинг мени еган билан тўймайди. Чунки мен ярим ютим ҳам эмасман. Агар мени қўйиб юборсанг, мендан учта маслаҳат оласан. Уларни қўллаб кўп фойда кўрасан». «Улар қандай маслаҳатлар?» Қушча жавоб берибди: «Ўтиб кетган ишга кўп афсусланма; эриша олмайдиган ишга интилма; йўқ нарсага ҳеч қачон ишонма». Бу менга уни егандан кўра фойдалироқ бўлди деб ўйлаб, қушчани қўйиб юборди. Қушча учиб бориб қаршидаги деворга қўнди ва деди: «Агар мени емоқни амалга оширганимда менинг жиғилдонимдаги каптар тухумидек дурни топиб олган бўлар эдинг». У одам афсусланиб қолди ва қушчани қайтармоқчи бўлиб деди: «Менга қайт. Мен сенга кунжутнинг тозаланган донлари ва муздак сув тайёрлаб қўйганман». Қушча жавоб берди: «Эй инсон, сен мени сўйиб емадинг, менинг маслаҳатларимдан истифода этмадинг, энди эса афсусланмоқдасанки, мени йўқотдинг. Лекин мени тута олмайсан; Билиб қўйки, мен ўзим каптар тухумича келмайману, қандай қилиб ўзимдан кўра каттароқ нарса қорнимга сиғмоғи мумкин». Шундан сўнг қушча у билан хайрлашди ва учиб кетди.

ЗУМРАД¹ (ЗУМУРРУД) ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Зумурруд² (зумрад) ва забаржад³ синоним сўзлар бўлиб, бир хил маънони билдиради. Улар бир-биридан баҳоси ёки камёблиги билан фарқ қилмайди. Аммо забаржад сўзи ҳар иккаласига алоҳида ва ҳар икковига бирдек қўлланиши мумкин. Зумрад сўзи ҳам ундан кам эмас. Зумурруд сўзидаги «д» ҳарфи «з» ўқилиши мумкин. «Р» ҳарфидан кейин «а» ёки «у» деб талаффуз қилиниши ҳам мумкин. Зумрад мунчоғини узунчоқ найчасимон шакли ва ичидан ип ўтказиб шода қилиш мумкин бўлган тешиги сабабли қамиш мунчоқ дейишади. Арабчаси — *қасаба*⁴. Худди шу каби илик суяклари ва ичаклар ҳам шунга ўхшатилиб *қасаба* деб аталади.

Ал-Ажжож ичаклар ҳақида дейди:

Улар қорин бўшлиғи орқали бир-бири билан чирмашган ҳолда ўтади.

Илик суяклари ҳақида у яна дейди:

*Ярим суюқ суякдан яна ярим суюқ нарса чиқади.
Уларнинг сирти худди тўқимага ўхшайди.*

Райлик ака-ука заргарлар дейдиларки, энг яхши зумрад қора зулмоний номи билан машхур. У тўқ яшил рангда бўлади. Бошқа рангдагилар райхоний⁵, лавлаги барги каби яшил (силқий)⁶. Бақлажон ва бошқа ранглилари ундан пастроқ, юқори навларга тобе-дирлар.

Наср дейди: зумрад учун умуман яшил ранг хосдир. Ундан бошқа рангда зумрад бўлмайди. У тўрт хил кўринишга эга: биринчиси мирранинг яшил рангига ўхшаш, сувли, лавлаги баргининг ранги каби товланади; суви кўпроғи мирт (ос) рангидан арпанинг янги униб чиқаётган майсаси рангигача ўзгаради. Иккинчи хили оч яшил ранг бўлиб, биринчи турга, лекин сувлилиги жиҳатдан мирт рангига ўхшайди. Хитой аҳолиси ва денгизчилари зумраднинг шу хилини бошқа рангларида афзалроқ ҳисоблайдилар. Учинчи тури тўқ яшил рангисини бўлиб, унинг суви кам. Мағриб аҳолиси уни яхши кўрганларидан *марғибий* деб юритилади. Зумраднинг тўртинчи хили иккинчи хили *бахрий-га* солиштирилганда бир-бирига ўхшашлиги маълум бўлади: оч яшил, суви кам, у қадар ярқироқ эмас; уни «кар, гаранг» (асамм)⁷ деб ҳам атайдилар. Нархи анча арзон. Сараланган ва энг қиммат зумрад тоза, яшил, сарғиш чизиқларсиз, қора доғлардан холи, силлиқ ва ҳамма жойи бир хил, ундан ташқари бир хил ярқироқ бўлиши керак. Аммо зумраднинг нуқсонсиз ва сиртида ғадир-будирлардан холисини топишнинг иложи йўқ.

Ал-Киндий ва Наср дейдиларки, зумраднинг белгили хусусияти унинг яшил ранги, ялтироқлиги, сиртининг силлиқлиги ва таглик мато юзасида чақнаб туриши, ҳажмига нисбатан енгил ва юмшоқ туйилишидир. Ранги олов таъсирига чидамсиз. Табиатан юмшоқлиги сабабли оловда у охакка айланиб қолади.

Муҳаммад ибн Закариё дейди: миснинг занглашидан яшил ранг (мис занги) — зинжор⁸ ҳосил бўлади. Бу мулоҳаза агар мис олтин конида эмас, мис конида топилган бўлса, тўғридир. Лекин, афтидан у (Закариё), бу ҳодисани эмалга ўхшаш деб ҳисоблаган кўринади. Чунки эмалнинг яшил ранги асоси миснинг оксидланишидан ҳосил бўладиган яшил рўсухтождир. «Тошлар ҳақидаги китоб»да айтилишича, зумраднинг «душмани» малахит (дахнаж) дейилади. Малахитнинг зарбидан зумрад майдаланади. Унинг малахитга ишқаланишидан зумрадда хира из ва кукун заррачалари ҳосил бўлади. Зумраднинг енгиллиги ҳақида Ал-Киндийнинг муболағасига келсак, бу тажрибага зид, зеро биз зумраддан ҳам енгил тошларни биламиз. Биз буни ҳар бир тошнинг сувга нисбатан оғирлигини алоҳида келтириб ўтганимизда кўрсатамиз. Кўк ёқутни шартли равишда қиёсларимизнинг асосий меъёри сифатида олсак, зумраднинг оғирлиги $69 \frac{1}{2}$ бўлади⁹.

Зумрад конлари Мисрдан ташқарида учрамайди¹⁰. Булар ал-Воҳот, ал-Муқаттам¹¹ тоғлари ва бажжа¹² қабиласининг ерларидир. Абул Исҳоқ ал-Форисий дейди: забаржад конлари Мисрнинг юқори қисмидаги Саъид¹³ деган жойда бўлади. Бундай конлар Нил дарёсидан жанубдаги сахроларда ҳам кўп учрайди. Жолинус «Далиллар» китобида айтишича, Нил дарёси Мисрга жанубдан келади. Бунинг исботини Аротастонас¹⁴ ер қурасининг айланасига узунлигини Асувондан¹⁵ Маёқ шаҳри Александариягача масофа узунлигидан келиб чиқиб ўлчагани мисолида кўрсатади. Асувон Мисрнинг юқори қисмида, тоғли худудда Нубияга чегарадош бўлиб, Нил соҳилида жойлашган. Искандария бўлса, Нилнинг денгизга қуйиладиган ерига яқин. Уларнинг иккови ҳам битта меридианда ётгани учун оралиғидан оқиб ўтувчи Нил жанубдан шимолга қараб оқиши аниқ. Юқори Миср унга нисбатан ғарбда, Муқаттам эса бажжалар ери яқинида, шарқда жойлашган.

Ал-Киндий ҳикоя қилишича, зумрад конлари Мисрнинг юқори қисми шарқий чегараларида жойлашган. Қора танлилар мамлакати Суданда, унинг пойтахтидан ташқарида, Нил дарёси ва Қизил денгиз оралиғида тилла конларига қўшни, ан-Нуба (Нубия) мамлакатининг Муғал тоғларида. Бу гапларда қандайдир чалкашлик бор. Зеро, бажжалар ҳам қора танлилар, лекин улар суданликлар эмас. Бу атама умуман Мағриб ерларида яшовчи туб аҳолига тегишли. У ердан тилла конларидан олинган тилла ва зумрадлар билан бирга қуллар ҳам келтирилган. Бажжалар юртида олтин ва зумрад конлари бор, лекин улар жойлашган ерлар Нубиянинг Муғал тоғлари ҳамда Нил билан Қулзум денгизи оралиғига тўғри келмайди.

Ал-Хатибийнинг айтишича, зумрад қум уюмлари орасида чуқур қудуқлардан худди олтинга ўхшатиб қазиб олинади.

Ал-Киндийнинг айтишича, гоҳо тоғда зумрад томирлари бўйлаб қазиб оладилар. Баъзан эса тошлар орасидан унга ёпишган чанг ва ғуборлар тозаланиб қолган ҳолда териб олинади.

Райлик ака-ука заргарларнинг айтишича, тош қидирувчилар ташқи кўринишдан зумрадни таниб ололмасалар, унга зайтун мойи сурадилар. Агар қўлларидаги тош зумрад бўлса, унда яшил доғлар пайдо бўлади.

Наср дейдики, анъанага кўра зумрад конларига тушишни истаганлар, ҳар йигирма кун учун беш динордан солиқ тўлашлари шарт. Гоҳида улар қимматбаҳо тошни топиб, уни ер юзига олиб чиқади. Тошни сурмага ўхшаган чангдан тозалайди. Бу энг яхши тош ҳисобланади. У ердан яна зумрадни оч яшил — оқ, тузга ўхшаш ранглиги бўлиши ҳам мумкин. Бу нав баҳрий деб аталади. Бу кондан яна икки хил турдаги тошлар: бири асамм, иккинчиси мағрибий деганлари қазиб олинади. Уларни сайқаллаб силлиқланади¹⁶. Гоҳо майда бўлақлардан мунчоқ шодалари ясалади, унинг номи аъдасий (майда донли ғалла ўсимлик уруғидан мунчоқ) дейилади.

Райлик ака-укалар айтишича, улар кўрган зумрадни ранги ва тозалиги билан энг юқори навли катта бўлаги беш дирҳам вазнга эга экан. Лекин Райлик ака-ука заргарлар ўн дирҳам оғирликдаги зумрадни кўрганларнинг ҳикояларини эшитишган эмиш. Бундай зумрадни ҳар бир дирҳам вазни 50 динор нархда эканлигини, сўнг унинг нархи бир динорга тушиб кетганлигини ҳикоя қиладилар. Уларнинг тошларни нархлашлари

ажабтовур. Шундай тошлар ҳам бўлар эканки, уларнинг синиқ бўлакларини ширачлаб бирлаштирганда ҳам асл қимматини йўқотмас экан.

Зумраднинг киротдаги вазни	Дирҳамдаги нархи	Зумраднинг киротдаги вазни	Дирҳамдаги нархи
4	2000	13	13000
5	3500	14	14000
6	5000	15	15000
7	6000	16	16000
8	7000	17	18000
9	8000	18	21000
10	9000	19	24000
11	10000	20	28000
12	11500	21	32000

Бир бошқа одамнинг айтишича, ярим мисқол зумраднинг нархи икки минг динорга етиши мумкин эмиш. Марвонийлар даврида зумраднинг нархи ҳақида гап кетар экан, унда ҳикоя қилгувчи учун бизнинг кунларимиздаги¹⁷ нархлардан келиб чиқишдан ўзга чора қолмайди.

Яна Оллоҳ яхшироқ билгувчидир.

ЗУМРАД ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАР

«Хитой ҳақида ҳикоялар» китобида айтилишича, қадимда Ҳиндистонга синд динорлари келтирилган. Улар уч мисқол ва ундан юқори нархда сотилган. Зумрадни Мисрдан яширинча узук кўзига ўрнатилган, малахит ва маржон шодаси чиғаноқлар ичини ўйиб жойлаган ҳолда келтиришади. Етиб келгач, чиғаноқ қопламани синдириб олиб ташлаб, зумрад кўзли узукни ажратиб олишган. Ҳикояда синд ва ҳинд динорларининг фарқи тўғрисида айтилмаган. Синд тангаси қизил олтиндан, ҳиндники балки тилла аралаш қотишмадан зарб қилингандир. Бинобарин, улар ўртасидаги нархда бир-биридан учга бир миқдордаги фарқни тушунтириш қийин. Ҳинд халқида савдо сотиқ учун олтин ҳисобида *тўла* номли ўлчов бирлиги бўлган. Улар олтинни мисқоллаб ўлчашмайди. Уларнинг етти *тўласи* вазнда уч дирҳамга тўғри келади.

Мен Хоразмшоҳ¹⁸ Маъмуннинг зиёфатларида соқий кўлидаги зумрад билан безатилган тарози палласига ўхшаш қадахни кўрдим. Айтишларича, бу қадах турк хоқони Буғраҳон¹⁹ туфайли Сомонийлар салтанати путурдан кетаётган пайтларда уларнинг хазинасидан Хоразмга келиб қолган. Унга ўн мингга яқин динор тўланган.

Ҳикоя қилишларича, бир куни Мехржон байрамида ал-Мутаваккил олдига Бохтйешу келган. Мутаваккил ундан сўраган: «Қани сенинг совғанг?». Бохтйешу жавоб берган: «Менинг совғам шуки, сенгача унга ўхшаган нарсага биронта халифа ёки подшоҳ эга

бўлмаган». Ва у забаржаддан ясалган, оғирлиги саккиз мисқол келадиган бир қошиқни кўрсатган ва отаси Жибрил тилидан ҳикоя қилиб, қуйидаги сўзларни айтган: «Бир куни Яҳё Ибн Холиднинг жорияси Данонир олдига қасида билан бордим. Қасидани ўқиш учун кирсам, Данонирни шу қошиқ билан анор еяётганини кўрдим. Анор доналарини ажратиб, унинг шарбатини чиқаргач, у (Данонийр) деди: «Шу қошиқни ўзингга ол. Ва мен уни олдим». Бундай зумрад қошиқни кўриб хурсанд бўлган Ал-Мутаваккил: «Бу қошиқ учун одамлар ўз қалбларини фидо қилсалар арзийди», — деди: Уни баҳолаш учун заргар Аттобани чақирдишганда, у хайрат билан: «Бунинг баҳосини билмайман, унинг баҳоси йўқ!», — деди.

Наср айтади: ал-Мансурнинг ранги денгиз суви рангига ўхшагани учун «Денгиз»²⁰ деб аталган икки мисқол оғирликдаги зумрад узуги бор эди. У қирқ минг динорга сотиб олинган. Бу тош, эҳтимол, «исмоилий» деб номланиб, ар-Рашидга тегишли бўлган. Ар-Рашид бу тошни Дажла дарёсига ташлаган эди.

Бир куни ал-Муътасим ўз аъёнлари билан зиёфатда ўтирган эди. У узунлиги бир тирсак келадиган зумраддан ясалган ҳукмдорлик асосини (ҳассасини) уларнинг олдига қўйди ва деди: «Ким бунинг нима эканлигини билади ва баҳосини айтади?». Улардан ҳеч ким жавоб беролмади. Абдуллоҳ ибн ал-Маҳлу²¹ қўлига ушбу буюм етганда у деди: «Ҳа, буни мен биламан. Буни Умм Жаъфар саксон тўрт минг динорга сотиб олган эди. Умм Жаъфар дафн қилинган пайтда бу буюмнинг бир бўлаги йўқолган эди. Аввал унинг уч қисмида қизил ёқутдан ясалган куш шакли бўлган». Ал-Муътасим уни топишни буюрди, хазина кўриқловчисини ўлдираман, деб кўрқитди. Бир соат ўтмасдан қушча шаклидаги йўқолган қисми топилди ва шу заҳоти уни зумрад таёқчага ўрнатдилар.

(Зумрад), бу юмшоқ қимматбаҳо тош. Унинг узунлиги бир тирсак бўлса, маълум қалинлик даражаси бўлсагина бутун тура олади. Бу унинг етарлича пишиқ бўлишини, синишдан сақланишини таъминлайди. Ёки у бир бирини мустаҳкам ушловчи бир неча бўлақлардан ташкил топган бўлиши лозим. Ундан ташқари бу бўлақлар бир бирига метал сим билан тешиб ёпиштирилган бўлса ҳам маъқулдир. Бунга унинг ташқи кўриниши гувоҳлик беради. Енгилроқ бўлақлари айнаи ўша симлар ёрдамидагина ўзаро бирикиб туриши мумкин.

Ал-Хатибий²²нинг ҳикоя қилишича, Миср ҳукмдори аз-Зоҳир ибн ал-Ҳаким²³ байрам кунда от миниб чиққанда унинг салласида уч дона йирик гавҳар қадалган эди. Қўлида узунлиги бир тирсакча, қалинлиги бир бармоқча келадиган зумрад тошли ҳасса бор эди. Унинг бир учида худди салласидагидек учта қимматбаҳо дур бор эди.

Шунингдек, ал-Хатибийнинг²² ҳикоя қилишича, Миср шаҳарларидан бири Ихмимда²⁴ оқ тошдан қурилган, қадимги юнонлар «Ҳикматлар уйи» деб аталган иморат бўлган. Бу юқори Саъиддаги ибодатхона эди. Иморатнинг узунлиги эллик тўрт ва кенлиги ўттиз тўрт тирсак, деворлари айлана шаклида уч бўлақка бўлинган. Юқори бўлагида дарахтларнинг, ўртада ҳайвонлар, пастки қисмида инсонларнинг ўймакор тасвири акс этган. Уларнинг ҳар бирида ҳозир тушуниб бўлмайдиган ёзувлар бор. У яна давом этиб дейди: «Миср ҳукмдорларидан бирининг кутичалари зумрад қопламали, ҳар бирининг ҳажми кафтдек келар эди».

Шунга ўхшаш бўлган ва бўлмаган кўп сафсата гапларни айтадилар²⁵. Ал-Жайхонийнинг²⁶ «Йўллар китоби»да хабар қилинганидек, шаҳидлар сардори Истафонус²⁷ черковида йигирма қарич узунликда ва эни олти қарич эҳсон дастурхони бўлган. У тилладан ясалган ўн иккита икки тирсак узунликда ҳайкалча кўринишидаги оёқчаларга ўрнатилган. Ҳар бир ҳайкалчанинг кўзи қизил ёқутдан. Бу черковнинг ёғоч эшикларини ҳисобга олмаганда, йигирма саккизта олтин ва мингта жез эшиклари бор. Агар ушбу ҳикоя Форсга тегишли бўлганида эди, мен бу эҳсон хонтахтаси ёниб эриб кетган зумрад хазинасидан ясалган деб айтган бўлардим ва ўзимни зумрад оловга чидамсиз нарса эканини гўё билмагандек тутар эдим (аммо бу хазина ёниб кулга айлангани маълум). Менимча, эшикларнинг сони тўғрисидаги ҳикоя ҳам худди шундай бўлмағур гап. Акс ҳолда бу черковнинг деворлари девор эмас, фақат кетма-кет эшиклардан иборат эканда, деб ўйлашга тўғри келар эди.

«Бу дунё-ю у дунё йўриқномаси» китобида келтирилишича, ер атрофини ўраб турувчи Қоф²⁸ тоғи буткул яшил зумраддан иборат бўлиб, тоғнинг тагидан то чўққисигача саксон фарсах келар эмиш. Осмон зангори кўринадиган бўлса, бу шу тоғнинг шуъласи эмиш. Шайтонлар забаржадни ўша ердан олиб одамларга тарқатар эмишлар. Бу савобли ишлари учун гўё, Оллоҳ уларни ёрлақасин. Шунинг учун Оллоҳ ушбу шайтонларни ана шундай майда-кичик зумраддек қилиб яратган эмиш. Шаман динига эътиқод қилувчилар Қутб юлдузининг остида жойлашган Тик тоғ²⁹ тўғрисида ҳам шунга ўхшаш гапларни айтадилар. Унинг тўрт томони турли рангдаги ёқутлардан ташкил топган эмиш. Зангори ранги осмон рангини берармиш. Зулқарнайн ҳақидаги ҳикояларда бир лавҳа бор. Зулмат юртига кириб келган лашкарларнинг оти туёқлари тошларга урилишидан жаранглаб овоз чиқар экан. Шу пайт Искандар ўз ҳамроҳларига дебди: «Бу — тошларни олган ҳам, ташлаб кетган ҳам афсус қилади». Айрим лашкарлар бу тошлардан олибдилар, баъзилари олмабдилар. Улар зулматдан ёруғликка чиққанларида бу тошларнинг забаржад эканлигини кўрдилар. Уни олганлар кам олдим деб, олмаганлар олмаганлигидан афсусланибдилар. Шу ҳикоя асосида зумраднинг энг яхши хиллари шу зулматдан чиққан, дейилади. Ҳозирда одамларнинг қўлларида мавжуд бўлганлари ўша жойдан олинган тошларнинг қолдиқлари эмиш. Унинг нархи захирасининг тугатилганлиги боис ошиб бораверар экан. Қолаверса, ер юзида, агар ҳамма томони зич беркитилган бўшлиқда қоронғи жой қилиш мумкин дейилмаса, бутунлай қоронғу жойнинг ўзи йўқ. Бироқ йилнинг олти ойида қоронғи бўлиб турадиган жойлар борлиги ҳақида гапиришади. Лекин қолган олти ойи узлуксиз ёруғ куни ҳам бор.

Ҳаётим билан қасам ичаманки, зулматдан олинадиган зумрад (зулмоний) ҳақида, гап кетганда чироқсиз ишлаб бўлмайдиган конларни кўзда тутмоқ мумкин, холос. Бундай конлар бошқа конлардан фарқ қилади. Қоронғулик мамлакати ҳақидаги шу муносабат билан барча сафсаталарни таҳлил қилиш вақтни олади холос, чунки ер юзида бундай қоронғуликнинг ўзи йўқ. Ойлаб чўзиладиган тунларда шундай совуқ бўладикки, унга одам дош беролмайди.

Ҳикоя қилувчиларнинг аксарияти яқдиллик билан зумрадга тегишли бир хосса ҳақида гапирдиларки, бу гўё зумраднинг ёрқинлигидан унга қараган захарли илоннинг кўзи оқиб тушар эмиш³⁰. Бу ҳаттоки, «Хусусиятлар ҳақида китоб» («Китоб ал-хаввос»)да ёзилишича, оғиздан оғизга ўтиб, ҳамда шеърият орқали кенг ёйилган.

Абу Саид ал-Ғонимий³¹ дейди:

*Жилғаларнинг ҳайқириб оқиши,
Зумрад ўсимликлар уруғини сочади.
Зумрадга боққан илон каби,
Кўз нури ва кўзини йўқотишдан кўрқади.*

Абу Наср ал-Утбий³² ўзининг бир асарида дейди: «Ҳар бир буюм Оллоҳнинг иродаси билан алоҳида кучга ва хусусиятга эга. Зумраддан жиннинг кўзлари оқади, ёқут илон наҳрига даво, каҳрабо ердаги сомонни ўз кучи билан тортади. Сут ва унда ёғ бўлгани сабабли ундан тайёрланган ширчай сотувчини ўзига жалб этади³³.

Ҳикоячиларнинг бир овоздан айтишларига қарамай, тажрибада бу исботланмади. Мен зумрадли мунчоқни илонга ўрадим, зумрад доналарини илонли сават тагига сепдим. Зумрадни ипга боғлаб, илонни кўз олдида силкитдим, бу нарсани тўққиз ой совуқ демай, иссиқ демай амалга оширдим. Бу ишим ҳеч қандай натижа бермади.

Оллоҳнинг ўзи омад бергувчидир.

ЗУМРАДГА ЎХШАГАН ТОШЛАР ҲАҚИДА

Ал-Киндийнинг таъкидлашича, зумрадга ўхшаган қимматбаҳо тошларнинг айрим бўлаклари икки мисқолдан уч мисқолгача келади. Уларнинг номини унинг китобида ўқидим, лекин эшитмадим. Зумрадга ўхшаш тошлар қаторига зумрад конларидан қазиб олинадиган *сисан* тоши киради. Бу тош яшил, силлик, тиниқ, сарғиш товланади ва зумраддан қаттиқлиги ва қуруқлиги билан фарқ қилади. Яна бир тош — *саб* деб аталади ва у сисанга ўхшаб кетади³⁴. Улар орасидаги фарқни ўта синчковлик, диққат билан қараб чиққанда аниқлаш мумкин. Агар унинг тагига нарса қўйилган бўлса, ялтироқлиги, тозаллиги ва чиройлилиги ортади; унинг икки мисқоллик бўлаклари учрайди. Зумрадга ўхшаш тошларга макка тошлари³⁵ ҳам киради. Макка тошлари яшил, қаттиқ ва зич бўлади. Булар қаторига яна Ҳиндистондан келтириладиган сабандон³⁶ номли тош ҳам киради. Унинг айрим бўлаклари уч мисқолгача оғирликка эга. Сабандон қаттиқлигига қарамай, юқоридаги икки хил тошдан пардозлаш таъсир қилмаслиги билан фарқ қилади.

Абу Саййид Ибн Дўст дейди:

*Кийикнинг баҳоси мушкидадир, терисидамас,
Олтин учун битта қоида бор, иккита эмас.
Зумрадга ўхшаса ҳам тош, у зумрад эмас,
Уларнинг вазни ҳатто бир хил бўлса ҳам.*

Амир Ямин уд-Давлага Ҳиндистондан зумрадга ўхшаган яшил рангли, лекин тиниқлиги билан унга ўхшамайдиган бир бўлак тош келтирдилар. У тош йўнувчига ушбу тошдан ўртасини сақлаган ҳолда, зарар етказмай коса йўнишни буюрди. Агар бу зумрадга ўхшаган бошқа бир тош бўлганда, оғирлиги ярим ратлдан кўпроқ бўлган бўларди.

Кончилардан бирининг хабар беришича, Нишопур ёнидаги феруза конлари яқинида қандайдир яшил ялтироқ тош топиб юришар эдилар ва буни зумрад деб ҳисоблашарди. Бу тошни йирик бўлаклар кўринишида қазиб олишар эди ва уни бу ерга ҳар йили келадиган бир савдогар сотиб олар эди, давом этиб у дейди: «Мен темир бўлагини тош билан ишқаладим. Бундан унинг ранги қизарди ва темирнинг қизил ранги бир ҳафта давомида ўзгармади ва мен тушундимки, бу мис занги эди (қалқанд)»³⁷.

Шундай қилиб, биз аниқлаган учта қимматбаҳо тош³⁸ турлари ҳақида асосий маълумотларни келтирдик.

Ҳозир феруза ҳақидаги ҳикоялар билан сўзимизни давом эттирамиз. Одамлар уни хосиятли тош эканлиги учун севиб тақадилар.

ФЕРУЗА¹ — БУСХАКИ

Жобир ибн Ҳаййон ас-Сўфий² ўзининг «Китобан ан-наҳаб фи-т- талмисот» асарида «ғалаба тоши», «кўздан асровчи» тош ва «мартаба тоши» тўғрисида маълумотлар келтиради. «Ғалаба тоши»³ ва «мартаба тоши» деб номланган феруза тоши ўз номи билан яхшилик нишонаси сифатида қўлланилади. Чунки форс тилида феруза «ғалаба» маъносини билдиради. Лекин «кўздан асровчилик» хоссаси кўпроқ сабаж (гагат) тошига тегишли. Чунки оддий авом кўз тегиб зарарланган одамни кўзикиш зараридан, ёмон кўздан шу тош асрайди деб ҳисоблайдилар. Бунинг учун одам ўзи билан гагатнинг синдириб олинган бўлагини олиб юрмоғи керак. Шу сабабдан болаларга гагат тошидан маржон шодаси тақиб қўядилар. Сабажга ишончининг яна бир сабаби унинг юмшоқлиги, ҳар бир дончасининг осон парчаланиши ҳисобланиб, одамлар бу аломатни биз юқорида айтганимиздек кўзикишдан холи бўлиш деб ўйлашади.

Наср феруза ҳақида айтадики, бу мовий тош ложуварддан қаттиқроқ. У Нишопурнинг⁴ Хон-диванд деган жойидаги Сон тоғидан келтирилади. Гагат қаттиқ тошга ишқалаб пардозланаётганда сувдан фойдаланилади, сўнг эгов билан ишлов берилади, мой билан юмшатилади. Сабаж қанчалик намланса, шунчалик қимматли бўлади. Вақт ўтган сари уни қаттиқлик даражаси ортиб боради, рангли қуюқлашади. Унинг энг сара нави Азхорий ва Бусҳоқий конларидан олинади.

Заргарлар айтадиларки, ферузанинг олий нави қаттиқ, зич, тўқ ранги, силлиқ, сирти ярқираб турувчи ва ниҳоят, ширфом⁵ деб аталувчи сут рангисидир. Баъзилар яна айтадиларки, ферузанинг энг яхши нави бу — ширфом, ундан кейин осмоний рангисига туради. Бу икки тур ферузанинг асл турлари бўлиб, қолганлари унинг тармоқларидир. Бир дирҳам бусҳоқий⁶ ферузасининг нархи ўн динар туради. Ироқликлар силлиқ тошнинг япасқи хилини, хуросонликлар ва ҳиндистонликлар узум ғужумига ўхшаш шаклини хуш кўришади. Айтишларича, топилган феруза бўлакларининг энг каттаси юз дирҳамга яқинлашади. Лекин, турли арашламаларсиз, вазни беш дирҳамдан ошмайдиган феруза бўлаги нархи юз динаргача боради. Айни шу сабабли, мен ферузанинг мовий ёқутга нисбатан вазнини аниқлай олмадим. Мен бир амаллаб, тоза ферузанинг кичик бир бўлагини топишга муяссар бўлдим. Аммо бу тажрибам учун етарли бўлмади.

Заргарлардан бири деди: «Мен икки юз дирхам оғирликдаги Илоқ ферузасини кўрдим ва уни эллик динорга баҳоладим. Ҳозир унинг баҳоси икки юз динор. Чунки Илоқ кони⁷ тугаб, ташландиқ холига келган».

Ал-Киндий дейдики, мен кўрган энг катта феруза бўлаги 1 ½ уқия (унция = 33 грамм) 40 грамм оғирлигида, нархи тахминан ўн олти дирхам турар эди.

Феруза очик ҳаво, булут ва шамол кабилар таъсирида тусини тез-тез ўзгартириб турганлиги сабабли уни ёқтирмайдилар. Бунинг устига хушбўй унинг сифатини пасайтиради, иссиқлик эса сувини қочиради, ёғ эса уни умуман ўлдиради. Шу сабабли, бундай одамлар ферузани сувнинг қотишидан пайдо бўлади, деб ҳисоблайдилар⁸. Айтадиларки, бу тош лойнинг тошга айланган хилидир. Феруза ўсимлик ёғидан нобуд бўлса⁹, мол ёғидан яна асл холига қайтади. Шунинг учун уни мол ва думба ёғи билан довлайдилар. Қассоблар кўлида ферузалик сифати олий даражага етади. Айниқса, феруза дастали пичоқ билан ҳайвон терисини шилувчи қассоблар кўлида бу тошнинг сифати юқори даражага етади. Феруза конининг яқинида яна бир кон борки, ундан ферузага ўхшаш тош олинади. Бу тошдан қошиқ ва шунга ўхшаш ашёлар ўйиб ясалади. Чунки, у юмшоқ, ўсимлик ёғи таъсирида тез ўзгаради¹⁰.

Оллоҳнинг ўзи омад бергувчидир.

ФЕРУЗА ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАР

Шероз ҳокимлигига Ғазнадан келган элчи ўзининг хотираларида ҳикоя қилади: Султон ад-Давла ибн Баҳо ад-Давланинг¹¹ уйида меҳмонхона пардаси тепасига илинган, ҳажми олмадек келадиган юмалоқ чиройли феруза бўлагини кўрдим.

Наср Исфaxon хокими (катхудо)¹² Абу Али ар-Рустамийнинг уйида ферузадан ясалган курси борлиги ҳақида айтади. Мардовиж ибн Зиёр¹³ томонидан унинг уйи найрон қилинганда, бу курси унинг ўлжалари қаторида укаси Мардовиж Вашмгирга¹⁴ тегди. Сўнгра у Бисутун¹⁵ кўлига ўтди ва у ферузани Жошак қалъасида сақланди. Кейин бу курси Бувайҳийлар кўлига ўтганда, улар Райга олиб келдилар. Менинг фикримча, бу курси ҳақида Журжонда эшитган эдим. Шамс ал-Маъолий Қобус ибн Вашмгир Хуросонга қочиб ўтмасидан олдин, Жошак қалъасида феруза курси номи билан машҳур олтин курсига эга бўлган ва бу билан мақтаниб юрган. Мазкур курси ўша бўлса керак деб ўйлайман. Орадан анча вақтлар ўтганлиги сабабли, бояги курси қандай катталиқдаги феруза билан безатилгани ҳақидаги ҳикояларни унутганман.

Амир ар-Радий Нух ибн Мансурда ҳажми уч ратл шароб сиғимига эга бўлган феруза коса борлигини ҳақида Наср ҳикоя қилади. Унга сайқал бериш учун Ироқдан келган устага бердилар, бироқ у унинг кўлида синиб қолди. Бундан кўрқиб у ҳаётини асраш учун номаълум томонга яширинди.

Абу Бакр ал-Хоразмий дейди:

*Феруза, осмонда дурдай юлдузлар порлаганда сени эсладим.
Улар булутлар орасида чақнаб, ялтирайдилар.*

*Худди арфаж дарахти ўтинлари оловидан
Сачраётган учқунлар каби.*

Мансур ал-Қозий дейди:

*Сенинг қулинг сенга динор ҳадя этди,
Юқори навли дирҳам-да берди.
Агар қул ўзи хоҳлаганини сенга бера олганда эди,
У сенга қантор ёки феруза қўзли узукни берган бўларди,
Чунки бу узук яхшиликка хизмат қилади.
Сен уни яхшилик белгиси деб бил,
Кичкина-ку дея, кам қўрма асло.*

АҚИҚ¹ — АЪҚИҚ

Унинг ранги турланувчан: оппоқ рангдан бошлаб, сариқ, қизил ва деярли қора ранг-гача ўзгаради. Синд ва Яман ҳамда Муқри ва Наъом атрофларида конлари бор. Наср унга, Сахро номи билан машхур Қусос конини ҳам қўшади. «Тошлар ҳақидаги китоб»да айтилишича, ақиқ Мағриб ва Румия ўлкаларидан келтирилади. Ал-Киндий дейди: ҳинд ақиқи ҳақида сўз кетганда, уни барусий дейдилар. Қамишлар экспорт қилинадиган Барус² вилоятидан келтирилади, ундан жулахик деб ҳам аталадиган банодиқ камон ўқлари ясалган. Мен бу жойни Михрон³ дарёси ва Сарандиб қўлтиғи оралиғидаги Бахрўж — Бавориж — қароқчилар ерида, соҳилда жойлашган деб ўйлайман.

Ал-Киндий айтадики, тошларни йиғиб хумдонга жойлаштирамиз, сўнг унга заргарлик даражасида ишлов берамиз. У совигач, ундан фойдаланиш мумкин. Яманда ҳам деярли шундай қиладилар. Туянинг тезагини ишлатган ҳолда уни Қуёшда қиздирадилар⁴. Оловда ақиқ бир мунча кичраяди, лекин сифати ошади. Олов янада кучайтирилса, у бузилади ва куйган суякка ўхшаб қолади. Шундан фойдаланиб, ақиқдан ясалган узук тошлари нашатир суюқлиги воситасида ювилади, сўнгра уни оловга яқинлаштирилади, у оқ тусга киради⁵.

Оқ ва қора чизиқча «белбоғ»лари бор биллурга ўхшаш ялтироқ тошда ақиқни кўргандек бўлишади ва уни «осим»⁶ деб аташади. Шундан сўнг уни хумдондан олиб, ерга маҳкамланган иссиқ темир устига қўядилар, кейин хоҳлаганларича бўлақларга ажратишади.

Ҳиндистон ва Ямандан ташқарида унинг конлари йўқ. Руммо номли машхур ақиқ Румдан қазиб олинганлиги учун шундай аталган.

Наср дейди: Яман ақиқининг ўзига хослиги унинг сариқ-олтин рангда товланишида ва софлигидадир. У кўп жойда олтин рангда бўлганлиги учун машхурдир. Унинг сариқдан энгил қизил рангга ўтиши, ялтироқлиги ва намлигидан византияликлар уни севиб руммо деб атайдилар. Шунингдек, қизил ранг сариқни энгиб, қизил ақиқ деб номланишига сабаб бўлади. У табиатан қаттиқроқ ва қимматлидир. Ундан ясалган узукларнинг баҳоси уч динордан юқори туради. Ироқда унинг турли рангдагиларидан⁷ — ўрик, хур-

мо ва қуруқ хурмо ва жигаррангли Хуросон ақиқини ёқтирадилар. Унинг оғирлиги кўк ёқутга нисбатан 64 ва $\frac{1}{2}$ ва яна $\frac{1}{4}$ га тенг⁸.

Ҳар бири йигирма ратл оғирликдаги яхлит бўлақлар топилганлиги ҳақида ҳам айтадилар. Бир киши ҳикоя қилади: у Яманнинг бир машҳур одамида шундай узунлик ва кенгликдаги бўлақ борлигини кўрган. Бу ўлчамга кўра у икки маротаба оғир бўлса керак.

Умуман, ақиқнинг нархи унинг турли нуқсонлардан холилиги, рангининг тиниқлиги, таркибида томирлари йўқлиги, хира эмаслиги, қора доғлари йўқлиги билан бир-бирдан фарқ қилмайдиган жавҳарлардан иборатлиги билан белгиланади.

Яман ақиқининг энг яхшиси тўқ қизил рангли бўлиб, унинг сиртида чизиклари йўқ деб айтадилар.

Наср дейди: Ҳиндистоннинг ақиқ конларида ақиқ-халанж⁹ деган оқ, қора қатламлилиги топилган, унинг номи жаз бақароний, баҳоси эса ҳозирги бақаронийдан анча паст бўлган.

АҚИҚ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАР

Исломгача бўлган даврда Каъбада Хубал¹⁰ санами бўлиб, у ақиқдан ясалган; унинг ўнг қўли синган, уни олтиндан ясаб тиклаганлар. Бу шуниси билан қизиққи, ҳиндлар нуқсонли синган, эзилган санамларни ўзларига муносиб деб билмаганлар ва ундан воз кечганлар. Макка аҳли қандай қилиб уланган санамни ўзларига бут қилиб олдилар экан?

Кўпчилик ақиқни унга ишлов бериш қийинлиги учун ёқтирмайдилар.

Айтишларича, ривоятда келувчи «Ақиқ муҳрларни босинглар... (тахтиму би-л-аъ-қиқ)» деган ибора ахборот берувчиларнинг хатоларидир¹¹, аслида, Муҳаммад (с. а. в.) Ақиқ водийсида лашкарларга қўноқ, дам олишни буюрганлар (тахаййум).

Шунга ўхшаш ҳолатлардан яна бирини эслаш мумкин. Масалан, саҳобаларнинг етказишича, йирингли яраларни ювиш ҳақида пайғамбар (с. а. в.) кўрсатма бергани (*хасо ал-жимор*) иборасини араб тилини яхши билмайдиган шарҳчи *хусо ал-химор* деб тушунган. Бу ибора «эшакни... ювиш» деб тушунилади ва бу талқин ҳақиқатдан йироқ қилган. Ҳадис айтувчилардан бири тилни яхши билмаганлиги сабабли бу сўзларни нотўғри талқин қилган.

Оллоҳ ўзи билгувчидир!

АҚИҚНИНГ ЙЎЛ-ЙЎЛ ТАРАМ-ТАРАМ ТУРИ — ЖАЗ¹

Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури қаттиқлик даражасига кўра, ўзига ўхшаган барча минераллардан ортиқдир. Бунинг исботи учун айтиш мумкинки, сув соатларининг сув кирадиган тешигини (банкноаот)² ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан тайёрлашади. Идиш тубига (бакиндон)³ ҳам ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турини жойлаштирадилар. Бу унинг қаттиқлиги сабабидир. Зеро, сувнинг доимий оқими бошқа материалларни емириб ташлайди, натижада вақт ҳисобида чалкашлик рўй беради.

Бизнинг ҳисобимизча, ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг қаттиқлик даражаси тик чизиқли меъёр (ўлчов воситаси)нинг $63 \frac{1}{8}$ даражасига тенгдир⁴.

Ямандаги ақиқ конларида ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури ҳам қазиб олинади. Чунки бу икки минерал ўртасида қариндошлик бор. Шунингдек, Ҳиндистонда ақиқ билан бир қаторда ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури ҳам бирга учрайди, бақароний⁵ деб номланувчиси ундан ҳам қимматроқ тош туридир. Бу тошнинг йўл-йўл чизиқлари тўғри, чунки бир-бирининг устига тахланиб жойлашган ҳар хил минералларни шу чизиқлар ажратиб туради.

Улар уч хил рангда бўлади: биринчи қатлами қизил ва маржон шодаси рангида, унинг остидагиси оқ рангда, юқори қатлами эса шаффоф биллур рангидадир. Гоҳида икки остки қатламнинг бири қора бўлиши мумкин, агар у сариқ ёки яшил зумраддан ташкил топган бўлса, бу қатламдан узукка тош сифатида фойдаланадилар. Бу табиий маҳсулотнинг гоҳида юқори ва остки қаватлари қалин бўлиб, унга ишлов берганда уларнинг тенг келишини ҳисобга олиш керак. Энг чиройли рангиси — бу сарғиш-қизғиш (халуқий) ва оқ, энг камёб тури яшили; кам ҳолларда унинг учинчи ранги ҳам учраши мумкин. Қатламлари тенг, усти силлиқ ва серсув тош энг сараси ҳисобланади.

Ҳамза дейди: форс тилида ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг ранги (халанж), бақароний халанж⁶ деб аталади. Халанж сўзи нафақат ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури учун, балки йўл-йўл тузилишга эга таркибли бошқа тошларга ҳам қўлланади. Бу сўз мушук, тулки, жирафа ва шунга ўхшаган ҳайвонларга нисбатан ҳам қўлланилади. Бундан ташқари ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг сифатларига кўра, эшикларни безатишда ҳам қўлланилган. Турклар ерида ундан курси, челақ, идиш-товоқ ва шунга ўхшаган буюмлар ҳам ясашади. Уларга ишланган расмлар шундай нозик бўладик, у худди каркидон шохи(хуту)⁷га ишлангандек кўринади. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан яна пичоқ ва ханжарларнинг сопи ҳам ясалади.

Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг яна бир хили форсий⁸ деб номланиб, бақаронийга ўхшайди. Шунингдек, фарқ қиладиган жойлари ҳам бор. Унинг қатламлари қалинроқ, кенг ва нотекис, йўғон-ингичка чизиқлари бор. Айрим кишилар чет қисмлари юпқа, ўртаси қалинроғини кўпроқ ёқтирадилар. Форсий ақиқнинг бу туридан кейин хабаший бўлиб, унда қизил қатлам йўқ, фақат четларида қора чизиқлари бор, ўртасидан оқ чизиқ ўтган. Унинг бундай номланиши хабашларнинг қора соқол билан мўйлаби ва оппоқ тишларига қиёс қилинади.

Баслий номли машҳур ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турида унинг юқори ва остки қатламлари қизил ва қорамтир тусда, оқ қатлам уларни ажратиб туради.

Наср дейдики, ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг томирлари зичлашуви учун зайтун ёғида қайнатадилар.

Ал-Киндий дейдики, ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури конлари ақиқ конларининг яқинида учрайди. Унинг ҳамма турларини бир икки кун асалда қайнатиб тарамларини маҳкамлайдилар ва улар тиниқ кўринадиган бўладилар. Шундай бўлса «Ал-Кимё» китобида айтилганлари, яъни айрим тошлар ер остида ҳажман катталашади, айримлари майдалашиб йўқ бўлиб кетадилар, деган гаплар ҳам тўғри бўлиб чиқади. Бир рангдан бошқа рангга ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури каби ўзгарувчилари ҳам бор.

Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг шундай хили борки, ғарвоний⁹ деб номланади. У қатлам рангларининг бетартиб эканлиги, кенглиги, узунлиги ҳар хил бўлганлиги билан бошқасидан ажралиб туради. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг шундай йирик бўлаклари борки, ундан ҳатто идишлар, кўзалар ҳам ясалади. 30 ратлдан кўпроқ сув сиғадиган кўза ясалганлиги ҳақида Ал-Киндий хабар беради.

Наср дейдики, сертомир муъаррақ агат ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турига ўхшаганлиги боис унинг ўрнида ишлатилган. Шунингдек ғарвоний ҳам қатламларининг кўплиги боис унга ўхшаб кетади. Уни рангига қараб эмас, ҳажмига қараб ажратадилар. Наср юқорида қайд этилган кўзани асосан катта тошдан ясалган, одамларнинг қўлларида мавжуд шу турга оид идишлар деб қайд этади. Унинг толалари соч толаларидек ингичка, қизил, қора, оқ рангларнинг аралашмаси кабидир. Гоҳо уларда дарахт ва ҳайвонларнинг тасвири ҳам учрайди. Қимматбаҳо тошларнинг савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар унинг турли кўринишларини таърифлайдилар (ҳикоя қилувчи Ал-Киндий уларни ўз кўзи билан кўрган деб ўйлайман). Бундай аралаш ранг турли хил рангларнинг қоришиғидан келиб чиққанлиги учун шундай бўлган. Турли шаклда жойлашган айрим қатламлар шундай жойлашганки, бу худди бақароний, форсий ва эфиопия турларида учрайдиган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турига ўхшайди. Улар худди эзиб, чўзиб шаклга келтирилган, уларга ишлов беришда ҳайратланарли, кутилмаган тасвирларга дуч келиши мумкин.

«Тошлар ҳақидаги китоб»да дейилади¹⁰: Хитойда ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури конларига одамлар ёмонлик келтиради деб яқинлашишмайди; жуда муҳтож бўлганларида одамлар уни қазиб олиб бошқа жойга жўнатганлар. Бу гаплар ерли халқлар ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг кўп мусибат келтиришига ишонганлигидан келиб чиққан. Уларнинг ўйлашича, уни бўйнига осиб олган одам ёки ундан ясалган идишдан суюқлик ичганлар уйқусизликка гирифтор бўладилар. Яман подшоҳлари ҳам унинг номи туфайли ирим қилишган¹¹, хусусиятлари боис фойдаланишмаган деб айтадилар. Бу хусусиятлар луғат муаллифига бориб тақалади, уни фақат тажриба қилиб текшириш мумкин.

АҚИҚНИНГ ЙЎЛ-ЙЎЛ ТАРАМ-ТАРАМ ТУРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури конлари Хитойда жойлашган, деб берилган хабар ишончли бўлмаган ва муаллифи номаълум китобда келтирилган. Лекин халқнинг ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан ясалган буюмни ёмонлик келтирувчи деб қарашларини, у ёки бу сабаблар билан ёмонлик келтиради деб қаралган буюмларга нисбатан инкор этиб бўлмайди. Яман шоҳлари-Туббаъ¹² сулоласи ҳақидаги ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури билан боғлиқ ҳикояда юқоридаги гап тўғри бўлганда эди.

Ал-Мураққиш¹³ ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан ясалган буюмларни тақинчоқ сифатида баҳоламаган бўлар эди.

Аёллар тилла суви юритилган ёқут ва олтин дурлари,

Зафарий ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури ва эгиз дурлар билан зийнатланганлар.

Убайдуллоҳ ибн Қайс ар-Руқойот¹⁴ дейди:

*(Вадъ) дурлари, безаклари, мунчоқ ва ақиқнинг
Йўл-йўл тарам-тарам тури эгасин онаси бизни деб уялди.*

Бошқа бир шоир дейди:

*Нил дарёси ҳам майда, зафарий ақиқнинг
Йўл-йўл тарам-тарам тури устидан оқиб ўтади.*

Ҳар икки шоир Туббаъ шоҳлари яшаган Яман шаҳри ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турини Зафор шаҳри билан боғлаган ҳолда келтирадилар. Улардан бирини хузурига бир элчи келибди. У баланд айвонда ўлтирар эди. Элчини ўлтирсин деб химйорча¹⁵ «сиб»¹⁶ яъни ўлтир деб айтди, бу сўз элчининг тушунишича, «сакра» деб янгради. У шундай тушуниб сакрабди ва юқоридан пастга сакраб тушиб ўлибди. Шунинг учун дейдиларки: «ким Зафорга келса, химйарча гапирсин», лекин, агар: «сен Зафарда подшоҳлик қилсанг, сенинг олдинга келган одамга, у тушунадиган тилда гапирсанг», тўғри бўларди. Химйорий подшоҳларидан бири касаллиги боис бир жойда ўтиришга маҳкум эди, шунинг учун уни Мусибан (ўтирувчи) деб атардилар.

Таваъим (эгизаклар) сўзининг маъноси ҳақида гапирганда унинг ёнма-ён келганлиги, минералларнинг кўшалок шакли назарда тутилади. Бу сўз катталиги ва бошқа сифатлари билан бир хилда жойлашган маъносида ҳам келади. Сен биринчисининг иккинчи билан, иккинчининг учинчи билан ёки биринчининг учинчи билан ва уларнинг охиригача тенг эканлигини кўрмаяпсанми? Яман шоҳлари ҳақида айтганларидек, улар ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турида ёмонлик аломатларини кўрган бўлсалар, вақт ўтиши билан аҳоли ўртасида шохдан ўрнак олишлари тўғри бўлар эди. Биз араб шоирларининг доимо ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури ҳақида эслатишлари ва унда ёмонлик аломатларини кузатмаганликларини кўрамиз.

Кинда қабиласи шаҳзодаларидан бири Имруълқайс дейди:

*Чодирларимиз атрофидаги ёввойи ҳайвонларнинг кўзлари
Ишлов берилмаган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турига ўхшайди.*

У ёввойи ҳайвонларнинг кўзини қоронғулик ва ёруғлик таъсири остидаги нурланишига қиёс қиляпти. Бу ёруғлик фақат кўз олмасигагина таъсир қилади. Кўз олмасига ишлов бериб бўлмаганлиги билан ишлов берилган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан фарқ қилади.

Энг оддий ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан ясалган мунчоқ тури қорамтир тусда бўлиб, уни ип ўтқазиш учунгина тешадилар. Узук ясаш учун ундан кўра сифатли ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури ишлатилади. Бу кўз табиий, тоза ва қиррасиз бўлиб, яхшилик келтирувчи бўлиб ҳисобланади. Юқоридаги шеърларнинг мазмунини ёввойи ҳайвонлар кўзи, мунчоқлар таркибидаги тошларга қиёс қилинсада, қирралари йўқ деб ҳам тушуниш мумкин.

Абу Аҳмад ал-Аскарийнинг¹⁷ айтишича, шеърятнинг сеҳри шундаки, унда шоир ўзининг тасаввурини қофияга, оҳангга солиб чиройли қилиб беради. Имрул Қайснинг шеърда келтирган «ишлов берилмаган» деган сўзи шунга монанддир. У шунгача ҳам ишлов берилган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан ишлов берилмаган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг софлиги ҳақида айтган эди: у яна шундай дейди:

*Бизга яхши хабар келтирувчи яқинлашди,
Дедики: «Яхши овқат билан меҳмон қилмайсизми?»
«Мен саҳрода учта ўтлаб юрган ҳайвонни кўрдим»,
«Кўзлари ишланмаган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридек эди».*

Бу оқлик билан кўзларнинг қоралиги ҳақида бир шоир қуйидагича ёзган эди:

*Кўзи ўйнаб турган қўшиқчининг кўзлари
Ёниб турган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам дурларига ўхшарди.*

Шунингдек, дурнинг оқлиги кўзнинг ҳаво ранг эканлиги билан боғланади. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури кўз косасига қиёс қилинади, чунки ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури қора билан солиштириш учун хизмат қилади.

Ўз севгилиси ҳақида куйлар экан, ас-Санаубарий дейди:

*Ақиқ, ёқут ва дур —
Сенинг кўзларинг, ёноқларинг ва тишларингдир.*

Ўз укаси Арбад ҳақида Лебид дейди:

*У худди ипга ўтказилгандек, бизга раҳбарлик қилар эди,
Чунки ақиқ ўша ип билан маҳкамлангани учун мустаҳкам сақланади.*

Ал-Фараздақ дейди:

*Уйда ёзилган ғазаллар, улар худди
Зафарий ақиқлар ўртасида турган кабидир.*

Имрул Қайс ёзади:

*Бўлинадиган ақиққа ўхшаб улар орқага тисарилдилар,
Бўйниларига амаки ва тоғалари тақадилар.*

У фаҳмлашича, ўзи етим бўлишига қарамай, тўкин-сочинликда яшаган ҳамда кўп ҳомийлари бўлган бу йигитчанинг бўйинини назарда тутмоқда. «Бўлинувчи» сўзининг маъноси мунчоқ таркибидаги тош, у пода орасидаги бузоққа ўхшаб ажралиб туришидир.

Абу Амр ат-Тоъий дейди:

*Бўлинувчи йўл-йўл тарам-тарам ақиққа ўхшаб ортга тисарилдилар,
Тўқилган белбоғ ва мунчоқни ёш йигит бўйнига таққан.*

Абу-т-Тимҳон¹⁸ ҳикоя қилади:

*Уларнинг машхурлиги ва юзларининг нури
Ишлов бергич йўл-йўл тарам-тарам ақиқни тешувчи тун зулматин ёритар.*

Бу шеърда айтилишича, ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури қора ва оқ қаватлардан иборат бўлганлиги сабабли кундуз кунни оқ ранглар уни кўринмас шаклга келтиради. Қора қатламлар тунда кўздан йўқолади, бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турини кечаси ҳам кундузи ҳам аниқлаб бўлмайди. Шунингдек, уни кундуз кунни топадилар. Бундан хулоса шуки, юқоридаги айтилган гаплар фойдасиздир.

Абу-т-Тимҳон ярим тунни назарда тутган, бу пайтда ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турини тешишнинг иложи йўқ, ой нури тушганда, унинг бўйи сояси ярмига келганда, бу қийинчилик йўқолади.

Бу ҳақда араб шоири ўз шеърида гувоҳлик беради.

*Ойнинг еттинчи тунда
Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турини тешиш мумкин.*

Бу билан у ойнинг еттинчи тунда ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турини тешиш учун кўриш мумкинлигига ишора қилади.

Куёнлар ҳақидаги ҳикояни юқорида келтирганмиз.

Менда усти силлиқ тўлқинсимон чизиқлар оёқсиз ўрдак шаклини берувчи ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури парраксимон тури бор эди. Бу ўрдак сузиб кетаётгандек ёки тухум устида ўтиргандек кўринади, ҳеч ким ундан моҳир рассом чизган ишдек камчилик топа олмайди.

Менга бир хоразмлик уста ҳикоя қилиб берган эди: унинг ватанида куб шаклидаги асоси оқ рангда бўлган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури бўлган экан. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури атрофлари бошқа рангли қатламлар билан ўралган эди. У шундай ишлов бердики, қора рангидан соч ва қошларни, қизилидан лаб ва шу каби бошқа ранглардан олиб инсон танасини ясади. Буни мен ўз кўзим билан кўрмадим, фақат эшитдим холос. Устанинг маҳораатидан ҳайратландим, лекин бўлиши мумкинлигига ишонмадим. Шунингдек шунга ўхшаган Шабдиз¹⁹ шакли ҳақида ҳам ҳикоя қилдилар. Мен уни текшира олганим йўқ.

Каъбадаги ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури бўлаги Эфиопияники деб номлансада, у Яман ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури номи билан машхурдир; у қора рангда бўлиб, оқ чизиқлар билан қопланган, думалоқ шаклда, диаметри бир шибр келади.

Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури хона сатҳидан уч шибр баландликда, эшикнинг рўнарасидаги деворга ўрнатилган. Уни Нуъмон исмли бир одам қандайдир оролдан топган. Бу орол хурмо дарахтлари, боғлар, жуда катта овлоқлари ва шунга ўхшаш майдони бир неча фарсах келадиган ер экан. Бу ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури бўлагининг овозаси Валид ибн Абд ул-Маликкача етди. У Нуъмондан ўша ақиқнинг шундай турини жуда катта баҳо эвазига олишини хабар қилибди. Дейдиларки, бу минг динордан ортиқ бермоқчи бўлган экан. Лекин у одам ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури эвазига ўша оролни беришини сўрабди. Валид унга оролни бериб, ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури бўлагини олибди ва уни Каъбага юборибди. Орол Нуъмонга ва унинг авлодларига насиб этибди. Шундан бошлаб соҳилдаги кемалар турадиган бандаргоҳ ҳам Нуъмон номи билан аталар экан.

Саъид ибн Ҳамид²⁰ Меҳржон байрами куни Маъмунга ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан ясалган курсича совға қилган экан. Курси билан бирга кўзга сурма суриш учун олтиндан ясалган мил ҳам юборибди. Милнинг бўйи курсичанинг бир томони узунлигига тенг экан. Хат ёзиб, унда дебдики: «Қудратли ҳукмдорга бўйи ва эни бир мил келадиган курси совға қилдим». Ал-Маъмун ўйлабдики, бу ўлчов фарсахнинг учдан бирига тенг бўлса, ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан ясалган курси қандай экан, деб ўйлаб ажабланибди, курсини кўргач, мил сўзи билан ажойиб сўз ўйини қилинганини билибди ва бу лутф унга маъқул бўлибди.

Менга бир танишим Бухорода бир ярим бармоқ энлигида келадиган пичоқ сопини кўрганлигини айтди. Соп узунасиги икки қатламдан иборат, ярми бақароний ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури рангида, иккинчиси яшил ва шаффоф рангда экан. Бу тошни, агар унинг қаттиқлигини ва урилганда чақмоқ тош сингари учкун чиқаришини ҳисобга олинмаса, уни зумрад деб ўйлаш ҳам мумкин экан.

Исмоил ибн Иброҳим²¹ Туббатдан²² Хитойга келтириладиган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турига ўхшаган, лекин ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури бўлмаган бир тош ҳақида ҳикоя қилди. Бу тошда ажойиб расмлар ва чиройли ранглар бўлганлиги учун уни қиммат нархга сотиб оладилар. Бу тошдан камарларнинг тўқасини ва отларнинг асбобларини безашда фойдаланадилар.

Оллоҳ ўзи омад бергувчидир.

ТОҒ БИЛЛУРИ — БИЛЛУР¹

Тоғ биллури — биллур² маҳо ва ламиха деб ҳам аталади. Бу сўзнинг ўзагида мағ — «сув» маъноси бор. Тоғ биллури софлиги ва шаффофлиги билан сувга ўхшайди. Худди шу сўз ўзагидаги «м-в-х», унинг кўплик шаклини ҳам келтиради, *амвах* деб ўқилади. Бундан «маввахта аш-шайа» феъли келиб чиқади. «Сен нарсага сув ва ялтироқлик бердинг» ёки «нарсани сув билан ҳўллаб, ишлов бердинг».

Имрул Қайс дейди:

*У ёш қуш патидан найза ясади,
Кейин уни тош билан чархлади.*

Маҳо сув ва ҳаво сўзларидан келиб чиққан, бу ҳар иккала сўз ҳаёт учун муҳим бўлганидек, тоғ биллурининг унга ўхшашлиги бор.

Ал-Бухтурий дейди:

*Ойна унинг(сув) рангини беркитади.
Худди деворсиз идишдек кўринади.*

Ас-Соҳиб дейди:

*Соф ва шаффоф шиша (идиш), май каби тоза, шаффоф —
Улар бир-бирларига шундай ўхшаш ва яқин:
Май идишсиз тургандек,
Ёки идиш майсиз тургандек.*

Абу-л-Фазл аш-Шукрий³ дейди:

*Кафтадаги идиш майи худди ёритгичга ўхшайди,
У шундай нурли, порловчи ва тобланувчи;
Уни кўрган одам ўйлайдики,
Идиш билан уйқашлигидан худди шишанинг девори йўқдек.*

Ибн ал-Муътазз дейди:

*Сарғиш керх майининг ширинлиги⁴
Қадаҳдан таралаётган нурга ўхшайди.
Ундаги суюқликни ичсанг, идишнинг деворлари
Қотган суюқликка ўхшайди.*

Бошқа бир шоир дейди:

*Қуёш нури билан ёритилган идишдаги май
Шундай майин ва нозикки, худди йўқдек.
Сенга қадаҳни узатганларида унинг майинлигидан
Бу идишсиз майми ёки майсиз идишми деб ажрата олмайсан.*

Махва — бу «ой сўлаги» (бусак ал-қамар) ва «ой ялтироқлиги» номи билан машҳур оқ тош. Руммочасига уни *афрусалинус*⁵ деб атайдилар. Ой сўзи руммочасига *салини* дейлиб, «ой кўпиги» деб ҳам юритилади. Бу биз айтган нарсани *Дискуридус*⁶ ҳам эслатиб ўтади. Бу оқ шаффоф тош ой тўлишган тунда араб мамлакатларида топилади. У тош нур таратмасада, тунда олов каби шуълаланади. Унинг оқлигига қарамай кундуз кунлари ҳам топиш мумкин бўлади.

Шаҳид Амир Масъуд — худо раҳмат қилсин — ясмиқ дони катталигидаги бир бирига ёпишган қора майда тошлардан иборат тош бўлагини бошқа ноёб буюмлар қатори

менга совға қилган эди. Унинг зарралари кўча бошлаган эди. Амир бу тошнинг Ғазна иқинидаги Наъин⁷ вилоятларида учрашини маълум қилди. Уни ойнинг иккинчи ярмида тун қоронғусида топилиши айтилган. Мен Ҳиндистоннинг ўша қишлоғида яшовчи бир одамдан шу тош ҳақида сўраганимда у ҳам худди шу жавобни берди. Ҳақиқатан Шарқ ҳиндлари ўшандай тунда боягидек тошни топиш учун отланар эдилар. Мен у ҳақда тадқиқот олиб бораётганимда алкимёда ундан фойдаланишни маслаҳат бердилар. Ҳиндлар ўртасида ҳам мен юқорида эслатган ой тоши ҳақидаги ҳикоя кенг ёйилган экан. Яхё ан-Нахвий таҳлил қилган тош бу эмас, унинг ранги асалга ўхшаш ёки асал ва оқ ранглар оралиғидадир, ой атрофидаги нурлар тўлишган сари қуюқлашади, ундаги оқлик ой нури таъсирида янада ортади, ой нури камайса камаяди ва аста йўқолади. Ойнинг учинчи кунида ялтирашни бошлайди. Айримлар (ҳаджар ал-қамар) ой тоши ҳақида ойнинг тўлган вақтида унинг оқлиги ошиб боришини таъкидлайдилар ва шунга кўра тўлин ой деб номлайдилар. Бундай ҳолларда Яхё айтганидек, тажрибага асосланиш керак.

Тоғ биллури — қимматбаҳо тошлар орасида энг бебаҳоси ҳисобланади. ундан турли идишлар ясалади. Ҳиндистон аҳолиси уни патика деб атайди⁸. Унинг қаттиқлигидан жуда кўп қимматбаҳо тошларни кесиб олиш мумкин. Қаттиқликда пўлатнинг ўрнини босади. Унинг бўлакларини бир-бирига қаттиқ урганда учкун чиқади. Унинг қимматбаҳолиги икки ҳаёт асоси бўлган сув ва ҳаво билан қиёсланади.

Оллоҳ таоло дейди: «(шаффоф ҳолатдаги) ичимлик идиши ўша манбадан олинган. У бенуқсон ва емирилмасдир»⁹, — шунинг учун ҳам ҳузурланиб май ичувчилар ўша нарсаларни давом эттирадилар. Лекин одам маст бўлиб қолиш ҳолатида ақл-хушини йўқотади, бу билан табиатан лаззатланади. «Оқлик» идишга нисбатан эмас, ичимликка нисбатан қўлланилмоқда. Лекин бу нарса мақтовга лойиқ эмас. Оппоқ идиш деганда, рангсизлик назарда тутилади, худди соф, оқ сутдек биллур кўзда тутилади. Бу оқлик қорага қарама-қарши қўйилади¹⁰, чунки бошқа ранг шаффофликка эга эмас. Оқ ва қора ранглар оралиғидаги бошқа рангларнинг ҳар бири ҳам шаффоф бўлиши мумкин, бу ранглар феруза ва тўқ жигаррангдир. Шу йўлдан бориб, соф оқ рангга нисбатан «кумуш» сифати берилади, лекин у шаффоф эмас. Оллоҳ таолонинг сўзига асосланиб, дейиш мумкин: «кумуш биллур»¹¹.

Араблар Қуръон туширилган халқ ҳисобланади. Қуръонда айтилишича, у асалари каби сурага киритилади. Ёки араблар асаларининг нектар тўплаш учун изланишлари ва қидириб топишлари асалнинг ноёб озуқа эканлигини биллурга тенг қўйишади.

Шоир ат-Тириммоҳ айтади:

*Ҳар сафар у ўлжа излар экан, ўша нарса мўл бўлган жойда
Уни тўхтовсиз олиб туриш учун қўним топади.*

Қуръонда асалари ошқозонидан ишлаб чиқариладиган суюқлик ҳақида ёзилган¹², ошқозон билан оғиз яқин жойлашгани учун шунга қиёс қилинган. Асалари ўз хартуми билан гулнинг нозик юрагидан кўзга сурадиган сурмага ўхшаш нектарини олади. Олд оёқлари ва хартуми ёрдамида уни уясига олиб боради ва қайта ишлайди. Улар ўз

уяларини асал билан тўлдирадилар, гуллар ва бошқа ўсимликлар йўқ бўлган пайтда ундан фойдаланадилар. Асаларилар ёмон ҳидли чиқиндиларни чиқариб ташлайдилар. Асаларилар уяларини жуда озода сақлайдилар, шунингдек уларнинг ёқимли ва хушбўй ҳидли маҳсулоти шифобахш хусусиятга эга.

Тоғ биллури ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури билан бир хил хусусиятга эга, бир биридан фарқ қилмайди¹³.

Уни Занжий¹⁴ ороли ва Дийбажот оролидан Басрага олиб келишади. Бу ерда ундан идишлар ва бошқа турли буюмлар ясашади. У ерда унга ишлов берувчи уста йирик ва майда биллур бўлақларини ажратиб олади. Сўнг уларни ўлчайди, ҳисоблайди, чиройли буюмларни ясайди ва силлиқлайди. Бундан кейин ҳар бири бир-бирига мос келадиган бўлақларни бошқа усталарга буюм яшаш учун беради. Тошни силлиқлайдиган устанинг ҳақи бошқа уста ва хунарманднинг ҳақидан икки баробар юқори бўлади.

Бу тоғ биллури сувдек шаффоф, ҳаводек мусаффофир. Агарки унда хира ва дарз кетган жойлари бўлса, усталар тошдаги камчиликларни беркитиш мақсадида унга расм чизиш ёки ёзув ёзиш йўли билан моҳирона шакл берадилар. Агар биллурда хиралик кўп тарқалган бўлса, шунинг натижасида шаффофлиги йўқолган бўлса, уни кўпик биллур (рим биллури) ёки хира биллур деб атайдилар.

Кашмирдан ишлов берилмаган биллур бўлақлари ёки ундан ишланган идишлар, шахмат доналари, нард доналари келтирилади¹⁵ ва фундуқ ёнғоғидек ҳажмидаги биллур мунчоқлар¹⁶ олиб келадилар. Кашмирнинг тоза биллури Занжи мамлакатидан келтирилган биллурдан пастроқ юради. Ундан ясалган нозик ишлар басрийларникига нисбатан фарқ қилади. Асосан кўплаб биллурлар Вахаан ва Бадахшон тоғларидан бўлақлар шаклида топилади, лекин у бошқа жойга юборилмайди.

Ал-Киндий айтишича, энг яхши биллур бадавийларники: уни бадавийлар тошлар орасидан саҳрода териб оладилар. У юпқа, қора қатламга эга. Унинг бўлақлари икки ратлгача боради. Бундай биллурларни Цейлонда ҳам оладилар, у софлиги билан бедуинларникидан пастроқ туради. Ер остидан қазиб олинadиган шундай биллурлар борки, улар араблар еридан олинadиган энг сараси ҳисобланади. Ал-Киндий дейди: «Мен икки юз ратлдан оғир келадиган бўлақни кўрдим, унда жуда кўп ўйиндилар ва ёриқлар бор эди». Арманистонда яна бир биллур кони бор¹⁷, яна бири Бидлисдир¹⁸. Бу ернинг биллури сариқ тусга эга.

Наср биллурни тўрт хил турга ажратади: биринчиси, бадавийларники бўлиб, ал-Киндийнинг ёзишича, унга Куёш нури тушганда камалак рангарида товланади. Лекин у ёриқларини кузатар экан, яхлит бўлақларида муз ёриқларига ўхшаган ноаниқ чизиқларда шу ранглар акс этганлигини айтади. Иккинчи тури булутга ўхшаганлиги учун у булут деб аталган. Учинчиси Цейлонники, бадавийларникига яқин, лекин ундан софлиги жиҳатидан пастроқ. Тўртинчиси ер остидан қазиб олиниб бадавийларникидан юқори туради. У яна давом этиб: оловдан ва тутундан зарарланadиган паст сифатли бир неча турларини ҳам таъкидлаб ўтади.

«Тошлар тўғрисидаги китоб»да дейилишича, тоғ биллури шиша шаклида бўлиб, уни кондан тайёр ҳолда олинади. Одатда шиша майдаланган бўлақлар шаклида учрайди, уни магнит (оҳанграбо) ёрдамида бирлаштирадилар. Шундан сўнг муаллиф яна бошқа

хусусиятлари ҳақида ҳам ўз китобида ёзади. Биллур табиий шаклда қазиб олинади, шиша эса сунъий ясалади.

Ҳамза тоғ биллури айрим хусусиятлари билан шишага яқин, лекин қайси хусусиятлари билан эканлигини айтмайди. У назаримизда, шаффофлигидан унинг орасидаги нарсалар кўринганлигини ҳисобга олган бўлса керак. Улар бир-бирларидан сувга солганда ҳам фарқ қилади. Шиша енгил сузади, биллур оғирроқ. Мен унинг сўзларини шундай келтирмоқдаман, лекин ўзим бунга тажрибада кузатганим йўқ.

Айримлар биллур ҳақида уни қотган ва чўккан сув деб таърифлайдилар. Бу ҳақда мен кейинроқ гапираман. Унинг тоза сувга ўхшашлиги сабабли сув тоши (ҳажарат алма)га қиёслайдилар. Улардаги сув пуфакчалари ҳам ўхшаш.

Ибн ал-Муътазз дейди:

*Сен сувда пуфакчаларни кўрмаганмидинг?
Улар пайдо бўлганда тўнкарилган биллур идишга ўхшайди.*

Ал-Авфий¹⁹ дейди:

*Ичимлик сувидаги ёмғир томчисидек,
Тушган жойида сузади.
Атрофида асиралар каби дур доналари айланадилар,
Асиралар бир-бирларига дур таёқчаларини отадилар.*

Пуфакча шаклидаги дурлар нур таратмайдилар ва унинг орқасидаги нарсалар кўринмайди. Бу худди тоғ биллурида ҳам кузатилади.

Абу-л-Ҳасан ал-Маусилий дейди:

*Сув пуфакчаларида эрта саҳарда худди
Биллур идишидагидек бизни ўзига тортувчи нур бор.*

У яна дейди:

*Сув юзасига ҳар еридан думалоқ томчилар кўтарилади,
Бу худди ойна устида унинг ости кўринганидек кўринади.*

Биллурнинг шундай табиий шакллари учрайдики, ҳайратланади киши. Юқорида эслатиб ўтилган уста ҳикоя қиладики, Варзфанаж вилоятида лаъл конини қидириш пайтида, тошлар орасидан шахмат ва нард доначаларига ўхшаган олти қиррали, саккиз қиррали ўйиб ишланган биллур бўлаклари топилган.

Ҳовуз тўғрисида Ас-Санаубарий дейди:

*Улар устида булутлар сузадилар,
Худди қизлар мунчоқ тикканларига ўхшаб.*

*Доначалар қатор қилиб терилгандики,
Бу худди шахмат тахтасининг устида тургандек.*

Қоидага кўра шахмат донасининг пиёдалари олти қиррали қилиб, нардники эса думалоқ шаклда ясалади. Нарда ўйини вақтида доначалар тахта четларига терилади, ўртага тушиб қолса, унинг эгаси ютқазади.

ТОҒ БИЛЛУРИ ҲАҚИДАҒИ ҲИКОЯЛАР

«Ғазаб ҳақидаги китоби»да Афлутархус (Плутарх) ҳикоя қилишича, Айорун²⁰ Рим императорига қимматбаҳо биллурдан ясалган олти қиррали, гумбазли қилиб ишланган ҳайратомиз санъат асарини совға қилиб юборади. У ўз ҳикоясида унинг ҳажми ҳақида маълумот бериб, яхлит бир бўлақдан ёки бир неча бир-бирига ёпишган бўлақлардан ясалганлигини айтиб ўтади. Айорун бундан жуда мақтаниб мажлисда иштирок этаётган бир файласуфдан сўради: «У ҳақда сен нима дейсан?» У жавоб берди: «Мен ўша буюм йўқолиб қолса, хафа бўламан, чунки энди худди шунга ўхшаган буюмни топиб бўлмайди. Унга зарар етса, қалбим озор чекади».

Файласуф айтганидек, шундай воқеа содир бўлди: баҳор кунларининг бирида Айорун оролга сайр қилгани йўл олди. Тоғ биллуридан буюмни у билан ёнма-ён кетаётган қайиқда олиб бордилар. Бўрон туриб, қайиқ ағдарилди. У билан бирга буюм ҳам чўкди. Император афсус чекди, лекин файласуфнинг сўзи эсига тушиб, ўзини босди, бўлмаса бу ғам уни бир умр таъқиб қиларди. Исмоилий²¹ узуги ҳақидаги ҳикояни ўқувчи Айоруннинг ўша буюмни сув остидан чиқариб олмаганлигидан ҳайратланади. Ўша даврда ҳам бу ишни амалга оширадиган механикунот²² деб номланадиган билимли, тажрибали муҳандислар бор эди.

Монолаус (Менелай)²³ ўзининг китобида ҳикоя қилишича, тананинг бўлақларини бир-биридан ажратмаган ҳолда ўлчаш мумкин. Айорун Сицилия²⁴ ва Рум подшоҳликларига совға сифатида қимматбаҳо тошлар билан безатилган, ажиб суратлар туширилган олтин тожни совға қилиб юборади. Подшоҳ тождаги бу қимматбаҳо нарсаларни ҳақиқий ёки сохта эканлигини ажратиш учун Аршимидус (Архимед)ни чақиради. Аршимидус оролга келган кемаларни ойна ёрдамида ёндириб юбориш қобилиятига эга эди. Бу ҳақда ҳар иккиси ҳам ҳикоя қиладилар.

Агар Айорун афсус чеккан бўлса, бундай ҳолда Искандар чорасини топган бўларди. Унга жуда чиройли биллур идишларни юборганларида буни мақтади, лекин уларни синдириб юборишни буюрди. Бунинг сабабини сўраганларида у жавоб берди: «Мен билманки, улар хизматчиларим томонидан бирин-кетин синдирилиши мумкин, шунда мен ғазабланаман, уларни синдириб мен шундай ғазабдан бир йўла қутулдим».

Ал-Ибодий буни яхши тушунди; бир куни у ойна ортилган саватни эшакка юклаб бозорга жўнатди. Ундан саватда нима борлигини сўрашди. У жавоб берди: «Агар эшак қоқилиб кетса, унда ҳеч нарса йўқ».

Ёқуб ибн Лайснинг²⁵ ажиб сўзларидан бирида айтилишича, у бирдан Нишопурга ҳужум қилиб Хуросон подшоҳи Муҳаммад ибн Тоҳирни кийинмаган ҳолда топади. Уни

хазинасида нима борлиги кўрсатсин дея, мажбуран хазинага олиб киради. Улар идишлар сақланадиган жойга етиб келганларида Муҳаммад силлиқ ва кесилган биллурдан исалган нарсаларнинг нархини санашга ўтади. Шунда Ёқуб ибн Лайс ўз қулига уни синдиришни буюради. Ёқуб латундан ясалган ўз идишида ичимлик ичиб, уни улоқтириб юборди, идиш жаранглаб ерга тушди ва юмалаб кетди. У Муҳаммадга деди: «бойликка ружу қўйган фарзанд, сенга қимматбаҳо идиш-товоғинг қандай фойда келтирди? Мен уларсиз ҳам яшадим. Сен нима учун ўзингни ҳимоя қиладиган аскарларингга ҳақ тўламай, пулларингни шунга сарфладинг?» Шундан сўнг Муҳаммадни сандиққа солиб, Ироққа олиб кетди. Агар Яқуб ибн Лайсга ал-Муваффақ²⁷ хужум қилиб мағлуб қилмаганда эди, У Муҳаммадни қўлдан чиқармаган бўлар эди.

Ёқуб ибн Лайснинг ҳаётида омадли кунлари ҳам кўп бўлди, маълумки, унинг ҳокимлиги ва бахтида ёшлик ҳукм сурди. Бу ҳақда унинг акаси Амр ҳам ҳикоя қилади. Ёқубдан кейинги подшоҳ ўзининг ишончли одами орқали Бағдодга қимматбаҳо биллурларни танлаб сотиб олиш учун жуда кўп пул бериб жўнатди.

У одам юқоридаги ҳикоялар орқали эшитганини ҳисобга олиб олтинларни ғанимат билиб, улардан идишлар, товоқлар ва кўзачалар куйдирди. Бу буюмларни етказиб борганда Амр²⁸ буйруқнинг бузилганидан ғазабланди. Тавозе кўрсатган бўлиб, ўша одамга қадаҳда май таклиф қилди. Соқийга қадаҳ ичига заҳарли чарх илон солиб қўйишни буюрган эди²⁹. Бу илон киши бўйи баробарида сакраш қолбилиятига эга эди. У одам майни ичмоқчи бўлиб идишни кўтарганида илон сапчиб чиқиб бурнини чақди ва у шу заҳотиёқ ўлди.

Амрнинг омади келмади, бу Ёқубнинг аҳволидан ҳам оғирроқ эди. Тақдирнинг тақозоси билан унинг қилган ишлари ўлимига сабаб бўлди. Қўриқчи иштирокида уни Бағдодга олиб келаётганларида Хуросон йўлидаги бир кўприкка етганларида, Амра бирдан қаттиқ кулиб юборди. Уни олиб бораётган одамлар бу кулгининг сабабини сўрадилар. У жавоб берди: «Бу кўприк устидан менга уч марта ўтиш насиб этди. Биринчи марта асал ортилган эшакни олиб ўтаётганимда, у қоқилиб йиқилди. Уни тургазиш учун менга ёрдамчи керак эди, ёнимда бу яқинда ҳеч ким йўқ эди. Куннинг ярмига қадар ёрдам сўраш учун биронта одам учрамади. Иккинчи марта ўтган йилнинг бошида мен эллик минг отлиқ аскар билан ўтдим. Ҳозир эса учинчи марта бу кўприкдан икки киши бўлиб ўтмоқдамиз. Мен аҳволимни биринчи гал ўтганимдагидек бўлишини хоҳлар эдим».

Ёлғиз Оллоҳгагина ёрдам учун мурожаат қилиш мумкин.

Менда бир биллур ҳуққача бор эди. Унга хушбўй, ҳинд ўсимлигининг бутун дастасини солиб қўйган эдим. Ўсимлик шохчаларидан бир нечаси синиб ҳуққача ичига тўкилди. Шар устида тўкилган шохчалар ўрнида янги шохчаларнинг кўм-кўк майин майсалари пайдо бўлди. Уларда майда яшил барглар ўз рангини йўқотмаган ҳолда сақланиб турар эди. Маълумки, бундай нарсалар биллур ичига у суюқ бўлган ҳолатдагина тушиб қолиши мумкин. Унинг тоза сувдек шаффофлигидан табиатан сув юзида қалқиб тургандек кўринади. Бу суюқ биллур енгил бўлганлиги учун тез қотади. Ёлғиз Оллоҳгина бу ишнинг қандай содир бўлганлигини билади.

Басрадаги биллур усталарининг ишини кўрганлари ҳақида ҳикоя қиладилар. Биллур таркибида ўсимлик барглари, ёғоч бўлаги, тошчалар, лой бўлаклари борлигини таъкидлайдилар. Бу шундан гувоҳлик берадики, у дастлаб оқиб турувчи сувга ўхшаш бўлади. Бунинг ажабланарли ери йўқ, чунки айрим жойларда ҳайвонлар ва ўсимликларнинг тошга айланиши, сув ва ернинг қотишига ҳам ажабланмаса бўлади. Бу ҳақда ўз кўзлари билан кўрмаганларида бунчалик кўп гапирмаган бўлар эдилар.

Ат-Тириммоҳ³⁰ деди:

*Қаттиқ тош юмшоқ бўлган пайт ҳокимият қўлимизда эди,
Самимийлик ва юмшоқлиги бўлган шартнома энг яхшисидир.*

Ал-Ажжож дейди:

*Бу узоқ ўтган замонда бўлган эди,
У пайт қоялар юмшоқ лойдан эди.*

Бошқа шоир ёзади:

*У кунларда қоялар юмшоқ эди,
Ариқларда тўла сув, акас (акация дарахти — И.М.) г лларга бой эди.*

МАРЖОН ШОДАСИ — БУССАЗ

Маржон номи билан машхур ва кенг тарқалган. Жуда кўп тиббиётга оид китобларда уни маржон деб атасаларда, қадимий шоирлар ва тилшуносларнинг таъкидлашича, маржон — бу майда дурлардир. Буюк Яратувчига ҳамду санолар бўлсин, унинг сўзларида айтилганидек: «Унинг сўзлари гўёки ёқут ва маржон кабидир», — деб аввал ҳам эслатган эдик. Бу сўзлар ёқутнинг тозалиги ва маржоннинг оқлигига ишора беради. Тозалик деганда шаффофлик эмас, балки ялтираб туриши назарда тутилади. Чунки, агар одамга нисбатан шаффоф сўзи ишлатилса, унинг ички аъзолари кўринар ва бу ёқимсизликни келтириб чиқарар эди. Шунингдек, Оллоҳ таоло ёқут деганда унинг қизғиш-пушти рангини назарда тутди. Инсон терисининг ранги ҳам шунга монанддир. Маржоннинг қизғиш ранги инсон танасига мос, аёллар яноқларининг қизиллиги ҳам буни тасдиқлайди. Маржоннинг қизғиш рангини тилшунослардан бошқа ҳеч ким инкор эта олмайди.

Маржон Афружия¹ чегараларига ёндошган Рум ва Сурия денгизларида ўсади (Ўрта Ер денгизи ва Қизил денгизлар кўзда тутилмоқда. — М. И.).

Муҳаммад ибн Закариёнинг дейишича, маржон дарахтлари шундай баланд ўсадиларки, унинг остида балиқлар сузиб юрадилар. Бу сўзлардан келиб чиқадики, маржонлар денгизнинг ўзида қотади. Бунга қарама-қарши ўлароқ Диоскурий «маржонлар сувда эканлик вақтларида ўсимликдир, уни топиб ҳавога олиб чиққанларидан кейингина қотади»², — дейди. Маржонлар юмшоқ ва оқ тусда бўладилар, уни қум остига кўмганла-

ридан кейингина қизғиш рангга кириб қотади ва етилган ҳисобланади, дейдилар. Ай-тиш мумкинки, унинг қизиллиги доимий бўлмай, оловда қиздирилганда унинг ранги ўзгаради.

«Сурайё ҳақидаги китоб»ида муаллифнинг айтишича, маржонлар қизил ва қора рангда бўладилар³. Балинас⁴ дейди: маржон ва шунга ўхшаган нарсалар жисман минералга, қалбан ўсимликка ўхшайди. Бу худди чиғаноқнинг ўсишида унинг устки садафи минералга, ичидаги юмшоқ жонивор эса қалбига ўхшагани кабидир. Денгиз ўсимликлари шубҳасиз юмшоқ бўлиб, ўсиб ривожланади, бу хусусияти билан у қуруқликдаги ўсимликларга ўхшайди. Натижада улар ўзларининг қотиш хусусияти билан минераллар каби қаттиқ ҳолатга келадилар. Томчи ва бошқа нарсаларнинг бўлаклари, денгиз қисқичбақаси кабилар сувдан олинганида қотганлигини кузатганман⁵. Балинас маржон минералга ўхшаш оғзи билан бир жойга маҳкам ёпишиб олишини, ўсиш қобилияти борлиги сабабли кўтарила боришини кузатган. Айтишларича, маржон ўзининг қаттиқлигига қарамай, унга кўл теккизилганда йиғилади, шу жиҳати билан уни ҳайвонга ўхшатадилар. Бунга ҳаракатланувчи жонивор бўлганлигидан гавҳар чиғаноқлари (моллюскалар) кирмайди. Улар денгизнинг чуқурликларида яшайдилар, улар фақат чиғаноқлари билан минералга ўхшайдилар, лекин унинг ичида жон бор. Шиллиққурт ва тошбақанинг атрофини ўраб турувчи косалари минералга ўхшамайди, лекин у ўз ичидаги жонзотни ҳимоя қилувчи воситадир.

«Тошлар ҳақида»ги китобда муаллифининг айтишича, маржон бу — илдиз, буссаз — бу унинг шохчаларидир⁶. Бу юқорида айтилганларга кўра, маржон билан буссаз яхлит бир нарса, лекин маржон ғовак ва дарзларга эга асос, буссаз эса сув остида ўсадиган дарахтга ўхшаб ўсувчи шохдир. Бу ғоваклар игна кенглигидаги кетма-кет жойлашган нозик толаларнинг бирлашувидан пайдо бўлади. Бу нозик толалар бир бирини орасидан ўтган, шунинг учун ҳам мустақкам. Қизил рангли шундай маржон буссаз каби ундан ташқи кўриниш жиҳатидан фарқ қилмайди.

Ҳамзанинг айтишича, маржоннинг номи васад бўлиб, арабча шакли буссаздир. Уларнинг яна бир нави харухак, арабча харохак деб номланади. Унинг рангини хўрознинг тожига қиёс қилинади, унинг танаси йўғон ғадир-будир, бўстон-афрўз⁷. Маржон шодасининг бу тури холхурва деб аталади; менимча бу маржон шодасининг асоси бўлиб, маржон⁸ сўзига тўғри келади. Бу сўз форс тилида хўроз маъносига ҳам яқин келади.

Абу Зайд ал-Аражоний дейдики, маржон шодаси — йўғон ва ингичка қизил толалардан ташкил топган тошга айланган бўлак, парчалардир.

Шубҳасиз, унинг йирик томирларидан майда томирлар тарқалади. Аммо мен бундай тошга айланган корални кўрмаганман. Биз одатда маржон шодасининг ғовак ҳамда найчасимон илдиз қисмини кўрганмиз.

Ал-Киндий дейди: маржон шодаси сирка таъсирида оқаради, ёғ эса унга ялтироқлик беради. Йирик шохчали маржон шодасининг бир мисқоли ярим динордан бир диноргача баҳоланади, майдасининг бир мани ярим динор ва ундан камроқ туради.

Менда баландлиги бир ярим шибр турадиган маржон шодаси тоши бор эди, унинг бир мисқолини тўрт динордан сотдим. Унинг майда бўлаклари ҳам шундай қадрли бўлмаганда, подшоҳлар уни бир-бирларига совға қилмас эдилар. Али ат-Тахиртийда Миср-

дан келган қимматбаҳо совғалар орасида катта маржон шодаси дарахти бўлган эди. Лекин унинг тўлиқ тафсилоти йўқ.

Аксари маржон шодаси тошларининг сирти силлиқ бўлади; лекин улар орасида синчиклаб қаралса узунасига нозик жўякларни кўришимиз мумкин. Маржон шодасининг ички қатламидаги жўяклар марказда доира шаклидаги бир бири билан киришиб кетувчи чўзинчоқ доирачалар ҳосил қилади. Бу жўяклар худди ёйсимон учбурчак шаклларни ҳосил қилади.

Менимча, маржон шодаси инсон танасининг бир бўлаги бўлган кафти ва унга боғланган бармоқлар терисидаги изларнинг сезиш ва ушлаш қобилиятига кўра, ўхшашидир. Шунингдек, бармоқлар ёрдамида қон томирининг уриши кузатилади. Юмшоқ ва эгилувчан кафтдаги бу излар сезиш ва ҳаракат қилиш учун хизмат қилади. Ҳақиқатан, силлиқлик билан сезишни аниқлаш қийин, шунингдек силлиқ жисмни ҳам қаттиқликсиз аниқлаб бўлмайди. Табиатнинг ажойиб мўъжизаси инсон тасаввури бўлиб, бу нарса ҳақиқатга тўғри келмаслиги мумкин.

Маржон шодасининг оғирлиги бизнинг аниқлашимизча, кўк ёқутга нисбатан 64 бутун $\frac{1}{4}$ ва $\frac{1}{6}$ ва $\frac{1}{8}$ га⁹ тенг.

Ал-Киндий ва Насрнинг айтишича, маржон шодаси — денгиз тубида ўсувчи яшил дарахт. Унинг илдизи ва шохчалари бор. Уни узиб олганларида тошга айланади ва қизил тусга киради. Баъзида унинг 60 мисқоллик оғирликдаги бўлаги ҳам учрайди, уни маржон деб атайдилар. Румо денгизида маржон шодасининг турли хиллари оч қизил, гоҳида оққа яқинлашадигани ҳам бор. У мароқ¹⁰ деб аталади. Яна бир хили пушти рангда бўлиб фосанжоний¹¹ деб аталади. У Мағрибдан келтирилади. Ал-Киндий дейди: яна бир тури *дилакий* деб юритилади.

Мен бунинг сўзнинг мазмунидан келиб чиқиб, дахлакий деб ўйлайман, у Адандан келтирилган эди. Одамлар оғирлиги бир ратл келадиган маржон шодаси шохчасини кўрганлар; ғаввослар уларни илгак ёрдамида худди дур каби сув остидан узиб олиб чиқадилар. Сўнг маржон шодасига мустаҳкам пўлат чарх ёрдамида ишлов берадилар.

Ал-Киндийнинг айтишича, Адан денгизидан келтириладиган маржон шодасининг яна бир тури оқиш бўлиб, бу унинг яхши эканлигини билдирмайди, у денгиз остидаёқ касалланган. Илгак ёрдамида уни олиб чиққанларидан кейин у қотади, лекин мўрт ва синувчан бўлади.

Оқ маржон шодаси — қизил бўлмаган маржон шодасининг энг паст навидир. Чунки, у қалин ва дағал, худди чечакдан кейин қоладиган чўтир каби излари бор, бу унинг касаллигидан далолат беради, деб тахмин қилади Ал-Киндий. Маржон шодасининг бу тури силлиқ эмас, оқлиги ҳам тоза эмас, сарғиш тусга эга.

Абу Ҳанифа дейди: «Маржон — бу баҳорги сабзавот¹²». Агар бу сўз араблардан олинган бўлса, денгизда ўсадиган маржон шодасига нисбатан бу бир хаёлдек гап. Кейинчалик маржон сўзи денгизда ўсадиган ўсимликка нисбатан қўлланилган, бу тилда ўз тасдиғини топмаган.

Ғазна ва Жузжон¹⁴ чегаралари оралиғидаги Карвон¹³ работ яқинида Сур ва Банд қишлоқлари бор. У ерда жилға бўлиб, унинг суви қотиб тошланиш хусусиятига эга¹⁵. Эшитишимча, сохта дур ясовчилар ёғочдан ясалган игна каби ингичка чўпларни сувга

солиб кўядилар. Сув ўша чўпчаларда тошдек қотгандан кейин уларни сувдан оладилар. Чўпнинг ўрнида тешикчалар қолади, қотган сувни қизил рангга бўяб, маржон шодаси билан кўшиб сотадилар. Шунингдек, қотган сув каби шамолда ва ҳавода қотган лой ҳам бўлади. Бу лой тилла конларининг қудуқ остиларидан олинадиган лойга ўхшайди, уни тандирга кўйиб пиштадилар. Гоҳида тоғ ғорларидан нам лойни топадилар. Уни ташқарига ғордан олиб чиққанларида қотади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки, ўйлаб қарасангиз суякнинг шаклланишида суюқликнинг ўрни бор. Суюқ нарсалардан қаттиқ нарсалар пайдо бўлиши мумкин. Ниҳол юмшоқ ва эгилувчан бўлсада, куриганда қаттиқ ҳолатга келади.

Оллоҳнинг ўзи билгувчидир.

САФСАР — ЖАМАСТ¹

Абдуллох ибн Аббоснинг² — Оллоҳ раҳматига олган бўлсин — сўзларига кўра, малика Билқиснинг³ саройи сафсардан ясалган экан. Араблар ёқут, зумрад ва тоғ биллуруни шиша деб атайдилар. Сафсар ҳақида гапирганларида уни тумор (ладан⁴)га ўхшатадилар. Улар орасидаги фарқ туморнинг юмшоқлиги ва ундаги сув миқдорининг кўплиги билан белгиланади. Сафсар темир билан кесилади. Унинг куқунлари, бўлаклари мармарга ўхшайди.

Дейдиларки, сафсарнинг келиб чиқиши турлича; у оқлигидан пушти-қизилдан тортиб бинафша рангигача товланади.

Ал-Киндийнинг айтишича, у «Пайғамбар (с. а. в.) шаҳри» — Мадинадан уч кунлик йўл узоқликдаги ас-Сафроъ деган қишлоқда учрайди. Уни ошқозон касаллигини тузатади деган мақсадда тақадилар. Сафсарлар орасида⁵ илон сурати ва қибтий тилидаги тушунарсиз ёзувлар акс эттирилган қадимий тошлар ҳам учрайди. Бу тасвирлар ва ёзувлар ҳақида яна эслатамиз.

Наср дейди: тасвир билан қопланган бу тош пушти ва кўк ёқутга ўхшайди, аниқроғи, унда ҳамма ранглар бор. Унинг қимматли тури — пушти рангисидир. Устига кўк ранги чиққани энг арзони ҳисобланади. Араблар ундан тақинчоқлар ясашади. У бир *ратл* оғирликдаги парчалар шаклида учрайди. Уни қорга ўхшаш оқ ранг билан қопланган ерлардан топишади, лекин қизғиш эканлиги кўриниб туради. Сағониён⁷ билан чега-радош Вашгирдда⁶, Ромрўд⁸ номи билан машхур дарё бўйида сафсарнинг кони яқинда топилган. Бироқ (бу ернинг сафсарнинг) ранги бўғиқроқ бўлиб, унинг энг катта бўлаги икки *ратл* оғирликкача боради⁹.

«Китоб ан-наҳаб» («Китоб ан-нуҳаб») асарида унинг ранги мушукнинг пешанасидаги қашқаси рангига ўхшайди дейилади. У шишага ўхшаб қаттиқ, арзимас ҳаракат билан синади. Оловда кўрғошин каби эрийди.

Унинг бир бўлагини ичимликка солиб ичсангиз, мия ва ошқозонни мустаҳкамлайди. Унга қарама-қарши ўлароқ, анбар¹⁰ тошини сувга солиб ичилса, ақлдан озиш, ҳиссиётлар сўниши рўй беради. Билгувчиларнинг айтишича, сафсардан ясалган идишдан ичилган ичимлик секин-аста маст қилади.

Яна Оллоҳнинг ўзи билади.

ЛОЖУВАРД — ЛАЗАВАРД¹

Ложувард (лазавард — румийча *армийноқун*² деб номланади. Бу сўз сифат маъносидаги арманча сўзига ўхшатма тарзда тузилган. Уни яна арман тоши деб ҳам аташади. У меланхолияни (хафақонлик касалини) даволайди, деган ишонч бор, — дейишади. Ложувард Арабистонга Арманистондан, Хуросон ва Ироққа Бадахшондан келтирилади. *Авҳақ* сўзи ложувард маъносини беради, — деб айтадилар. Лекин Зухайр шеърларида у бошқа маънода қўлланилган:

*Мўматалоқ узун оёқли шарпани кўриб,
Туянинг тонгги таомга иштаҳаси ўлди.*

Шеърнинг изоҳи: *даҳоъ* туянинг (эрталабки таоми), *ғазо* (тушлик) таом, *самова* — узокдан кўринган шарпа, *авҳақ* — туякушнинг оёғи узунлигига ишорадир.

Ложуварднинг оғирлиги — 67 ва $\frac{2}{3}$ ва $\frac{1}{4}$ га³ тенг.

Ложуварднинг энг яхши турлари Панжшир дараси ортидаги Каррон⁴ тоғидан келтирилади.

Наср дейди: ложувард гранат олинадиган Бадахшон тоғига яқин жойдан топилади.

Унинг энг йирик топилган бўлаги ўн ратлгача боради. У силлиқланади, яхши ишланади ва майдаланади. У ранг чиқариш учун қўлланилади. Ложувард яхлит шаклда бўлиб кўк рангга яқин, гоҳида қорамтир тусга киради. Унинг сайқалланган ва ишланган бўлагида кўпинча тилла рангли юлдузсимон аксланиш кўринади. У жуда майда қилиб янчилганда ун ҳолатидаги кукунга айланади. Кукуннинг ранги ялтироқ бўлиб, унинг ёрдамида беқиёс чиройли ранг⁵ бўёқ олинади.

Зарубон яқинида жойлашган бир неча ипак дарахтлари туфайли Тусбунак деб ном қозонган конларда гоҳида юмшоқлиги ва кукунининг чиройлилигига кўра, Карондан олинган ложуварддан деярли фарқ қилмайдиган ложуварднинг яна бир ноёб тури олинади. Ложуварднинг бошқа навлари пистоқи-яшил тусли минераллар билан аралашган ҳолда учрайди. Биз буни малахит деб ўйлаган эдик, уни сувга солганимизда ўн дирҳам кумуш ажралди, олимларнинг айтишига кўра, малахит сувга солинганда мис ажралади, кумуш эмас.

Оллоҳ — билгувчидир.

МАЛАХИТ¹ — ДАХНАЖ

Дейдиларки, малахитни (дахнаж) Ироқда дахнаж фаридий², Нишопурда — фаридий, Ҳиротда — ванжуя³, Ҳиндистонда — тўтиё⁴ деб аташади. Гувоҳлик беришларича, у тўтиёнинг бир кўринишидир.

Ҳамза дейди: бу ферузанинг бир туридир.

Ал-Киндий дейдики, уни Кирмон⁵ тоғи ғорларининг биридан топишган. Бу ғор мис конлари орасида жойлашганлиги учун бу ердан олинган малахитни гилватадан ясалган махсус идишга солиб қиздирилганда мис ажралиб чиққан. Ал-Киндий малахитни

кимёвий қўлланилганда унинг юмшоқлиги ва ёғли экани, шу сабабли қиздирилганда унгармаганини тасдиқлайди. У тўқ яшил рангда бўлиб, унда яшил рангли кўз ва ярим ой шакли акс этган. Ал-Киндий дейди: форслар ҳукмронлиги даврида малахитнинг катта бўлаги топилган. Ундан идиш ясалган, сўнг бу бўлак секин-аста кичрайиб шаклини йўқотган.

Сейстон⁶ (Сажазий) малахити кирмон малахитига нисбатан сифати пастроқ, бу ҳар иккаласидан Арабистон малахити устун туради. Бану Сулайм (Ҳарра)⁷ деган ғордан келтирадиган минерал ҳам малахитга яқин туради. Унинг яшил ранги зайтун ёғига солинганда янада тўқлашади.

Наср дейди: бу — яшил тош, қаттиқ жавҳар, уч хили бор: биринчиси — мардоний, Кирмон ғорларида мис конларининг орасида малахит конини биринчи бўлиб топган киши номи билан аталади. Малахит ўз таркибида у ер- бу еридаги юмалоқ ва ярим ой кўринишидаги «кўз»лари ҳамда томирлари борлиги сабабли халанж дарахтининг ўрнини босадиган бўлган. Зайтун ёғи билан сайқалланган пайтда мис ажралиб чиқди. Ундан Хусравлар учун хонтахта ва идиш-товоқлар ясаганлар. Лекин бу кон (аста) барҳам топди, унинг ўрнида балчиққа ўхшаган қизғиш бадбўй сув қолди. Мис конлари орасида яқинда очилган иккинчи тури, мардоний турига ўхшаш; учинчиси — араб мамлакатларидан Макка орқали Ҳарра бану Сулайм номи билан машҳур тоғдан келтирилади. Унинг яшил ранги зайтун ёғидан ярақлайди агар малахит (ёғ таркибида) муддатидан кўп қолиб кетса, қорайиб кетади. Уни кондан олаётганларида юмшоқ шаклда бўлади, кейин у қаттиқлашиб ялтироқлиги кучаяди. Уни паррак шаклида ёққа солиб, ўткир сирка сепилади. Шундан сўнг уни ачиган хамирга солиб, иссиқ кулга кўмилади.

Муҳаммад ибн Закариё дейди: малахитнинг энг яхши навлари Миср, Хуросон ва Кирмондан олинадиганидир. Малахит, ложувард, феруза ва қизил темиртош (шозана) — олтин тусли тошлардир. У бунда ложувардда кўриниб турадиган ялтироқ «кўз»ларнинг тиллага ўхшашлигини назарда тутати. Ҳолбуки ибн Закария, бунинг мис⁸ доначалари эканини билган. Бу доначалар ложувардга олтинга нисбатан кўпроқ чирой беради. Малахит ва феруза ҳақида у дейди: улар об-ҳавонинг ўзгаришига қараб тозалик ва хиралikka кўра ўзгарадилар, шунинг учун айрим одамлар уни ёқтирмайдилар.

«Китоб ан-нуҳаб»нинг муаллифи дейди: малахит — тиниқ яшил тош. Унда зинжорийа йилтироқ доначалари кўзга ташланади ва жуда нозик қора чизиклар мавжуд. Гоҳида оч қизил тус ҳам аралашади. Малахитнинг товусий ва хол-хол турлари ҳам маълум.

«Ал-Машоҳир» китобида дахонаж — яшил тош, ундан узук учун кўз ясашда фойдаланилган. Номининг келиб чиқиши грамматик бирлик шаклида дахонаж — малахит⁹ га боғланади.

Бордию, ундан мунчоқ ва узук кўзлари ясалган дейилса, ҳақиқатга яқин бўлар эди¹⁰.

Сихор-бохт¹¹ бунни қайроқ тош, деди. Бошқа бир жойда бунинг энг яхши йўнилган малахит деб номланувчи яшил тошдир, деб тасдиқлайди. Мен унинг сўзларига уларнинг ҳар иккаласи ҳам яшил рангда, деганидан бошқа далил борлигини кўрмаяпман. Зеро, рангининг яшиллиги малахит учун яхши, аммо қайроқ тош учун яшил ранг тўғри келмайди.

Ал-Киндий оғирлиги тўққиз ратл келадиган малахитдан ясалган қадимий тахтани кўрганлигини эслатади. Сейстон малахити орасида тахминан йигирма ратл оғирлик-

даги бўлаклар ҳам учрайди. Арабистон саҳроларидан келтирилган малахитлар орасида ўн ратл келадиганлари ҳам бор. Ҳарра бану Сулаймдан олинадиган тош одатда икки ратл оғирлигида бўлади; Кирмон малахити эса ўн иккидан бир ратл ($= \frac{1}{12}$) келади.

НЕФРИТ¹ — ЯШМ

У асосий шаҳри Аҳма² бўлган Хўтан (Хотан³) вилоятининг икки дарё водийсидан олинади. Бу водийлардан бири Кеш (Кош⁴) деб номланиб, ундан юқори сифатли оқ нефрит олинади, унинг манбаси номаълум. Бу ердан олинадиган йирик нефрит бўлаклари — подшоҳники, майдаси — бошқа амалдорларникидир. Бошқа бир водий Қаро-Қош (Қаро-Фош) деб номланиб, бу ердан олинадиган нефрит хира, қорамтир тусли, гоҳида унинг бу туси шу даражада тўқ бўладикки, худди сабаж (кўмир) дейсиз. Шу жойларда бўлган бир киши қадим замонда у ердан Хитой мамлакати ҳокимига икки юз ратл оғирликдаги нефрит бўлагини олиб борганларини ҳикоя қилади.

Туркларнинг ғалабага интилиб ўз қиличлари, қалқон ва белбоғларини нефрит, унинг яна бир тури «ғалаба» деб номланадиган тош билан беаганликлари маълум. Улардан ўрнак олиб бошқа халқлар ҳам шу мақсадда ундан узук ва пичоқ сопини беаганлар. «Китоб ан-наҳаб» китобида нефрит — бу ғалаба тоши, турклар ўз рақиблари устидан ғалабага эришиш учун уни қўллаганлар, ундан ташқари лағмон, иссиқ нон, қаттиқ қовурилган гўшт каби оғир овқатлар истеъмол қилганларида ошқозонни зўриқтирмаслик учун ҳам нефритдан фойдаланганлар, дейилади.

Наср нефритнинг сифатлари ҳақида дейди: у ферузадан қаттиқ, қаймоқ тусли. Уни сув оқими Сў⁵ деб номланган турклар ерига тоғлардан олиб келади. У олмос ёрдамида кесилиб, узук ва белбоғ тасмалари ясалади.

Нефрит «кўз тегишдан», чақмоқ ва момақалдиरोқдан асрайди деб тасдиқлайдилар⁶. «Кўз тегмаслик» бу халқ тасаввуридир, чақмоққа келсак, чақмоқнинг нефритга тегиб, зиён етказмаганлигини ҳикоя қилган бир одамни кўрдим. Бу хусусият фақат нефритга тегишли эмас. Балки пўлат ойналар ҳам худди шундай чақмоқни ўзида акс эттирмай эритиб юборади.

Тиббиёт китобларида яшб (яшма) тоши ҳақида эслатилади. У ошқозон оғриғида фойда беради, шунинг учун уни ошқозонга яқин қилиб, бўйинга осиб олишади. Унга нур қайтарадиган қандайдир расм чизилган деб айтадилар.

Жолинос (Гален) дейди: мен расмсиз бир бўлакни текширдим, у ошқозонни оғриқдан даволашда яхши таъсир кўрсатди, устига илон расми туширилган сафсар ҳам шундай таъсир кучига эга.

Ибн Моса⁷ дейди: яшб тоши сарғиш тусга эга, Хўтандан олинадиган нефрит эса оқ қаймоқ рангида. Бу унинг яшб⁸ эмаслигини билдиради. Шунингдек, бунинг ҳақиқатан яшб эканлиги, аввал айтиб ўтганимиз нефритдан туркларнинг ошқозон ҳазми учун фойдаланадиган турига яқинлигини тасдиқлайди. Термиз аҳли яшб, Бухоро аҳли — аш-шаб ва ашаб деб атайдилар. Бу оқ хитой тоши гоҳида баш деб ҳам аталади, — дейдилар. Бу баш нефрит бўлмасада, шу турдаги тошларга оиддир. У нефритдан юмшоқ, уни тишланса тиш изи қолади, нефритда бундай бўлмайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ошқозон учун фойдали деб ҳисоблайдилар.

ГИЛВАТА (ЯЛТИРОҚ ТОШКЎМИР) — АС-САБАЖ¹

Бу тош қимматбаҳо тошлар турига кирмайди. Ундан ясалган мунчоқ ҳам жуда арзон баҳоланади. Уни эшаклар бўйнига тақадилар. Баъзи одамлар ундан кўзга сурма сурадиган сурма чўп ясайдилар, чунки у айнимайди. Унинг таркибида нефт бўлганлиги учун рутуб касаллиги билан оғриган кўзни у билан артиш тавсия этилади. Форс тилида у шаба деб номланади; бу тош тўқ қора рангда, ялтироқ, жуда юмшоқ ва энгил; оловда ёнувчан. Мен унинг Қуёш қиздирганда аланга олганини эшитдим, ундан нефт ҳиди анқийди, унинг келтирилган ҳамма сифатларидан ёғли эканлиги кўриниб турибди. Бу қотган нефт қора тошга ўхшайди, ундан Фарғонада кўра ва ўчоқларини қиздиришда фойдаланишган, шунингдек, кулидан кийим-кечакни ювишда ишлатилган. Фарғонада² қатрон (зифт), қийр (кир), нефть (нафт) ёриқлик таратувчи тош (чироқсанг³) деб аталган қора мум, кейин Буттам⁴ худудидан навшатир, шунингдек ўша жойдан мис занги, симоб, темир, қўрғошин, илоқ ферузаси, кумуш ва олтин қазиб олинган.

Фарғонада ёқиладиган ушбу тош нефт қолдиқлари ва кўмир чиқиндиларидан ташкил топган. Тус⁵ Табарондан олинадиган сараланган кўмирнинг йирик бўлақларидан тошойна ва идишлар ишланган. Бир ботқоқ ерда қора сассиқ тупроқ топилган, ундан нефть алангаланган, саҳрода ҳам шуълаланувчи бу минераллар бир турга мансубдир.

Жолинус дейди: оловда ёнувчан юмшоқ қора тошлар яхудийлар жойлашган саҳро яқинидаги Ўлик денгиз соҳилида тепаликлар билан ўралган Гаур мамлакатидан келтирилади.

Унинг оғирлиги тик солиштирама оғирлик ўлчов чизиғи бўйича 28⁶. Самарқанддан келтириладиган сақичнинг оғирлиги — 26 $\frac{1}{4}$ га⁷ тенг. Мен унинг таркибида ғоваклар ва ёриқлар бўлганлиги учун ҳажми катта ва оғирлиги камлигига ишонч ҳосил қилмадим.

Яна Оллоҳ ўзи билгувчидир.

БОЗИЗАҲР¹ — ХАЖАР АЛ-БОЗИЗАҲР

Бу ном билан машҳур нарса — ўша давр олимларининг таъкидлашича, табиий тошдир. Бироқ улар унинг хусусиятлари ва сифати ҳақида батафсил маълумот бермаганлар. Унинг бошқа қимматбаҳо тошлардан кўра оммалашиб кетгани сабаби бу тошдан турли ўйинлар эрмакларда, бир-бирларига мақтаниш учун турли тақинчоқлар ясашда фойдаланадилар. Буларнинг ҳеч қайсиси касалликни бартараф этиш учун хизмат қилмайди. Бозизаҳр² инсон танаси ва қалбини ҳалокатдан, ўлимдан асрайди. У ўзига ўхшаган тошлар қаторида келтирилганлиги учун аввал биз у ҳақдаги ҳикояларни келтирмаган эдик.

Муҳаммад ибн Закариё дейди: бозизаҳр яман шаббаси (аччиқтоши) каби юмшоқ; у энгил парчаланади ва кесилади. Мен унинг ижобий таъсиридан ҳайратландим.

Абу Али ибн Мандавайх дейди: у оқ, яшил ва сарғиш рангда. Наср ва Ҳамза унинг ватани Ҳиндистоннинг чекка чегаралари ва Хитойнинг бошланишига тўғри келади дейдилар. «Китоб ан-наҳаб» китобида дейилишича: унинг ватани Кирмон чегарасидаги Зеренд тоғидадир.

Ҳамза ва Наср бозизаҳрнинг беш турини ажратадилар: оқ, сариқ, яшил, кул ранг ва холдор (мунаққат). Наср мунаққатни яхши кўринишга эга деб ҳисоблайди. Ун икки шаъийр оғирлигидаги ўлчовни заҳарланганлар учун дори сифатида белгилашади. «Китоб ан-наҳаб» китобнинг муаллифи айтади: у лавлаги баргидек яшил, оқ ва қизил тусли сариқ ранг бўлади. Унинг яна бир хили — ичи ғовак, уни «шайтон тўр тўқимаси» (махат аш-шайтан) ва «ажина тўқимаси» (ғазл ас-саолий) дейилади. У оловда ёнмайди.

Абу-л-Ҳасан ат-Табарий ат-Турунжий дейди: унинг худди толалардан ташкил топгандек тури бор. У сўндирилмаган оҳак, мўм ва лойдан ташкил топиб, таркибидаги ҳар бир бўлак ярқираб кўринади. Бозизаҳрнинг сариқ томирчалари борини қайроқ тошда ишқаланса қандайдир қуюқ қонга ўхшаш қизил нарса чиқади, у ҳашорат чаққан жойга суркалса ёрдам беради.

Тусдан келтириладиган бозизаҳрга ўхшаган нарсадан пичоқ соплари ясалади, лекин унинг дори каби фойдаси йўқ.

Китобларда унинг турли текширувлардан ўтган таҳлили ва унинг фойдали эканлиги тўғрисидаги ҳикоялар келтирилган. Буларга ишорат қилишимиз албатта, шахсий тажрибанинг ўрнини боса олмайди. Текширувларнинг бир тури, бу ҳақда айтишларича, шундай экан: бозизаҳрнинг кукуни ёғсиз сутга солинади. Шунда қота бориш кузатилса, бу яхши аломат. Суюқлигича қолса бозизаҳрнинг яхшиси эмаслигидир. Иккинчи текшириш усули: бозизаҳрнинг юмшоқ бўлаги билан қандайдир тош ишқаланса сўнг худди шу тош билан бозизаҳр силлиқланса, унинг сариқ туси қизилга айланади, бу унинг юқори сифатли эканлигидан даракдир. Бу ҳикоя юқорида келтирилган Абу-л-Ҳасан ат-Турунжий сўзларига мос келади. Яна бир усул: бозизаҳр ва сирка кўшиб қандайдир тошни артилса, сўнг бу суюқликни ерга тўкилса, пуфакчалар пайдо бўлса, бу унинг яшилигидан далолатдир. Уни қайнатилган тухум сариғига ёки қуюқ зайтун ёғига солинганда уни юмшатса ёки эритса, бу унинг яхши нав эканлигидан даракдир. Уни сомонга ташланса ранги ўзгарса, бу ҳам унинг яхши навидир. Ерга тўкилганда сирка ажралиб чиқиб ер юзида пуфакчалар пайдо бўлади. Бу ҳам бозизаҳрнинг яшилигидандир.

Уторид ибн Муҳаммад дейди: уни қуёшга қўйганларида терлай бошлайди ва ундан сув ажралиб чиқади. Мен (Беруний. — М. И.) буни сафсата деб ўйлайман.

БОЗИЗАҲР ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАР

Юқорида эслатилган «шайтон тўри» деб номланган бозизаҳр туридан тўқима ип (шустага)³ тайёрланади. Буни Хусравлар озаршуст⁴ деб атар эди, Гарчи олов уни ёндирса ҳам «шуст» сўзи айрим бошқа нарсаларнинг номи ўрнида ҳам қўлланган.

Кирмон кўшинининг бошлиғи Устоз Хурмуз⁵га Заранд⁶ ва Кубунот⁷ вилоятларидан 390 йили оқ шустага келтирганлар. Уни кирлангач оловга қўйдилар, олов унинг кирларини ёндирди. Текшириш учун шустагага ёғ суртиб оловга қўйганларини ва оловни ўчирганларида унинг тоза⁸ ва оқ тусга кирганлигини кузатган бир киши шу ҳақда ҳикоя қилган.

Вазир Аҳмад ибн Абду ас-Самад⁹нинг юқоридагини тасдиқлаб гувоҳлик беришича, буни у ўша вилоятларда кўрган; у дейди: Кубунотда бундай тошлар кўп, ундан кўп қийинчиликлар эвазига толаларни ажратиб оладилар.

Абу-л-Хасан ат-Турунжий дейди: «Подшолардан бирининг қўлида тошлар билан беватилган идиш кўрдим. Бу идишдаги сут ари чаққанда яхши ёрдам берар экан, идишга инги соғилган сутни солиб, ари чаққан жойга шу сутдан теккизилса, қаттиқ бир қичишиш пайдо бўлади, шундан сўнг тинчланади».

Бир ёлғончи тилидан ҳикоя қиладиларки, у Вашмгирга бир тош келтириб, уни бовизаҳр деб тасдиқлайди. У Вашмгир душманларининг иши орқага кетади деб ишонтиришга эришмоқчи эди. Лекин Вашмгир деди: «Агар бу тош захарни кесишга қодир бўлса, мен сенга уни синаб кўришни таклиф қиламан, сўзинг тўғри бўлса яхши мукофот бераман». — «Яхши», — деб жавоб берди у, буни ёлғизликда синаб кўриш учун рухсат сўради. Сўнг деди: «Шайтон менинг кўнглимга бу шумликни солди, лекин сен буни сезиб қолдинг, агар қабул қилсанг, менда бир маслаҳат бор», — деди. «Қандай маслаҳат бор?»- деб сўради Вашмгир. «Душманлар шоҳни ўлдириш учун айёрлик билан унинг яқин одамларидан пул эвазига фойдаланмоқчи бўладилар, — деб жавоб берди у. — Агар бу тошнинг сенда борлигини билсалар, яқин одамлар сенга нисбатан захар қўллашдан фойда йўқлигини биладилар. Бу билан сен душманларинг ёмонлигидан қутилиб қоласан ва яқин кишиларинг ҳам сенга зиён етказмайдилар. Оғуга ўхшаган бир нарса солиб менга суюқлик бер, мен уни ичай, шундан сўнг сен менга ўша тош солинган сувдан ичир. Мен ўзимга келгач, сўзимнинг чин эканлигига ишонч ҳосил қилгандек, менга шоҳона тўн кийдир. Шундан сўнг ҳоли қолганимизда берган совғаларинг ва шоҳона кийимларингни қайтариб ол ва Оллоҳнинг қарғиши билан ёниб турган дўзахга кетишимга рухсат бер». «Менга ҳурматсизлик қилиб, ёлғон гапириб, алдамоқчи бўлганинг учун жазога лойиқсан, — деди Вашмгир, — сен тошинг билан эмас, маслаҳатинг билан кечиришга арзийсан». Вашмгир ўша ёлғончи айтганидек қилди, унга шоҳона тўн кийдириб жуда кўп совғалар берди. Бу ҳикоя ёлғончининг ўлиmidан кейингина кенг тарқалди, подшоҳ тақдирга тан берди.

«ЭЧКИ ТОШИ» (ТАКА ТОШ)¹ — ХАЖАР АТ-ТАЙС

Бу тошнинг форсча номи — тирёк. У хурмонинг меваси кўк вақтидаги кўринишига ўхшаш, худди ёввойи ёнғоқнинг узунчоқ меваси каби. У пиёз қабатларига ўхшаб, бир-бирига ёпишган қатламлардан тузилган. Унинг ўртасида яшил бир устун бўлиб, бунинг юраги, уруғидир. Бу устун бир-бирига ёпишган қатламларга асос бўлиб, унинг ранги қора ва яшил оралиғидадир. Унинг тоза кукунини сутга аралаштирганда қизил ранг беради, алдаш учун тайёрланган тоза бўлмаган кукун яшил рангда қолади.

Бу тош тоғ эчкиси ичидан тасодифан ва айрим ҳоллардагина топилади. Тошнинг топилиши эчки билан боғлиқ бўлганлиги учун уни «эчки тоши» деб аташади, лекин айримлар адашиб уни хажар ал-биш (аконит тоши) дейишади. Аконитдан келган зиённи қайтарганлигига кўра, бу ҳақиқатга яқинроқ кўринади. Гоҳида уни ёқимсиз ном ҳисоблаб, эчки тоши эмас, кўй тоши деб ҳам айтадилар. Унинг тўғри номи форс тирёки бўлиб, Доробжирд вилоятидан келтирилган.

Айтадиларки, тоғ эчкиси илонларни ер эмиш, тоғ ўтлари билан озиқланишганда, улар еган илон ичакда қаттиқлашар ва думалоқ шаклга келар эмиш. Шунинг учун ҳам

бу заҳарли илон чаққанда энг яхши фойда берадиган, сунъий эмас, балки табиий тош эмиш. Чаққан жойини шу тошга шивит суви², аралаштирилган эритма билан артилади. Шу заҳотиёқ оғриқ йўқолиб, терининг аввалги ранги тикланади.

Абу-л-Ҳасан ат-Турунжий бир аскарнинг жанг вақтида заҳарли илон чаққанлиги, унинг бошлиғида эчки безоаридан бошқа ҳеч нарса бўлмаганлиги ва у шундан бир қиротдан камроғини майга солиб, унга ичиргани, шундан сўнг унга саримсоқ едиргани, кўп ўтмай унинг терисида доғлар ва пешобида қон пайдо бўлгани, шу йўл билан у ўлимдан сақланиб қолгани ҳақида ҳикоя қилади.

Эчки тоши подшоҳ хазинасида сақланган, унга жуда катта баҳо бериб, у туфайли мусобақа қилганлар. Ҳаётим билан қасамёд қиламанки, бу хазинада сақланувчи қимматбаҳо тошлар орасидаги энг яхши тошдир, чунки у бошқаларга нисбатан ҳаёт учун фойдалироқдир. У кийикнинг кўзлари миждасида йиғиладиган йирингга ўхшайди.

Ака-ука Райликларнинг айтишича, табиатда учрайдиган эчки тошининг оғирлиги бирдан ўттизгача дирҳам — нархи юздан икки юз диноргача баҳоланади. Айрим кишилар бу форс ттарёкини худди буқанинг ўт пуфагидан топиладиган жовизанга ўхшаб тоғ эчкисининг ўт пуфагидан олинади, дейдилар. Ҳамза жовизан деган сўз — арабча шаклда сўз бошидаги *г* ўрнига *ж* ишлатилганини айтади. Бу сўзнинг форсчаси *гавизандан* келиб чиққани, бу нарса тухум сариғидек бўлиб, оғирлиги бир *доникдан* тўрт *дирҳамгача* боришини қайд этади. Агар уни оғизда бир неча вақт ушлаб турилса, думалоқ бўлиб қотади. Уни Ҳиндистондан олиб келишади. Ундан ттарёк ясашади, у қон томиридаги тикинларни йўқотади. Форс тарёки каби сариқ касалига ҳам даводир.

Оллоҳ ўзи билгувчидир.

МЎМИЁ (ТОҒ БАЛЬЗАМИ, МУРАККАБ ТАБИЙ БИОЛОГИК МАҲСУЛОТ) — МУМИЁ

Мўмиё тоғ елими. Қайсидир бир жиҳати билан амбар ҳидига ўхшаш хушбўй ва хуш ёқувчи мўмга ўхшайди. Биз уни кимнингдир танасида суяги синиб қолганда ёрдам беради, деган мақсадда уйларимизда сақлаймиз. «Китоб ал-обийин»да¹ у дорилар қаторида эслатилади. Хусравлар хазинасидаги мўмиё жуда муҳтож, топишга чораси йўқ одамларгагина тоза шаклда ёки омихта ҳолатида соғлиғини тиклаш ва бошқа мақсадларда берилган. Бу дорилар орасида унинг икки нави алоҳида эслатилади: мизожига кўра, совуғи ва иссиғи²; совуқ мўмиё бўлиши ажабланарли. Чунки мўмиё тоғ мойи ва у совуқлик бўлмаслиги керак. Мўмиё — бу мумнинг бир кўриниши, совуқлик эса унга ёт; шунинг учун бу ҳақда бир-бирига қарама-қарши фикрлар кўп. Юқорида келтирилган китобда жуда кўп турли талқинлар берилган.

«Китоб ашкол ал-ақолим» китобининг муаллифи Доробжирд султониға қарашли тоғ ғорларидан бирида мўмиёни кўриқлаш учун қоровуллар қўйилган, деб айтади. Йилнинг маълум вақтида бу ерга султон ва унинг ишончли одамлари келиб ғорни очишган. Бу вақтда ғорнинг чуқур жойида анор шакли ва ҳажмида мўмиё тўпланган бўлади. Шу ерда ҳозир бўлган ишончли кишилар кўз ўнгида мўмиёга муҳр босилган. Шунингдек, уларга кичик мўмиё бўлаклари тақдим этилган. Бу ҳақиқий мўмиё бўлиб, қолганлари сохтадир.

Горнинг яқинида Обин деб аталган қишлоқ бўлиб, мўмиё номининг келиб чиқиши шунга боғланади. Айнан Обин мўми яна унинг тузилиши, юмшоқлик ва эрувчанлик хусусиятига кўра, ҳам шундай номланган.

Ас-Сарий ал-Мавсилий дейди: мўмиё сўзининг маъноси — сув муми бўлиб, унинг қердан келаётгани ва манбаси қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Форсда мўмиё қулфланган бинода ишончли қоровуллар назоратида сақланади. Ҳар йили султоннинг буйруғи билан улуғлар иштирокида у очилади. У ердан оқиб ўтадиган бир сув бўлиб, ҳовуз қилиб тўпланган. Сув оқимига тўр тутиб сузғич ясалган. Сув тўрнинг бир тарафидан кириб ташқарига сизиб чиқиб кетадиган қилинган. Мўмиё эса тўрда ушланиб қолган, бироз қотганидан сўнг уни олиб хазинага элтишган. Абу Маъоз ал-Жавомаконий дейдики, бу нарса — форслардан келиб чиққан, унинг кўриниши мўмга ўхшайди. Ал-Ди-мишқий ҳам худди шундай дейди.

«Хузистаниклар ҳақидаги китоб»да («Куннош ал-Хувз») айтиладики, «Уни Моҳ вилоятидан келтирадилар; у мумга ўхшайди, бу елим тоғнинг алла қандай тошидан оқиб чиқади. Китоб таржимонининг (Беруний кўрган арабча таржима кўзда тутилмоқда — М. И.) тушунтиришича, елим, аслида, ўсаётган дарахтдан ажралиб чиқади, лекин бу уни сикқанда ажралиб чиқадиган шарбати. Тошдан чиқадиган елим бунга ўхшамайди.

Моҳ³ — бу Жибол; Моҳайн — Моҳ Басра ва бу Диновардир⁴. Куфа Моҳи эса бу Ниҳованддир; гоҳида унга Моҳ Сабазон ҳам кўшилади ва уларнинг ҳаммаси биргаликда Моҳот деб аталади. Гоҳида Ниҳовандни Хузайфа билан тинчлик сулҳини тузган бир асир номи билан боғлаб Моҳ Динор деб аташади. Ахвз⁵ Форс ва Жиболга энг яқин жойлашган. Хузистонликлар мўмиё ҳақида маълумотга эга эмаслар, бизда эса юқорида келтирилганлардан бошқа маълумот йўқ.

Ҳамза мўмиёнинг келиб чиқиши, Кўҳистон ўлкасидаги рустоқларидан бири Кароннинг Жўрон қишлоғида ҳамда ўша рустоқнинг Карку Карон қишлоғидандир, дейди. Лекин биз уни ўша ерлардан олиб келинганлиги ҳақида ҳеч нарса эшитмаганмиз. Унинг довруғи кўпга кетган бўлса-да, ундан фақат ўша атроф аҳолисигина фойдаланса керак.

Абу Ҳанифа асалари ўзининг асалини мум шаклида қотириб устини ўткир ҳид тарағувчи қора мум қоплами билан ўрайди, дейди. Бу мўмга ўхшаб яра ва лат еган жойга таъсир қилувчи кучли дори саналади. Қимматбаҳо ва камёб мум форс тилида мўмиё деб аталади.

Илгариги даврларда турк-ғузлардан кимдир исломни қабул қилиб мусулмонларга кўшилса, улар ҳар иккала халқ ўртасида таржимонлик қилганлар. Ғузлардан кимдир исломни қабул қилса, улар уни туркман бўлди деб, мусулмонлар эса уларнинг сафига туркка ўхшаган туркманлар кирди деб айтганлар. Пойканд атрофидан келган Субай Хирмо ҳар йили Хоразмшоҳга турли совғалар ва уларнинг орасида мўмиё олиб келар эди. Бу мўмиё фақат ўсимликдан олинган бўлиб, қиймати баланд ва тез таъсир қилувчидир деб таъкидлаганини эслайман. Хоразмшоҳ бургутининг оёғи бургутбоқари кўлида синиб қолди. Бундан ғабланган Хоразмшоҳ бургутбоқарнинг ўзини оёғини синдиришни буюрди. Ўша пайтда мен ҳам ўша ерда эдим. Бургутбоқарни олиб чиқиб мажбуран ётқиздилар. Жаллод унинг болдирига пальма қалинлигидаги йўғон таёқ билан урди. Бургутбоқарнинг душманларидан бири деди: «Бу нима? Оёқ синдиришми

ёки сийпалашми?» Жаллод бундан жаҳли чиқиб уни нотўғри тушунишларидан кўрқиб, оёғига шундай қаттиқ урдик, оёғининг тўпиғи тиззасига борадиган даражада суяги синиб кетди. Сўнг бояги кишидан сўради: «Бу етарлими, ёки яна урайми?» Бўлган воқеани амирга етказдилар. У эшитгач, қаттиқ афсусланди, бургутбоқарга ачиниб, унга туркман мўмиёсини ичиришни буюрди. Шундан сўнг у тузалиб кетди. Мен орадан бир йил ўтгач, қўлида бургут билан от устида кетаётган бургутбоқарни кўрдим; у шошиб ерга тушиб, тез юриб кетди. Юраётганида қўлида ҳасса ҳам йўқ эди.

Мўмиёнинг сифатини синаб кўриш ҳақида қуйидагиларни айтадилар: уни ёғ ва сирка аралашмасида эритиб, кесилган жигарга суртишган; агар кесилган жойи бирлашса бу унинг юқори сифатидан дарак берган; айримлар товукнинг оёғини синдириб мўмиёни унга ичиришган.

Жуда кам ва топилиши қийин бўлган нарсаларга эришиш алоҳида интилишни талаб этади. Ҳиндистон аҳолиси ана шундай камёб дорини шаложа, айримлар шаложма деб атайдилар, бу — Ҳинд денгизида жуда кам учрайдиган, камдан кам тутиладиган балиқ номи билан боғлиқ. Балиқнинг эритилган ёғини олиб, сопол кўзада яхшилаб аралаштирадилар, уни суяк тузалишида қўллаганларида яхши натижа беради. Уни тозалаб, Қуёшга қўйилганда қизил асалга ўхшаб кўринади. У ҳақдаги ҳикоялар жуда кўп. Улардан бири шундай: тоғ эчкиларини ҳайдашганда, тоғ устига чиқар эканлар. Эчкиларнинг ҳаммаси ҳидидан топиб бориб, бир чуқурга навбати билан сияр, эканлар. Қуёш тушганда сийдик қорайиб қуюқлаша боради. Натижада ёғли мўм пайдо бўлади, унинг номи *шаложадир*. Худди шундай эшакка тегишли мўм ҳам бор, уни форс тилида *зўрканиз* деб атайдилар.

Ибн Дурайд дейди: синн — бу эшак пешоби, қуюлтириб дори ўрнида ишлатилади, бу суюқлик тоғнинг унгулларида чиқади. Ҳинд табиблари унинг тўқ рангисини ва сизир пешоби ҳиди келадиганини ажратиб оладилар. Абу Наср қандайдир иш билан Йийрў ерига борганида, унинг сўнгги чекаларигача бориб бўлса-да, шу дорини топишни ният қилди. Китобда шундай ёзилади: «Мен Синднинг жанубидаги бир қишлоқда бўлдим, одамлар қопларда шаложа кўтариб келдилар, қишлоқ аҳли уни сотиб олиш учун ёпирилиб борди. Мен улардан сўраганимда, улар қишлоқнинг ғарбий томонида жойлашган тоғни кўрсатиб дедиларки, улар у ерга жуда қийинчилик билан кўтарилиб, худди дарахтларга ёпишиб битадиган елим сингари тошларга ёпишиб қотиб қолган мўмларни йиғиб келишганини айтишди»⁶.

Оллоҳ ўзи омад бергувчидир.

«ИЛОН ТОШИ»¹ — ХАРАЗ АЛ-ҲАЙАТ

Форс тилида у мор-муҳра деб аталади. Унинг номини илон билан боғлашга иккита сабаб бор: биринчиси — у илон чаққанда сутга аралаштириб ишқаланса ёки майга қўшиб ичилса фойда беради. «Қимматбаҳо тошлар ҳақида»ги китобда айтилишича, бу тош бўйинга осиб юрилса, илон чаққанда ёрдам беради, гоҳида шундай ҳам бўлган. Иккинчи сабаб, у илон танасида пайдо бўлиб, ундан олинади. Уни Хусравлар даврида бошқа дорилар қаторида сақлашган.

Наср дейдики, илон авровчилар энг даҳшатли заҳарли илонларни тутиб ейдиган бошқа заҳарли илонларни овлайдилар. Унинг боши орти, гарданида ранги оқ, дур тусли, гоҳида оқ аралашган қора рангли тош бўлади. Тошнинг пайдо бўлиши учун илон тўрт юзта илонни еган бўлиши керак. Бу рақам «Китоб ул-ойин» («Йўриқнома китоби») дан олинган. Яна дейдики, тошнинг ранги қуюқлашганда илоннинг оғзини икки тарафдан темир асбоб билан сиқадилар, у талвасага тушиб ўзини ҳар ёққа ураётган пайтда наштар билан унинг терисини ёриб, гарданидаги тошни олишади. У дастлаб юмшоқ бўлади, ҳаво таъсири билан қаттиқлашиб тошга айланади. Уни синаб кўриш кўйидагича амалга оширилади. У билан қора материални артилганда у оқаради, бу оқариш унинг юмшоқлиги ва ўзгаришидан келиб чиқиб, у билан артилганда мато ҳам таранглашади. Илон авровчилар бу тошни Марям² тошидан ҳам ясайдилар ва у дағал материални оқартириш хусусиятига эга. Лекин бунинг учун минерал ашёнинг солиштирама оғирлиги ҳайвоний матоникидан оғирроқ бўлиши лозим.

Менга Бустнинг Мастаб³ деган жойида яшовчи солиқ йиғувчи бир киши ҳикоя қилиб берган эди. Унинг илон авровчи қўшниси бўлиб, улар дўст тутинишган эди. Бир куни илон авровчининг хотини ёрдамга чақираётганини эшитиб, шошиб унинг ёнига борибди. У илон боқувчи йиғлаб кийимларини йиртаётганлигини кўрибди. Бунинг сабабини сўраганида у дебди: « Мен мор-муҳра олиш учун илон боқаётган эдим. Тунлари мен уни саватга солиб тоза ҳаво олиши ва бўғилиб қолмаслиги учун томга олиб чиқардим. Кеча кечкурун мен унинг озуқаси учун илон тутиб келишга кетдим. Бу хотин илонни томда қолдирибди. Кўёшнинг қиздирганидан у нобуд бўлибди. Мана энди, шунча қилган ҳаракат ва меҳнатларим зое кетиб, катта зарар кўрдим». У менга ўлган илонни кўрсатди, унинг гарданида иккита тош бор эди.

Оллоҳ ўзи омад бергувчидир.

КАРКИДОН ШОХИ — ХУТУ

Хуту¹ — ҳайвондан олинадиган модда. Шунга қарамай хитойликлар ва шарқий турклар унга алоҳида ихлос билан ёндошиб сақлайдилар. Унинг бозизаҳр билан боғлиқ қандайдир хислати бор, сабаби у заҳар яқинлашган пайтда ўзидан тер чиқаради. Бу худди товуснинг олдига заҳарланган овқат олиб келганларида титраб қичқирганига ўхшайди.

Мен Қатойхон²дан келган элчилардан каркидон шохи ҳақида сўраб, заҳардан терлашидан бошқа эҳтиёж маъносини топмадим. Улар дедиларки, бу тош буқанинг пешана суягидир, китобларда ҳам худди шу гап айтилади, яна кўшимчалари ҳам бор. Бу буқа қирғизлар ерида бўлади. Биз икки энлик қалинликдаги Хуту бўлагини кўрдик. Ундан юқоридаги тахмин нотўғри эканлиги келиб чиқади, чунки, буқа пешанаси суяги танашига нисбатан бундай бўлиши мумкин эмас. Турклар еридаги буқанинг шохи десак ҳақиқатга яқин келади. Агар юқоридаги тахмин тўғри бўлганида бу ҳикоя қирғиз ёвойи эчкилари ҳақида гап борганда келтирилган бўлар эди. Хуту — Хитой буқасидан олинган бўлганда қирғизлар ўлкасига ўша жойдан олиб келинмасмиди? Ваҳоланки, уни Ироқ ва Хуросондан келтиришган.

Хоразмга ва уммонга яқин жойлардан балиқнинг тиши³га ўхшаш расм туширилган Шимолий⁴ денгиздан булғорлар⁵ келтирадиган устига сув фили деб аталадиган бу жисм каркидоннинг шохидир деб айтишади. Унинг катталиги бир тирсак ёки ундан кичикроқ; унинг ўзаги тишнинг ўртасида жойлашган бўлиб, унинг номи *жавҳар ас-син*⁶ номи билан машҳурдир.

Бир хоразмлик уста ундан, ўзак атрофини ўраб турган қисмидан тиниқ оқ нарса ажратиб олди. Тоза ўзақдан пичоқ ёки ханжар учун соп ясади. Сопда чизилган нақшлар оқ рангда ва нозик қилиб ишланган. Уч қисмида сарғиш ранглар ҳам бор. Бу яхши пишган бодринг уруғини эслатади, уни кўндаланг қилиб кесганда уруғлари тўкилиб кетади.

У ўзи ясаган бу буюмларни Маккага элтиб оқ Хутудан ясалганлигини айтиб мисрликларга баланд нархда сотди.

Хутунинг бир бўлаги оловга тушганда ундан балиқнинг ёқимсиз ҳиди келади. Бу унинг сувдан олинганлигининг исботи ҳамдир. Унинг тутуни айрим касалликларга даво ҳамдир.

Яна дедиларки, унинг келиб чиқишини аниқлаш қийин. Бу пешона суяги жуда катта қушнинг суягига ўхшайди. У қуш ўлик ҳолда тепадан пастга оролларнинг бирига тушганда, гўштлири сочилиб кетади. Бошини олиб кетадилар. Бир киши шундай ҳикоя қилади: «У Хитой даштлари аҳолиси билан биргаликда кетаётганларида бирдан Қуёш қорайди, улар шу заҳотиёқ отдан тушиб ерга сажда қила бошладилар. Бу ҳолат қоронғулик тугагунча давом этди. Мен бунинг сабабини сўраганимда, улар буни — Оллоҳ томонидан ҳамда бир қуш тимсоли билан боғладилар. Агар жоиз бўлса, уни фаришта ёки шайтон деб аташларини билдирдилар. Бу катта бир қуш шаклида бўлиб, қадам етмаган Хитой даштларининг ортидаги денгизда ва Занж мамлакатида яшайди. У ёввойи филлар билан озикланади, ўша баҳайбат қуш филларни худди хўроз буғдой донини қандай чўқиса, шундай чўқиб ютади. Унинг номи — Хутудир. Бу сўз билан улар ўша қушга нисбатан ҳурматни ифодалядилар. Шунингдек, хонга нисбатан ҳурмат юзасидан унинг хотинини шу сўзга кўра *хатун* шаклида ишлатадилар. Хуту — ўша қушнинг шохидир, уни жуда кам ҳолларда асрлар давомида бир марта топадилар. У денгиз сафарининг яхши ўтишида ёрдам беради деб ишонганлари учун ҳам одамлар ўртасида юқори баҳоланган».

Ака-ука Райларнинг айтишича, унинг энг яхши нави — чаён (*акраб*) рангида бўлади. У сариқ рангдан қизилга, кейин оқиш (*кафури*) сўнг оқ, кейин ўрик яна кўкиш, яна эшак тиши ранги (*харданд*) рангга кириб суякка ўхшайди, охириги ранги қалампир (*фулфулий*) рангига киради; уларни ранги ва сиртидаги расмига кўра, сифати белгиланади. Камфара рангдаги Хутунинг нархи аён рангидагига яқин туради. Уларнинг энг юқори баҳоси юз дирҳам — юз динор; кейин қолганларининг нархи бундан пастроқ юради. Биз кўрган энг катта Хуту бўлаги 50 дирҳам оғирликда бўлиб, унинг нархи 20 динордир. Амир Абу Жаъфар ибн Бону даврида бир катта савдогар хутўдан ясалган сандиқ шаклидаги қутига эга бўлган. Бу билан у ғурурланган, амир Ямин ад-Давлада худди шу матодан ясалган сиёхдон бўлиб, у подшоҳликка бахт ва омад келтирувчи деб ҳисобланган. У бу сиёхдонни амир Халаф⁷, Абу-л-Аббос Хоразмшоҳ⁸га совға қилди, лекин сиёхдон уларнинг хазинасида узоқ турмади. Яна Ямин уд-Давла хазинасига қайтиб келди.

КАҲРАБО — КАҲРАБО¹

Мен Шарқ туркларининг чиройли рангли ва йирик каҳрабо бўлақларини яхши кўрганликлари учун ушбу ҳикояни келтираман. Улар рум каҳрабоси²ни худди Хуту сингари сақлайдилар, тозалиги ва сариқ ялтироқ рангли эканлиги учун хитойликлар³ уни қадрламайдилар. Шарқ турклари мен эслатганимдек, рум каҳрабосини паст баҳолайдилар. Унга интилишларининг ягона сабаби, уларнинг айтишича фақат ёмон кўздан⁴ сақлашидир.

Унинг номи фойдалилигидан дарак беради⁵. У сомонни «ўғирлаб» уни ўзига тортади⁶, сўнг бошидаги сочларини йўқотгандан кейин бир йўла у билан чангини ҳам олади. Уни қиздирганда, гранат (бижозий) каби ўзига тортади. Унинг номи румчасига алақтрун⁷, шунингдек адамантус⁸, суриячасига дқно⁹ ҳамда ҳайонуфро¹⁰ деб аталади.

Ҳамза каҳрабо — Мағриб¹¹ (Ўрта Ер денгизи) ва Табаристон (Каспий денгизи) денгизларида сузиб юрадиган маржон (ҳараз)нинг бир кўринишидир, унинг қаерда пайдо бўлиши номаълум, деб тасдиқлайди. Лекин бу Ҳамза айтганича эмас. Чунки мазкур икки денгизда сандарак (сандарус)¹²даги каби сув ўтлари йўқ, чивин ва бошқа ҳашоротлар ҳам йўқ. Чунки булар каҳрабо бор ерда бўлади. Каҳрабо таркибида эса мум бор. Мум ва каҳрабо бир-бирларидан оғир ва энгиллигига кўра, фарқ қилади. Каҳрабонинг оғирлиги 21 ва $\frac{1}{4}$ ва $\frac{1}{6}$ ¹³. Каҳрабо учрайдиган денгизлардан бири иссиқ ўлкалардан Занжи Мозамбик қўлтиғи¹⁴, иккинчиси совуқ юртлардаги Сақолиб (славянлар)¹⁵ денгизидир. Ниҳоят, каҳрабо — бу мунчоқ эмас, балки мунчоқ ва бошқа буюмлар ясаладиган хомашёдир. Бу унинг асл ҳолатидир. Ундан ясалган буюмлар эса унинг кўринишлари бўлади. Мунчоқ қилиб ишланганининг табиий рангини сақлаш ҳам, ёки қайнатиш¹⁶ йўли билан бошқа рангга киритиш ҳам мумкин. Мис идишдаги аччиқтош эритмасида қайнатилгандан кейин тошдан ясалган тувакда санадала (баққам) эритмасида қотгунча қайнатилади. Шундай қилиб, қизил ва яшил ранглилари пайдо бўлади. Каҳрабодан ясалган мунчоқлар фақат ўша денгизда эмас, балки бошқа жойларда ҳам, яъни ас-Сарий деган жойда ҳам худди шундай каҳрабо ва унинг бўлақларини топиш мумкин деб айтадилар. Табаристон ҳамда Мағриб денгизида бундай каҳраболар бўлмаслиги мумкин, деб ўйлайман. Агар унинг атрофини ўраб турган океан ва Сурия денгизи остларида, унинг конлари бўлиши мумкин деб ҳисобласак, бу «қуш бўлмаса, унинг қанотини сўраб бўладими?» деган нақлга ўхшаб кетади.

Абу Зайд ал-Аражонийнинг айтишича, — сандаракка ўхшаган елим синган пайтида ранги тиниқ, сариқ ва оқ ранг оралиғида, гоҳида қизғиш тусда, таъмсиз¹⁷, қуруқ¹⁸, энгил емирилувчан бўлади. Оқ рангга яқин рангли каҳрабо энг ёмонидир, унинг оқлиги шаффоқликни йўқотади, тозалигини хиралаштиради. Қизғиш тусдаги каҳрабо эса яхши ранги блан ажралиб туради ва жуда тозасидир.

Мумнинг таъмига нисбатан айтилган сўзларга келсак, шу нарса маълум бўладики, унинг қотиши ва шу жиҳати билан тошга яқин туриши, майдаланган ҳолатида ҳам унга маза кирмаслиги таъкидланади¹⁹. Унинг қотиши шубҳасиз, қуруқ бўлганлиги сабабли қаттиқ зарб билан майдаланади, бошқа восита билан эмас, бармоқ ва кафт ёрдамида уқаланганда едирилмайди.

Ал-Киндий дейди: кахрабо — елим бўлиб, у Сақолиблар мамлакати дарёлари соҳи-лида ўсадиган қандайдир дарахтдан худди сандаракка ўхшаб оқиб чиқади. Шунингдек, у сувга тушиб қотади ва оқим билан денгизга тушади, тўлқинлар уни соҳилга улоқти-ради, шундай қилиб улар ерга чиқади.

Булус (Паулос)²⁰ дейди: бу елим Рум ҳауз²¹ дарахтидан ажралади ва қотади; унинг ерга ёки сувга тушганининг фарқи йўқ. Айрим одамлар ҳаузни жауз (ёнғоқ)²² ёғига со-либ баҳор фаслида тайёрлайдилар. Чунки, рум ҳаузи баҳорда жуда кўп бўлади; уни май-далаб зайтун ёғига солиб Қуёшга қўйилади ёки уч соат давомида қайнатилади. Шундан сўнг сузғичдан ўтказилади. Ундан ёнғоқ ва бодомнинг ҳиди алоҳида келиб туради. Тар-жимонлар уни араб тилидан сурёний илига ўгираётганларида «жим» ҳарфини ўрнига «ҳа» ни ёзадилар. Ар-Розий ҳам уни «ҳа» ҳарфи билан келтиради. У Диоскурий сўзлари билан унинг ранги, уруғи, барги ва шарбатига кўра, рум ҳаузига яқин келади деб ҳикоя қилади. Сўнг давом эттириб, кахрабо унинг елими дейдилар. Жолинус (Гален) сўзла-рига кўра, дарахтнинг тавсифи қуйидагича келтирилади: бу елим, буниси — кахрабо, улар ранги ўхшашлигига кўра, бир хил кучга эгадирлар. Албатта, агар кахрабо қачон-дир оққан бўлса, демак у дарахтнинг таркибидан ажралиб чиққан.

Софалат²³ ва унинг оролларида бўлган бир одам ҳикоя қилади: Сандарус дарахтидан оқадиган шарбати вақт ўтиши билан қотади, шу пайтда унинг ичига тушиб қолган би-рор жисм ёки ҳашорат у қотганидан кейин орасида қолиб кетган. Сандарус ва кахрабо икки турли жисм бўлиб, улардан бири бизнинг ўлкаларда учрайди. Иккинчиси энг яхши ва қимматбаҳо тури бўлиб, улар орасидаги фарқ уларга ишлов берилишига кўра, ажрати-лади. Уни қиздирганда биринчиси қайишади²⁴, иккинчи — қимматбаҳоси фақат юмшоқ ва эгилувчан бўлади. Унинг айрим бўлақларининг кўринишидан маълум бўладикки, у ав-вал ерга оқиб, сўнг унда қотган. Бу дарахт остидаги араб елими²⁶ умм ғайлон²⁵га ўхшаш бўлган. Бу қотиш дарахтнинг ўзида содир бўлганда эди, кўндаланг чизиқли тўлқинсимон шаклга эга қасиро²⁷га ўхшар эди. Сандарус — ҳиндчасига маримадхун²⁸дир.

МАГНИТ (ОҲАНРАБО) ТОШИ — МАҒНОТИС¹

Магнит тошининг кахрабо каби ўзига тортиш хусусияти бор, лекин ундан устун то-мони шуки, ярада қолиб кетган ўқ учи, қон томирларига тушиб қолган наштар учини, ошқозонга тушиб чўкиб қолган темир кукуни кабиларни тортиб олишда катта фойда кўрсатиши билан ажралиб туради.

Бу ном (мағнотис) румоча (Византия давридаги юнон тилида. — *М. И.*) бўлиб, бу тил-да у яна *армийтийкун* ва айрақилийно (гераклеон)² деб ҳам аталади. Сурёнийчасига у — кифошафт фарзуло, форсчасига — оханрубой, яъни «темир ўғриси», ҳиндчасига ка-дахак³ ва яна — харбож⁴; бу сўз охан рубой сўзини ҳиндча талаффуз қилинишиданга ўхшайди. «жим» ҳарфи ва «йо» кўп тилларда ўзаро бир-бирини алмаштиради.

Диоскурий дейди: унинг кўпроқ қимматли тури — мовийси, уни қиздириб тобланса, қизғиш рангли шозанажга айланади. Бироқ, биз бу турдаги тошларни кўрмаганмиз ва у ҳақда эшитмадик ҳам. Бир муаллифи номаълум китобда айтилишича, унинг энг яхши нави тўқ қорамтир қизил ранглиси, ундан кейин темир рангилиси, деб ёзилган. Рум че-

гараси яқинида жойлашган Забтара атрофидаги конларда унинг энг яхши сифатлилари топилади дейишади. Рум денгизида сузадиган кемаларнинг зирҳи темирдан қилинади. Чунки Рум денгизида магнит йўқ. Яшил денгизда сузадиганларига эса толали матодан⁵ қоплама қилинади, токим у денгиздаги магнитга тортилиб қолмасин. Яшил денгиздан ўтаётганда, у ерда сув остида кўп магнитлар бўлганлиги сабабли кўпроқ хавф туғдиради. Диоскурийнинг бу фикри ҳақиқатга унча яқин келмайди, чунки толалар билан бирлаштирилган қайиқ ёки кемани лангарсиз, ёки, айниқса, ҳинд темир асбобларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Зобулистон⁶ яқинидаги олтин конларидан, Ҳашбажи қишлоғи яқинида жойлашган Зурвон номли қудуқдан, атрофи тоғлар билан ўралган кумуш, жез, темир ва қўрғошин қонларидан қоя шаклидаги магнитни топиш мумкин. Куёш тушиб турган томонда унинг кучи пасаяди, лекин чуқурликдаги магнит кучли бўлади. Мен бир одамни ўша тоққа кучли таъсир қиладиган магнит бўлагини топиш учун жўнатдим. У тоғнинг бир ерида Ширкон⁷ тизма тоғлари қояларига етганда унинг қўлидаги тўрт ратл оғирлигидан кам бўлмаган метин теша ерга тортилган. Шубҳасиз, буни тортган нарса остида уни тортиш кучига эга бўлган нимадир бор.

Жобир ибн Ҳайён «Ар-Раҳма» китобида дейди: «Бизда юз дирҳам оғирлигидаги темирни кўтара оладиган магнит тоши бор эди, орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин у саксон дирҳам оғирликдаги тошни кўтара оладиган бўлди. Ўша вақтда унинг оғирлигида ҳеч қандай ўзгариш ва қисқариш бўлмаган. Фақат унинг кучигина камайган».

Магнит кучи очиқ ҳавода ва Куёш остида камаяди. У (Жобир ибн Ҳайён) хабар беришича, ўттиз *истар* оғирликдаги магнит бўлагини топганлар. У олтмиш дирҳам оғирликдаги тошни ўзига торта олган, ўттиз *истар* магнит бир юз ўттиз дирҳам оғирликдаги темирни торта олади. Бу $3\frac{1}{3}$ баробарга тенг. Бу ҳолат ҳайратланарли ва жуда кам учрайди.

Муғ (зардуштий. — М. И.) Варқак узоқ йиллар давомида Ҳашбажидаги олтин конларида ишлади. Бир кун у тўқ кулранг — қорага яқин бир магнит бўлагини топди. Магнитнинг турли кўринишларига яқин келса ҳам у кўпроқ ранги ва кўринишига кўра, темир ярқироқ тош ойнага ўхшар эди. Уни бир кўрганда темир деб айтиш мумкин эди. Ундан тўққиз дирҳам оғирлидаги бир бўлак олиниб, темирга яқинлаштирилганларида ўз оғирлигига икки баробар келадиган темирни торта олган экан.

Жолинус дейди: магнит табиий ҳолда темирдан кучли, ташқи кўринишидан эса унга ўхшайди. У темирни ўзига тортади, темир эса уни торта олмайди. Уни бир-биридан фарқлаш учун кузатувчанлик, тажриба ва тушунча талаб этилади, дейди. У яна дейди: магнитнинг темирни ўзига тортиш кучи уни саримсоқпиез ва пиез⁸ билан ишқалаганда камаяди. Агар уни бир неча кун давомида сиркага, шунингдек, эчки қонига ботириб қўйилса, яна таъсир кучи ўз ҳолига қайтади, дейишади.

Юқорида таъкидланган ақиқ ва магнит⁹дан ташқари яна ўзига тортиш хусусиятига эга кўп нарсалар бор: нефть ўзига оловни тортади, ёғли тош (ҳажар аз-зайтун) — зайтун ёғини, сирка тоши (ҳажар ал-халл) — сирка, сув тоши (ҳажар ал-хабан) — сувни истисқо (қорин шишиб кетиши) касалига чалинган одамнинг оғзидан ўзига тортади. Буларни биз ўз кўзимиз билан кузатмасак-да, бу ҳаммага маълум. Қайнатилган ипак

пилласини кўйлакка яқин қилиб осилса, уни тортилади. Мушукнинг юнги устига кўлингизни кўйиб бироз кўтарсангиз юнг кўлингизга томон тортилади.

Бир раббоний¹⁰ яҳудий менга шундай ҳикоя қилган эди: Бир куни у бошқа бир яҳудийда ўзига олтинни тортадиган тошни кўрган экан. У уни сотиб олиш учун 50 динар таклиф этган. Бунга у рози бўлмаган. Агар ҳикоя қилиб берган одамнинг гапи тўғри бўлса, бу тош жуда қиммат баҳоланади. У тош майда олтин зарраларини турли аралашмалар орасидан бармоқ шаклидаги магнит воситаси билан ажратиб олиш машаққатидан саррофларни озод қилган бўларди. Бу магнит ёрдамида олтин қумларини аралаштирадilar. Бу аралашма оғир қора қумга айланади. Унинг таркибида олтин зарралари бўлиб, ювиш орқали уни ажратиб олишнинг иложи йўқ. Шунинг учун олтин магнит ёрдамида тортиб олинади. Бу тош таркибидаги ауз-санг¹¹ деб аталадиган темир бўлиб, бу қора қум — унинг заррачалари эканлигини исботлайди. Шунингдек, бу каби қора дончалари бор бошқа қумлар ҳам магнит тошлари ёрдамида тортиб олинган, олтин бегона аралашмалардан тозаланади. Қора қумли қоришмадан қумни ажратиб, олтинни софлашга хизмат қиладиган тош бўлса, уни заргарлар ўз хунуарлдари учун жон деб сотиб олган бўлардилар.

«Китаб ан-нухоб»нинг муаллифи дейди: магнит тоши зайтун ёғи билан артилганда, темир ўша жойдан ажраб унинг бошқа томонига тортила бошлайди.

Менга Бухородан шундай бир магнит бўлагини келтирдиларки, у ҳамма томондан тортишга, истисно тарзида унинг бир бурчаги темирни ўзидан итариш хусусиятига эга эди. Ажабланарли жойи шуки, менинг қўлимда бир уста бор эди, унинг четлари силиқланган пўлат асбоби бўлиб, темирни кесиш ва ўйиш учун ишлатилар эди. Мен шу асбобни қандайдир қабарик нарса устига эркин ҳаракат қилсин деган маънода кўйдим. Кейин уларни бир-бирига яқинлаштирдим. Уларни бир-бирларига тортилганини кўрдим. Шу вақтгача ҳеч бир одам¹² бир бўлак магнит ичида ҳам тортувчи, ҳам итарувчи куч бўлишини билмас эди.

ҚИЗИЛ ТЕМИРТОШ¹ (ТЕМИР ОКСИДИ) ВА АЛЕБАСТРИТ — ХУМОҲАН ВА-Л-КАРАК

Бу икки тош (хумоҳан ва карак) деярли ҳеч қандай қийматга эга эмас. Шиалар уни мунчоқ сифатида баҳолайдилар. Ўз рақибларига қарама-қарши ўлароқ атайин оқ тошга ўйилган муҳрни ишлатмаганларида эди, уларнинг рақиблари ҳам, муҳр учун шу тошнинг қорасидан фойдаланмасалар эди, бу тошнинг умуман қиммати бўлмаган бўлар эди. Бу ҳолат худди Исфидруд²нинг ҳар икки қирғоғида яшовчи аҳоли бир-бирдан фарқ қилиш учун ўз ибодатларида бири қора байроқни, иккинчиси оқ байроқни тиканлари сингари, дейиш мумкин. Бу ўз эътиқодлари ва диний мазҳаблари билан чамбарчас боғланади. Мен эса бир узук кўзида ҳар икки тошни бирлаштирдим (диний эътиқодда фарқланишни Беруний танқид қилиб фикр бериб ўтмоқда. — М. И.).

Қизил темиртошнинг энг яхши кўриниши — зинжий, жуда қора ва ялтироқлигидан унинг усти оқ бўлиб кўринади. Куръонни кўчирувчилар ундан кўлёмани зарҳал билан безаб ялтиратиш учун ялтиратиш учун фойдаланганлар.

Бир шоир у (қизил темиртош)ни сурия шотут мевасига қиёслаб ёзади:

Тут меваси идишда —

Аждар қонига тўйинган қизил темиртошдек турибди.

«Китоб ашкол ал-ақолим»нинг муаллифи қизил темиртошнинг кони ал-Муқаттам тоғларида ва Миср ери атрофларида топилган, дейди. Агар шундай бўлса, унда у занжийни фақат ранги туфайлигина айтган.

Ҳамза қимматбаҳо тошлар орасида хумоҳанни алоҳида таъкидлайди. Бу сўз арабча бўлиб, хумоҳан шаклида ҳам учрайди; мен ўйлайманки, Ҳамза қизил темиртош (хумоҳан)³ деганда шуни назарда тутган.

Аъуз-санг унга қоралиги ва қаттиқлиги билан ўхшайди, заргарлар ундан қизил темиртош танқис бўлган пайтларда фойдаланадилар. Зарубонда қизил темиртошли катта қоялар бор. Араблар уни маъиз деб атайдилар. У қаерда учраса, хоҳ ер устида хоҳ ер остида — бу ерда олтин борлигидан хабар беради. Биз буни аз-зинжийга ранги ва оғирлиги билан ўхшашайди деб ўйлаймиз. Уни қиздирилган қайроқ тош билан силлиқлайдилар, агар қайроқтош қиздирилмаган бўлса, қизил темиртошни силлиқлай олмайди. Аъуз тоши вазнда тик устун ўлчов бирлигининг $103 \frac{3}{4}$ ига тенг⁴.

Карак⁵ — оқ тош бўлиб, жуда ёрқин ва ишловни кам талаб қилади. «Тошлар ҳақида»ги китобда унинг кони Шарқ мамлакатларида учрайди, дейилган. Оқ каракдан шунингдек, туякуш тухуми пўчоғидан, шиллиққурт ва бошқа денгиз жониворларининг чиғаноқларидан ёнғоқнинг бир палласига ўхшаган чиғаноқнинг (вадъ⁶) ҳаракатга келадигани энг қимматбаҳоси дейилади. Уни тоза тош устига қўйиб, мувозанат ҳолига келтириб, устидан сирка қуйилса, ҳаракат бошланади. Шундай бўлса-да, мен бу ҳаракат унга томонми ёки аксинчами билолмадим. Мен сиркадан қўрқадиган тошни кўрмадим, лекин бу тош ҳақида агар уни шиша идишга солиб тик қўйилса, унинг остидаги бошқа бир идишда сирка бўлса, у сиркага қарама-қарши томонга эгилади, дейишади.

Энди фақат номи билан машҳур лекин уларнинг қандай келиб чиқиши ва қандай хусусиятга эга эканлигини ҳеч ким билмайдиган тош ҳақида ҳикоя қиламиз.

ҚОРА ДОҒЛИ ҚИЗИЛ ТОШ — ШОЗАНАЖ

Жолинус шозанаж¹ тошининг номи уни чархлаганда ажралиб чиқадиган қизил кукунига нисбатан берилган, дейди. Худди шунга ўхшаш бошқа тошлар — асал (ҳажар асалий), сутли (ҳажар лабаний) тошларининг номи уни пардозлаганда қолдирадиган кукунининг ранги билан аталган. Уторид ибн Муҳаммад ал-Ҳосиб бир китоб тузиб, уни «Китоб ал-Манофеъ ал-ахжар» («Тошларнинг фойдаси ҳақидаги китоб») деб номлади. Китобда ўзи ишонмаган ҳолда бўлса ҳам турли дуоларни, афсунларни, ҳақиқатга зид гапларни қўшиб ёзган. Сўғдийлар ҳам тошларга ва уларнинг кукунларидаги магик хусуситларга астойдил ишонадилар. Уларнинг «Тубуста»² деб номланган китобларида тошдан чиқадиган сариқ кукун — кўнгилсизликларга қарши тумор, юракка шодлик бағишлаш учун қизил кукун, ишда омад учун ҳам қизил кукун, кулранг — яхши кайфиятни уйғотувчи, қора — заҳарловчи ҳисобланиб, ундан қочиш талаб этилади, деб ёзилган.

Кукуни тошнинг ўзидан ранги билан фарқ қилувчи қуйидаги тошлар: агар тош оқ кукун берса, у ҳунармандчиликда куч бағишлайди. Шунингдек, қуролдан етган ярани даволайди; агар кукун кулранг тусда бўлса, унинг тоши заҳматдан асрайди, яшили — кўрқувни қувиб, хавфсизликни таъминлайди; оқ тош ва ундан чиқадиган турли рангдаги кукунларни оғизда ушлаб турилса, тиш оғриғини қодиринида фойда беради, дейилади.

Зарубон аҳолиси хумахонга ўхшаган Аъуз тошини сувда бошқа тош билан ишқалаб, сувга қизил ранг чиқаришади. Бундан соч бўяшда фойдаланишган. Агар сув қорайса, уни мастликдан сўнг қаттиқ ухлаш учун ичилади; агар сувнинг ранги ўзгармаса, бу кукундан зарҳал беришда фойдаланилади.

Омад бергувчи Оллоҳнинг ўзидир.

УСТАРА ТОШ¹ — ХАЖАР АЛ-ҲАЛҚ

Дейдиларки, Бохтйешунинг вафотидан кейин ундан ёпиқ бир идишда бир тош қолган ва бу тош ҳақида унинг ёш хизматчиси Бассилдан сўрадилар: «Амир мени Румга қўйиб юборишга ваъда берса, шундагина мен ўша тош ҳақида айтаман, деб жавоб берди у, — чунки мен хўжайиним ўлимидан кейин Ироқда қолишни истамайман». Ал-Мутаваккил уни Румга жўнатаман, — деб қасам ичди. Шунда Бассил деди: «Бу тош тук қирувчи бўлиб, уни суркалганда соч тўкилади ва у шу жиҳати билан нувранинг ўрнини босади». Уни тажриба учун қўлга суркаб кўрдилар. Унда биронта тук қолмади. Ал-Мутаваккил бундан хурсанд бўлиб, у йигитни Румга жўнатиш учун буйруқ берди. Ўша киши деди: «хўжайиним ўз сўзида турганлиги учун мен яна шуни айтаман: бу тошни ўз кучини йўқотмаслиги учун ҳар йили эчкининг илиқ қонига солиб қўйиш керак». Орадан бир йил ўтгач, ўша йигит айтганлари қилинмагани сабабли ўша тош ўз кучини бутунлай йўқотди.

Аҳмад ибн ал-Валид ал-Фарисий сўзи билан Ас-Саломий қора ҳиндиларнинг ад-динбол қабиласи денгизга отланар экан, ўзлари билан ғовак тош олиб кетишади. Бу тош сафар чоғида улар учун тана бўйлаб теккизиб ўтганларида нуранинг ўрнини босиб, туклар илдизигача йўқолгани ҳақида ҳикоя қилади.

Оллоҳ ютуққа эриштиргувчидир.

ЁМҒИР ЧАҚИРУВЧИ ТОШ¹ — ХАЖАР ЖОЛИБ ЛИ-Л-МАТАР

Ар-Розий² «Хусусиятлар ҳақидаги» китобда турклар мамлакатада қарлуқлар, бажанақлар ва қипчоқлар оралиғида бир довон бор, дейди. Унинг орасидан аскар ёки мол тўдаси ўтса, уларнинг туёқлари ва тақаларига шу ердан ўтаётганда тошга қаттиқ тегмаслик, қора туман қоплаб, ёмғир ёғмаслиги учун кийгиз боғлашган. Шу тош ёрдамида истаган вақтда қуйидаги усул билан ёмғир чақирганлар: бир одам сувга тушиб, оғзида шу тошни тутиб, қўли билан осмонга ишора қилган ва ёмғир ёға бошлаган.

Ибн Закариё шу ҳикояни айтган ягона одам эмас, уни инкор этиб бўлмайди. «Китоб ан-нуҳоб»да «ёмғир тоши» қарлуқлар водийсидан кейин келадиган саҳрода учрайди ва

бу қора-қизғиш тусли тошдир. Шунга ўхшаган хабарлар бир-бири билан кам мулоқотга киришадиган, мамлакат чеккаларида жойлашган одамлар орасида ҳам тарқалган. Қарлуқлар ўша вақтда ривоят қилишларича, қарлуқлар ва қипчоқлар оралиғидаги ерлар худди Шарқ ва Ғарб³ оралиғига тенг келар эди, дейишади.

Бир турк менга хурсандчилик билан ва суриштириб ўтирмай қабул қилади деб ўйлаб шунга ўхшаш қандайдир бир нарсани келтирди. Мен унга дедим: «Ёғингарчилик мавсуми бўлмаган пайтда у билан ёмғирни чақир. Ёки ёғингарчилик мавсумида мен сўраган пайтда тошинг ёрдамида ёмғир ёғдир. Шунда мен сенинг қўлингдан бу тошни оламан ва сен истаган нарсани, ҳатто ортиғи билан бераман», — дедим. У одам юқорида менга ҳикоя қилиб берганларидек, иш тута бошлади. Айнан тошларни сувга ташлаб, сувни сачратди, шу билан бирга ёмғир ёғсин деб қичқирди. Ўзи сачратган сувларни ҳисобга олмаганда осмондан бир томчи ҳам сув тушмади. Ривоятнинг кенг тарқалганлиги ва оддий халқнигина эмас, ақлли одамларни ҳам ҳайратга солгани, унинг учун ҳақиқатга ишонмаган ҳолда талашишлари янада ҳайратланарлидир. Шунинг учун ҳам иштирок этаётган бир киши ўша туркни ҳимоя қилиб, тушунтирди. Бу тош турли шароитларда турлича бўлади, фақат турклар еридагина у ўз кучини кўрсатади. Ўз сўзининг исботи учун бу ҳикояни келтиради. Табаристон тоғлари қояларида саримсоқни майдаласа тезда ёмғир ёғади. Одамлар ёки ҳайвонлар қони кўп тўкилса, шундан сўнг ёмғир ёғиб ер юзидан ўлган одамлар ва ҳайвонлар қонини ювади⁴; Миср ерларида бу усул ёки бошқа йўллар билан ҳам ёмғирни чақириб бўлмайди. Мен уларга дедим: «Шамол йўналиши ва денгиз томондан булутнинг ҳаракати, тоғларнинг жойлашиш ўрнини ўрганиб тўғри хулоса чиқариш мумкин».

Табаристон ҳақидаги ҳикояларни эшитар экансиз, унга танқидий ёндошиш керак. Ақлли одамлар кўп тарқалган бу гапларга унча ишонмайдилар. Масалан, сувга, шаршара ёки ботқоққа эркак уруғи ва аёл ҳайзи каби харом нарсалар тушганда ҳавога қуюн, қуюқ туман кўтарилади, дейишади. Лекин бу табиат ҳодисалари тоғларда ва маълум мавсумларда ёғингарчилик бўлмайдиган жойларда юз беради. Ҳатто, ўзининг оддий вақтида бўладиган ёғингарчиликни ҳам одамлар юқоридаги сафсатага боғлашдан андиша қилмайдилар. Ғўрак⁵, Бағлон⁶ ва Барвон⁷ оралиғидаги довон ботқоқлари ҳақидаги ҳикоялар ҳам шунга ўхшайди. Бу ҳикояларда юқорида таъкидлаганимиздек ҳодиса баён этилади. Лекин бу довон об-ҳавосининг ўзгарувчан эканлиги, ёзда серёмғир, қишда серқор эканлиги билан фарқ қилади. Биз кўп сонли лашкар билан шу довонлар орқали кўп марта ўтар эдик ва ўша сув атрофида тўхтаб дам олганмиз. Карвонимизда ҳамда бизга ҳамроҳ бўлганлар орасида бир талай қаланғи-қасанғилар, таҳорат нима, поклик нима билмайдиган одамлар, унга амал қилиш у ёқда турсин ҳатто «тозалик» сўзини эшитмаганлар тўдаси бўлар эди. Улар орасида баъзилар сувга не ифлосликларни, ҳатто эркаклик манийсини, қусуқ, тупукни туширмасинлар, об-ҳавода бирор ўзгариш рўй бермаган. Улар ҳатто ўша (ўзлари харом қилган) сувдан ичишарди ҳам. Аммо хоҳ ўша онда, хоҳ ундан аввал ёки кейин бирор бир касофат рўй бермаган.

Гоҳида айрим тошларга турли-туман хислатларни ёпиштирадилар. Бундан уларнинг мақсадлари, менинг фикримча, бу хабарларни ўйлаб топган одамлар шу тошларга

олиб борувчи йўлларни тоза тутиш ва уларга зиён етмаслигини, хавфсизлигини таъминлаш бўлган. Бу нарса икки оқ тош воситасида амалга оширилган. Кобулдан Ҳиндистонга олиб борадиган йўл бўйлаб икки қўналға масофа ўтганда, Жунд ал-Карам деган қамишлар билан қопланган водийдан тепалик томон кўтарила боришда ана шундай тошлар кўп эди. Бир одам бу йўлни тошлардан тозалаш мақсадида аҳоли ўртасида мишмиш таркатади. Эмишки, кимда ким ёмғир чақирувчи майда тош устидан оқизилган сувни хотинига ичирса, ўғил туғилар эмиш. Ундан ҳам майдароқ тош устидан қуйилган сувни ичирса қиз туғилар эмиш. Шунинг учун шу жойдан ўтаётган ҳар бир киши қўлида асбоб билан бир бўлак тошни ўзи учун ва яна хотини учун синдириб, ушатиб олаётганини кўришинг мумкин. Ва бу нарса бизнинг кўз ўнгимизда ҳам давом этди. Шунга ўхшаш ҳодисалардан бири Малатия⁸га етиб боришга икки қўналға қолган жойда воқе бўлмиш Раъс ас-Саур номи билан машҳур тоғда бўладиган оқ тош билан ҳам содир бўлган. Жазийра⁹ ғозийлари ўша оқ тош парчаларини хотинлари уларга содиқ бўлишлар, бевафолик қилмасликлари учун олиб келишар экан.

Шоир дейди:

*Қайдадир ётган бу қандай тошки, тентак эрига
Уни севмас аёлининг юрагини қайтарса.*

ДЎЛ ҚАЙТАРУВЧИ ТОШ¹ — ХАЖАР АЛ-БАРАД

Ҳамза айтади: Хусравлар даврида дўлни қайтарувчи тошни санги муҳра деб аташар эди. У яна шундай тошларнинг бири Исфахон яқинидаги Қосоннинг қишлоқларидан бири *Рўйи даштда* сақлангани ҳақида хабар қилади. Ҳар сафар дўл ёғдирадиган қора булут келганда аҳоли уни олиб кўрғон ёки шаҳар деворининг минорасига ўрнатишар экан. Булут парчаланиб тарқаб кетар экан. Дехқончиликка оид китобларда қадимги муаллифларнинг келтирган сафсаталарига кўра, дўл келтирувчи булутларини ҳайдаш учун ифбатли қиз бола оқ хўроз кўтариб чиқар экан. Ёки тўнкарилган тошбақани ташландиқлар орасига кўмилса дўл ёғмас эмиш. Шунга ўхшаган воситалар ҳеч қандай кучга эга эмаслиги (заифлиги) ўз-ўзидан аён. Бундай табиат ҳодисаларининг моҳиятидан, уларни тадқиқ қилишдан келиб чиқиб фикр юритадиган оқил кишилар ҳақиқатнинг тагига етиш учун чин сабабларни ахтарувчи кишиларни адашмоқликдан қутқаришга хизмат қиладилар.

Ҳиндистон аҳолиси бу борада улар брахманлар бошқарадиган сеҳргарликка ва жодуга қаттиқ ишонадилар². Брахманлар қишлоқ аҳолиси озикланадиган ҳосилни асраб қолиш учун дўлни ҳайдаб берадилар. Бу нарсани текшириш учун ҳақиқат ва ёлғон қардалигини аниқлаш қийин. Дўл ёғдирадиган булутлар ҳамма ерда бир хилда жойлашмайди. Ёмғир ёғдирадиган оддий булутлардан фарқли ўлароқ кўп ҳолларда улар қуюқ қора шаклда бўладилар. Шамол уларни куч билан ҳайдаб ёмғир ёғдирадиган бўлса, жуда катта томчилар ҳосил бўлади. Бу томчилар булутдан ажралиб чиқиб, унинг соясида қотсалар дўл пайдо бўлади. Гоҳида дўл экиннинг бир қисми устига тушиб уни нобуд қилади, бир қисми эса омон қолади. Брахманлар ана шу омон қолган экинга ишора қи-

либ, ўз сўзларини ўтказадилар. Олдиндан башорат қилинган сўзларини худди тўғри чиққандек кўрсатадилар. Ҳиндистонда қишлоқ аҳолиси орасида брахманлар сўзини текшириб кўрувчи, бунинг табиат ҳодисаси эканлигини тушунтириб берадиган ҳеч ким йўқ.

Хазиналарда сақланадиган нарсалар орасида тошга ўхшаган нарсалар бор. Улардан бири бундан кейин биз фикр юритадиган шишадир.

ШИША — ЗУЖОЖ

Буюк Оллоҳ ўз китобида шаффоф ва тоза кўринишдаги шишани эслатади ва дейди: «Унинг шаффофлиги гўёки токча, токчада чироқ, чироқ эса худди юлдуз навли дур каби»¹. Яна Оллоҳ деганидек «Бас у саройни кўргач, уни сув ҳавзаси деб ўйлаб, оёқларини (болдирларигача) очган эди², шунда Сулаймон: «Бу биллурдан ясалган силлиқ қасрдир»³,-деди. Айтишадики, бу ер юзида пайдо бўлган энг биринчи шишадир. Уни кимлардир шайтон ясаган деса, форслар унинг пайдо бўлишини Афридун⁴ даври билан боғлайдилар.

Юнончасига у аюйлўсис (гиалос), сурёнийчасига загзўгато дейилади. Зужож сўзи гўё бу сўзнинг араблаштирилган кўриниши эмиш. Уни тошни ёки қалий ва қум қоришмасини бир неча кун узлуксиз оловда эритиш орқали қум билан кул бир-бирига сингишиб кетгунча эритиб қайнатиш орқали олишар экан. У суюқ ҳолга келади, қаттиқ қиздириши натижасида қум қалий (кул) билан аралашиб тозаланади ва қаттиқ ҳолга келади.

У қадар ишонч билан бўлса-да, менинг тахминимча қум дончалари орасида турли заррачалар бўлади. Мен унга тикилиб, диққат билан қараганимда мазкур заррачаларнинг қора, қизил, оқ, тиниқ биллурий хилларини кўрдим. Узоқ қайнашдан сўнг эритма ортиқча заррачалардан тозаланади. Шишанинг кўпиги масҳақуний⁵ дейилади. У оқ, эгилувчан, параксимон юпқа, мўрт ва оғизда эрийди; уни шишанинг, сувнинг ёки идишдаги сувнинг қаймоғи дейишади. Сихар-бахт шиша Миср идишларининг устига қопланган, дейди. Ва бу ҳақиқатга тўғри келади.

Тоза ва қалин Сирия шишасининг оғирлиги ғилдирак ўқига нисбатан — $62 \text{ ва } \frac{2}{3}$ ва $\frac{1}{8}$ ⁶. Шишани суюқлик ҳолида турли ранг бериш билан бўялади. Улар орасида қора ва оқ, феруза ранглилари ўзгармасдир. Бўялмаган шиша доғсиз ва пуфакчаларсиз бўлса, тозаликда тоғ биллурлидан кейин туради. Шунингдек, у ўзининг тузилишига кўра, ундан арзонроқ бўлади. Ундан ясалган идишлар шаффоф бўлганлиги учун унинг ичига нима солинган бўлса, яққол кўриниб туради.

Букайр аш-Шомий дейди:

*Тоза тилла идиш ичидаги ичимликни беркитади,
Шунинг учун шиша ундан яхшироқ.*

Ас-Сарий дейди:

*У худди шиша каби ишончингни оқламас,
Ташқаридан кўрганинг ичида ҳам шундай кўринар.*

У яна шундай дейди:

*Сенга сирим айтаман — шишага сир айтгандек.
У ҳам тозалик билан хираликни беркитмас.*

Илгари айтилганидек, «Кумуш биллур»га таъриф берилгани каби, у ерда кумушнинг эмас, биллурнинг хусусиятлари назарда тутилади. Бу ерда кумуш оппоқ сут рангини эмас, балки шаффоф нарсани акс эттириши назарда тутилади. Шоирлар идишга таъриф берганларида унинг тозалигини назарда тутиб оқ деб атаганлар. Бу нарса кейинчалик дур ва унинг устки қатламига нисбатан ҳам қўлланган. Шиша идишга нисбатан бу сўзнинг қўлланилиши унинг шаффофлиги учун муносиб кўрилган. Агар ўша идиш дур билан қиёсланса, унинг орқасидаги нарса кўринмаслиги керак. Идишнинг ичига май қуйиб тепасидан қаралса, майнинг ҳажми сезилмайди. Бундай ҳолда уларни таққослаш ва тавсифлаш, нур таратувчи, дурнинг орасига жойлашган ранг ва пуфакчалари унинг хусусиятларига таъсир қилмайди. Пуфакчаларни, худди кўзимиз кўрмас бўлиб қолгандек, кўзга ташланмайди.

«Шарҳлар» (Ат-Тафсир) китобининг муаллифи Али ибн Исо⁷ ва унинг сўзини давом эттириб, Абу Муҳаммад ас-Сукобозий дейди: кумуш биллур каби шаффоф, ёқут ва маржон ундан афзалдир, уларнинг ҳар иккисидан олтин афзал, шунингдек, кумушдан ҳам олтин афзал.

Лекин бу курук, баландпарвоз сўзлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Ёки бунга ўхшаш сўздаги нарсаларни ҳақиқатда яхлит ҳолда ёки қисман ҳам кузатиш мумкин эмас. Шунингдек, уларнинг ҳар бир бўлагини яхлит шаклда тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай оқ, тоза, ялтироқ нарса кумушга ўхшаши мумкин, лекин оқ шаффоф нарсани ўхшатиб бўлмайди. Масалан, сут оқ рангда бўлиб, у чириб тушгандагина ундаги оқлик йўқолиши мумкин. Бу оқлик (шаффофлик) бошқа ранглардан ажралиб чиққандагина билинади.

Антара деди:

*Ҳар бир баҳор булутидан ёмғир мўл ёққанида,
Қаттиқ ерга тушиб, дирҳамга ўхшаш из қолдиради.*

Шоир бу билан ёмғирнинг фойдасини, дирҳамнинг юмалоқ шаклда эканлигини назарда тутумаяпти, у тозалик ва шаффофликни кўрсатишни мақсад қилган. Шунинг учун уни кумушга қиёслади, дирҳам эса айнан шу кумушдан ясалади. Ширлар яна ўз шеърларида маржоннинг оқлигини ёқутнинг тозалигига қиёслайдилар. Шундай нарсалар борки, ёқутдан ҳам тоза, масалан, тоғ биллури ва шиша. Мақсад ёқутнинг қизиллиги

ва маржоннинг оқлиги қўшилгандаги гўзаллигини кўрсатиш. Ҳар иккисининг йўқлиги инсон терисининг табиийлигини йўқотади. Шунинг учун дейдиларки, қизиллик инсонга чирой бағишлайди.

Башшор дейди:

*Сен либосингни ўзингга безак бил,
Ундаги турли ранглар унинг кўркамлигидир.
Кирганингда юзингни гўзаллик билан яшир,
Чунки гўзаллик қизилликдадир!*

Шоир яна деди:

*Унинг устидаги қизил ва оқ либоси кўркамдир,
Шу билан у кўзни қувонтиради, чунки қизиллик гўзалликдадир.*

Диоскурий Фаластинда шиша ўти⁸ деб номланган бир ўсимлик бор, дейди. Агар шиша шиша ўтининг шарбати билан чайилса, ундаги кирлар кетади, дейди.

Ҳамза Исфохон Қошон қишлоқларидан бири Фахрудда вақт ўтиши билан қотиб, оқ, тоза, ялтироқ шишага айланувчи ўсимлик борлигини айтади.

Унга ўша ўсимликдан бир бўлак келтирганларида Ҳамза уларнинг турли шаклдаги ўсимлик эканлиги ва уларни ўша ер аҳолиси дори ўрнида қўллаганлигини эслайди, лекин қандай касалга даво эканлигини айтмайди.

Шунга қарамай маржон шодасини яхши билганлар буни ажабланарли деб билишмайди.

ЭМАЛ — МИЙНО

Мийно (эмал)¹ — таркибида қўрғошин ҳиссаси кўп бўлганлиги сабабли оғирроқ, лекин юмшоқ шиша турларидан бири. Унинг таркибида усталар *асос* деб атаган аралашма бор. Усталардан баъзилари уни марва²дан ясалади деб ҳисоблайдилар. Бу тошнинг ранги оқ, оқ бўлганда ҳам ҳаддан зиёд ярқироқ бўлиб, ундан ўт (чақмоқ) чиқаришда фойдаланилади. Уни тоғ даралардан, сойлар ва жилғаларнинг ўзанларидан териб олишади. У топилмаган пайтларда ўрнини чақмоқ(зунуд) тоши, майдалаб кукун қилинган ҳолдаги усрунж (сурик)³ бўлаклари (баъзан улар санах деб аталади) ҳам босиши мумкин. Буни олтингугурт тутунида қиздириб йўли билан усрунж парчалари майдалаб кукун қилинади. Унинг қизил рангга кириши ва қўрғошин оҳагига айланишидан содир бўлади. Шуларнинг ҳар бири майдаланган чақмоқ тош (марва) сув билан тозаланиб бир аралашма ҳолига етказилади. Бошқа бири марва аралашмаси билан худди шу ҳажмдаги тоғ биллури оҳаги ҳамда унга $\frac{2}{3}$ ҳисса усрунж қўшилгани, яна малай қалийи (ишқорий кули) ва ундан ташқари $\frac{1}{4}$ ҳажмда натрий сода⁴си қўшиб тайёрланади. Бу сўнгги ҳолат унинг енгиллаштирилади. Шу вақтнинг ўзида усрунж унинг вазнинри кўпайтиради. Унинг оғирлик ва енгиллиги қўрғошин ва қалай оралиғидаги фарққа мос келади. Бу ҳақда биз кейинги бобларда яна тўхтаимиз.

Ҳасо⁵дан эмал тайёрлаш учун шишали қоришмадан фойдаланилади. Шиша эритмаси учун кумга натрун (сода) қўшилади, бундан келиб чиққан аралашма буроқ⁶ ва тинкор деб номланиб у эритишни тезлатади.

Эмални тайёрлаш учун худди шиша тайёрлашга ишқор ёки унинг тоифасига кирувчи модда қўшиб кум ишлатилгани каби, шағалдан фойдаланилади. Турли кўринишларидан олинадиган яшил шиша унинг асоси деб ҳисобланиб, ундан турли рангли шишалар чиқаришда фойдаланишади. У махсус пуфлаш йўли билан тайёрланиб, шиша устаси томонидан хумда пиширилади. Унинг оғирлиги таққослов ўлчовига кўра, кўк ёқутга нисбатан 99 ва $\frac{1}{3}$ га тенг⁷.

Айрим усталар усрунж ўрнига мурдосанжни⁸ни қўллайдилар. Мурдосанж эритилган кўрғошиндан тайёрланиб усрунждан пастроқ туради. Рангга нисбатан уларнинг қодаси қуйидагича. Усрунж ва мурдосанж сариқ рангни беради; гоҳида бундан ташқари темир заъфарони (заъфарон ал-ҳадид)⁹, деб атайдилар. Бу темир зангидир. Яшил рангни мис, эритилган рўсухтаж (миснинг чиқиндиси), пўстлоқ чиқиндиси (тубол) ёки мис занги (зинжор) келтириб чиқаради. Қизил рангни эритилган бронза (Шибҳ); қорани темир чиқиндиси (тубад ал-ҳадид); май рангини — магнит,¹⁰ оқни — исфизаж, бу куйдирилган кўрғошиндир¹¹, ёқут рангини — «эритилган олтин» (захаб муҳаррак)¹²; бинафша рангни — ложувард ва ақиқ беради. Шунингдек, яшил ва сариқ ранглилари шаффофликка эга, қизил, оқ ва қорада шаффофлик йўқ.

Усталарда эмални тайёрлашда асос бўладиган ранг берувчи усулларнинг жуда кўп хиллари бор. Лекин уларнинг қай бири ишончли эканлигини билиб бўлмайди. Буни тажрибали усталарнинг ишини кузатиш ҳамда аралаштирилаётган моддаларнинг миқдорини шу тажрибада қатнашиш йўли билан аниқлаш мумкин. Шиша, эмал ва чинни ишлаб чиқариш бир-бирига яқин туради. Уларнинг ҳаммаси учун бўёқ қоришмалари ва бўяш усуллари бир хил¹³.

ХИТОЙ ЧИННИ ИДИШИ — АЛ-ҚИСОЪ АС-СИНИЯ

Бу ерда баъзан чинни, юқорида мийно (эмал) ҳақидаги бобда эслатилганидек, тоза лой билан қоришган марвадан олинади. Бироқ бу лой бир хилда соф бўлавермай, турли нарсалар билан қоришган бўлиши мумкин. Хитой тоза чиннисига келсак, эшитганманки, хитойликлар марва (тошини) янчиб кукун қиладилар (улардаги бу тошнинг тури бошқа бировларда борларидан сифати жиҳатидан шу қадар юқорики, тавсиф қилишларича, шаффофликда тоғ биллуридан қолишмас экан), сўнгра уни қўтос терисидан тикилган қопга солар эканлар. Шундан кейин ишчилар уни пешма-пеш намлаб, галма-гал тепиб хамирдек қилиб, оёқлари билан тепиб пишитар эканлар. Бирлари дам олганда иккинчилари ишни давом эттирар эканлар. Бундан мақсад қоришманинг ишлови бир лаҳза ҳам тўхтамаслиги керак экан. Акс холда қоришма қотиб, унинг чўзилувчанлиги йўқолар, натижада яроқсиз бўлиб қолар экан. Тўхтовсиз ишлов берилган қоришма пишиб хамирдек юмшоқ етилганда, уни бошқа ишчи дастгоҳга олар экан. Кейинги ишчи ҳам аввалги ишчининг ўша ишини давом эттирар экан. Шу тарзда ишчилар навбати билан ишлаб дам олар эканлар. Чунки, бу қоришмани ишлашда тўхташ мумкин эмас, агар

тўхталса, қоришма қанзиб қолиб, яроқсиз ҳолга келиб қолар экан. Сўнг унга куйдирилган малай қалайининг оҳаги кўшилар экан. Гоҳида аввал бу хомашёдан идиш ясалиб, куригандан сўнг сиртига оҳак сепилар экан ва хумдонга қўйиб пиширилар экан.

Винол ас-Собийъ ҳикоя қилади: Чинни идишларнинг энг яхши навлари Хитойнинг Инг Чжу¹ деган вилоятидан келтирилади. Бошқалар бу айтилганларга қўшимча равишда қоришмани чан идишга солиб, унинг етилиши учун тўхтовсиз қимирлатиб туришар экан. Бу иш ун йилдан бир юз эллик йилгача, ҳатто, авлоддан авлодга ўтар экан. Гоҳида тўрт юз йилгача тинимсиз ишлов бериш давом этар экан. Шу сабабли хитой чинни идишлари шиша каби синиб қолган тақдирда эритилиб, қайтадан ишга солиниши мумкин экан.

Ака-ука Райликлар айтадилар: энг яхши Хитой чинни лаганлари ўрик (мишмиший) рангида бўлиб, юпқа, майин лойдан ёпиштирма усулда тайёрланганларидир. Кейинги нави дафна (лавр) барглари рангидагиси, сўнгра оқ бўёққа ботириб пиширилганлари юқори баҳоланади. Гоҳида айрим идишларнинг қиймати ўн диноргача боради.

Райда Исфохонлик савдогарлардан бир дўстим бўлар эди. Унинг уйида меҳмон бўлдим. Уйдаги ҳамма идишлар — тоғорача, сирка идиши, тузлуқ, ликопчалар, тақсимчалар, кўзачалар, пиёлалар, ҳатто, сув қайнатадиган идишларигача, тоғора-ю ҳуққачалар, мой чироғу қандиллар ва бошқа барча анжомлар хитойи чинниси²дан эканлигини кўрдим. Унинг уйини безаш йўлида қилган бундай ҳаваси ва ҳафсаласидан ҳайратланган эдим.

РАНГЛИ ҚОТИШМА — АЗРАК

«Китоб ан-нухоб»да: «Азрак — исқандарий эритмалари асосида тайёрланадиган қимматбаҳо қадимий тош. Нархи ёқут билан тенг юради», — дейилади.

Ал-Киндий «... эритиб суюлтирилган рангли шиша — бу азракдир, — дейди. Қадим замонлардан буён маълум. Унинг ранги гранат рангига ўхшаш, қизил ёқутга яқин, бир бўлагининг нархи минг диноргача баҳоланади, ҳозирда уни ҳосил қилишнинг иложи йўқ», дейди. «Ал-Мутаваккил учун уни ясаб беришга ҳаракат қилганларида, — деб давом этади ал-Киндий, — пушти ранг тош (вардий)га ўхшаган нарса ҳосил бўлди».

Менинг тахминимча, Каъба учун совға қилинган нарсалар орасидаги ёқут рангли идишлар азракдан ишланган. Яна бир муаллиф исқандарияликларнинг азрак ҳосил қилишга ҳаракат қилганлари ҳақида: «улар қизил маргимуш ва сариқ-олтин рангини берувчи кукун¹дан тенг миқдорда олишган ва унга Кирмон мис зангидан чорак миқдор, Мисрнинг шиша ясашда ишлатиладиган қумидан бир миқдор, барчасини кукун ҳолатига келгунича янчганлар, аралаштирилиб устидан сирка қуйганлар ва хамир каби бир неча марта қорганлар. Кейин уни сопол идишга солиб, оғзини маҳкам беркитганлар. Таппи олови ёниб қизиб турган хумдонга жойлаштирганлар. Хумдоннинг оғзини лой билан суваб, бир кеча давомида шундай сақлаганлар ва сўнгра хумдондан олишган», — деб ёзади.

Айрим одамлар: «Бу қоришмани кум ва сўндирилган оҳакдан тенг миқдорда қўшиб, унинг бир юз йигирма бўлагидан ҳар бирига бир бўлакдан куйдирилган мис қўшиб тайёрланади ва шу билан қотишма яшил рангга киради», — дейишади.

Муаллифи номаълум китобларда шундай дейилган: «катта қизил ва қаттиқ, энг сифатли маргимуш бўлагини ол. Уни уч ҳафта давомида сигир сийдигига солиб тўйинтир.

Шундан сўнг уни қозонга солиб, қизиб турган кулнинг устига қўй. Устидан худди шу миқдорда эритилган кўрғошин қўй, бу кўрғошин маргимушни ёпсин. Сўнгра устидан олтингугурт сеп. Шунда у аланга олади. Аланга олиши билан қозонни кулнинг устига ағдар ва кул билан кўмиб қўй. Совигунча шундай ҳолда қолдир. Кейин ундан маргимушни ажратиб ол. Сиртида пайдо бўлган пўстлоғини шилиб олиб ташла ва маргимуш қотишмасидан узук кўзлари ясайвер».

«Китоб ан-нуҳоб»нинг муаллифи дарнук² деб аталган тошни эслатади ва унга таъриф берар экан, унинг қизил рангида сарғишлик бор ва шу жиҳати билан у нодир ва қимматбаҳо саналади, ҳар иккаласи исқандарияликлар қотишмасидан ишланган азракдан қолишмайди, деб ёзади.

Мозаика (тошлардан ганч сувоғи устидан ёпиштириб ҳосил қилинадиган нақшин безак учун ишлатиладиган рангин парчинлар — *И.М.*) фусайсифо³га (кейинги замонавий нашрларда фусайфисо шаклида берилмоқда) келсак, у қотишмалар сирасига кирмайди. У кумуш ва олтин суви юритилган тош бўлиб, иморат кошинкор безаклари орасига ёпиштирама усулда ўрнатилади. Сурияда иморатларни безаш учун қўлланган. Ал-Киндий қотишмалар орасида «мушук кўзи»⁴ (айн ас-синнувр) номли қотишмани эслатади. Унинг ранги қип-қизил бўлади деб таъкидлайди. У Мисрнинг қадимий қабрларида учрайдиган хазиналарида ҳайвон тасвирлари туширилган лойдан ясалган буюмлар, шунингдек, турли рангдаги майда тошлардан ясалган туморча тақинчоқлар учрашини, бу тошлар Миср қабрларидан кўплаб топилганлиги сабабли «қабр тошлари» деб аталишини қайд этади. Чиндан ҳам излаган истаганини топади.

Яманда машҳур инсонларга қабр қазиганларида чоҳни гумбаз кўринишида ёпадилар. Бу қабр ҳисобланади. «Китоб ал-ахбор»да қабрлар ҳақида ҳикоя ва шеърлар келтирилган. Улар ёлғон бўлса-да, лекин қабрлардан қиличлар топадилар ва улар қубурия, яъни «қабрга оид» дейилади. Ат-Туббаъ шоҳларидан бири Хитой⁵га йўл олганида, у ерга етиб боргунларича бахтсизлик рўй берди — лашкари иккига бўлиниб кетди. Бир бўлагига ўша жой маъқул келиб муқим бўлиб қолдилар, улар тибетликлардир. Бошқалари ватанларига ўлжалар ва куллар билан қайтдилар. Ўша ерда қолган яманликлар ўз одатларига кўра, ўлганлар учун уйга ўхшаш қабрлар қазиганлар, жасад ва унга тегишли бўлган нарсаларни, шунингдек энг яқин одамларини, масалан, хотинини ва унинг учун озиқ-овқат, зарур нарсалар, кийим ва бир йилга етадиган чироқ кўшиб кўмганлар ва устига тупроқ тортганлар. Бу худди ҳиндистонлик аҳолининг ўлимдан кейин руҳнинг кўчишига ишониши ва ҳатто аёлларнинг ўз ўлган эрлари жасади билан бирга ўтга ташланишларига ўхшайди.

Биз юқорида ҳикоя қилганимизга яна буларни қўшамизки, турклар мамлакатида «қабрни бузувчи» одамлар (набош)⁶ номини олганлар. Улар туркларнинг юртларида қадимий қабрларни излаб топадилар ва улардан қимматбаҳо нарсалар қидириб топиш билан шуғулланганлар. Шундай бўлсада, у ердан тилла, кумуш ва бошқа металллар (филизот) топа олмай қабрларни бузганлари қолади, холос.

Металл (филизз) сўзи алоҳида ҳолдаги конлардан қазиб олиннадиган эрийдиган ҳар қандай маъданларга нисбатан ишлатилади. Конларда уларнинг хилма-хил турлари қоришиқ ҳолда учраши ҳам мумкин.

ИККИНЧИ ҚИСМ

МЕТАЛЛАР — ФИЛИЗЗОТ

Оллоҳ таоло деган: «Ерни эса уни ёйдик ва унга тоғларни ўрнатдик ҳамда унда турли нарсаларни (ҳар ернинг ўзига мос қилиб) ундирдик. Яна унда сизлар учун ҳам, Ерни ёзиб қўйдик, унга мустаҳкам турувчиларни ўрнатдик ва унда ҳар хил нарсаларни андоқиси билан ўстириб қўйдик. Унда сизлар учун ва сизлар ризқлантирувчиси саналмайдиганлар учун ҳам тирикчиликни яратиб қўйдик»¹. (Оллоҳ таоло Куръони Каримда демишки,) «Ер — бу экинзорлар ва аҳоли яшайдиган жойлар, бу ерларда ўлчов ёрдамида савдо-сотик олиб борилади. Тоғ ёнбағирликлари ўлчовли нарсалар — қадоқтош билан ўлчанадиган дорилардан тортиб, ёриладиган ўтинларгача, агар улар бор бўлсалар, эгадир. Ичи эса қимматбаҳо нарсалар ва одамларга керакли бошқа нарсаларга тўла. Демак, унда, бу деган сўз тоғларга ҳам алоқадор. Чунки солиштириб тортмоқ қаттиқларга, ўлчов билан тортмоқ эса оқувчиларга боғлиқ. Минералларни етиштирмоқ эса уларни яратмоқ, уларни яхшилаб ўстириш ва узоқ сақламоқ демакдир. Оллоҳ таоло дейдики, «Осмондан сувларни ёғдирдикки, сувлар ўзан бўлиб ўз меъёрлари билан оқдилар ва қалқиган кўпикларни ўзи билан олиб келди. Одамлар оловда тоблаб, зеб-зийнат бўлишини хоҳлаган нарсалари ҳам баайни кўпикка ўхшаш нарсадир. Шундай қилиб, Оллоҳ таоло кишиларга ҳақиқат ва сохталиқ тўғрисида тимсоллар келтиради, кўпиклар йўқ бўлиб кетади, ерда эса инсон учун нафи бор нарсаларгина қолади. Уларни фақат билувчилар ва (Оллоҳдан) кўрқувчиларгина фаҳмлайдилар. Нодонлар эса парво қилмайдилар, улардан фойдалана олмайдилар, аксинча, уларнинг ҳақиқийлигига назар-писанд қилмайдилар². Дарҳақиқат, (Оллоҳнинг) чивин ва ундан юқори ёки қуйи бўлганларга ҳам — ҳаммасига қудрати бир хилдир. Ундан бўлак ҳамма ундан ҳам, бундан ҳам ожиз, Оллоҳнинг донолиги уларнинг ҳаммасини бир хилда қўйганидир. Ёлғон ҳамиша Ҳақиқатдан енгиледи. У сув оқимларининг юзидаги пуфаклар (кўпиклар) сингари йўқ бўлиб кетади. Худди шундай ҳол алангаланиб ёнаётган оловда эриган модда билан ҳам юз беради. Чунки, уларнинг кўпик ва чиқитлари чиқариб ташланади, кулга айланиб кетади ва фойдаланилмайди. Сўнг (сув) кўпигининг намлиги бир муддат ерда қолади, унда ҳеч бир барқарор нарса йўқлиги учун, нам ерга шимилади, шу билан яна аслига қайтади. Шундай қилиб, у ерга шимилганича унда доим қолади. Бу очиқ-ойдин маълум, чунки ҳар бир тирик нарса ўшандан ва ўша туфайлидир.

Металларнинг фойдасига келсак, улар икки ҳолдир. (Биринчидан) Олтин ва кумуш нархларни ўрнатмоққа хизмат қиладилар. (Яна) безаклар учун ишлатиладиган қимматбаҳо нарсалар тайёрламоққа сарф этиладилар. Мис ва темир, улардан паст эсаларда,

фойдали нарсалар ва ҳимоя қуроллари учун ишлатиладилар. Табиатшунослар дейдиларки, (кибрит) — олтингургурт эритиладиган металлнинг отасидир. Симоб (зиъбақ) эса уларнинг онаси³, эритганда олов уни тирик симобга айлантиради. Модомики, шундай экан, баённи ўшандан бошламоқ керакдир.

СИМОБ — ЗИЪБАҚ

Бу метал зовуқ¹ дейилади. Ундан *тазвиқ* сўзи келиб чиқади. Унинг маъноси тасвир (безак, зийнат)дир.

Музаббақот — симоб билан қопланган қалбаки дирҳамлардир. Бизнинг кунларимиздан унча узоқ бўлмаган вақтларда йўғон метал парчаларини икки томонини ва ёнларини қорайгунча текислаб худди тарози тоши сингари шаклда пул ўрнида ишлатилар эди. Уларнинг ёни ва четлари қоп-қора бўлгунча текисланган бўлар эди. Бу худди тарози тошларига ўхшаган эди. Уларни *музаббақа* деб аталар эди. Дейдиларки, улар қотган симобдан ясалар экан. Улар Макка шаҳрида амал қилар эди. Аммо ҳар йилги Ҳаж зиёрати вақтида уларни ишлатишни тўхтатиб туришган. То зиёратчиларнинг қўлидаги олтин ва кумушларни йиғиб олгунгача шундай қилишган. Зиёратчилар уйларига жўнаб кетганларидан кейингина яна симобий ва сохта динорларни муомалага чиқарар эдилар.

Симобдан уни олтингургурт (кибрит) билан қўшиб олов таъсири остида киноварь (зунжуфр)² олтингургуртли симоб тайёрланади. Чунки олтингургурт таъсирида қотади ва тиниқ қизил рангли минералсимон моддага айланади. У қўрғошинни куйдиргандаги усрунжга (қизғиш қўрғошинга) айлангани сингари қизиллик пайдо қилади. Гоҳо уларнинг фарқига бормаганлар. Иккаласини ҳам синжафр деб атайберганлар. Аммо кейинчалик фарқ қилмоқ учун симобдан қилинган қизил минерал қотишмани (киноварни) румий деганлар. Чунки илгари уни ўша ёқдан келтирар эдилар. Бу ерда эса усрунжни тайёрлов йўлинигина билар эдилар.

Симоб олов таъсири остида буғланиб кетади. Лекин уни қиздирилган темир (эритувчи) қошиққа солинса, у бир неча вақт унда сақланади. Чунки симоб оқувчан, сувга ўхшаш, олов уни буғга айлантиради, зарраларини ёйиб юборади. Улар йиғилганда ва бирлашганда эса яна симобга айланадилар. Бу худди сувнинг буғини тор идишга йиғиб совутилса сувга айлангани сингари.

Симоб эритилган моддаларга осон, темирга эса қийинчилик билан сингийди. У олтинга бузиб юборувчи таъсир кўрсатади. Ўз хоссаси ва ҳиди (буғлари) билан уни майдалаб юборади. Бундай ҳол агар у олов ёрдамида тарқалса ёки шамол ундан узоқдаги олтинга уни етказса содир бўлади.

Симобнинг ҳиди усталар ва заргарлар учун ҳам хавфли. Улардан нафас сиқилиши, шиш ва фалаж каби дардлар келтиб чиқади.

Симоб темир билан олтин иштирокидагина осон қўшилади. Шунинг учун зирх, совут, дубулға ва бошқа ҳимоя воситаларини олтин амальгама (мол тезаги қўшиб тайёрланадиган сувоқ) билан зарҳаллайдилар, сўнг уларни кумуш амальгама билан қоплаб, кумушга ўхшатиб безайдилар.

Жолинус симобнинг шу каби хусусиятларини: яъни симоб руда кўринишида олинани дими ёки исфизож⁴ ва мартак⁵ сингари сунъий равишда ишлаб чиқариладими — билмас эди³.

Ибн Мандовайх Мосаржавайх⁶ номидан айтиладики, у (симоб) сунъий равишда тайёрланади. Бошқалар эса таъкидлайдиларки, у қўрғошиндан тайёрланади. Лекин булар ҳаммаси тўғри эмас. Чунки у қандайдир қизил тошлардан олинади, уларни ўчоқ ва кўраларда (то ёрилиб кетгунгача) қиздирадилар. Сўнг ўша ёриқлардан симоб оқиб тушади.

Баъзилар эса бу тошларни майдалайдилар ва махсус тайёрланган, сополдан ясалган симоб ҳуққачларига буғлантириш усули билан ҳайдаб йиғадилар. Симоб буғи ҳуққачларда совиб, суюқ ҳолга келади.

Барча тошлар симоб юзасида чўкмай сузиб юрадилар. Аммо олтин бундан мустасно, чунки у оғир бўлгани учун чўкади, лекин симоб у билан қўшилгани ва ўзига тортгани учун эмас, баъзилар шунинг учун чўкади, деб ўйлайдилар. Биз буни турли шароитларда текшириб чиқдик. Маълум бўлдики, унинг чўкмоғи фақат ўз оғирлиги туфайлидир. Яна биз қимматбаҳо тошларнинг вазнини ўлчамоқ учун кўк ёқутнинг юз бирлигини ўлчов қилиб олганимиз сингари металллар учун ҳам тозаланган қизил олтин бирлигини олдик. Симобнинг олтин билан тенг ҳажмдаги салмоғи қиёслаш чизиғига нисбатан 71⁷ га тенг бўлиб чиқди.

Ютуқларга Оллоҳ етказувчидир.

ОЛТИН — ЗАҲАБ

У румийчасига харисун (хризос)¹, сурёнийчасига дахаба², ҳиндчасига сувари³, туркчасига алтун, форсчасига зар, арабчасига заҳаб ҳамда нузор (з — ž товуши қалин та-лаффузли. — М.И.) дейилади. Ўз софлиги туфайли эритмоққа муҳтож эмас нарсаларни *иъқён* дейдилар. Ўйлайманки, шунинг учун соф олтинни ҳам *иъқён* дейдилар. Бу каби соф олтин ёнғоқсимон ғўлин доналар кўринишида Судан сахроларида учрайди. Уларни Софалат аз-Зинжда яшовчилар, бу ерга келганларида териб оладилар.

Шоир ёзган:

*Худди юксак даражали соф олтин (иъқён) каби,
У олов тоблаб ишлов берилгач янада яхшироқ бўлиб кетган.*

Олтин ва кумушнинг то ишловга туширилгунларига қадар табиий ҳолати *тибр* сўзи билан сифатланади. Баъзилар улар қаторига мисни ҳам қўшадилар. Шундай одамлар борки, улар умуман эрувчан минераллар, улар то ишлов берилгунгача *тибр* деб атайдилар. Кумуш ва бошқа металллардан кўра кўпроқ олтинга нисбатан бу сўз ишлатилгани яхшироқдир.

Дейдиларки, олтиннинг заҳаб⁴ деб аталмоғига сабаб унинг эгаларидан тезроқ кетмоғи ва эгаларига секинлик билан қайтмоғидир. Яна айтадиларки, уни конда кўрган киши ҳайратдан донг қотиб қолар ва деярли хушини йўқотар экан. Ва шунда «ражул заҳаба» («ўзидан кетган, беҳушлик») дейилар экан. Дийжонусдан (Диоген)⁵ сўрабди-

лар: «Олтин нега сариқ?» у дебди: «Душмани кўп, улардан кўрқади». «Девон ул-адаб» китобида ёзилган: «Асжад — бу олтин».

Яна муаллиф ёзадики, бу ном ҳамма қимматли тошлар, масалан зумрад ва ёқутлар учун ҳам бир хил. Аммо шундай эмас. Гарчи олтин асжад дейилса-да, барча қимматбаҳо тошлар бир хилда асжад дейилмайди. Ҳатто олтинга хос сифатлар унда бўлса ҳам шундай дейила бермайди.

У гўё бу вақтда «тож мин асжад»ни кўзда тутгандек эди («олтиндан тож»). Унда ана шундай қимматбаҳо тошлар бўлади. У ўйлаганки, *асжад* сўзи ҳам олтинга, ҳам ҳар қандай қимматбаҳо тошга оид. Агар *тож мин асжад* бўлганда шундай бўлар эди. Лекин у билан бирга бўлган бирор нарсага бу сўзни ишлатиб бўлмайди. Шунини эслатиб ўтмоқ кифоядирки, олтин тож бошқа қимматли тошларсиз бўлмайди. Демак, *асжад* сўзи олтин билан бирга унга ўрнатилган қиммат баҳо тошларга нисбатан ҳам эмас, балки фақат олтиннинг ўзига нисбатан ишлатилади. Уни яна *зуҳруф* сўзи билан ҳам атайдилар. Унинг асл ўзак маъноси «нутқни безовчи» демакдир. Авваллари шу тўғри маъносида ишлатилар эди. Бироқ, кейинроқ у «симоб суви билан қоплаш» ва тасвирий санъатда безак маъносида ишлатила бошлагач, олтинга нисбатан ҳам қўллана бошлаган.

Оллоҳ таоло деган: «Айтдилар, ёки сенинг олтиндан бино қилинган уйинг бўлмагунича... (сенга имон келтирмаймиз, дедилар)». Яъни сенинг уйинг олтин безаклар билан безатилган бўлади. Агар ер юзида тинч жам яшаётганлар фаришталар бўлганда, биз, албатта, уларга фариштани пайғамбар қилиб юборувчи бўлардик⁶.

Гоҳо конлардан топилган табиий олтин юксак сифати билан ажралиб туради. Гоҳо эса у ёмон сифатли бўлади. Масалан, Зарубондаги Тўсбўнак номи билан машхур кондаги олтин зангори рангда бўлади. Хуттол олтини⁷ эса сариқ. Тўғузлар ўлкасидаги олтин⁸ ва афғонларники енгил бўлади. (Бунга сабаб) ё табиатан шундайлиги, ё уларда ҳаво ва сув билан тўла кўпиклар борлигидир.

Яна шундай олтин борки, у ё олов ёрдамида, ё фақат қиздириш ёки эритиш орқали тозаланади. Уни «пишириш» дейдилар. Энг яхши сифатли олтинни «топилма» (луқт) дейилади. Чунки уни айримлар табиий ёмбилар шаклида топадилар. Уларни «хазиналар» (рикоз — ёмби) ва *арказа ал-маъдин* деб атайдилар. Яъни конда, олтин ёки кумуш коними, бунинг фарқи йўқ, у ёмби топди, деб аталади. Гоҳо ёмбилар айрим аралашмалардан холи бўлмаслиги мумкин. Аммо уларни оддийгина усул билан тозалаб олиш қийин эмас. Демак бундай олтин ўзининг софлиги туфайли *ибриз* (қизил) деб аталади. У ўз вазнини ҳатто эритилганда ҳам йўқотмайди.

Абу Исҳоқ ас-Собий⁹ ёзган:

*Мен ташвишлар оловида ёндим, рангимнинг сариқлиги орта борди,
Худди соф олтин (ибриз) эритилганда тозалангани сингари.*

Абу Саъид ибн Дўст эса деган:

*Қариялар танаси кексайган сари кичрайганини кўрдим.
(Айни замонда) унинг тажрибаси кўпаяди.*

*Олтин ёмбиси (тибр) эриган сари салмоғи камайиб, нархи ортгани каби.
Шунинг учун айтадиларки, қизил ёмбидан ажралган қизил олтин ёмбининг ўзи-
дан кўра қадрлироқдир.*

Гоҳо олтинга тош қўшилган бўлади. Тош худди олтинга эриб қўшилгандек. Шунда уни янчиш керак бўлади. Уни тегирмон тоши остида майдалайдилар. Ваҳоланки, ундан кўра мишжон — даста билан ховончада туйган тўғрироқ ва бу усул олтиннинг сифатини сақлаган бўлар эди. Дейдиларки, ховончада янчиш олтинни янада қизилроқ қилар эмиш. Агар шу тўғри бўлса, бу ажабланарли ва ҳайратомуз (ҳолдир). Мишжон — бу тош ўғир. У оқар сув устига чархпалак орқали ўрнатилган бўлади. У ўғир дастасига уланган. Чархпалак орқали сувда ғўла айланади. Мишжон ғўлага кўндаланг боғланган бўлади. Самарқандда қинноб (каноп) толасини¹⁰ қоғоз тайёрлаш учун шу усулда янчилади.

Олтин рудаси туйилган ё майдаланганда унинг олтинини ювиб ажратиб оладилар, сўнг олтинни симоб ёрдамида тўплайдилар. Шундан кейин уни тери бўлагига ўраб сиқадилар. Шунда симоб теридан сизиб чиқиб кетади. Қолиб кетган симоб эса оловда буғлантириш орқали чиқариб ташланади. Тозаланган олтинни симобий олтин дейдилар. Тўла мусаффолик даражасига етказилган олтин текширув тошида ҳеч қандай из қолдирмайди. Менинг тажрибамда шундай бўлган. Кўп марта қиздириб эритганимда, олтин тошга деярли юқмади. Олтиннинг уни эритилаётган кўрадан кўтариб олинаётган пайтда босқон дами тўхташи биланоқ қота бошлайди. Тахмин қилмоқ мумкинки, олтиннинг суюқ (мустафшор) деб аталмоғи унинг юмшоқлиги туфайлидир. Форслар ҳукмрон бўлган даврда ҳокимият халққа олтинга эга бўлмоқни тақиқлаган. Олтин шоҳларнинг хусусий мулки бўлган.

Зур Руммонинг сўзларида шунга нисбат бор:

*Уларнинг териси худди зарҳаллангандай
Устидан тиниқ олтин ила қопланган.*

«Тиниқ» сувнинг белгиларидан бири. Аммо шоир «зарҳалланган» сўзини ишлатмоқдаки, унинг асоси сувга боғлиқ. Шунинг учун ўхшатиш нарсани ҳам сув сифатлари орқали бермоқда. Шаффоф тиниқ сув энг соф ва энг муборак нарса. Шу билан шоир сувнинг энг яхши сифатини олтинга нисбатан ишлатмоқда.

Худди шуни, юқорида айтилганидек, Абу Зуайб сўзларида ҳам кўрамиз:

Фрот доимо унинг устидан тўлқинлари мавжланиб оқади.

Убайдуллоҳ ибн Қайс ар-Руқаййот деган:

*Уларнинг орқалари доим қуёш нурида,
Ё эриган олтин суви билан қопланган каби.*

Олтин бу ерда улуғлаш мақсадида келтирилмоқда. Аммо олтин, кумуш ва мис эритилганда олов тафтида қизиллик касб этадилар.

Хинд бинт Уътба¹¹ дейди:

*Кимнинг келиб чиқиши номаълумдир
Мен эса — олтин суви (зарҳал) фарзандиман.*

Ҳамза дейдики, сиба¹² — эритилган олтин ғўлиндир. Шоҳлар уларни қўлларида айлантириб ўйнамоқни ёқтирганлар. Бу худди ҳозир лаҳлаҳа¹³ ғўлинларини айлантирмоқни ёқтиришларига ўхшайди. Уларни кафтларида сиққанларида бармоқлар орасидан чиқадиган шарбат сингари олтин сизиб чиқади.

Мустафшор¹⁴ сўзи шароб демақдир. Уни оддий халқ, авом учун оёқ билан эзиб тайёрлайдилар. Аммо юқорида айтиб ўтилган қўл билан эзиш йўли билан олинадиган суюқ олтин масаласи ақл бовар қилмас ҳолдирки, ҳақиқатдан йироқ. Омочнинг икки темири орасида болға билан эзганда ҳатто темир ҳам оқиб кетмоғи мумкинку ахир! Ўзининг ёлғон гапига озгина бўлсада, ҳақиқатомуз тус бермоқ учун Ҳамза уни юмшоқ қоришма каби таъриф қилади.

Эриган олтин деб алкимёгарлар шиша идишда сақланадиган, олтинга ўхшаш рангини йўқотган титраб турган илиқ сувни атайдилар. Қолган сарғиш ранги эса маргимушга ўхшашдир. Бунга яхудийларнинг «Шоҳлар китоби» номли ёзилган гап мисол бўла олади. Унда айтилишича, Тир подшоси Ҳиромнинг¹³ Сулаймон (а. с.)га юборган совғалари орасида совутлар, қалқонлар ва бўёқ қилиб ишлатиладиган суюқ олтин бўлган эмиш. Бу гапни мисолга келтириш-ку осондир, лекин бемаънилик саҳродами, чўлдами, барибир, бемаънилигича қолаверади.

Абу Нувосми ёки Ибн ал-Муътаззми, иш қилиб икковидан бири ўз сўзларини шу ғалат мисолдан олишган бўлса ажаб эмас:

*Унинг учун қаттиқ олтинни (тарозида) тортиб бердик.
У эса бизга суюқ олтин қайтарди.*

Олтин иплар, бу тўғрида қуйида айтиб ўтамиз, олтиннинг кўпроқ оқувчан эканлигидан далолат берадилар. Улар орқали олтиннинг оқувчанлиги моҳиятини аниқлаш мумкин. Кимдир айтган эдики, у бир савдогарда табиий мум ҳолатидаги олтинни кўрган экан. (Бу мум) шамдан оқаётганга ўхшаш бўлган экан.

Абу Саъид ибн Дўст ёзган:

Наҳотки, соф олтин учун уни бозор тарозисида тортмоқ муносиб бўлмаса? (Яъни соф олтин нима билан ўлчанишидан қатъий назар қадри пасайиб қолмайди, дейилмоқчи. — М. И.)

Олтинни бирор бошқа нарса билан мувозанатда тутсалар, олтин у билан ҳажман бир хил бўлмаслиги мумкин. Бозор тарозиларининг тошлари эса темирдан бўлиб, олтиннинг ҳажм нисбати темир билан бир хилда 151 га 63 дир¹⁶. Сен бунга ишонмоғинг мумкин, агар тарозининг паллалари бир хил ҳажмда, вазнда ва бир хил материалдан ясалган бўлсалар. Сўнгра уларга олтин ва бошқа нарсани тўлдириб баравар миқдорда қўйилса, шундан кейин иккала палланинг ичидаги юки билан сувга солинса, сувга тў-

лиқ чўктиргандан сўнг тортиб олинса, шунда олтин солинган палла оғирроқ чиқади. Чунки унга бошқа палладагидан кўра кўпроқ сув кирган бўлади.

Яна Оллоҳ яхшироқ билгувчидир.

ОЛТИН ВА УНИНГ КОНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИКОЯЛАР

Қандаҳорнинг маркази Вайхинд¹⁷ яқинидан оқиб ўтувчи Синд дарёси, ҳинд халқи ўртасида олтин дарё номи билан машҳур. Баъзилар шунинг учун унинг сувини мақтамайдилар. Бошланиш жойларида (бу дарёни) Мўх¹⁸ деб атаганлар, кейинчалик бир оқимга бирлашгач, Кришн¹⁹, яъни Қора дейилган. Сувининг тозалиги ҳамда чуқурлиги туфайли қорамтир зангори кўриниши сабабли шундай дейилган. (Бу дарё) Кашмирдаги Шамил²⁰ санами ўрнатилган жой қаршисига етиб, Булул²¹ вилояти сари оқа бошлаган еридан бошлаб, Синд деган ном олади. Синднинг юқори оқимидаги ирмоқларида шундай жойлар борки, одамлар дарё тубини қазиб чуқурлар қилиб кўядилар. Дарё суви чуқурлар устидан оқиб ўтгани сари йил давомида уларда олтин билан тўйинган симоб йиғилиб қолаверади. Симоб олтинни шимиб олган бўлади. Чунки сув тез оқади, у ўзи билан олтин қумларини олиб келади, улар чивин қанотига ўхшаш нозик олтин зарраларидир. Уларни симоб устидан сув олиб ўтаётганида, симоб олтинни ушлаб қолади, қумни эса сув оқизиб кетаверади²².

Шар-гўр²³ тўғрисида ҳикоя қиладиларки, у ерда шундай бир булоқ бор эмиш. У шахсан хонга қарашли бўлиб, ҳеч ким унга яқинлаша олмас экан. Ҳар йили (хон) уни тозалатиб, кўп миқдода олтин олар экан., албатта, бу шундай булоқдирки, Синд дарёси тўғрисида айтганимиз сингари бўлса керак. Хоннинг одамлари шундай йўлини топган эканларки, белгиланган ерда олтин чўкиб қолар экан, сув олтинни у ердан олиб ўтиб кетолмас экан.

Хутталон яқинидан ўтганда Жайхун дарёсида ҳам унинг сувидаги олтинни олишда шу каби усулдан фодаланишади. Чунки бу ер дарёнинг манбаига яқин. Сув эса юқоридан тез оқим билан тушиб келади. Текисликка яқинлашганда сув ўз кучини йўқотиб, олтинни олдинга олиб кета олмайди. Натижада олтин чўқади. Уни қум ва лойқа билан дарё тубидан олиб чиқиб, ювиш йўли билан ажратиб оладилар, сўнгра эса босим ва олов ёрдамида уни симоб билан қопланган ғўлинлар ҳолига келтирадилар.

Ўзи гувоҳ бўлган киши менга айтиб берган эдики, Хутталон тоғларида бир қишлоқ бор экан. У ҳар қандай тирикчиликка керакли неъматлардан ва озуқалардан маҳрум экан. Бу ердаги аҳоли баҳор ёмғирларини кутар, ёмғирлар кучли бўлиб, сел олиб келар экан. Ёғинлар ўтиб кетиб тинчигандан сўнг одамлар турли асбоблар билан чиқиб, оқим ўтган жойларни ағдарар эканлар. Лойқаларни олиб ташлаб, олтин топар эканлар. Бу олтин тухум пўчоғининг бўлаклари сингари ёки заргарларнинг асбобларига илашган ипларга ўхшаш бўлар экан. Одамлар уларни йиғиб олиб озик-овқатлар, ўзларига керакли бошқа нарсаларни сотиб олар эканлар. Агар шундай бўлмаса, у ерларга ҳеч ким бормас, агар олтин бўлмаганида улар бу ерларда яшай ҳам олмас эканлар. Яна Оллоҳ ўзи яратганларнинг ишини қандай уюштиришни яхшироқ билади.

Зарубонда узунлиги бир неча тирсак, жуда ҳам ингичка олтин ип топганлар. У худди асбоб ёрдамида оёқ кийимлари — сандал, туфли, башмоқларга нақш гул солиш учун

тайёрлаб қўйилганга ўхшар эди. Кашмирли ҳиндлар ҳикоя қиладиларки, Дардар²⁴ деган мамлакатда, у ернинг халқини бахтоварон дейилади, турклар томонидан уларга қўшнидирлар, гоҳо далаларда худди мол туёғининг изига ўхшаш (чуқурчалар) пайдо бўлар экан. Ўшалардан паст баҳоли олтиннинг юпқа парчалари топилар экан. Одамлар буни Махадева²⁵ хўкизларининг изи дейишар экан. Махадева фаришталарнинг шоҳи бўлиб, у ер эгасининг молига уларни совға қилар эмиш. Албатта, бундай парчалар оз ва улар бу ерда тупроққа қоришиб кетган, атайлаб қидирилганда ҳам уларни топиш имкони йўқ. Чунки улар жуда оз. Фақат аҳёнда бир улардан биронтасига қандайдир туёқли ҳайвон ўтлов ёки ер ҳайдаш вақтида кимнингдир оёғи тойиб тушиб кетса, ўшандагина у тасодифан учраши мумкин бўлар экан. Гарчи бу жуда оз бўлса-да, майда зарралар йиғилиб, бутун бир нарса юзага келиши мумкин.

Зарубонда бармоқнинг учидек бир кичик тош топибдилар. Кўриниши бели ингичка иккиёқлама ноғорага ўхшар экан. Унинг олтин белбоғи худди раққосалар оёғига тақадиган узукка ўхшар эмиш. Яна бир бошқа тош ҳам топилган, узунчоқ, худди зумрад найча сингари, узунасига тешикли, унда озгина ипнамо олтин бўлган. Шикинон томонда бир тоғдаги ғордан, Жайхун дарёси ирмоқларидан бирида тароқсимон бир нарса топилган. У олтиндан эди, вазни ўн тўрт ратл. Дейдиларки, Шоҳ Ваҳондаги бир водийда олтин парча топганлар, вазни олтмиш ратл бўлган.

Бир олтин қидирувчи Рошт²⁶ дараларидаги ғорлардан бирида вазни саксон ратл бўлган олтин топган. Вилоят бошлиғи бу олтин парчани ундан олмоқчи бўлибди, аммо бу ишни у уддалай олмабди. Уни олмоқ учун бор пули ва нарсаларини сарфлабди. Уни олгач, мақтанмоқ мақсадида бу олтин парчани саройининг ўртасида занжир билан боғлаб ўрнатиб қўйибди.

Саршинак ва Зарубон конларида томонлари бир тирсакдан бўлган катта бир олтин парчаси топилган. Уни кондан ўн кундан ортиқроқ вақт ичида чиқариб олишган. Чунки томонлари бир тирсак бўлган куб, агар у сувли бўлса, тахминий ҳисобларга кўра вазни олти минг ратлга, олтин вазнининг ўн тўққиздан бирига тенг бўлган бўлар эди.

Бир маҳал яҳудийлар Зарубоннинг Сангзариз деган ерида ерга тикка ўрнатилгандек катта олтин бўлагини топганлар. Унинг тубига деярли ўн тирсаккача чуқур кавлабгина ета олганлар. Муҳаб²⁷ мамлакатдаги конларда шундай олтин томирлар топилганки, ковлаган сари улар ё қалинлашиб, ё юпқалашиб борадилар. Агар улар яхлит бўлсалар шундай бўлади. Агар юпқаланадиган томонга ковланса бир нуқтага олиб келадик, олтиннинг изи йўқолади ёки тугайди. Йўғонлашадиган томони эса олтин манбаига етмоққа умид пайдо қилади. Агар томир бўлиниб кетса, ё унинг шохчалари ортади ё камаяди. Иш худди яхлит бўлақлардаги сингари бўлади. Айтилган манбага келсак, дейдиларки, у тегирмон тошига ўхшаш, ё ундан каттароқ, ё кичикроқ ва ундан ўсиб чиққан томирлар худди Қуёшнинг нурлари каби ҳар томонга сочилиб туради.

Ўша кондан Миср ва Мағриб ҳукмрони Убайдуллоҳ, уни ал-Маҳдий²⁸ ҳам дейдилар, тегирмон тоши сингари, лекин тўрт бурчак ясси олтин ёмбисини олган. Барқа²⁹ ортида денгиз қирғоғида Убайдуллоҳ Ал-Маҳдия шаҳрини қурган пайтида шу катта олтин ёмбисини эшик олдидаги йўлакка жойлаштирган. Ёвуз ниятли киши унинг бирор парчасини ўғирлай олмасин, деб шундай қилган. Яна уни сақламоқ учун қисқа муддатга

соқчи ҳам қўйган, хавф ва қўрқинч тўғрисида айтиб ўтишнинг ҳожати ҳам йўқ. Шундай бўлмаса, у билан баж қабиласи мамлакатадаги кон ўртасида бу ердаги қўрқинч ва у ердаги хавфсизлик бир-биридан фарқ қилмаган бўларди. Қўрқув бўлмаса эди ёмбини аллақачон йўқ қилар эдилар. Ҳатто, уни қилич тиғи ва найза учи сингари ўткир бўлганда ҳам тиллари билан ялаб бўлса ҳам тугатган бўлардилар.

Шунга ўхшаб Рожа ал-Маҳо³⁰ — Зобаж шоҳи — бу сўзнинг маъноси шоҳаншоҳ ёки улар орасидаги энг буюги (демакдир), ўз даромадини олтин³¹ ёмбиларига айлантлар ва уларни оролдаги кўлга ташлар эди. Кўлда тимсоҳлар сузиб юрар эдилар. Шоҳга агар бир қисм олтин керак бўлса, унинг одамлари шовқин-сурон кўтариб, тимсоҳларни ҳайдардилар. Кўлдан тимсоҳлар кетгач, керак олтинни олардилар. Олтин ёмбилари у ерда беҳавф ётар эди. Чунки ҳеч ким уни ўғирлай олмас эди. Кимки ўғирламоқчи бўлса, кўп одамни йиғиб шовқин-сурон кўтармоғи керак бўларди. Натижада ўғрининг нияти ошкор бўлиб қолар эди.

Софалат аз-Занжда фавқулудда тиниқ ва қизил рангли олтин бўлган. У Мағриб ерида яшайдиган қора танлиларнинг маржонлари сингари юмалоқ шаклда бўлар экан. Юқорида айтиб ўтилганидек, маълум муддатларда саҳроларда шундай тентираб юрвчи одамлар бўлади. Ўшандай юмалоқ олтинларни шулар келтирар эканлар. Агар киши озуқани ўзи билан олиб юрмаса, бу анча қийин. Чунки озиқ-овқат етиштириладиган жойлар у ердан узоқда.

Бунга яна баъзи сафсата миш-мишларни ҳам қўшамиз.

Масалан, Забаж ва Занж денгиз савдогарларининг³² савдо қоидаларидан бири шундайки, улар келишув масаласида бу ернинг одамларига ишонмайдилар. Уларнинг бошлиқлари ва мўътабар одамлари савдогарлар хузурига келиб ўзларини гаровга қўядилар, ҳатто занжирбанд бўлмоққа розилик берадилар. Шунда уларнинг одамларига (савдогарлар) керакли товарларни берадилар. Энди улар бу товарларни ўз ерларига элтиб бўлиб олмоқлари мумкин. Шундан сўнг улар олтин қидириб саҳрога чиқиб кетадилар. Ҳар бири келишувга кўра ўзига тушган умумий тўловдан маълум миқдордагина топмоғи керак. Улар топадиган олтиннинг шакли мева данаги сингари ёки унга ўхшаш бўлмоғи лозим. Улар шуларни (топиб) кемаларига келадилар ва топганларини гаровдагиларга берадилар. Улар эса савдогарларга топширадилар. Шундан кейин гаровдагилар озод қилинади, уларга совғалар бериб қўйиб юборадилар. Савдогарлар бу олтинларни ювиб, ҳар эҳтимолга қарши оловда қиздириб (сақлайдилар). Чунки дейдиларки, бир савдогар шундай олтинни олгач, оғзига солиб кўрган ва ўша заҳоти ўлган. Бирор билмаган нарсанг билан иш қилсанг ёки шубҳалансанг эҳтиёт даркор.

Денгизчилар ўртасида шундай одат борки, агар кема ҳалокатга учрасаю, улар қирғоққа чиқиб олсалар бу ерда нимани емоқ мумкинлигини билмайдилар. Шунда улар маймунларни кузатиб турадилар ва улар нимани есалар, шуни ейдилар. Чунки буларнинг организми ва ташқи қиёфаси бир-бирига яқиндир. Худди шундай савдо (савдогарлар) кемасига келувчи оролда яшовчилар билан ҳам бўлади. Улар ё қайиқларда, ё (ўзлари) сузиб келадилар. Ҳар бир савдогар келганларга ўзида алмаштирув учун бор нарсани узоқдан кўрсатади. То ўзаро келишиб олгунгача шундай қиладилар. Сўнг савдогарлар ўз нарсаларини тарози палласига ўхшаш идишга солиб уни келганларнинг

қўли етмайдиган даражагача туширадилар, матрослар эса ўз ёғочларини қўлда тутганча уларни кузатиб турадилар. Сўнг келган иккинчи паллани узатилади ва улар бу паллага ўзларида бор нарсани соладилар, шундан кейин (биринчи паллани) юқорига, иккинчисини эса пастга туширадилар. Шундай қилиб ҳар бири унга керакли нарсани олади. Бу овлаш чоғида овланган нарсани олувга ўхшаб кетади.

Агар савдогарлар бепарво бўлгудек бўлсалар, келганлар уларга узатилган нарсанинг ҳаммасини талаб оладиларда (қочадилар), савдогарлар эса на уларни, на қайиқларини қувлаб ета олмайдилар. Бу бир бадавий билан бўлган воқеани эслатади. У зиёратчиларга бир кийикни сотмоққа олиб келган. Улар кийикни сотиб олиб ҳақини тўлаганлар. Сўнг ундан кийикни қандай тутиб олганини сўраганлар. «Чопиб бориб тутганман», — деди у. Унга ишонмадилар. Шунда у деди: «Мендан иккинчи бор сотиб олингиз ва қўйиб юборинг, мен яна қайтариб олиб келаман». Шундай қилдилар. Кийик қочиб кетаётганда бадавий унинг кетидан югурди. Улар қараб турардилар. Бадавий кийикни қувиб етди ва тутиб келтирди ва уларга берди. Иккинчи баҳосини ҳам олди.

Улар кийикни пиширмоқ учун ўчоқ қаздилар. Пишириб бўлгач, уни йўл қописга солиб идиш билан бирга қўйдилар. Бадавий қопнинг арқонини ўзига тортди, қоп ёпилди. Шунда у қопни олиб қочди. Сал нарироқда у тўхтади ва деди: «Эй, шавкатли одамлар! Бу кийик тириклигида икки марта мендан қочиб қутула олмаган эди. Энди сўйилган ва қовурилган ҳолда қандай қилиб мендан қутула олсин. Сизлар бойсизлар. Худо бойлигингизни янада кўпайтирсин. Менинг оилам оч ўлтирибди, менинг бирор нарса келтирмоғимни кутмоқда. Мана сиз уларга зиёфат юбормоқдасиз. Оллоҳ садақангизни қабул этиб, сизга кўп яхшилиқлар ато этсин». Сўнг у секин жўнаб қолди. У куйлаб борар, худди уларнинг устидан кулгандай кетар эди.

Айтиб ўтганларимизга бошқа воқеаларни ҳам яна қўшмоқ мумкин, масалан, ўша саҳроларда маржонсимон олтинларнинг пайдо бўлиши. Уларни фақат Қуёш чиқаётганда тонг нурларининг уларни ярқиратганида топмоқ мумкин. Бутун ас-Судандаги ерлар ва саҳролардаги олтинлар худди, Миср денгиз бўлиб, сўнг сув остидан кўтарилгани сингари секин-аста кўтарилган, Ой ва Жанубий тоғлардан³³ бу ерга тушган оқимларда келиб чўкканлар. Бу тоғлар олтинли бўлганлар. Сув йирик олтин парчаларини, ёмбиларни зўр куч билан олиб келади. (Бу олтинлар) маржонсимон. Шунинг учун Нил дарёси бўйларини «Олтин ер» дейдилар. Олтинларни фақат Қуёш чиққанда топишга келсак, бунинг сабаби куннинг бошқа вақти кучли иссиқ бўлишидадир. Чунки, тун қоронғуси излашга халал беради. Кундузги зўр равшанлик ҳам. Чунки шунда иссиқ келади. Шунинг учун тонгдан бошқа вақт қолмайди. Чунки туннинг охирида жуда совуқ бўлади. Куннинг бошланиши эса бунинг сўнгидир. Унда ҳали иссиқ кучли бўлмайди. Соф олтиннинг Қуёш нурлари остида ярқираб туриши ажабланарли эмас, айниқса, у шабнамдан кейин бўлса. Шунинг учун қадимий шаҳарлар вайроналарида хазина изловчилар у ёққа, ёмғир ёғиб ўтгандан кейин борадилар.

Робиъа ибн Макрум ад-Даббий³⁴ деган:

*Қабиланинг зотдор туяси — худди ёмғирли тонгда
Олтин изловчи тераётган соф олтин сингаридир.*

Олтин термоқнинг мажбуриятига келсак, улар олинган товар баҳосига мос бўлмоғи керак. Билгинки, Эй Умм Амр³⁵ бу шунчалар олтиннинг кўплигини исботлайди. Шунча олтин ҳар қандай ҳолатда ҳам уни керагича олмоққа имкон беради. Шунинг учун олтиннинг етишмаслиги, топишнинг мураккаблиги (йўқ), захира йиғиш ва хазина тўп-лашнинг зарурати ҳам йўқ. (Бу одамлар) шунчалар очиқ кўнгилдирларки, уларга эр-танги кун ташвишини чекмоқ умуман ёт. Занж одами ёлғиз бемалол яшамоққа эришса, унда кокос ёнғоғи шарбати бўлади, уни ичиб кайф қилади. Сўнг у умуман дунё билан ҳеч иши бўлмайди, у ўйлайдики, унга ҳамма нарса насиб бўлган, бўлмагани умуман йўқ.

Ўша қора танлилар ерида конлар бор. Бошқа мамлакатларда бундай мўл-кўл тоза ол-тин етказиб берувчи конлар йўқ. Лекин у ерларга етиб бормоқ сахро ва қумлар туфай-ли мушкул. Яна у ерда яшовчилар бизнинг одамларимиз билан алоқа қилмоқдан торти-надилар. Шунинг учун савдогарлар Тохирт³⁷ чегарасига яқин жойдаги Сижилмосдан³⁶ бошлаб, бу ерлар Мағриб ерининг энг чеккасида жойлашган, йўлга кўп озуқа ва сув оладилар. Ўша сахролар ортида яшовчи қоратанлиларга бажбажий деб аталадиган ба-срий кийимларини етказадилар. Чунки ўшалар бунга жуда ихлосмандлар. Бу кийим-ларнинг чети қизил, турли ранглар билан безалган ва олтин иплар билан тикилган. Қоратанлилар савдогарлар билан олтинга савдо битимлари тузадилар. Улар узоқдан белгилар ва товарни кўрсатув орқали ўзаро келишиб оладилар. Тилни билмаганлари ва оқ одамлардан ғоят кўрққанлари учун шундай қиладилар. Бу кўрқув худди ҳайвон-ларнинг йиртқич ҳайвонлардан кўрқувига ўхшайди. Улар бошқа ҳеч нарсани истамай-дилар. Уларга фақат шу кийимларгина керак. Ўшанинг учун улар оламон бўлиб ёприлиб келадилар.

Бундай конлар Мағрибдаги Зувайла³⁸ ва бошқа ички вилоятлар орасида жойлашган-лар. Баж ерлари Нил билан Қулзум денгизи ўртасидаги ерлардагидек сув ётқизиқлари ва сув қирғоқлари каби олтин конларига бойдирлар. Асуандан ўн кунликдан ортиқ йўл-даги масофаларда (худди) шундай. Бу тўғрида «Иқлимлар шакллари» («Ашкол ал-ақо-лим») китобида ёзилган.

Баъзи конлар то Айзоб қалъасигача³⁹ ва ундан нарида ҳам бор. Улар ҳабашларники. Аълоқо тоғи⁴⁰ жойлашган текисликдаги қум ва майда тошлар орасида олтин кавловчи одамлар тўдасини шундай деб аталади. Ундан тушган даромад Мисрга боради.

Зарубон гуллаб яшнаган пайтларда тоғлар ва тепаликларда уйдек келадиган кенг бўшлиқлар бўлган. Уларни *аҳарот* ёки аворий деганлар. (Бу жойлар) олтин бўлаклари билан тўлиб-тошган эдилар. Улар ясси олтинлар эди. Бу жойлар худди олтин изловчи-лар учун тайёрлаб қўйилган хазина сингари эдилар. Кимки, уларни топа олса бир умр-лик бойликка эга бўларди.

КУМУШ — ФИДДА

Румийчасига у аржус (аргирос)¹, сурёний тилида сиймо², форсчада сийм³, туркчада кумуш, ҳиндчада руб⁴ дейилади.

Ҳамза дейдики, форсча *сим*, *сām* деб арабчалаштирилган. *Сām* дегани тоғдаги олтин ва кумуш томирларидир. Лекин бу сўз олтин томирларига кўпроқ ишлатилади. *Само-*

на — форсча сўз, у кон эгаларининг касбий тилида соф кумушга хосликни билдиради. Кондаги кумуш гоҳо катталиги тиз чўккан туядек бўлади. Бундай топилма кон эгасини бойитиб юборади. Уларнинг тилида бундай мақол бор: «Фалончи туя топган». Бу ҳаддан ташқари такаббур бўлган одамга нисбатан ҳам айтилади. Бундай топилмалар камдан-кам ва тасодифан учрайди.

Кумушнинг арабча оти *лужайн* ва *сарифдир*. Бизнингча, сайрафий (сарроф) сўнги сўздан келиб чиққан. Чунки саррофнинг вазифаси алоҳида танга хилларининг фарқи ва нархига риоя қилган ҳолда олтин ва кумуш пулларга айрибошлашдир. Кумушни яна *савлаж* ҳам дейдилар. Бу сўз унга сифат ҳамдир ва унинг қимматини билдирар эмиш. Чунки соф кумушни *фидда савлаж* ва *савлажа*⁵ дейилади. Бу ифоданинг бири-муаннас, иккинчиси-музаккар. Унинг бир неча номлари орасида ғараб ёки ғариб (яширин) деган сўз ҳам ишлатилади. Чунки у конларда яширин бўлади. Лекин бу *яширинлик* сўзи фақат кумушга хос ном эмас. У ер остидаги барча қимматбаҳо тошлар ва маъданлар конларига нисбатан умумий маънода ҳам қўлланилади. Ҳатто олтинни ҳам *ғараб* дейдилар.

Ал-Аъшо деган:

*Ёрқин ва тоза шаробни соқийлар қуйганларида
Уни ғараб ва нударларда узатадилар.*

Нудор — бу олтин. Аммо шеърда «ғараб» сўзи ҳам олтин маъносида бўлса, «олтин ва ё олтин»да май узатдилар дейиш номақбул. Шунинг учун уни «олтин ва кумуш» деб тушунмоқ лозим. Ўшанда *ғараб* кумушни англатади. Аммо дейдиларки, бу ҳар иккала сўз май идиши ясаладиган дарахтни ҳам билдирар экан.

Абу Нувос деган: Ичувчилар учун етарли ичимликлар бор эди. Уларни бизга *лужайн* ва *ғарабда* беришди. Бу ерда ҳам «олтин ва кумуш» демоқ ярашмайди. Бу ерда ҳам, ҳар иккала шеърда ҳам *ғараб* сўзининг маъноси ёғочдан ясалган қадахга кўпроқ тўғри келади. Ўша қадахда ичганлар. Ёғоч ва олтин моҳият жиҳатидан қарама-қарши тушунчалардир. Ёғочдан ясалган олтиндан ясалганга нисбатан катталиги ва ҳажми билан фарқ қилади. Худди шоир айтганидек, катта ва кичик деганда *кичик* олтин, катта *ёғоч* идишни англатади. Яъни «биз олтин ва кумуш қадахларда ичдик, яна катта ва кичик ёғоч жомларда ҳам ичдик», — дейилмоқчи.

Қадимий бир шоир бундай деган:

*Биз халифа ва вазирнинг буйруғини бажариб
Катта ва кичик(жомларда) ичганмиз.*

Мунаҳхил⁶ эса бундай деган:

*Мана мен шароб ичдим
Катта ва кичик жомларда.*

Булар бизнинг айтганларимизни тасдиқлаб турибди.

Яна дейдиларки, «кичик» дегани дирҳамни, «катта» эса динорни англатади. Яна дейдиларки, бу урғочи ва эркак, от ва туя маъносида ҳам ишлатилади. Исбот учун шеърлар келтирадилар:

*Мен байталларда ҳам ичдим
Энг яхши айғирларда ҳам.*

Амалда, эҳтимол, шеърлар (тўппа-тўғри) ўша отлар устида ўлтириб ичмоқ лаззатини билдирар. Лекин улар яна шаробларни сотиб олишда уларнинг баҳосини ҳам билдирмоғи мумкин. Кумушнинг энг маълум номи — фидда. У Куръонда тилга олинган⁷.... Хусусан, Оллоҳ таолонинг сўзларида: «... улар олтин ва кумушларни кон (махфий хазина) қилиб олиб..., уларни Оллоҳ йўлида сарф қилмайдиганлар», дейилган. Яна Куръони Каримда «Биллур бўлганда ҳам кумушдан, (уларни соқийлар) ўлчаб қўйганлар)», — деган сўзлар келган⁸.

Кумушнинг фидда дейилмоғига сабаб шуки, ундан тамғани кўчириб олинганда ҳақиқий кумуш синади (инфидод), синган жойи эса зарарли таъсирга учрайди ва майдаланиб кетади.

Абул Фазл ал-Арузий ас-Саффор⁹ бундай деган:

*Қимматли эканлигидан муборак кумушни
Оллоҳ тошларнинг юрагига жойлади.
Охири олов уни минг қийинликлар ва
зўр беришлар натижасида (ажратиб) олгач,
Тақдир уни тубан кулга топширди, бу кул
тошдан қўра минг ҳисса қаттиқроқдир.*

Зарубон яқинидаги Вастона қишлоғида қачонлардир кумуш билан уланган темир топган эдилар. Лекин у темирга қовушиб кетмаган, ундан кўчириллар ва қиздиришсиз ажралар эди. Ўша ерда темир конида соф кумуш парчаси ҳам топилган. У яширинча бўлак-бўлак қилиб парчалаб тақсимланган. Аммо бу тўғрида хабар берилган ва кумуш уни тақсимлаб олганлардан тортиб олинган.

Кумушнинг қиёслаш ўқиға, яъни олтинга нисбатан салмоғи 54 ва $1/8^{10}$. Кумуш турли тасодифий сабабларга кўра олтингугурт билан эритиб қўшилса, уни тиклаш (бундай бўлади): Кумуш эриганда унга қаттиқ занглаб кетган темир қипиғи ташланади. Агар кумушга бирор нарса қўшилган бўлса, у ҳолда куйинди ва қоралик темир қипиғига ёпишиб ажралади. Уларнинг вазни ҳисобига кумушнинг салмоғи камаяди.

Оллоҳ ютуқларга етказувчидир.

МИС — НУҲОС

Румийчасига уни ҳалку (халкос)¹. Суриячасига нухосо, арабчасига нухос², мис ва қитр дейдилар.

Оллоҳ таоло деган: (Куръон: 55-сура, 35-оят) «(У кунда) устингизга (кофирларингиз узра) оловдан иборат бир аланга³ ва тутун юборарки, сизлар (унга қарши) чора топа олмассиз».

Дейдиларки, бу ерда Нуҳос сўзи «тутун»дир. Бунинг исботига Оллоҳнинг сўзи келтирилади: «осмонни аниқ тутун⁴ қоплайди».

Яна дейдиларки, бу сўз мисни англатади. У метал. «Бас, қачонки (қиёмат қойим бўлгач), осмонлар ёрилиб хароратидан жаҳон ёғнинг дурдаси каби бўлур⁵ (қизариб қотур)» (Қуръон: 55-сура, 37-оят) — дейилганда оқиб чиқаётган эритилган мис кўзда тутилган. Чунки мис (нуҳос) темирнинг тўйинтирувчисидир. Шуни билган Зулқарнайн деди: «Менга темир парчаларини келтирингиз». У икки томонни қиёслаб деди: «Ҳаво пурканг». У бунинг оловга айлантиргач, деган: «Менга келтиринг, уларга қитр⁶ қуяман». Аммо дейдиларки, қитр — қалайдир. Лекин қалай темир билан қўшилиб эримади. Фақат унинг юзасинигина қоплайди. Оллоҳ (Қуръон: 14-сура, 51-оят) «Уларнинг кийимлари қитрондан» деганида⁷, агар бу сўз исм бўлса, ундан нефть англашилади. Уни олов тезда қоплайди. Агарда бу сўз ҳам от, ҳам сифат бўлса, бу эритилган мис демақдир.

«Мис» сўзига келсак, у Эрон ва Хуросонда яшовчилар ўртасида бир хил равишда ишлатилади. Уларда кумқума кўза мисина дейилади. Чунки у мисдан қилинади ва шу билан ажралиб туради. Яна мисдан ясалган ҳар бир нарса шундай аталаверади. Форсчада мис рўй⁸ дейилади. Лекин мис сўзи кенг қўлланила бошлагач, рўй сўзи миснинг ё қалай ё кўрғошин билан аралаштирилган эритмасини билдира бошлади. Унинг бир хили эса «Қора мис» номи билан маълум. У дона-дона ёки синиқ парчалардан (иборат). Унинг қизил рангида оқдан то қорагача товланишлар бор. Ундан шибҳ (латунь) тайёрланади. Унинг ўзи алоҳида бўлган кони йўқ, дейдилар.

У эритиш вақтида босқонда ҳаво пуркаш йўли билан қизил мисдан олинади.

Миснинг турларидан бири мис қалайи дейилади, яъни жилоланган мис. У Хуросонга Ҳиндистондан олиб келинади. У жуда юмшоқ, куйдирилганида анча заиф қораланади. Уни кумушга қўшилса, уни қотирмайди, чунки унда олтин бор, дейдилар.

Зарубонда бир кон бор. У *Нови каждум* номи билан машҳур (чаёнлар хандақи, уяси). Чунки унда заҳарли чаёнлар кўп бўлади.

Гоҳо бу ерда соф ҳолдаги олтин ҳам бўлади, гоҳо эса мис билан аралашгани учрайди. Гоҳо ҳар иккала метал алоҳида-алоҳида ҳам бўлади. Ана шундай мис ҳам олтинсиз бўлмайди. Эритиш йўли билан ҳар бир ман мисдан бир доник олтин оладилар. Лекин агар унинг нархи паст бўлиб, фойда келтирмаса, уни ташлаб юборадилар ва бу иш билан шуғулланмай қўядилар. Унда сақланиб қолган олтинли миснинг бошқалардан ҳеч қандай афзаллиги йўқ. Илгарилар темир бир хил ерларда бўлмаган ёки кам учраган, ўшанда унинг ўрнини мис эгаллар эди. Ғуз ерларида топиладиган ўқларнинг мис учлари, болаларнинг бўйнига осиладиган туморлар, яна Табаристонда ер остидан топиладиган пайконлар ё найзалар шундан гувоҳлик беради. Афсонагўйлар, шундай топилмалар бахт келтирадилар, деб ишонадилар ва пайконлар ва найза учлари яшин⁹ орқали осмондан юборилган, деб ҳисоблайдилар. Бунга исбот учун Оллоҳ сўзини келтирадилар: «Сизларга тутунсиз ва бенуқсон олов юборилади ва сиз (ундан қутулишга) чора топа олмайсиз».

Пайғамбар Самовил¹⁰ (Исмоил)нинг китобида — Унга тинчлик бўлсин — Фаластинли Ғолийаз¹¹ (Жалут, Голиаф)нинг қуроллари таърифи келтирилган, улар ҳаммаси мис, улар орасида темирнинг борлиги умуман айтилмаган.

Замонамизнинг зайли билан гитрифий тангаларининг¹² баҳоси кумуш дирҳамларга бараварлиги, гоҳо эса ҳатто улар қадри баландроқ бўлиши маълум. Ваҳоланки, гитрифий тангалари — кумушга мис аралашмасидан бошқа нарса эмас.

Абу Саъид ибн Дўст деган:

*Мен Қобус жангчиларида қон кўрдим,
У хотинлардаги ойлик ё туққандан сўнгги тозаланишга ўхшаш.
Ўйлайманки, юлдузлар уларга ёвуз толеъни фол очганлар,
Чунки уларнинг дирҳами мис аралашмаси-ла зарб этилган.*

Бизга айтиб берган эдиларки, Зарубондаги *Нови нав* конидан руда теридан қилинган дастурхонларга тугилган ҳолда тортиб чиқарилган ва тозаланганда ундан олтин, кумуш ва мис ажралади. Улар ҳар бири ўз баҳосига муносиб бўладилар.

Бундай нисбат уларнинг алмашинув нархлари учун табиий ва ҳар бири ўз табиатига мос бўлади. Ҳамма мислар нисбат ўқи — олтинга $45 \frac{1}{2}$ ва $\frac{1}{6}$ ¹³ дирлар. Сирка таъсирида улар занглайдилар. Ундан мис русухтожи¹⁴ чиқади. Уни босқонли кўрада ёки шиша олиннадиган тиглда эритиб олинади.

Агар ўшандай ёғ ёки бурақ суртилган тигилда эриган мис тиндирилса, асл мисга қараганда юмшоқ қотишма ҳосил бўлади. Агарда мис занги билан кумуш ва қалайни артилса, у ўшаларнинг юзасини қизартиради. Яхши мисни сунъий равишда тайёрламайдилар.

Кипр оролидаги мис конларида сунъий¹⁵ мисни куйдириб оладилар. Одамлар метал нарсаларни сунъий равишда олишга ҳар қанча уринмасинлар, табиатнинг ўзи уларни яхшироқ ишлаб чиқаради. Буни рад қилмоқ мумкин эмас. Буни фақат алкимёгарлар рад қилмоқчи бўладилар. Улар дейдиларки, олтин унга қўшилган ҳар бир нарсани соф олтинга айлантиради. Табиат эса бундан ожиздир. Бу нарса алкимёгарларга уйқуларидан, чалкаш тушларида кўринган бўлса керак. Бунинг (алкимёгарлар сафсаталарининг) нуқсонлиги шундаки, у ўзида турли-туман нуқсонларни йиғиб олади (яъни турли уйдирмаларга сабаб бўлади — И. М.).

Оллоҳ ютуқларга етказгувчидир.

ТЕМИР — ҲАДИД

Оллоҳ таоло деган: «Биз темирни туширдик. Унда одамларга қудратли ёвузлик ва буюк фойда бор»¹.

Осмондан туширилув деб тасаввур қилинадиган нарсада зиддиятли маъно йўқ. Оллоҳ таолонинг сўзлари айнан айтилган маънони эмас, яъни қаттиқ маъданни — темирни осмондан туширишни эмас, балки хилқатларнинг ҳимояланиши, фойдали нарсаларга эришуви учун темирни яратгани маъносини англатади. Маълумки, одамлар (илоҳий) мададни осмондан ёмғир сифатида кутадилар. (Оллоҳнинг) жазосини ҳам, тақиқини ҳам осмондан деб биладилар ва бу Оллоҳ таолонинг ушбу сўзларида ифода топган: «Осмонда эса сизларнинг ризқларингиз (ёмғир) ва сизларга ваъда қилинаётган нарса (жаннат) бордир»².

Ва кузатувчи учун ўша томондан (осмондан) тушувчи (нарса) туширилув орқали содир бўлади. Шу туфайли бу ҳодисага осмондан туширилувга хос ибора қўлланиши одат бўлган. Тушган нарсани эса чиндан ҳам тушувчи сифатида тавсифлаш шарт эмас. Зеро, туширилувчи нарса тушувчи, ҳаракатланувчи ҳамда ва (осмонга) учувчи хусусиятларга эга бўладик, (бу ерда темирнинг туширилуви инсон учун ризқнинг ва зарур воситаларнинг туширилувидир — И. М.).

Сўнг Оллоҳ таоло дейди: (Қуръон: 34-сура, 10-оят) «Темирни ҳалимдек мулойим қилиб қўйдик. Совутлар ясагин ва (уларни) ясашда меъёрни»³ билгин.

Қалқонлар душман қуролини (жангда) қайтариб ташловга мўлжалланган; улар душман ишлатаётган нарсадан ҳимоя қиладилар, бошни кесувчи зарбалардан сақлаб қоладилар. Темир инсонларни уларнинг ўзларидан содир бўлувчи ғазабдан ҳимоя қилади».

Оллоҳ таоло деган: (Қуръон: 16-сура, 83-оят). «Улар Оллоҳнинг неъматини танийдилар, кейин эса уни инкор этадилар»⁴. Шунга ўхшаб бу (гаплар) Қуръонда оқилона асослар билан бирга тобеъинлар билсин учун айтилган. Темир қаттиқ зарбни қайтарувчи, қаршилик кўрсатувчи буюк қудрат воситасидир.

Худди шу каби Оллоҳ таоло бошқарув ва ҳукм чиқарувда (ажрим чоғида) адолат ва тенгликни ўрнатмоқ учун тарози ҳам юборган. У ана шу уч (нарсани) ҳам диний амр, ҳам ишнинг фойдаси учун туширган. Бунда темирсиз мумкин эмас.

Бу ҳақда Али ибн Зайд деган:

*Иккалангиз ҳам Амирга етказингки, мен қонун тарозусин
Палласига қаттиқ банд этилганман. Соқчилар пойлаб турибдилар.*

Мана инсон ҳар нарсага чидамоғи даркор! Шунинг сингари қўлга тушган жиноятчиларни фақат кишанлар, занжирлар, бўйинбоғлар темири ёрдамида ёки уларни жуфтлаб банди қилмоқ орқали ушлаб турмоқ мумкин. Шунинг учун қамоқ соқчисини темирчи дейилади. Чунки у бундай қуролларни жиноятчини жазолаш ёки темир ёрдамида тутиб турмоқ учун соқчи қўлига топширилганига нисбатан ишлатади.

Кушожим⁵ деган:

*Темир — бу урушувчилар қуроли,
У қон чиқарувчи шифокор ҳамдир.*

Табий темир икки хил бўлади⁶. Бири юмшоқ — нармохан⁷. У аёл жинсига оид ҳисобланади. Бошқаси қаттиқ — шобурқон⁸. Қаттиқлиги учун уни эркак дейдилар. У тобланганда ҳам оз бўлса-да эгилмайди. Нармохан икки хил бўлади. Бири нармоханнинг ўзи, бошқаси унинг сувлиги. Бу намлик уни қиздириб эритилганда ёки тошлардан тозаланганда оқиб чиқади. Уни даус⁹, форчасига аста¹⁰, Зобулистон вилоятида эса рав¹¹ дейдилар. Чунки, қиздириб эритилганда темир эриб ажралаётганда ундан олдинроқ ва тезроқ ажралиб чиқади; даус — қаттиқ (метал), у кумушсимон оқиш тусли(бўлади).

Румийларнинг қиличлари шобурқондан ясалади. Руслар ва сақолиблар (славянлар) гоҳо уни қалаъ ёки қалъ деб атайдилар. Дейдиларки, қалаъдан жаранглаган товуш,

бошқаларидан эса ғижиллаш¹² чиқади. Қалаий деб аталган қиличларнинг отини у билан боғлайдилар. Баъзилар эса бу отни уни ишлаб чиқарадиган жойга тааллуқли дейдилар. Бу худди ҳиндий қилич, Яманий қилич, машрафия қиличи деган кабидир.

Дейдиларки, уни Калах (Малай) мамлакатидан келтирадилар. Қалайни ҳам ўша ёқдан олиб келадилар. Ундан қалайи деган от келиб чиққан¹³. Бу энли қиличлардир. Эҳтимол, ана шундай оқлиги учун у араб шеърлятида ўхшатишларга ишлатилар. Арабларда гарчи бу тўғрида турли фикрлар бўлсада, шундайлиги рост.

Ал-Хусайн ибн ал-Ҳаммом ал-Муррий¹⁴ бундай деган:

*Уларнинг бошларини тўхтовсиз қаттиқ қояларга урилмоққа мажбур қилардик.
Қалайи румий қиличлари уларга тегиб ўтмаслашиб қолар эди.*

Бунда у шабурқанни кўзда тутмаган. Чунки румийларда бошқача қиличлар йўқ. Ал-Ажжож деган:

*Румий темирчилари оқ (қилич) яратдилар.
Улар қора темирнинг сувидан қилинган.
У яна дейди: менга ўлим таҳдид этса,
Уни қалайи қилич билан қайтариб ташлайман.*

Яъни қалайи темирдан ясалган қилич билан даф қиламан. У — (қалаъ) сўзини қиличнинг сифати учун ишлатмоқда, худди зулфиқор¹⁵ ва зу-ш-шутоб сингари¹⁶.

Ибн ар-Румий деган:

Тақдир ўз қаҳридан унинг олдида — қалайи қиличини яланғочламоқда. Бу унинг- (тақдирнинг) қиличларидан биридир.

Аммо эслатиб ўтилган қалайи қиличини қандай қилиб агарда сўзда ҳарфлар ўзгача ўрнатилса?

Шоир деган:

Улар темирдан қонни сўриб олувчи қалаъга эришдилар.

У алақ демоқчи, лекин олдинги сўзга қофияламоқ учун ҳарфларни ўзгача жойлади. Қалаъ елкан дегани.

Сувайд ибн Абу Коҳил деган:

*У тўлқинли денгиз, мавжлар кўпик билан чулғонган.
Унинг ғазабли оқимлари елканга урилмоқда.*

Ал-Аъшо деган:

*Елканли улкан кемани у ағдариб ташлайди.
Мана, унинг (кеманинг) бурни деярли мажақланган.*

Кемалар (жаворий)¹⁷ денгиз уфқида кўрингач, елканлари туфайли тоққа ўхшаб кўринадилар. Шунинг учун уларни қалаъ дейилади. Бу ҳам кема ҳам тоғ чўққиси маъносини билдиради.

Ар-Роъий деган: у тинимсиз изма-из қувиб боради, шунинг учун қуёнларни на уя, на тоғ (қалаъ) унинг ўткир тирноқларидан сақлай олади.

Бу билан демоқчики, лочин ўз овини қувади ва нотекис ер ҳам, баландлик ҳам, уялар ҳам, тоғ чўққилари ҳам қуёнларни унинг чангалидан қутқара олмайдилар.

Абу Нажм деган:

(Ҳатто) чигиртка ҳам баланд тоғни кунпаякун қилмоғи мумкин.

Ваддоҳ ал-Яман¹⁸ деган:

*Қул кучи етмаган нарсани кўтара олмайди,
Лекин биз тоғ кўтаролмайдиган нарсани ҳам кўтарамиз.*

Маъно жиҳатидан қалаъ «булут»ни ҳам билдиради.

*Боғ устида тунги булутлар (қалаъ) бўлиниб кетдилар.
Бундан эса пашшалар қутуриб кетгандай бўлдилар.*

Зайд ал-Хайл¹⁹ деган:

*У ёлғиз қолди. Эрталабки булутлар (қалаъ) устидан секин,
Сузиб бормоқдалар. Аммо унинг дўстлари кам.*

Қалаъ — бу булутлар, булутлар тоққа ўхшаш. Темир эса тоғдан қазиб олинади. Шундай қилиб темирнинг умумий номи осмонгача боради.

Хузайл²⁰ қабиласидан бир шоир деган:

*Сенга осмоний темирдан ясалган ҳинд қиличи кифоядир,
Унинг узунлиги тирсакдан ортиқ ва савдогар «ба»сидан калта.*

Тоза темирдан қилинган, унинг танаси узоқ тобланган ва оч қушлар меъдасида ҳам бўлган.

Биринчи шеър темирнинг худо томонидан яратилганлигига ишора қилади. Ояти калимада айтилганидек, унинг осмондан нозил бўлганини эслатади. Осмон сўзи шунга ишорадир. «Ҳиндий» деганида у (шоир) темирнинг келиб чиқишини Ҳиндистонга боғламоқчи эмас, қилични шундай атамоқ орқали у темирнинг ўзига хос доимий сифатига диққатни йўлламоқчи. Иккинчи шеърда эса («тоза темир» сўзи билан) у чақмоқ оловини изоҳламоқда. Чақмоқ ерга санчилади ва ичига кириб кетади. Унинг изидан ерни кавлаганларида темир бўлаги чиқади. Ўшандан қалайи қилич ясалади. «Кушнинг

жигилдони» сўзининг маъноси эса бундай: «Темир майдаланиб, парчаларга бўлинади, сўнг қиздирилади, охири у кўмир чўғидек товланадиган бўлади. Шунда уни туяқушга берилади, токим унинг жиғилдонида ўзига ёпишган нарсалардан тозалансин. У сўнгра қушнинг ахлатида тоза ва яроқли бўлиб тушади. Кейин ўшандан қилич ясайдилар. Уни болғалар билан текислайдилар, пардозлаб ялтиратадилар. Туяқушларнинг темир чўғларни ютганларини кўрган одам айтиб бердики, ўша чўғлар қушнинг меъдасида узоқ ушланмайдилар, ютилгандан сўнг ўша заҳоти тушиб кетадилар²¹.

Шобурқон тўғрисида эса мен кўп одамлардан эшитганманки, руслар ва сақолиблар уни майда бўлакларга ажратадилар, унга булғайдилар ва ўрдакларга егизадилар. Улар ахлат билан тушгач, тозалайдилар, ювадилар. Бу ишни бир неча бор такрорлайдилар. Сўнгра уларни оловда эритадилар. Шундан кейингина улардан қилич ясайдилар.

Ибн Бобак деган:

*Тобланган (қилич) қоранғулик чангини,
Тоғ чўққисини яшин кесгандай кесади.*

Агар биз дауснинг²² фақат ўзи қилич ясамоқ учун яроқсизлигини билмаганимизда эди, унинг зарбага чидай олмаслигини билмаганимизда эди, албатта, Абу-л ал-Абсий айтган қилич ҳақида эслаган бўлардик:

Менда қалқон ва қалпоқ ҳамда темир сувидан ясалган оқ қиличдан бошқа нарса йўқ. Ёки яна бир бошқа кишининг қиличи ҳақида Абу-л ал-Абсий айтганини эслардик:

*Кўриб турибсанки, икки тиғининг зарб берар жойи
Совути ортидан сочилган тузлар кабидир.*

Яъни ўша қилич даусдан ясалган. Айрим китобларда айтиладики, яшин урганида ундан омон қолган ҳаво бўлакчалари юқорига кўтарилади, ёниб парчаланиб кетганлари эса ерга тушадилар. Абу Жаъфар ал-Хозин²³ айтиб берган эди: Унинг танишларидан бирининг ҳовлисидаги тошга яшин урилган. Бу тош ер юзасида оловли шар каби сурилиб кетган. Бу оғирлик қонунларига мос. Дейдиларки, яшин ҳаводан ва бизнинг (оддий) ўтимиз алангасидан нафисроқ. Бунга исбот шуки, агар у ҳаракатдаги жисмга тегса унга зарар етказмайди, уларни қизиб эриган жисмга айлантириб юбормайди, ҳатто қизиб эриб кетадиган нарсага ҳам таъсир кўрсатмайди.

Фақат шамол, момақалдиروқлар, чақмоқлар ҳаво бузуқликларини келтириб чиқаради, у металларни ўз ўрнидан кўчиради ва ташийди, уларни ер юзасидан ва остидан ифлосликлар билан аралашига кўтаради.

Жузжонда узоқ йиллар давомида ётган метал шундан далолат беради. У қачонлардир кема лангари бўлган. Бунга уни ўрганиб чиққан одамлардан бири гувоҳлик беради. Чунки у лангарга ўхшаи²⁴. Унинг шакли уни сув остидан кўтариб чиқазиб ташлаган куч таъсирида қизиган ва ўзгариб кетган. Унинг темири юксак сифатли эмас эди. Чунки лангар учун яхши сифатли темирни танламайдилар. Чунки лангар фақат оғирлик вазифасини бажарса бўлди.

Бушанж қишлоқларидан бири Тоъун қишлоғида ҳаво очиқ бир куни ёққан ёмғир ҳам шундан далолат беради. Бу ёмғирда ёмон сифатли мисга ўхшаш доғлари бор метал парчалари ёғилган. У темир қатронларига ўхшаш эди. У шундай қайноқ эдики, уларга сув текканда вишилларди. Уларнинг салмоғи (бир) мандан икки мангача бўлган.

Темир даусдан ташқари тўбалга ҳам эга. Бу тўбал темир тобланганда ундан ажралади. Яна унинг пўсти ва занги ҳам бор. Унинг ранги қизил бўлгани учун заъфарон дейдилар. Унинг вазни қиёс чизиғида олтинга кўра 41 ва $\frac{1}{3}$ га тенг²⁵... Алкимёгарлар ишонтирмоқчи бўладиларки, гўё маргимуш ёрдамида темирни шундай юмшатиш мумкин эмишки, у қалайга ўхшаб осонликча эрир эмиш. Шундай юмшоқ ҳолга келгач, темир қалайни қотиради ва унинг ғижиллашини кетказади. Аммо кейин темир ўзининг оқишлигини қисман йўқотади.

Булар ҳаммаси нотаркибий темирга оид. Таркибий темирга келсак, у нармохан ва унинг сувидан бўлади. (Сув) тозаланганда тез чиқиб кетади. Бу пўлатдир (фўлод)²⁶. Айниқса, Ҳирот бу билан машхур. Бу ерда уни тухум деб атайдилар²⁷. Чунки шакли тухумга ўхшаш. Улар чўзиқ, (икки чети) юмалоқроқ, пўлат эритиладиган қозончага ўхшаш. Улардан ҳиндий қиличлар ва бошқа хил қиличлар қуядилар.

Турли таркибдаги пўлатни олиш усуллари икки хилдир. Ё қозончада нармоханни ва сувини қиздириб эритадилар. Олов бир текис ёнмоғи керак. Ҳар иккаласи шунда қўшилиб кетишади. Уларни бир-биридан фарқлаш мумкин бўлмайди. Бундай пўлат эгов ва унга ўхшаш нарсалар ясамоққа ярайди. Тахмин қилмоқ мумкинки, шобурқон пўлатнинг шу хилига тегишли. Уни тоблаш табиий йўсинда амалга оширилади. Ёки қозончада уни қиздириш бирин-кетин амалга оширилади. Шунда уларнинг иккаласи бир-бирига бутунлай қўшилиб кетмайди. Уларнинг зарралари галма-гал жойлашадилар. Ҳар биттаси алоҳида икки хилда товланиши билан нозик фарқлари сезилиб туради. Пўлатда ҳосил бўладиган бундай нақшин товланиш хусусиятини фиринд²⁸ дейдилар. Кўп одамлар фириндли ва яшил рангли пўлат қиличга эга бўлиш учун²⁹ рақобатлашадилар ва ҳар доим уларнинг мақтовини қиладилар.

Имрул Қайс деган:

(У) ўтқир учли нарсани боши остига қўйди.

Унинг юзасида — чумоли изига ўхшаш бир нарса бор эди.

Ибн ал-Муътаз деган:

Унинг иккала томонида фириндни кўрасан,

Улар худди нафис булутлар каби, лекин осмонда эмас.

У яна деган:

Қўлининг беш панжаси билан у ўтқир пўлатни ушлаб турибди.

(Пўлат) юзида сепкил бордек. Соф темир, ўймакор тилиб фиринд туширгандай.

Абу-л-Хавл ал-Химёрий деган:

*Қиличнинг иккала томонидан оқиб тушаётган
Фиринд ва жавҳар³⁰ худди булоқ сувига ўхшайди.*

Яман ва ҳиндий қиличида яшиллик, машрафий қиличларида эса оқишлик афзаллик белгисидир.

«Қуроллар тўғрисида» («Китоб ас-силоҳ») китобида ал-Бохилий³¹ бундай деган: Фиринд қилич юзасидаги ёйилма, пиринд эса фиринд яратган ранго-рангликда пайдо бўлган ярқироқ товланувчан нафис жилвалардир.

Мушаттаб қиличларда чизиклар бўлади. Улар гоҳо бўртиқ, гоҳо эса ботиқ бўлади-лар. Аммо Бохилий айтган чизик биргина бўлса, у ботиқ бўлади. Бу чизик бирдан ортиқ бўлса, иккисининг ораси, албатта, бўртиқ бўлади. Чунки чуқур чизикларнинг оралиғи табиий бўртиқдир.

Сурайжий қиличлар Сурайж исми қуролсоз устанинг исмидан олинган. У ажойиб қиличлар ясаган уста бўлган. Аммо баъзилар дейдиларки, бу сўз нисбий сифат сирож (чирак)дан олинган. У уларнинг қисқарган, кичрайган шакли. Лекин бундай талқин ҳато. Қалайи қиличлар қалай туфайли шундай аталган. Қусасий қиличлари темир конларига эга Қусас тоғи туфайли. Дейдиларки, Машрафий қиличлари Машрафдан олинган. У Мазолиф деб аталадиган, қирғоққа яқин жойдаги қишлоқ. Лекин дейдиларки, бу гўё жоҳилият³² давридаги Сақиф қабиласидан Машраф деган устанинг исмидан олинган.

Яман қиличларининг фириндига оид гаплар бундай: У қизил ёки зангори юзасида тўлқинсимон чизик ва оқиш халқачалар ҳосил қилади. Қубурий номи билан маълум қиличлар³³ (яъни қабр қиличлари) машҳур марҳумларга тегишли қабрлардан топилган қиличлардир.

Эшитишимча, эритилганда таркибига турли аралашмалар тенг миқдорда қўшилмай қолган металдан қилич ясалса, унда ўзига сув шиммайдиган юпқа, нозик томирчалар ҳосил бўлади. Агар томирчалар қиличнинг иккала тизлари томонида ҳам бўлса, бундай қилич ўтмас бўлади. Чунки метал яхши тобланмаган бўлади. Лекин томирчалар қириб ташланса, уларнинг қиличга зарари йўқолади.

Қиличнинг муҳаннад деб аталиши унинг Ҳиндистонда ясалганини билдиради. Гоҳо Сарандибда тайёрланган қиличларни ҳам шундай атайдилар. Бу ҳолат араб тилига мослаштиришда муҳаннад ўрнига Сарандиб сўзи ишлатилишидан келиб чиққан.

Ибн Аҳмар деган:

*Эгилиб, айланиб, ўгирилар тулпор, унда сўл оёқ
Пардозчи қўлида Сарандиб қиличидек ярқироқ.*

Хуросонда фириндни жавҳар дейдилар. Унга қаратқичли аниқловчи сифатида қилич сўзи қўшилади (жавҳар қиличи). Қиздириш ва эговлаш чоғида жавҳар йўқолади. Ҳиндлар уни чиқармоқ истасалар (қилични) сариқ Бомиён зожъи ёки оқ мўлтоний

зожъи билан қоплайдилар. Бомиённинг зожъи афзал бўлмаса эди, уни Мўлтонга келтирмас эдилар. Ханжарни тоблаганда уни иссиқ лой билан чаплайдилар, туз аралашмаси қўшилган янги мол тезаги (амал'гама) суртадилар. Дудама тиғнинг икки дамини икки бармоқ билан текшириб кўрадилар. Сўнг уни босқондан ҳаво пуркаш йўли билан оловда тоблайдилар. Чаплаб қўйилган амал'гама қайнаб чиққанда унга муздак сув қуядилар. Сўнгра қилични чапланган нарсалардан тозалайдилар, ана шунда жавҳар пайдо бўлади. Эҳтимол, тузга зожъ ҳам қўшарлар.

Фиринд ва даус қиличларнинг ўткирлиги уларнинг қаттиқлигига боғлиқ. Бироқ, бу қаттиқлик мўрт ва синувчанликдан, яъни заифликдан холи эмас. Аммо тиғнинг ҳар иккала томонинида юмшоқ (аёл жинсли) қора темир қопламаси бўлмаса, қилич узоқ вақт кескир ҳолда сақлана олмайди. Уни айтилган нуқсонлардан сақлаб турувчи нарса ана шу қопламасидир. Жавҳарнинг сифатини, қиличларнинг турли хилларининг номларини Ҳиндистон халқичалик биладиган халқ ҳеч ерда йўқ!

Жавҳарнинг ҳар хил турлари орасида шундайлари борки, уларнинг нақши нозик, гўё чумоли излари каби. Яна нақши дағал ва чаплашганганлари ҳам бўлади. Ундаги турли шакллар булутларда турли тасодифий шакллар пайдо бўлгани каби ёки ерга ёйилиб кетган сув турфа жилвалар пайдо қилишига ўхшайди. Ёки биз ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг ички таркибида хилма-хил жилвалар пайдо бўлиши ҳақида айтиб ўтганимиздек.

Руслар ўз қиличларини³⁴ шабурқан темиридан ясаганлар. Ўртасидаги жуякларни эса нармохандан қилганлар. Ўшанда қилич қаттиқ бўлади ва зарба берганда синмайди. Чунки фўлод (пўлат) уларнинг қишидаги совуққа чидай олмайди ва зарба берганда синиб кетади. Улар фиринд билан танишгач, жуяклар учун узун симлардан тўқиладиган тўрни кашф этдилар. Тўр тўқима темирнинг иккала хилидан — шобурқон ва аёлийсидан тайёрланади. Шундай қилиб, тўрлар (суюқ металга) ботирилганда қиличда улар истаган ва мўлжаллаган ажойиб гўзал нақшин жилвалар юзага келади. Бу-ку, қиличда сунъий нақш ҳосил қилиш, лекин фиринднинг нақши табиий, бу нақш қилич ясагандаги мақсад ёки истакка боғлиқ эмас. Чунки у тасодифан вужудга келади.

Бу ерда қиличлар жавҳари тўғрисида ҳиндлардан олган маълумотларни келтирсак ёмон бўлмас эди. Бу гапларни биз хушёр ва зийрак одамлардан эшитганмиз. (Жавҳарнинг) энг яхши тури ва энг қимматлиси *палорак* деб аталадиганидир. Бош ҳарфи «*п*», арабчалашгани «*ф*» бўлади. Ундан энг қимматли қилич ва ханжарлар ясалади. Улар таъкидлайдиларки, бунинг учун темир қизил кумда титиб олинади. Бу кумни Канауж³⁵ атрофларидан келтирилади. Уни кристал тинкар³⁶ билан қўшиб қиздирадилар. Чунки майда кукун ҳолатида фақат заргарларгагина керак бўлади. Унда шундай намлик борки, у қуюқланганда тинкар ҳосил бўлади. Бу жавҳарнинг икки рангидан бири, яъни оқи иккинчи қорасидан кўра кўпроқ ҳосил бўлади.

Унинг бошқа хили *рўхин* дейилади. Уни Мўлтонда тайёрлайдилар. Ҳиротнинг майда тухумсимон жавҳаридан олинади. Яна бир хили *маун*³⁷ дейилади. Уни ҳам Мўлтонда ўша Ҳирот тухумсимон жавҳарларидан тайёрлайдилар. Бундай жавҳар уч тоифа бўлади. Бири *умронийдир*. У *палоракка* яқин. Бундай жавҳарда қора ранг устун бўлади. У гўзалроқ. Энг ёмони *хармун* деганидир. Булар ўртасида ўртачалари ҳам бўлади.

Яман қиличлари унга (*палоракка*) ўхшаш ва яқин. Бириси қора нилабанд, бошқа тури эса баҳирий дейилади. У уч хил бўлади. Иккитаси асай руҳанга яқин. Мухаввас дегани (ярқироқ нарсалар билан безатилгани) саклатунга³⁸ ўхшаш.

Мухаввас хилига келсак, уни бундай ясайдилар: қириндини узунасига эмас, бош томондан қуядилар. То лаганга ўхшаб ёйилгунча шундай қиладилар. Сўнгра уни жингала қаватлари бўйича кесиб чиқадиладар. Сўнг унинг ғадир-будирларини силлиқлайдилар. Ушандан қилич қуядилар. Бу қиличлар жавҳар муҳаввасли бўлади. Учинчи тури боҳирийда, ҳар қандай қилични шундай деб сифатлаганлар, жавҳари йўқ. Унга бундай ном унинг бирор сифатини ажратиб кўрсатмайди. Яна бир хили бор. Уни *мажли* дейилади. У боҳирийга ўхшаш. Лекин унда ҳайвонлар, дарахтлар ва бошқа нарсалар тасвири бор. У икки хилдир. Бирида тасвир қилич тиғининг бир томонида бўлади. Бошқасида эса тасвирнинг бир қисми кўринади, бошқа қисми эса пўлатга шунчалар сингиб кетадики, бошқа томондан ҳам кўриниб туради. Ҳар иккаласи ичида буниси энг қимматли ҳисобланади. Бундай қиличнинг баҳоси энг яхши бир филнинг баҳосига тенг. Агарда унда одамга ўхшаш тасвир бўлса, унинг қадри ва баҳоси янада баландроқ туради.

Амр ибн Маъдиқарийда³⁹ бир қилич бор эди. У «Зу-н-Нун» деб аталган ва у («Балиқли») ном олган эди. Чунки, унинг ўртасида балиққа ўхшаш шакл бўлган.

У ана шу қилич тўғрисида бундай деб (ёзган):

*Соф «зуннун» мен билан
Остимда эса саман от, мен унинг устидаман.*

У яна деган:

*Соф «зуннун» Амирга содиқ дўстдир
Мен билан жанг қилса ким, абадий уйкуга кетади.*

«Зулфиқор» деган қилич Мунаббих ибн ал-Ҳажжожники эди. Бадр жангида⁴⁰ Пайгамбар (с. а. в.) бу қилични ўзларига олганлар.

Юксак сифатли бўлмаган темирдан ясалган бошқа қиличлар⁴¹ ҳаммаси кужар деб аталган.

Отлардаги сингари қиличларда ҳам қашқа бўлади. Улар яхши ёки ёмон белги деб қаралади. Ёмон белгили қашқа қола дейилади. Жавҳарли қиличларда қора жойи бўлади. Қора доғли жойида тасвир жилваси бўлмайди. Агарда қашқа қора жойни ўчириб ташланса тиғга зарар етади, шунинг учун унга тегмайдилар. Аммо у тиғнинг бир томонидан бошқа томонигача сингиб кетган бўлса, бундай қилични сотиб олмоқ ёмонлик аломати, деб ишонадилар. (Одамлар) бундай қора қашқа қиличнинг икки томонлама тиғи ўртасига тўғри келган бўлишини афзал кўрадилар. Агарда бундай қашқа қора доғ қиличнинг четларида бўлса, бу душман учун зарарли деб ҳисобланади. Агар соп яқинида бўлса, унинг ёмонлиги қилич эгасига уради, дейдилар.

Мазид ибн Али ал-Ҳаддод ад-Димишқийнинг⁴² қиличлар таърифи битилган китоби бор. У Ал-Киндийнинг рисоласига⁴³ асосланган. Бу қиличларнинг сифатига бағишлан-

ган рисолада ёзилганки, ишни пўлатни эритмоқ учун ўчоқ яшадан, қозонни қуриш, унинг лойиҳасини тузмоқдан, керакли керакли лой ва уни танлашдан бошланади. Сўнг-ра ҳар қозонга беш ратлдан от тақаси ва уларнинг миҳларини қуймоқни буюрилади. Улар нармохандан ясалиши керак. (Улар билан ўн дирҳамдан русихтож (мисдан қилинган), олтинсимон маркашос (марказит) ва юмшоқ магайсин (марганец) (ҳам бўлади). Шундан сўнг қозонлар лой билан чапланади ва ўчоққа ўрнатилади, ўчоққа кўмир солинади ва румий пуфлагичлари билан елпиб турилади. То булар ҳаммаси аралашиб кетгунгача ҳар бир босқон олдига икки одам қўйилади. Ўчоқда ўт ёниб кетгач, халталарни тайёрлаб қўймоқни буюрилади. Халталарда ихлилож (мироболан), анор пўчоқлари, намақоб, дур садафлари, ҳаммаси тенг миқдорда ва парчаланган ҳолда, ҳар бир халтада қирқ дирҳамдан бўлмоғи керак. Ҳар бир қозонга бир халтадаги нарсалар солинади. Шундан кейин бир соат давомида кучли ўт ёқилади. Сўнг (ўтни) тўхтатилади. Совигач, қозондан қоришмани олинади.

Синдда бўлган бир одам менга айтиб берган эдики, у (бир куни) темирчининг ёнида ўлтирган экан. Темирчи қилич ясамоқда экан. У кузатиб турган. Улар учун темир нармохандан қилинган. (Темирчи) унга майда талқонсимон қизғиш доруга ўхшаш нарсани сепган. Сўнг у темирни қўрага қўйган, уни оловда ўша талқонни шимиб олгунча тутган, сўнг бир оз вақтдан кейин уни тортиб олган ва болға билан роса урган. Сепиш ва ишловни у бир неча бор қайтарган. Яна (ҳикоячи) давом этди: «Ундан сўрадим: «Бу нимадир?» У менга масхараомуз қулиб боқди, мен фахмладимки, бу даусдир. У (даусни) нармохан билан қиздириш ва эритиш орқали аралаштиради. Ҳиротда тухумсимон (криц)ни шундай эритадилар. Бу эса ал-Димишқий ҳикоя қилгани кабидир. Қилич жавҳарлари тўғрисида дейдиларки, у бир хилдан иккинчи хилга ўтмоғи мумкин. Шунинг учун уни эскилиги учун мақтайдилар ва ардоқлайдилар. Лекин, менга ғалат туюлсада, (бу сўзларни) шу билан изоҳлайманки, олов қоришманинг бир қисмини бошқасига ўтқазади, натижада унинг оқишлиғи ё қорамтирлиғи камаяди, ёт бўлмаса (юқори пўстининг) шилинишидан ичидагиси ютилиб, остидагиси юзасига чиқади.

Темирнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги уйдирмалардан (желтирамиз). Бундайлар китобларда кўп учрайди. Шулардан бири бундай: Араблар Қандаҳорни эгаллаганларида темир устун⁴⁴ топган эканлар. Унинг баландлиги етмиш тирсак эди. Ҳишом ибн Амир⁴⁵ уни то пойдеворигача кавлаб олмоқни буюрган. Шунда маълум бўлганки, у яна 30 тирсак ерга кўмилган экан. Шунда у бу тўғрида сўраб суриштира бошлабди. Унга айтибдиларки, бир Тубба яманли бу мамлакатга форслар билан бирга келган экан. Улар Ҳиндни эгаллагач, яманлилар ўз қиличларидан шу устунни қуйганлар ва деган эканларки, «биз шу ердан ўтиб бошқа мамлакатлар сари бормаймиз». Лекин сўнг барибир, Синдни эгаллабдилар. Бу металга ишлов бериш ва ундан йирик қуймалар тайёрлов каби ишлардан ҳеч балони билмайдиганларнинг (уйдирма) гапларидир. Ҳатто бориб турган аҳмоқона ёлғондир. Чунки бирор мамлакатни эгаллаш пайтида қуролни кўпайтирмоқ лозим бўлиб турса-ю, уни кўпайтириш ўрнига камайтириш йўлидан бориш (тентаклик эмасми?). Ёки қиличларни йиғиб устун қуйилса, худди устунлар ёрдамида жанг қилмоқчи бўладиларми? Бу Хоразмдан ғузлар элига бораётганда уйдек катталиқдаги темир сандон топилгани каби (сафсаталардан биридир) ... (давомидаги бир неча сатр йўқолган).

ҚАЛАЙ¹ — РАСОС

Матн бошидаги бир неча сатр йўқолган ... Қалайдан исфизож² (оқловчи бўёқ) тайёрлайдилар. Бу эса унинг қаймоғидир. У қизиб эриганда, пўстлоқ билан қопланади. Уни қошиқ билан кўчириб оладилар. Аммо унинг юзасида яна бошқа пўстлоқ пайдо бўлади. Уни ҳам кўчира борадилар. (Ниҳоят) у пайдо бўлмайдиган бўлади. Қалай тўла қиздириб бўлгандан сўнг шундай бўлади. Сўнг исфизожни оқартирадилар, бунинг учун у қаттиқ қиздирилади. Шунда у оқ, аммо озгина сарғиш бўлиб қолади. Бу қалайни оловда қиздириб эритгандан сўнг ундан хурфга ўхшаш писта рангидаги нарса пайдо бўлади.

Бир киши деган экан:

*У қалайдан ишланган қилич каби кумуш билан қопланган
У чиройли бўлиб кўринади, лекин ўтмасдир.*

Гўё сўз сунъий қалайи қилич тўғрисида бормоқда. Қалайни кумушловга келсак, буни фақат елим ёрдамида кумуш варағини (фольгасини) қалайга ёпиштириш орқали қилмоқ мумкин. Бошқа бир манбада дейилганки, «мисдан ясалган (қилич) қалай билан қопланган». Худди бу мумкиндек.

Яна Оллоҳ яхшироқ билади.

ҚЎРҒОШИН¹ — УСРУБ

Бу — онук², форсчасига — *усруф*. Уни Хуросон ва Ироқда (қазиб) оладилар. Олий нави Румда бўлади. Ёмон кўрғошин конлардаги руда ва тошлардан эритиш орқали олинади. Шунинг учун улар арзон бўладилар. Шарқий элларда у қиммат. Чунки у ерларда кони йўқ. Шунинг учун бу вилоятлардан у ёққа элтадилар. Яхё Ибн Масовайх³ дейдики, қора кўрғошин (*абор*) дир⁴, ундан дори тайёрланади. Кўз дориси тайёрланмоғи маълум. Аш-Шажара Тоҳир дейди: сурия тилида *абор* қисқа «**у**» билан ёзилади, «**б**» эса араб тилида «**ф**» орқали берилади. Муҳаммад ибн Абу Юсуф⁵ айтадики, *абор* «**б**» билан ва қисқа «**а**» билан ёзилади. У шеър келтиради:

Олтин онук ва аборга сотиб олинади.

Унинг бир қуйма ёмбиси эллик ратл туради. Унинг солиштирма оғирлиги олтинга нисбатан $60 \frac{1}{8}$. Тарафрастус (Феофраст)нинг⁷ «Табиат масалалари» китобида айтилганки, бир хил идиш фақат кўрғошин билан тўлатилганда олтин ва кумуш билан тўлатилгандан кўра оғирроқ бўлади. Мен бу фикрни тўғри деб билмайман. Бунга юқоридида айтилган солиштирма вазн асос бўлади. Мабодо бу фикр ҳар учаласига нисбатан бўлганда, у кумуш учун тўғри, олтин учун хато бўлар эди. У (Феофраст), эҳтимол, ўйлагандирки, кўрғошин ўзича шунчалар зич бўладикки, унинг бўлакчалари орасида уларни ажратиш турувчи ҳаво оз бўлади, холос. Олтин ва кумуш қиздириб эритилган ҳолда идишга

қуйилса, ундаги ҳаво сиқилади, бироқ идиш унча тўлиб қолмайди. Чунки идишда ҳаволи бўшлиқлар қолади. Агар у худди шуни кўзда тутаётган бўлса, унда идишнинг тор тешиги бўлмоғи шарт эканини, албатта, кўрсатиб ўтмоғи керак эди. Аммо агарда идишнинг икки тешиги, бири метални қуймоққа, бошқаси эса ундан ҳавони чиқармоққа керак бўлишини ҳамда идишни тўлдиргач, металнинг қотмоғи учун идишни қизитмоқ зарурлигини айтмоғи шарт бўларди ва шу билан унинг айтгани нотўғрилиги кўриниб қолар эди.

Кўрғошинда бир оз миқдор кумуш⁸ бор. (Кўрғошинни) эритганда бу маълум бўлади.

Ибн ал-Амиднинг⁹ сўзларидан келиб чиқиб ҳикоя қиладиларки, у кўрғошиндан кумуш олган. Бир қуйма ёмбисидан ўн дирхам (кумуш) чиққан. Ҳаражати ҳам шунча бўлган. Шунинг учун у деган: «Агар кумуш бир ҳабба ортиқ қолганида ҳам бу ишни давом эттирган бўлар эдим» (Яъни кўрғошиндан кумуш ажратиш самарасиз меҳнат, дейилмоқчи. — М. И.).

Абул Ҳасан ат-Турунжий дейдики, кўз дориларини тайёрламоққа ишлатиладиган абор — бу малай кўрғошини (расоси ал-қалайи) ёки қайта ишланган кумуш эмас, у кўрғошиннинг хилларидан бири, у тоза, юмшоқ, енгил эрувчан (хили)дир. Чунки у (хиллар орасида) ўртачасидир.

Кўрғошиндан мурдосанж¹⁰ олинади. Уни қуювчилар қиладилар. Улар кумушни тозалаб, кумуш аралашмасидан эриган мисни ажратадилар. Мурдосанж кўрғошиннинг юзасида терисимон пустлоқ ҳосил қилади. (Бундай) кўрғошиндан исфизож (оқловчи бўёқ)¹¹ оладилар. Соф кўрғошинни сиркага солиб осиб қўядилар. Сўнгра уни узумнинг эзилган тўппо сига соладилар. Тўппос сиқиб, ундан кўрғошин олингач, кесиб қўядилар. Оқ рангли бўёқ унинг сиртига зинжор сингари чиқади. У мисга ўрнашади, сўнг ундан қириб ажратиб олинади.

Сўз ўртасида айтиб қўяйин, менга ҳикоя қилган эдилар, лекин бу гапларга деярли ишонмайман: гўё Балхда бир одам кўрғошиндан симоб тайёрлаган эмиш. У беш қисм (кўрғошин)дан бир қисм (симоб) олган эмиш. (Бу одам) шундай қилиб бутун вилоятни таъминлаб турган эмиш. Бу тўғрида у ўлгандан кейин оиласидан сўраганлар, лекин ҳеч нарсани била олмаганлар. Фақат унинг кўрғошин сотиб олгани, уни эритгани, симоб билан олтин конини таъминлаб турганинигина билар эканлар.

Хитойда кўрғошин қиммат, унга эҳтиёж катта эканлигидан ўрнига қалай ишлатадилар. Шунинг учун уни бошқа товарлар билан бирга ташқаридан олиб келадилар.

Денгиз орти савдогарларидан бири айтиб берган эди: «Бизда ожизлар учун товар келтирмақ одати бор. Шунинг учун бизни дуо қиладилар. Бир маҳал биз Убуллада Хитойга бормоқ учун кемаларга юк ортдик. Тўсатдан менинг қаршимда бир чол кўринди ва у деди: «Менинг бир ишим бор. Мен бу тўғрида бошқа бировга мурожаат қилган эдим, у мени алдаб кетди. Энди сенга келдим. Ишонаманки, сен ўша одам қилганини қилмайсан». Ҳикоячи яна сўзида давом этди: «Мен ундан нима иш?», — деб сўрадим. У жавоб берди: «Сен уни бажармоққа сўз бермагунинггача айтмайман». Мен у айтгандай қилдим. У бир кўрғошин ёмбисини олиб келди. Вазни юз манча келар эди. Сўнг деди: «Илтмосим шуки, сен уни ортмоққа буюргин. Фалон жойга етганда уни денгизга ташлаб юбормоқни буюргин. «Мен буни қила олмайман»,- дедим. «Ваъданг қани?» сўради у. У мендан ҳеч узилмас эди. Ҳоли-жонимга қўймади. Охири мен (юкни) олдим, кема қайд дафтарига эгасининг номи ва Басрадаги уйини ёзиб қўйдим. Айтилган жойга

етганда, Оллоҳ, У буюк ва шарафлидир, шундай қаттиқ шамоллар юбордики, биз ҳатто ўнимизни ҳам унутаёздик, у қўрғошин ёмбиси эсимиздан ҳам чиқиб кетди. Охири кўзлаган ерга етиб келиб, ўзимиз келтирган нарсаларни сотиб бўлдик. Бирдан қўрғошин истаб бир киши келиб қолди. Мен «ҳеч қандай қўрғошин олиб келмаганман», — дедим. Шунда хизматкорим менга ўша товар тўғрисида эслатди. Мен дедим: «Мен келишувни бузган бўламан. Ахир уни сотмоққа менинг ҳақим йўқ-ку!». Барибир, бу одам уни бир юз ўттиз динорга сотиб олди. Мен унинг эгаси учун Хитойдан нодир нарсалар сотиб олдим. Сўнг орқага қайтдик. Аммо чол менинг ҳузуримга келмади. Мен унинг уйига бордим. Уни суриштирдим. Менга унинг ўлганини айтдилар. Шунда мен сўрадим: «Ўзидан сўнг кимдир қолдими?». Улар жавоб бердиларки, денгиз ортидаги мамлакатда қандайдир жияни бор. Уйи эса қозининг ёрдамчисига (вақф этиб) берилган.

Мен ҳайрон қолдим. Убуллуға қайтиб келиб келтирганим товарларни етти юз динорга сотдим.

Орадан бир мунча фурсат ўтди. Менинг ҳузуримга бир киши келиб «Сен фалончи эмасмисан», деб сўради. Мен «Ҳа» дедим. Бултур Хитойга борганинда қўрғошин ёмбисини сен сотганмисан?», — деб сўради. Мен «ҳа» дедим. У деди: «Мен ўшани сотиб олган эдим. Уни фойдаланмоқ учун кесган чоғимда маълум бўлдики, у кавак экан, ичидан ўн икки минг динор (пул) чиқди. Ўшаларни сенга олиб келдим. Мана ол». Мен дедим: «Эҳ, афсус, менга яна ташвиш орттирдинг. У пуллар меники эмас». Мен унга бор гапни айтиб бердим. У ҳайрон бўлиб кулди ва сўради: «Сен ўша чолни биласанми?» Мен дедим: «Унинг тўғрисида ҳеч нарса билмайман. Ҳамма билганимни сенга айтдим. У деди: «У менинг амаким, унинг мендан бошқа меросхўри йўқ». У менинг жонимга шунчалар теккан эдики, ўн етти йил бурун мен Басрадан қочиб кетмоққа мажбур бўлганман. Мана энди у мендан ўз олтинларини яшироқчи бўлган. Аммо кўриб турибсанки, Оллоҳ унинг тилағига қарши равишда уни рад этган. Мен унга етти юз динорни ҳам бердим. У Басрага кетди. Унда амакисининг уйига жойлашиб бою бадавлат яшади.

Оллоҳ ютуқларга эриштирувчидир.

МАРГИМУШСИМОН БИРИКМА ВА УНГА ЎХШАШЛАР — ХОРСИНИЙ¹

Муҳаммад ибн Закариё дейдики, бу маъдан хитой кўзгуларининг (шишаси ортига суриладиган. — М. И.) металга ўхшаш ва у умуман табиатда йўқ (маъданлардан махсус тайёрланадиган аралашма). Албатта, Закариё бу маҳсулот бизнинг мамлакатимизда йўқлигини кўзда тутган. Агарда у мутлақо йўқ нарса бўлганида эди, уни бирор нарсага ўхшаш дейишга ҳам асос бўлмас эди. (Демак, бор нарса). Йўқ нарса бўлса эди, у худди анқо² сингари фақат (қуруқ) сўз бўларди. «Китоб ан-нуҳоб»да айтиладики, хорсиний қалайга (расосга) ранги ва эрувчанлиги жиҳатидан ўхшаш. Танишларимдан бири айтар эдики, Кобул билан Бадахшон орасидаги Карон вилоятидаги тоғ ёнбағирларида қалай сингари эрувчан тошлар бор. Бу ўхшашлик фақат рангда. У ўзи ойна каби заиф, қиздириш ва зарбага чидай олмайди.

Абу Саид Қазвиний менга (хорсиний тўғрисида) ёзганлари ичида хорсиний Кошғар ва Барсхонда³ (Иссиққўл⁴ қирғоғида жойлашган манзил) бор. Бу қозон ясамоқ учун

ишлатиладиган металдир деб кўрсатади. Ундан (бошқа) идишлар ҳам ясайдилар. Улар жуда кўпол. Лекин бу усталарнинг маҳораатига боғлиқ. Хитойда қозонни жуда нафис ва юпқа қилиб ясайдилар. Дейдиларки, (хитойлар) унга қалай кўшадилар. Шунда у хитой ойнаси учун хом ашё сифатида хизмат қилади.

Зобулистон Зарубонда эса мурдосанж деб аталадиган тошлар бор. Улар турли шаклда юзаси қорамтир, бўялган ва олтингургурт сингари сарғиш. Уларни қиздириб эри-тадилар ва тумор, зирак шаклларида қуядилар. Уларни ҳинд аёллари бурунларига тақадилар. Хорсиний деганлари хитой ойнасининг металига ўхшашдир. Унда темир қорамтирлигига ўхшашлик кўпроқ.

Оллоҳ ютуқларга етказувчидир.

ЖЕЗ — ШИБХ, БИРИНЖ (БРОНЗА) — СУНЪИЙ ҚОТИШМАЛАР

Шибх¹ — тўтиё² (рух) билан тўйинтирилгани сабабли сариқ тусга кирган мис. Улар ширинликлардан³ (?) ва бошқа нарсалардан тайёрланади. Шунинг учун олтинга ўхшаб қолади ва «олтинсимон»⁴ дейилади.

Ас-Сорий деган:

*Одамлар ўз хатти-ҳаракатлари билан
Сариқ мис олтинга ўхшаш кўринганидеклар.*

Унинг сарғишлиги табиий бўлмагани учун олов ҳар бир қиздириб эритганда уни бир оз йўқ қилади. Шунинг учун тўтиёни янгитдан тўлатишга мажбур бўладилар. Акс ҳолда (сарғишликнинг) камайиши тоза миснинг дастлабки ҳолати даражасига етмоғи мумкин. Шибхда ғаройиблик шундаки, у олтингургуртда ёнмайди, бошқа металлар унда (олтингургуртда) ёнадилар, шибхда ундай эмас. Олтин ҳам унда ёнмайди. Шибхнинг олтинга сарғишлик жиҳатидан ўхшашлиги уни ёнмоқдан сақлайди. Аммо эмалнинг тайёрланиш ҳақидаги (ҳикояларда) ва рух билан тўйинтиришда эритилган шибх ҳақида айтилган. Агар шундай бўлса, уни эритиш мисни эритишга яқин бўлади. Тўтиёдаги ғаройиблик эса шундайки, у мисга аралашиб, унинг вазнини оширади ва юзага келган қаттиқлик эришига халал етказмайди. (Мисда) сарғишлиги тасодиф сингаридир. Бу тўтиё каби (миснинг) вазнини оширади, аммо ўзи мисга айланиб кетмайди, балки ҳар бир эритувда тўтиёнинг ҳажми ҳам вазни ҳам камаяди, охири эса унинг ҳиссаси бутунлай йўқ бўлиб қолади. Бунда тўтиё (қандайдир) лойнинг тутуни ва теридир. Бу лой ўчоққа жойлаштирилади. Ўчоқда лой устунлар каби нарса ўрнатилган бўлади, ўчоқнинг ўт ёқадиган жойи остида олов ёқилади. Тўтиё буғланиб устунларга ўрнашади ва уларни пўстлоқдек қоплайди. Шунинг учун у (тўтиё) пўстлоқ каби заиф бўлади.

Тайёрланган тўтиё ҳам кумушнинг ҳам қизил миснинг вазнини оширади. Лекин (кумушни) қорайтирмайди ёки унинг эришини ёмонлаштирмайди.

Агар шибхни олтинга аралаштирилса, уни бузади, мўрт қилиб қўяди; олтингургурт олтинни (шибхдан) тозалай олмайди. Чунки ҳар иккаласи ҳам бир хилда ёнмайдилар,

(шибх) эса ёмон кул сингари олтиндан ажралмайди. Уни (олтиндан) кўрғошин билан тўйинтиришдан бошқа йўл билан айириб бўлмайди.

Бу худди кумушни ўшалар ёрдамида мисдан айирмоқ кабидир. Чунки олтингугурт ҳар иккаласини ҳам тозаламайди, балки биргаликда куйдиради.

Шибхнинг нисбат ўқига — олтинга кўра вазни $44 \text{ ва } \frac{7}{8}^5$.

Оллоҳ ютуқларга эриштирувчидир.

ОҚ МИС — ИСФИЗРЎЙ¹

Бу от форсча, яъни «миснинг оқи» демакдир. У яна суфр² ҳам дейилади. Аммо бу сўз кўпроқ бронзага (шибхга) тўғри келади. Чунки сўнггиси сарғишдир.

Абу Таммом деган:

*Бронза (суфр) мўл эса ўнгида ҳам, сўлида ҳам,
Олтиннинг қимматини туширгайдир бу бекам.*

Абу Саъид ибн Дўст деган:

*Дейдилар: «Озига қаноат қилар ҳаётда,
Нега энди олтин ўрнига бронзага (суфр) қаноат қилмайсан?»
Менинг кўнглим бойлик (суфр) қидирув тилагидан холи эмас.
Лекин кўлларимда на оқ (суфр) кумуш ва на сариқ (суфр) — олтин бор.*

Унинг пайдо бўлиши тўғрисида тубандагича ҳикоя қилдилар:

Ҳажжож Ироқ ва Эронда олтин, кумушдан ясалган идишларни синдириб ташлаш ва уларда ичишни қатъиян тақиқлаш тўғрисида буйруқ чиқарганида, шиша идишларда ичиш мумкин эмас дегувчи Феруз, яъни Хусайннинг мавлоси, фармонда қотишмалар ҳам айтилганми?», — деб сўради. Унинг учун кумуш ва мис қотишмасидан идишлар тайёрланди. Сўнг қотишмадаги кумушни кўрғошин билан алмаштирдилар. Ва ундан ичмоқ учун идиш тайёрлашда фойдалана бошладилар. Ундан сув учун қумғонлар, кийим ювмоққа мос тоғоралар қилдилар. Чунки бу (қотишмалар) кирланиш ва зангловга унча мойил эмасдирлар. Сажистон (Сеистон) халқи бундай нарсалар ясамоққа моҳирдирлар ва уларни ишлатишга одатланганлар. Саффорийлар эса бу ҳунар билан ҳокимиятга келмасдан олдин ҳам шуғулланар эдилар.

Софалат аз-Занжда мис бор. У жуда юксак сифатли. Оловда қораймайди, аксинча товус рангига киради. Унга кўрғошин қўшилса бронза (шибх)га ўхшаш бўлиб қолади. У тобланувга мойил. (Шу билан) бунга чидамайдиган сариқ мисдан фарқ қилади. Сариқ мис билан қотишмаси ҳақиқий қотишмадир. Чунки, қотишмадан кейин ундан иккала таркибий бўлакни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Улар доимий бирга бўлиб қоладилар ва бирга бузиладилар.

Барча табиатшунослар олов ва иссиқликни аниқлашда бир хил фикрлайдилар. Яъни улар ҳамжинс нарсаларни қўшувчилар ва ҳамжинс бўлмаганларни ажратувчилардирлар.

Ал-Киндийнинг қарашлари бунга мисол бўла олади. У изоҳда деган: Минерал жисмларнинг ҳар бирига доир бўлакчаларини маълум бир қўшилмага бирлаштирув қобилияти оловга хосдир. Агар улар унинг моддалари турли жинсдан бўлса, ажратув ҳам оловга хос. Бу шунинг учун юз берадики, олов маълум муддат давомида ўзига учраган нарсани куйдиради. Агарда у ҳар иккала моддани бирлашган ҳолда учратса, олдин заифроғини то йўқ қилгунгача куйдиради. Кучлироғи эса қолади. У (Ал-Киндий) дейдики, Афлотунга йўл-йўриқ кўрсатганида Авмонус³ ҳам буни четлаб ўтмаган эди. (Платон) Афлотун бир бўёқ моддани бошқасига қўшиб, оловга улар чидамли бўлишига, агар куйиб кул бўлсалар биргаликда йўқ бўлишларига эришмоқни истади. Бу қоришма фақат биргаликда куйиб йўқолар экан. Бундан ташқари бўяладиган нарсанинг солиштирма оғирлиги ва ҳажми табиий минерал каби бўлмоғи керак экан. Охирги шарт алкимёгарлар усули билан олтин ва кумуш яратмоқ имкониятини пучга чиқаради. Аммо биз исфизруй тўғрисида юқорида кўрсатганимизни рад қилмаслик керак. Чунки олов унда кўрғошинни мисдан олдин йўқ қилиб юбормайди, лекин уларни биргаликда йўқ қилади. (Оловнинг) айтиб ўтилган таърифига келсак, унда, агарда минерал ўзидаги жисмлар билан бирга эриб кетмайдиган бўлса, у ҳода ғалвирдан ўтказиб ажратиб олмоқ мумкин бўларди (Беруний бу ўринда «ғалвир кўпроқ ҳақли бўларди» каби сўз ўйини қилган. — М. И.). Алкимёгарлар айрим жисмларга тимсолий маъно берадилар ва баъзи жисмларни ажиб номлар билан атайдилар. Уларни Куёш, ой, юлдузлар билан боғлайдилар. Улар бунда мунажжимлар бир фикрдамиз деб ўйлайдилар. Лекин мунажжимлар учун бу фикр бегона. Шундан келиб чиқиб (алкимёгарлар)⁴ кўрғошин ва миснинг бир-бирига интилишини изоҳламоқчи бўлиб мисни Зуҳра, кўрғошинни эса Миррих (Марс) деб атайдилар. Буни эса қизнинг йигитни севиб унга эргашувига ўхшатадилар. Мунажжимлар эса кўрғошиннинг муносабатини Юпитер (Муштарий) билан, мисни эса Миррих (Марс) билан тимсолий равишда боғлайдилар. Амалда эса бу иккала ёритқичнинг орбиталари ёнма-ёнлигидан бошқа ҳеч қандай алоқалари йўқ.

Сариқ миснинг (суфр) солиштирма оғирликлари нисбат чизиғи — олтинга кўра 46 бутун $\frac{5}{8}$ га тенг⁵. Аммо менда бунга нисбатан шубҳа бор. Фақат тажриба ва такрорий текширишларгина шубҳани кетказмоғи мумкин. Аммо вақт уларни аниқлашга имкон беради.

Оллоҳ ютуқларга эриштирувчидир.

ДАҒАЛ МИС — БАТРУЙ

Бу — мис. Унинг қизғишлиги унга кўрғошин қўшганлари ва уларнинг аралашиб кетганлари туфайли ўчиб кетган. Ундан ҳовонча, қозонча қуядилар. Агар аралашмага бронза (шибх) қўшилса, унда сариқ ранг устун чиқади. Бундай (қотишма) бронза қуйилмаси дейилади. Ундан шамдон, чироқ, ўчоқларга ишлатиладиган оловкурак, оташкурак, илмоқлар ясалади. Ундан яна масжидларда кўча бурчакларида ва бошқа жойларда ишлатиладиган сув идишлари қилинади. Менимча, бу отнинг маъноси, агар унда «т»нинг иккиланувини назарга олсак, — «ёмон мис» — бўлади. Чунки у қотишма сифатида чиқиндисимондир. У узоқ тоблана олмайди ва кучли оловга чидамайди. Гоҳо унинг

отини қисқартириб рўй¹ деб қўя қоладилар, «нуҳос»дан эса гоҳо хато қилиб «мис»ни келтириб чиқарадилар. Қўрғошин (усруб) ва мис (нуҳос) ўртасида қардошлик йўқ. (Масилан) қалай (расос) ва мис (нуҳос) ўртасидаги каби. Чунки биринчи қотишмадан олов таъсирида, айниқса, ёғ билан бирга — қўрғошин оқиб чиқиб кетади ва мис ўзи қолади.

Алкимёгарлар қўрғошинни Сатурн (Зухал) билан боғлайдилар. Лекин у пўк ва қўпол² (сайёра). Қизлар (сумбула) ундан нафратланадилар ва унга яқинлашмоқни истамайдилар, уни ўзларидан узоқлаштирадилар, у билан бирга бўлмайдилар.

ТОБЛАНГАН МИС — ТОЛИҚУН

Бир китобда толиқун¹ тўғрисида сўз бор, лекин маъноси берилмаган. Бироқ у ҳақда бирор ишонарли ва умидли гап кўрмоқ ё эшитмоқнинг ҳам иложи бўлмади. Тибга оид китобларда айтиладики, толиқундан ясалган мўйчиноқлар билан киприкларнинг ортиқчалари юлиб олинса, улар қайта ўсиб чиқмас эмиш. Яна дейдиларки, ундан ясалган кўзгуга қаралса, кўзга зарар етар эмиш ва кўз пардаси ҳосил бўлармиш. «Китоб аннаҳаб» китобида айтилишича, у бронза (шибҳ)дан олинади. «Тошлар ҳақида» китобида уни миснинг бир хили дейилган. Аммо қадимий одамлар уни ўткир захарли дори-дармонлар қаторига қўшганлар. У жисм ва қонга аралашса, зарар қилади (деганлар).

Модомики, биз шунгача етиб келдик, демак истаган мақсадга етдик, қилинган ваъдани бажардик. Китобни нимадан бошлаган бўлсак, шу билан тугаллаймиз. Подшоҳ Амир Саййидни қувватлаб, унинг давлатида яшовчи ва унга (Оллоҳга) интилувчи барча яралмишларга карамли, меҳрибон ва марҳаматли Буюк Оллоҳга мақтовлар билан (яқунлаймиз). Буюк султон, давлат машъали, миллатнинг қутби, халқнинг шону шавкати, то замонлар охирига қадар ва охиратда бахт унга ёр бўлсин. Чунки у истаган мақсадига етмоққа қодир ва муносибдир.

Китоб охирлади. Адолатли якка-ягона Оллоҳга мақтовлар бўлсин. Ҳазратимиз Муҳаммад (с. а. в.)га, у зотнинг оиласи ва барча саҳобаларига мақтовлар бўлсин².

ИЗОҲЛАР⁷

1. Истироҳат — Беруний китоб бобларини *тарвиҳа* деб атаган. Маъносини немис арабшуноси Э. Литтман «дераза, дарча, ҳаво кириб турсин учун туйнук» деб кўрсатган. (Orientalistische literaturzeitung 23, 1943. — С. 20) Берунийда «Боб» маъносида келади. Луғавий маъноси «эшик, дарвоза», яъни бир масаладан иккинчисига ўтишда билимнинг янги эшиги очилгандек. «Истироҳат» деб таржима қилганимизнинг сабаби шуки, ўрта аср муаллифларида илм йўлида эришилган хулосадан кейин кўнгил роҳат топади, деган анъана бўлган.

2. «Ахир, улар учун ўз «қўлимиз» иши билан чорва ҳайвонларини яратиб қўйганимизни кўрмадиларми?!» — Қуръон. 36-сура, 71—72-оятлар.

3. «Унга мақтовлар бўлсин...» — Қуръон. 43-сура, 12-оят.

4. «Биз кўрсатурмиз...» — Қуръон. 41-сура, 53-оят.

5. «... халақ қилди, яратди...» — Қуръон. 67-сура, 3—4-оятлар.

6. «Қанча-қанча белгилар (бердик)» — Қуръон. 12-сура, 105-оят.

7. Ал-Аъшо — Маймун ибн Қайс ал-Аъшо — жоҳилия даври араб шоири.

8. «(Эшитмоққа) кулоқ, кўрмоқ учун кўз, юрак...» — Қуръон. 17-сура, 38-оят.

9. Абу Таммом — Ҳабиб ибн Авс Абу Таммом ат-Тоъий (796—846 йиллар), бир неча тазкиралар муаллифи. Жумладан, «Катта Ҳамоса» тазкирасини тузган. Сурияда ва Мисрда яшаган Абу Райҳон Берунийнинг асарларидан бири Абу Таммом шеъриятига бағишланган.

10. Жамийл ибн Маъмар ал-Узро (701-йилда вафот этган) — жоҳилия даврининг машҳур шоири.

11. «(Сен)нинг қурбинг етурми» (ёки удалай олурмисан...) — Қуръон. 10-сура, 43—44-оятлар».

12. «... тун ва кунни йўқ қилмоқ ҳақида» — Қуръон. 28-сура, 71-оят

13. «Яратган (зот) — ўшал зотдир» — Қуръон. 7-сура, 189-оят.

14. «(Ўзи)нинг аломатлари...» — Қуръон. 30-сура, 21-оят.

15. «Унинг устига ташладилар...» — Қуръон. 15-сура, 19-оят.

16. «Сизларга фарз қилинган...» — Қуръон. 2-сура, 176-оят.

17. «Эзгу ишга тўсқинлик қилувчига (бўйсунма)» — Қуръон. 68-сура, 12-оят.

18. «Чиндан ҳам у қаттиқ...» — Қуръон. 100-сура, 8-оят.

19. «Билингки, ҳаёт...» — Қуръон. 57-сура, 19-оят.

20. Қуръон. 9-сура, 34-оят.

21. «Одамларга (бу дунё бойликлари) жозибали қилиб кўрсатилган...» — Қуръон. 3-сура, 12-оят.

22. «Йиғиб тўпловчи (бандалар)...» — Қуръон. 9-сура, 34-оят.

23. Мурувва, футувва — муслмончилик ахлоқининг савобли (эзгу) амал ҳақидаги икки ўзаро яқин тушунчаси: олижаноблик, жасорат, мурувват, меҳрибонлик, ғамхўр-

⁷ «Изоҳлар» қисмини тузишда рус олими А. М. Беленицкий томонидан «Минералогия» асари русча таржимасига берилган изоҳлар тажрибасидан тузатишлар ва тўлдиришлар билан фойдаланилди.

лик... XII асрда «Футувват аҳли»ни бирлаштирган мусулмон биродарлик ташкилотлари пайдо бўлиб, хунармандчилик устахоналари уюшмалари фаолиятига катта таъсир кўрсатган.

24. Жаҳзо ал-Бармакий — (936 йилда вафот этган) Аббосийлар сулоласининг илк халифалик даврларида вазирлик қилган. Бармакийлар хонадони элчиси.

25. Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний (888—907 йиллар) — Ўрта Осиёда IX-X асрларда ҳукмронлик қилган Сомонийлар сулоласининг 2-ҳукмдори. Наср билан тахт учун курашида Исмоил ғолиб чиқди.

26. Иъсом — Хийра подшоси Нуъмон саройининг мулозими.

27. «Нафсингиз сизларни чалғитди...» — Қуръон. 102-сура, 1—2-оят.

28. Хотам ат-Тойъий Абдуллоҳ ибн Саъд — жоҳилият даври араб шоири. Унинг саҳийлиги тилларда дostonга айланган.

29. Каъб ибн Мома ал-Аъдий — ўзининг саҳийлиги билан ном қозонган қулнинг исми. Унинг отаси ислом дини қабул қилиниши арафасида қабила бошлиғи бўлган.

30. Али ибн ал-Жоҳим ас-Сомий (вафоти 863 йил) — ҳажвчи шоир. Абу Таммомнинг дўсти. Келиб чиқиши Хуросондан. Халифа Мутаваккил саройида яшаган (Ислом энциклопедияси: Enciclopedie de l'Islam. Leyden-Paris, 1913—1938. — P. 287).

31. «Эҳсонларингизни исроф этиб, савобдан маҳрум бўлманг...» — Қуръон. 2-сура, 264-оят.

32. «Уларнинг ҳар икковидан (дур ва корал — денгиз «булути») чиқади...» — Қуръон. 55-сура, 22-оят.

33. «(Денгиздан) зебу зийнатлар олиб чиқинг...» — Қуръон. 35-сура, 13-оят.

34. «Улар айни ёқут (ва дур эрурлар...)» — Қуръон. 55-сура, 58-оят.

35. Абу Бакр Хоразмий.

36. Беруний асари қўлёзмасида кейинги тўрт қатор маъноси мавҳумлиги сабабли таржима қилинмай қолдирилди.

37. Халифа ал-Мутаваккил — Аббосийлар сулоласининг элчиси (847—861 йиллар).

38. Аш-Шийз — Эроннинг ғарбида Мароға ва Зинжон оралиғида Урмия (Берунийда Резоя) кўлидан жануби-ғарбда жойлашган қадимги шаҳар. Ҳозирги Тахти Сулаймон. Исломга қадар Шиз ўзининг зардуштийлик ибодатхонаси билан машхур бўлган. Ўрта асрларда Шиз фойдали қазилма бойликлари билан ном қозонган.

39. Ҳамдун ан-Надийм — IX асрда Аббосийлар саройининг юқори мартабали амалдорларидан бири.

40. Ибн ар-Руммо — Али ибн ал-Аббос ибн Журайж (Георгий ўғли). Румликнинг (Византиялик) ўғли Бағдодда туғилган. Ҳажвчи шоир. Шеърлар девони машхур бўлган.

41. Ибн Абу Марям — Абу Бакр ибн Абдуллоҳ. Машхур муҳаддис. VIII асрда яшаб ижод қилган.

42. «Эй, сизларким,...» — Қуръон. 5-сура, 8-оят.

43. Абдуллоҳ ибн Жаъфар Абу Толиб — халифа Али ибн Абу Толибнинг жияни.

44. Амир ибн аз-Зариб ал-Адвой — исломга қадар машхур бўлган донишманд.

45. Умар ибн Ҳаттоб — Муҳаммад пайғамбардан кейинги иккинчи халифа (634—644 йиллар).

46. «Либосларингизни покланг...» — Куръон. 74-сура, 4-оят.
47. Ан-Набиға — шу ном билан маълум икки шоир бўлган. Қуйироқда «Ёкут» бобининг 22-изоҳига қаранг.
48. Ҳасанийлар — Сириянинг жанубий қисмида VII-VIII аср бошларида мавжуд бўлган ва Византияга тобе насроний ҳукмдорлик сулоласи.
49. Бакр ибн ан-Наттоҳ ал-Ҳанафий — Ҳамадонда IX асрда ҳукмронлик қилган Дўлофийлар сулоласининг асосчиси Абу Дўлоф ибн Иъжлий саройида хизмат қилган маддоҳ шоир.
50. Дейлам — Эроннинг Каспий денгизи жанубида жойлашган вилояти.
51. Муъиз ад-Давла Аҳмад ибн Бувайҳ — 932—967 йилларда Ироқ ҳукмдори.
52. Алийлар — Халифа Али ибн Толибнинг авлодлари. Халифалик тахтига даъво билан чиқиб турган сиёсий оқим.
53. Ал-Мутийъ — Аббосийларнинг 946—974 йилларда халифалик қилган элчиси.
54. Фотима — Пайғамбар Муҳаммаднинг қизи, халифа Алининг хотини.
55. Раъис, омил, амир — ўрта аср мусулмон давлатларида амал қилган лавозимлар: шаҳар ҳокими, солиқ йиғувчи, лашкарбоши.
56. Хусравлар — Сосонийлар сулоласи подшоларига нисбатан араб манбаларида ишлатилган умумий атама. Баъзан Кисро (кўпликда Акосира шакли ҳам) учрайди.
57. Қурайшийлар — Макка арабларининг қабиласи. Пайғамбар Муҳаммад, дастлабки тўрт халифа, Уммавийлар ва Аббосийлар сулоалари Қурайш қабиласи вакиллари эдилар.
58. Тибет хоқони — қиёс қилинг: Тибет хоқони ҳақида Гардизий «Зайн ул-ахбор»да келтирган ривоят билан сўзма-сўз бир хил: «Тибет хоқони самодан тушган. Унинг совути нурдан» (Қаранг: И. И. Бартольд. Отчет о поездке в Среднюю Азию с научной целью в 1893—1894 гг. Сочинения. Т. I. М. - СПб., 1963).
59. Барахмахин — арабча матнда бу сўзни аниқ ўқишнинг имкони топилмади. Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида Барахматагин шаклида келган (Бируни Абу Райхан. Избранные сочинения. —Т. III: Индия. Ташкент, 1963. —С. 359—360). Шу муносабат билан А. М. Беленицкий Кобулда IX асргача ҳукмронлигини сақлаб турган қандайдир абдалиий (эфталит) ҳокимлик бўлган, деб тахмин билдиради (Ҳолбуки, бугун фан илк ўрта асрларда Тохаристон ябғулари ва Кобул Тегинларининг туркий сулоалари ҳақида илмий асосланган маълумотларга эга. — М. И.).
60. Ал-Бухтурий — Абу Уъбайда ал-Валийд ибн Уъбайд (819—897), машҳур шоир, «Кичик Ҳамоса» номли адабий тазкиранинг муаллифи.
61. Ой сайёрасининг Ғафр ва Зубано номи билан юритилувчи қантарлари (станслари). Булар ҳақида қаранг: И. Ю. Крачковский И. Ю. Асарлар, IV том. 38- ва давомий бетлар. Яна қаранг: Шумовский Т. А. Три неизвестные лостии Ахмада ибн Мажида. М.: 1957. — С. 141—143.
62. Баҳмон Ардашер Равондаст — Аҳмонийлар (Пешдодийлар) сулоласи подшоларидан Ардашер «Узун қўл». Мил. авв. 485—464 йилларда ҳукмронлик қилган.
63. Ал-Мансур — Аббосийлар сулоласидан иккинчи халифа. 754—775 йилларда халифалик қилган.
64. Ҳожиб — Аббосийлар ва бошқа Шарқ сулоалари саройларида олий мартабали амалдорлик унвони.

65. Ямин уд-Давла Маҳмуд — Ғазна давлатининг султони. 998—1030 йилларда ҳукмронлик қилган. Абу Райҳон Берунийни Хоразмдан ўзи билан олиб келиб, Ғазнада илмий марказ тузган. Маҳмуд Ғазнавий билан Беруний ўртасидаги муносабат ҳақида қаранг: А. М. Беленицкий. Краткий очерк жизни и трудов Беруни. «Минералогия»нинг рус тилига таржимасига илова қисми. М.: 1963. — С. 279 —291.

66. Меҳргон (Меҳржон) — Қадимги Турону Эрон юртлирида кузги ҳосил байрами.

67. Хоразм — Амударёнинг куйи оқимида жойлашган қадимги ўтроқ деҳқончилик маданий-тарихий воҳаси. Авестада (Меҳр Яшт, 14-банд) ва Аҳмонийлар сулоласидан Доро I (мил. авв. 523—486) давридан қолган қоятош битикларда Хварасми шаклида қайд этилган. Македониялик Александр босқинидан аввал бу ўлкада мустақил давлат бўлган. Хоразмни милодий 305—995 йилларда Африғийлар сулоласи бошқарган. 995—1017 йилларда Маъмунийлар сулоласи ҳукмрон бўлган. Шу йили Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни ўзига тобе қилган. Бироқ 1041 йилда Дананакон жангида Ғазнавийлар салжуқийлар томонидан тор-мор этилгач, сиёсий вазият ўзгариб, салжуқийлар Хоразмга ноиблик жорий этадилар. Ноиблик Ануштегинга топширилади. Бу шахснинг давомчилари Хоразмни яна бир бор мустақил давлатга айлантирадилар. Мўғуллар босқини арафасида Хоразм ўз тараққиётининг юксак поғонасида эди.

68. Масъуд — Ғазнавийлар сулоласидан ҳукмдор султон. 1030—1041 йилларда ҳукмдорлик қилган. Абу Райҳон Берунийнинг ҳомийси. (А. М. Беленицкий. Краткий очерк... — С. 283).

69. «Тутун куни...» — Лайлат ул-қадр туни кўзда тутилмоқда. Шу тунда Оллоҳ бир йиллик бўлажак ишларни ўлчаб ҳисобини қилиб қўяр экан. Қуръон. 44-сура, 3, 10-оятлар.

70. «... кули кўкка совурилган ҳолда нобуд бўладиган кун каби (қиёмат қоим кўзда тутилмоқда)... — Қуръон. 25-сура, 25-оят.

71. «Бироқ, Оллоҳ таолонинг иши... (аввалдан маълум)» — Қуръон. 33- сура, 38-оят.

72. «Масхарабозлар ҳисоби...» — ёки «Баҳдул ҳисоби». Бу тушунча манбаларда «тен-так, девона, масхарабоз» каби изоҳланган. Бироқ луғатларда бу лақаб Баҳдул ал-Мажнун Абу Вуҳайб номи билан машҳур маълум шахс сифатида тушунтирилади. Бу шахс Хорун ар-Рашиднинг замондоши бўлган (Einleitung. — S. 41).

73. Божком ал-Моконий — Аббосийлардан халифа ар-Розий даврида лашкарбоши бўлган. 940 йилда ўлдирилган (Enciklopedie de la Islam. I. — P. 716).

74. Абу Али Муҳаммад ибн Илёс — 930—966 йилларда Кирмон ҳокими. Фаолиятини қароқчилар тўдаси бошлиғи сифатида бошланган.

75. Кирмон — Эроннинг Форс қўлтиғига туташ жануби-шарқий вилояти.

76. Сўғд — Зарафшон дарёси водийси ва Қашқадарё воҳасида жойлашган ҳудуднинг қадимий номи.

77. Зарубон — Берунийнинг «Минералогия» китобида кўп марта қайд этган Жанубий Афғонистон ҳудудидаги жой номи. У ерда жавоҳирга бой конлар кўп деб кўрсатилган.

78. Асҳоб ул-Каҳф — Қуръоннинг «ал-Каҳф» номли 18-сурасига ишорат. Ривоят қилинишича, эфеслик бир гуруҳ одамлар император Деций даврида (251 йил) жазодан

қочиб, бир ғорда яширинган ҳолда ухлаб қолишган эмиш. Улар уйғонган пайтда эса император Феодосий II (446 йил) даври экан. Орада ўтган қарийб 200 йил давомида ўша одамлар ғорда уйқуда бўлишган экан. Бу ҳодиса илоҳий мўъжиза сифатида машҳур бўлган ва Қуръонда эслатилади.

79. Умар ибн абд ал-Азиз — Уммавийлар сулоласи халифаси. 717—720 йилларда халифалик қилган.

80. Марвонийлар — Уммавийларнинг ҳокимият тепасига 683 йилда келган тармоғи. Уларнинг биринчи элчиси Марвон I номи билан аталади.

81. Аббосийлар — араб халифалигининг иккинчи сулоласи. Бағдодда 750—1258 йиллар давомида ҳукмронлик қилган.

82. Мағриб — ҳозирги Тунис, Марокаш, Жазоир каби давлатлар ҳудудини, яъни Африканинг шимоли-ғарбий қисмини Мағриб деб аташ анъанаси бўлган. Беруний ҳам Мағриб сўзини шу маънода ишлатади.

83. «Ва уларга буюраман...» — Қуръон. 4-сура, 118-оят.

84. Маъдуд (Беруний матнида Маудуд), 1040(1041) —1050 йилларда ҳукмронлик қилган султон. Ғазнавийлар хонадони элчиси. Маъдуд ибн Масъуд ибн Маҳмуд ибн Сабук Тегин.

85. Абу Юсуф Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий — машҳур араб олими, файласуф. Халифалардан Маъмун ва Муътасимлар даврида Бағдодда саройда яшаб ижод қилган. Жавоҳиршуносликка оид бир неча асарлар ёзган. Беруний уларга ишорат қилади. IX асрнинг 70-йилларида вафот этган.

86. Наср ибн Яъқуб ад-Диноварий ал-Котиб — форс тилида «Минералогия»га оид китоб ёзган олим. Унинг асаридан Беруний кенг фойдаланган. Диноварий ўз китобини халифа ал-Қодир даврида яратган ва 1006 йилда унга пешкаш (тортиқ) қилган (Fihrist. — S. 316; Irshod. VI. — S. 74).

87. Птолемей — Берунийда Батлимус. Милоддан аввалги II асрда Александрияда (Мисрнинг Искандария шаҳри) яшаган юнон астрономи, географи. Беруний Птолемейнинг «География» асарида савдогар Маес исмли киши томонидан ёзилган Шарқ мамлакатларига оид географик маълумотлар асосли равишда танқид қилинганига ишора қилади.

ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР ҲАҚИДА

1. Минералогия китобида Беруний тилга олган шахслардан қуйидагилар ҳақида бошқа манбаларда маълумотлар учрамайди: Аъун ал-Иъбодий ва Бишр ибн Шаъдан Халифалардан ал-Маҳдий ва Хорун ар-Рашид даврларида яшаганлар (Beiträge, VIII. — P. 164), Сабоҳ, файласуф ал-Киндийнинг бобоси. Илк Аббосийлар хонадони саройининг тарғари бўлган; Абдуллоҳ ал-Хусайн ибн Аҳмад ал-Жассос — халифа ал-Муқтадир даврида сарой амалдори; Ибн Баҳлул Мажнун абу Вуҳайб ал-Куфий — Хорун ар-Рашид саройида заргар бўлган (қаранг, юқорида 76-изоҳ); Айюб ал-Аснод, Ибн Ҳаббоб, Раъс ад-Дуния каби исмлар бошқа манбаларда учрамади.

ЁҚУТ

1. Яхонт, русча адабиётда Шарқнинг ёқут сўзи **яхонт** шаклида ишлатилиши маълум. Бу ном остида Беруний ва умуман Минералогияда турли рангларда товланадиган корунд номли бир гуруҳ жавоҳир кўзда тутилади. Панжикент яқинидаги Муғ қалъа қасри харобаларидан топилган сўғдча ҳужжатлардан бирида ёқут **yaʼyut** шаклида учраган (Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. СПб., 2010. Док. В—9, Verso 1,7). Ёқутнинг таркиби Al_2O_3 дан иборат алюминий оксидидир. Қаттиқлиги олмосдан кейин иккинчи ўринда. Ажиб жилваланиши, ўзида нурни товлантириши жиҳатидан, рангининг шаффоф тиниқлиги билан ёқут қимматбаҳо тошлар орасида биринчи ўринда қадрланади. Тоза корунднинг ўзи рангсиз минералдир. Бу турдаги корунд (ёқут) оқ сапфир (лейкосапфир) деб аталади. Корунд таркибига озгина хром окиси аралашиб сингиган бўлса, ёқут тўқ қизил тус олади ва **рубин** деб номланади. Хром окисининг қай даражада қўшилгани билан боғлиқ рубиннинг ранги оч пуштидан бошлаб тўқ қизилгача ўзгаради. Корундга темир окиси аралашган бўлса, сариқ ёки оловранг товланувчи ёқут ҳосил бўлади. Сариқ ёқут шарқ топази дейилади. Агар корундга бир вақтнинг ўзида ҳам темир, ҳам хром окиси қўшилса ёқут мураккаб сариқ ва оловранг товланишли, жилвакор тус олади. Корундга темир ва титан моддаларининг окиси қўшилса тиниқ кўк, мовий рангли ёқутга айланади. Бу турдаги ёқут сапфир деб аталади. Сапфирнинг ўзи асосидаги корундга қўшилган окисларнинг миқдор-даражасига боғлиқ ҳолда деярли қора рангдан тиниқ кўк ранггача бўлади. Ёқутдаги кўк ва қизил рангларнинг чатишувидан унинг ранги тўқ қизилдан то бинафша ранггача ўзгаради. Бинафша рангли ёқут шарқ сафсари номи билан юритилади. Табиатда кам учрайдиган яшил ёқут Шарқда **зумрад** дейилади. Сапфирлар ва шарқ сафсарлари таркибида баъзан игнасимон қўшимчалар жойлашган бўлади. Булар ёқутга майин, ипаксимон товланиш бағишлайди. Бундай тошни маълум тарзда айлантириб товлантирилса, унинг қиррали олти томонга нур таратиб турган юлдузчага ўхшаб қолади. Бу каби жилвакор тошлар **штори-сапфир** деб аталади (ёқут ва унинг турлари, ҳосил бўлиш усуллари, таркибига хос маълумотлар А. М. Беленицкий томонидан қилинган Берунийнинг «Минералогия» китоби таржимаси учун Г. Леммлейн берган

иловадан олинган. Абу Райхан Бируни. Минералогия. Перевод А. М. Беленицкого. — М.: 1963).

2. «Улар аниқ ёқут ва дурлардир». Куръон. 55-сура, 58-оят. Куръонда ёқут ва маржон сўзлари келган. Беруний Куръондаги маржон сўзини **дур** деб шарҳлайди. Авом орасида маржон сўзи одатда денгиз коралига нисбатан ишлатилади. Маржон атамасини Беруний «**Дурлар**» бобида чуқур таҳлил этган.

3. «... ёқутларнинг қуйидаги турларини фарқлайдилар: оқ, кўк, сариқ ва қизил» — корунднинг ҳамма турларини бир ном билан яхонт деб аташ Сохта Арасту деб ном олган олим томонидан «Тошлар ҳақида битик» номли китобда жорий этилган (Қаранг: Г. Леммлейннинг Беруний «Минералогия»си русча таржима нашрига ёзган мақоласи // Абу Райхан Бируни. Минералогия. Перевод А. М. Беленицкого. — М.: 1963. — С. 325).

4. Ёқунд — корунднинг форсча аталиши. Қадимги рус манбаларидаги **яхонт** шакли форсий шакл таъсирида пайдо бўлаган. Ёқутнинг юнонча аталиши **βαχιδος**. Маъноси тўқ қизил тош ёки гиастинт гули (лотинча *hyacinthus*). Гул ва тош номининг бир хил аталиши Аполлон томонидан тасодифан ўлдириб қўйилган асотирий қаҳрамон Гиастинтнинг қони маъносида умумлашган ривоят асосида пайдо бўлган (Публий Овидий Назон. Метаморфоза. Книга Г. Г. Леммлейн мақоласидан).

5. Ҳамза ибн ал-Ҳасан ал-Исфохоний — X асрда яшаб ижод қилган Исфохонлик араб тили тарихчи олим.

6. Сабаж-Асмур. Бу сўзнинг маъноси маълум эмас. Бироқ Беруний бу сўзни ёқутнинг турли балолардан асрагувчи, ўлат касаллигидан асровчи тумор сифатида таърифланишида илмий асос йўқ демоқчи бўлиб ишлатган. (Бу ҳақда қаранг: Steinbuch. — S. 100): «Агар кимдаки ўзи билан ёқут олиб юрса, у бордию, ўлат касали қайнаб турган мамлакатга бориб қолса, у туфайли (ёқут сабаб бўлиб) касаллик унга тегмайди.». Ўрта Осиёда яқин вақтларгача ёқут ўлатни қайтаради, деган ишонч бўлган. Масалан, «Маҳзан ул-адвия» («Дорилар хазинаси») номли тиббиётга оид китобда «Кимки бир танга вазнли ёқутни ютса, у тутқаноқ ва ўлат касалидан холос бўлади», — деб ёзилган.

7. Падма-раг — санскритча падма «нилуфар», раҳа «қизил».

8. Nilufar — санскритча nilotpala «кўк нилуфар». Нилуфар сўзи ҳақида (Picture. — P. 111) ёзилган: «Ҳинд нилуфари кўк рангли бўлмайди, оқ ёки қизил бўлади... У Тохаристон яқинидаги ҳудудларда ўсади (Тохаристон ҳозирги Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубини ҳамда Афғонистоннинг шимолини эгаллаган туркий жабғулар бошқарган мамлакатнинг номи).

9. «Хабб ан-нил» — Indigofera Tinktoria. Кўк нилий бўёқ олинадиган ўсимлик. Марко Поло ўз «Китоби»да «Сизга айтсам, улар бир хил ўтни йиғадилар, идишга солиб сув билан тўлдириб сўнгра офтобга қўядилар. Қуёшда қизиб ўт қайнайди, пишади. Қуюқ бўтқага айланади. Уни идишдан олиб офтобда қуритадилар. Шундан нилий бўёқ оладилар». Қиёс қилинг: «Мафотих ул-улум». — Б. 170. Яна қаранг: «Хабб ан-нил — бу ҳиндларнинг қуртуми».

10. Баҳромон — қуйида 29-изоҳга қаранг.

11. Уржувон — арғувон. *Cercis Siliquastrum*. Тўқ қизил гулли бута дарахт.

12. Жулианор — анор гули. Анор гули ва анор мевасининг пўстидан бўёқ моддаси сифатида фойдаланилган. (Федченко. Путешествие... — С. 121).

13. Ироқ — ўрта асрларда Месопотамиянинг жануб қисмига нисбатан ишлатилган.

14. Жибол — ўрта асрларда Эроннинг Ҳамадон, Курдистон йўналишидаги ғарбий қисмига нисбатан ишлатилган географик атама.

15. Хуросон — Эроннинг шимоли-шарқий, ҳозирги Туркменистон ва Афғонистон билан чегарадош қисми. Араб истилосидан кейинги географик асарларда Хуросон тушунчаси кенг тушунилган. Унинг таркибига Амударёнинг чап қирғоғидан бошлаб Марв ноҳаси ҳам кирган. Халифаликнинг Хуросон ноиблигининг маркази Марв шаҳри бўлган.

16. Қирмизий — қуйида 53-изоҳга қаранг.

17. Хайрий — Ўрта Осиёда ўсадиган гулхайри. *Cheyrantus cheyri* (Kimiyo, 230).

18. Уъсфур — сафлор, қуртум сўзининг синоними (*Carthamus tinctorius*) Сарғиш-жигаранг, қизғиш-бинафшаранг бўёқ беради. (Федченко. Путешествие. — С. 121).

19. Зардож — сафлор гулининг шарбати (Kimiyo, 391).

20. Нашоштаж — крахмал. Форсий сўз. Ивигилган бугдойдан тайёрланган. Оддий тилда нашоъ дейилади (Kimiyo, 124).

21. Жамрий — Беруний гулхайри ва жамрий гулларини ал-Киндий таърифи асосида келтириб, тошнинг рангини ўхшатишда фойдаланган.

22. Ан-Набиға ал-Жаъдий — Абдуллоҳ ибн Қайс абу Лайло (вафоти 684 йил). Жаъда ибн Каъб қабиласидан. Ҳира (Жанубий Месопотамияда исломга қадар Сосонийлар Эронига тобе маҳаллий ҳукмдорликлардан бири)да сарой шоири бўлган.

23. Ровуқ — май (мусаллас)ни чўкиндилардан тозалашда ишлатилган катта сузғич идиш.

24. «Қанча май...» — ал-Аъшонинг бу байти ўз даври одамларига ҳам тушунарли бўлмаган кўринади. Бу байт Ибн Қутайбанинг «Китоб аш-шеър» асарида келтирилган. «Ар-Раёший ал-Аъшанинг биографи (ҳаётномасининг муаллифи) ал-Уъбайд тилидан менга айтиб бердики, «Мен бир куни сўрадимки, сен бу байтингда нима демоқчи эдинг, айтақол энди. У жавоб берди: «Мен уни қизил ҳолда ичдим, оқ рангда ажратиб чиқардим». Муаллиф давом этиб айтдики, *жарёл бу ранг, бўёқдир*» (Ибн Қутайба. Китоб аш-шеър. Ed. Lt Goie. Leyden. 1904. — P. 138).

Ўшал Бобилда бўлмиш майларда қанчалик май бўлган эди

Эҳсонга сўйилган қурбонлик қони каби (жарёлни)нг рангин ўчирди.

25. Ал-Ҳалил ибн Аҳмад — (Барсада 790 йилда вафот этган). Филолог олим, биринчи араб тили луғати «Китоб ал-Айн»ни тузган.

26. Ас-Сорий ар-Раффаъ — араб шоири. 970 йилда вафот этган.

27. Хасакфар, хасак — Қазвинийга кўра (Космография. I. — P. 279) бу сарғиш рангли ўсимлик бўлиб, юмалоқ тиканлари бўлади. Видеман (*Beiträge*. IV. — P. 298) уни *Tribullus terestris* деб атайди. «Ғиёс ул-луғат»нинг Бухоро тошбосма нашрининг 285-бетида **хиск** шаклида берилган. Қиёс қилинг: *Abu Hanifa*, 28).

28. Аъндом — Видеман (*Beiträge*, IV. — P. 341)да айтишича, бу атама **аъйн** ва **дом** сўзларидан тузилган. Маъноси «Қон булоғи». «Аждаҳо қони» деб аталмиш лотинча *Protokarpus Draco* дарахтидан ажраладиган шарбатнинг номи.

29. Баҳром, бахрамон, бахрамаж — Тайфошийнинг фикрига кўра, (Fior. — P. 10) бахрамон **уъсфурнинг** синоними. Ибн Байторуга кўра (Traité. — P. 14) хилофи балхийдир. Яна қиёс қилинг: Сайдана (Picture. — P. 113): Баҳром тунда ўз барглари ни поясига ёпиштириб тахлаб олади. Кун ўртаси пешинда барглари ёйилади. Унинг (баҳромнинг) кўриниши икки хил. Бири тиниқ қизил тусли, иккинчиси эса яшил ва онда-сонда ғунча тугади. Буни «хилофи балхий» дейдилар (Қиёс қилинг: Abu Hanifa, 28).

30. Кусунб — санскритча kusumbha «кармин» (Lapidaires. — P. 27).

31. Ранф — чўл ёсумани (Caesalpinia elata L., қаранг: Dozy, II. — P. 561; қиёс қилинг: Abu Hanifa, 37).

32. Абу Ҳанифа ад-Диноварий — (вафоти 900 йил) деҳқончилик, ўсимликшунослик, мантиқ, тарих ва бошқа илм соҳаларига бағишланган асарлар муаллифи. Беруний унинг «Ўсимликлар ҳақидаги китоб»и ҳақида хабар берган. Бу асарнинг сақланиб қолган қисми Б. Левин томонидан нашр қилинган (B. Lewin. Uppsala, 1953).

33. Хилофи балхий — Абу Мансур бу дарахтни форсча қилиб **бед, шоҳбед** ёки **сафсаф** деб атайдди. Беруний ҳам «Сайдана»да (Picture. — P. 119) сафсаф ёки оқ бед деб атайдди (бед сўзи ўзбекчада **тол** дейилади. — М. И.). Оқ тол, қора тол, самбит тол каби турлари бор. Гуллаган пайтида беднинг шарбати ва танасидан чиқадиган елими йиғиб олинган. Федченконинг фикрича бу верба бутаси — Salix alba (Путешествие. — Б. 123).

34. Озарийун — форсча озаргун. Олов ранг, Calendula officinalis (Ўзбекча «тирноқгул». — М. И.). Ўрта аср муаллифлари бу ўсимликни турлича таърифлайдилар. Нувайрий уни сариқ рангли ҳидсиз гул деб атайдди (Beiträge. IV. — P. 174). Ибн Байтар уни ўртасида қора нақшли тилларанг гул деб атайдди. У яна дейдики, бу гул Қуёш томонга юз тутиб бирга айланади ва тунда юмилиб туради (Traité. — P. 301).

35. «... барглари танасига ёпишиб йиғилади...» — сўз бораётган дарахтнинг бу ноёб хусусияти ҳақида юнон муаллифлари ҳам ёзишган. Феофраст жумладан бундай ёзади: «Арабистонда яна бир дарахт борки, унинг барглари гулники каби қалин. Тунда улар ғужанак бўлиб йиғилади, Қуёш чиқишидан бошлаб ёзила бошлайди ва кун ўртага келганда тўлиқ очилади. Кечга томон яна аста йиғила бошлайди... (Феофраст. — P. 139). Қазвиний (Kosmographie, I. — P. 25) асарида озарийун деб ёзади ҳамда **хирва** деган номни ишлатади (лотинча Reginus communis) ва бу ҳам озарийуннинг хусусиятларига эга, дейди.

36. Суффаъ — Cresson alenais ёки Cresson de fontaine (Traité, I. — P. 332).

37. Хурф — маданий ўсимлик (Lepidum Sativum). Қаранг: Канон. II. — С. 260.). Абу Мансур (Codex. — P. 60). Бу ўсимлик сипандонак деб ҳам аталган. (Қиёс қилинг: Abu Hanifa, 28).

38. Баққам — ҳозирги луғатларда одатда «Бразилияга хос» ўсимлик деб таржима қилинади ёки капеш дарахти дейилади. Аслида, бу дарахт Америка кашф этилишидан аввал Малай оролларида ўсадиган дарахтни англатгани Леклерк томонидан аниқланган (Traité, I. — P. 245). Caesalpinia Sappana L. турига мансуб. Ундан кенг тарқалган бўёқ тури олинган. Ўрта аср манбаларида бу дарахт ҳақида маълумотлар кўп учрайди (Relations. — P. 156 ва кўрсаткич қисмидаги изоҳ; BGA, IV. Кўрсаткич). Беруний «Сайдана»да бу ҳақда ёзади: «Унинг ўсадиган ери Ламури ороли (Малай оролларида бири). У ердан бамбук ҳам келтирилади. Барглари худди рутанинг барглари каби ишлати-

лади. Меваси рожковой дарахт мевасига ўхшайди. Лекин уни еб бўлмайди. Бу дарахт-ни экиб кўкартирилади. Фақат харидор келсагина кесишади». Ибн ал-Фақиҳ (BGA, IV. — С. 10) унинг илдизлари ишлатилиши биланоқ заҳарнинг таъсирини йўқотади, деб ёзади.

39. Ал-Ажжож — Абдуллоҳ ибн Руъба (646—715). Таамим қабиласидан чиққан шоир. Аббосийлар сулоласи ҳукмдорларининг маддоҳи бўлган.

40. Сазаб — рута (*Ruta graveolius*). Қаранг: Abu Hanifa, 37.

41. Санфир — Сиам оролининг арабча аталиши. Ҳиндча Чампа. Ҳозирги Таиланд.

42. Айдаъ — Видеманнинг фикрича бу суқатра тилига мансуб ва «Аждар қони» маъносига эга.

43. «Ака-ука қони» — бўёқнинг номи арабчада «дам ал-аҳовайн». Сурёнийча *дема датенинанин*г арабча таржимаси. Аслида, юнонча *titanoiv* сўзидан келиб чиққан.

44. Сиёвуш — (Авеста китобида Сияваршан. — М. И.). Фирдавсийнинг «Шоҳнома»-сида Турон подшоси Афросиёбнинг куёви. Эпик асотирий қаҳрамон. Ҳасадгўйларнинг туҳмати билан фожиали ҳалок бўлган.

45. Панду ва Куру — ҳиндларнинг «Маҳобҳорат» достонида икки ўзаро душман шоҳона авлоднинг номлари. (Достоннинг бошдан-оёқ мазмуни шу икки уруғ ўртасида тахт учун курашдан иборат. Воқеаларнинг ривож тарихий жараёнларга ишорат қилади — М. И.).

46. «Мажистий» — Европада Птолемейнинг машҳур «Алмагест» номли астрономияга оид асарининг арабча номи. Беруний бу сўзни юнонча эмас деб изоҳлаган. Бироқ бу сўз юнонча «ўта буюк» маъносига эга ўзакдан ясалган. Птолемейнинг бу асари, аслида, «Алмагест» деб аталмайди. Араб таржимонлари унга шундай ном беришган (И. Ю. Крачковский, IV. — С. 76).

47. Ибн Дўрайд — Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Аътоҳйа ал-Аздий (837—933), филолог, араб тили луғатларининг тузувчиси (EI, II. — P. 396).

48. Амр ибн Қулсум — қасидалари энг қадимги араб шеърятини антологияси «Муъаллоқот»га кирган, исломга қадар яшаган араб шоири.

49. Рум — мусулмон Шарқи муаллифлари Византияни шу ном билан атаганлар.

50. Сур — Финикиянинг Тир шаҳри араб манбаларида шундай аталган. Бу шаҳар денгиз чиғаноқларидан (*Murex bzandaris* ёки *Murex trunculus*) тиниқ кўк бўёқ ишлаб чиқариш бўйича қадимги марказлардан бири бўлган.

51. Янол дуалист (эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий кураш ғоясига таянган олимнинг лақаби) — Моний динига эътиқод қилувчилар бу диннинг моҳиятига кўра, дуалист дейилади (қаранг: 66-изоҳ). Бу исм туркча. Моний дини уйғурлар орасида кенг тарқалгани сабабли А. М. Беленицкий бу исмни уйғурларга мансуб деб тушунтирган. Ваҳоланки, Йинол, Янол исмлари фақат уйғурларга хос эмас, балки умумтуркий исмлар қаторида туради (М. И.).

52. Жолийнус — машҳур юнон врачлари Гален Клавдийнинг арабча номи. Унинг кўплаб асарлари араб тилига таржима қилинган ва кенг фойдаланилган.

53. Қирмиз — ўрта асрларда машҳур қизил рангли бўёқ. Бу ҳақда Берунийнинг «Сайдана» (Picture. — P. 120) асарида қуйидаги сўзлар ёзилган: уни (қирмизни) Озарбайжон

ва Жанубий Эрондаги Доробжирдда ўсадиган қирмич дарахтида пайдо бўладиган қизил рангли куртдан олишади. Бу куртни кирм дейишади. Уни дарахтлардан қириб олиб, уржувоний номли бўёқ тайёрлашган. «Сайдана»нинг 130-бетида ёзилган: «Қирмиз» ипак қуртига ўхшаган курт бўлиб, катта бўлгач ўзидан сўлак ажратади ва пилла ўрайди. Пилласи қизил рангли. Бу куртни бўёқчиларнинг қурти деб аташади. Араб географик адабиётида Арманистон қирмиз бўёғининг ишлаб чиқариш маркази деб кўрсатилган. Ибн Ҳавқал қирмиз ҳақида Беруний маълумотлари билан бир хил хабар берган. (BGA, II. — P. 244). Мақдисий (BGA, III. — P. 373, 380) қирмиз ерда бўлади, — деб ёзади. Аёллар уни териб мис баркашларда қуритадалар. Тайёрланган бўёқ билан ипак, жун ва бошқа матоларни бўйядилар, деб ёзади.

54. «... Ёқутнинг нуқсонлари» — Беруний ёқутнинг нуқсонлари тўғрисида билдирган фикрлар Тайфоший маълумотлари орқали етиб келган. Унинг айтишича, ёқутнинг икки хил нуқсони бўлади. Биринчиси, ёқут бўлагида дарзлар бўлса, иккинчиси «қуртлаган» ёқутлар дейилади. Бу хил ёқут бўлаклари сиртида майда чуқурчалар бўлиб, уларнинг ичига куртлар жойлашган бўлади. Қуртларни чуқурчалардан чиқарилса улар дарҳол ўлиб қолади (FIOR. — P. 11; Essay. — P. 44).

55. Ҳармал — Piganos Harmala. Абу Мансур бу ўсимликни *сепанд* деб атайди. Лотинча номи ruta sellivsters (Kodeks. — P. 93). Берунийнинг «Сайданаси»да (Pictur. — P. 117). «Бу жуда фойдали доривор ўсимлик. Заҳарланиш ва айниқса, ҳалокатли заҳарларга қарши кучли даво. Туркистон тоғларида ўсади». Ал-Киндий ҳармалиёт шаклида қўллайди. Бу ҳармал сўзининг кўплигидир. Ҳиндча ҳирмала «*доғ*» деган сўздан бўлиши мумкин. «Lepidaires, P. XXX; қиёс қилинг: Beiträge, XXX. — S. 213.

56. Кунжада — ушбу сўз учраган жумлада лотинча номи Sesamun Endicum номли ўсимлик кўзда тутилганми, аниқ бир нарса дейиш қийин. Ўзбек тилидаги кунжут сўзини эслатади (таржимон. — М. И.).

57. Асийн — бу сўзга изоҳ топиш мумкин бўлмади, бошқа манбаларда учрамайди.

58. Маъдин — бу сўзнинг келиб чиқиши аниқ эмас. Балки Беруний асарининг кўчирмаларида хато ёзилгандир. Арабча маъдан сўзини эслатади.

59. Сарандиб — Цейлон оролининг арабча аталиши. Ҳиндча Senhaladivira сўзидан. «Арслонлар макони» маъносига эга. Сарандиб оролининг бошқача номлари ҳам бор: Саҳила, Сеялон, Селам, Цейллум. Ибн Мансур уни Саҳаран деб атаган. XV асрга оид рус алифбоси «Азбуковник»да Сарандиб Саллаби деб аталган. Юнонлар ва Римликлар Тап-робона деб аташган. Санскритча Тамрапарна номли бандаргоҳ номидан олинган. Луғавий маъноси «мис» парчаси демакдир. Бироқ, бу ўринда мис ҳақида сўз бормайди, балки сандал дарахти кўзда тутилган.

60. Ҳирканд — Бенгал кўрфази.

61. Каранфул — хушбўй ва шифобахш ўсимлик, тиканакли дарахтнинг биқинида ҳосил бўлади (Caryophylus aromaticus).

62. Ал-Ваъва ад-Димишқий (999 йилда вафот этган) — араб шоири. У ҳақида қаранг: И. Ю. Крачковский, Абу-л Фараж Димишқий (СПб., 1914).

63. Абу Нувос ал-Ҳасан ибн Нувас (тахминан 814 йилда вафот этган) — Халифа Хорун ар-Рашид ва Аминлар даврида сарой шоири.

64. Сохта Аристотелнинг «Тошлар ҳақида китоб» асари. Қаранг: Г. Леммлейн. Минералогические сведения в трактате Бируни. Приложение к русскому переводу А. М. Беллинцкого «Минералогии» Бируни. М.:1963. — С. 407.

65. Ал-Жоҳиз — Абу Усмон Умар ибн Бахр ал-Жохиз. Басрада туғилган, лекин Бағдодда яшаб 869 йилда 90 ёшида вафот этган. Фаннинг турли соҳаларига бағишланган асарлар муаллифи. Шу жумладан «Минералогия»га бағишланган асарлари ҳам бор.

66. Монийчилар — 276 йилда қатл этилган Моний таълимотининг издошлари. Моний ўрта асрларда Яқин Шарқ, Жанубий Европа, Марказий Осиё ва Узоқ Шарқ ўлкаларида кенг ёйилган дуалистик динга асос солган. Бу диннинг асосий ғояси ҳайвонларни ўлдиришни тақиқлашдан иборат бўлган. Ислом дунёсида бу дин тарафдорларини «зиндиқлар» дейилган. (Бироқ, зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестага ёзилган ўрта форс паҳлавий тилидаги шарҳлар «Занд» деб аталган. Бу китобдан фойдаланганлар ҳам **зиндиқлар** дейилган. — М. И.).

67. Аш-Шофиъ — имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрийс аш-Шофиъ. 767 йилда туғилган. Ислом динида шофеъийлик мазҳабининг асосчиси.

68. «Ҳайвонлар ҳақида китоб» асарида олинган бу ҳикоянинг арабча матни ва русча таржимаси В. Р. Розен томонидан **зиндиқ** сўзининг талқини масаласидаги илмий баҳс муносабати билан «Записки Восточного отделения» тўпламининг IV жилдида нашр этилган. Бу мақолада «зиндиқ» сўзини Будда динининг роҳибларига тегишли деб ҳисоблаган. Бироқ, Беруний зиндиқ сўзи монийчиларга тегишли эканига шубҳа қилмайди.

69. Абул-Қосим ибн Бобак — Абул-Қосим Абд ас-Самад ибн Бобак. Журжон шаҳридан чиққан шоир. X асрнинг иккинчи ярмида яшаган.

70. Нагаз — матнда Багаз. «Минералогия»нинг А ва Б нусхаларида Багаз. Бироқ, С нусха бўйича Нагаз деб ёзилган. Бу сўз Цейлондаги жой номи (Memorie. — P. 109).

71. Дийб — санскрит тилида dvīpa. «Орол» маъносига эга.

72. Дийбажот — дийб сўзининг кўплик шакли. Араб географик адабиётида Малдив ва Лакадив ороллари шундай аталган. «Хитой ҳақида маълумотлар» китобида шундай дейилган: Бу оролларнинг энг охиригиси Сарандиб Хирканд кўрфазида жойлашган. Сарандиб бу оролларнинг энг каттаси. Аҳолиси уни «Дибажот» деб атайдди. (Ahbor, 5). Шундай қилиб, Цейлон ороли ҳам шу ороллар туркумига тегишли ҳисобланади.

73. Амр ибн Аҳмар (666—750) — Уммавийлар даври шоири.

74. Мандаробатан — Пандия сулоласи пойтахтининг ҳиндча номи. Мандурфатан — Мадрас вилоятининг ҳозирги Мадуро шаҳрига тўғри келади. Шу сўздан Птолемей ва бошқа антик муаллифлар Тапробана деб келтирган ном пайдо бўлган. Ушбу муаллифлар Тапробана ороли деганда Цейлон ва унинг жануби-ғарбий чеккасида жойлашган ярим орол ва бандаргоҳни кўзда тутишган (Pelations. — P. 107; қиёс қилинг: юқоридаги 59 — изох).

75. Чола — ҳозирги Корамандел деган жанубий ҳинд ҳудудида ҳукмронлик қилган қадимги сулола. Райнонинг тахминига кўра, (Memoire, — P. 284) бу сўз Tchola ёки Tchora ва Mandalan сўзлари «Чола мамлакати» деган маънони билдирган.

76. Бийжовар — сўзнинг бундай ўқилиши асарнинг ношири томонидан тахминан киритилган. Менералогиянинг С қўлёзмасида нажовар деб берилган. В қўлёзмасида де-

акритик белгиларсиз ёзилган. А қўлёзмада эса шаҳар номи ўрнида феъл шаклида «ўт-моқ» (to cross) сўзи берилган.

77. Саялон — ёки Сийлон — Цейлон сўзининг арабий матндаги шакли. (Қаранг: 59-изоҳ).

78. Балакарон — бу ном бироз ўзгарган шаклда бошқа муаллифларда ҳам учрайди. Масалан: Димишқий «Балажара» деб атайди. Бу Цейлондаги шаҳар. Шу муаллифларнинг ўзи Болачарам сўзи остида Цейлондан 14 фарсах масофада жойлашган оролнинг номини кўрсатади (Relations. — P. 378, 14-изоҳ; Яна қаранг: шу асарнинг 383 бети, 8-изоҳ)

79. Рўнак — бошқа манбаларда учрамайди (Қаранг: 86-изоҳ)

80. Барқ — бу сўз географик атама ёки бирор сифатни билдиради. Зеро, барқ сўзи арабча «чақмоқ» демакдир.

81. Ободон — ўрта асрларнинг Дажла ва Фрот дарёларининг бирлашган ўзани кўр-фазида Араб денгизига қуйилиш жойидаги бандаргоҳларнинг номи. Ҳозирги Аъбадон шаҳри жанубий Эрондаги нефть конларининг маркази ва бандаргоҳидир.

82. Хашабод — «Mafoth» китобининг 124-саҳифасида денгизга тунда кемаларнинг узоқдан кўринишини кўзлаб, тахтадан ясалган сол устига ўрнатилган устунлар маъносига эга (Қаранг: Бартольд. Историко-географический обзор Ирана. Сочинения. Т. III.). В. В. Бартольднинг кўрсатишича, Хошобод сўзи фақат обод бандаргоҳларга нисбатан қўлланган.

83. Ал-Искандария — Мисрдаги Александрия шаҳрининг арабча аталиши. Ундаги қадимги Фарос маёғи туфайли ўрта асрларда бу шаҳар машҳур бўлган.

84. Ал-Масъудий — Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Ҳусайн-ал-Масъудий (вафоти 956 йил) йирик араб тарихчиси, географ ва сиёсатчи. Кўплаб асарлар муаллифи. Беруний томонидан келтирилган «Китоб масолик-ал-мамолик ва-л» асари бу муаллиф асарининг рўйхатида саналмайди.

85. Рохун — Цейлонда Одам Ато чўққиси билан машҳур тоғ (Қаранг: P. Раквон, 59-изоҳ).

86. Рунак — Рохун сўзининг маъноси деб ҳисоблаш ишончли эмас.

87. Саҳон — бошқа манбаларда бу сўз учрамайди.

88. Аз-Забаж — Суматра оролининг яваликлар тилида айтилиши (Relations. — P. 11,13).

89. Яшил тоғ — маълум араб тили тафсифий географик адабиётлардан бу ибора учрамайди. Яшил тоғ деб бирор тоғ махсус аталгани ҳам маълум. Бу ибора Птоломейнинг «География» асарига ишланган харитадан олинган бўлиши мумкин. Масъудийнинг ёзишича, Птоломей тоғларни қизил, сариқ, кўк ва бошқа ранглар билан тасвирлаган. (И. Ю. И. Ю. Крачковский. Арабские географы... Известия государственного географического общества, 1937, V. — С. 744).

90. Форуйкун — маълум қўлёзма ва луғатларда бу сўз учрамайди. Балки бу сўз Ғорий-кун сўзининг ногўғри кўчирилган шаклидир. Агар шундай бўлса, бу *Agaricus poliporius officinalis* ўсимлигининг номи бўлади (Beitrag, XXVI. — S. 230; Қиёс қилинг: Ибн Сино «Тиб қонунлари», II жилд. Русча нашрида 673-бет).

91. Созаж — *Cinnamomum Citriodorum* («Тиб қонунлари» II. — Б. 440).

92. Филлан, Қандабир — Беруний бу сўз остида юнонча «Дарахт барги» сўзини кўзда тутган бўлса керак. Шу билан бирга *Merkuialis Malabathron* ва бетел ўсимликларини ҳам аниқлатган. Қандобир сўзининг маъноси аниқ эмас. Умуман бу жумланинг яхлит маъноси ҳам у қадар тушунарли эмас.

93. Новнинг эгаси — матнда Нов-худо шаклида келган. Беруний бу сўзни икки қисмга, — нов ва худо сўзлари деб қўшма сўз маъносида тушунтирган. Луғавий маъноси — «кема эгаси» деганидир (*Islamic Culture, Hyderabad, XV, 1941, 4. — P. 437*).

94. Букайир аш-Шомий — матнда ас-Сомий. Асарнинг кейинги саҳифаларида ҳам шу шоирнинг шеърларидан намуналар келтирган. В нусхада унга нисбатан ан-Насабий. Муаллифлардан бири Ҳошмий уни Бакр аш-Шомий деб атайдди, яъни уни суриялик деб ҳисоблайди. Бошқа манбаларда бундай изоҳ учрамайди (*Qullen. — P. 30*).

95. Мош — Ўрта Осиёда кенг тарқалган мош ўсимлиги (лотинча номи *Phasolus Setulosus*).

96. Уъшар — лотинча ўсимлик номи *Asclepius Gigantea* (*Treatise, II. — P. 443*).

97. Ал-ғазо — луғатларда томарис ўсимлигининг номи шундай берилган. Ўрта Осиё чўл ва саҳроларида ўсадиган саксовул бутаси ҳам шу ўсимликка тааллуқли (*А. П. Ковалевский. «Книга Ахмеда ибн Фадлана о его путешествии на Волгу 921—922 гг.» Харьков, 1956. — С. 173. 119 — изоҳ*).

98. Ар-Роъий — VIII аср бошида вафот этган шоир. Ал-Жорийнинг замондоши.

99. «Жоуграфийа» ёки «Жавографийа» — Птоломейнинг «География қўлланмаси» асарининг номининг Беруний асаридаги шакли.

100. Ёқутлар ороли — Цейлон оролига нисбатан турли манбаларда учрайдиган ташбех (*Reations. — P. 115, 347, 395*). Райнонинг фикрича ҳам шу Цейлоннинг сифати (*Memorie. — P. 180*). Козма Индикоплов томонидан бу орол Геацинтлар ороли дейилган. Хитой саёҳатчиларининг маълумоти бўйича ҳам «Қимматбаҳо тошлар ороли» дейилган. Санскритча *Harivasna* асарида Цейлон *Patna divira*, яъни «Қимматбаҳо тош ороли» деб аталган. Араб географларининг хабарига кўра, Беруний бу сўзни бошқа оролга тенглайди деб ҳисоблайди (*И. Ю. И. Ю. Крачковский, IV. — С. 96*).

101. Яшил денгиз — ўрта аср географик адабиётида бир қатор денгизлар шундай аталади. Бу ўринда Ҳинд океани ҳақида сўз бормоқда.

102. Дива ва Ява — Малай ороллар туркумидаги икки оролнинг номи.

103. Ҳажжож ибн Юсуф — Ироқ ноиб ва ҳарбий лашкарбоши. Уммовий халифалар Абдулмалик ва Волидлар даврида хизмат қилган.

104. Дайбул — санскритча *Devalaia* (*Memoria. — P. 170*). Ҳиндистон ярим оролининг ғарбий қирғоқларда жойлашган асосий бандаргоҳ. Ҳинд дарёсининг Карочи шаҳри яқинида, Ҳинд океанига қуйилиш жойида.

105. Бавориж — биржа сўзининг кўплик шакли, ёки (қайиқ) маъносидаги баржа сўзининг кўплиги. Гужарат вилоятининг океан қирғоғи атрофида сузиб юрган қароқчилар шундай қайиқлардан фойдаланишган (*Книга Марко Поло. — С. 225*).

106. Ал-Муътасим — Аббосийлар сулоласи халифаларидан бири (833—842 йиллар).

107. Дохир ибн Жажа (ёки Чача) — бошқа араб манбаларида Саса. Араблар босиб

олган пайтда Ҳиндистоннинг шимолида ҳукмронлик қилган маҳаллий сулола (VIII аср боши. Memoria. — P. 175).

108. Синд — ҳокимлиги ҳинд географиясига кўра, тўққиз вилоятга бўлинган Ҳиндистон ярим оролининг умумий номи. Ҳиндча Sindhan сўзидан олинган. Араб географияси Синд деб Балужистонни ва Ҳинд дарёсининг қуйи оқимини айтишган ва Синдни Ҳиндистон атамасидан ажратишган (Hudud. — P. 372, Memoria. — P. 118).

109. Муҳаммад ибн ал-Қосим ибн Мунабих ас-Сакофий — халифа Волид (705—715) даврида Ҳиндистоннинг шимолини араблар босиб олган пайтда лашкарбошилиқ қилган (Beladsori. — P. 435—440).

110. Аркан жадвали — география ва астрономияга оид қадимги Ҳиндистоннинг (Khand Khandyaka) номли асари Беруний томонидан шундай аталган. Бу асар мелодий IV асрда ҳинд олими Брахмагупта томонидан ёзилган.

111. Брахманобод ёки Мансура — Беруний бу икки атамани бир маънода қўллайди. Бошқа манбаларда Бахманобод. Ҳозирда бу шаҳар вайронаси Ҳинд дарёсининг қуйи оқимида, Хайдаробод шаҳридан 47 мил масофада жойлашган (Hudud. — P. 372).

112. Мултон — Ҳиндистон шимолидаги Панжоб вилоятининг қадимги йирик шаҳрининг номи. Ҳинд дарёси Женаб ирмоғи чап қирғоғида жойлашган.

113. Фарж-аз-заҳаб — қаранг: Elliot. The History of India. London, 1867. — P. 82.

114. Адит — Ҳиндистоннинг Aditya номли Қуёш маъбудаси, худонинг онаси деб улуғланган. Қаранг: W. I. Bilkins. Hindu Mythology. Calcutta. — P. 17).

115. Ал-Муқтадир — Аббосийлар сулоласи халифаларидан бири, 908—932 йилларда ҳукмронлик қилган.

116. Хакам ибн Шайбон — матнда шундай. Бироқ, С кўлөзмада Ҳалам ибн Шайбон. Мисрнинг Фотимийлар сулоласи элчиси Муъизнинг амалдорларидан бири. Ҳижрий 354 йилда (мелодий 995) Мултон вилоятини босиб олган.

117. Ғазна — Кобул шаҳрининг жануброғида жойлашган шаҳар. X-XI асрларда Ғазнавийлар давлатининг пойтахти.

118. Ҳирот — ўрта асрларда Ўрта Шарқнинг йирик шаҳри. Бир қатор сулолаларнинг пойтахти бўлган.

119. «... мўъжаз ёйсимон шаклда ...» — матнда маъноси аниқ эмас. Афтидан, бу ўринда корамтир тусли тошга тирноқсимон шаклда ишлаб бериш кўзда тутилган. Бундай тош бир томони ботик, иккинчи юзаси бўртиқ шаклга кирган (Г. Леммлейннинг «Минералогия» китоби русча нашрига илова қилинган мақоласида изоҳ берилган).

120. «Вазннинг икки баробар кўпайиши нархининг икки баробар ортишидир» — бу ўринда жаҳон илмий адабиётида биринчи марта математик квадрат тушунчаси қимматбаҳо тошларнинг нархларида ишлатилган (Г. Леммлейннинг юқоридаги мақоласидан).

121. Шақоъиқ ан-Нуъмон — форс-тожик ва ўзбек тилидаги «лола» Берунийда шундай аталган (Kosmographie. — P. 688). Лоланинг Ўрта Осиёда кенг тарқалган тури. Лотинча номи *Anemane stellata* Lam ёки *Anemone coronaria* (Beitrag, XVII. — P. 54).

122. Абдул-Малик ибн Марвон — Уммавийлар-сулоласининг халифаларидан, 680—705 йилларда ҳукмронлик қилган.

123. Каркунд — бу ном остида ёқутнинг гранат (тўқ қизил ранги) турига тегишли хилма-хил товланишга эга қимматбаҳо тошлар, жумладан, пироп, андрадит, гиссонит каби қимматбаҳо тошлар кўзда тутилган бўлса керак. Беруний альмандин номли тошни бу туркумга киритмай бижозий деб атаган. Плиний (XXXVII, 30) Карфаген қизил ёқутини (гранат) кархедонийа деб атаган. Каркунд шаклидаги арабча номи балки, Кархедониядан келиб чиққандир (Г. Леммлейн).

124. «Карёқут» — Беруний каркунт сўзини форсча кар ва ёқут сўзларининг бирикмасидан пайдо бўлган, деб ҳисоблаган.

125. Синдийа — «Минералогия»нинг турли қўлёзмаларида бу сўз синдийа, синдиба ва сийдно шаклида учрайди.

126. Гурбуз — журбуз. Беруний бу сўзни ўзгаларда эшитган маълумотлари бўйича тасвирлаган. Қандай тошга нисбатан ишлатган маълум эмас. Бироқ, бу ёқутнинг рубелит номи билан юритилувчи пушти ранг турмалин деган хилига тегишлидир. Бу тош қирраларига ишлов берилган ҳолда тиниқ рангли ёқутга ўхшаб кетади (Г. Леммлейн).

127. «Бўри урган» — Беруний гурбуз сўзини форсча «Гург бизад», яъни «бўри урди» тарзида тушинтирмоқчи бўлган, лекин бу этимология сунъий чиққан.

128. Афлаҳ — афлаж. Беруний ёқутга ўхшаш тошларни тасвирлар экан, уларнинг ҳам ёқут каби турлари кўп, дейди. Шу тасаввурга кўра бир ном остида турли жавҳарлар бирлаштирилган бўлиши мумкин. Қизил рангли афлаҳ тоши бошқача айтганда, гурбуз яъни пушти ранг турмалин (ёки рубелит) бир туркумга киритилган (Г. Леммлейнинг мақоласида мовий афлаҳ авқала, яъни кианит номли ёқут турига нисбат берилган).

129. Каркахан — бу тошнинг номи санскритча каркетана билан қиёс қилинган. Каркетана одатда, тошнинг хризоберилл тури деб ҳисобланади. Берунийнинг таърифи бунга хилоф эмас. Чиндан ҳам бу турдаги тош қўлда айлантирилса ундан нур таралади. Хризоберилл (BeAl_2O_4) олтин ранг сарғиш, сарғиш яшил ёки яшил рангда учрайди. Бу турдаги тошларнинг ич-ичига сингиб кетган параллел йўналишли чизиклари унга ипақдек майин товланувчи нурланиш хусусиятларини беради. Бу турдаги тошларнинг энг яхшилари Цейлонда учрайди. Бу тошларнинг номи баъзан кимофон дейилади. Ҳиндлар бунини «мушук кўзи» дейишади (Г. Леммлейн).

130. Бижозий — гранат алмадин.

131. Аблаж — афлаж сўзининг фонетик варианты (қаранг:128-изоҳ).

132. Халуқ — таркибига асосан заъфарон (*Crocus sativus*) қўшилган хушбўй ҳидли қоришма суюқлик.

133. Абу каламун — буқаламун. Юнонча поҳалаџог сўзидан олинган. Араб тилида «денгиз канопи». Ундан ранглари турлича товланувчи ва нур таъсирида ўзгариб турувчи мато тўқилган.

134. Абу бароқиш — Қазвинийнинг айтишича (*Kosmographie I.* — P. 406), лайлакка ўхшаш бўлиб, қанотининг рангини ўзгартириш хусусиятига эга. Бунинг сабаби, қушнинг патлари турли рангли бўлиб, у хурпайганда турлича товланади. Ҳозирги луғатда «жиблажибон»га тўғри келса керак (*El. I.* — P. 82).

135. Ал-Маҳдий — Аббосийлар сулоласининг 775—785-йилларда халифалик қилган элчиси.

136. Ахбор-ал-халифо — шу ном остида айрим халифаларга бағишланган воқеана-вислик асарлари (ЕI. IV. — P. 567).

137. Жабрийил ибн Бохтийешу — Жундишапурнинг машхур шифокорлар мактабининг таниқли табиби. Келиб чиқиши Суриядан. 765 йилдан бошлаб Аббосий халифаларининг оилавий шифокори ҳисобланган. Бу оиладан Жабрийил исмли икки табиб чиққан. Булардан бири 827 йилда вафот этган. Иккинчиси эса Бувайҳийлар хонадонининг табиби бўлган ва у 1007 йилда вафот этган.

138. Зубайда — Халифа Хорун ар-Рашиддиннинг хотини. Умм Жаъфар — унинг лақаби (ўз ўғлининг номига нисбат берилган). Унинг сахийлик ва диний ғайрати ҳақида қаранг: А. А. Быков. Аббасидский памятный дирхем начала IX в. — М.:1947. — С. 87.

139. Абу Тоҳир ибн Баҳо уд-Давла — отаси Баҳо уд-Давла даврида Ироқда 998—1012 йилларда ҳукмронлик қилган Бувайҳийлар сулоласининг амири бўлган. Басра ҳокими бўлган.

140. Басра — катта шаҳар, жанубий Ироқнинг денгиз порти.

141. Бағдод — Аббосийлар давлати пойтахти. Ўрта асрларнинг энг йирик шаҳри. Бунги кунда Бағдод — Ироқ Республикаси пойтахти.

142. Фахр уд-Давла — Абу ал-Ҳасан Али Фахр ал-Давла, Бувайҳийлар сулоласи амири, 976—997 йилларда эса Исфаҳон ҳокими бўлган.

143. Рай — ўрта асрларда Эроннинг энг катта шаҳарларидан бири. Унинг харобалари Техроннинг 8 км наридаги жануби-шарқида жойлашган.

144. Ал-Ҳасан ва ал-Ҳусан — заргарлар, уларни Беруний ҳар доим эслатиб ўтади.

145. Таручанопал — ҳиндча Trilochanapala, Ҳиндистон подшоҳининг исми, Маҳмуд Газнавийнинг душмани бўлган. Қаранг: Memoire. — P. 259.

146. Чулат — эҳтимол, Чола сулоласининг элчиси ҳақида сўз бормоқда (қаранг, 75-изоҳ, «а» — Б. 280).

147. Қобус Шамс ал-Маъолий — Журжондаги 976—1012 йилларда (981—999 йилларда, орада 18 йил ҳукмронлик қилмаган) Зиёрийлар сулоласининг ҳукмдори.

148. Анқо — афсонавий қуш номи.

149. Ардашер Бобакон ўғли — Эронда Сосоний сулоласи асосчиси. 226—241 йилларда ҳукмронлик қилган.

150. «... ўз юкини» — Қуръон. 99-сура, 2-оят.

151. Дастлабки тўрт халифалар — Муҳаммад пайғамбардан сўнг ҳукмронлик қилган «Хулафои Рошидин»: Абу Бакр (632—634), Умар (634—644), Усмон (644—656) ва Али (656—661).

152. «... чумолиларга ўхшаб, — териб олиб ва «ютар эдилар» — С қўлёмасининг котиби айтадики, бу ифода «чумоли бир умр йиққанини туя бир ямлаб ютади», деган машхур мақолни эслатади.

153. Ал-Аббос ибн ал-Ҳасан — Халифа ал-Муқтадир даври вазири.

154. Али ибн Исо ибн Довуд ибн ал-Жарроҳ — X асрнинг биринчи ярмида Бағдодда бир неча бор вазир бўлган.

155. Зайдон ал-Қахрамон — халифа ал-Муқтадирнинг уй (иш) бошқарувчиси, сарой фитналарида асосийлардан бири бўлган.

156. Ар-Рашид — Хорун ар-Рашид, Аббосийлар сулоласи халифаларидан бири, 786-809 йилларда хукмронлик қилган.

157. «... «ҳамза» ҳарфини «аъйн» деб қабул қилинса...». Бу ўринда арабча *عاض* сўзи ҳақида гап бормоқда. Сўз охирида «аъйн» ҳарфи билан ёзилганидек қабул қилинса, сўз маъноси ўзгариб, «йўқолмоқ» бўлиб қолади. Агар сўз охири «ҳамза» деб ўқилса, келтирилган қўшиқнинг охирида «порлаш, нур таратмоқ» деган маънони англатади. Бу эса бутун бир қўшиқнинг маъносини ҳам ўзгартириб юборади.

158. Ал-Хутайъа — ўзининг ўткир сатиралари билан маълум бўлган Жарвал ибн Аус лақабли шоир (тахминан 650 йилда вафот этган). У ҳақида қаранг: EI, II. — P. 369.

159. Забриқон ибн Бадр — Муҳаммад давридаги бадавий қабилаларидан бирининг раҳбари.

160. Ҳассон ибн Собит ал-Ҳазражий — жанубий Сурияда ва Хирода исломгача бўлган араб хокимлигининг шоири бўлган, исломни қабул қилган. 563 йилда туғилган ва халифа Умардан кейин вафот этган.

161. Убайдаллоҳ ибн Сулаймон (900 йилда вафот этган) — Муътамид ва Муътадид халифалари вазири.

162. Ал-Муътадид — Аббосий халифалари сулоласидан бири, 892—902 йилларда хукмронлик қилган.

163. Али ибн Бассам (915 йилда вафот этган) — халифа Муътадид даври шоири.

164. Ибн ал-Муътаз — Аббосий халифалари сулоласидан, 908 йилда тахтга ўтирган кунни ўлдирилган. У шоир, шеърят илми ҳақидаги асар муаллифи сифатида танилган.

165. Ибн ал-Ҳамдун ан-Надим Абдаллоҳ ибн Аҳмад — халифа Муътадидларга мансуб.

166. Куняси — ўғлининг номига нисбат берилган исм: фалончининг отаси ёки фалончининг онаси.

167. Мунис ал-Ходим ал-Музаффар — дастлаб халифа Муътадид саройида харам оғаси бўлган. Муқтадир даврида олий ҳарбий унвон — Чин амир ал-умаро (амирлар амири), яъни бош қўмондони мақомини олиб, чин маънода халифалик тақдирини ҳал қилувчига айланди (А. Мюллер. История ислама, II. СПб., 1895. — С. 227).

168. Саймара — ғарбий Эронда Хузистон билан чегарадош Масабад вилоятида жойлашган шаҳар.

169. Иброҳим ибн ал-Маҳдий — халифа Ходий ва Хорун ар-Рашидларнинг акаси ва халифалик тахти учун курашда омадсиз рақиб.

170. Ал-Ходий — халифа Аббосийлар сулоласига мансуб, 785—786 йилларда хукмронлик қилган.

171. «Заиф ва тиланчи...» — Қуръон. 22-сура, 72-оят.

172. Ал-Фазл ибн ар-Робийъ — халифалар Ходий ва Хорун даврида вазир.

173. Хулд — Бағдод халифалари саройларидан бирининг номи.

174. Ас-Саломий — эҳтимол, у Абу ал-Хусайин Али ас-Саллабий ан-Нишопурий бўлса керак (912—913 йилларда вафот этган), бизгача етиб келмаган «Хуросон тарихи» номи тарихий асар муаллифи. Кейинги давр тарихчилари бу асардан кўп фойдаланганлар (қаранг: Бартольд. Туркестан, II. — С. 11).

175. Ал-Лахҳом — у қадар машҳур бўлмаган шоир. Ёкут ал-Ҳамавий «Иршод» асарининг II жилди 480-бетида бу шоирнинг Хоразм тўғрисидаги шеърларини келтирган.

176. Фарова — Амударё дарёсининг ўнг қирғоғида, Марв ва Бухоро шаҳарлари чорраҳасида жойлашган шаҳар. Ҳозирги Фароб шаҳри.

177. Журжония — XI-XII асрларда Хоразмнинг асосий шаҳарларидан бири Гурганч шаҳрининг арабча аталиши.

178. Абу Муслим — Хуросон ва Марказий Осиёда бўлиб ўтган машҳур халқ ҳаракатининг етакчиси, 750 йилда Хуросон ноибни бўлган. Ҳаракат 750 йилда Уммавийлар сулоласи ўрнига Аббосийлар сулоласи ҳокимият тепасига келиши билан тугалланган. 754 йилда янги сулоланинг иккинчи халифаси ал-Мансур томонидан хиёнаткорона ўлдирилган.

179. Зиёд ибн Солиҳ — халифа Абу Муслим қўмондони, 751 йилда унинг раҳбарлигида араб ҳарбий қўшини хитойликлар устидан ғалаба қозонган. Шубҳасиз, ушбу воқеа муносабати билан Беруний Хитойдан келтирилган қимматбаҳо тош ҳақида ҳикоя қилган.

180. Абу ал-Аббос ал-Саффоҳ — Аббосийлар сулоласининг биринчи халифаси, 750—754 йилларда ҳукмронлик қилган. Ас-Саффоҳ лақаби «Қонхўр» маъносида келади.

181. Абдоллоҳ ибн Али — эҳтимол, Абу-л-Аббос ал-Саффоҳнинг амакиси (олдинги изоҳга қаранг).

182. Ал-Аббос ибн ал-Мусайяб — эҳтимол, «Абдаллоҳ ибн ал-Мусайяб ибн Зубайр, халифа Хорун ал-Рашиднинг Мисрдаги ўринбосари.

183. Умар ибн Абд ал-Азиз — Умар II, Умавийлар сулоласи халифаларидан бири, 717—720 йилларда ҳукмронлик қилган.

184. Абдаллоҳ ибн Марвон ибн Муҳаммад — Марвон II нинг ўғли, охириги Аббосийлар томонидан ағдариб ташланган халифа Умавийлар сулоласидан.

185. Нубия, Ан-Нуба — Нил дарёси ўрта оқимида жойлашган вилоят. Қадимда олтин конлари билан машҳур бўлган.

186. Яздигирд — 651 йилда Марв шаҳрида Сосонийлар Эрони сўнги шоҳларидан Яздегирд III ўлдирилади. Беруний бошқа маълумотлардан фарқли ўлароқ, бу воқеанинг бир тафсилотини келтирган: Балозурийнинг ёзишича, қотиллар уни ўлдирмоқчи бўлганларида, гўёки у: «Мени қўйиб юборинглар, сизларга ўзимнинг камарим, узугим ва тожимни бераман»- деганида қотиллар ундан узоқлашганлар. Кейин улардан нон сотиб олиш учун нима бўлса ҳам беришларини сўраганида, улардан бири унга тўрт дирҳам берган (Материалы по истории туркмен в Туркмении. Т. I. М. — Л., 1939. — С. 63).

187. Маг ёки муғ — зардуштийлик ибодатхонаси руҳонийси. Мусулмон дини қабул қилинган вақтда барча зардуштийлар парслар деб аталган.

188. Нуҳ ибн Мансур ар-Розий ал-Сомоний — Сомонийлар сулоласи амири, 976—997 йилларда ҳукмронлик қилган.

189. Абд ал-Муттолиб ибн Хошим — Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.)нинг бобоси.

190. Замзам — Маккадаги муқаддас булоқнинг номи.

191. Новдалар — хивчин дастаси (барсман) боғлами (зардуштийлар руҳонийси ибодат вақтида қўлида ушлаб турган — М.И.).

192. Яман — Арабистон ярим оролининг жануби-ғарбий қисми, қадимда юксак маданияти билан машхур бўлган давлат.

193. Бодом ўғли Мехрон — Хисрав I Анушервон даврида (531—570) форслар томонидан забт этилган Ямандаги Сосоний шоҳларининг сўнгги ноиби.

194. Ал-Мадаъин — қаранг: Тайсифун (232 изох, 249-бет).

195. Язйд ибн Муъовия — Уммавийлар сулоласининг иккинчи халифи, 680—683 йилларда ҳукмронлик қилган.

196. Қизил гугурт — қаранг: 433-изоҳ.

197. Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр — халифалик тахтига асосий давогарлардан бири, халифа Абд ал-Маликнинг рақиби. 683 йилдан бошлаб унинг ҳукмронлиги Арабистоннинг ғарби, яъни Макка ва Мадинагача ёйилган. У 692 йилда Макка қамали вақтида ўлдирилган.

198. Ал-Валид ибн Абдул-Малик — халифа Уммавийлар сулоласидан, 705—715 йилларда ҳукмронлик қилган.

199. Фиръавнлар шишаси (эмал) — қаранг: 7-изоҳ, 307-бет.

200. Кобул испахбедлари — Кобул араблар фатҳ этгунга қадар мустақил ҳудуд ҳисобланарди, араб манбаларида ҳукмдорлари кўпинча «Шоҳ»лар деб номланган. Испахбед (спахбед) унвони Сосонийлар даврида «қўмондон» ёки «ҳарбий кўшин қўмондони» ёки «ҳарбий ҳудуд қўмондони» лавозимини билдирган. Бу унвон авлодан авлодга берилган ва у ҳукмдорлик унвони маъносини касб этган.

201. Ал-Муътаз — халифа Аббосийлар сулоласига мансуб, 866—869 йилларда ҳукмронлик қилган. Сарой тўнтарилиши вақтида ўлдирилган.

202. Турклар — бу ерда Аббосий халифалари даврида сотиб олинган туркий қабилаларга мансуб қуллар (ғуломлар) ҳақида сўз кетмоқда. Турк ғуломлари исёнлари кўплаб сарой тўнтаришларига сабаб бўлган. Шундай тўнтаришларнинг қурбонларидан бири Ал-Муътаз бўлган (А. Мюллер. История ислама, II. — С. 212 ва кейингиси).

203. Солиҳ ибн Восифий — халифаларидан Муътаз (866—869) ва Муқтадирлар (869—870) даврида турк кўриқчилари бошлиғи бўлган.

204. Мусъоб ибн аз-Зубайр — Абдуллоҳ ибн аз-Зубайрнинг акаси (қаранг: 197- изох). Ироқ хокими бўлган.

205. Абдоллоҳ ибн Аби Фарва — Абу Фарва Месопотамия ва Сурияга биринчи араб истилолари даврида махбус (асир) сифатида тилга олинган, кейинчалик эса эркин саёҳатчи-мижоз сифатида истилоларда фаол иштирок этган (Beladsori. — P. 247).

206. Ниҳованд — Ғарбий Эрондаги жануби-шарқий Ҳамадондаги шаҳар. Бу ерда 642 йилда араб ва форс кўшинлари ўртасида хал қилувчи жанглардан бири бўлиб ўтган.

207. Ал-Соъиб ибн ал-Акраъ ал-Сакафий — арабларнинг машхур ҳарбий лашкарбошиси. Бу лавҳа тарихчилар томонидан келтирилган. Балазурийда ёзилишича, Хирбоз ўрнига қимматбаҳо заргарлик буюмлари жойлашган қутилари қаердалиги ҳақида хабар берган айғоқчи дея, таърифланган.

208. Хузайфа ибн ал-Ямон — араблар томонидан 642 йилда Нихавендни забт этиш даврида араб лашкарбошиси.

209. Хирбоз — зардуштийлик ибодати маросимида диний матнларни тиловат қилувчи руҳоний.

210. Нохиржон — ўрта форсча *nakhvaraghan* — Сосонийлар Эронида вилоят ноибининг унвони.

211. Куфа — Фрот дарёсининг қуйи оқимидаги шаҳар номи.

212. Амр ибн Хорис — халифа Марвон II даврида Куфа хокими.

213. Мусо ибн Нусайро — араб қўмондони, Уммавий халифалар Абд ал-Малик ва Волидлар даврида Шимолий Африка ва Испаниянинг ғарбий вилоятларини забт этган.

214. Торик — халифа Волид (705—715) даврида машҳур араб лашкарбошиси. Гибралтар унинг номига қўйилган (айтишларича Жабал ат-Торик, яъни «Торик тоғи»). Мусо ибн Нусайрнинг мавлоси (кейинги изоҳга қаранг).

215. Андалузия — Испаниянинг арабча номи, Испанияни милоддан олдинги IV асрларда забт этган германларнинг вандал қабиласи номидан олинган.

216. Сулаймон ибн Довуд — Бобил шоҳи Довуднинг ўғли Сулаймон.

217. Холид ибн Бармак — Бармакийлар сулоласи асосчиси, Аббосий халифалар даврида машҳур вазирлар оиласидан, айниқса, халифа Мансур даврида таниқли бўлган.

218. Жабал — Рай ва Табаристоннинг тоғли ҳудудларининг номи. Бундан ташқари, Дунбаванд (Демавенд) (BGA, III. — С. 392) номи билан машҳур.

219. Масмуғон — исломгача Дунбавендда маҳаллий сулола. Холид ибн Бармак истилоси халифа Мансур даврида амалга оширилган. Асирга олинган бу сулоланинг аъзолари Маҳдий буйруғи асосида қатл этилган (EI, III. — P. 452).

220. Табаристон — Мозандарон, Эроннинг шимолий вилояти, қўшни Каспий денгизининг жанубий соҳилида жойлашган.

221. Марв — қадимда ва ўрта асрларда катта шаҳарлардан бири бўлган. Қолдиқлари ҳозирги Туркменистондаги Марв шаҳри яқинида топилган.

222. Давор, яна Замин-Давар — жанубий Афғонистондаги вилоят, Хилманд водийси шимолий-ғарбий қисмидаги Қандаҳор шаҳрида жойлашган.

223. Зўн — Куёш худосининг номи, исломгача жанубий Афғонистонда эътиқод объекти бўлган (EI, III. — P. 1312).

224. Абд ар-Раҳмон ибн Самура — халифа Усманийлар даврида араб қўмондони. Шарқий Эрон ва Афғонистон ҳудудларини истило қилишда қатнашган.

225. Марзбон — чегара ҳудудлари хокими, Сосоний Эрони маъмурий тизимининг энг нуфузли лавозимларидан бири.

226. Наус — юнонча *naus* сўзидан олинган. Ер юзасига қуриладиган мақбара.

227. Адаб — тарбия, таълим. Бу ўринда махсус араб ҳаттотлигининг махсус йўналиши назарда тутилган, яъни адаб илми зиёли инсон учун зарур бўлган билимлар мажмуини ўз ичига олган. Адаб бўйича китоблар аксарият холларда, қизиқарли тарихий ҳикоялар, панд насиҳатномалар ва оммабоп илмий матнлар тўпламидан иборат бўлган.

228. Анушервон — Хусрав I, Эрон Сосонийлар сулоласининг энг машҳур шоҳларидан бири, 531—579 йилларда ҳукмронлик қилган.

229. Сож — сарв дарахти (*Tectona grandis*).

230. Мушк (мускус) — ҳайвондан олинадиган ҳушбўй органик модда. Ўрта аср Шарқи-

да унга жуда катта талаб билан истеъмолда бўлган. Мушк ҳақида манбаларда тез-тез эслатиб турилади. Масалан, «Марко Поло китоби»нинг русча нашри 68-саҳифасида, жумладан Хитойнинг Ганьсу вилояти ҳақида бундай дейилган: «Мушкнинг энг нозик ва сифатли тури шу ерда мавжуд. Уни шундай усул билан олишади: Бир ёввойи ҳайвонни туттишади. Унинг киндиги атрофидаги териси ва эти орасида қандайдир қонли ҳиш бўлар экан. Шу ҳишни териси билан бирга кесиб олиб, қонини чиқаришади. Айни шу қон ўткир ҳидли мушкдир». Тибет мушки, айниқса, машхур бўлган (Г. Леммлейн).

231. Абарвиз — Парвез, «Шарафли, Енгилмас» лақаби билан машхур бўлган Сосонийлар шоҳи Хусрав II, 590—628 йилларда ҳукмронлик қилган.

232. Тайсифун — Сосонийлар Эрони пойтахти Ктесифоннинг арабча номи. Турли даврларда ташкил топган шаҳарларидан иборат бўлиб Дажланинг икки тарафида жойлашган. Шунинг учун араблар уни бошқа ном — Мадоъин (Шаҳарлар) деб ҳам аташган.

233. Қовға — луғавий маъноси гаврованд, хикоянинг контексти асосида транскрипция қилинган. Бошқа манбаларда бу сўз учрамайди. Шу билан бирга, бу ерда, шубҳасиз ўз даврида машхур бўлган бир ишлатиш усули махфий бўлган гидравлик асбоб ҳақида гап кетмоқда. Улар ҳақида қаранг: Garra de Vaux. Notices et Extraits, XXXVIII. Paris, 1903.

234. Ал-Хусайн — Бадр ибн Ҳасанавайҳнинг бобоси — Ҳасанвайҳийлар сулоласи асосчиси, 959—1015 йилларда Курдистон вилоятида ҳукмронлик қилган.

235. Ибн Закариё — Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий, Разес номи билан ўрта асрлар Европасида табиб ва кимёгар сифатида машхур бўлган. Кўплаб асарлар муаллифи.

236. Миср — Нил дарёсининг қуйи оқимида жойлашган мамлакат номи.

237. «Оллоҳга етиб бўлмайди...» — Қуръон. 22-сура, 38-оят.

238. «Ва қачон ёнингдан ўтадилар...» — Қуръон. 25-сура, 72-оят.

239. «Ва қачон унга мурожаат қиладилар...» — Қуръон. 25-оят 64-сура.

240. Саъд Умар ибн ал-Хаттоб — VII асрнинг 30-йилларида Эронни истило қилишда қатнашган араблар қўшинининг қўмондони.

241. «... барча рангларни ўзида бирлаштирган...» — бу ибора полихром турмалин номли жавоҳирнинг тавсифи бўлиши мумкин. Бу жавоҳирнинг қаламчасимон кристалларида қизил, сариқ, яшил ва бошқа ранглар мужассам товланиб туради. Ранглар, баъзан кетма-кет тик йўналишда, ёки кўнгдаланг йўл-йўл бўлиб жойлашади, баъзан эса кристал ўзагини кетма-кет қоплаб турувчи қаватларни ҳосил қилади. Кристални синдирилса, ушбу қаватлар яққол кўринади (Г. Леммлейн).

242. Сарик (ёқут) — қиёс қилинг: Димишқий бундай дейди: «Ёқутнинг сариқ ранги бойўғли кўзи сингари олтинсимон товланади. Бу рангли ёқут ярқроқ, тиниқ жилваланиш хоссасига эга (Cosmographie. — P. 62).

243. Акхоб — бу ранг номи шартли равишда «кўк» деб таржима қилинди. У кул рангдан то мовий рангларни ўз ичига олади. Аслида, акхоб кулранг маъносини англатади.

244. Товусий — кўк ёқутнинг бир тури — сапфир. Эски рус манбаларида Таусин ёқутлари дея, тилга олинган (Г. Леммлейн).

245. Азрақ — бу рангни Димишқий қуйидагича тасвирлаган: «Азрақ осмон сингари мовий рангли ёқутдир (осмонжўний). Мовий рангли нилуфар (сусан) рангига ўхшаш.

Бу ранг осмоний ранг бўлиб, қизғиш товланиш хусусиятига эга. Гўё баъзи кабутарларнинг бўйнидаги кўк-қизғиш аралаш товланадиган патлар каби. Ёки товус патларининг кўм-кўк ранги билан уйқаш қизил патлари бўлгани каби. Марвда тўқиладиган матонинг ранги шундай товланади. Бу матонинг арқоғи қизил, авроғи мовий кўк бўлади. Ва яна товусларнинг танасидаги айрим патлари ҳам шу каби мовий ва қизғиш товланади (Cosmographie. — P. 62).

246. Қизил ёқутнинг мовий кўк ёқутга солиштирма оғирлик нисбати 97 бутун саккиздан бир ($97 \frac{1}{8}$) га тенг. Сувга нисбати 3. 85 (Г. Леммлейн).

247. Абу ал-Аббос ал-Омоний — Беруний кўрсатган бу муаллиф ҳақида маълумот бошқа манбаларда учрамайди.

248. Авқала — бу балки, кианитдир. Ҳиндистондан келтириладиган осмоний мовий ва тўқ кўк кианитлар кўринишидан жуда сапфирга ўхшаб кетади. Бироқ унда фарқли жиҳати сапфир нисбатан юмшоқ тош эканида (Г. Леммлейн).

249. Мохура — ҳозирги Мотхура, Жамна дарёсининг ғарби қирғоғида жойлашган шаҳар (Бируни. Избранные произведения. Т. II. Индия. Ташкент, 1963. — С. 197).

250. «Китоб ал-фатҳ» — ҳарбий истилолар муваффақиятли яқунлангани муносабати билан тузиладиган ғалаба ҳақидаги қайднома ҳақида гап бораётгандир, эҳтимол, бундай ғалаба баёноти форс манбаларда «Фатҳнома» деб аталади. Сўзнинг биринчи жузъи арабча «очмоқ, босиб олмоқ» демакдир.

251. Ҳадар досим — В қўлёзмада — шундай; матнда: Ҳадар қосим.

252. Жандраканд — аниқроғи, чандраканд, санскритча *candra kapta*. Ҳинд манбаларида тоғ биллури икки турга бўлиб кўрсатилади: сурйаканта — Қуёш нурлари остида олов пурковчи ва чандраканд — ой нурида сув каби жилваланувчи (*Lapidaire*. — P. XLVII). Афсонага кўра чандраканта, ойнанинг нурларидан қотиб ҳосил бўлган тош, дейилади (*Relations*. — P. 126. 3-изоҳ). Ҳинд ойга сиғинувчилари тўғрисида Ан-Надиймнинг хабарига кўра, «Улар ўз худоларини қўлида тош ушлаб тўрт ғоз қўшилган аравада бораётган ҳолда тасаввур қиладилар. Худонинг қўлидаги тошни эса чандраканта деб аташади» (*Fihrist*. — P. 348)

253. Яҳё ал-Нахвий — Иоанн Грамматик. Ал-Надиймга кўра (*Fihrist*. — P. 254) 640 йилда Миср араблар томонидан фатҳ этилганда Александрияда бўлган. Мейерхоф фикрича, VI асрда Искандария яшаган Иоанн Филиппон араб тилли фан оламида Яҳё ал-Нахвий номи билан машҳур бўлган (*Die Quellen*. — P. 34).

254. Абурукулус — Прокл (412—485), Искандарияда неоплатон фалсафа мактабининг раҳбари бўлган.

255. «Ахбор ал-Синд» (Синд ҳақида хабарлар) — маълумот учун, эҳтимол, бизгача етиб келмаган бир асар кўзда тутилган бўлса керак.

256. Ал-Искандар — Александр Македонский номининг арабча айтилиши.

257. Сусруд — Сусрута ҳинд табиби ва тиббиёт бўйича бир қатор асарлар муаллифи. Эрамизнинг бошларида яшаган. Айниқса, IX-X асрларда араб тилига таржима қилинган асарлари араб шифокорлари орасида уни машҳур қилган.

258. Ал-Жазоирий (1034 йилда вафот этган) — Райда яшаган форс шоири, Берунийнинг замондоши.

259. «... симоб ва олтингургуртнинг ота-онаси...» — алкимёгарларнинг фикрича олтин симоб ва олтингургуртдан пайдо бўлар эмиш. Беруний бу фикрни рад этган. Қаранг: Ёқут бўлимига, 3-изоҳ.

260. Абу Бакр Али ибн ал-Хусайн ал-Кўхистоний — шоир, Берунийнинг замондоши.

261. Мансур Муваррид ал-Форисий — форс шоири. Хашмийнинг фикрича, у райлик шоир Мансур ибн Али (Die Quellen. — P. 31).

БАДАХШОН ЛАЪЛИ

1. Лаъл — одатда луғатларда рубин деб нотўғри таржима қилинган. Чиндан ҳам одатда қизил тошлар борки, барчасини лаъл дейилаверган. Лекин, VII асрда Бадахшонда шпинелнинг йирик конлари топилгач, қизил тошларни бирини биридан фарқлаш тажрибаси ҳам пайдо бўлди. VIII асрда қаттиқлиги, силлиқлиги жиҳатдан физик хусусиятлари рубиндан фарқли экани аниқлангач, шпинелни лаъл деб, рубинни эса қизил ёқут дейиладиган бўлди.

Минералларнинг солиштирма оғирлиги бўйича Беруний томонидан амалга оширилган тажрибалар VIII-IX асрларда амалиётчилар турли минералларни корунд бўйича эришган натижаларни тасдиқлади. Рус «Савдогарчилик китоби»да лаъл, қизил ёқут ва гранатни сотиб олишда адашмаслик ҳақида огоҳлантириб, бундай ёзилган: «Эҳтиёт бўлингки, венислар сизга лаъл деб гранатни сотиб кетишмасин...». «Шунингдек, қизил ёқутни лаъл деб сотишмасин». Бу тошлар уларнинг қаттиқлик даражасига қараб фарқланган.

Шпинелнинг конлари Цейлон, Бирма, Сиам, Памир, Бадахшон, Шуғнон каби жойларда маълум. Масалан, Шуғнон Бадахшонда жойлашгани учун у ернинг лаъли «лаъли Бадахшон» деб аталади. Бадахшон лаъли ҳақида Марко Поло «Ўша вилоятда қимматбаҳо қизил тошлар бўлади. Улар қояларда туғилади. Одамлар, мен сизга айтсам, Шикинонда худди кумуш конларига тушадиган каби чуқур ғорлар қазиб, подшоларининг буйруғига биноан қизил тошларнинг парчаларини олиб чиқишади». Шпинел ҳозирги заргарлик амалиётида рубин-балэ деб аталади (Г. Леммлейн).

2. Тошнинг суви — бу ибора лаълга берилган силлиқлаш ва пардознинг тиниқлигини билдиради. Лаълнинг ўзига хослиги шундаки, унинг қирраларидаги пардоз жилотлари тез сийқаланади ва ғадир-будирлик ҳосил қилади (Г. Леммлейн).

3. Маркашит, маркашийса — марказит. Бу атама ўрта аср Шарқида ва Европа Минералогиясида таркибида олтингургурти бор минералларнинг барча турларига, яъни халчедонларга нисбатан ишлатилган. (Beitrag, XXIV. — S. 97—99). Олтинранг, кумушранг, мисранг марказитлар ҳозирги мис калчедони, марказит ва пирит ва бошқа олтингургуртли рудаларга мос келса керак.

Жило бериш мақсадида куб кўринишидаги пирит ва унинг ромб кўринишидаги модификацияси ҳисобланмиш марказитдан фойдаланилган. Зеро бу тошларнинг майин қилиб янчилган упаси ва оловда қиздириб майдаланган куқунлари (темирнинг қизил рангли окиси сингари) қимматбаҳо тошларга жило беришда қайроқ (қумқоғоз) восита сифатида ишлатилган. Ҳозирги замон заргарлигида ромбик модификациянинг ўзиги-

на марказит деб аталмоқда. Маркашийса сўзи Томпсоннинг кўрсатишича ассирий (ашшур) тилидаги қадимий *мрхаши* сўзига бориб тақалади. Бу сўз ассирийчасига пиритни оловда қиздириш йўли билан олинадиган темирнинг қизил окиси маъносини билдирган. Юнон мумтоз маълумотларидаги Мархазинон номли географик атама ҳам Ассириянинг ғарбидаги тоғли ўлка маъносида марказит минерали номида ҳам акс этган (Г. Леммлейн).

4. Баранжа — матнда *трнжа*, лекин қўлёзмада ўқилиши: баранжа (қаранг: Семенов, 302-саҳифа, яна қаранг: Из истории. — С. 18 ва 40-изоҳ)

5. Бадахшон — Амударё юқори оқимидаги вилоятнинг номи. Афғон Бадахшони, ҳозирги Файзобод — ўрта асрларда вилоятнинг асосий шаҳри ҳам шундай номланган.

6. Бувайхийлар — Ғарбий Эрон ва Ироқда 932—1055 йилларда ҳукмронлик қилган амирлар сулоласи. Сулоланинг баъзи аъзолари мустақил ҳукмронлик қилишган.

7. Халилаж — миробалан, сутли ўсимликлар оиласига кирувчи айрим ўсимликлар турларининг меваси бўлиб, ўрта асрлар тиббиётида кенг ишлатилган. Қобул миробалани тўғрисида Абу Дулаф қуйидагиларни хабар қилган: «Куламда (жанубий-ғарбий Ҳиндистон соҳилларида) мийробаланнинг бир неча навлари бор. Лекин Кобул мийробалани денгиздан узоқда бўлгани сабабли сифати яхши. Мийробаланнинг пишиб етилмаганларини шамол тўкиб туширса, унинг ранги сариқ, таъми аччиқ ва мижози совуқ бўлади. Мийробаланнинг териб олинган пишган мевалари Қобулдан келтирилади. У «ширин ва иссиқ мижоз бўлади» (Bericht. — P. 33).

8. Баранг, яна баранж ва абранг — эмбелия, ўрта асрларда машҳур доривор ўсимлик. Ибн Сино фикрича, «булар Синд ва Ҳинддан келтириладиган мевалардир. Икки нави бор: кичиклари доғсиз, катталари доғи бор. Майдаси олий нав ҳисобланади (Канон, II. — P. 141).

9. Европада Кобул мийробалани *chebules*, яъни кобулий номи билан машҳур (қаранг: Kimito. — P. 167).

10. Ал-Барохина — қаранг: 59-изоҳ. Унда бу сўз Барахмахин шаклида келтирилган. Берунийнинг Ҳиндистон асарида Барахтагин деб кўрсатилган.

11. Жалхондор — Птолемейнинг фикрича, Kilindrina. Биас шаҳри ва Сетлежем вилояти (Ҳинд дарёсининг ирмоқлари) оралиғида, Панжоб вилоятидаги шаҳарнинг номи.

12. Қирот — Сват дарёсининг ўрта асрлардаги номи, Ҳинд дарёсининг асосий ирмоқларидан бири.

13. Кашмир — Ҳиндистоннинг шимолий-шарқий қисмидаги вилоят. Ўрта асрларда шаҳар асосан шундай номланган, ҳозирги Сринагар.

14. Қандаҳор — Кобул ва Сват дарёлари ўртасида жойлашган вилоятнинг қадимий номи. Ҳозирги Қандаҳор — Афғонистон жанубидаги вилоят маркази шу ном билан аталади.

15. Варзафанж — матнда: Варзакаиш; ўқилишида номи ноаниқ. Замоनावий топонимларда номи сақланиб қолмаган. Сўзнинг иккинчи қисмида, эҳтимол, Панж дарёсининг маҳаллий сўзлашувдаги номланишини кўриш мумкин.

16. Воҳан — Вахандарё водийсида жойлашган Помир вилояти, Амударёнинг Панж ирмоғи.

17. Шиқосим — Амударёнинг юқори оқимида жойлашган ҳозирги Ишкашим.

18. «Бу тошнинг кашф этилиши тўғрисида биринчи бўлиб ҳикоя қиладиларки...» — бу ҳикоя жуда кўп манбаларда келтирилади (қаранг: Воззрения. — С. 302; Из истории. — С. 17).

19. Найзаоки — лаълнинг бу тури кейинги даврларга оид асарларда нийозий деб аталади. Бу охирги номланишни А. А. Семенов шу охирги шаклни маъқул деб ҳисоблаб (Воззрения. — С. 303) шундай ёзади: «Лаълнинг энг яхши тури нийозий (нийозий-Хатлондаги рубин конларининг номи) номи билан маълум». Бу ном, бизга маълумки, Берунийда биринчи бўлиб учрайди. Арабча ёзилган шакли ҳар иккала ўқилиш шакли билан бир хил. Бизнингча, бу сўзни *найзак* ёки *нийзак* деб ўқиш лозимдир. Бинобарин, ҳозирги географик хариталарда шу каби ўқилишига яқин жой номи бор. Қиёс қилинг: Шарқий Помирда доволардан бири Найзатош деб аталади.

20. Тотарий — қўлёзмаларда бу сўзнинг ёзилиши бир неча хил ўқиш имконини беради. Бошқа манбаларда учрамайди.

21. Магал — бу атама фақат Ибн Мансурда учрайди. Уни Ибн Мансур Берунийдан ўзлаштиргани аниқ. Хаммер уни *маал* шаклида берган (Aussziige. — P. 133). Бошқа манбаларда бу сўз учрамайди.

22. Наср ибн ал-Ҳасан ибн Фирузон — Дейламдаги маҳаллий ҳукмдор. 970 йилда Шаҳриёр тоғларида Шохдиз қалъасини қурганлиги билан машҳур бўлган (Jacut's Worterbuch, III. — S. 246).

23. «Қиёсий (вазни)... 73 $\frac{1}{8}$...» — бу маълумот матнда, шубҳасиз, хато. Солиштира оғирликлар ҳақидаги рисолада лаълнинг оғирлиги 90 мисқол 2 доник 3 тасуж (= 3. 58) келади, лаълнинг замонавий ўлчамлари 3. 5 — 4. 1га тўғри келади (Г. Леммлейн).

БИЖОЗИЙ (ГРАНАТ)

1. Бижозий — гранат гуруҳига мансуб минераллардан. Асосан тўқ қизил, қуюлиб қолган қонга ўхшаши ҳамда бинафша рангида товланувчи қизил май кабилар ўрта асрларда заргарликда қадрланган. Шу билан бир қаторда кўнғир ёки сарғиш қизил ранглилари ҳам эътиборли ҳисобланган. Бижозий номи остида, эҳтимол, айна алмадинни тушунмоқ лозимдир. Бунга тошнинг Беруний келтирган тавсифи далил бўла олади:

А) Тўқ қизиллари қизил майга ва бинафша рангига мойил бу тошнинг хусусияти алмадинга хосдир. Муҳаммад ибн Мансур бижозийнинг бир турини бинафший деб атайди.

Б) Рангининг қуюқ тўқлиги сабабли бу тошнинг ярқироқлигини кучайтириш учун остига кумуш ранг оролга ёпиштирилади. Бижозийга шу шаклда ишлов бериш антик даврдан бошлаб маълум ва Беруний яшаган даврда ҳам қўлланилган.

В) Бижозий яхонтдан юмшоқроқ. Чиндан ҳам бижозийнинг таркиби ҳар хиллиги билан боғлиқ ҳолда солиштира оғирлиги 6 $\frac{1}{2}$ дан 7 $\frac{1}{2}$ гача. Ҳолбуки, корунднинг қаттиқлик даражаси 9.

С) Беруний бижознинг солиштира оғирлигининг рақамларини келтирмайди. Аммо асарнинг бир ўрнида Беруний бижознинг солиштира оғирлигини лаълга

нисбатан 3. 58 деб кўрсатган. Агар солиштирма оғирлик ҳақидаги рисолада кўрсатилган билан бу рақам тўғри келса, — деб уқтиради Беруний. Бироқ бошқа бир ўринда у бижозийнинг солиштирма оғирлигини яхонтга (ёкутга) яқин, 3,95 деб кўрсатади. Маълумки, гранатларнинг таркиби ўзгарувчан ҳамда шу сабабли солиштирма оғирлиги ҳам кимёвий таркибига қараб тебранувчан бўлади. Шундай қилиб, пиропнинг оғирлиги 3,9 дан 4,2 гача. Балки бу минералнинг солиштирма оғирлиги хилма-хил бўлгани Берунийни иккилантиргандирки, у гранатнинг вазни ҳақида аниқ рақам келтирмаган. Нисбатан арзон баҳоланувчи бу минералнинг лоақал 50 grammi Берунийнинг ихтиёрида бўлмаган десак, тўғри эмасдир. Ҳар ҳолда Беруний келтирган «5»га яқин деган солиштирма оғирлик бежиз эмас.

Д) Беруний бижозийнинг энг яхши навлари Цейлонда қазиб олинади, деб кўрсатади. Чиндан ҳам Цейлоннинг шағал тошлари орасидан ҳозир ҳам гранатнинг алмадин хили олинади. Алмадиннинг яна бир йирик кони тарихий Пегу подшолиги пойтахти яқинида, ҳозирги Бирманинг Рангун шаҳри бўлган. У ердан олинadиган гранат сираний ёки сурёний деб аталади. Бирмадаги бу кон ҳақида рус сайёҳ савдогари Афанасий Никитин бундай ёзади: «Перу кичиккина бандаргоҳ эмас. У ерда барча ҳинд дарвишлари яшайдилар. У ерда (Перуда) қимматбаҳо маник, яхут, кирпук тошлари туғилади». Кирпук дегани лотинча *carbunculus* «кўмир чўғи», юнонча *αψοαε* сўзининг таржимаси. Юнон ва лотин тилли антик ва кейинги давр манбаларида чўғдек ярқироқ ёки алангаланиб тургандек порлоқ тошлар «кўмир чўғи»га ўхшатиб таърифланган, аслида, бу таърифга хос тошлар гранат ва унинг пироп туридир. Рус «Азбуковник»ида гранат ҳақида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Анфракс — қизил рангда ярқироқ тош, халкидон (Ливия) дан топилади ва Африкия деб аталади. Уни тунда қидириб топишади. Бу тош узоқдан ярқираб кўринади, худди кўмир чўғи сингари ярақлаб туради. Карфамуколос тоши борки, уни биз ҳам шундай атаймиз. Бу тош энг қимматбаҳо, барча тошларнинг хожаси. Тунда кўмир чўғидек ярқираб туради». Сохта Аристотел «Тошлар ҳақида китоб» номли асарининг лотинча таржимасида *granatus* деб кўрсатилган. Арабча *бижозий* шаклидан эса русча *бечет* шакли пайдо бўлган (Г. Леммлейн).

2. Тоҳаристон — ўрта асрларда вилоят номи, Амударёнинг юқори оқимида туташган. Ҳозирги Тожикистоннинг жанубий, Ўзбекистон ва Афғонистон Туркистонининг худудлари. Қадимий Бақтрия худудларига тўғри келади.

3. Сажарий (матнда: *шакар*) — бошқача ўқилиши: шажарий. Мазкур атама, эҳтимол, лаъл кони жойлашган Помирдаги Шоҳдор дарёсининг номи билан боғлиқ (қаранг: *Воззрения*. — С. 300, 2 изоҳ).

4. Кадкад — замонавий Гилгит.

5. Булул, Болор — Афғонистоннинг шимолий-шарқидagi тоғли Кофиристон вилоятига нисбат бериш мумкин, ҳозирги Нуристон. Ҳозирги топонимикада Болор-тоғ тизмаси номи сақланиб қолган.

6. Адастон — босма матнда: Ардастан; А ва С қўлёмаларда Адастан деб номни, В қўлёмасида — Адаштан ёзувларини кўриш мумкин. Матнга қараганда, Ҳиндистондаги жойлари ҳақида гап кетмоқда. Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида бу шаҳар Адаштан номи билан тилга олинган (*India*. — P. 101). Бу санскритча *addisthana* «пойтахт» сўзидан

олинган бўлиб, ҳозирги номи сифатида Кашмирнинг пойтахти Сринагарга тўғри келади (Hudud. — P. 254).

7. Ал-Санаубарий — Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ал-Халабий (Халафлик) (945—946 йилларда вафот этган), Сурия шоири.

8. Мансур қозий — Абу Аҳмад Мансур ибн Муҳаммад (1048 йилда вафот этган).

9. Жаржун — Берунийда жаржун ҳақидаги маълумот жуда кам. Бу тош гранатга ўхшаш, хусусиятларига кўра, испийдчашма тошига яқин. Тавсифига кўра, бу тош ҳақида ёки қизғиш-сарик деб ҳисоблаш мумкин. Корунддан юмшоқроқ. Заргарликка мос хусусиятларига кўра, сарик ва кўнғир-қизил цирконитга қиёс қилиш мумкин. Бундай тош Цейлонда кўп миқдорда топилади. Циркон атамаси арабча жаржундан келиб чиққан. XVII-XVIII асрларда цирконнинг ялтироқ, ҳозирги кунда гиацинт деб номланувчи тури италянчада *jargone*, баъзан *sargone*, французчада *jargon* дейилган. Бу сўз, аслида, форс тилидаги заргун «олтинга ўхшаш, тилларанг» маъносидаги сўз бўлиб, араб тилидаги *жаржун* шакли орқали Европага тарқалган. Тошнинг заргун аталишини қадимги яҳудий тилидаги *йарак* сўзи билан ҳам алоқаси бор. Яҳудийча *йарак* олтинранг сарик тошни билдирган. Оромий тилида бу сўз *йаркан* шаклида Библия китобининг оромийча таржимасида учрайди. (Библия. Бытие, 2817, 39; Иезикил, 2813). Бу сўз қадимги яҳудий тилида *пир* да санскритча «сарик» маъносидаги *пирита* сўзидан. Юнон тилидаги *торάσιον* сўзига тўғри келади. *Йаркан* сўзи Берунийда ҳам учрайди. Бироқ, Беруний бу сўзни олмос маъносида ишлатади. Рангсиз ёки тиниқ сарик рангли циркон ($ZrSiO_4$). Бу тош қаттиқлиги ва қирраларини очишга қулайлиги сабабли кўпинча олмос ўрнида ишлатилган. Олмоснинг тиниқ сарик хили Европа заргарлик амалиётида *яргон* ёки *жаргон* деб аталиши ҳам маълум.

10. Испид чашма ва гарвий-гранатнинг бир хили. Ал-Ақфоний айтишича, Мағрибдан келтириладиган бижозий гарвий деб аталади. Балки бу Плинийга маълум Карфаген-Шимолий Африка гранатларидир. Беруний Наср ва ал-Киндий маълумотлари асосида испид чашма тошини қуюқ сарғиш-қизил тусли, лекин бинафшаранг товланиши йўқ. Бу хусусият уни алмандиндан кўра пироп(гранатнинг тури)га ўхшаш қилиб кўрсатади, — дейди. Гарвий ва зардул (қуйироқдаги изоҳга қаранг) ва тарбан испид чашма, гарвийнинг маҳаллий номлари ёки синонимлари бўлиши мумкин.

11. Зардул ва торбон — бошқа «Минералогия»га оид асарларда бу атамалар учрамади. Иккинчиси, «Минералогия»нинг мавжуд турли қўлёзмалар улар турли услублар, бу мумкин бўлса-да уни шундай ўқиш маъқул.

12. Мозинаж — Муҳаммад ибн Мансур (Auszuge. — P. 135) «бу ўта тўқ қизил тош бижозий (гранат)га жуда ўхшаш, лекин унинг қизил ранги қорамтирга мойил ва гранатдан енгилроқ, дейди. Остки томонидан ўйиб (чуқаноқ ҳосил қилиб) силлиқланмагунча мозийнаж ярқироқлик касб этмайди (хира кўринади). Тайфоший бу ҳақда дейди: «Бу тош тўқ қорамтир қизил, қора ранги баъзан ғолиб келади. Гранатдан кўра юмшоқроқ. Рангининг қорамтирлиги сабабли унинг ост (асос) қисмини ўйиш орқали ботиқ шаклга келтиришади. Шунда тош ярқираб очилади. Акс ҳолда ундаги сувга тўйинганлик намён бўлмайди («Сувга тўйинганлик, сувлилик, сувсизлик» каби иборалар қимматбаҳо тошларнинг сифатига нисбатан ишлатилади) (Fig. — P. 21). Плиний карбункулнинг

хинд, карфаген, хабаший, алабандий каби хилларини санаб кўрсатади. Кичик Осиёнинг Карий шахри яқинидаги Алабандий деган ернинг тоши бошқаларга нисбатан қорароқ (*Alabandies ceteris nigriores esse*). Қорамтир гранат мазийнаж Плиний эслатиб ўтган алабандий карбункулидир. Бу сўзнинг юнонча алабандий шакли арабча ал-мозийнаж шаклининг бузиб айтилишидир (Г. Леммлейн).

13. Синдон — замонавий Гоа; Ҳиндистонда. Дайбул — қаранг: 104-изоҳ, 283-бет.

14. Манк — ҳиндча қизил ёқутнинг манкая деб номланишидан олинган.

15. Суманот санами — бу санамнинг кўриниши эркак олатига ўхшаш бўлиб, ҳиндларнинг Шива худосига бағишланган. Бу санамга атаб қурилган ибодатхона Гужаротдаги Саманат ярим оролида жойлашган эди. Беруний мазкур санамни батафсил тавсифлайди: «Суманат сўзининг биринчи жузъи сум — «ой», иккинчи жузъи «нат» — «ҳукмдор», яъни «Ой ҳукмдори». Санамнинг умумий кўриниши Махадева (Улуғ худо Шива)нинг олатини тасвирлайди. «Брахман, — дейди Беруний, — менга санамнинг тузилишини тушунтирди. Бундай санамни яратиш учун бенуқсон тош олиниб, уни учга бўлинади. Пастки қисмини тўрт бурчак куб қилиб ёки тўртбурчак призма қилиб йўнилади. Иккинчи қисми саккиз бурчакли (саккиз қиррали қилиб) йўнилади. Сўнгги учинчи қисмини цилиндр шаклида йўниб текисланади. Энг юқори (уч) қисми гумбазсимон қилиб йўниб ишлов берилади. Остки тўрт қиррали қисми ерга кўмилади ва тагкурси вазифасини ўтайди. Саккиз қиррали қисми юқори қисмидаги цилиндрик қисмни кўтариб туради. Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонни босиб олган пайтида Суманат санамни синдириб, бир бўлагини Ғазнага олиб келган. Беруний Суманатни айни Ғазнада кўрган».

16. Лок — ўрта асрларда Ҳиндистондан олиб келинган маҳсулот сифатида қайд этилган. У қандайдир бир хил дарахтнинг ёки бутанинг шохларидан ажраладиган ёпишқоқ елимсимон (смоласимон) модда. Лекреркнинг фикрича, бу модда фикус ва бошқа дарахтларда яшайдиган хашарот тури *Coccus lacca* томонидан ишлаб чиқарилади (*Traite*, III. — P. 242. Яна қаранг: Афанасий Никитин. — С. 69).

17. Моза-сурий — ҳиндча сўз бўлиб, маъбуда «Куёш» маъносини беради.

ОЛМОС

1. Олмос — Беруний таърифидаги олмос масаласининг бир неча хусусияти диққатга лойиқ:

А) Олмос ўта қаттиқ жавҳар бўлишига қарамай, ўздан юмшоқ нарса билан ишқаланса едирилади, деб кўрсатади Беруний;

Б) Беруний олмоснинг шаклларига берган таъриф. Бу таърифни Беруний ҳиндларга тегишли манбалардаги октаэдрик кристаллар таърифидан олган бўлса керак (*Lapidairies*. — P. 9);

В) Турли ранг олмосларни санаб кўрсатиш, Берунийни олмосларни рангига қараб тасниф қилиб бўлмаслигига амин қилмоғи лозим эди. Қадимда ва ўрта асрларда фақат Ҳиндистондаги олмос конлари маълум эди. Зеб-зийнат буюми сифатида олмоснинг табиий парчаларидан фойдаланилар эди. Техник эҳтиёжлар учун олмоснинг учқир учбурчак шаклли кристаллари ҳамда олмос кукунидан, майда увоқларидан бошқа ми-

пералларни ёки маъданларни пардозлашда фойдаланилган. Олмос кристаллари ўта қаттиқлиги сабабли тумор сифатида ғолиблик бағишлайди, мағлубиятдан асрайди деб ишонилган. Олмос юнон тилида *αδαμας* «енгилмас» маъносига эга. Беруний бу этимологияни Ал-Киндийдан олиб ўз китобига киритган. Аслида, олмос сўзи юнонча *αδαμας* — *αδαμας* сўзидан бўлиши мумкин (Г. Леммлейн).

2. Хийро — санскритча олмос номи: *hiraka* (*Lapidaires.* — P. XXIV).

3. Азамас ва адамантун — олмоснинг юнонча номланиши: *άεδαμας, άδαμαγιος*.

4. Алмийас ва кифад-олмос — суриёнча сўзларнинг маъносини аниқ таржима қила олмадик.

5. «Эркак» темир — бу ҳақда қаранг: 6-изоҳ. — Б. 361.

6. Имрул-Қайс — Хундуж ибн Хужр (530—540 йилларда вафот этган), қадимги машҳур араб шоирлари бири (EI, II. — P. 477).

7. Фиръавнлар шишаси — Искандарияда ишлаб чиқарилган шиша тури шундай номланган ва жуда юксак қадрланган. Унда бир оз яшил рангга мойиллик бор. Тайфоший уни зайтун ёғи рангига солиштиради (қаранг: *Essai.* — P. 128, 1-изоҳ).

8. «Унинг ранги» — Ибн Мансур олмос рангини Бағдод шишасининг ранги билан солиштирган (*Auszuge.* — P. 24). Димишқийга қаранг: «Бу оқ тош бўлиб, бир оз шаффоф, худди оқ ақиққа ўхшаш, ранги эса чангсимон кул ранг андороний тузига ўхшаш» (*Cosmographie.* — P. 66; *Воззрения.* — С. 299).

9. Нория — сўзма-сўз: оловли, алангали. Араб геометриясида тетраэдрни ифодалайди (*Mafotih,* 207).

10. Ҳавоий — сўзма-сўз: ҳавоий: Араб геометриясида октаэдрни англатади (*Mafotih,* 208).

11. Нисо — Марказий Осиёдаги қадимий шаҳарнинг номи. Эрамиздан аввалги III асрда ташкил топган. Ўрта асрларда катта шаҳар ҳисобланган. Нисо харобалари Ашхобод (Туркменистон) шаҳри яқинидаги (12 км) Багир қўрғонидан топилган.

12. Хабиса — хурмо ва ёғдан аралашмасидан тайёрланган ширин таом номи.

13. Баршувар — ҳозирги Пешавор, Покистоннинг йирик шаҳри. Санскритча *Purusapura* (*Memoire,* 106).

14. «қоялар ва тош синиқлари...» — фикримизча, Беруний бу ерда базалтнинг ташқи кўринишига кўра, вулқон жинсларга хос тоғли харсанг тошларни таърифлаган.

15. Манкўвар — санскритча *Mangalarupa*, Сват дарёси ёқасидаги шаҳар, ҳозирги Мангалор (*Nundo.* — P. 246).

16. «Улар... туморлар сингари эдилар...» — Бу ерда кристал билан қиёслаш маъносида Шарқда дуо, Қуръон оятларини найча қилиб солиб юриш учун ишлатиладиган ғилоф ҳақида сўз бормоқда. Шу каби ғилофга ўхшатиб тошдан қилинган буюм тумор қилиб тақиб юрилган. Афтидан, Беруний тоғ биллурунинг ёки сафсарнинг скипетсимон кристаллини қиёс учун келтирган (Г. Леммлейн).

17. «... улар (ҳиндлар)» оқ олмосни брахманлар, деб атайдилар...» — ҳинд лапидарлари қимматбаҳо тошларни рангига қараб табақаларга тенглаштирадилар. Шу белгиларига қараб олмосни ҳам гуруҳларга бўладилар. Бундай гуруҳлаштириш қуйидаги олмоснинг келиб чиқиши ҳақидаги афсона билан боғлиқ: Чақмоқ худоси асура-Бала (вайра

«чақмоқ» ва «олмос» маъносини билдиради) турли олмослар манбаига айланган. Шу сабабли, бош қисмидан — марваридлар шодаси, ой ва тоғ биллуридай нур таратувчи брахман олмослар; кўлидан — маймунларнинг қизғиш тоза жигарранг жунига ўхшаш кишатрий олмослар, кўкрак танасидан — сарғиш рангда товланувчи ваиший олмослар; оёқларидан — силлиқ пардозланган чақмоқсимон тош рангли шудра олмослари каби табақалар пайдо бўлган (Lapidaires. — P. 81).

18. Биш — ҳинд аконит сўзи ўзагининг форсча-арабча номланиши, санскритча Visha «заҳар». Ҳиндистонда бу ўсимликнинг кўп турлари маълум (Aconitum Ferax ва б.). Беруний «Сайдана» асарида бу ўсимликка махсус бўлимни бағишлаган (Picture. — P. 13). «Islamik cultur»да таржимаси эълон қилинган, XIX, 4, 1945. — P. 323.

19. Абу Зайд ал-Аражоний (994 йилда вафот этган) — Мейерхофнинг тахминича бу шахс Абу Саъид ал-Аражоний, келиб чиқиши форслардан, машхур табиб. Бувайҳийлар даврида Бағдодга кўчиб келган (Von Alexdrien. — S. 16).

20. «Бу (симоб. — М. И.) шундай холатида ўлдирувчи хусусиятга эга...» — яъни симоб туз холатида заҳар ҳисобланади.

21. «...Олмосжигар ва ичакларни ўйиб ташлайди» — қиёсқилинг: Димишқий ёзишича (олмос учбурчак кўринишида майда бўлақларга бўлинади. Энг кичик бўлаги ютиб юборилса, ҳатто, тариқ донасидек бўлса ҳам одамни ўлдириши мумкин» (Cosmographie. — P. 66).

22. Нушазир — нўвшадил. Қайта ишланган пайтда денуритлар каби кристаллашади, камон ўқининг учи шаклига киради (Г. Леммлейн).

23. «Кўрғошин ўзининг ўткир ҳиди билан олтинни парчалайди» — Беруний олмоснинг хусусиятлари ҳақида ўрта аср алкимёгарларининг фикрларига ишора қилади. Димишқий бу ҳақда ёзади: «Тошлар орасида кўрғошиндан бошқа бирорта тош йўқки, олмос синдира олмайдиган, емириб юбормайдиган ёки сифатини буза олмайдиган бўлса. Олмос ўз табиатига кўра, олтин бўлиши керак эди-ю, лекин олмосни ҳосил қилувчи сув коннинг қайноқ ички иссиғида қуриб, дастлаб ёпишқоқ симоб ҳолига келади. Сўнгра ўта қуруқлик таъсирида зичлашиб боради ва тошга айланади, шўрланди. Шу сабабли қотишма симоб таъсирида майдаланади. Агар аста секин қота борса олтинга айланган бўлар эди. Таркибида туз бўлгани, ҳаддан зиёд қуруқлиги сабабли бошқа хил тошларни емиради. Бироқ таркибида олтингугурт унсури борлиги сабабли руҳ бошқа маъданларни ва минералларни бузишга қодир. Олмос эса таркибида туз хусусияти бўлгани сабабли, олтингугурт хиди таъсир этиб, парчаланайди» (Cosmographie. — P. 66).

24. Мисвок — махсус дарахтнинг тиш тозалаш учун ишлатиладиган чўпи. Унинг бир учи патила қилиб (чўткасимон) кесилади (EI. III. — P. 593).

25. Ҳасан Рукн ад-Давла — 932-976 йилларда Рай, Ҳамадан, Исфакон шаҳарларида ҳоким (ноиб) бўлган.

26. Ховар — Беруний «Минералогия»сидан ташқари бошқа бирор манбада бу сўз учрамайди. Беруний эса бу атамани Ҳиндистоннинг жануби-ғарбидаги Кавери деган манзилга нисбатан ишлатган бўлса керак (Marvarid. — P. 144).

27. Камарун — матнда шундай. Камаруп деб ўқиган маъкул. Ҳиндистондаги хозирги Ассамга тўғри келади (Relations. — P. 13).

28. Суварнадиб — Суматра ороли. Санскритча *Suvarna «Dvīpa»*, «Олтин орол» ёки «Олтинлар ороли».

29. Суварнабхум — матнда Суварнабахрам деб хато ёзилган. Суварнабхуми «олтин ер» демакдир. Птолемей «География»сида *Chryses Regia* деб қайт этилган. Бирмага тегишли манзил ҳисобланади (*Nundo. — P. 198*).

30. Уторид Ибн Муҳаммад ал-Ҳосиб — Минералогияга оид асар муаллифи. XI асрда шаган.

31. «Бургут тоши» — ашшур (Ассирия) даврига оид матнларда (*Thompson. Dictionary. — P. 104*) «Бургут тоши»ни тумор қилиб тақиб юриш одат бўлган. Бу тош аёлларнинг туғишини осон қилади деб ишонилган. Балки ассирийча (ашшурча) *аван эри* (бургут тоши) ўзига хос сўз ўйинидир. Чунки ашшур тилида эру «бургут» деган маънони билдиради. Бу сўз «ҳомиладор» маъносига ҳам эга. Афтидан антик давр адабиётида учрайдиган «бургут тоши» ҳақидаги хабарлар шу иримнинг таъсирида пайди бўлган. Бундай тошлар темир занги рангидаги ичи ғовак юмалоқ кўринишда бўлади. Ғовак тош ичида кўпинча яна бир кичина тош бўлади. Ғовак тош, унинг ичидаги бўшлиқда кичик тош жойлашиб қолишни қадимги одамлар «ҳомиладорлик»ка йўйишган. Гўё ғовак тошдан янги тош туғилади, деб тушинишган. Беруний тавсифини Плиний ёзиб қолдирган тавсилот билан қиёс қилинса, ғовак тош ҳақидаги тассавур янада бойийди. Мана ўша ҳикоя: «Бургут тоши». Ном сабаб бўлиб одамлар орасида жуда машхур. Уларни бургут инларидан топишган. Айтишадики, бургут тошлари эркак ва аёл - жуфт бўлишар экан. Бургутлар шу тошларсиз бола очишмас эмиш. Жўжа очишса ҳам фақат бир жуфт очишар эмиш. Бургут тошлари тўрт хил бўлади. Африкада бундай тошлар майда, юмшоқ ва ичида бамисоли қорнида юмшоқ майин оқ рангли бўлармиш. Бу тошларни олиб артиб-суртиб аёл тош деб эъзозлашар экан. Арабистонда туғиладиган бургут тошлар қаттиқ, сиёҳдон қилинадиган ёнғоқ палласига ўхшайди. Ранги қизғиш, ичида («қорнида») қаттиқ тош бўлади. Учинчи хил бургут тош Кипрда бўлади. Бунисининг ранги Африканинг бургут тошига ўхшаш. Кўпинча чўзинчоқроқ, баъзан юмалоқлари ҳам бўлади. «Қорнидаги» бўшлиқда майин қум ва майда тошлар бўлади. Лекин, Кипр бургут тошлари юмшоқ бўлади. Ҳатто қўлда эзилиши мумкин. Тўртинчи хил бургут тошлари Тафиуз тошлари деб аталади. Левкада яқинида Тафий тоғида «туғилишади». Уларнинг макони Левкадага денгиздан бориш йўлининг ўнг томонида. Бургут тоши Тафиуз хилининг оқ рангли юмолоғи дарёларда бўлади. Уларнинг ичидаги ғовакда Каллим деб аталувчи кичик тош бўлади. Бу тошлар силлиқ ва майин бўлади» (В. М. Севергиннинг арабчадан қилган русча таржимасидан фойдаланилди — М. И.) Бир қатор бошқа ўрта аср манбаларида «бургут тоши» алоҳида хусусияти туфайли аёлларнинг туғишида ёрдам беради деб кўрсатилган. Бу тош ҳақидаги ҳикоя Македониялик Александр билан боғлиқ ривоятлар туркумига ҳам кирган. Эмишки, бургутнинг моддаси тухум қўяётганда, нари унинг устига «бургут тоши»ни қўйиб турар экан. Буни кўрган Александр «бургут тошлар»ни териб йиғишга буюрган эмиш (*Steinbuch. — S. 18*) (Г. Леммлейн).

32. Алкимёгарлар нўшадилни «бургут... деб атайдилар» — алкимё бўйича асарларда новшадил бир неча рамзий номлар билан аталади. Масалан, ёввойи арслон, қарчиғай,

бургут ва бошқалар. Баъзан, бошқа моддаларни ҳам рамзий номлар билан аташ одати бор (Beitrag, XXIV. — S. 83)

33. Ярқон — 297-бетдаги 9-изоҳга қаранг.

34. Зулқарнайн — араб, форс ва туркий ёзма ёдгорликларда, халқ оғзаки ижодида тарихий Александрнинг (Македониялик) лақаби. «Икки шоҳли» деган маънони билдиради. Бунинг тарихи шундай: Александр Мисрни босиб олганда ўзини мисрликларнинг олий худоси Амоннинг ўғли деб эълон қилган. Одамлар тасаввурида Амоннинг боши икки шоҳли кўй кўринишида бўлган. Шу туфайли Александр расмий вазиятларда ўзига бўртма усулда кўй шохи тасвирланган бош кийими кийган. Масалан, Александр зарб қилган тангаларида худди шу бош кийимида тасвирланган (изоҳ тўлдирилди. — М. И.)

35. Олмослар водийси — бу ўринда Беруний оёқ етмас олмослар водийсини ва у водийдан Искандар (Александр) олмос тердиргани ҳақидаги машҳур ривоятнинг бир вариантини келтиради. Шу билан бирга қараши (кўзи тушган нарсани) ўлдирадиган илон ҳақидаги «Ҳиндистон ажойиботлари» китобидан олинган хабар қуйидагича: «Ҳиндистоннинг баъзи тоғларида шундай илонлар борки, улар кўп ҳам катта эмас, кулранг ва ола-була. Агар одамга одам унга қарашидан олдин қараса, бу илон ўзи ўлади. Аксинча одам бу илонга, у одамга қарашидан олдин қараса, одамнинг ўзи ўлади. Одам ҳам, илон ҳам бир-бирларига баравар қараб қолишса, ҳар иккови ўлади» (Merveilles. — P. 50) (Бу ўринда ўта заҳарли илон ҳақида гап бораётган бўлса керакки, бундан эҳтиётлик зарурлиги ушбу ривоят шаклида берилган бўлса керак. — М. И.)

36. Илонлар маликаси — «Ҳиндистон ажойиботлари» китобидан Беруний маълумотига қиёс қилиш учун қаранг: «(Илонлар маликаси) Хирканд кўлида яшайди. Зиндиқларнинг подшолари бу илонни қўлга киритиш учун турли хийла-найрангларни ишга солишади. Уни (илонни) қайнатиб, ёғи шўрваси юзига чиққунича пиширадилар. Подшо баданини шу ёғ билан ёғлайдилар. Бундай подшонинг қуввати ортиб, ҳаракатлари чаққон бўлади, деб ишонишади. Малика илоннинг йўл-йўл терисидан гилам тўқишади. Илоннинг ёғидан чехотка касали тузалади. Соғлом одамлар илон ёғини ичсалар ҳеч қандай касал уларга яқинлашмайди» (Merveilles. — P. 35.) Берунийнинг Жолинусга ишорат қилиб базиликс (василиск) ҳақида келтирилган маълумоти қуйидагича: «Бу ҳайвон сарғиш тилларанг, унинг бошида учта бўртиғи бор. Айтишларича, бу ҳайвонга кимнинг кўзи тушса ўлар эмиш. Унинг хуштаксимон товушини эшитган ҳам ўлар экан. Мен, - дейди Беруний, - базиликсни кўрмадим. Агар чиндан ҳам базиликс ҳақидаги гаплар чин бўлса, у ҳолда бу ҳайвонга яқинлашув хавфли» (Die Quellen. — S. 42.).

37. Ибн Мандавайҳ — X асрда яшаган, Бағдод шифохонасининг табиби (Von Alexandrien. — S. 38).

38. Атойус ал-Омидий — Евфрот дарёси қирғоғидаги Эдесса шаҳридан чиққан таржимон. Юнон тилидан сурёний тилига таржима қилиш билан шуғулланган. VI асрда яшаб ўтган (Aie Quellen. — P. 33).

39. Абу-л-хайр ибн Ҳасан — Ибн ал-Ҳаммор исми билан машҳур бўлган файласуф-табиб. Юнон тилидаги муҳим асарлари изоҳли таржима қилган. Ўз таржималарига илмий

изоҳлар тузган. Фалсафа, тиббиёт, физика соҳалари бўйича ўзининг асарлари бор. Ислон динига кирмаган. Насроний. Бағдодда яшаган ва кейинроқ Хоразмга кўчиб келган. 1017 йилда Беруний билан бирга Ғазнага борган ва табобат билан шуғулланган. Узоқ умр кўриб вафот этган (қаранг: Von Alexandrien. — S. 42)

40. «... ибн қутра аталувчи арқам илонининг узунлиги...» — «Китоб ал-ҳайовон» китобида Ал-Жоҳиз «арқам илоннинг фақат номи маълум, дейди ва ушбу мақолни келтиради: «У қоя тошда арқам (илон)дек сирпанади». Ибн қутра аталиши эса манбаларда учрамайди.

41. Шоҳли илон — Cerastas Cornutas (Beitrag. — S. 62, 64). «Китоб ал-ҳайовон» китобида Ал-Жоҳиз ёзади: «Заҳарли илонларда шох бўлмайди. «Шоҳли...» сифати ўхшатишдан пайдо бўлган. Бу илон бошидаги тери остида пайдан иборат ғурра ҳақида нотўғри тасаввур меваси.

42. Зу-р-Руммо — VII аср охири-VIII аср бошида яшаган араб шоири (Уммавийлар даври).

43. Абу-н-Нажм-ал-Фозил ибн Кудамо ал-Иъжлий — халифа Хишом даврида яшаган шоир (750 йил арафасида вафот этган.)

44. Ар-Рухаж — матнда арабча ал-з-ҳ-д. Беруний бу сўзни Афғонистоннинг жанубида жойлашган ҳудудга нисбатан ишлатган деб ҳисоблайди.

45. Раъода — «Момоқалди роқ ҳосил қилувчи» маъносига эга сўз. Гарнатий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Рум денгизида шундай балиқ борки, ким агар балиқ тушган тўрга ёки унинг бирор арқонига ёки балиқнинг ўзига қўл текизса аъзои бадани жонсиз ҳаракатсиз бўлиб қолади. Қўлини ўша нарсалардан ажратса, балиқнинг таъсири кетиб яна ўз ҳолига қайтади. Қўлини яна тўргами, унинг арқонига текизса, балиқ таъсирида бояги фалаж ҳолат такрорланади (Tuhfat. — P. 101).

46. Гераклидус — Грецияда эллинизм даврида шу ном билан маълум бир неча олимлар ўтган. Беруний улардан қайси бирига ишорат қилгани аниқ эмас (Aie Quellen. — P. 33).

47. Мусо ибн Нусайр — бу шахс ҳақида 248-бет, 214-изоҳга қаранг. Бу муаллиф кўплаб амалда бўлмаган воқеаларни ўйлаб топиб ёзган. Шундай сохта хабарлардан бири ҳақида Ибн ал-Фақих ва XII асрда Испаниянинг Андалузиясидан чиққан машҳур сайёҳ Гарнатийлар ёзиб қолдиришган. Масалан, Гарнатий Беруний келтирган «Кулги шаҳри» ҳақидаги ҳикоянинг қисқа вариантини таърифлаган (Гарнатий. Медный город.) (Tuhfa. — P. 22).

48. «... олмослар ҳақида ҳикоя қилар экан...» — жаҳон адабиётида тубига етиб бўлмас чуқур жарликдан бургутлар ёрдамида сон-саноксиз, афсонавор миқдорда олмослар ва қимматбаҳо тошлар олиб чиқилгани ҳақидаги ҳикоя кенг тарқалган. Бу ҳикоя Кипрлик Эпифанийда, «Минг бир кеча» эртақларида, арманча қимматбаҳо тошлар ҳақидаги китобда, рус «Азбуковник» китобида мавжуд. Марко Поло ҳам бу ҳикояни қайд этган ва ҳоказо.

49. «... бургут тоши ҳақида айтишадик...» — бу ҳикоя ўз вақтида кенг тарқалган ўрта асрларга оид турли манбаларда учрайди.

50. Жонбадастар — бу модда ҳақида қаранг: Kimiya. — P. 210.

ҚУМҚАЙРОҚ

1. Сунбозаж — қайроқтош (наждак) атамаси форсча суфтан (сунб) ўзагидан ясалган ва «суқмоқ, бурғиламоқ» маъносига эга. Беруний замонида сунбозаж деганда минерал ёки маъдан буюмларга пардоз беришда ишлатилган корунднинг йирик донали кристал кукуни тушинилган. Бу минерални янчиб кукун ҳолига келтирилгач, буюмлар сиртига уни ишқалаш йўли билан пардоз берилган.

Қадимда сунбозаж (наждак) ва корунд конлари бир неча манзилларда бўлган. Плиний (36 боб, 10-банд) Юнистоннинг Наксос оролини ва Арманистонни корунд конлари бор манзил деб кўрсатган. Ҳиндистонда корунд конлари қадим замонларда маълум. Булардан келтирилган пардозлаш кукунлари рангли метал хунармандчилигининг ривожига сабаб бўлган. Мадрас (Ҳиндистон)нинг Голконда музофоти ҳамда Коромандил қирғоқларидаги корунд конлари бу минералнинг номидан *корун*, *корунд*, *коринд* сўзлари пайдо бўлган (Brard C. P. Mineralogie appliquee aux arts. Paris, 1921). Беруний эслатиб ўтган нубия қумқоғози (ёки занжи наждаги) Мадагаскар оролидан келиб чиққан бўлса керак. Зеро, Мадагаскарда наждак тошлар харсанг кўринишида ва дарё шағаллари сой ўзанларида ҳосил қилувчи қайроқи тошлар орасидан териб олинади.

Мозамбик бўғозида (занжирлар денгизи) араб денгизлари IX-X асрларда пайдо бўлган. Тоғ биллурининг йирик миқдорларда Мадагаскардан олиб кетилиши шу вақтдан бошланган. Биллур билан бир қаторда корунд (наждак) ҳам олиб кетилар эди. Бу ўз навбатида Ироқ ва Басрада X-XI асрларда келиб тош йўнаш, ўймакорлик, тошга пардоз бериш каби хунарларнинг ривожланишга сабаб бўлди.

Наждакнинг йирик конлари Кичик Осиё ҳудудларида ҳам мавжуд. Уларнинг энг йириги қадимги Эфес шаҳри харобалари яқинида Гумухда тоғида, яна бири Туркиянинг Измир шаҳри яқинида жойлашган. Муҳаммад ибн Мансур (XIII аср) Ҳиндистон ва Нубиядан ташқари корунд-наждак тошлари конлари Севас ҳамда Кирмонда ҳам бор деб кўрсатилган. Пардозлаш мақсадида наждак кукун қилиб, янчилган ҳолда ишлатилган. Кукун сувда бутқа даражасида ивитилгач, метал каламча учига илинтирган ҳолда ишлов бериладиган буюмга пардозланган.

Пармалаш ва қаттиқ материал юзасида тасвир ёки ёзув битиш учун корунд (наждак) кукунининг бўтқаси тез айланадиган ускунага суртиб қўйилади ва ускуна ишга туширилади. Наждак бўтқаси зайтун мойида қорилса яна-да яхши. Наждакдан фойдаланишда пардозлаш қайроқ тошларидан ва чархдан фойдаланиш усули ҳақида Сохта Аристотель бундай хабар беради: «наждак кукуни лок деб аталадиган елим билан қорилса, у билан ишқаланган буюм сиртини ғадир-будирлардан тозалаб силлиқлайди» (Steinvuch. — S. 151). Шу каби пардозлаш чархлари Мак-Гирнинг ёзишича, Ҳиндистон ва Цейлон сангтарошлари томонидан XIX-XX асрларгача ишлатиб келинган (J. D. Guire. A Studie of the Primitifs Methods of Drilling) (Г. Леммлейн).

2. «У денгизда ўсадиган ўт сингари...» — ал-Киндий рангсиз тошлар ичида ал-хашийш деб аталадиган тош ҳақида эслатади. Бунинг маъноси «ўтга, майсага ўхшаш» демакдир. Беруний келтирган бу таърифни изоҳлаш учун манбаларда бошқа хабарлар учрамайди.

3. «У билан ёқутни силлиқлаб пардозлашади...» — Димишқий (Cosmographie. — P. 72) ёзади: «Наждакни яхшилаб янчиб (туйиб) олгач уни қиздирилган лок билан то текис қоришиб, хамир ҳолига келмагунча аралаштиришади. Тайёр қоришмадан парракчалар псашади. Парракчалар қотгач, улар ёрдамида қимматбаҳо тошларни пардозлайдилар».

4. Самийрас — смирик (юнонча *σμίρις*). Наждакнинг юнонча номи. Аккад тилидаги шимур сўзи асосида юнончадан пайдо бўлган сўзdir. (қаранг: Thompson. Dictionary. — P. 52, 133) (Г. Леммлейн).

5. Эликсир — фалсафа тоши. Араб тилида хожар ал-ҳикма дейилади. Ал кимёгар олимлар уни топиш йўлида умрларини бағишлайдилар. Эликсир ёрдамида қора маданларни кумуш ва олтинга айлантириш умидида гўё «илмий» изланишади. Эликсирнинг оқидан кумуш, қизилидан олтин пайдо бўлади, деб ишонишади. Ар-Розий алкимё эликсирининг сохта илмий таърифини ёзиб қолдирган: «Эликсир — бу субстанция. У тўрт хил табиат ва уч қурбат (куч) бирлигидир. Бу тўрт хил табиат ва уч хил куч ўзаро боғлиқ ва мутаносибдирлар. Ҳамжихатликда ҳаракат қилишади. Бу субстанция бошқа ҳар қандай субстанция таркибига сингиб кетишга қодир ва уларни янада поклайди. Эликсир сувда чўкмайди, ўтда ёнмайди. У шундай нозикки, худди руҳ каби. Қаттиқлиги ва барқарорлигига кўра, асли (моддий) моҳияти металлига ўхшайди» (Alchemie. — P. 291.)

6. Дамованд тоғи — Беруний матнида Дамованд (*ڈڤبند*). Касбий денгизнинг жануби бўйлаб чўзилган Элбурс тоғининг энг баланд чўққиси. «Шохнома»га кирган бир қатор ривоятлар бу тоғ билан боғланган. Тарихий географик асарларда Дамованд тоғидаги олтингугурт конлари тўғрисида кўплаб маълумотлар етиб келган. Абу Дулаф «Саёҳатнома»сидаги ҳикоя улар орасидаги энг тўлиғи. Ибн Факих, Ёқут ал-Ҳамавий, Қазвинийлар Абу Дуллоф ҳикоясининг қисқартирилган вариантларини келтиришган.

7. Беварасп — «Шохнома»даги номи келтирилган шахс. Золим ҳукмдор Заҳҳокнинг отаси. Ўғил (Заҳҳок) отаси (Беварасп)ни ўлдириб, тахтни эгаллаган дейилади. Заҳҳокнинг зулмига қарши Кова бошчилигида кўзғолон кўтарилади. Заҳҳок қўлга олиниб, икки қисмга бўлиб (арралаб) ўлдирилади. Беруний «Минералогия»да бу ривоятнинг бошқа вариантини келтирган.

8. Баҳр ул-муҳит — араб ўрта аср географик тассавурга кўра, Ернинг қуруқлик қисмини битта денгиз ўраб туради. Бу денгиз «Баҳр ул-муҳит» дейилади.

ДУР

1. Маржон — Шарқ тилларида кенг тарқалган марвариднинг номи. Санскритча *manjara* «гулнинг гунчаси», *manjari* «марварид донаси». Марвариднинг грекча номланиши *маруаоон* ва форсча номланиши эса — *марварид* (Г. Леммлейн).

2. Абу Уъбайд (728—825) — араб филологи ва тарихчиси (EI, I. — P. 119).

3. Дурр-у ал-Жахиза (Tabassur. — P. 329): «Қачонки доннинг оғирлиги ярим мисқолга етганда, у дурра деб айтилади».

4. «Улардан келиб чиқади...» — Қуръон. 55-сура 22-оят.

5. Абу-л-Ҳасан ал-Лихйоний — араб филологи, IX асрда яшаган.

6. Ан-Набиға аз-Зубйаний (чамаси 604 йилда вафот этган) — Зиёд ибн Муъавия, Хи-рада исломгача яшаб ўтган шоир.

7. Али ибн ал-Жаҳм — араб шоири (863 йилда вафот этган)

8. Аус ибн Хожар (530—620) — исломгача яшаб ўтган шоир (EI, I. — P. 533).

9. Ибн Бобак — Абд ас-Самад ибн Мансур (1019—1020 йилларда вафот этган), шоир.

10. Аҳмад ибн Али (1024 йилда вафот этган) — «Шарҳ ал-илал» китобининг муалли-фи. Кренков фикрича, Ибн аш-Шаррабий исми билан ҳам машҳур бўлган ар-Руманий-дир.

11. Ал-Ҳормозий — VIII-IX асрларда яшаб ижод этган араб филологи.

12. Яман — Арабистон ярим оролининг шарқий қисми, Форс қўлтиғидан Яман ва Араб денгизи қирғоқларида жойлашган.

13. Суҳор — Арабистон ярим оролининг Яман сув бўйидаги жойлашган аҳоли яшай-диган ҳудуд, олдиндан ва ҳозир ҳам мавжуд.

14. Абу Зуъайб (647 йилда вафот этган) — Хузайл қабиласининг машҳур араб шоири.

15. «... марваридга, сирли ва сақланувчи...» — Қуръон. 56-сура, 22-оят.

16. Абу Али ал-Исфажоний — эҳтимол, Абу Али ал-Ҳасан ибн Абдаллоҳ Муғда ал-Исба-хоний, Абу Ханафий ад-Диноварий замондоши (GAL, I. — P. 188; Irshad, III. — P. 81).

17. «... улар тасдиқлашаябди...» — марвариднинг келиб чиқиши ҳақида ҳинд мифо-логияси тассавурлари. Ҳинд *Ратнапарикша* минералогияга оид асарга кўра, машҳур марваридлар филдан, булутдан, тўнғиздан, чиғаноқдан, балиқдан, илондан, денгиз чиғаноғидан келиб чиққан... «Марварид, — деб ёзган у, — филнинг пешонаси дўнги-дан келиб чиққан, ўлчами кола дарахти каттароқ мевасидай бўлади. Сарик-миссимон рангли ва ялтирамайдиган..., фақатгина, филнинг тоза зотидан марварид пайдо бўла-ди» (Lapidaires. — P. 14). Бамбук марваридига нисбатан фикр айтилганда, у ўзаро бам-бук бўғинларида пайдо бўлади, градин ялтироқлигига эга ўхшаш деб таърифланади. «Бундай бамбук фақат битта жойда, яъни худоларгагина бориш мумкин бўлган жойда ўсади» (Қаранг: Ўша асар, 16 саҳифа).

18. Гафр ва Зубона — икки ойли бекатларнинг номи. Биринчиси — Паризод юлдуз-лар туркумидаги учта юлдуз, иккинчиси — Тарози юлдузлар туркумидаги иккита юл-дуз (қаранг: Т. А. Шумовский. Три неизвестные лоции Ахмада ибн Мажида. М.: 1957. — С. 146—147; И. Ю. И. Ю. Крачковский. Арабларнинг ойли қантарлари ҳақида. Сочинения. Т. IV. — С. 38).

19. Табошар — санскритча *trakshira*, ўрта асрларда машҳур бўлган дори дармон-нинг номи. Ҳиндистонда ўсадиган бамбукнинг ўрта тугунларидан пайдо бўлиб, оқ чакмоқтош қотишмасидан тайёрланади. Табошардан маржонлар учун мунчоқлар тай-ёрланади. Абу Дулаф Мандрапатада жанубий Ҳиндистонни таърифлаганда, шундай хабар беради: «У ерда қалин қамишзорлар ўрмонга ўхшаб кетган. У ердан табошар олиб чиқилади. Бу қамишнинг кули. У қуриётганда ва шамол бошланганда, бир-бирига ишқаланиши натижасида қаттиқ иссиқлик вужудга келади ва қамиш ёнади. Баъзида эллик фархас ёки ундан кўпроқ майдон ёниб кетади. Бутун дунёга олиб чиқиладиган табашйир, шу қамишнинг ёнишидан келиб чиқади. Табошарнинг энг олий нави, нархи юз динар ва ундан ҳам ортган, қамишнинг ички лўқ қаватидан олинади. Бундай табо-

шар бир йилда уч ёки беш мангача миқдорда йиғиб олиш мумкин. Ҳар бир ман табошар беш минг динордан минг диноргача баҳоланади» (Bericht. — С. 32).

20. Абд ар-Раҳмон ибн Ҳассон — Умавийлар даври шоири, машхур шоир Ҳасан ибн Собитнинг ўғли.

21. Сулаймон ибн Язид ал-Адавий ёки Адвий — бошқа манбалардан учрамайди (Quellen. — Р. 30). Кренков сатр оралиғида берган изоҳида ёзишича, бу шеърлар Дах-бала ал-Жамоҳийнинг қасидаларида учрайди (Бируни. Минералогия. — С. 108, 5-изоҳ).

22. «Ятим» — Жоҳизга биноан (Tabassur. — Р. 329) Қилзум «Ятим»и — уч мисқол оғирликка эга (қаранг: Beitrage, XXX. — Р. 297). Бу марваридни овлаш ҳақидаги ярим ровий ҳикоялар «Ҳиндистон ажойиботлари» китобида ҳикоя қилинган (Merveilles. — Р. 134).

23. Ал-Асвад ибн Яъфур — исломга қадар яшаган араб шоири.

24. Хино, хна — бальзам (бўёқ) (Impatiens balsamina). Соч ва тирноқларни қизғиш рангли қилиб бўяш учун ишлатилади.

25. Антара — исломгача машхур араб шоири.

26. Абу-т-Таййиб ал-Мутанаббий — X аср арабларнинг энг йирик шоирларидан бири.

27. Аъдий ибн Зайид — VI асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган насроний-араб шоири.

28. Қайс ибн ал-Мулавваҳ — VII асрда яшаб ижод этган ярим афсонавий шоири. Мажнун лақаби билан машхур бўлган (Қаранг: И. Ю. Крачковский, II. — С. 588—589).

29. Хауза (Хауда) ибн Али — Эрон Сосонийлар сулоласининг подшоси Хусрав II нинг замондоши (VI аср). Марказий Арабистондаги Ҳанифа араб қабиласининг эътиборли йўлбошчиси.

30. Лебид — Рабиъа қабиласининг исломгача ижод қилган шоири, ҳижрий 40 йилларда ўлган (чамаси, милодий 660 йиллар).

31. Ал-Мусайяб — исломгача ижод қилган араб шоири.

32. Худба — арабча матнда шундай ёзилган (Кренков эса ибн ал-Ҳашрам деб қўшимча қилган. Яна қаранг: Quellen. — Р. 30). Демак, бу исмнинг тўлиқ шакли Ходба ибн ал-Ҳашрам.

33. Масрур — Яман шоири (?). Ёқут уни Масрур ал-Фашалий деб айтайди (Jacut's — Worterbuch, III. — S. 901).

34. Ибн Самуда — бизга маълум бўлган маълумотнома нашрларида у ҳақида эсланмаган.

35. Абу-л-Фараж ибн Хинд (1018 йилда вафот этган) — Абу-л-Фараж Ал ибн ал-Хусейн ибн Хинд — табиб, файласуф ва шоир, Абу-л-Хайрнинг шогирди. Адуд ад-даула Бу-вейҳиднинг котиби бўлган.

36. Шамс ал-Маъолий — Зиёрийлар сулоласининг амири Қобус ибн Вашмгирнинг фахрли унвони.

37. Абдаллох ибн Жуъон — маккалик, Муҳаммад (с. а. в)нинг қариндоши ва замондоши.

38. «Топди» — матнда: йўқотди.

39. Урва ибн аз-Зубайр ибн Аввом ал-Асадий ад-Мадоний (710 йилда вафот этган) — Абдаллох ибн аз-Зубайрнинг акаси, ҳадислар ҳақида хабар берувчи.

40. Варс — сариқ рангли ўсимлик бўёқ, Цейлонда ўсувчи қизил дарахтдан олинади (*Memecylon tinctorium*). Қаранг: *Traite*, III. — Р. 2283. Кренков — *Flemingo Rhodocarpa* Вак дарахти деб номлаган (*Islamic Culture*, XV. — Р. 413. Изоҳ 4; Яна қаранг: Канон, II. — Р. 223).

41. Иброҳим ан-Наззом — Ибраҳим ибн Сайёр ибн Хониъ Абу Исҳоқ (835 йилда вафот этган), шоир ва филолог; илоҳиётчи сифатида танилган, исломнинг муътазиллий-лар рационализм оқими таъсирида бўлган.

42. Ан-Нусайиб — VII асрда яшаган араб шоири.

43. Моний ал-Мувавас — VIII аср араб шоири.

44. Башшор ибн Бурд — шоир, келиб чиқиши форс, Басра ва Бағдодда яшаган. Форс ва араб тилларида ижод қилган. Халифа Маҳдийнинг вазирини ҳажв остига олгани учун 783 йилда қатл этилган (EI, I. — Р. 689).

45. Ал-Омидий — ал-Ҳасан ибн Бишр Абу-л-Қосим ал-Омидий (981 йилда вафот этган) — адиб, аз-Зажжож ва ибн Дурайдларнинг шогирди. Унинг асарлари араб шеъриятини танқидий ўрганишга бағишланган (EI, I. — Р. 330).

46. Туфайл ал-Ғанавий — исломгача ижод қилган шоир; унинг отлар тўғрисидаги тавсифлари машҳур.

47. Язид ибн ат-Тасарий — Уммавийлар замонида ижод этган шоир, 743—744 йилларда ўлдирилган.

48. Лахолихо — мушк, амбар, камфора ва бошқа моддаларнинг хушбўй омухтаси (Кренков).

49. Абу Мансур ас-Саъолибий — Абу Мансур Абд ал-Малик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саъолибий (961—1038), машҳур тарихчи. 1021 йилда тузилган «Форс подшоларининг тарихи» асари муаллифи.

50. Ибн Муқла, Али — халифа ал-Муқтадирнинг вазирини, махсус ёзув яратувчиси ва ҳаттот сифатида машҳур бўлган. 940 йилда ўлдирилган.

51. «Уларнинг нигоҳлари ҳаёдан четга боқадилар... — Қуръон. 37-сура, 48-оят.

52. «Уларнинг атрофларида ғулумлар сочиб юборилган дурлар каби айландилар...» — Қуръон. 76-сура 19-оят.

53. «Уларнинг устида садаф ичида яширинган гавҳардек пок ва хушсурат ғулумлар хизматда айланиб юрадилар...» — Қуръон. 52-сура, 24-оят.

54. Ибн ар-Риқоъ — VIII аср бошларида яшаган араб шоири.

55. Хубаъ ар-Рузий («новвой») — Наср ибн Аҳмад, шоир. Бағдодда 929—930 йилларда вафот этган.

56. Нумайр ал-Уқайлий — Кренков ўз изоҳларида ёзишича, номаълум шоир. Хашмий бу шоирни Уммавийлар даври шоирлари қаторига қўшган (*Quellen*. — Р. 29).

57. Соҳиб ибн Аббод — Исмоил ибн Аббод ас-Соҳиб (995 йилда вафот этган) Бувайхийлар вазирини, адиб ва санъат хомийси.

58. Ауф ибн Муҳаллим ал-Хузобий (830 йилда вафот этган) — Хуросонда Тохирийлар сулоласига асос солган Тохир ибн ал-Хусайин даврида яшаган шоир ва олим.

59. «Юлдузларнинг ой ва Кувейннинг тутилиши шундай содир бўладики... — Беруний билан Абу-л-Қосим ўртасидаги баҳснинг моҳиятини тўла тушунтириб бериш учун бу

ўринда кўзда тутилган шарҳловчи ўзини араб астрономияси билан етарли таниш эмас, деб ҳисоблаган. Ушбу баҳсни бир қадар тушунтириб бериш учун «Мафотих ул-улум» Қомусида ой ва Қуёш тутилиши сабаблари ҳақидаги тафсилотга мурожаат қилиш мумкин: «Қуёш тутилишининг сабаби шундаки, Ой билан Қуёш бизнинг орамизга кириб қолади ва биздан Қуёш нурини тўсиб қўяди. Қуёш тутилиши ой охирларида ҳар икки сайёра кенглик ва узунлик кесишган бир нуқтада учрашганда содир бўлади. Ой тутилишига келсак, бу ҳодиса одатда ой ўрталарида рўй беради. Бунда Ер Ой билан Қуёш ўртасига тўғри келади. Шу сабабли Ой тутилиши бу икки сайёра бир бирига қарама-қарши кенглик ва узунликда турган пайтга тўғри келади» (Mafotih. — P. 228; қиёс қилинг: И. Ю. Крачковский. IV. — С. 66).

60. «Бас, кўз қамашганда, ой ҳам тутилганда, Қуёш ва ой бирлаштирилганда...» — Қуръон. 75-сура, 7—9-оятлар.

61. Муто — санскритча *mukta* «марварид».

62. Ғуломий — марвариднинг бундай тури шалғомий ҳам дейилади (қаранг: Воззрения. — С. 305).

63. Фўфалий — ёнғоқ дарахтининг меваси.

64. Қулзум — бу шаҳарнинг харобалари Сувайшдан 1,5 км нарида жойлашган. Араб географик манбаларида Қизил денгиз баъзан шу шаҳарнинг номи билан Қулзум деб аталган.

65. Талк — бу атама луғатларда таржимасиз келтирилади. Унинг маълум тавсифлари Руска айтишича, аввало (Steinbuch. — S. 174, 5-изоҳ), шаффоф минерал ва ганч ҳақида сўз бормоқда, деб тахмин қилиш имконини беради. Руска берган тавсифга «Мафотих ал-улум»да келтирилган маълумотларни қўшиш мумкин. Яъни талқ — Яман талқи, денгиз талқи, тоғ талқи сингари хилларга бўлинади. Талқни янчилса юпқа парракчалар кўринишида ялтироқ заррачаларга айланади (Mafotih. — P. 262).

66. Хитой марвариди — маълумки, хитой марвариди тўғрисида ўрта асрларда биринчи бўлиб Беруний хабар берган. Ҳолбуки, марварид фақат Ҳинд океани соҳилларидан ташқари, бошқа ҳеч қаерда бўлмайди, деб ҳисобланар эди (қаранг.: Воззрения. — С. 305, 1-изоҳ).

67. Даҳрам — санскритча *dharma* «Ҳақиқат қонуни».

68. Ал-каваб ад-дуррий — қаранг: — Қуръон. 24-сура, 35-оят

69. 65 ва $\frac{1}{3}$ ва $\frac{1}{4}$ — оғирлиги сувда ҳисобланганда 2. 60. Замонавий ҳисоб-китобларга кўра марвариднинг соф оғирлиги — 2. 66 — 2. 76. Ҳақиқат шуки, марвариднинг соф оғирлиги 1. 5 ва 2. 78 орасида фарқланади, бу эса Берунийнинг кузатувларига тўғри келади (Г. Леммлейн).

70. 62 ва $\frac{3}{8}$ $\frac{3}{5}$ — сувда ҳисобланганда бу кўрсаткич 2. 48 (Г. Леммлейн).

71. Абу Дуъод ал-Аъдий — исломдан аввалги араб шоири.

72. «Шундай ўқиш мумкин...» — Бу ерда талл сўзида «та» ҳарфининг ўқилиши ҳақида гап бормоқда. Агар изғи ط билан ўқилса, «соя», итқи ظ билан ўқилса «шудринг» маъноси тушунилади.

73. Ҳасан ибн Али — «Хулафои Рошидин» — чин халифалардан тўртинчиси бўлган Алининг ўғли, Муҳаммад пайғамбарнинг набираси.

74. «... у заҳарланди...» — Ҳасаннинг заҳарланиши ҳақиқатдан тарихий воқеа бўлган бўлиши мумкин (қаранг: А. Мюллер. История ислама, II. — С. 2). Фақатгина, ушбу ҳодиса унинг қимматбаҳо тошлар билан қизиқишига боғлиқ эмас.

75. Сўнги жумланинг таржимаси турлича ўқиш мумкинлиги сабабли қуйидагича қабул қилиниши мумкин: *мин ал-дам ва-л-наҳр ёки мин ал-рамм ва ал-наҳр*.

76. Иёс ибн Муъовия — (739—740 йилларда вафот этган) — Кренковнинг кўрсатишича Басра қозиси бўлган.

77. Ғозийлар — кўнгилли жангчилар, «дин учун курашувчи»лар шундай номланган. Улар мусулмон ҳукмдорларининг истилоларида доимий қўшинлар билан бирга қатнашганлар. Одатда улар қуйи табақа вакиллари бўлишган. Уларнинг мазкур даврдаги ижтимоий ўрни ҳақида қаранг: Бартольд. II. Туркестан, — С. 221.

78. Ужайна — матнда: В-д-й-н. Бу жойнинг арабча матн ношири бу сўзни хато ёзилган деб қайд этган. Фикримизча, бу ерда сўз Маҳмуд Ғазнавий қўшинлари жанг билан кириб борган ғарбий Ҳиндистоннинг Гужорати жануброқда жойлашган Мальва вилоятидаги Ужайна шаҳри ҳақида бормоқда.

79. Далаҳара — арабча матнда шундай. Эҳтимолдан холи эмаски, бу сўз хато ёзилган. Қуйидагича ўқиш керак: Балаҳара ёки Балаҳарая деб ўқилса, VIII аср бошларида марказий Ҳиндистонда катта роль ўйнаган Ражтракута сулоласи ҳукмдорларининг унвони дейиш мумкин (қаранг: Ahbar. — P. 12).

80. Тинкар — бу атама турли хил моддаларга тегишли ҳисобланади. Димишқий фикрича, тинкар табиий ва сунъий бўлади. Иккаласи ҳам минералларни эритиш ва тозалашга ёрдам беради (Cosmographie. — P. 80). Беруний «Сайдана»да тинкар ҳақида шундай ёзган: «Баъзилар бунинг (Ҳинд океанининг) кўпиги деб ҳисоблашади. Қачонки, бу кўпик денгиз суви кўтарилган пайтда Малва водийсига етганда ер юзасида кўпикка ўхшаш нарса пайдо бўлади. Бу нарса тинкардир. Уни бошқа мамлакатларга олиб кетишади. Баъзилар айтадики тинкар кўпик эмас, балки ўша жой лойининг бир тури бўлиб, у сувга қайтгандан кейин тинкарга айланиб қолади. Бу лойни олиб қуритишади. Ҳиндлар бу лой ёмонлик келтиради, деб ўйлашади. Кимдаки жамоада тинкар бўлса, уни қувиб юборишади, аммо бунинг сабаби ҳақида ҳеч нарса дейишмайди (Picture. — P. 114). Бироқ, кўп ҳолларда буруни тинкар деб айтишган (қаранг: Kimiya. — P. 357). Ҳозирги кимё фанида тинкар тинкал деб аталади. Бу табиий бура демакдир. Олтин эритишда ундан фойдаланилади ҳамда тоза бура ажратиб олинади.

81. Бўр: бурак — бор ва натрийнинг кислотаси. Тинкални тозалаш ва қайта кристаллаш тозалаш йўли билан ҳосил қилинади (қаранг: 80 изох).

82. Ишқор, поташ — кальций ишқори. Дарахтлар ва баъзи ўсимликларнинг, хусусан шўрхок ер ўсимликлари кулини қайнатиш йўли билан ҳосил қилинади (Г. Леммлейн).

83. Андароний тузи — тозалиги ва мукамал кристаллашгани билан ажралиб турадиган тош тузи шундай аталади. Бу туз Суриядаги Андар қишлоғи номи номи билан аталади. Бу тузнинг форсча номи — *табарзад* «болта билан чопилган» (Traite, III. — P. 336). Димишқийнинг фикрича (Cosmographie. — P. 79), бу туз ўлик денгиз ҳудудларидан олинган (қаранг: Kimiya. — P. 270).

84. Райахий — бошқача ўқилганда: рабахий, Райхий — камфоранинг бир турининг номи. Бу тури яна фапсурий деб номланган: камфора олиб келинган Суматрага нисбатан берилган (И. Ю. Крачковский).

85. Кирбос — газламанинг Ўрта Осиё ва қўшни давлатлар пахтани қайта ишлаш газлама навини ривожлантириш.

86. Маҳлаб — олча (*Cerasus Mahaleb*).

87. Хирва — канага ўхшаш дон берувчи ўсимлик, яъни канакунжут (*Ricinus Communis*).

88. Ушнан — Лотинча *Salsola Kali L.* ўсимликлар кули. Замонавий тилда: ишнан ва шенан. Бу ўсимликнинг кулидан совун тайёрлашда фойдаланилган (*Beitrag*, LIV. — P. 316).

89. Арийбосийус — Византия императори Юлианнинг (361—363) табиби, тиббиёт энциклопедияси муаллифи.

90. Маржон — қаранг: 1- изоҳ.

91. Абу-л-Алоъ ас-Сарвий — IX асрда яшаб ижод этган шоир.

92. Абдул-Малик ал-Ҳорисий — шоир (қаранг: *GAL, Supplement Band I.* — P. 60).

93. Абу Ҳайё — шоир, халифа ал-Мансур замондоши (754—775).

94. Ғазаф — кулолчиликка оид, сопол буюм.

95. Ал-Ахтал — Ғиёс ибн Ҳарис ат-Тағлибий (710 йилда вафот этган) — Уммавийлар даври шоири.

96. «У денгизларни ажратди» — Қуръон. 55-сура, 19-оят.

97. Қусаййир ибн Абд ар-Раҳмон (723 йилда вафот этган) — Мадинада яшаган араб шоири.

98. Арақ ва танзуб — икки хил дарахтнинг номи бўлиб, биринчининг номи — *Salvadora Persica*, иккинчи номи — *Carparis Sodada*, ёнганда ўзидан нафис ҳид таратади.

99. «Уни ва унинг қўшинини қўлга олдик...» — Қуръон. 28-сура, 40-оят.

100. «Улар хавотирланаётган нарсани кўрсатиб қўйишни (истаймиз)...» — Қуръон. 28-сура, 6-оят.

101. Айн Шамс — Нилнинг қуйи оқимидаги шаҳар номи. Қадимги Гелиополис (Қуёш шаҳри).

102. «Биз уни (мушриклар сиғинадиган санамни) куйдирамиз...» — Қуръон. 20-сура, 97-оят.

103. Тах — Сано чўли. Замонавий харитада ат-Тийх текислиги.

104. Хазаф — тошга айланган холат маъносида (яъни сопол).

105. Журжон — Каспий денгизининг жануби-шарқий қирғоғида жойлашган Гургон вилоятининг арабча айтилиши. Қадимда Гиркания дейилган. Асосий шаҳари ҳам Журжон дейилади.

106. Шанк — номи санскритча *sankha*, денгиз чиғаноқлари. Ҳиндларда Вишну худосининг сифати деб тушунилган.

107. Вадъ — *Cauri* кўринишидаги чиғаноқ. Ўрта асрларнинг кўплаб муаллифлари ва Марко Полонинг айтишича, уларда оқ денгиз чиғаноқлари пул ўрнида ишлатилган, итларнинг бўйнига ҳам илишган. 80 та бундай чиғаноқлар 1 та кумуш тангага ёки 2 та венеция грошига тенг бўлган. Вадъ ҳақида қаранг: *Ahbar.* — P. 3. Айтишларича, Цейлон

(Дийбажот) ғарбий оролларида ҳам пул ўрнида ишлатилган. Уни овлаш ҳақида бундай дейдилар: «Ал-Вадъ» улар денгиз юзасида тирик пайдо бўлади. Аҳоли какос палмаси шоҳларини сув юзасига ташлашади ва вадъ шоҳларга илашиб чиқади.

108. Касора ва Кура — Малдив ва Лаккади ороллар гуруҳи.

109. «... Мумкин, балки вадънинг чиғаноқлари...» — қаранг: Арриан. Индия. — С. 8—11 «Денгизнинг бир ерида бу чиғаноқлар асалари каби бир жойга тўпланади ва бу марваридларнинг худди асаларилар каби қироли ва қироличаси бўлади» (ВДИ, 1940, №2. — С. 237).

110. Ибн Жанна, Усмон — (1001—1002 йилларда вафот этган) адабиётшунос, ал-Мутанаббӣ шеърларининг шарҳловчиси.

111. «Улар гўё яширин марваридлар» — Қуръоннинг 52-сура, 24-оятига ишорат.

112. Баҳрайн — Форс ороллариининг жанубий кўрфаз қисми. Икки денгиз деган маънони англатади.

113. Анжодан — лотинча *Ferula assa Foetida*.

114. «Марвадирнинг туғилиши...» — (қаранг: Драгоценные камни. — С. 55). «Қисқич-бақасимон денгиз жонивори товуклар ва балиқ каби денгизга уруғ ташлайди. Бундан марварид ҳосил бўлади. Май ойидаги ёғингарчиликда устрицалар (денгиз ҳашаротлари) сув юзасига чиқади ва офтобда тобланади. Тунда яна денгизга қайтади».

115. Дахлак — Қизил денгизнинг ғарбий қисми, Африка соҳилида жойлашган орол.

116. Софалат аз-Занж — Беруний араб ва бошқа географлар билан бирга Африка экватордан жанубдаги қирғоқларини тушунган. Масалан, «Сайдана»да Беруний ёзади: «Менимча бу (мамлакат) экваторнинг бошқа томонида». Ҳозирги вақтда Софала — Занзибар Африка соҳилидаги бандаргоҳ (Picture. — P. 132).

117. Шар-гўр — қаранг: 311-бет, 23-изоҳ.

118. Ас-Син, (Ёки Чин) — Хитой (асосан, жанубий Хитой шундай аталган). Шимолий Хитой Катай ёки Хатай деб номланган.

119. Рум денгизи — Ўрта Ер денгизи.

120. Айла денгизи — Сувайш кўрфазидagi шаҳар номи билан аталган (ҳозирги Эйлат).

121. Ас-Сувайш — Сувайш. Африка ва Осиё қитъаларини туташтирувчи қуруқлик йўлаги. Ҳозир бу ердан Ўрта Ер денгизи билан Қизил денгизни бирлаштирувчи Сувайш канали ўтказилган.

122. Жидда — Қизил денгизнинг шарқий қирғоғидagi бандаргоҳ. Адан-Араб ярим оролининг жанубий чеккасидаги шаҳар ва бандаргоҳ.

123. Сийроф — IX-XI асрларда Форс кўрфазидagi шаҳар ва бандаргоҳ. Ҳиндистон ва Хитойга боровчи савдо кемалари шу бандаргоҳдан жўнаган. 977 йилда зилзила туфайли вайрон бўлган.

124. Қатарий дур(лар) — Форс кўрфасидagi Қатар ярим ороли номи билан аталган жавҳар. Бу ер денгиз дурларини олиб чиқиладиган муҳим жой ҳисобланади.

125. Макрон ёки Мукрон — Эроннинг жанубий шарқида жойлашган энг чекка вилояти. Ҳозирда Микрон дейилади. Покистоннинг шимолий-ғарби билан чегарадош. Форс кўрфазига туташ.

126. Аш-Шихр — Араб ярим оролининг жанубида, Адан шаҳри қирғоғида жойлашган аҳоли манзили.

127. Раъс ал-Жумжума — ҳозирги хариталардаги Араб ярим оролининг Уммон қирғоқ бўйида белгиланган Раъс ал-Ҳадд географик бурни (Relation. — P. 49. изоҳ — 3).

128. Масийра — Араб денгизининг Уммон қирғоғидаги ороли ва бўғознинг номи.

129. Масқот — Араб ярим оролининг шарқий қирғоғидаги машҳур бандаргоҳ.

130. Барбар — Қизил денгизнинг Африка томони қирғоғида (ғарбий қирғоғида) денгиз дурлари олиб чиқиладиган манзил номи. Ҳинд манбаларида қайд этилган (Lapidaires. — P. XXXI; 19). Берунийнинг «Қонуни Масъуд» китобида Рас Барбар деб аталган. Барбар бурни ҳозирги хариталарда Сомалидаги бандаргоҳ.

131. Ускутрон — бошқа асарларда, хусусан «Қонуни Масъуд»да Беруний Сукутра деб аталган. Ҳозирги хариталарда Араб денгизининг Уммон қирғоқлари яқинидаги ороллар гуруҳи. Бу ороллардан *алоэ* ўсимлигининг энг яхши навлари олиб кетилган. Ускутра (Сукутра) номи санскритча Двинасукхатара «Бахтли орол» маъносидадир.

132. «... тўлқинлар уларни қирғоққа чиқариб ташлайди» — матнда арабча казафа, яъни «чиқариб ташламоқ» феъли ишлатилган. Арман тилидаги «Минералогия»га оид асарда бу сўз дур олиб чиқиладиган жой, ёки дурнинг тури деб нотўғри талқин берилган. Натижада ал-кадиф деган сўз дур деб тушинилган (Драгоценные камни. — С. 55. 3-изоҳ).

133. Абу Исҳоқ ал-Форисий — Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истаҳрий. 941 йилда ёзилган «Китоб ал-масолик вал-л-ма-малик» («Йўллар ва мамлакатлар китоби») номли асар муаллифи, географ олим (BGA. I.) Беруний келтирган «Ашкол ул-ақолим» («Иқлимларнинг шакллари») номли асар Абу Зайд ал-Балхий қаламига мансуб ҳисобланади. Аммо ҳар иккала ном бир асарга, яъни Истаҳрийнинг «Китоб-ал — масолик вал-мамолик» асарига тегишли экани шубҳасиз (қиёс қилинг: Марвазий. — P. 90, 1-изоҳ. И. Ю. Крачковский. IV. — С. 195).

134. Хорик — Форс кўрфазининг шимолий-ғарбида жойлашган орол. Ҳозиргача энг тоза ва сифатли дур олинадиган жой сифатида машҳур.

135. «Сарғиш рангда» — Кренков томонидан «сарғиш» ўрнига «сарик» деб таклиф қилинган тузатиш қабул қилиниб, Берунийдаги мазкур сўз «сарғиш рангли»деб таржима қилинди.

136. Нисон ва Айлул — сурёний тақвимидаги ой номлари. Нисон апрель ойига, Айлул эса сентябрга тўғри келади.

137. Наврўз ва Мехржон — Марказий Осиё, Ўрта Шарқ халқларининг қадимги байрамлари. Наврўз март ойининг 21-қунига, Мехржон эса сентябрнинг 21-қунига тўғри келади. Бу байрамлар ҳозирга қадар умумхалқ томонидан кенг нишонланиб келмоқда.

138. Дурни денгиз сувидан олиб чиқиш ҳақида хитой манбаси «Чжау Жу-Гуа» китобида ҳам қизиқарли маълумот сақланган: «Энг яхши дур шуки, уни Та-ши, яъни Араб мамлакатининг баъзи оролларида келтириладиганидир. Дурлари яна Си-нан ҳамда Киен-пи (Цейлон ва Суматранинг ғарбий қирғоғи) оролларида ҳам келтирилади. Дур олиб чиқишга тайёр бўлган пайтда ўттиз-қирқ кемани тайёрлашади. Ҳар бир кемада бир неча ўнлаб дур учун сувга шўнғувчи (ғаввос)лар бўлади. Уларнинг танасини узун арқон билан ўрайдилар. Оғизлари ва бурунларини сарик мум тиқиб беркитадилар.

Улар икки юз-уч юз фут (1 фут 25–27 см, гоҳо 30см. гача) чуқурликка шўнғийдилар. Арқонларни кема кажавасига боғлаб қўядилар. Дур овчиси арқонни тортиб (силтаб) хабар берганда уни сув юзасига тортиб оладилар. Уни иссиқ пишиб тайёрлаб турилган кўрпага ўраб иситадилар. Акс ҳолда дурчи музлаб ўлиб қолиши мумкин.

Дурга шўнғиганлар баъзан денгиз тубида йирик балиқларга дуч келиб қоладилар. Шунда балиқлар ёки бошқа денгиз ҳайвонлари уларнинг суякларини синдирадилар, қоринларини ёриб ҳалок қилишлари мумкин. Одамлар агар сув юзида сал бўлсада қон томчисини сезиб қолсалар, бу ҳалокат белгиси ҳисобланади: дурчини наҳанг ёки бошқа ҳайвон ютиб юборган бўлади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, дурчи арқон орқали хабар берган заҳоти уни кўплашиб тортиб олишади. Бироқ дурчининг бирор аъзоси синган ёки узилган бўлиши мумкин. Дур овчилари «дурнинг онаси» деб аташадиган чиғаноқ амалдор назоратида бўлади. Амалдор ҳар бир дур овчиси олиб чиққан дурни тартиб билан рўйхат қилиб боради. Чиғаноқларни маҳсус омбор хонага жойлаб бир ой муддатга сақланади. Чиғаноқ ичида малюска (йирик шиллиқ куртга ўхшаш жонивор) бўлгани учун бир ой ичида у халок бўлади ва ириб кетади. Сўнг чиғаноқни очиб, унинг ичи тозаланилади. Чиғаноқ ичида эса дур бўлади. Йиғилган дурнинг асосий қисми хукуматга қолгани дур овчиларига тақсимлаб берилади.

Дурнинг энг олий нави аниқ юмалоқ ва силлиқ шакли ҳисобланади. Айтишларича, дур текис юмалоқ шаклида бўлса уни тахта юзасига қўйилганда кун бўйи турган ерда айланишдан тўхтамас эмиш. Чет эллик савдогарлар Хитойга дур олиб келсалар божхонадан уларни яшириш учун кийимларининг қавиқларига, энгларига, ҳассалари ичидаги ғовакка, шамсия (зонт-соябонлари) дасталарига яширишади» (Hirth. — P. 229-230). Дур овчилиги ҳақида яна қиёс қилиш учун Абу Зайд ва Масъудий маълумотларини кўриши мумкин. Берунийнинг маълумотлари шу муаллифлар берган хабарларига жуда яқин.

Жумладан, Масъудийнинг дур овчилигига бағишланган алоҳида асари бўлган. Бироқ бу асар бизгача етиб келмаган. Ўша асаридан олинган айрим парчаларни Райно (муаллиф исми) асарида кўриш мумкин. (Бу ҳақда қаранг: Relation. — P. 226-227). Дур овчилиги ҳақидаги маълумотлар «Марко Поло китоби»да ҳамда Ибн Баттута «Саёҳатномаси»да ва бошқаларда етиб келган.

139. Ал-Муҳаббал ас-Саъдий — VIII асрда яшаган араб шоири (қаранг: Jacut's Worterbuch. I. — S. 318).

140. Лухм — акуланинг жанубий араб шеваларидаги номи. Турли шева, лаҳжаларда турлича талаффуз қилинади. Мумтоз араб тилида *қирш* деб аталган. (Ahbor. — P. 6, 4-изоҳ). Баъзан «қилич балиқ»деб таржима қилинади.

141. Ал-Фарро (822 йилда вафот этган) — илк даврлар араб филолог олими (қаранг: Quellen. — P. 22.).

142. Абу-л-Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Табарий ат-Турунжий — машҳур табиб. Табобатга оид асарлар муаллифи (X асрда яшаган).

143. Ал-Муталаммис — араб шоири (VI аср).

144. Ал-Асмоъий (825 йилда вафот этган) — машҳур филолог-олим.

145. Абу Убайд ал-Қосим ибн Саллом (839 йилда вафот этган) — бизгача етиб келмаган «Қимматбаҳо тошлар ҳақидага китоб»нинг муаллифи.

146. Ал-Қутомий, «Лочин» (720 йилда вафот этган) — Уъмайра ибн Шуйайма ибн Амра исми шоирнинг тахаллуси. Ахтал билан замондош яшаган.

147. «Унинг мойи ёниб кетишга тайёр...» — Қуръон. 24-сура, 35-оят.

148. Зугар кўли — «Ўлик денгиз».

149. С (Истанбул) қўлёзмада уни ўқиган китобхон томонидан хошияга қуйидаги сўзлар ёзилган: «Сув остида бақирса бўлади. Мен ўзим шу ишни қилиб кўрганман. Нафасимдан чиққан ҳаво сувни билқиллатади. Товуш юқорига эшитилади. Қирғоқда турган киши менинг овозимни эшитган, лекин сўзлар маъносини англамаганини айтди».

150. Қайс ибн ал-Хотим — мадиналик араб шоири. 622 йилда вафот этган.

151. «... бу мослама чарм қопдан иборат...» — С қўлёзма хошиясида котиб томонидан шарҳ ёзиб қолдирилган: «Котиб Муҳаммад ибн ал-Хотиб айтади: агар бу мослама шаффоф (юпқа, нозик, оппоқ ишлов берилган) чармдан бўлса яна ҳам яхши, ёмон жойи йўқ. Агар чарм хира рангли бўлса, ғоввос ҳеч нарсани кўрмай ҳаракат қилади. Бу ҳолда у қандай қилиб ўзини хавфдан ҳимоя қилсин? У шубҳасиз сув остида эсанкираб қолади. Агар бу мослама қопга чармдан қилинган найча (қувур) ўтказилса янада маъқулдир». Берунийни ушбу қизиқарли жумласи муносабати билан Леонардо да Винчининг қўлёзмаларидаги бир ўрни ҳақида эслаш ўринли. Сув ости фаолияти масалалари билан ҳам шуғулланган Леонардо да Винчи В шифрли қўлёзмасининг 18-варағида бундай сўзларни ёзган: «Бу асбоб Ҳинд денгизида дур овлашга ишлатилади». Шу ёзувдан кейин Леонардо да Винчи найзалар ўрнатилган қалпоқ(бош кийими) чизма тасвирини берган. Қалпоққа узун чарм қувур уланган ҳолда кўрсатилган. Ёзувнинг давомида қуйидаги ёзувларни ўқиш мумкин: «... Бу чармдан бош кийими, сиртида денгиз сувида босим туфайли эзилиб қолмасин учун юмалоқ халқачалари бор. Юқоридаги қайиқда шериги назорат қилиб туради. Дур овчиси дур ва маржон шодасиарни теради. Унинг кўзида шиша кўзойнаги бўлади. Чарм қалпоқда балиқларга қарши найзалар ўрнатилган бўлади». Леонардо да Винчи ўзи Шарқда бўлмаган. Бу ҳикояни у сайёҳлардан эшитган бўлса керак. Лекин бу ғояга у бир неча марта мурожаат қилган. Унинг қўлёзмаларида бир неча ерда ғаввосларнинг ниқоблари тасвирланган. Масалан, «Атлантика кодекси»нинг 276-саҳифасида ғаввоснинг ниқоб кийган боши тасвирланган. Унинг оғзидан юқорига шланг кўтарилган. Шлангнинг учида диск тасвири. Шланг тасвири ёнига «қамиш» сўзи ёзилган. Диск тасвири ёнига эса изоҳ учун «қопқоқ» сўзи ёзилган. (қаранг: Р. А. Орбели. Леонардо да Винчи и его работы по изысканию способов подводного плавания и спусков. Сборник ЭПРОН XIII-XV. Л.: 1936. — С. 265-302) (Г. Леммейн).

152. Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир — исми ва нисбаларига қараганда бу шахс 819-822 йилларда Тоҳирийлар сулоласига асос солган Тоҳирнинг отаси бўлган, дейиш мумкин.

153. Ҳишом ибн Абдул-Малик — Умавийлар сулоласи элчиси, 724-743 йилларда халифа бўлган.

154. Али ибн Абдуллоҳ — Аббосийлар сулоласининг биринчи халифаси ас-Саффоҳнинг бобоси.

155. Марвон ибн Муҳаммад — Умавийлар сулоласидан охириги халифа (744-750 йиллар).

156. « У топмадими...» — Куръон. 93-сура, 6-оят.

157. Қарматлар — шиъа масъабининг (Исмоилия) шўъбаларидан бири. IX-X асрларда карматчилик Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда кенг тарқалди. Карматлар баъзан деҳқонларнинг чет эл босқинчиларига ва маҳаллий заминдорлар зулмига қарши кўзғолонларига раҳномалик қилганлар. Мисрда Фотимийлар сулоласи карматчилардан эди. Бахрайнда карматчилар давлати тузилган. (Форс кўрфазининг жануби-ғарбидаги ороллар гуруҳидаги давлат). Ал-Аҳсаъ Бахрайннинг пойтахти бўлган. Ҳозир бу шаҳар номи Лахса деб талаффуз қилинади.

158. Қорун — Библиядаги Кораха исмининг арабча шакли. Ўта бой одам маъносида турдош от, ёки сифат ўрнида ишлатиш анъанаси бўлган.

159. Ибн ал-Мунажжим — Али ибн Яҳё, шоир, халифа Муътадиднинг муриди.

160. Али ибн Абд ал-Азиз ал-Қози — Ибн Халликоннинг библиографик луғатида мил. 1000 йил билан боғлиқ Рай шаҳридаги мақбара ҳақида ёзилган бўлиб, бу исмга Журжоний нисбаси ҳам кўшиб кўйилган.

161. Ибн-Бармак — Холид ибн Бармак. Бармакийлар сулоласининг асосчиси. Дастлабки Аббосий ҳукмдорларнинг машхур вазирлари хонадонининг бош отаси. Халифа Мансур даврида алоҳида рол ўйнаган.

162. Абу Бакр ас-Сулий, Муҳаммад ибн Яҳё (936 ёки 946 йилда вафот этган) — Аббосийлар сулоласининг машхур тарихчиси. Унинг тарихий асари ҳақида «Записки Восточного отделения Русского археологического общества» даврий тўпламининг XXI китоби, 101-бетида маълумот берилган. Ўзи билан замондош халифлар ҳузурида садоқатли надим, амалдор бўлган Шатранжчи (шахматчи) сифатида ном қозонган. Шатранж ўйини ҳақида китоблар ҳам ёзган. Ҳатто шатранж ўйинини кашф қилган, деган фикрлар ҳам айтилган (ЕI. IV. — P. 567.)

163. Анқо — афсонавий қушнинг номи. Ўйлаб топилган, аслида, йўқ нарса ҳақида гап борганда араблар «Мағриб анқоси қанотида учиб юрибди» деган мақолни ишлатишгани ҳақида Ал-Жаҳийз ўзининг «Китоб ал-хайовон» асарида ёзган.

164. Исҳоқ ал-Мавсулий (767-849) — шоир, созанда ва кўшиқчи ҳофиз «Ҳофизлар китоби» номли асар муаллифи (GAL, I. — P. 78).

165. Самарра, Сурра ман раъ — халифа Муътасим асос солган шаҳар. Бағдоддан шимолроқда. 835 йилда халифалик пойтахти шу шаҳарга кўчирилган. IX аср охирида бу шаҳар тарк этилиб, бўм-бўш бўлиб қолган.

166. Иснод — «таянч, тиргак, суйанч» маъноларига эга атама. Бирор ҳикоя кимлар томонидан айтилган бўлса, кетма-кет эслатилиб айтилаётган масаланинг ҳаққоний экани учун далил қилинади. Масалан, Расуллоҳ Муҳаммад с. а. в. ҳадисларнинг саҳиҳлигини шу тартибда иснодлар орқали асосланган. Иснод — хабар берувчилар занжири.

167. Ан-Нуъмон ибн Мунзир — исломдан аввалги арабларнинг Лаҳмийлар сулоласидан охирги ҳукмдор (590-628). Лаҳмийлар Сосонийлар Эронига тобе бўлган ва Фрот дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Хийра ҳокимлигини бошқаришган. Ан-Нуъмон ибн Мунзир Сосоний Хусрав II томонидан қатл қилдирилган.

168. Ал-Фараздақ, Ҳаммом ибн Толиб ибн Саъсаъ — Умавийлар даврида йирик ҳажвчи шоир бўлган (640-732).

169. Наск шумора — «Минералогия»нинг қўлёзмаларида *ласак* (ёки *лашақ*) шумора деб ёзилган. Кренков (—S. 156, 2-изоҳ) «булар иккови ҳам форсча мустақил сўз бўлиб, бутун нарсанинг қисмларини санашда ишлатилади», – деб ёзади. Аслида, наск шумора сўзи Авеста китобининг қисмлари кетма-кетлигини билдирган (таржимон. — М. И.).

170. Ал-Восиқ — халифа Маъмуниинг ўғли, 842-847 йилларда халифалик қилган.

171. Умму Салама ал-Маъзумийа — халифа Абу-л-Аббос ас-Саффоҳнинг хотини.

172. Қутайба ибн Муслим — Уммавийлар даврида Ўрта Осиё устидан хукмронлик қилган Хуронсон ноиби (704-715).

173. Пойкент ёки Бойкент — Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бири. Бухородан 30 км ғарбда, Қорақўл яқинида харобалари сақланган. Ўзбек археологлари (А. Муҳаммаджанов, Ж. Мирзахмедов ва б. лар) томонидан қазиб ўрганилган.

174. Абу-л-Хуқайқ Яхудий — Мадина шаҳрини Муҳаммад (с. а. в) 629 йилда эгаллаган пайтларида Ҳайбар воҳасидаги қасрлардан бирининг эгаси.

175. Қўй терисидан халта (тўрва) Берунийнинг матнида: *маск* ҳамал. Бу сўз қўйнинг бутун терисидан тикилган машк (қоп) маъносида. Ўрта Осиёда мешк (машк)дан сув ва бошқа суюқликлар сақлашда фойдаланилган (бу ҳақда қаранг: Beladsori. — P. 100. Глоссарий). Матнларни биридан англашувига кўра, маск сўзи маълум ўлчов бирлиги — кинтар (56 кг)маъносини ҳам англаган.

176. «Қамал пайтида Оллоҳнинг расули...» — Беруний бу ўринда илк ислом даври тарихчиларининг пайғамбар Муҳаммад (с. а. в)нинг ҳаётларидан хабар берувчи машхур бир ҳикояни келтирган (қаранг: Beladsori. — P. 23).

177. Набахра, набахраж — Жаҳизий бозорда ўтмас, қадрсиз тангалар маъносидаги бу сўзни ўз асарида келтирган (Tabassur. — P. 328).

178. Ал-Ҳаким Биамриллоҳ — 996-1020 йилларда Мисрда хукмрон бўлган хукмдор. Фотимийлар сулоласи элчиси.

179. Яҳё ибн Холид —Халифа Хорун ар-Рашид ҳузурида вазирлик қилган Бармакийлар хонадонига мансуб шахс.

ЗУМРАД ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

1. Зумрад, арабча матнда зумурруд — хром окиси (занги) қўшилиб майсаранг яшил тус олган *берилл*. Чўзинчоқ олти қиррали шаклларда кристаллашади. Қадимдан бошлаб зумрадга призма кўринишида ишлов бериб келинади.

2. Зумурруд — арабча зумрад сўзининг келиб чиқишини юнонча Σμαραγδος сўзи билан боғлиқ изоҳланади. Юнончаси эса санскритча маракатага боғлиқ. Қадимги яхудийча *берекет*, ашшурча *барракоту* сўзлари ҳам санскритчанинг маҳаллий ўзлаштира шакллари. Ўзбекча ва бошқа Ўрта Осиё халқлари тилидаги зумрад шакли арабчага бевосита боғлиқ. Русча қадимий манбаларда *змарагу*, *смарагу* шакллари Византия орқали юнончадан кириб келган (Г. Леммлейн)9090 90.

3. Забаржад — Беруний забаржад сўзини зумрад сўзи билан бир маънода ишлатади. Бироқ, манбаларда забаржад сўзи одатда сарғиш-яшил оливин-хризолит ёки перидот (Mg_1Fe_2) $[SiO_2]$ бирикмалари маъносида келади. Қадимги бу хил минерал *топазион* деб

аталган. Забаржаднинг ягона кони Қизил денгиздаги Зебергад оролида вайрона ҳолида сақланган. Береника шаҳри рўпарасида жойлашган. Рус «Савдогарлик китоби»да зебергад шакли бор. Арабча забаржад таъсирида бўлса керак. Ўзбек киши исмлари қаторида Забаржад аёлларга нисбатан учрайди. (К. Иностранцев. О двух древне-русских названиях драгоценных камней. ЗВО, XIV, 1902. — С. 22; Бегматов Э. Ўзбек исмлари...) (Г. Леммлейн).

4. «Ундан (зумрад тошидан. — М. И.) қамиш найчалари каби маржон қилинади» — Димишқий бу ҳақида: «Унинг (зумраднинг) бўлаги қасаба «қамиш» дейилади, бу худди ёқутнинг бўлагини жабал «Тоғ» дейилгани каби», — деб ёзган (қаранг: *Cosmographie*. — Р. 68)

5. Райҳон — хушбўй ошлик ўсимлик (*Osimum basilikum L.*).

6. Силқ — лавлаги (*Beta vulgaris*)

7. Асамм — кар, гаранг (Димишқий. *Cosmographie*. — Р. 64). Бу атамани Димишқий қисқагина қилиб «Асамм нави шундайки, унда сув йўқ». Бу нав ним ялтироқ, майда чиқиқли «дарз»лари бор. Зумрад тури шундай аталади, деган тахмин бор.

8. Зинжор — мисс маъданининг сиркали тузи.

9. 69 $\frac{1}{2}$ — зумраднинг солиштирма оғирлиги. Сув билан қиёс қилганда—2. 75. Зумраднинг ҳозирги кундаги солиштирма оғирлиги 2. 67 билан 2. 77 ўртасида исталган рақамни беради (Г. Леммлейн).

10. Зумраднинг конлари Мисрдан ташқарида маълум эмас — Фиръавн Сезострис давридан буён (мил. авв. XVII аср) маълум. Конлари Мисрнинг шимолида, Қуссайрдан жануброқ, Асвондан шарқроқда, Қизил денгизга яқин жойлашган (Г. Леммлейн).

11. Ал-Муқаттам — Нил дарёси қуйилиш қисмидан шарқда жойлашган тоғ тизмасининг номи.

12. Бажжа — Қизил денгизнинг Нубияга яқин соҳилида яшаган қабила. Бу қабила ҳақида тафсилот учун қаранг: Сафарнома. — Б. 144 ва к.

13. Саъийд — Мисрнинг юқори қисми арабча шундай аталади.

14. Аротастонас — Ал-Искандария астрономик мактабининг элчиси Эратосфен (мил. авв. 276—195) исмининг арабча талаффуз шакли.

15. Асувон — Нил дарёсининг ўрта оқимида жойлашган шаҳар. Юнон манбаларида Сиена дейилган.

16. «...уларни силлиқлаб пардозлайдилар» — Димишқий маълумотига кўра, зумрадни ҳам ёқутни пардозлаган каби ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури кукунини сув билан қориб, елим холига келтирилгани билан гужум тахтаси юзида ишқалаб ялтиратадилар.

17. Масъудий зумрад ҳақида қизиқ маълумотлар қолдирган: «Зумрад конлари Юқори Саъийддаги хирож тўлайдиган вилоятда қибтийлар пойтахтига яқин ерда жойлашган. Шу шаҳардан конлар томон йўл бошланади. Кон жойлашган манзил саҳро ва тоғлик бўлиб, ал-Харба деб аталади. Бажжа қабилалари бу конларни қўриқлайдилар. Зумрад қазиб олиш учун борувчилардан бажжа қабиласи товон ундириб олади. Конлардан қазиб олинган зумрад тўрт хилдир. Биринчи хили *мурр* деб аталади. Бу хили олий нав бўлиб, энг қимматбахосидир. Тўқ яшил ва сувга тўйинган бўлади. Унинг ранги лавла-

гининг энг тиниқ, тўқ яшил барг рангига ўхшаш. Бу навда хиралик ва қорамтир товла-нишлари бўлмайди. Иккинчи нав зумрад *бахрий* дейилади. Бу навни Ҳиндистон, Синд, Занжи, Хитой каби денгиз бўйига эга мамлакатларда юксак қадрлашади, зийнатлари билан мақтанишади, подшолари тожларига қадаб фаҳрланишади. Узук, билакузуклар қилиб тақишади. Қимматига кўра, *бахрий* зумрад *муррдан* кейин иккинчи ўринда ту-ради. Ранги муррнинг тўқ яшиллигига яқин. Бахрийнинг сувга тўйинганлик даражаси унинг рангини *мирт* ўсимлиги шохининг учидаги куртагидан янги очилиб чиқаётган баргининг рангига ўхшаш.

Зумраднинг учинчи нави *мағрибий* дейилади. Бунга сабаб Ғарб қироллари— франклар, ломбардлар, андалузияликлар, галлияликлар, гасконлар, славянлар (Ғарбий Европа славян халқлари. — *М. И.*) ва руслар зумраднинг бу хилига ўч бўлишади. Тўртин-чи нав *асамм* деб аталади («кар, гаранг» зумрад деб аташ одати бор). Бу нав жилвасиз, яшиллиги хира, сувсиз бўлгани учун нархи паст, харидоргир эмас.

Зумраднинг доналари беш мисқолдан (20 *гр* дан кўпроқ) бошлаб жавдар дониға тенг майда кўринишгача бўлади. Зумраднинг нуқсонлари уларнинг таркибига лой сингига-ни, бегона тошлар сингиб, зумрад доначалари ичида қотиб қолгани, зумрад доначалари ичидан оқ томирчалар борларидир. Бу каби хусусиятлар тошнинг нархига таъсир қи-лади.

Тошларни билувчилар ва тадқиқ қилганларнинг айтишларича, хоҳ захарли, хоҳ захарсиз илонларки бор, кўзлари зумрадга тушса, оқиб тушар эмиш. Илон чаққан киши зумраднинг икки *доник* миқдордаги донасини ютса, захар таъсиридан қутулар экан. Зумрад конлари яқин-атрофида умуман илон бўлмас эмиш.

Зумрад тоши юмшоқ бўлади. Шунинг учун оловда тез кукунланади. Кўп ҳолларда зумраднинг мазкур тўрт нави конларда «томир» шаклида жойлашган бўлади. Қийшиқ-лиги ва тешиклари йўқ зумрад юқори баҳоланадиган хилларидир. Қийшиқ ва ғовак тешикли ҳамда юмалоқ доналари арзон туради. Паст навлари конларда бошқа хил то-шлар орасидан, лой қатламларидан қазиб олинади. Ер юзидан, тоғлардан топиладиган зумрадлар *мағрибий* ва *асамм* навлари ҳисобланади.

Ҳиндларнинг юртидан, Синдендан, Кандаега туташ биз тавсифлаган зумрадга ўх-шаш зумрадлар келтирилади. Бироқ улар Миср зумрадларидан қаттиқ ва оғирроқ бўла-ди. Нурда сустроқ товланади. Бундай фарқли хусусиятларни тажрибали мутахассис зар-гарларгина ажрата олади. Ҳиндистондан келадиган зумрад *маккий* деб аталади. Бунга сабаб шуки, улар денгиз орқали Аданга, Яман қирғоқларига, ундан Маккага етиб кела-ди ва шунинг билан *маккий* деб машҳур бўлган. Шу маълумотларга Масъудий билим-дон кишиларнинг биридан эшитганларини қўшиб ёзади: «Йилнинг турли фаслларига қараб зумрад кичраяди ва катталашади. Оби-ҳаво таъсирида, ҳатто, шамол ва шабада йўналишларига қараб ўзгариб туради. Ой янгиланганида унинг яшил ранги қуюқлаша-ди, нурланиб туради. Ойнинг улғайиши давомида бу хусусиятлар кучайиб боради. Ой тўлгандан кейинги ботиш томон чоракларида яна қайта бошлайди».

18. Хоразмшоҳ Маъмун — Хоразмда Маъмунийлар сулоласининг (995—1017) сўнгги элчиси. Маъмун даврида Беруний Хоразм Мажлиси уламози — Маъмун академиясида хизмат қилган.

19. Бўғраҳон Хорун — Сомонийлар ҳукмронлигини тугатиб, Ўрта Осиёда Илекхонлар (Қорахонлилар) ҳукмронлигини ўрнатган биринчи хон. 999 йилда Бухорони қўлга киритган.

20. «Денгиз» деб аталувчи зумрад — «Баҳр» деб аталувчи зумрад (Забаржад) ҳақида ал-Жоҳиз ҳам хабар берган (Tabassur. — P. 331) Жоҳиз зумрад вазнини уч мисқол деб кўсатган.

21. Абдуллоҳ ибн ал-Мавлуъ — ал-Мавлуъ «Ағдарилган, йиқитилган» маъносига эга. Халифа ал-Амин (809—813) шу ном билан аталган. Унинг ўғли Абдуллоҳнинг вафоти санаси номаълум. (Қаранг: Беруний. Минералогиясининг Кренков томонидан нашр қилинган факсимили. — Б. 140. 3-изоҳ)

22. Ал-Хатибий ёки ал-Хутайбий — бу исм Али ибн Иброҳим ибн Насравайх ас-Самарқандий (вафоти ҳижрий 440—441 йиллар) (қаранг: Беруний. Минералогия. — Б. 165, 4-изоҳ).

23. Аз-Зоҳир ибн ал-Ҳаким — Фотимийлар сулоласидан Миср ҳукмдори. 1020—1135 йилларда давлатни бошқарган.

24. Ихмим — Нил дарёсининг ўрта оқимидаги шаҳарнинг номи.

25. «... Булардан ташқари кўплаб афсоналарни келтиришади» — антик манбаларда зумрад устунлари ҳақидаги сафсаталар қайд этилган. Плиний (37, V) бу ҳақда «қандайдир сохта смарагд бўлса керак», — деб ёзади (Г. Леммлейн).

26. Ал-Жаҳйоний (Ал-Жайҳоний) — Сомоний Наср II даврида (914—943) вазир бўлган Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Жайҳоний. Бу шахс ҳам «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» номли китоблардан бирининг муаллифи. Бу китоб 920 йилда ёзилган. Аммо бизгача етиб келмаган. Унга бошқа манбаларда ҳаволалар, олинган иқтибослар кўп учрайди. («Худуд ал-Олам». Введение В. В. Бартольда. — С. 170; И. Ю. Крачковский. Сочинения. Т. IV. — С. 219).

27. Истафонус черкови — қаранг: Jakut's Wörterbuch. II. — S. 870.

28. Қоф тоғи — Ўрта аср космографияси тасаввурига кўра, ер юзасини ўраб турган тоғ тизмаси. Қоф тоғи ҳаворанг ёқутдан иборат эмиш. Осмон рангини Қоф тоғи ёқутидан олармиш. И. Ю. И. Ю. Крачковский Қоф тоғи амалда Кавказ тоғидир, деб таъкидлайди (И. Ю. Крачковский. IV. — С. 45. Яна қаранг: Шу нашрнинг географик номлар кўрсаткичи).

29. «...тик тоғ ҳақида...» — Беруний бу ўринда буддавийларнинг коинот ҳақида (космогоник) тасаввурларидаги Шумеру тоғини кўзда тутган. Буддавийлар бу тоғини Ши-молий кутб тоғи деб тушинишган.

30. «Зумраднинг хусусиятларига...» заҳарли илонларнинг кўзларига таъсир қилиши каби тасаввур сўнгги ўрта асрларгача давом этган. Бу ҳақда: К. П. Патканов езади: «Агар зумрадни илоннинг кўзига тутилса, унинг кўзидан сув оқиб тушади ва у кўр бўлиб қолади». (Қаранг: «Драгоценные камни, их названия и свойства по понятиям армян в XVII в.» Труды Восточного отделения Русского археологического общества. Т. 17. С. 22.

31. Абу Саъид ал-Ғонимий — бу шоирнинг исми бошқа манбаларда учрамайди.

32. Абу Наср ал-Утбий — Абу Наср Муҳаммад ибн Абд ул-Жаббор ал-Утбий — (961—1022) Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг тарихчиси. «Тарих ал-Яминий» номли китобнинг муаллифи.

33. «... Сутчой (яттуъ) — савдогарлар диққатини жалб этади». — Беруний матнидаги бу иборани мазмуни аниқ эмас. Қўлёзмаларда (С ва В) сўз бир хил ёзилмаган: *буйуъ/шуъ*. Яттуъ сўзи танасидан сутга ўхшаш шарбат чиқарадиган ўсимликдир.

34. Саб ва сийсан — бошқа манбаларда бу номлар учрамайди. Сийсан доривор ўсимлик номи сифатида маълум (Sison amoun L.) Фармакогнозияга оид китобларда учрайди (Kimiya. — P. 327)

35. Макка тоши — яшил эса сабандоннинг ҳозирги номи. Яманнинг Макка бандаргоҳидан чет элларга олиб кетилгани учун тош Макка номи билан машҳур бўлган (Г. Леммлейн).

36. Сабандон — Минералогияга оид бошқа асарларда бу ном учрамайди. Балки сабандон деганда Ҳиндистондан тарқаладиган авантюрин деб аталувчи халцедоннинг яшил фуксит қопламасига эга тури шу ном билан аталар? Сабандоннинг ягона кони Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда экани маълум (Г. Леммлейн).

37. Қалқанд — мис купороси.

38. «... қимматбаҳо тошларнинг уч хили ҳақида...» — бу жумлада ёқут, дур ва зумрад кўзда тутилган. Плиний (37, V) даврида олмос биринчи ўринда, сўнг дур, ниҳоят учинчи ўринда зумрад турган (Г. Леммлейн).

ФЕРУЗА

1. Феруза (бируза) — алюминий ва миснинг сувли фосфати. Яшилга мойил. Зич жойлашган томирлар ҳосил қилади ва уларнинг қотишмаси кўринишида бўлади. Конлари Сано тоғида, Эронда (Нишопур), Ўрта Осиёда, Тибет тоғларида мавжуд. Ҳақиқий феруза билан бир қаторда таркибида мис бўлган эритмалардан қолиб кетган ҳайвон тишлари ҳам эритма таъсирида ферузага ўхшаш рангга киради ва тошга ўхшаб қолади. Булар *одонтолит* «тиштош» дейилади ва заргарликда ишлатилади. Феруза ҳақида маълумотлар учун қаранг: J. E. Pogue. The Turquoise... Memoirs National Academy of Sciences. Washington. 1915. — P. 162. (Г. Леммлейн).

2. Жобир ибн Хаййон ас-Сўфий — ўрта асрларда машҳур алхимёгар, Европада *Гебер* деб ном қозонган. — Сохта кимёгарлик «Ал-кимё»илмининг асосчиси. Бу соҳа учун ёзилган кўплаб асарлар муаллифи, VIII-IX асрларда яшаган.

3. «Ғалаба тоши» — арабча фийрузаж, форсча пероз, пирўз, пируза сўзларидан олинган. Русча бирюза ҳам шу сўздан «ғолиблик» маъносига эга. Бахт, омад, ғолиблик келтиради деб ишонишган. Санскрит тилида пиройа, перойа. Форсийдан ўзлаштирилган. (B. Laufer. Notes on Tourquoise in the Eastern Publik Field. Museum of National history 169. Antrapology Serie. Vol. 13, №1. Chikago, 1913. — P. 1—71). Бироқ, Р. К. Tompson ашшур эпиграфик матнларидан бирида *бирутти* сўзи учрайди ва бу Сано ферузасини билдирса керак, деб тахмин қилади (Г. Леммлейн).

4. Нишопур — мўғул истилосига қадар Хуросоннинг маркази, йирик шаҳар. Ҳозир Машҳаддан ғарбда жойлашган кичик шаҳар.

5. Ширфом — Жаҳийз (Tabassur. — P. 331) ёзади: «Чақнаб турувчи феруза — ширфом, яшил, осмоний, қадимий. Бу тошга эгов, ранда ўтмайди. Оловда ва қайноқ сувда ранги-

ни ўзгартирмайди». XI асрда Нишопурда яшаган аз-Саъолибийнинг ёзишича: «Феруза фақат Нишопур атрофларида бор. Бир мисқолдан ортиқ вазнли феруза узук 200 динор туради. Бундай нархлаш учун ферузада яшиллик билан сут ранги қоришган бўлиши (ширфомийа), оловга чидамли, ўқ тешиб ўтмайдиган бўлиши лозим» деб ҳисобланган (Beitrag. XXX. — P. 242).

6. Бўсқоқий — бу ном ал-Акфоний хабар беришича тош пардози устаси Абу Исҳоқий шарафига берилган. Бу уста фақат феруза била иш қилар экан.

7. Илоқ кони — Ўрта асрларда Сирдарёга қуйилувчи ирмоқ Оҳангарон дарёси ва унинг водийси. Олтин, мис ва бошқа металллар ва минералларга бой ўлка. Шу жумладан феруза конлари билан ҳам машхур бўлган.

8. «Улар буни тош деб ҳисобламайдилар...» — Беруний бу ўринда тошлар лойдан ва сувдан пайдо бўладилар, деган назарияни кўзда тутган. Бу ҳақда Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо» асарида бундай дейилади: «Кўп ҳолларда пайдо бўлиши икки хил: биринчиси — тошлар лойнинг қуришидан ва иккинчиси сувнинг музлаб қотишидан пайдо бўладилар». (Ибн Сино. — С. 46). Димишқий ферузанинг пайдо бўлиши ҳақида ёзади: «Бу тош миснинг тутунидан, мис конидан кўтарилиувчи дуд буруқсидан пайдо бўлади» (Cosmographie. — P. 68).

9. «...нобуд бўлса...» — Димишқийнинг фикрича «Кондан қазиб олингач, йигирма ёки, ҳатто, ўн йил ўтгач ферузанинг ранги ўча бошлайди. Бу мутлақо ранги йўқолгунича давом этади. Бу ферузанинг ўлими деб аталади» (Cosmographie. — P. 69; қиёс қилинг: Воззрения. — С. 299).

10. «Бу тошдан чархлаб...» — бу ўринда сўз *талк тоши* ҳақида бормоқда. Бу тош юмшоқ, унга ишлов бериш осон. Оловга чидамли. Талкнинг сирти ёғ билан ишқалса ёки, қиздирилган мум билан унга ишлов берилса, ранги қораяди. Эронда ранда, эгов, наждак ёрдамида силлиқланиб, қиздирилган ёғ сингдириш йўли билан юмшоқ талкдан қаттиқ ва сирти қора тош ҳосил қилиш, ундан турли буюмлар яшаш кенг тарқалган. Плиний ёзиб қолдирган маълумот шу тош ва ундан буюмлар ясалиши ҳақидадир, деб тахмин қилинади: «Сифний тоши шундай хос хусусияти борки, у қиздирилган ёғ билан ишлов берилса қораяди ва қаттиқлашади., аслида эса бу тош ўзи юмшоқ» (Плиний, 36. XXII). Плиний шунинг давомида айтадики, бу тошдан овқат пишириш учун идиш ҳам ясалади (Г. Леммлейн).

11. Султон ад-Давла ибн Баҳо ад-Давла 1012—1024 йилларда Форс вилоятида ҳоким бўлган Бувайҳийлар хонадони элчиси.

12. Катхудо — дастлабки маъноси «уй, хонадон, оила соҳиби». Маъноси кенгайиб «қишлоқ оқсоқоли», «шаҳар маҳалласининг сардори» каби ишлатилган мансаб номи.

13. Мардовиж ибн-Зиёр — Журжонда Зиёрийлар сулоласининг асосчиси. 928—935 йилларда хукмронлик қилган.

14. Вашмгир ибн Зиёр — Журжон Зиёрийлар сулоласидан иккинчи хукмдор (935—967 йй).

15. Бисутун ибн Вашмгир — Зиёрийлар сулоласидан учинчи хукмдор (967—976 йй).

АҚИҚ

1. Ақиқ — халцедоннинг қаттиқ ва тиниқ ярқироқ хили. Қадим замонлардан бошлаб Декан Ясси тоғ адирларидан оқиб тушувчи сой ва дарёларнинг ўзанлари бўйлаб қайроқтошлар орасидан териб олинади. Ҳиндистон ярим ороли ҳамда Араб ярим оролининг жануби-ғарбида конлари бор. Вулқон чиқитлари орасида ҳам учрайди. Ақиқнинг қизил ранги офтобда товланиб ёки махсус кўра(печ)ларда қиздирилса тиниқлашади. Рангсиз халцедонни аста-секин қиздириш йўли билан ақиқнинг сунъий ранг олган хилини ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун халцедон темир тузларига тўйинтирилган бўлиши керак. Халцедонни оловда меъёрдан ортиқ қиздириш унинг ранги йўқолиши ва ёрилиб кетишига сабаб бўлади. Ақиқдан ясалган буюмлар айниқса, зеб-зийнат буюмлари Ҳиндистондан кўп миқдорда олиб чиқилган. Яманга, Басрага ақиқ буюмлар келтирилиши тўғрисида Ибн ал-Фақиҳ гувоҳлик берган (Г. Леммлейн).

2. Барус — Бахруж, Баруч. Санскритча Бхарукаччҳа; Птоломей «География»сида Баригазлар. Ҳозирги номи Броач. Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоғидаги шаҳар ва бандаргоҳ.

3. Михрон — Ҳинд дарёсининг номи.

4. «...жазирама офтобда қиздириб тоблангандан кейин» — ақиққа шу усулда ишлов бериш ҳақида сайёҳ Носири Хусрав ёзади: «Бу шаҳарда, яъни Яманнинг Санъа шаҳрида, ақиқ тайёрланади. Ақиқ тоғдан қазиб олинандиган тош. Уни кум билан ўраб (кумга кўмиб) оловда қиздиришади. Сўнг куми билан бирга офтобга қўйишади. Шу тобда меъёрига етгач, махсус дастгоҳда унга пардоз (ишлов) беришади. Мен Мисрда султонга қилич совға қилишганини кўрдим. Қиличнинг дастаси ва қини (?) — ҳар бири алоҳида яхлит ёқут каби қизил ақиқдан қилинган эди» (Сафарнома. — Р. 156). Ақиққа ишлов бериш усуллари ҳақида яна қаранг: Возрения. — С. 313.

5. «...ёзилган нарса оппоқ бўлиб қолади» — Беруний бу ўринда тош сатҳига ёзишнинг бир усули ҳақида ажиб маълумот беради. Жумладан, «Осор ул-Боқия...» асарида бир воқеани баён этади. Бу воқеа бир тошнинг хусусияти ҳақида, айтадики, бир хил тош борки, унинг таркибида маълум томирлари бўлади. Ўша томирлардан бошқа нарсалар хусусан тошлар юзасида чизиклар қолади. Бир куни, — дейди Беруний, — шиъаларнинг пешвоси мендан бирор фойда келтирадиган нарса ҳақида маслаҳат сўради. Мен унга ал-Киндийнинг «ал-Талвиҳ» китобидан аччиқ нарсалардан тайёрланандиган суюқлик ҳақидаги ерини кўчириб бердим. Бу суюқлик билан ақиқ юзасига ёзиб, уни олов яқинига қўйиб қиздирилса, ёзув тош юзасида оқ чизиклар кўринишида пайдо бўлади. У одам шу суюқлик билан тош сатҳида Муҳаммад, Али каби сўзларни ёзиб, буларни табиий деб кўрсатар, фалон ердан топганман, деб одамларни алдар эди. Шу йўл билан ўзининг Шиъа жамоасидан пул олар эди (Chronologie. — Р. 297).

6. Осим — бу атама Минерологияга оид бошқа манбаларда йўқ.

7. «...Унинг турли рангларидан...» — Тайфаший ақиқнинг турли ранглари рўйхатини келтиради. Беруний ақиқнинг турли ранглари ҳақида умумий эслатган, холос. Тайфаший рўйхати: «қизил, хурмонинг янги узилган меваси рангига ўхшаш — бу эса қизилдан сариққа ўтиш оралиғидаги ранг. (бундан ташқари) ақиқ мовий, қора ва оқ рангли

бўлади» (Fior. — P. 157). Димишқий ақиқнинг қуйидаги рангларини кўрсатади: «Май (вино) ранги сингари; ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури рангига ўхшаш; бол (асал) рангига ўхшаш; сафлор (уъсфурий) рангли; ола-қашқа рангли». Шу билан бирга Димишқий ақиқларнинг нархларини ҳам келтиради. «Энг қиммати — ёкутсимони, ундан кейин қон рангига ўхшаши; тиниқ гўшт рангига ўхшаши; ундан кейин хурмо ранглиси, сўнг сафлор ранглиси. Энг арзони ола-қашқаси — оқ-оқ нуқталар билан қоплангани» (Cosmographie. — P. 69).

8. $64 \frac{1}{2}$ ва $\frac{1}{4}$ — бу солиштирма оғирлик сув билан нисбатга келтирилса 2. 56 га тенг. Хозирги аниқ солиштирма оғирлиги 2. 55—2. 63 га тенг (Г. Леммлейн).

9. Халанж — «Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури» ҳақидаги бобга берилган 6-изоҳга қаранг.

10. Хубал — жоҳилия даврига оид худонинг (санамнинг) номи. Исломга қадар Маккада унга эътиқод қилишган. Каъбада ақиқдан ясалган Хубал ҳайкали бор эди. Ривоятга кўра ҳайкалининг синган ўнг қўли ўрнига олтиндан қўл қилинган экан. Муҳаммад (с. а. в) Маккани эгаллаганларида Хубал ва бошқа ҳайкалларни йўқ қилишга буюрганлар (ЕI, II. — P. 348).

11. «...хатоларидир...» — Ушбу ибора хато ёзилгани бўлиши мумкинлиги ҳақида Беруний огохлантириб ўтгани эътиборга лойиқ. Зеро, бу хато фикр туфайли ақиқнинг ғайритабиий магик хусусияти ҳақидаги гаплар тарқалган. Шу муносабат билан Беруний киноя қилиб, араб ҳарфига қўшиладиган диакретик белгилар сўз маъносини мутлақо ўзгартириб юбориши ҳақидаги бир латифани келтириб ўтади.

АҚИҚНИНГ ЙЎЛ-ЙЎЛ ТАРАМ-ТАРАМ ТУРИ

1. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури — халцедоннинг ички таркиби яққол кўринувчи тури. Кўпинча бир парча (бўлак) ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турида рангсиз ва рангин товланувчи қатламлар алмашинади. Қизил, кўнғир, сарғиш, камдан-кам ҳолларда яшилсимон рангли қатламлари бўлади. Баъзи ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури хилларида кулранг билан бироз ялтироқ ҳамда чинниранг алмашинувчи қатламли хиллари ҳам бор. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг ёки агатнинг рангсиз қатламлари органик бўёқ моддалар таъсирида ранг ҳосил қилади. Тошнинг рангин қатламлари нотекис тақсимланади. Кўнгалданг ўтувчи кесимларда мураккаб нақшин чизиқлар ҳосил қилади. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури баъзан бегона моддаларни ўзига сингдириш орқали турли ранглар ҳосил қилади. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг юпқа қатламидан тошларни кесиш учун қурол сифатида фойдаланилади. Турли конлардан олинган ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туриларнинг ранг хусусиятлари чексиз хилма-хилдир (Г. Леммлейн).

2. Банконаот — кум ёки сув соати. Муайян ҳажмга эга идиш.

3. Бакиндон — ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан кум соати ясашда фойдаланиш ҳақида Климент Миллетлик бундай хабар беради: «Ундан (ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан) кум ёки сув соати ясаш учун банакийи деб аталувчи найчалар қилинади» (Essai. — P. 166).

4. Солиштирма оғирлиги $63 \frac{1}{8}$ га тенг. Сувга нисбати — 2. 50. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури, сердолик ва халцедонларнинг солиштирма оғирлиги ҳозирги ҳисобда ўзaro фарқланмайди. Солиштирма оғирлик минералнинг ғоваклик ва таркибидаги сув томчиларига қараб турлича бўлиши мумкин. Беруний шундай хусусиятнинг фарқини билган.

5. Бақароний — ақиқнинг жанубий Арабистондаги Бакарон деган манзилдан олинган хилига берилган ном.

6. Халанж — биринчи галда турли идиш-товоқлар ва бошқа буюмлар ясашда хомашиё сифатида фойдаланилган. Манбаларда тез-тез номи учраб турадиган дарахт. Шарқ мамлакатларига Волгабўйидан келтирилган. *Халанж* сўзи аллақачон тадқиқотчилар диққатини тортган. Бироқ, маъноси ишончни оқламаган (Ибн Фадланнинг саёҳати: Путешествие Ибн Фадлана. М. -Л., 1939. — С. 144. 963 изоҳ; — С. 161, 1131 изоҳ). Беруний берган тавсифга кўра *халанж* — қайин дарахти бўлса керак.

7. Хуту — 215 саҳифа учун изоҳга қаранг.

8. «Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг яна бир хили...» — Димишқий ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг турлари рўйхатини куйидагича келтиради: бакароний, ғарвий, форсий, хабаший, шағамий (шамъий), асалранг, зайтуний (Cosmographie. P. 69).

9. Ғарвоний — бу сўзнинг ёзилган шакли шубҳали. Унинг ғарвоний ва ғарвий шакллари берилган. Хусусан, ғарвий сўзи «ёпишқоқ» маъносини беради.

10. «Тошлар ҳақидаги китобда...» — «Минералогия»нинг нусхаларида ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг конлари Хитойда экани ҳақида ёзилган. Ҳикоянинг Беруний келтирган давоми эса бу нусхада йўқ.

11. «...номи туфайли унга нисбатан ирим қилишган» — арабчада ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури жазъ дейилади. Сўзнинг луғавий маъноси «ғам, қайғу» демакдир.

12. Туббаъ — Яманнинг қадимий подшолари сулоласи.

13. Ал-Мураққиш — Керенковнинг фикрича бу шахс ал-Мураккиш ал-Асғар («Кенжа»). Унинг тўлиқ исми Робиъа ибн Суйан ибн Саъд. Исломга қадар ўтган шоир (VI аср).

14. Убайдуллоҳ ибн Қайс ар-Руқоййот — VII асрнинг иккинчи ярмида яшаган шоир (Қаранг: GAL. I. — P. 78).

15. Химйор — Жанубий Арабистон қабилаларининг умумий номи.

16. Сиб — арабча «сакраш», химйорий тилида эса «ўтирмақ».

17. Абу Аҳмад ал-Аскарӣй — ҳижрий 382 йилда вафот этган араб филологи. Кренков қайд этишича, Беруний келтирган шарҳ Абу Ҳалил ал-Аскарӣйга тегишли (Бируни. Минералогия. — С. 178, к. 1).

18. Абу-ат-Тимҳон — VII асрнинг 20-йилларида вафот этган араб шоири.

19. Шабдийз — Сосоний подшо Хусрав II нинг суюкли тулпорининг номи. Араб муаллифлари Тоқи бўстон қоятошидаги от тасвирини ўша машҳур Шабдийз деб ҳисоблайдилар. Ибн Фақиҳнинг сўзларига кўра, Шабдийз тасвири ўйиб ишланган қоя турли рангларда товланади (BGA. V. — P. 214).

20. Саъийд ибн Ҳамид — Кренков таъкидлашига кўра, бу шахс машҳур «Китоб ал-Ағоний» номли антологияда қайд этилган (Бируни. Минералогия. — С. 180).

21. Исмоил ибн Иброҳим — Кренковнинг тахминича бу шахс Исмойил ибн Иброҳим ал-Форобӣй (Бируни. Минералогия. — С. 180, к. 5).

22. Туббат, Тибет — бу мамлакатнинг географик чегаралари тўғрисида ўрта аср муаллифларида аниқ маълумот йўқ. Уларда Тибет бугунги тушунчадан фарқли равишда Хўтан, Шарқий Туркистон худудларини ҳам қамраб олгандек кўринади. Араб манбаларида Тибет деган тушунча бугунги Тибетдан кўра унинг атрофларига ишора қилади.

ТОҒ БИЛЛУРИ

1. Тоғ биллури — кварцнинг (SiO_2)нинг рангсиз, ярқироқ хили. Олти қиррали, пирамидасимон учқур, призма кўринишида чўзинчоқ шаклда кристаллашади. Таркибига кўра, бу кварц халцедон (сердолик, агат, ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури) билан бир хил. Халцедон кварцнинг бир қарашда илғаш қийин бўлган толали хилидир. Шу сабабли бу минералларнинг солиштирма оғирлиги бир-бирига мос. Кварцнинг кристаллари тез-тез агат билан чатишган ҳолда учрайди. Кварц ва халцедон гуруҳи хусусиятларининг ўзаро яқин хусусиятлари Берунийда улар қариндош минераллар, деган фикрни пайдо қилган (Г. Леммлейн).

2. Биллур — араб луғатларида бу сўзнинг бошқача талаффуз шакллари ҳам қайд этилган. Гуржи тилидаги *броли* ҳам арабча биллур сўзининг варианты. Юнонча βψύλλος — «берилл» ҳам дастлаб «тоғ биллури» маъносида ишлатилган. Бу сўз шакллариининг аккад тилидаги *бураллу* сўзига бориб тақалади. Одатда юнонча βψύλλος сўзини санскритча вайдурийа «мушук кўзи» сўзига боғлаш учун ҳеч қандай асос йўқ (Г. Леммлейн).

3. Абу-л Фазл аш-Шукрий — Кренковнинг фикрича бу шахс Абу-л-Фадл Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Зайд ас-Сакрий. Бу исм ас-Саъолибийнинг «Йатимат ад-Даҳр» асарида (IV. — С. 22.) қайд этилган.

4. Керх — Бағдод шаҳрининг яқинида ҳунармандчилик марказининг номи.

5. Афрусалийнус — Беруний юнонча αφροσέληνος «ой кўпиги» сўзини аниқ қилиб келтиради.

6. Диоскурий (Дискурийдус) — суриялик юнон. Ботаника билан шуғулланган, табиб. Милодий I асрда яшаган. Гиппократ асарларига шарҳлар ёзган. Унинг доривор ўсимликлар тўғрисидаги асари машҳур бўлган. Тарихчи Яъқубий унинг арабчага таржима қилинган китобларидан бири ҳақида «Унинг дарахтлар ҳақида китоби бор. Дарахтлар таъсирлари ва уларнинг фойдали жиҳатлари батафсил баён қилинган», — деб ёзган эди.

7. Наин — Эронда Исфаҳондан ғарбда, Катта Шўрҳок саҳро чегарасида жойлашган шаҳар. Афғонистонда «Ғазна яқинида» бу номдаги шаҳар бўлгани номаълум.

8. Патика — тоғ биллуриининг ҳиндча номи. Қадимги рус манбаларидаги *фатис* сўзи шу билан боғлиқ.

9. «... ичувчилар ўша нарсаларни давом эттирдилар» — Қуръон. 37-сура, 45—46 оятлар.

10. «... оқ йўл ва қора йўл бўйлаб...» — Қуръон. 35-сура, 25-оят.

11. «Кумушранг биллур...» — Қуръон. 76-сура 1-оят.

12. «... боларининг ошқозонидан суюқлик чиқйши ҳақида...» — Қиёс қилинг: Қуръон. 16-сура, 70—71 оятлар.

13. «Тоғ биллури ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури билан бир хил солиштира оғирликка эга...». Ҳозирги ҳисобда кварцнинг солиштира оғирлиги 2. 59—2. 66 га тенг. Шундай қилиб, Беруний кварцни сердолик билан (2. 56) солиштирганда ҳақ бўлган бўлар эди (Г. Леммлейн).

14. «Уни (тоғ биллурини) занжи (занги) оролидан келтиришади...» — Занжи ороли (ороллари) деганда араб географик адабиётида Комор ороллари гуруҳи, Занзибар ва Мадагаскар ороллари тушунилган. Антик давр юнон географлари (жумладан, Птоломей) Мадагаскар оролини «Ой ороли» деб аташган. Бунинг маъноси шуки, тоғ ойга тааллуқли ҳисобланади. Оролларга «ой ороли» деб нисбат берилиши шубҳасиз шу тасаввур билан боғлиқ. Араб адабиётида «Ҳазират ул-қамар» — Комор оролларида ҳозирги номи ҳам шу тушунча билан боғлиқ. Мадагаскар оролининг марказий қисми кристал майдон бўлиб, қадим замонлардан одамлар ер юзасидан, дарёлар ўзанидан кварц кристалларини териб олишган. Мадагаскарнинг туб аҳолиси малгашлар тоғ биллуридан диний маросимларда магик (афсунгарлик) мақсадларда фойдаланишган. Ҳова ва бошқа қабилалар йирик кварц кристалларини ўлганлар хотирасига қабрга ўрнатишган. Қабрларни зиёрат қилишга бораётиб тоғ биллури парчаларини ўзлари билан олиб боришади. Тоғ биллури кристалларини, кварц бўлақларини қабрга майит билан бирга кўмишган. Араблар Комор ороллари туркумини, Мадагаскарга яқин ерларни забт этишгандан кейин IX-X асрлардан бошлаб тоғ биллурини Арабистон, Ироқ, Ҳиндистон, Шарқий Африка қирғоқлари бўйлаб турли мамлакатларга олиб бориб савдо қилишган. Тоғ биллуридан ясалган буюмлар Европага, ҳатто Ҳитойгача етиб борган. XVI асрдан бошлаб Мадагаскарга европаликлар кириб кела бошлаган. Булар португаллар ва французлар эди. XVII асрдан тоғ биллури Францияга келтирила бошлаган. Е. Флаккур ўзининг «Мадагаскар тарихи» номли асариди (1658 йилда чоп этилган) юзлаб килограммик тоғ биллури бўлақлари ҳақида ёзган. XX асрда Франция саноати учун тоғ биллури асосан Мадагаскардан ташиб келтирилган. Мадагаскар тоғ биллури ҳозир ҳам Европага оқиб келиб турибди.

15. Нард тошларидаги ит тасвири ҳақида сўз бормоқда. Баъзан шахмат доналари маъносини ҳам билдиради.

16. Фундук — ўрмон ёнғоғи (*Corylus Avellena* L.).

17. «Биллурининг бир кони... жойлашган...» — Қазвиний айтади: «Тоғ биллурининг энг яхши навлари сўғд ва ҳинд навларидир. Лекин тоғ биллурини шимолий ҳудудларда ҳамда фарангийлар подшолигида қазиб олинади». Бу ўринда Алп тоғларидаги биллури конлари кўзда тутилган бўлса керак.

18. Бидлис — ўрта асрларда Арманистон ҳудудидаги шаҳар. Ван кўлидан жануброқда жойлашган. Ҳозир Битлис шаҳри. Туркияга қарайди.

19. Ал-Авфий — Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Авфий ас-Саъолибийнинг «Йатимат ад-Даҳр» асариди бу ном Сурия ва Миср шоирлари қаторида қайд этилган (I. — С. 319).

20. Айорун — арабий матнда шундай берилган. Бироқ, шубҳасиз гап Нерон ва унинг устози файласуф Сенека ҳақида бормоқда. Бу лавҳа Плутархнинг «Ахлоқ ҳақида» рисоласидан олинган. Унинг «Ғазаб ҳақида» номли бобида «Шу сабабли, — деб ёзади Сенека, — ғазабга минган одам нозик ва қимматбаҳо буюмлар харид қилишдан ўзини тийиб

туриши лозим. Чунки шундай буюмларни йўқотиш ғазаб устига яна ғазаб қўшади. Оддий буюмларни йўқотишдан кўра ноёб буюмларни йўқотиш киши учун оғир кечади». Кунлардан бирида Нерон ўзи учун ҳашаматли ва гўзал саккиз қиррали кошона куришни буюрибди. Бунга жавобан Сенека дебди: «Кошона (кўшк) қурдиришинг билан қашшоқлигингни топасан. Чунки кошонангни йўқотсан, қайтиб яна шундай кошона-кўшкка эга бўлолмайсан». Чиндан ҳам шундай бўлди. Кемада жойлаштирилган кўшк кема билан бирга денгизга чўкиб кетди. Сенеканинг гапларини эслаб, Нерн бу йўқотишга сабр билан қарабди (Die Quellen. — P. 40).

21. Исмоилий узуги — GM. — P. 58.

22. Миханийқун — Беруний бу сўзни юнонча аслига жуда яқин тарзда ишлатган. Араб тилли манбаларда *манжанийқ* шаклида бузиб ёзиш машхур бўлган (қаранг: Mafatih. — P. 247). «Ҳийлагарлик санъати юнон тилида манжанийқун дейилади».

23. Монолаус-Менелай — юнон математик олими. Унинг фалакиётга оид асарларининг лотинча ва арабчага таржималари етиб келган.

24. Сицилиялик Айарун — бу ўринда сўз Сицилиялик ҳукмдор (Тиран) ҳақида бормоқда. Архимед билан замондош, мил. авв. III асрда яшаган.

25. Ёқуб ибн Лайс — Саффорийлар «Мисгарлар» сулоласининг асосчиси. 868—878 йилларда ҳукмронлик қилган.

26. Муҳаммад ибн Тоҳир — Тоҳирийлар сулоласининг ҳукмдори. 862—872 йилларда тахтга ўтирган. Унинг даврида Яъқуб бин Лайс Хуросонни босиб олган.

27. Ал-Муваффақ — Халифа ал-Мутавакилнинг ўғли. Халифа Муътамид даврида (870—892) лашкарбоши бўлган. 876 йилда Яъқуб бин Лайс билан халифа Муваффақ кўшинлари Дажла дарёсининг ёқасида тўқнашиб, Муваффақ ғалаба қозонган эди.

28. Амр ибн Лайс — Саффорийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори. Йаъқубнинг укаси. 878-900 йилларда ҳукмронлик қилган.

29. Бошида оқ доғ, ўртасида салиб белгиси бор кичкина илон — Эфа (Ephis Carinatus Scheider). Чақиши ўлдиради.

30. Ат-Тириммоҳ ибн Ҳаким ат-Тоъий — VII асрда яшаган араб шоири. Сирияда туғилиб, Бағдодда яшаган (Enc. Isl. IV. — P. 836).

МАРЖОН ШОДАСИ

1. Афружийа — матнда... — Афружийа. Сўз Ифригийя, Римнинг Африкадаги вилояти ҳақида бормоқда. Ҳозирги Тунисга тўғри келади. Беруний «Қонуни Масъудий» китобида Табирка шаҳри муносабати билан афружийа атамасини келтиради: «Бу Фаранжнинг Афружийасидан келтириладиган коралнинг дарвозаси» (Канон Масъуда. II. — P. 555).

2. «... булар (аслида) ўсимликлар. Улар шундай шароитда тошга айланадиларки...» — қиёс учун: «Метаморфоза»да Овидий айтган шеърдан икки шеърни мисол келтирамиз:

*Сувда улар ўсимликдирлар
Ҳаво тегса қотиб тош бўлар.*

3. «... Маржон шодаси қизил ва қора бўладилар» — қора маржон шодаси (*Leopathes Globetima*) Арабистоннинг жанубий қирғоғида, Жиддада маржон шодасини йиғиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган.

4. Балинас — Балийноснинг шахси ҳақида Сильвестер де Саси бир фикр билдирган эди. Унинг Балийнос Плиний исмининг арабча шакли. Бироқ, ҳозир аниқланишича бу исм тианалик Апполонийдир (милодий I асрда яшаган). Шарқ мамлакатлари бўйлаб кўп марта саёҳат қилган.

5. Денгиз қисқичбақаси — араб тарихий географик манбаларида денгиз қисқичбақасининг тошга айланиши ҳақида маълумот кўп учрайди. IX асрга оид «Чин ва Ҳинд» ҳақида ахбор номли муаллифи номаълум китобда ёзилишича: «Денгизда шундай маҳлуқ яшайдики, уни денгиздан олинса, у тошга айланади. Ундан баъзи кўз касалликларини даволаш учун сурма тайёрлайдилар» (*Ahbor. — P. 19; Қиёс қилинг: Steinbuch. — S. 120*).

6. «Тошлар ҳақида китоб» муаллифи айтади: Бизгача етиб келган нусхасида «Тошлар ҳақида китоб» бундай хабар беради: «Маржон сувда ўсади, новдалар чиқазади ва шохлайди» (*Steinbuch. — S. 120*). Маржон ва буссаз атамаларининг ўзаро фарқи ҳақида бирор фикр билдирилмаган.

7. Бўстони афрўз — Ўрта Осиёда бу ўсимлик гултожихўроз деб аталади (*Atarahthus paniculatus* u *Amaranthus tricolor* L.; қиёс қилинг: Путешествие. — С. 124).

8. Маржон — бу сўзнинг этимологияси ҳақида Беруний берган тафсилот у қадар ишончли эмас. Яъни Беруний маржон сўзини форсча мурғ — «қуш, товуқ» маъносидаги сўзга ўхшатади. Араб тилида -г- товуши бўлмагани сабабли мурж-марж — деб талаффуз қилинади, деб тушунтиради. Аслида, маржон сўзи юнонча *μαργαρίτης*, лотинча *margarita* сўзи билан боғлиқ.

9. $64 \frac{1}{4}$ ва $\frac{1}{6}$ ва $\frac{1}{8}$ — сувга нисбатан солиштирма оғирлиги 2. 55 (Г. Леммлейн).

10. Мароқ — бу сўзнинг ўқилиши шубҳали. Қўлёмаларда, жумладан А қўлёмаларда мийзон, В ва С қўлёмаларда матроқ. Бошқа нусхаларда бу сўз учрамайди.

11. Фосанжоний — бу сўз бошқа манбаларда учрамайди. Кренковнинг тахминича Фарбий Африкадаги Фас (ҳозирги Фец) шаҳри билан боғлиқ.

12. Маржон — бу ўринда Беруний маржон сўзини сабзавотнинг бир турига нисбатан ишлатган. Ботаникада *Phisallis Somnifera* ўсимлиги.

13. Жузжон, Ғузғон ёки Ғузғонон — Жузжон ҳам дейилади. Амударёнинг чап қирғоғидаги вилоят номи. Бир вақтлар мустақил ҳукмдорлик бўлган. Марв билан Балх орасида жойлашган. Пойтахти Таликан шаҳри.

14. Карвон — Шимолий Афғонистондаги шаҳар. «Худуд ал-олам»да (12-а варақ) «Бу Ғузғон чегарасидаги шаҳар. Ғузғон тоғларида олтин конлари бор».

15. «Суви тошга айланувчи жилға» — Ўрта аср космографик манбаларида суви тошга айланадиган жилғалар, ариқлар ҳақидаги хабарлар кўп учрайди. Қазвиний (*Kosmographe II. — P. 332*). Урмия кўли атрофларида шундай жилға бор деб хабар беради. Афғонистонлик муаллиф Бурхон ад-дин Хона Кушкекий «Қатағони Бадахшон» китобида Ёмон челак номли манзилдаги жилға ҳақида ёзади: Унинг хавзаси юмалоқ чўян қозонга ўхшайди. Суви хавзадан чиқиб бир неча қадам оққач, қотиб тошга айланиб қолади (Қатағони Бадахшон. Перевод Семенова А. А. Ташкент, 1906. — С. 165).

Шу манбада Сери Ших деган жойда суви қайноқ булоқ бор. Унинг суви ҳам тошга айланиш хусусияти бор, деб хабар берилган (Қатағони Бадахшон. Перевод Семенова А. А. Ташкент, 1906. — С. 179).

САФСАР

1. Жамаст одатда сафсар деб таржима қилинади. Бу — кварцнинг (SiO_2) бинафшарангли тури. Юнон ва лотин манбаларида таърифланган сафсарос (Плиний, 37, IX. — Р. 40) чиндан ҳам жамаст (сафсар)нинг хусусиятларига тўғри келади. Тайфоший ва Ибн Мансур ҳамда бошқа Шарқ олимлари берган таърифларига кўра, жамаст (сафсар) етарли даражада қаттиқ мовий-пушти рангда товланувчи тош бўлиб, рандалаб силлиқланган ва шакл берилган ҳолда зеб-зийнат буюмларга ўрнатилади. Араб манбаларида сафсарнинг тўрт хилини: 1) алоҳида қиммат баҳоландиган пушти ва мовий (кўк) рангларда жилоланувчи; 2) пушти ранги кўпроқ, бироз мовий ранг қўшилган; 3) тўқ мовий (кўк), пушти ранглари эса енгилгина товланувчи; 4) мовий ва пушти ранглари тенг хилларини бир-биридан фарқли таърифланади. Ўша манбаларда сафсар (жамаст)ни бинафшаранг ёқут (яхонт) билан адаштириш мумкинлиги қайд этилган. Беруний жамаст (сафсар)га берган таъриф сафсарнинг хусусиятларига тўғри келмайди. Масалан, Беруний айтадики, «Уни (жамастни) темир билан кесиш мумкин. Унинг (жамастнинг) қириндилари кесганда тушадиган қипиқлари, майда увоқлари мраммарникига ўхшайди». Яна бир ўринда жамаспнинг рангини Беруний мушукнинг йўл-йўл товланишига қиёс қилади. Шу билан бирга ёзади: «Жамаспни синдириш учун кўп куч керакмас»; «Оловда жамасп қўрғошин каби эрийди»; «Унда барча ранглар жилваланади...». Бу таърифлар ҳаммадан кўра кўпроқ флюорит (CaF_2)га мос келади. Чиндан ҳам флюоритнинг қаттиқлик даражаси Мооснинг маълумотига кўра, 4 га тенг ва унга рандалаб ишлов бериш мумкин. Ўта зичлиги ва мўртлиги сабабли флюоритда салгина зарбдан, нотекис қиздиришдан дарзлар ҳосил бўлади.

Флюорит қиздирилса, рангсиз суюқлик эмалга айланади. Пўлат ишлаб чиқаришда бу суюқликдан фойдаланилади. Флюорит одатда бинафшаранг бўлади ва сафсарга ўхшаб кетади. Баъзан унинг пушти, кўк, яшил, сариқ турлари ҳам учрайди. Унинг рангли қатламлари рангсиз шишадек тиниқ қатламлар билан алмашиб туради. Камдан-кам ҳолларда рангсиз қатлам ўрнида бошқа ранглилари ҳам бўлади. Флюоритдан ясалган буюмларда тўлқинсимон-қиррали йўл-йўл жилолар бинафшаранг ёрқин ранглар билан алмашиб туради. Флюоритнинг қатламли тўпбош шаклда учрайдиган бўлакларидан турли идишлар, жумладан, пиёла, коса-товоқлар ясалган. Жилвадор товланиши, нақшинкор кўриниши билан бундай идишлар юксак қадрланган. Аммо материалнинг мўртлиги туфайли флюоритдан ясалган йирик идишлар деярли сақланмаган. X-XIII асрларга оид славянлар (қадимги Русь) дафиналари орасида қаҳрабо, биллур тақинчоқлар қаторида флюорит зеб-зийнатлар ҳам учраган.

Ўзбекистоннинг Бўстонлик тумани ҳудудларида (Буржи мўла, Обираҳмат), Фарғона водийсининг жанубида Водил ва Сўх оралиғида флюорит конлари бор. Плиний (37, II)

флюоритни Парфиядан келтирилади, деб ёзган эди. Балки бу тош Юнонистонга Парфия орқали ўтган қадимги савдо йўлларида ўтиб борган бўлса, Плиний шуни билгандир.

Жамаст сўзининг келиб чиқиши аниқ эмас. Уни юнонча *αμετιοτὸς* сўзидан деб ҳисобловчилар бор. Анъанавий этимологияси «маст бўлишдан сақловчи» демакдир. Лекин, бу этимологияни қабул қилиш қийин. Таврот китобининг «Чиқиш» (Мисрдан қулликдан озод бўлиб чиқиш тарихи баён этилган) қисмида *ахламаъ* сўзи «аместит» (жамаст) маъносида учрайди. Қадимги ашшур (ассирий) тилидан *алгамиш* сўзи «сафсар» деб таржима қилинади (Томпсон. Dictionary. — P. 167; Таврот. Исход, 28. 19; 39. 12); Қаранг: Г. Леммлейн). Флюоритни Парфиядан келтирилади, деб ёзган эди. Балки бу тош Юнонистонга Парфия орқали ўтган қадимги савдо йўлларида ўтиб борган бўлса, Плиний шуни билгандир.

Жамаст сўзининг келиб чиқиши аниқ эмас. Уни юнонча *ametioros* сўзидан деб ҳисобловчилар бор. Анъанавий этимологияси «маст бўлишдан сақловчи» демакдир. Лекин бу этимологияни қабул қилиш қийин. Таврот китобининг «Чиқиш» (Мисрдан қулликдан озод бўлиб чиқиш тарихи баён этилган) қисмида *ахлама* сўзи «сафсар» (жамаст) маъносида учрайди. Қадимги ашшур (ассирий) тилидан сўзи «сафсар» деб таржима қилинади (Томпсон. Dictionary. — P. 167; Таврот Исход, 28. 19; 39. 12) Қаранг: Г. Леммлейн).

2. Абдуллоҳ ибн ал-Аббос ибн ал-Мутталиб — Муҳаммад Пайғамбар (с. а. в) нинг амакилари (688 йилда вафот этган).

3. Билқис — Жанубий Арабистоннинг Сабаъ даврида машхур малика. Сулаймон (а. с.)нинг замондоши. Библияда унинг исми қайд этилган.

4. Ладан — *Styrax officinalis* дарахтининг елими.

5. «Сафсарлар орасида илон тасвири бор. Қадимги эски тошларда учрайди...». Христианликнинг дастлабки асрларида гностиклар таълимоти тарафдорлари орасида сеҳрли илон ёки илонсимон хаёлий жонзотлар тасвирига ўхшаш жилвали тошлар абраксамлар дейилиб, уларнинг сиртида ирим сифатида ихлос қилинадиган шакллар, ҳарфга ўхшаш тамғасимон белгилар бўлган.

6. Вашгирд харобалари — Жанубий Тожикистонда Кофирниҳон дарёсининг Илак ирмоғи ўнг қирғоғида жойлашган қадимги шаҳар. Душанбе шаҳридан 30 км шарқдан, Мозори Шариф қишлоғи яқинида.

7. Сағонийон, Чағонийон — Сурхон дарёси водийсида жойлашган тарихий вилоят. Илк ўрта асрларда Турк хоқонлиги таркибида турк ярим мустақил ҳукмдорлик. Милодий 654 йилда Самарқандга Сўғд ихшиди Вархуман ҳузурига элчилик миссиясини юборган. Ўша вақтда Чағонийон ҳукмдори турк Туронтош эди.

8. Ромрўд — Тожикистондаги Амударё ирмоғи Кофирниҳон дарёсининг қадимги номи.

9. «вазни икки ратлгача...» — Димишқийнинг ёзишча сафсарнинг асосий ранги бинафшаранг. Лекин бундан ташқари (сафсар) пушти, тўқ пушти, осмоний кўк рангларида учрайди. Мовий (осмоний) ранглиси энг қимматлисидир. Булардан кейин оч пушти, тўқ кўк ранглилари ҳам бор. Сирти тузга ўхшаш қобиққа ўралиб туради. Уни сувлаб кумқоғоз билан ишқалаб тозаланади. Марварруд водийсида унинг конлари бор. Хурросон шаҳарларидан бири яқинида... (Cosmographis. — P. 165). Балки Димишқий Абу

Райҳон Берунийдаги Ромрудни марварруд билан адаштиргандир. Ибн ол-Фақиҳ сафсар ҳақида «унинг конлари Араб саҳросининг Адван вилояти ҳудудларида тоғ биллури конлари билан бирга» деб кўрсатади. Шаффофлигини тиниқ гулобга ўхшатади. Айрим бўлақларининг вазни бир мангача бўлади (BGA, V. — P. 32).

10. Амбра — арабча амбар. Араб манбаларида атторлик ва доривор ашё сифатида тез-тез қайд этиб келинган. Ўсимлик хом ашёси деб қаралади (Қаранг: EI, I. — P. 352; Relations. — P. 50; Драгоценные камни. — С. 58). Бироқ ҳозирги кунда амбра наҳанг (кит)нинг бир тури кашелотнинг ошқозонида етиштирилиши аниқланган. Видеман амбра сўзи Сомали йилида нибири деб талаффуз қилиниши ва «кашелот» деган маъноси ҳақида маълум қилади. (Beitrag, LIV. — S. 341).

ЛОЖУВАРД

1. Ложувард — мураккаб таркибли, тўқ ва тиниқ кўк минерал (жавҳар). Пардозлаб силлиқлашга яхши натижа беради, жозибалироқ бўлади. Таркибида тун осмонида юлдузчаларга ўхшаган пиритнинг майда кристаллари бўлади. Ложувард катта бўлак (парча) сифатида ҳам учрайди. Одатда ложувард рангсиз минераллар билан бирга, баъзан уларнинг таркибига сингиб ўрнашиб қолган кўринишда учрайди. Ложуварддан мунчоқ, узук кўзи, муҳр, тумор ва бошқа буюмлар ясаллади. Ложуварднинг паст сифатли турларидан янчиб, туйиб, кукун ҳолида тўқ кўк рангли бўёқ қилинган. Бу бўёқ узоқ муддат сифатини йўқотмаган. Янчилган ложуварддан қуйма усул билан бутун парчага ўхшаган тақинчоқлар ясалган. Ўрта аср шишасозлари ложувард кукунини шиша буюмлар сиртини пуркаш усули билан безашда ишлатишган. Қадим ва ўрта асрларда ложувардни мис зангидан (яшил ранги эканлигидан фойдаланиб) тайёрланган буюмлар билан алмаштириб қаллоблик қилиш ҳоллари ҳам кузатилган. Мис зангининг таркиби $2\text{CuCO}_3 \cdot \text{Cu}(\text{OH})_2$. Бу қотишма азурит дейилади ва ташқи кўриниши ложувардга ўхшаш. Уни «арманлар тосги» деб ҳам аташади. Айниқса, ложувард кукунидан тайёрланган бўёқ ўрнига азуритда тайёрланганни ўтқазиб, алдамчилик қилиш учраган. Бироқ қадимги Мисрда $\text{CuO} \cdot \text{CaO}$ (мис оксиди+кальций оксиди) + 4SiO_2 моддалар қўшилмасидан нафис тўқ кўк барқарор ранг — бўёқ олиш усули ўйлаб топилган. Бунинилий бўёқ деб ҳам аталади. Бадахшон ложувард конлари узоқ вақт давомида ҳақиқий ложувард конлари сифатида маълум эди. Бадахшон ложувардидан ишланган зеб-зийнат буюмлари Мисрнинг сулолавий шаҳарларидан қадимий қабрларидан топилиши Бадахшон ложувард конларида қазииш ишлари ўта қадимий даврларда милоддан аввалги IV минг йилликда бошланганидан далолатдир. Помирда ложуварднинг ляпис-ложувард тури конлари ҳақида қаранг: Труды Памирской экспедиции, II. Ленинград, 1930. — С. 12. (Г. Леммлейн).

2. Армийноқун — юнонча *arpeviachos* «арман тоши». Ҳамдаллоҳ Қазвиний «арман тоши ложувард рангли ва анор рангли бўлади», — деб ёзган. Уни ювиб тозалагач ҳақиқий ложувард ўрнига бўёқ сифатида ишлатишади (Қазвиний. Нусхат ал-кулуб — P. 44). Арманистонда армийноқун олиш ва арман савдогарларининг у билан савдо қилиш ҳақида (Драгоценные камни. — С. 45. 3-изоҳ).

3. Ложуварднинг солиштирма оғирлиги 67,6(6) ва 67,25. Бу вазни сув билан қиёс қилинса 2,69 га тенг бўлади. Бу ҳозирги кунда ложувард солиштирма оғирлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар билан деярли бир хил яъни ложувард 2,4—3,^а вазнга эга. «Минералогия»нинг арабча қўлёзмасида 76 ва 0,6(6) ва 0,25 рақамлари нотўғри кўчирилиши оқибатидир. Солиштирма оғирликлар ҳақидаги рисолада ложуварднинг вазни 67 деб кўрсатилган. Яъни 67 мисқол, 5 доник, 2 та суж. Бу вазн юқорида келтирилган 67,6(6) ва 0,25 вазн билан айнан бир дейиш мумкин.

4. Карран — матнда каррон. Кўпинча Тожикистоннинг Дарвоз ва Рушан деган манзиллари билан боғлиқ ҳисобланардилар (Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. I.) Бироқ бу ўринда, афтидан, Тарон (Ишкашим, Шимолий Афғонистондаги Ишкашимга тегишли манзил) ҳақида гап бормоқда (қиёс қилинг: К истории. — С. 29).

5. «... ундан нафис, гўзал бўёқ олинади...» — Ложувард ҳақидаги бу хабарни бироз кўшимча маълумотлар киритилган ҳолда, Димишқийда ўқиймиз: «Ложувард — ҳаворанг тош. Унга ёпишиб қолган қум, лойлардан тозалангунга қадар гашим, яъни «хом» дейилади. Ложуварднинг энг яхшиси бироз қизғиш қўшилган кўм-кўки. Конлари Хуросонда ва Андалузияда. Ложувард нафасни енгиллаштиради, кўзни ўткир қилади. Зардоб қайнаганда уни босади, тутқаноққа даво. Уни турли ёпишиб қолган бегона нарсалардан ювиб тозаланади. Бу иш шундай бажарилади: ложувард янчиб майин упа шаклига келтирилади. Сўнгра турли аралашмалардан тозаланиб қуритилган елимга солинади. Ундан кейин иссиқ сувга солиб қайнатилади. Кўм-кўк тоза рангли нарса пайдо бўлади ва тўкилаётган сувни ҳам кўкартиради. Бу иш токи сувга кўк ранг чиқмайдиган бўлгунга қадар такрорланаверади. Шундан кейин чўкинди бўлиб қолган кўк модда сувдан сузғич билан ажратиб олинади ва қуритилади. Шундай қилиб, тоза ва қуруқ ложувард ҳосил бўлади (Cosmographie. — P. 73).

МАЛАХИТ

1. Малахит (дахнаж) — мис карбонатнинг тиниқ, яшил рангли асосий хили. Кўпинча ташқи кўриниши юзасида пўстлоқсимон қават ҳосил бўлади. Бу пўстлоқсимон қават малхит кесмасида кўндаланг мураккаб жилваланувчи турли даражадаги яшил ранг ҳосил қилади. Малахитнинг қаватланувчи жилвасидан ташқари радиал (қияланувчи) нозик нурланиш хоссаси бор. Бу хусусият тошга гўзаллик бағишлайди. Баъзи ҳолларда нурланиш кўринишидаги тарам-тармлик қатлам-қатламликдан кўра кўпроқ кўзга ташланади. Бундай хилдаги тошни товусий, яъни товусга ўхшаш деб аташади. Малахитнинг безак, зеб-зийнатга яроқсиз хилларидан юқори навли мис рудаси сифатида фойдаланилади. Малахит тоши мис конлари бор жойларда кон рудасида, шамолдан чангиб тарқалган учириндилардан ҳосил бўлади. Малахит конлари кўп жойларда бор. Беруний кўрсатган жойларда Ибн Мансур Мавританиядаги, Самарқанд яқинидаги конларни кўшимча қилган. Машҳад яқинида (Эрон) малахитнинг йирик кони ҳозир ҳам маълум.

Малахитни зайтун мойи билан тўйинтирилса таркибидаги ғовакликлар тўлади ва унинг кўрки янада очилади. Малахитнинг арабча номи дахнаж. Сўз ўзаги-деҳна. Г. Леммлейннинг кўрсатишича, Библияда (Борлиқ. 2,12) даҳанак шаклида учрайди.

2. Фаридий — бу сўзнинг «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» китобидаги ёзилиш шакли турлича ўқиш имконини беради. Масалан, Мюлле афарандий ва барбадий каби ўқишни таклиф қилади. Буни афранжий деб ўқиш керак деб тахмин ҳам билдиради. Яъни фарангий (французча) (Қаранг: Essai... — С. 186). XVII асрга оид арман кўлёмаларида деҳне франчи шаклида маълум (Драгоценные камни. — С. 51).

3. Ванжуйа — бу атама бошқа манбаларда учрамайди.

4. Тўтиё — Беруний ёзадики, ҳиндларнинг айтишича, малахит тўтиёнинг бир тури эмиш. Санскрит тилида тутҳия сўзи тутҳа сўзидан сифат ҳисобланади ва мис купороси маъносига эга. Араб ва бошқа шарқ тилларида тўтиё рух маъдани ёки рух окиси (занглаган рух) демакдир.

5. Кирмон — жануби-шарқий Эронда вилоят ва шаҳар номи.

6. Сейистон — Систон, Сижистон шаклида ҳам ёзилади. Ҳилманд дарёси водийси ва Зарра кўли атрофидаги вилоят. Ҳозир Эрон ва Афғонистон ўртасида бўлинган.

7. Ҳарра — Арабистонда вулқон жинслари билан қопланган ер маъносини билдирувчи табиий географияга оид атама.

8. «... Айни улар, аслида, мис бўлганлари сабабли...» — Қиёс қилинг: Steinbuch. — S. 103. «Мис конларида пайдо бўладиган олтингугурт буғлари кўтарилган пайтда улар миснинг занги сифатида яшил бўлиб кўринади. Мис конидан буғланишнинг чиқиб кетишига йўл бўлмай олтингугурт буғи йиғилиб сиқилади ва тошга, туз қатламларига сўнгра ошга айланади.

9. Дахонаж — бу шаклнинг х харфидан кейинги товуши чўзиқ а экани билан асл шакл Даханаждан фарқли ёзилган.

10. Беруний бу асар муаллифини йўл қўйган хатоси учун танқид қилган. Аммо кўрсатилган хато муаллифига эмас, балки китобни кўчирган котибга тегишли бўлиши ҳам мумкин.

11. Сихор-бохт — сурёний форсий аралаш исм. Бу исм Эронда яшаган христиан динига мансуб муаллифларнинг, табибларнинг, таржимонларнинг исмлари сифатида тез-тез учраб туради. Беруний қайд этган Сихор-бохт Жундишопур табобат мактабининг элчиси, фамакогнозияга оид китоб муаллифи, олим Исо Ибн Сихор-бохт бўлиши мумкин (қаранг: Fihrist. — P. 298; Quellen. — P. 33).

НЕФРИТ

1. Нефрит — Беруний хозирги ХХР Уйғур автоном районининг Хутан вилоятидаги Қорақош нефрит конларининг жойлашган ўрнини аниқ кўрсатган. Қадимги турклар нефритни (қош) дейишган. Қорақошда хозиргача нефрит қазиб олиш давом этмоқда. Нефрит мураккаб таркибли силикат бўлиб, унинг асосий хусусияти таркибининг ўрим-ўрим толали экандир. Айнан шу айқаш ўримли толали таркиб бу силикатнинг таркиби ўта зичлигини ҳамда қаттиқлигини таъминлайди.

Нефритнинг қаттиқлиги қадимдан одамларнинг диққатини тортган. Ундан болта, болға, кувалда каби асбоблар ва зеб-зийнат буюмлари ясалган. Нефритнинг яшил, кулранг-яшил, қаймоқ ранг яшил, кулрангга мойил, қорамтир сарғиш хиллари бор.

Нефритнинг ўта зич таркиби ундан нозик буюмлар, юпқа идишлар, лаган, панжарасимон, жимжимали ўйма ва йўнма асбоблар, туморлар яшашга қулай ҳисобланади.

Нефрит конлари Кун-лун тоғи этакларидан Ғарбда Ёркент дарё ирмоқлари бўйлаб, шарқда эса Гансу вилоятигача улкан худуднинг бир қанча манзилларида сочилган ҳолда жойлашган.

Нефритни кондан қазиб олишдан кўра дарё ўзанидан сувда силлиқлашган бўлакларини йиғиш усули билан олишган. Нефрит сувда шу қадар силлиқланадики, уни оёқ ёки қўл билан сувда аниқлаш қийин эмас.

Нефритга нисбатан ишлатиладиган *яшм* атамаси юнонча ва лотинча «jaspis» сўзидан олинган. Юнон тилига финикий (канъоний тили) орқали кирган бўлиши мумкин. Қиёс қилинг: Қадимги иброний тилида *яшфе*, ашшур тилида *яшпу* (H. Fischer. Nephrit und jadlit... Stuttgart, 1880; I. P. Abel-Remusat. Histoire de Raville de Khotan, Paris, 1820; Яна қаранг; К. Богданович. Месторождения нефрита в Куэнь-луне. Записки минералогического общества, 29. — СПб., 1892 (Г. Леммлейн).

2. Аҳма — Беруний *Ажма* шаклида ёзган. Лекин Аҳма ўқилиши тўғри. Бу шакли ҳозиргача етиб келган (Қаранг: С. Гедин. «В сердце Азии. Т. I. СПб., 1899. — С. 482).

3. Хўтан — ХХР Шинжон Уйғур автоном райони жануб-шарқда жойлашган ўтrock дехқончилик воҳаси.

4. Кош — Берунийда Қош. Бу атама Рашид ад-Диннинг фикрича, Қоший шаклида Тангутлар юрти маъносида ишлатилган.

5. Сў — араб тарихий географик манбаларида Етгисув ўлкасидаги Чу дарёсини шундай аташган. Аслида, Су-Сув умуман сув маъносидаги сўз ва Марказий Осиёнинг хар қандай дарёсига нисбатан қўлланган бўлиши мумкин.

6. «Айтишларича (йашм) — у чақмоқ ва яшиндан химоя қилармиш... Ўрта асрларда шундай хусусият кўпгина тошларда бор деб ҳисоблашган. Масалан, арман қўлёмаларида: Хризолит ёки гиацинт (ёқут-яхонт: Драгоценные камни. — С. 17). Қадимги рус «Азбуковник»ида, қарангки, бу тошнинг хислатини ушбу тошни ёниб турган оловга ташласангиз унга қўшилиб ёнмасдан аксинча оловни ўчириб қўяди. Лекин бу тошни бирор матога ўраб ушласангиз қўлингни куйдиради, бироқ мато куймайди».

7. Ибн Моса — Яҳё Ибн Моса — X асрда яшаган суриялик табиб. Бир қатор асарлар муаллифи бўлиб, асарлари араб тилига Собит Ибн Қурра томонидан таржима қилинган (Қаранг: DerIslam. Т. 24. — S. 76).

8. Яшб, яшаб — бу тош ҳақида Беруний ўзининг «Сайдана» китобида кўшимча маълумотлар берган. Сўзнинг синоними Яшм. «Ан-Нухом» китобида яшм ҳақида «ранги кўк-мовий, кукунсимон», чанқоқни қондиради, сариқ ранглисини қорин устига қўйилса хазми яхшилади, дейилади. Ибн Мосанинг фикрича бу тош сариқ рангга мойил. Яшм Хоттанинг иккита дарёсининг водийсида қазиб олинади. Юранг Қошда улардан оқ ранглиси энг ноёб хили қазиб олинади. Яна бир хили эса Қора-қошда қазиб олинади. Қора қош яшми гунгурт, хирароқ ёки қоп-қора гугуртга ўхшайди. Хўтаннинг маркази Ахмада дарёнинг бошланишига яшм конлари жойлашган. Майда яшмлар маҳаллий аҳолиники, йириклари подшолик мулки ҳисобланган. Термизликлар тилида яшмни лишат (?) дейишган, бухороликларда эса машаб ёки яшаб

дейишган. Бу тошнинг оқ ранглиси чиний (яъни хитой тоши) дейилади (Picture. — P. 142).

ГИЛВАТА (ЯЛТИРОҚ ТОШКЎМИР)

1. Гилвата — қаттиқ (ўта зич) сақичдек қора, кўмирнинг бир тоифаси. Уни кесиш жуда осон, силлиқлашга қулай, устидан лаклаб ялтиратиш мумкин. Гагат конлари кўп тарқалган. Беруний айтган Табаристон конидан бошқа Шарқ манбаларида Ҳиндистон, Сирия, Андалусияда конлар борлиги аниқланган. Шу билан бирга Грузияда ҳам гагат кони мавжуд.

2. Тош кўмир — Фарғонада ўчоқ ва печларда ёқиладиган қора тош. Ундан қишда уй иситишда фойдаланилганлиги хақида Марко Поло китобида ёзилган. Хитойнинг ҳамма жойларида қора тош бор. Уни асосан тоғ ён бағирларидан қазиб олишади. Унинг ёниши ўтинга қараганда кўпроқ иссиқлик беради. Шунингдек кўмир ками узоқ ёнади (Книга Марко Поло. — С. 123).

3. Мой чироқ тош — Беруний бу тошни «чироқ санг» деб атайдди. М. Е. Массонинг фикрича бу сўз арабча хожар ал-фтийла сўзининг синоними бўлиб азбест деган манода келади (Из истории... — С. 34) Бироқ Беруний чироқ санг бу «тағмуми» деб ёзади. Бу озокерит тошидир.

4. Буттам — Зарафшон дарёсининг юқори оқимида жойлашган тоғ тизмасининг ўрта асрлардаги номи. Зарафшон-Хисор тизмаларининг ажралиш қисмида Буттамдаги фойдали қазилмалар хақида (Из истории... — С. 48 и сл.).

5. Тобарон (Тус тобарони) — Тус шахрининг бир қисми шундай аталади. Унинг иккинчи ярми Нукан деб аталади. Тус шахри ҳозирги Хуросоннинг маъмурий маркази ҳисобланади.

6. «Унинг вазни ... 28 га тенг» — сув ҳисобига ўтказилса 1. 11 га тенг бўлади. Ҳозирги ҳисобда гагатнинг солиштира оғирлиги — 1. 10—1. 40 га тенг.

7. «...смола (елим, кира)нинг вазни... — 2. 6 ва — 1. 4» сув солиштира оғирлиги бўйича ҳисобда — 1. 04. Ҳозирги ҳисобда смола-кира қатроннинг солиштира оғирлиги — 1. 00—1. 10.

БЕЗОАР

1. Бозизаҳр — одатда бозийзаҳр, бозизаҳр деб таржима қилинади (қадимги рус манбаларида безавр, безуй, безур). Араб манбаларида бозизаҳрнинг икки тури фарқланади ва ҳар иккиси ҳам заҳар зарарини кесади. Бири жавҳарий-маъданий, иккинчиси ҳайвоний ҳисобланади. Беруний фақат маъданий (минерал) бозизаҳр хақида ёзади. Унинг тавфсифидан маълумки, бодизаҳрни серпантин, офит ва кўринишида бодизаҳрга ўхшаш жиҳати билан адаштириш мумкин. Беруний келтирган қуйидаги тавфсиф асосида шу хулосага келиш мумкин. Беруний ёзади: 1. Табиий тош; 2. Юмшоқ ва осон кесилувчан (бодизаҳрнинг қаттиқлик даражаси 2,5дан 5 гача, жадлитнинг қаттиқлиги — 6,5 — 7); 3. Ранги сариқ, яшил, оқ, оқ ёки яшил фонда. 4. Унинг конлари

«Ҳиндистоннинг энг чеккалари ва Хитойнинг жанубий чегараларида». Бу географик ҳудуд Бирмага тўғри келади. 5. Бозийзаҳр билан асбест ёнма-ён учрайди. Бу бозийзаҳр конларининг белгисидир. Серпентиннинг бир неча турлари маълум. Улар ранглари ва таркибига кўра, фарқланади. Бирмада қазиб олинган жадеитнинг оқ нефритдан фарқини ажратиш олиш қийин. Бироқ жадеитнинг барча турлари ва серпентин нефритдан анча юмшоқ. Шу сабабли уларга берилган ишлов (пардоз) тезда билинмас ҳолга келади. Жадитга ишлов бериш осон. Ундан мунчоқларга, идишларга шакл беришда кенг фойдаланилади. Пичоқ дасталарини безашда, ғўлин (цилиндр кўринишидаги) муҳрларга пардоз беришда ишлатилади.

2. Бозизаҳр — ўрта аср манабаларида бозизаҳрнинг таърифлари хилма-хил. Бу сўзнинг форсча маъноси «заҳарни қайтарувчи». Бу ҳақда қаранг: *Traite*. — Р. 23; *Pelatonis*. — Р. 680. Р. *Pelliot*нинг мақоласи; *Из истории...* — С. 35.

3. Шустага — Беруний бу сўзни кўплик шаклида шустагот деб кўрсатган. Гап асбест ҳақда бораётган бўлса керак. Бироқ Мақдисий (*BGA*, III. — Р. 303) худди шу ҳақда хабар бериб уни Бадахшонда қазиб олинган хожар ал-фатила (озокерит) деб кўрсатади (*Из истории...* — С. 34).

4. Озаршуст — «олов билан ювилган» маъносидаги ибора.

5. Устоз Ҳурмуз — Абу Жаъфар устоз Ҳурмуз. Бувайҳийлар даврида 998-йили Кирмонда ноиб бўлган.

6. Заранд ёки Заранж — ўрта асрларда Сеистоннинг энг катта шаҳари. Афғонистоннинг жануби-ғарбида жойлашган. Зарра кўлининг ғарбида. Ҳозир бу шаҳарнинг вайроналаригина сақланиб қолган.

7. Кубунот — қўл ёзмаларда бу сўз бузиб ёзилган. Унинг тўғри ёзилишини (Кубунат) Кренков аниқлаган. Кирмоннинг шимолидаги тоғли ўлканинг номи. Ҳозирги харита-лардаги Кўҳи Бенон (Қаранг: *Le Strange*. — Р. 309 ва 339-бетдаги харита).

8. «... шустага оқ ва тиниқ (тоза) экан, асбест ва уни олов ёрдамида тозалаш қадимдан маълум бўлган. Плиний бу ҳақда ёзиб қолдирган. Марко Поло ҳам Хитойда азбест қазиб олиш ва унга ишлов бериш ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. У ерда шундай конлар (кон томирлари) борки улардан калтакесакка ўхшаш тош қазиб олишади. Калтакесак (саламандра) дегани билингки жонивор эмас. Хеч қандай жонивор ўз табиатига кўра, оловда тирик қолмайди. Чунки ҳар қандай жонзот тўрт унсурдан иборатдир. Қачонки тоғда калтакесак томирига қазиб етишганда ундан синдириб бўлак парчаларини олишади. Уни ишқалашади. Шунда у жун ипга ўхшаб толаланади. Кейин қуритишади. Қуритилгач, катта мисс ўғирга (ҳавончага) солиб туйишади. Ҳосил бўлган кукунни ювиб тозалашади. Ип тозалангач чиқиндилар ташлаб юборилади. Иплар гўё жун каби бўлиб, ундан мато тўкилади. Мен сизга айтсам, тўқилган мато умуман оқ эмас. Бироқ, матони оловга солишганда у оз вақт ўтмай қордек оппоқ бўлиб чиқади. Матода бирор доғ кўринса, яна оловга ташлашади. У яна оппоққа айланади. Мен сизга саламандра (калтакесак) ҳақида айтганларим чиппа-чин. Бошқа бировлар нима деса — бари ёлғон» (Марко Поло китоби: *Книга Марко Поло*. — С. 82) (Г. Леммлейн).

9. Аҳмад ибн Абдусамад — Ғазнада, Масъуд даврида вазирлик қилган шахс.

«ЭЧКИ ТОШИ»

1. «Эчки тош» — арман тилида бу тош макул ҳаёт дейилган (арабча «илон ейдиган тош» маносидаги иборанинг бузиб айтилиши. Драгоценные камни — С. 60. Бу ўринда ушбу сўз нотўғри таржима қилинган: «ҳаёт таоми»).

2. Розйнаж — шивит суви (*Poeniculumvulgare*).

МЎМИЁ

1. «Китоб ал-ойин» — форсча «Ойиннома» номли китоб кўзда тутилган бўлса керак. «Ойиннома» Сосонийлар даврида ёзилган китоб. Унинг арабчага таржимаси VIII асрда бажарилган. Қаранг: К. А. Иностранцев. Сосанидские этюды. СПб., 1908. — С. 42.

2. «... Мўмиёнинг икки нави: иссиғи ва совуғи» — ўрта аср табобатининг назариясига кўра, ҳар қандай доривор модда иссиқ ёки совуқ мижозли бўлади. Шу хусусиятига кўра, дориворлар беморга тавсия қилинган.

3. Моҳ, моҳайн, моҳот (бирлик, кўплик ва жуфтлик сондаги грамматик шакллар) — Эроннинг Дийновар, Ниҳованд шаҳарларининг махсус номлари. Моҳ Куфа биринчисининг араб манбаларидаги номи. Моҳ Басра — иккинчисиники. Моҳ номи араб манбаларида қадимги Мидия (Мада)нинг сўнгги кўриниши. Дийновар, Ниҳованд шаҳарларининг Моҳ Куфа, Моҳ Басра деб аталишига сабаб уларнинг биринчисидан-Куфага, иккинчисидан-Басрага тушган.

4. Дийновар — Ғарбий Эронда жойлашган машҳур шаҳар. Кермоншоҳнинг шимоли-шарқда жойлашган. Ҳозир вайрона холида.

5. Ахвоз — Эроннинг жануби-ғарбидаги йирик шаҳар. Хузистоннинг асосий шаҳри бўлган.

6. Мўмиё тўғрисида Берунийдан ташқари турли тарихий географик асарларда маълумотлар етиб келган. Хусусан, бу ҳақда Фармакогнозияга оид асар Кіміуа китобининг 277 — саҳифасида берилган.

«ИЛОН ТОШ»

1. Хараз ал-ҳайат — «илон тош». Илонларнинг қимматбаҳо тоши бўлиши ҳақида Фино бундай ёзади: «Илоннинг бошида асалари ёки товуснинг бўйнига ўхшаш рангли тош бўлади. Бу тош мой чироқ шуъласи каби товланади. У — бебаҳо. Илон тошга эга подшоҳга заҳар таъсир қилмайди ва касалликлар юқмайди» (*Lapidaries*. — P. 73).

2. Марям тоши — қазилма тошнинг шу номдаги тури ҳақида ал-Хамадонийнинг «Минералогия»сига илова қилинган. «Китоб ал-иқлим» (X аср) номли географик асари орқали маълум. Шу китобда: «Яманнинг Саъван деган манзилида олтин ва турли қимматбаҳо тошлар қазиб олинган конлар бор. У ерда марям тоши — Хожар ал-марямий ҳам бор». Бироқ Беруний берган маълумот ўрта аср ал-кимёчилар орасида обрўси баланд мисрлик Марям номи билан боғлиқ ал-кимё маҳсулоти билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. (Қаранг: «Сирлар сири» — Сиррил-асрор. — С. 115. 10-изоҳ ва кўрсаткич сўзли қисми).

3. Буст — Кандаҳордан ғарбга жойлашган шаҳар (ҳозирги Афғонистон). Арондоб ва Ҳилманд дарёларининг туташган ери ёнида. Ҳозирги хариталарда Калаи Буст. Буст шаҳри ҳақида гап кетганда, Беруний «Мостаб» сўзини ишлатган. Бу сўз Буст шаҳрида машҳур бўлган бозорнинг номи бўлиши мумкин.

«КАРКИДОН ШОХИ»

1. Ўрта аср манбаларида хуту, хутув, хутв шакллари билан бир қаторда хартут шакли ҳам учрайди. Лауфернинг фикрига қора хуту сўзи хитойча ку-ту — «моржнинг бўри тиши» ёки «каркидон шохи» маъносидаги сўздан келиб чиққан (Sino. Iranica. — P. 565).

2. Қатой хонининг элчилари — бу элчилик миссияси ҳақида. 1027-йилги элчилик муносабати билан. V. Minorsky. On Some of Biruni's Informans. «Al — Beruni Commemoration Volume». (Calcutta, 1952).

3. Балиқ тиши — моржнинг бўри тиши. Москва Русининг Волга бўйи ва Ўрта Осиё билан савдо алоқаларида қимматбаҳо товарлардан бири морж тиши бўлган.

4. Шимолий денгиз — ўрта асрларда «Ер куррасининг атрофини сув ўраб туради ва бу «Муҳит» дейилади» каби географик тасаввур етакчи бўлган. «Шимолий денгиз» атамасини Оқ денгиз маъносида ишлатган деб ҳисобланса, бу ислом дунёси олимлари орасида Беруний биринчи бўлиб ушбу географик атамани ўрнида тўғри ишлатган, дейишга асос бор. Зеро, морж тиши «Шимолий денгиз»дан Русь орқали кириб келган.

5. Булғорлар — Волга дарёсининг ўрта оқимида яшаган туркий халқ — булғорлар ҳақида гап бормоқда. VIII асрда булғорлар Европага кўчиб, ҳозирги славянлашган булғор халқининг асосини ташкил қилганлар.

6. Жавҳар ас-Синн — бу ўринда жавҳар сўзи «тарам-тарам, жимжимадор» деган маънода келган. Шундай ишлов Дамашқ пўлатига берилган («Минералогия»нинг арабча қўлёзмаси. — Б. 236). Жавҳар ас-Синн «тишнинг (морж тишининг)» жимжимадор кўри-нишини англатган.

7. Халаф ибн Аҳмад — 1001 йилда Маҳмуд Ғазнавий Сеистонни босиб олган пайтда бу ўлканинг ҳукмдори Халаф ибн Аҳмад эди.

8. Абул-Аббос Хоразмшоҳ (Маъмунийлардан бири) — 1010—1017 йилларда Хоразм ҳукмдори бўлган.

КАҲРАБО

1. Антик давр муаллифлари каҳрабони дарахтлардан ажраладиган елим (смола) нинг қотиб қолган шакли деб ҳисоблашган. Араб манбаларига ҳам кириб келган бу фикр XVII асргача етакчи ўрин тутган. Болтиқ денгизи бўйларида каҳрабо конларини ўрганиш ва ўзлаштириш давомида каҳрабонинг ўсимликдан экани ҳақидаги фикрдан воз кечилган. Каҳрабо таркибига сингиб қотиб қолган ҳашаротлар учраши турли афсоналарга сабаб бўлган. XVII аср ўрталарида М. В. Ломоносов ўзининг «Первые основания металлургии» асарида («Полное собрание сочинений». Т. V. М. — Л., 1954. — С. 609—611) каҳрабонинг ўсимлик (дарахт) асоси борлиги ва қазилма бойлик экани ҳақида-

ги фикрларни бир-бири билан боғлаб, масалани илк бора илмий асосда тушунтириб берди. Чиндан ҳам каҳрабо дарахтларнинг елим ширасидан пайдо бўлган. Лекин унинг ҳозирги қазилма шаклга келишида бир неча омиллар таъсири бор. Аввало учламчи геологик даврнинг арчасимон қарағайзорлари (*Pinites succinifer*, *Pinites strboides*), ўрмонлари тугаб, ҳалок бўлаётиб, денгиз ётқизиқлари билан кўмилиб кетиши ёғоч моддаларни кўмирсимон чириндига, уларнинг таркибидаги шира — елим моддаларни эса қотишма ҳолига келувчи каҳраболарга айлантирган. Денгиз суви таъсирида минерал тузлар билан янада тўйинган елим модда қотиб сарғиш, жигарранг порлоқ минерал шаклига кира борган. Бу жараён қуйидагича кечган: Кўнғир тусли кўмирга айланган дарахт ётқизиқлари парчаланувчан бўлиб, сувда ювилиб ейила борган. Тупроқ ранги кўнғирланиш — олигоцен жараён шунинг оқибатидир. Шира — елим модда эса борган сари тозаланиб, денгиз қирғоқлари яқинидаги сув ости, қирғоқ бўйлари, ер қатламларида (қазиб олинадиган) тўпланиб борган. Болтиқ денгизининг шарқий қирғоқлари, Польша кабиларда каҳрабо конлари мавжуд. Каҳрабо Украинада, Руминияда ҳам бор. Умуман каҳрабо конлари ҳақида батафсил маълумотни П. Г. Михайловскийнинг «Янтарь в России» асаридан олиш мумкин (Известия министерство земледелия и государственных имуществ. I. 1903 (Г. Леммлейн).

2. Рум каҳрабоси — Олд Осиё, Яқин Шарққа Болтиқ денгизи каҳрабоси Византия оркали кириб келган. VIII асрдан бошлаб сув йўлларининг Волга-Каспий йўналиши орқали ҳам каҳрабо Яқин Шарққа етиб борган (Г. Леммлейн).

3. Хитой каҳрабоси — бу ном остида қадим замонлардан бошлаб хозиргача Бирмада қазиб олинадиган каҳрабо-бирмит кўзда тутилган. Таркибига кўра, бирмит Болтиқ каҳрабоси суксинитдан деярли фарқ қилмайди. Фақат ранги тўқроқ, тарам-тарам чизикли, кўпинча ялтироқ эмас шаклларга эга (Г. Леммлейн).

4. «... у ёмон кўздан аспайди». Болаларни кўздан, назар-нафасдан ҳимоя қилиш учун тумор қилиб каҳрабо ишлатилгани ҳақида (Плиний, 37. II).

5. «... унинг номи фойдалилигига гувоҳ...» — форс тилида каҳрабо сўзи «сомон, қипиқларни ўғирловчи» маъносига эга. Бу каҳрабонинг ишқаланиш туфайли электрланиш хусусияти, турли майда нарсаларни ўзига тортиш қобилияти туфайли қўйилган ном. Плиний гувоҳлик беришича Сурияда каҳрабо «харпах» — «ўғри, қароқчи» деб аталган. Скандинавия халқлари ҳам уни «гав», «гаг» — «ўғри тош» деб аташган. Эски славян (қадимги рус) манбаларида ҳам каҳрабо «алатир», «латир», яъни «ўғри», «қароқчи» маъноли сўз билан аталган. Литва тилида ҳам уни «латрус» — «қароқчи» дейишади. Славянча алатир шакли қадимги туркий «олмоқ» феъл ўзагидан бўлиши мумкин: алатир «олдирмоқ» яъни «ўғирлатмоқ» (?). Каҳрабо, унинг номи ҳақида шарқ манбаларидаги маълумотлар Г. Jacob. Neue studien den Bernstein im Orient betreffend. ZDMG. 43, 1889. (Г. Леммлейн).

6. «... у ўзига тортади...» — силикат ва окисл туркумларига тегишли минераллар ишқаланишдан электрланадилар. Гранат ҳам бундан мустасно эмас. Милоддан аввалги VI асрда яшаган Фалес ҳам минералларнинг баъзилари электрланиш ва майда нарсаларни ўзига тортиш хусусиятини билган. Бу маълумотни анча вақтгача олимлар билишмаган. Гранатнинг электрланиш ва майда нарсаларни ўзига тортиш хусусиятини биринчи марта Сохта Арасту ёзиб қолдирган (Steinbuch. — S. 144) (Г. Леммлейн).

7. Алақтрун — юнонча флектрон, русча алатир, кахрабо маъносида русчага юнон тилидаги ушбу сўзган ўтган, деган фикр бор. Лекин қадимдан кахрабо Юнонистонга Днепр бўйларидан, Болтиқбўйидан келтирилганини ҳисобга олинса, флектрон — алақтрун ҳам шу юртлар тилидан юнон тилига кирган бўлиши мумкин. Шу йўл билан ўзлашган сўзлар эса анчагина. Бироқ, кахрабонинг лотинча номи glessum қадимги славян «глаз», «глазок», «ярқироқ тош» каби сўзлар билан боғлиқ. Плиний томонлардан қайд етилган скифча sacrum литва тилидаги gintaras («смола») сўзи билан боғлиқ (Надеждин Н. Н. О русских народных мифах и сагах. Вестник Русского географического общества, 1853. Приложение. — С. 2). Плиний Болтиқ денгизида Латрис (ёки Латрит) деган орол бор, дейди. Кахрабони латир дейилиши шу билан боғлиқдир. Қуйида «Кабутар китоби ҳақида қўшиқ»дан беларус нашри асосида парча келтирамиз:

*Бу денгиз барча денгизларга гўё отадек,
Ундаги тошга-чи, ҳамма тошлар отаси ким?
О! Латир денгиз ҳамма денгизлар отасидир,
Латир тоши барча тошларнинг отасидир.
Нечун Латир денгиз ҳамма денгизлар отаси?
Латир тоши нега барча тошлар отаси.*

*....
У тош денгиз ўртасида, тубида ётар
Кемаларда сайёҳлар тўхтаб, ундан доривор олар,
Сўнгра уни дунё бўйлаб тарқатарлар.
Шунинг учун Латир денгиз ота денгиздир.
Шунинг учун Латир тоши тошлар отаси.*

Қўшиқда эсланаётган денгиз албатта, Болтиқ денгизи. Латир тоши ёнида кемаларда сайёҳлар тўхтайдиган ер — Эзел ороли бўлиши мумкин. Ёруғ дунё бўйлаб олиб кетиладиган доривор бу кахрабо. Азалдан маълумки, кахрабони зеб-зийнат мақсадидан ташқари дорилик учун ҳам ишлатиб келинган (Г. Леммлейн).

8. Адамантус — бу сўз қўлёзмаларда икки хил ўқилади: азамийтус ёки адамийтус. Иккинчи атама олмос маъносида. Олмос ҳақидаги бобда Беруний юнонча номини ҳам келтиради: азомас ва адамантун. Бу атамаларни Беруний кахрабо билан алоқадор таърифлайди.

9. Дқно — қўлёзмаларда икки хил: дқна; дфна.

10. Ҳайонуфро — қўлёзмаларда икки хил ёзилган: хабонуфр; хаволуфро.

11. Мағриб денгизи — Ўрта ер денгизи. Табаристон денгизи, яъни Каспий денгизи. Каспий денгизида кахрабоси борлигини Беруний инкор етади. Лекин В. Е. Яковлей «Россия ҳашоратшунослар жамиятининг асарлари» номли нашрда (Труды Русского энтомологического общества 19, 1885) чоп эттирган мақоласида Каспий денгизи кахрабоси мавжуд деб исботлайди. Унинг ёзишича «Ferula» турига кирувчи шамсиялик (зонтиклик) ўсимлик танасини дарахт қандаласи (клоплар) тешганидан чиқадиган ширанинг (елимнинг) қотишидан ва сувда сайқаллашувидан Каспий кахрабоси пай-

до бўлади. Унинг ранги хира сарғиш, хушбўйлиги бор. Каспий денгизи қирғоқларидан туркманлар териб яраларни даволашда фойдаланишади (Г. Леммлейн).

12. Сандарус — сандарак ҳам дейилади. Юнонча *σανδράκη*. Сарик рангли хушбўй елим. Лотинчаси *sandaraca*. Тун турига кирувчи арар дарахти (*Callitris gudrivalvis* ёки *Thuja articulata*) — Африканинг шимолида ўсадиган дарахт. Таъмсиз кахрабога қараганда сандаракнинг мазаси (таъми) аччиқроқ, бундан ташқари сандарак кахрабодан юмшоқроқ ва енгил. Арабча жавоҳиршунослик манбаларида сандарус (сандарак) ва кахрабонинг ўзаро фарқли хусусиятлари доимо таъкидлаб кўрсатилади. Антик (юнон, рим) манбаларида сандарак сўзи баъзан қизил — сарғиш рангли маргимушсимон *real'gir* номли менерал маъносида ҳам ишлатилади. Бу атама юнонча *ῥόδου*, яъни қизил бўёқ сўзи билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Аслида, сандарак ассирия тилига бориб тақалади: шинду «қизил». Грузин тилида ҳам шинди «қизил».

Беруний сандарус сўзи копала типигаги дарахт элимини англаган кўринади. Копала Мадакаскаролида *Humenasa Verrucosa* дарахтини кесиш йўли билан ҳосил қилинади. Бу дарахт смоласи Копалит дейилади. Копалит Занзибарда, Африканинг шарқий чекасидаги Ҳинд океани қирғоқларида ҳам қазиб олинади. Қаттиқлик даражаси, рангига кўра, копал кахрабонинг ўрнини босувчи сифатида ҳам ишлатилади. Копал кахрабога нисбатан эрувчанроқ.

13. «Кахрабонинг солиштирма оғирлиги — 21 ва $\frac{1}{4}$ ва $\frac{1}{6}$ » — сувга қиёсан ҳисобланганда 0,85. Кахрабо ва кахрабосимон қазилма смолаларнинг ҳозирги замон ўлчов бирликларидаги солиштирма оғирлиги 1. 05, 1. 09 га тенг. Копалнинг солиштирма оғирлиги 1 га тенг. Беруний келтирган солиштирма оғирлик ҳақидаги рақам хато берилгани аниқ. Бу хатолик «Минералогия»нинг ҳамма қўлёзмаларида такрорланади. Ал-Ҳазиний ҳам бу хато рақамни келтиради. «Ойини Акбарий» китобида ҳам шу хато рақам келтирилган. Берунийнинг бу хато ҳисоби нимадан келиб чиққани маълум эмас.

14. Занжлар денгизи — (Ўзбекча зангилар денгизи — М.И.) Африкадаги Занзибар ва Мозамбик бўғозининг қирғоқ бўйи аҳолиси зангилар дейилади.

15. Сақолиблар денгизи — славянлар денгизи. Беруний шубҳасиз Болтиқ денгизини кўзга тутиб бу атамани қўллаган. Аммо Берунийдан бошқа ҳеч бир муаллиф Болтиқ денгизини бу ном билан атамайди. VII — X асрларда Болтиқ денгизидан олинган қахрабо Волга бўйи булғорлари орқали Хоразмга етказилган ва у ердан араб дунёсига ва бошқа мамлакатларга тарқалган. Бу ҳақида Масъудий ва Мақдисийлар ҳам ёзиб қолдирган. Берунийнинг «Сайдана»сида кахрабонинг славянлар юртидан чиқиши ҳақида: «Булғор тоғларида дарахтларга кўнадиган шудринг. Дарахтлардан томиб денгиз сувига тушади. Сув уни қирғоққа чиқаради. Одамлар кахрабони денгиз қирғоқларидан теришади», — деб ёзилган (Picture. — P. 139).

16. «... қайнатиш йўли билан қизил рангга киради...» — бу усул кахрабонинг сунъий йўл билан қизартириш ҳақида. Плинийнинг бу усулдан хабари бўлган.

17. «... таъми (мазаси) йўқ...» — кахрабонинг таъмсизлиги одатда сандаракнинг аччиқлигига қиёс қиланади.

18. «... қуруқ...» — Абу Мансурнинг «Фармакология»сига кўра, кахрабонинг мижозга нисбатан олганда қуруқ ва совуқлик ҳисобланган. Шу туфайли қахрабо табобатда қонни тўхтатиш ва иссиқни тушириш учун ишлатилган.

19. «... уни майдалаб янчиш таъмини ўзгартирмайди (ёки унга таъм — маза кири-тишмайди)» — Берунийнинг бу сўзлари билан Арражжонийнинг сандарус ҳақида айтган гаплари учун ўринсиз танқид қилган. Арражжоний сандаруснинг мазаси янчиб туйганда аччиқ бўлиши ҳақида ёзган.

20. Булус — Булус ким (Паулос) — бу масала аниқ эмас. Беруний бу номни «Сайдана»да ҳам эслашади. Тахмин қилинишича, бу исм эллинларнинг Пифагор мактаби элчиси Паулос Демокрит бўлиши мумкин. (Die Quellen. — P. 43).

21. Ҳауз — Стиракс (*Stirax officinalis*) сандарак елими (смоласи) олинадиган дарахт.

22. Ҳауз — бу сўз бу ўринда жаус сўзи ўрнига хато ёзилган. Араб имлосида ҳ-ж, ж-ж ҳарфлари биргина нуқтаси билан фарқ қилинади. Котиблар кўпинча беихтиёр хато қилишлари мумкин бўлган.

23. Софалат аз-Занж — Беруний бу географик тушунчани Африка қитъасининг шарқий қирғоғи бўйлаб экватордан жанубга нисбатан қўллаган. Масалан, «Сайдана»да ёзади: «Тахминимча бу (мамлакат) экваторнинг нариги томонида жойлашган». Ҳозир Софала Африканинг Занзибар қирғоғидаги порт шаҳар.

24. «... Улар ўртасидаги фарқ шуки,...» — Копал 200°C да эрийди. Каҳрабо 200°C да сал юмшайди, 360°C да эса эрийди.

25. Араб елими — гумми арабий, елим. Дарахт (*Acacia arabica*) пўстлоғидан ажратилиб олинади. Бу дарахт Арабистонда, Мисрда ва Суданда кўп ўсади.

26. Умм ғайлон — тиканларнинг онаси. Шохлари ва новдалари қалин тиканлар, чўгирлар билан қопланган дарахт.

27. Касийро — трагант, адрагани. *Astragalus gumifer* ўсмирлиги танасига ҳашоратлар найзаси санчилган ерларидан оқадиган шира, елим. Арманистонда, Туркия, Сурия, Эрон мамлакатлари ўсади (Traite, III. P. 146).

28. Маримадхун — Беруний матнида шундай ёзилган: *نرخرم*. «Сайдана»да Беруний каҳрабонинг учта ҳиндча номини келтиради: рал, маримадхун, миму (Picture. — P. 125).

МАГНИТ ТОШИ (ОҲАНРАБО)

1. Мағнотис — магнит, магнит тоши — магнетит менерали (Г. Леммлейн).

2. Айрақийлино — бу минерал Аброқлита. Юнонча магнит номининг *Ἡρακλεῖ λίθος* «Геракл тоши» шаклидан арабча талаффуз шакли. Маъноси — магнит. Плиний ҳам шу номни қайд этган (36, XVI). Магнитнинг бу номи Гераклея шаҳри номидан келиб чиққан.

3. Кадахак — магнитнинг санскритча аталиши. Магнитнинг аталишида кўплаб синонимлар қаторида *кандахор* «тортилувчи нарсани олувчи» маъноси алоҳида ўрин тутуди. Аксарият синонимларнинг маъносида «севимли, жолиб, орзудаги нарса» каби сўзлардир (Г. Леммлейн).

4. Харбож — санскрит луғатларида харбижа сўзи бор. Лекин бу магнит эмас, симоб маъносида.

5. «... Кўк (яшил) денгизда сузувчи кемаларни толалар билан тикишади...» — Абу Зайд Сирафий икки тоифа кемалар ҳақида ёзади: «Толалар билан тахталари тикиб бир-

лаштирилган кемалар фақат Сирафда бўлади. Сурия ва Рим кемалари эса тахталари михланган бўлади». Абу Зайднинг айтишича, Ўрта ер денгизи океан билан туташ экани ҳалокатга учраган Сираф кемаларнинг бир-бирига толалар ёрдамида тикиб бирлаштирилган тахталари океан сувларида учрашганларида билишган (Reinaud. Relation. P. 88).

6. Зобулистон — жанубий Афғонистондаги тоғни ўлка. Хилманд қўлининг шимолида, Қандахор ва Ғазна орасидаги ҳудуд.

7. Ширкон тоғ тизмаси — бу тизмани аниқлашнинг иложи бўлмади.

8. «... магнитнинг темирни тортиш қуввати камаяди...» — Беруний қайд этган бу фикр Ал-Жоҳизнинг «Китоб ал-хайовон» китобида ҳам учрайди: «Магнитга саримсоқ пиёз суртилса темирни тортиш кучи камаяди» (Китоб ал-хайовон. III. — 39).

9. «Ўзига тортиш хусусияти эса...» — магнитнинг тортишиш хусусияти ҳақида ўрта аср манбаларида маълумотлар тез-тез учраб туради. «Тошлар ҳақида китоб»да магнитнинг ўзидан ташқари нарсаларни ўзига тортиш хусусиятига эга қўплаб ашёлар ҳақида ёзилган. Масалан, «Олтин магниту», кумуш магниту, қалай, мис, эт (гўшт), соч, тирноқ магнитлари ва ҳоказо. Димишқий бунга қўшиб пахтани ўзига тортувчи магнит, жунни, сувни, зайтун мойини, сиркани ва бошқа нарсаларни тортувчи магнитлар ҳақида ёзди. Булардан ташқари Димишқий ўсимликлар магниту, ҳайвонот дунёси магнитларини санайди. Лекин Беруний бу фикрларга қўшилишдан ўзини тийди. Чунки Беруний рационал илм тарафдори эди.

10. Рабонитлар, рабтоний — бу сўзни икки хил тушуниш мумкин: раввин издошлари ёки форсча роҳбон-йўлдошчи. Бу сўз ўрта асрларда кемачиликда дарға маъносида қўлланган.

11. Ауз санг — қандай живҳар бу ном билан аталгани маълум эмас. Беруний бу ҳақида ёзади: «Усталар хумохон етишмаган пайтда ундан фойдаланадилар». Бу сўз шундан далолатки, Беруний сўзнинг биринчи қисмида аъуз — «етишмовчилик, ночорлик» маънолари бор деб ўйлаган. Сўзнинг иккинчи жузъи форсча «тош» демакдир.

12. Матнда арабча инсон сўзи нотўғри кўчирилган.

ҚИЗИЛ ТЕМИРТОШ (ТЕМИР ОКСИДИ) ВА АЛЕБАСТРИТ

1. Қизил темиртош — темир занги (Fe_2O_3), бўғиқ қора рангли тош. Маъдан каби йилтироқ, қизғиш товланувчан. Қизил темиртошнинг кукуни ва қаттиқ парчалари нисбатан юмшоқ бўлгани сабабли қадимда ундан муҳр ўйишда қадимдан фойдаланиб келинади. Майда кукуни тўқ қизил рангда бўлгани сабабли қизил темиртошнинг қон тош ҳам дейишган. Қизил темиртош сўзи ўзаги ҳам юнончада «қон» маъносига эга.

2. Исфидруд, Избизруз — ҳозирги Сафидруд. Эроннинг шимолидаги йирик дарё. Рашт шаҳри яқинида Каспий денгизига қуйилади.

3. Хумохон — қонли тош. Хумохон < хун охан — форсча қизил темиртошнинг номи. Машҳур инглиз тилшуноси Бейли бу тошнинг «қизил темиртош» деб аталишини инкор этади. Унинг фикрича бу сўз ўрта форс (пахлавий) тилида хвенасен, яъни «олмос» маъносига эга. Бироқ аксарият ўрта аср манбаларида хумохон — қизил темиртош маъносида қайд этилган (Beiträge. VIII. — С. 165; XXV. — С. 116; BGA. IV ва унга илова сўзлик (глоссарий); Essai. — С. 216; Драгоценные камни. — С. 38).

4. «Аъуз тоши... $103 \frac{3}{4}$ (103 бутун тўртдан уч) солиштирма оғирликка эга» — сувга нисбатан ҳисобланганда бу 4. 11га тенг. Қизил темиртошнинг ҳозирги солиштирма оғирлиги 4. 9дан 5. 3гача кенг оралиқдаги хилларга тенг. Бу икки кўрсаткичнинг каттаси (5. 3) қизил темиртошнинг кристалл хилига кичик бирлиги эса таркиби толали, сирти пўстлоқланган кўринишли қизил темиртошга хос. Беруний таърифлаган хил қизил темиртош (аъуз) унинг номини аташдаги хатоликдир (Г. Леммлейн).

5. Карак — бу ном остида қандай тош кўзда тутилганини Берунийнинг қисқа таърифидан аниқлаш қийин. Беруний ишорат қилган «Тошлар ҳақидаги китоб»да карак (алебастрит)ни қизил темиртош билан бир нарса деган фикр учун етарли маълумот бор. Сохта Аристотел бундай ёзган: «Карак, бу оқ рангли тош. Каракка махсус (токарлик) дастгоҳида ишлов берилади. Натижада фил суяги сингари нафис ва гўзал кўриниш касб этади. Карак Ҳиндистондан олиб келинади. Бу тош кўзга оқ тушганда ёрдам беради. Салв деган тош каракка ўхшаб кетади. Карак заҳарнинг таъсирини кесади. Каракдан ясалган муҳрли узук сиркага солинса, сирка кўпиради. (Умуман) карак фойдали тош (Steinbuch. S. 111). Таъриф ва тавсифлар кўрсатадики карак оқ рангли, мўрт, нисбатан юмшоқ карбонатдир. Унинг кесмаси фил суягини эслатади. Бу маълумотлар карак ҳақида алебастрит, яъни мрамар ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури деб ҳамда кальций ёки арагонитнинг, бошқача айтганда, кальцийнинг оқизик қотишмаси (CaCO_3) дейишга асос беради. Каракдан кўпинча биноларни пардоз таъмирида фойдаланиб келинган (Г. Леммлейн).

6. Вадъ — Каури чиғаноқ. Бу чиғаноқлар товар эквивалент қиймати сифатида бозорларда пул ўрнида ҳам ишлатилган. Марко Поло китобида каури чиғаноқларни денгиздан олиш, уларнинг қиймати ҳақида маълумотлар бор: «Шундай чиғаноқларнинг 80 донаси бир кумуш тангага, Венеция грошининг икки донасига тенг...», — деб хабар берилган (Книга Марко Поло. — С. 134).

ҚОРА ДОҒЛИ ҚИЗИЛ ТОШ

1. Шозанаж — хумохан билан бир нарса. Қизил темиртошнинг бири хили. Кренков бу тош ҳақида қайси манбадан олинганини айтмаган ҳолда «Бу қизил рангли қорамтир товланувчи тош. Уни Ҳиндистондан ва Арабистоннинг Сано тоғларидан келтиришган», — деб ёзган. (Беруний «Минералогия» асарининг русча нашри. — М.: 1963. — Б. 197). Бу ҳақда ўша нашрга Г. Леммлейннинг иловасида ҳам тўхтаб ўтилган.

2. «Тубуста» — Беруний келтирган бу китоб сўғд тилидаги Нуруста(к) «Тўққиз китоб» ёки «Янги китоб» номининг нотўғри кўчирилган шаклидир. Чунки бу сўз арабча ёзилганда биринчи ҳарфнинг устки нуқтаси битта бўлиши керак. Котиб шу ўринда икки нуқта қўйган. Натижада нубуста сўзи тубуста шаклини олган:... Тубуста шаклидаги «б» ҳарфи, аслида, сўғдча «п». Чунки китоб сўзи сўғдча рўст дейилади. Араб алифбосида эса п ҳарфи йўқ. Зарур бўлганда чет сўзлардаги п арабча ёзувда б билан алмашган. Парижда сақланаётган Р13 рақамли сўғдча матн парчасида ёмғир чақирувчи тош ҳақида маълумот бор (Textes Sogdienne. Paris, 1940). Ўша тошни қоринга қўйилса оғриқни босади, дейилган. Беруний шу маълумотга эга бўлган кўринади. (Қаранг: Согдийские

документы с горы Муг. Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. В серии «Согдийские докумунты с горы Муг. Учение, перевод и комментарии В. А. Лившица. В серии «Согдийские документы с горы Муг». Вып. II. — М.:1962. — С. 161. примеч. 11). Бу масалани ҳиндларда «тўққиз тош» («Навратна») номли китоб борлиги билан ҳам боғлиқ тушуниш мумкин. Чунки сўғдча Нурустак китоби асли ҳиндчадан (санскритдан) сўғдчага таржима қилинган.

«УСТАРА ТОШ»

1. Устара тош (Ҳажар ал-ҳалқ) — пемза. Плений (36, XXI) пемза (Ритех) ҳақида «уни аёллар ишлатадилар. Ҳозирда эса эркаклар ҳам ундан фойдаланишади», — деб ёзган. Ҳаммомда бадан (аврот) тукларини қиришда, оёқ таги ва товонини силлиқлашда фойдаланилган (Г. Леммлейн).

ЁМҒИР ЧАҚИРУВЧИ ТОШ

1. Ёмғир чақирувчи тош — ўрта аср шарқ манбаларида шундай тош ҳақидаги хабарлар тез-тез учраб туради. Бу каби тошнинг хусусиятига ишонч яқин ўтмишга қадар сақланиб келган. Туркий халқларда «Яда тош» дейилган бу нав тош ҳақида (С. Е. Махов. Шаманский камень «яда» у тюрков Западного Китая. Советская этнография. I, 1947 (шу мақолада тегишли мавзуга оид адабиёт рўйхати ҳам берилган).

2. «Ар-Розий айтадики...» — Беруний хабар берган «ёмғир тоши» ҳақидаги маълумотнинг манбаси Ар-Розийнинг Қоҳирада сақланаётган қўлёзмаси экани аниқланган. Бироқ Ар-Розий асари нашр этилмаган.

3. «Қарлуқлар айтадиларки...» — Берунийнинг бажанақлар (туркий қавмнинг бир тармоғи) яшайдиган макон узоқ эканлиги ҳақида ёзган гаплари шубҳасиз тўғридир. Чиндан ҳам Беруний «Минералогия» ёзаётган вақтида бажанақлар Ғарб томон кўчиб, Болқон ярим оролигача етган эдилар. Қарлуқлар шаклида аталган туркий қавмлар IX-X асрларда ҳозирги Еттисув, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси ва ўтроқ Ўрта Осиё ҳудудларининг катта қисмида яшар эдилар. Улар шаклланиб бораётган ўзбек халқининг асосини ташкил этмоқда эдилар. Бажанақлар ҳақида тўлароқ маълумот учун қаранг: А. П. Ковалевский. Книга Ахмада Фадлана о его путешествии на Волгу в 921—922 гг. Харьков, 1956. —С. 152. Қиёс қилинг: «Худуд ал-олам».

4. «... Табаристон тоғлари ҳақида ҳикояда...» — Беруний эслатиб ўтган бу хабарнинг манбаси Ибн ал-Фақиҳ асаридан бўлиб, унда бундай дейилган: «У ерда (Табаристондаги тоғда) кимдир ерга бирор чиркин (ифлос) нарса ташласа чанг кўтарилса, осмондан шундай ёмғир ёғадики, барча чанг-ғубор, чиркин нарсалар ювилиб, ер топ-тоза бўлиб қолади». Бу хусусият у ердаги одамларга маълум. Қишу ёз бир хилда, у ер тоза ва саришта» (BGA, V. —С. 310).

5. Ғўрак / Гўзак —Ҳиндиқуш тоғидаги довон. Ҳозирги Работ довонига тўғри келса керак, деб тахмин қилинади.

6. Бағлон — Кундуз шаҳридан жануброқда жойлашган Шимолий Афғонистон шаҳри.

7. Барвон ёки Парвон — Афғонистоннинг шимоли шарқида жойлашган шаҳар. Панж-ҳир дарёси ёқасида.

8. Малатийа — Рум (Византия) манбаларидаги Мелитина. Ефрот дарёси юқори оқи-ми ғарбий қирғоғида жойлашган шаҳарнинг номи. Тарихда мусулмонлар билан христи-ан динидаги Византия чегарасида асосий ҳарбий таянч манзил вазифасини ўтаган.

9. Ал-Жазийра — арабча «орол, ёки яриморол маъносидаги сўз. Географик тарихий маънода Месопотамиянинг шимолида Ефрот ва Дажла дарёлари орасидаги ҳудуд шун-дай аталган.

ДЎЛ ҚАЙТАРУВЧИ ТОШ

1. Дўл тоши — Беруний маълумоти Ибн ал-Фақиҳнинг хабари билан бир хил. Ибн ал-Фақиҳ ёзади: Исфаконда шундай қишлоқ борки, унинг номи Анбарчи. Аҳолисида бўйинга осиб юриладиган осмонранг тош бор. Тош таркибида оқ ва сариқ «томир-лар» бор. Ўша одамлар айтадиларки, бояги тошдан ясалган тумор дўлни қайтара-ди. Баҳор ойларида дўл экинларни урмасин деб, тошни ариқ бошига, одатда байрам маросими (Наврўз бўлса керак — М. И.) бўлиб ўтадиган қулоқ бошига қўйишади. Тошнинг ичидан шитирлаган товуш чиқиб турди. «Дўл шунда экилган майдонларга эмас, экини йўқ майдонларга тушади (BGA. V. — С. 167). Қиёс қилинг Тайфоший ёза-ди: «Менга ишончли форслар хабар бердиларки, улар Форсда тез-тез дўл ёғадиган жойда шундай бир қасрни қуришибди. У ерда минора бор эмиш. Минорага кўриниб турадиган қилиб, йашм(нефрит) тоши ўрнатилган экан. Дўл ёққан вақтида менинг хабарчиларим кўришибдики, дўл бурилиб, бошқа ёққа ёғишда давом этибди» (Fig. P. 20).

2. «Ҳиндистон аҳолиси бу масалада кўпроқ бидъатчилардир...» — хитойнинг «Тан-шу» йилномасида ҳиндларнинг иримлари ҳақида ёзилган: «Ҳиндлар қасамга ишонади-лар. Дуо билан булут чақирриш, ёмғир ёғдириш мумкин» деб ҳисоблайдилар (Бичурин. II. — С. 305; Арриан. Индия. 5. ВДИ, 1940, №2. — С. 239).

ШИША

1. «Унинг нурига монанд...» — Қуръон. 24-сура, 35 оят.

2. «Уни кўрган чоғида...» — Қуръон. 27-сура, 44-оят. Беруний бу ўринда Сулаймон пайғамбар ҳузурига келган Савва маликасини қабул қилган ҳақидаги воқеага ишорат қилган. Яъни Сулаймон маликани қабул қилган хонанинг саҳни шишадан экан. Мали-ка хонага кираётиб, саҳнадаги шишани сув деб ўйлаган ва беихтиёр кўйлаги барини кўтарган экан.

3. «У деди: «Бу (ахир) қасрку...»» — Мазкур суранинг давоми (Қуръони карим, 27 сура, 44 оят). Аммо Беруний бу сўзни Сулаймон тилидан баён қилади.

4. Афридун — Авестада асотирий Эрон подшоларининг энг биринчиларидан. У тур-ли кашфиётлар қилган деб нақл қилинади. Бундай зотлар фанда «маданий қаҳрамон-лар» дейилади.

5. Масҳақунийо — форсча «кафи обгина» сўзининг синоними. Маъноси «*шиша қўпиги*». Унинг яна бир номи *рийм* «чирк, кир», «шлак», яъни шиша эритмасининг қолдиқ чўкиндиси. Баъзан учрайдиган бошқача номи *забад* «шиша қаймоғи». Бу сўз асли юнонча сўз бўлиб, Беруний бундан хабардор бўлган (Қаранг: J. A. Wullers. Lexikon persiko-latinum. Т. II. Vonnae, 1884. P. 852).

6. «Сурёний шишанинг солиштирма оғирлиги...» — $62 \frac{2}{3}$ ва $\frac{1}{8}$ Сувга қиёс қилинганда 2. 12. га тенг.

7. Али ибн Исо — «Минералогия»нинг Истанбул нусхаси ҳошиясида «Бу ар-Раҳмоний, у ҳижрий 384 йилда (994—995 милодий йил) вафот этган. У «Тафсир» муаллифи. Олимларнинг асарларида бу хабар қўп учрайди».

8. Шиша майсаси — шишанинг физик ҳолатларидан бири (*Parietaria cretia L.*) (Х. К. Барановдан олинган изоҳ).

ЭМАЛ

1. Мийно — Димишқий фикрича: «Оддий мийнонинг ранги кўк, хира тусдаги, айрим ҳолларда шиша мисоли тиниқ бўлади. Олий навли мийнолар соф, шаффоф рангли бўлиб, кўк ёқут минералига ўхшайди ва ўта қаттиқдир». (*Cosmographie*. P. 33).

2. Марва — Беруний ёзишча мийнони эритиш учун қўшимча минерал аралаштириб турилган, бу дала шпати (гилмоя) бўлиши мумкин. Махсус сирлаш ва қоплаш учун қўлланиладиган бирикма таркибига киради. Қиёс қилинг: русча *мурава*, *муравчатый* (Г. Леммлейн).

3. Усрунж — сариқ қизғиш мойга айланадиган кукун. Қурилиш моллари қаторида сурик бўёқ деб юритилади. Таркиби кўрғошин ачитқиси (Pb_3O_4). Арабча *мурдасанж* аталмиш қизил тупроқ (глёт)дан 300° иссиқликда эритиб тайёрланади. «Минералогия»да Беруний икки марта бу минерал ҳақида тўхтаб ўтади ва уни нилий бўёқ билан солиштиради. Берунийнинг усрунж ҳақидаги маълумоти аниқ эмас. Унинг фикрича усрунж (сурик) кўрғошин билан олтингугуртни қиздириш (куйдириш) орқали олинади. Киноварни эса симоб билан қўшиб қиздириш орқали ҳосил қилинади. Бу икки тур бўёқнинг таркиби ҳар хил, олиниши бир хил холос.

4. Натрун — Димишқий натрун ҳақида ёзади: «Натрун икки хил бўлади: оқ ва қизил. Натрун конлари Мисрда бор (Таран номли манзилда).» Конларга тушиб қолган ҳар қандай нарса, хоҳ ўсимлик, хоҳ ашё, хоҳ ҳайвон бу минерал таъсиридан натрунга айланиб қолади (*Cosmographie*. P. 79). Беруний «Сайдана» китобида «Натрун бу қизил баурақ. Уни Кўҳистондаги *Каин* деган жойдан келтиришади, деб ёзади (Picture. P. 139. Қиёс қилинг: Беруний: Фармакогнозия в медицине. Избранные произведения. Т. IV. Т.: 1974. — С. 845).

5. Ҳасо — Беруний айтган бу тошнинг таърифини XIII асрга оид «Минералогия»га бағишланган асарда ўқиш мумкин: «Фаянс (чиннининг бир тури) ҳосил қилиш учун, аввало, арабча *ҳасо* деб, форсча *санги моҳа* аталадиган тош керак. Усталар уни шакар санг «шакар тош» деб аташади. Бу тиниқ оқ рангли тош, ярқироқ. Тоғ биллурдан хирароқ, оқ мрамардан тиниқроқ. Ўта қаттиқ. Чақмоқ тошни унга уриб учқун чиқа-

рилади ва олов ҳосил қилинади. Бу тош билан ишлов берилган ашёлар тиниқ ранг ҳосил қилади». Русканинг фикрича (Orientalische Steinbucher. S. 32) бу минерал дала гилмоясидир.

6. Буроқ — Димишқийнинг фикрига кўра, «Буроқ табиий маъдан ҳолида мавжуд ва уни сунъий усулда кулдан тайёрланади» (Cosmographie. P. 80).

7. Солиштирма оғирлиги 99 бутун $\frac{1}{3}$ — сувга нисбатан ҳисоблаганда 3. 93га тенг (Г. Леммлейн).

8. Мурдасанж — 10-изоҳга қаранг. Қўрғошин окиси (PbO).

9. Темир заъфарони — қизил рангли темир оксиди, қизил крокус (Fe₂O₃). Темир оксидининг кукуни шишасозликда шиша маҳсулотга қорамтир, кўнғир, сариқ ранг жилolari бериб безашда ишлатилган.

10. Магнийсийо — бу атама марганец оксидининг бир хилини, биринчи галда пиролюзит (MnO₃) демақдир. Магнийсийо эмалга ва шишага сафсарга ўхшаш жило беришга гина эмас, балки кўкиш тусли шишани оқартириш тучун ҳам ишлатилади. Шу сабабли магнийсийо «шиша совуни» деб ҳам аталади (Г. Леммлейн).

11. «... Исфисаж (оқ рангли бўёқ) бу эса куйдирилган қўрғошин (матнда расос...)». У асосан қўрғошин углеводининг тузи. Мурдасанж тушунчаси «куйдирилган қўрғошин» тушунчасини «глёт»га (PbO) нисбатан ишлатилиши тўғридир. Бу моддани у ёки бу шаклда зарур миқдорда шиша эритмасига қўшиб ва уни аста совутилса кремний кислота қўрғошиннинг кристалланишига ва шишанинг оқ ранг билан қопланишига олиб келади.

12. «Куйдирилган олтин» — Берунийнинг куйидаги эслатмаси жуда муҳим, қизил сир рангини олиш учун фриттага «куйдирилган олтин»ни қўшиш керак. «Куйдирилган олтин» номи остида коллоид хусусиятига эга бўлган чангли олтинни тушуниш керак. Бундай ҳолатда олтинни киритиш шишани ёрқин қирмизи ёки кизил рангга бўяйди. Археологик қазилмаларга кўра қирмизи олтин осурий шишапазларда таниқли бўлган. Олтинранг қизил шиша тайёрлаш сири унитилган ва М. В. Ломоносов томонидан унинг тайёрлаш технологияси экспериментал шиша заводида қайта тикланган (М. А. Безбородов. «Золотой рубин» Ломоносова. Докладлар АН СССР, 51, 1946).

13. «шишага ишлов бериш, сирлаш ва керамика ишлаб чиқариш...» — Ўрта аср ўқувчиларининг ушбу матн (қўлёзма)га изоҳ «Ал-Киндий, Ал-Матбух, ва Ал-Айяр китобларида» охирида хитой чинни идишини ишлаб чиқарилишига куйидагича таъриф берилган: юз дирҳам оқланган қалай (қалай оксиди) олинади, юз дирҳам ақ дала шпати (хаса), шунча оқ шиша, шунча оқ магнийсийо. Унга сурмага ўхшаган (кухл) аралаштирилади, ундан сўнг аралашма хамр шаклига айлангунча узоқ эритилади, сўнг хамирга гилли аралашмага (хатмийа) айлангунча ишлов берилади. Бу аралашма билан яқинда тайёрланган идиш устки қисми қопланади ва қуригунча кутилади. Сўнгра ҳар бир идиш ораси ажратилган ҳолда хумдонга жойлаштирилади. Идишлар лойдан ясалган тўсиқлар ёрдамида ажратилади. Сўнг олов ёкилиб ҳар бир идиш ёқилган олов даражасигача қиздирилади. Шунда оловни ёқишни тўхтатиб хумдон совигунча кутилган. Шу билан иш тугаган».

ХИТОЙ ЧИННИ ИДИШИ

1. Янг-Чжу — замонавий Хо-ианфуга мос келади. «Хитой чиннисидан... уй-рўзгор анжомлари» — эҳтимолларга кўра ўша дамларда хитой чинниси номи билан машхур бўлган барча чинни идишлар ҳам хитой чиннисидан ясалмаган бўлган. Абу Дулаф шундай ёзади: «бу шаҳарда (Малая оролларидаги Кулам) бизнинг мамлакатларда хитой чинниси номи билан сотиладиган идишлар ишлаб чиқарилади. Лекин бу хитой чинниси эмас, чунки бу ердаги гил анча чидамли ва мустаҳкам. Шаҳарнинг (Куламнинг) гили хитой гилига ўхшайди, лекин фақат уч кун пишитилади, ундан ортиғига (ачитишга) чидаш беролмайди. Хитой чинниси эса ўн кун пишитилади. Куламнинг чинниси қорамтир тусга эга, хитойники эса оқ бўлади. Бошқа рангдаги идишлар, у шаффоф бўлса ҳам Форс давлатида кремний охагидан, Малай қалайи ва шишадан тайёрланади. У шиша идишлар қадаҳлар ва шу каби буюмлар ҳаво юбориш йўли билан найча ёрдамида пуфлаб чиқариб қисқич билан ишлов берилади».

РАНГЛИ ҚОТИШМА

1. Қизил ва сариқ зирних — реалгар минерали (AsS) ва аурипигмент (As_2S_3) маргмушнинг олтингугуртли бирикмаси қизил-сабзи рангли реалгар, аурипигмент эса лимонранг-сарик. Тарихда реалгар сандақа номи билан қизил бўёқ сифатида ишлатилган аурипигмент эса арсенокопа ва кам холларда аурипигментум номи билан сариқ бўёқ, ундан ташқари соч тўкиш учун дори сифатида ишлатишга юборилган. Плинийнинг (СМ 33. IV) «аурипигментум Сурияда ер устидан олинади, олтин рангга эга, слюда (шаффов минерал)га ўхшаш мўрт бўлади. Арабск, зирних, сирийск, зарника асосида олтин ётади. Хавосиз ёпиқ идишда реалгар $310^{\circ}C$ да эрийди, аурипигмент эса $320^{\circ}C$ да эрийди; реалгар совитилганда зич масса холитида қотиб қолади. Археологик топилмаларга кўра бу каби қотишмадан, олтингугуртники каби, арзон зеб зийнат буюмлари ясалган. Берунийнинг тасвирлашига кўра, эритилган реалгар қуйманинг минерал композициясида туйилган кум тўлдирувчиси сифатида фойдаланилган. 3 валентли маргумуш оксидининг ишлатилиши (As_2O_3) кўрғошинли шиша сўндирувчиси, сутли ойна ва шаффоф бўлмаган рангли қотишма сифатида қўлланилишини Беруний билмаган бўлиши мумкин.

2. Дарнук-бошқа манбаларда бу ном келтирилмаган.

3. Фусайсифо — текстда шу холатда. Замонавий луғатларда фусайфиса.

4. “Мушук кўзи” – ёкут тошлар гуруҳига кириб, айн ал-хирр деб ҳам номланади. Жилдакий айтишича “мушук кўзи” да балиқ қорачиғига ўхшаган қора нуқта бўлади. Бу тошни узукка кўз қилсанг, унга қаёқдан қарасанг, қорачиқ сенга қараб туради.

5. “Тибет подшоларидан бири Хитойга жўнаган пайтда ...” – араб адабиётида шу каби ривоят кенг тарқалган. Ҳатто қандайдир тибет қабиласи Ямандан тарқалган эмиш. Абу Дулаф ёзади: “Биз Кулайб аталмиш Тибет юртига келдик. У ерда Хитойга қарши юриш қилган араб бадавийлари яшайдилар. Улар қишки ва ёзги кўрғонларга эгалар... Ёзувлари ҳимйорийча. Подшолари бир оиладан бўлиб узлуксиз давом этадилар (Bercht, S.26; Jacut' Wörterbuch, I, S.818).

6. Набаш — хазина қидирувчилар машғулотининг номи. Димишқий уларни шу ном билан атаган.

МЕТАЛЛАР

1. «Ва биз унга (Ерга) сочдик...» — Қуръон. 15 сура, 19—20 оятлар.

2. «У осмондан тушди...» — Қуръон. 13 сура, 18 оят.

3. «Табиат ўрганувчилар айтишадики...» — Ўрта асрлар алкимёгарлигида симоб ва олтингугуртга бошқа металллар ва элементлар келиб чиқадиган бирламчи элемент сифатида қараш кенг тарқалган. Бундай фикрлар қуйидаги жумла орқали келиш мумкин: «Симоб — барча металлларнинг асоси, яъни онаси бўлгани каби, олтингугурт уларнинг отаси ҳисобланади. Олтингугуртда қуруқлик эркаклик бериш хусусияти, симобда эса намлик аёллик ва қабул қилиш хусусияти мавжуд» (Cosmographie. — Б. 56).

СИМОБ

1. Завуқ — заввақа сўзининг илдизи бўлиб, «безамоқ», «шаклдор қилмоқ» деган маънони билдиради.

2. Зунджуфр, киноварь — олтигугуртли симоб; ёрқин қизил модда. Симоб қуйиш учун руда сифатида фойдаланилиб, олтингугурт ва симобнинг сунъий бирикмасини осон олиш мумкин.

3. «Гален унинг маъносини тушунмагани...» — ўрта асрларга тегишли номаълум шахс қўлёзмаларида шундай дейилади: Ал-Мажритий «Рудба ал-ҳаким» асарида шундай дейди: Симоб конлари фақатгина Андалусия (Испания)да мавжуд. У симоб кони тупроғи таркибида симобни ўз кўзи билан кўрганлигини айтади. Ибн ал-Байтар шундай дейди: «Айтишадики, симоб Озарбайжоннинг ас-Сис (Шиз) деб номланадиган жойидан келиб чиқади. Андалусияда симобнинг сифатли бўлмаган конлари бор. Гален ва Диоскурий айтишадики, симоб сунъий равишда олинади...». Русам «Китоб ал-масаҳиф» асарида айтадики: «қалбаки симоб — қалай ва қўрғошиндан тайёрланган бўлади. Уни уч хилда текшириб кўриш мумкин: биринчиси, симобни канопдан тўқилган матога суртганда матога ёпишса, қалбаки бўлади; агар унинг устига уксус эритмаси қуйилганда зангласа ёки ўзгарса, қалбаки бўлади; агар унга сув қуйганда ўзгарса ёки қорайса, у ҳам қалбаки бўлади.»

4. Исфизож — Абу Мансурдан келиб чиқиб: «Унинг асоси қўрғошин. Энг яхши нави исфохонники, оқишроқ бўлади. У қўрғошиндан тайёрланади, лекин олов ёрдамида эмас, уксус билан» (Codex, 27-бет; Steinbuch, 125-бет).

5. Мартак — Абу Мансур фикрича бу форс тилидаги мурда-сандж, мурдасанг сўзларининг арабчалаштирилган шакли (Codex, 253-бет).

6. Масаржавейх — суриялик олим, VIII асрнинг биринчи ярмида яшаган бўлиб, бир қанча асарларни сурияликлар тилидан араб тилига таржима қилган...» (Codex, кириш сўзи, XLIII; Quellen, 31-бет).

7. Симобнинг олтин билан оғирлиги (бир хил ҳажмдаги) бир хил — 71 яъни юз бир оғирликдаги симоб эгаллаган ҳажм билан бир хилда шунча олтин эгаллайди. Сув билан

ҳисоблаганда — 13. 52ни ташкил қилади. Солиштирма оғирликлар тўғрисидаги асарларда — 13. 58. Симобнинг замонавий ҳисоб-китобларга кўра солиштирма оғирлиги — 13. 55.

ОЛТИН

1. Харусун — олтиннинг юнонча номланиши.
2. Дахаба — олтиннинг сурияликлар тилидаги номи — dahba.
3. Суварн — олтиннинг ҳиндча номи — suvarna.
4. Заҳаб — бу сўзнинг ўзаги «заҳаба» бўлиб, «кетмоқ, чиқиб кетмоқ, бормоқ».
5. Дийужонус, Диоген — Беруний балки машҳур Синоплик файласуф Диогенни назарда тутгандир (мил. авв. IV аср).
6. «ёки сенинг олтиндан уйинг бўлмагунича...» — Қуръон. 17- сура, 93-оят. Яна қаранг: Қуръон. 17-сура, 95-оят.
7. Хуттол — Вахш ва Падж дарёси оралиғидаги Жанубий Тожикистон ҳудудининг ўрта асрлардаги номланиши.
8. Тўғузлар ёки тўққуз-оғузлар — Шарқий Туркистон ва Еттисув ўлкасининг Шарқий қисмида яшаган туркий қабилалар.
9. Халликон талқинига кўра, ҳижрий 394 (милодий 1003—1004 йиллар) йилда вафот этган (Quellen, 30-бет).
10. Қинноб, каноб — *Hibiscus cannabinus* (Саёҳат, 124-бет).
11. Хинд бинт Утба — Муҳаммад (с. а. в.) даврларида ижод қилган араб шоираси.
12. Сибба — форсча «сиб», яъни олма.
13. Лаҳалиҳ (бирликда лаҳлаҳа) — хушбўй модда: мушк, анбар, камфара аралашмаси.
14. Мастафшор — форсча *маст* ва *фашор* сўзларидан олинган, маст қилувчи шарбат маъносини билдиради.
15. Инжилнинг «Қиролликлар китоби»да, III₉₋₁₄, ушбу қиролнинг совғалари ҳақида айтилган, аммо совут, қалқон ва суюқ олтин тилга олинмаган.
16. «... 151 га 63 нисбатда...» — Берунийнинг солиштирма оғирликлар ҳақидаги асаридан гидростатик ўлчаш натижасида олтиннинг солиштирма оғирлиги 19,05 келтирилган, бундан темирнинг солиштирма оғирлиги 7,94 келиб чиқади. Кейинроқ темир ҳақидаги бўлимда темир солиштирма оғирлиги янада аниқроқ келтирилади — 7,87. Бу сон темирнинг замонавий ҳисоб китоблар билан аниқланган солиштирма оғирлигига жуда яқин — 7,86.
17. Вайхинд — ҳиндча *Udabhandā Ohind*, Шахьялар ҳукмронлиги даврида Қандахор пойтахти, Кобул ва Ҳинд дарёси қуйилишига яқин, Аттокидан шимоли шарқда 15 миль узоқликда жойлашган (Nundo, 208-бет).
18. Мўх — ёзилишда, эҳтимол, хато бўлиши мумкин. Мўх сўзи санскритчасига *mukha* «дарёнинг этаги» маъносини беради. «Ҳиндистон» асарида Беруний бу сўзни Ҳинд дарёсининг алоҳида ирмоқларини таърифлаш учун ишлатади (Memoire, 278-бет).
19. Кришн — матнда Криш; географик асарларда Ҳинд дарёсини бундай номлаш кузатилмайди, бироқ Ҳиндистонда бир неча шу ном билан аталадиган дарё мавжуд.

20. Шамил — Берунийнинг «Ҳиндистон» асарида Кашмирни таърифлашда Шамилан деган географик жой номи учрайди. Унинг сўзларига кўра, Кашмир водийсига тоғ йўли орқали боришда чап томонда Бултур ва Шамилан тоғлари бор (Memoire, 279-бет).

21. Булул, ёки Булур, Болор — Ҳиндистондаги вилоят номи.

22. «... ва уларни симобнинг юза қисмида олиб юради...» — Идрисий айтадики, Нил водийсида олтинни симоб билан ювиш орқали йиғишган (Beitrag, XXIV, 83-бет). Абу Дулаф айтадики, харлухлар мамлакатида симоб ёрдамида кумушни ҳам ажратиб олишган (Bericht, 24-бет).

23. Шар-гўр — ушбу географик ном Берунийнинг «Канон»ида ҳам шундай берилган: «Хитойчасига у Сан-ку, яъни Маха-Чин (Буюк Чин)» (Канон, II, 550-бет). Мазкур термин Марвазийда ҳам Шаргул шаклда учрайди: «Синанинг нариги томонида Шаргул номи билан машҳур халқ яшайди. Синаликлар уларни Сан-ку деб аташади. Улар Хитой худудидан бир ойлик йўл узоқда, одамлар истиқомат қиладиган жойларнинг чеккасида яшайди. Айтишадики, булар Мачин, ҳиндлар эса уларни Буюк Син дейди». В. Минорский фикрига кўра, гап Сун давлати ҳақида кетмоқда (Sung-Kuo). Шаргул термини эса ушбу тадқиқотчининг фикрида киданча сўз (Marvazy, 7-бет). Гўр ёки ал-Гўр атамаси кейинчалик ҳам арабча битикларда учрайди, масалан XV аср денгиз лоцияларида. Уларда тадқиқотчилар фикрича ушбу атама орқали Тайвань оролининг шимолий қисми таърифланган (Уч лоция, 128-бет).

24. Дардар — Гильгит дарёси бўйидаги водий.

25. Махадева — «Буюк Худолик», асосий ҳинд худоларидан бири Шива эпитети. Махадевлар буқаси — Нанди, худоларнинг сеvimли жонивори, ердаги буқаларнинг ҳомийси.

26. Рошт ёки Жашт — IX-X асрлар географик номларида Қоратегиннинг тоғли худуди (Тожикистон).

27. Муҳаб — гап қайси мамлакат ҳақида кетаётгани аниқ келтирилмаган.

28. Ал-Маҳдий — Шимолий Африкадаги шаҳар, 912 йилда асос солинган Фотимийлар сулоласининг пойтахти. Ҳозирги кунда Тунисдаги шу номли шаҳар.

29. Барқа — Киренаикадаги шаҳар (Шимолий Африка), қадимий Эптаболос. Маржа яқинида харобалари мавжуд.

30. Рож ал-Махо — тахминларга кўра бу хатолик, балки махарожа сўзининг арабчаштирилган шаклидир.

31. «... ўзининг даромадини олтин ёмбиларига айлантиради...» — шунга ўхшаш ҳикоялар бошқа манбалардан ҳам маълум. Абу Зайд Жавага (Суматра) оролидаги махарожа қасри яқинидаги денгизга қуйилувчи дарё қирғоқларидан сувга ҳар куни олтин бўлақларини улоқтирилиши ҳақидаги одатни айтади. Олтин бўлақларининг чўкиш пайтида қирол ва унинг яқинлари кўп миқдордаги олтин бўлақларининг ялтирашидан баҳра олишган. Тўлқинлар эса олтинни сув остига яширган. Махарожа дунёдан ўтганда, сув остидаги олтинлар чиқариб олиниб, унинг қанча вақт ҳукмронлик қилгани аниқланган. Сўнг олтинлар унинг яқинларига тақсимлаб берилган (Reinaud, Relation, С. 224; қаранг: Relations, С. 30, 82).

32. "... денгиз савдогарларининг қоидаларидан бири ..." – И.Ю.Крачковский шунга ўхшаш ҳикояни келтиради ва таъкидлайди (Араб географлари ва сайёҳлари. Давлат гео-

графия жамияти хабарномаси, 1937, №5. – Б.749). “Бу билан ушбу ҳикояларда араблар асосан ижобий таърифланганига ишониб, Африкадан улар худди кейинчалик европалыклар қилганлари каби олтин ва қулларни олииб кетишар эди”.

33. Ой тоғлари, Жибол ал-Қамар — Нил дарёси қирғоқларидан бошланувчи тоғлар номи.

34. Робиъа ибн Макрум ад-Дабий (VIII аср бошларида вафот этган) — ёзувчи.

35. Умм Амр — Амрнинг онаси; бу ерда хотинга қилинаётган мурожаат назарда тутилмоқда.

36. Тохирт — Африкия вилоятидаги йирик шаҳар (Тунис).

37. Сижилмос — Зив Водийси маконларининг Тафилет гуруҳидаги асосий шаҳар (Шимолий Африка; Hudud. — Б.82).

38. Зувайла, ёки Завила — “Канон”да Беруний айтишича бу жой қора танлилар билан чегара худудида жойлашган. “Бу қуллар олиб келинадиган дарвоза” (Канон, II. – Б.554). Кайрувanning жанубий-ғарбида ундан икки ойлик йўл масофада жойлашган Фаззан шаҳри ҳақида сўз бормоқда (EI, IV. – Б.339).

39. Айзоб — Қизил денгиз ғарбида Асуан билан параллел жойлашган шаҳар ва бандаргоҳ. Айзоб ҳақида Беруний замондоши сайёҳ Носир Хусрав томонидан тўлиқроқ маълумот келтирилган (Сафарнома. – Б.144).

40. Аълоқо тоғлари — Нил ҳавзасида Водий ал-Аълоқий деб номланувчи, олтин қазиб олинган жой мавжуд (Jacut’s Worterbuch, III. – Б.710; Beitrage, XXIV. – Б. 83).

КУМУШ

1. Аржус — юнонча кумуш.

2. Сиймо — сурияликлар тилида кумуш, sima.

3. Сийм — сурияликлар тилидаги sima, ўз ўрнида юнонча сўздан олинган бўлиб, «тозаланмаган кумуш» маъносини беради.

4. Руб — кумушнинг ҳинд тилидаги тўғридан-тўғри кўриниши.

5. Савлажа — сўзнинг луғавий маъноси — салтанат ҳассаси, ҳасса ёки таёқ.

6. Ал-Мунаҳхил — исломгача бўлган араб шоири.

7. «Йиғувчилар...» — Қуръон. 9-сура, 34-оят.

8. «Кумуш биллур...» — Қуръон. 76-сура, 16-, 21-оятлар.

9. Абул-Фазл ал-Арудий ас-Саффор — қўлёзмада ас-Саффорий. Бошқа манбалар мавжуд эмас.

10. $54 \frac{2}{2}$ ва $1 \frac{1}{8}$ — сув билан олганда 10,43 га тенг. Кумуш солиштирма оғирлигининг замонавий ҳисоб-китоблара кўра миқдори 10. 50 га тенг.

МИС

1. Ҳалку — миснинг юнонча номланиши.

2. Нуҳос — миснинг сурияликлар тилида айтилиши, nehasa.

3. «сизга юборилган аланга бўлади...» — Қуръон. 55-сура, 35-оят. И.Ю.Крачковский таржимаси бўйича нуҳос сўзи “куюқ тутун”.

4. «... осмон бошидан кечирган кунда...» — Куръон. 44-сура, 9-оят.
5. «Ва қачон осмон ёрилганда...» — Куръон. 55-сура, 37-оят.
6. «Менга олиб келинг...» — Куръон. 18-сура, 95-оят. И.Ю.Крачковский китр сўзини «эриган металл» деб таржима қилади.
7. «Қитрондан сарпо» — Куръон. 14-сура, 51-оят. И.Ю.Крачковский қитрон сўзини «қатрон» (смола) деб таржима қилади.
8. Рўй — «Ойин ал-Акбарий»да, 35-бетда айтиладики, бу тўрт бирлик мис ва ярим бирлик кўрғошин қотишмасидир.
9. «... ва бу икки турдаги пойнак (тоза маҳсулот)ни осмондан туширилган деб ҳисобланади...» — Ибн Синода бу ҳақида шундай дейилади: «Баъзи тошлар оловдан у сўнганда ҳосил бўлади. Худди шунақа кўпгина темир ва тош жисмлар чақмоқдан ҳосил бўлади. Бу жараён олов иштирокидаги ушбу ҳолатлардан бири орқали содир бўлади, қуруқ ва совуқ ҳолга ўтади (яъни қаттиқ жисм ҳолатига ўтади)». «Турклар мамлакатада момоқалдироқ ва чақмоқ пайтида мис жисмлар учи юқорига қайрилган шаклдаги учли найзадек пастга тушади. Шунга ўхшаш ҳолатлар Гилон ва Дайлам ўлкаларда учрайди. Ерга тушганда эса ерга суқилиб қолади. Уларнинг натижаси эса мисли қуруқ қотишма бўлади. Хоразмда мен шунга ўхшаш учли найза ясаш учун кўп куч сарфладим, бироқ эрмади. У кулсимон жисмга айланмагунича доимий яшил тусдаги тутун чиқариб турди» (Ибн Сино. — Б. 48).
10. Самовиллар китоби — Инжилнинг «Кироллар китоби» I.
11. Голийаз Филастиний — Инжилдаги баҳодир Голийаз Фаластинлик. Инжилдаги ҳикояга кўра, Довуд билан яккама-якка олишувда енгган.
12. Гитрифий тангалари — дирҳам, кумуш танга, паст навли кумушдан ясалган, VIII асрдан Бухорода зарб қилинган. Гитриф ибн Ато номи билан аталган; П. И. Лерх. Монеты Бухархудатов. 1909. — Б. 92.
13. $45 \frac{1}{2}$ ва $\frac{1}{6}$ — сув билан ҳисобланганда 8. 70 ҳосил бўлади. Миснинг замонавий ҳисоб-китобларга кўра солиштирама оғирлиги 8,93ни ташкил қилади.
14. Русухтож — миснинг қизил хили, қиздирилган мисга кислород таъсир эттириб олинади.
15. «... чунки барчаси сунъий равишда тайёрланади» — Берунийнинг мазкур жумладаги қарашлари ўрта асрлар етук олимларининг алкимёгарлар фантастик назариялари ва фирибгарона амалларига қарши кураши ҳисобланади. Бу муносабатга Ибн Синонинг қарашлари катта қизиқиш уйғотади: «Сунъий шароитлар табиий шароитлар каби мукамал эмас. Улар фақатгина табиийга ўхшаши мумкин. Таъкидлаш жоизки, уларни табиий ҳосил бўлиш шароити сунъийсига жуда яқин. Бироқ алкимёгарлар усули табиийга мос эмас, ҳаттоки бор кучини сарфласа ҳам табиийсидек бўла олмайди. Алкимёгарларнинг камчилиги шундан иборатки, уларда бирор моддани тўлиқ ўзгартириб юборувчи манба йўқ. Улар шунчаки «Ўшанга ўхшаш кўринишдаги модда ишлаб чиқиши мумкин. Худди шундай улар ранги қизил бўлган моддага оқ тус бериб кумушга жуда ўхшаш модда ҳосил қилишади. Ўша моддага сарғиш тус бериб, олтинга ўхшаш қотишма ҳосил қилади. Улар ҳар қандай оқ рангли моддага олтин ёки мисга ўхшатиш учун сариқ ва қизил тус бера олишади. (ИбнСино. — Б. 54).

ТЕМИР

1. «... ва темирни ташладик» — Куръон. 57-сура, 25-оят.

2. «Ва осмондан...» — Куръон. 51-сура, 22-оят.

3. «Биз унга темирни юмшатдик» — Куръон. 34-сура, 10-оят.

4. «Ва сизга кийиш учун...» — Куръон. 16-сура, 83-сура.

5. Кушожим — шоир ва латифалар тўпловчиси, X аср 2-ярмида вафот этган.

6. «Табиий темир икки хил турга бўлинади...» — Берунийнинг темирни бундай таснифлаши кўпроқ Ал-Киндийнинг шамширлар ҳақидаги асаридагига ўхшайди. («Рисола фи жавоҳир ас-суйуф», немисча таржима, Beitrage, XXV): «Шамширлар қуйиладиган темир икки гуруҳга бўлинади: конлардан топиладиган (табиий, маъдиний) ва сунъий. Табиий темир ўз ўрнида икки турга бўлинади: собурқон-эркак, қаттиқ, қиздириб, тоблаб олинладиган ва нармоханий-аёл, бу турдаги темир тоблашга чидамайди. Шамширлар эса ҳар икки турдан ҳам ясалади. Яна бир турдаги темир борки, у иккала тур аралашмасидан тайёрланган бўлади. Шундай қилиб, шамширларнинг уч тури мавжуд: сабуркан, нармохан ва аралаш темирдан ясалган. Ҳар бир тур учун алоҳида силлиқловчи тош мавжуд. Тиб қонунлари, II. — Б. 285.

7. Нармохан — «юмшоқ темир» маъносини англатувчи форсча сўз.

8. Шобурқон, шопургон ёки сопургон — ўрта асрлар форс ва сурияликлар тилларидан маълум сўз. Мазкур сўз билан Амударёнинг чап қирғоғидаги Балх ва Марв шаҳарлари орасидаги Шапургон шаҳри боғланган. (қаранг: Бартольд. Туркистон, II. — Б. 81). Немис олими Херцфельднинг таъкидлашича бундай номланувчи темир антик давр ёзувчилари (Плиний ва бошқалар) Марғиёна темири деб номлаган темирга тааллуқли.

9. Даус-Сайданада бу ҳақда шундай дейилади: «Муҳаммад ибн-Закария айтадики: табиблар даус деб темирдан олинладиган сувни айтишган» (жавҳар ахан). Унинг навларидан энг яхшиси — ироқи, ундан сўнг форс дуси. Муаллиф ан-Нуҳоб айтадики: «дус — бу минерал (аниқроғи тош) ранги асосан оқ. У синдирилганда силлиқлангандек кўзни қамаштиради. Бироз вақтдан сўнг эса намлик таъсирида ялтираши йўқолиб, қораяди. (Picture. — Б. 120). Видеман фикрича, бу форсча сўз темир синдирилганда бўлакларидан сизиб чиқадиган сувни ифодалайди. (Beitrage, XXIV. — Б. 99). Ибн Байтар фикрича эса бу темир қолдиғи.

10. Аста — «ядро» маъносини англатувчи форсча сўз.

11. Рау — «борувчи» маъносини англатувчи форсча сўз.

12. «Ва айтишадик, жаранги қалъагача эшитилди...» — қалай жаранглаши ва ғичирлаши ҳақида (қаранг: 1-илова).

13. Калах — Малай оролларидаги қалай қазиб олинган жой. Сайёҳ Абу Дулаф шундай ёзади: «Бу Ҳиндистондаги биринчи шаҳар (Хитой томондан) ва кемалар қатнови учун чегара. Кемалар бу ердан тўхтамасдан ўта олмайди. У ерга борганимда кўрдимки, у жуда катта ва сарҳадсиз экан. У ер баланд деворлар билан ўралган бўлиб, сув сероб. Мен у ерда дунёнинг ҳеч бир ерида тенги йўқ қалай конини топдим. Бу ерда ал-қалай-йа деб номланадиган шамширлар ясалади. Булар ҳақиқий ҳинд қиличи (Bericht. — Б. 30). Шаҳарнинг янги замонавий маълумотлари тўғрисида. Қаранг: Relations, кўрсаткич.

Албар. — Б. 18). Матнда Беруний кала сўзининг бир-биридан фарқ қилмаган бир нечта турини келтиради.

14. Хусайн ибн ал-Ҳаммом ал-Муррий — исломдан аввалги шоир. Матнда келтирилган шеърлар, аслида, шоир ал-Хасафийнинг Муҳариб асаридаги Хусайн ибн ал-Ҳаммом қасидасига жавоб сифатида ёзган қасидаларидан олинган (The Mufaddaliyat. An Anthology of Ancient Arabian Odes. Ed. by Charles James Lyall, v. I, Oxford, 1921. — P. 627).

15. Зулфиқор — Ҳадисларга кўра ҳижрий 2 йилда Бадрдаги жангда Муҳаммад (с. а. в.) томонидан Макка элчиси Мунаббих ибн ал-Ҳажжождан олган қилич шундай номланган. Бу ном сайф муфаккар — «тарновчали қилич» сўзига бориб тақалади. Муҳаммад (с. а. в.)дан сўнг ушбу қилич у ёрдамида кўп қаҳрамонликлар қилган халифа Алига ўтади. (EI, I. — P. 985).

16. Зушшутоб, ёки мушаттаб — «бурушиқ қилич», яъни бурма тиғдан иборат (Қаранг: Ибн Фадлан. — Б. 78).

17. Ҳалийя ва жаворий (жорийя сўзининг кўплик шакли) — бу атамалар «катта суд» ҳақида. Қаранг: Islamic Culture, vol. XV, № 4. — P. 436.

18. Ваддоҳ ал-Яман — ярим афсона араб шоири (VII-VIII асрлар).

19. Зайд ал-Ҳайл — балки, Йазид ал-Ҳайл. Халифаликлар даври араб шоири.

20. Хузайл — Макка яқинидаги тоғда истиқомат қилувчи қабила.

21. «Ва айтдики...» — Тан-шу йилномаларида туяқуш темир ютиши ҳақидаги хабарлар бор. 650 йилдаги манбаларда келтирилишича Тохаристон ҳукмдори «жуда катта, 7 фут келадиган, қора рангли қуш юборади; оёқлари туяникидек..., ҳаттоки темирни ҳам ютиб юборади». Одатда туясимон қуш туяқуш дея номланади.

22. Даус — матнда хатолик бор. Ар-рус деб ёзилган сўз афтидан хато бўлса керак. Б. рақамли кўлёзмада ар-Рўз ёзилган. Буни балки, ад-Даус деб ўқиган маъқулдир.

23. Абу Жаъфар ал-Ҳозин — Абу Жаъфар ибн Хабаш ал-Ҳазин, отаси Аҳмад ибн Абдуллоҳ Хабаш ал-Ҳасиб ал-Марвазий (864—874 йиллар оралигида вафо этган) — машхур астроном ва астрономик ускуналар ихтирочиси.

24. «Қачонлардир у лангар бўлган» — кўринишидан гап бизга Ибн Синодан етиб келган ҳикоядаги йирик метеорит ҳақида кетмоқда. Охиргиси шундай маълум қилади: «Мен учун Жузжанонда юз бергани ҳақиқийдек. 150 ман оғирликдаги темир бўлаги ҳаводан қулаб тушди. У аввал ерни тешиб кирди, сўнгра деворга урилиб қайтаётган коптокдек бир неча марта ер юзасида кўринди. Лекин кейин барибир, ерга кирди. Одамлар даҳшатли кучли овоз эшитдилар. Ва аҳоли ишни ўрганиб, унинг бир қисмини Жузжанон ҳукмдорига юборишди. Бироқ ҳукмдор бу ҳақида унга топилмани тўлиқлигича ёки бир қисмини беришни буюрган ва Хуросон султони Маҳмуд ибн Сабуктагинга хабар берди. Оғирлиги сабабли уни бутунлигича олиб боришнинг иложи топилмагач, ундан парча ажратиб олишга уринишди. Аммо асбоблар жуда қийинчилик билан ишларди. Унга суқилаётган ва урилаётган поналар ва исканалар синаверди. Ва охири ундан бўлак ажратиб олишди ва Султон Маҳмудга жўнатишди. У топилмадан қилич ясамоқчи эди, лекин бунинг имкони йўқ эди. Айтишадик, у катта ва кичик бир-бирига уланиб кетган айлана тешиклардан иборат эди. «Буларнинг барчасини менинг дўстим фақиҳ Абу Убайдуллоҳ Абу-л-Воҳид ибн Муҳаммад ал-Жузжоний шахсан кўрган. Менга айтишди-

ки, қойилмақом яман қиличларининг кўпи темирнинг шунга ўхшаш туридан ясалган эмиш. Араб шоирлари бунини ўз шеърларида мадҳ этишган. Бу темирнинг ҳосил бўлиш турларидан биридир.» (Ибн Сино. — Б. 48).

25. 41 ва 1/3 — сув билан таққослаганда 7,87 ҳосил бўлади, яъни темирнинг замонавий ҳисоб-китобларга кўра солиштирма оғирлиги — 7,86 га жуда яқин сон келиб чиқади.

26. Фўлод — қадимий пўлат ёки қилич; араб тилига форс тилидан кириб келган (пулад ўрта асрлар форс тилида — палавад), ўз ўрнида бу сўз Шимолий Ҳиндистонда жойлашган, Пешовардан (ҳозирги Charsadda) 12,5 миль узоқликдаги Pukthalavati шаҳри номи билан боғлиқ (Херцфельд талқинига кўра,).

27. Тухум — чўян (матнда крица — чўяннинг қадимий юмшоқ тури). Беруний асари нашр қилинишидан аввал мазкур атама тушунарсиз эди. Видеман (Beitrag, XXV. — P. 119), қилич турларидан бирининг номини ушбу атама билан боғлай туриб, сўроқ белгиси қўйган. М. Е. Массон. Ўзбекистоннинг қора металлургия тарихи. Тошкент, 1947. — Б. 31. Мазкур атама бу ерда «сегментга ўхшаш» дея таржима қилинади, лекин тўлиқ маълумот берилмаган.

28. Фиринд ёки фаранд — форсча паранда ёки пиринд «нақшинкор ипак мато». Мазкур атаманинг пўлатга нисбатан ишлатилиши пўлатга силлиқлаш орқали бирор сурат ёки нақш туширилганини билдиради.

29. Кўкат — бу ерда сўз қиличларни яшил рангга бўяш ҳақида бормоқда. Берлинда сақланадиган махфий араб кўлёмасида келтирилишича (W. Ahlwardt, Verzeichniss der arabischen Handschriften, V. Berlin, 1892. № 5554), қиличларни яшил рангга бўяш учун аввал мис купороси сувга аралаштирилади. Аралашма қизил рангга киргунича оловда қиздирилади. Бундай аралашма билан бўялган темир яшил тусга киради. Яна ушбу сўз билан (тахзийр «яшил рангга бўяш») илгари бирор сабаб билан йўқолиб кетган (балки занглаш натижасида) силлиқланган пўлатга туширилган нақшни тиклаш жараёни ифодаланган. Мазкур кўлёмда темирни кўк рангга бўяш ҳам келтирилган (Beitrag, XXIV. — P. 125 ва 1-илова).

30. Жавҳар — бу атама ҳам фиринд атамаси каби силлиқланган пўлат устидаги нақшни англатади. Қаранг: Beitrag, XXV. — P. 123.

31. Ал-Бохилий — Абу Йаъла ибн Абу Заръа «Қуроллар ҳақидаги китоб» муаллифи, 871—872 йиллар орасида Басрада зиндонбанд қуллар исёнида ўлдирилган.

32. «Зулмат жоҳилия даври» — арабларда ислом дини қабул қилингунча бўлган давр.

33. Қубурий — арабча қубур — «қабр» сўзининг кўпликдаги маъносини ифодалайдиган сўздан олинган.

34. «Руслар ўзларининг қиличларини шундай тайёрлашади...» — русларнинг қиличи ҳақида. Қаранг: Ибн Фадлан, 1939. — Б. 131. 783-илова.

35. Канауж — Ҳиндистондаги ҳозирги Кандпур яқинидаги қадимий шаҳар.

36. «... тинкар кристалли...» — матнда: ат-тинкар ал-буллурий, яъни тоғ биллур тинкори.

37. Маун — ҳиндчада «кар» деган маънони англатади.

38. Саклатун — товланувчи мато тури.

39. Амр ибн Маъдиқарий — Муҳаммад (с. а. в.) даври шоири, араблар жангари юришларида иштирок этган.

40. Бадр — Мадина шаҳрининг жануби-ғарбидаги аҳоли турар жойи, пайғамбарнинг илк издошлари ва душманлари ўртасидаги 624 йилда бўлган машхур жанг майдони сифатида машхур.

41. «Бошқа қиличлар эса...» — қилич номлари тўғрисида турли асарлардан Видеман (Beitrag, XXV. — Б. 119), Берунийда учрамаганларини келтиради. Бироқ, умуман олганда Берунийда келтирилган рўйхат бошқа барча манбалардан тўлиқроқ ҳисобланади.

42. [Мазид ибн] Али ал-Ҳаддод ад-Димишқий — номаълум муаллиф.

43. Ал-Киндий асари — бу ерда сўз Видеман томонидан қисман таржима қилинган «Рисолат фи жавоҳир ас-суйуф» асари ҳақида бормоқда (Beitrag, XXV. — Б. 114).

44. Темир устун — Беруний бу ерда ҳозирги кунда ҳам Деҳлида мавжуд бўлган 6 тоннали 6.5 метрли милоддан аввалги 1-минг йилликнинг иккинчи ярамига тегишли темир устунни назарда тутган бўлиши мумкин. (Е. Э. Массон. Ўзбекистоннинг қора металлургия тарихи. — Б. 17).

45. Ҳишом ибн Амир — Халифа Мансур даврида (768 йилда) Синд ноиби.

ҚАЛАЙ

1. Қалай — Беруний қўлёзмаларини нашр этувчиларнинг барчасида бўлим боши йўқ. Қалай ҳақида баъзи маълумотлар бошқа ўрта аср муаллифларида учрайди. Шуни таъкидлаш керакки, уларда кўп маълумотлар аниқ эмас, кўп ҳолларда қалайни кўрғошин билан адаштиришган. Димишқий талқинига кўра, қалай қуйидагича номланган: касдир, анук, қалаъий макъад («чечак кумуш»). Охиридаги номланиши балки, қалайнинг кулранг тусга ўтиши билан боғлиқ. Жобир талқинига кўра, у кўрғошиндан фақатгина юзасининг бироз кирлангани билан фарқ қилади. Металлларнинг олтингугурт ва симобдан пайдо бўлиш назариясига асосан Жобир қалай ва кўрғошиннинг фарқини уларнинг таркибидаги олтингугурт миқдорининг фарқи билан ифодалайди. Ушбу муаллиф яна таъкидлайдики, қалайнинг қуйдирилганда ҳосил бўладиган жаранги таркибида икки хил: кўзғалувчан ва кўзғалмас симоб борлигидан келиб чиқади. Агар қалай уч марта қуйдирилса жаранглаши йўқолади, чунки ушбу овозни келтириб чиқарувчи кўзғалувчан симоб учиб кетади. Димишқий асарларида келтирилишича қалай кумушга жуда ўхшаш, лекин ундан ҳиди, юмшоқлиги ва жаранглаши билан фарқ қилади. Унинг юмшоқлиги таркибида симоб кўплигидан, жаранги эса — олтингугурт камлигидандир. Кумушга қўшилганда кумушни бузади, худди кўрғошин олтинга қўшилганда олтинни бузганидек. Казвинийда қалай расас деб тилга олинади. Унинг маълумотларига кўра, қалай ҳатто Қуёш нуридан ҳам эриши мумкин, лекин ёнмайди. Қачонки оловда эритилсагина, у ёнади. Оловда эриб турган қалай агар тоза бўлса, зиғир матоли кийимни ёқмайди. Қалайни туз ва мой билан тозалаб темирдан ясалган қилич ва бошқа буюмлар учун зангламайдиган бўёқ тайёрланади. Қалаъий атамаси ўша даврларда қалай конлари мавжуд бўлган ва Яқин Шарққа асосий қалай етказиб берувчи Малай оролларидаги жой номидан келиб чиққан. Қалаъий масканининг қалайи ўз даврида бошқа барча конларникидан сифатли бўлган. Араб манбаларида бошқа қалай конлари ҳақида маълумотлар келтирилмаган, чунки улар бошқа жойлар номидан келтирилган қалай сифатига шубҳа билан қарашган. Қалай қалиб олинadиган жойлар

сифатида Испания (Йакут), Цейлон (Беруний «Китоб ат-тафхим»асарида) келтирилади. Форсада Истахрий сўзларига кўра, анук қазиб олинган. Ал-Истахрий ва Ибн Хавқал асарларида келтирилишича қалай шарқий Европада қазиб олинган (Beitrag, XXIV. — Б. 85).

2. «Қалайдан... исфизож тайёрланади...» — бу қалай оксиди, қалай очиқ ҳавода қиздирилганда оқ ва оч сариқ кукун кўринишида ҳосил бўлади. Керамик буюмларни сиртини эмаллашда ва эмаль (сир) тайёрлашда ишлатилади.

ҚЎРҒОШИН

1. Усруб — кўрғошин. Аристотельнинг «Тошлар ҳақидаги китоби»да кўрғошин бир неча маротаба расас усруб деб номланган. Беруний эса қалайни кўрғошиндан ажратиш учун қалайни расас қалайи, яъни малай ороли қалайи, кўрғошинни эса усруб дейди. Кўрғошин ва қалай ҳақида Плиний шундай дейди: «Кўрғошиннинг (Plumbum) икки тури бор: қора ва оқ... Оқ кўрғошин(қалай)нинг табиати курук, қора кўрғошинники эса нам (34, XVI). Асоси кўрғошин рудаси — галенит (ялтироқ кўрғошин). Назарий асосларга кўра PbS 86. 07% кўрғошин таркибли бўлиши керак, лекин бошқа қўшимчалар борлиги ҳисобга олинса, аслида, галенитда кўрғошин миқдори 80% дан ошмайди. Ялтироқ кўрғошин таркибида баъзан 1% гача кумуш бўлади. Сульфидли кўрғошин конлари юзасининг ўзгариши ҳисобига одатда таркиби жуда тоза кўрғошин бўлган оқ кўрғошин рудаси, церуссит ($PbCO_3$) ҳосил бўлади. Кўрғошин ҳақидаги бўлимда Хуросон ва Эрондаги Буттем ва Забулистон конлари тилга олинади.

2. Онуқ — кўрғошин. Кўрғошиннинг бу синоними оссурияликлар тилида баъзан кўрғошинни, баъзан қалайни ифодалайдиган анка — «қора кўрғошин» сўзидан келиб чиққан. Сурияликлар тилида ҳам анка «қора кўрғошин», яхудийлар тилида анак — «тик оғирлик», санскрит тилида нага «кўрғошин» деган маъноларни беради (Thompson. Dictionary, 117. — Б. 140).

3. Яхё ибн Масовайх — Жундишапур тиббиёт мактаби олими, Жибрил ибн Бохтийе-шу билан ишлаган. Халифа Маъмунга ва унинг авлодларидан Восиққача табиблик қилган. Юнон тилидан тиббиётга оид асарларни таржима қилган.

4. Абор — қора кўрғошин. Тозаланмаган кўрғошин хомашёси, сульфидли кўрғошин рудасини эритиб олинади. Кўрғошин хомашёси билан уксус кислотаси сувда таъсир эттирилиши натижасида уксус кислотали кўрғошин тузи олинади ($PbO_2C_2H_3OH$), табобатда жароҳатларни даволовчи ва кўзга томизиладиган малҳам сифатида қўлланилади. Аббар сўзининг сурияликлар тилидаги маъноси кўрғошин, оссурияликлар тилида ҳам «кўрғошин», балки «сурьма» маъноларини англатади. (Thompson. Dictionary. — Б. 117)

5. Муҳаммад ибн Абу Юсуф — Абул-Ҳасан Муҳаммад ибн Ёқуб ибн Насих (ҳижрий 343 йилда, милодий 954—955 йилларда вафот этган), филолог, Нишопурда яшаган.

6. 60 ва $\frac{1}{8}$ — сув солиштира оғирлиги билан ҳисоблаганда 11,47 ҳосил бўлади. Замонавий ҳисоб-китобларга кўра кўрғошиннинг солиштира оғирлиги — 11,34 г/см³ га тенг. Беруний ўлчашларидаги аниқлик, ушбу хатоликни рад этади. Фарқнинг сабаби, балки тадқиқ қилинган материалнинг ишлов беришига боғлиқ бўлиши мумкин. Зичлиги каттароқ бўлган олтин ёки симоб қўшимчаларидан тозаланмаган деб ҳисоблаш ҳам

ноўрин. Чунки Беруний тадқиқ қилаётган ҳар бир металлни синчковлик билан тозалаш, шунингдек кўрғошинни кумуш ва шунга ўхшаш кўшимчалардан тозалаш амалиёти уша даврда ҳам бўлган. Маълумки, кўрғошин бошқа металллар каби болғалаш ва чиғирлаш орқали олинади ва бунда намуналар зичлиги 11,45 гача етади. Беруний берган маълумот эса бунданда аниқроқ. Юздан бир аниқликкача ҳисобланганига қараганда Беруний ўз ўлчашларини анчагина иссиқ сувда олиб борган. Лекин Беруний солиштирма оғирликлар тўғрисидаги асарида кўрғошин солиштирма оғирлигини олтин билан шундай таққослайди — 59 ва $\frac{2}{6}$ ва $\frac{2}{24}$. Сув солиштирма оғирлиги билан ҳисоблаганда 11,32 келиб чиқади, яъни бу эритилган кўрғошиннинг замонавий ҳисоб-китобларга кўра олинган солиштирма оғирлиги билан тўлиқ мос келади (Г. Леммлейн).

7. Тавафрастус — Теофраст, ёки Феофраст (мил. авв. 370—285 йй.), Аристотель шоғирди, кўплаб асарлар муаллифи, жумладан минералогия асари бўйича ҳам.

8. «Кўрғошинда оз миқдорда кумуш бор...» — кўрғошин ёмбиларида кумуш мавжудлиги геленит (PbS)да кумуш борлигини, унда кумуш миқдори 0. 01% дан 0. 5% гача, лекин 1% ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди. Ибн ал-Амид 10 дирҳамгача кумуш олган кўрғошин ёмбилари Беруний эслашича 50 ратл оғирликда бўлган (1 ратль 120 дирҳамга тенг), бундай кўрғошинда кумуш 1. 66%ни ташкил қилган, яъни анчагина кўп.

9. Ибн ал-Амид, Абу-л-Фазл (ҳижрий 360 йилда вафот этган) — Рай, Ҳамадон ва Исфаҳонни бошқарган Бувайҳийлар амири Рукн уд-Давланинг машҳур вазири. Расмий ҳужжатларда гапга чечанлиги ва олимларни қўллаб-қувватловчи сифатида шуҳрат қозонган. У ҳақида қаранг: Der Islam, III, 1912. — P. 323.

10. Мурдасанж — кўрғошин оксиди (PbO), сарғиш тангасимон кукун. Одатда кўрғошин-кумуш рудаларини ишлов берганда олинади. Кўрғошин препаратлари тайёрлашда ишлатилади. Кимёвий PbO асослик хоссасига эга, шу сабабли Беруний асарининг 35-бетидаги қизил атиргул тажрибасида мурдасанж кукуни сепилганда кўк-яшил рангга киради, бинафшаранг лакмус бўёғи музқатламидан ҳам шунақа кўкарган бўларди. Кўрғошиннинг қизил оксиди ҳақида — сурик (кўрғошиннинг қизил бўёғи, усрундж) қаранг: 81-бет.

11. Исфизож, оқ кўрғошин бўёғи — асосий кўрғошин углевод тузи (Pb(OH)₂2PbCO₃). Кўрғошин оқ минералини тайёрлаш усулларида бири қуйидагича: қиринди ёки япроқсимон кўринишидаги металл кўрғошин маъданига сирка кислотаси ёрдамида узоқ вақт ишлов берилади. Бундай услубда олинган минерал заррачаларининг майдалиги ҳисобига бўёқ қоплама ҳосил қилиш хусусиятга эга бўлади.

МАРГИМУШСИМОН БИРИКМА ВА УНГА ЎХШАШЛАР — ХОРСИНИЙ

1. Хорсиний — Беруний асарида келтирилишига кўра, ушбу металлнинг хоссаларини қуйидагича таърифлаш мумкин 1) ранги кўрғошин ва қалайникига ўхшаш; темирникидек кора тусга эга; 2) эриши қалай ва кўрғошинга ўхшайди; 3) мўрт ва болғалашга ярамайди; 4) уни олтингургуртга ўхшаш сариқ минералдан эритиб ажратиб олишади; 5) кўзгу қотишмасига кўшимча сифатида ишлатилади. Юқоридаги барча таърифлардан у маъдан марги-

мушга ўхшайди. Маъдан маргимуши – оч кулранг тусли металл, мўрт ва ялтироқ, 358° С да эрийди (қалай 231°, қўрғошин 327°). Ўрта Осиёда маргимуш колчедон рудаларидан иборат конлар тизмаси мавжуд. Ушбу тизманинг давоми Кобул ва Бадахшон орасида жойлашгани эслатиб ўтилган эди. Беруний сўзларига кўра, сариқ, олтингургуртга ўхшаш минерал Зобулистонда бўлган. Маҳаллий аҳоли ундан мурдасанж (музқатлам) тайёрлаган, балки аурипигмент – маъдан маргимуши осон олинадиган сариқ зирних бўлиши мумкин. Маъдан маргимушдан тайёрланган кичик зеб-зийнатлар Кавказ ва бошқа қадимий масканлар қазилмаларидан топилган. Маргимушнинг хитой кўзгу қотишмасига қўшилиши қизиқ. Ҳақиқатда мисга маргимушни қўшганда оқиш рангга киради. Бундай қотишма ҳақида Византия олими Стефанос Александрийский ўз асарларида маълумотлар берган. Металлнинг хорсиний деб номланиши “хитой темири” деган юнонча сўздан келиб чиққанлиги таъкидланади. Араб тилида маргимушнинг махсус номи бор – шакк (оссурияликлар тилида ашкику). Ўрта асрларда хорсиний ҳақида маълумотларни Видеман (Beitrag, XXV. – P.87) келтиради. Бу қизил тусли қора металл. Хорсиний яна “ҳадид сини” – “хитой темири” деб ҳам талқин қилинади. Шунга кўра унинг форсча номи – ҳар чини ва ахан чини. У ҳақида номаълум афсонавий металл сифатида ёзилади. Кейинроқ ёзилган асарларда бу металл хафг джуш қотишмаси номи билан боғланади. “Ойини-Акбарий” муаллифи уни “пишмаган олтин” дея таърифлайди, (ўрта асрлар тасаввурига кўра, олтин симоб ва қизил олтингургуртдан ҳосил бўлади). Ушбу металл асосидаги курулларда олинган жароҳат жуда секин битган. Бошқа томондан, у даволовчи хусусиятга ҳам эга бўлган. Лауфер фикрига кўра,, (Sino-Iranica. – P.555), бу қотишма таркибига 40,4 мис, 25,4 рух, 31,6 никель, 2,6 темир ҳамда бироз кумуш ва маргимуш қўшилган. 2. Анкаъ, габрайил, ава – афсонавий мавжудотлар. 3. Барсхон – матнда: Барсхон; Иссиқ-Кўлнинг жанубий қирғоғидаги шаҳар, ҳозирда вайроonga айланган. 4. Иссиқкўл-матнда: Инси-кул; Иссиқ-Кўл, Қирғизистон Республикасидаги кўл.

ЖЕЗ — ШИБҲ, БИРИНЖ (БРОНЗА) — СУНЪИЙ ҚОТИШМАЛАР

1. Шибҳ — луғатларда мазкур сўзнинг бошқа шакли келтирилган: шабах.

2. Тўтиё — жуда машҳур минерал, асосан кўз касалликларида дори сифатида фойдаланилади. Унинг бир қанча навлари маълум бўлган. Абу Мансур (Codex. — P. 28) шундай ёзади: «Энг яхши нави — табаширий, кейин зинкарий, кейин эса хуросоний, ундан сўнг кирманий. Буларнинг барчаси табиий». Абу Дулаф фикрига кўра, ҳинд тўтиёсидан ташқари тўтиёнинг барча тури мис эритмасидан иборат. Ҳинд тўтиёси эса қалай эритмасидир. Тўтиё тайёрланиши хусусида Марко Поло (37-бет) куйидагиларни ёзади: «Бу ерда кўз учун жуда фойдали бўлган тўтиё тайёрлашади. Кўмир тайёрланиб, печ ичидаги олов устига терилади, печ юқорисида темир панжара бор. Буғ ва тутун, печ ичидан нима кўтарилса, панжара устига тушади, бу — тўтиё, ерда қолгани эса — сподий». Тўтиё деб металллик рух ва оқ рух оксиди тушунилади. XVIII асрда рух Хитойдан Россияга тутаней номи остида олиб келинади.

3. «Ширинликларда...» — барча қўлёзмаларда шундай келтирилган. «Мис ва қиём (шинни)», деб қўшиб қўйилган.

4. «... ва унга ўхшаш деб аталади...» — Шибҳ сўзи араб ҳарфларида «ўхшаш» маъноси-ни берувчи «шабах» сўзи билан бир хилда ёзилади.

5. 44 ва $\frac{7}{8}$ — сувнинг солиштирма оғирлиги билан ҳисобланганда 8,55 хосил бўлади. Беруний томонидан тадқиқ қилинган солиштирма оғирликлари келтирилган материаллар, жумладан латунъ 28% дан иборат бўлган.

ОҚ МИС

1. Исфизрўй, сефидрўй — «Ойини Акбарий» талқинига кўра, (35-бет), бу қотишма тўрт хисса мис ва 1 хисса қалай хомашёсидан иборат. Бу сўз европа тилларига ҳам кўчирилган: русча спянтер, инглизча spalter (Sino-Iranica. — P. 555)

2. Суфр — сариқ мис, бронза.

3. Авмонис — Беруний кимни айтаётгани номаълум.

4. «Улар (алкимёгарлар) шундан келиб чиқиб ... тушунтиришади...» — Ўрта асрлар тасаввурига кўра, сайёралар ва осмон ёриткичлари қимматбаҳо тошлар ранглирига таъсир қилган. Ҳамдаллоҳ Казвиний фикрича, қора рангли тошлар — Сатурн, яшил тошлар — Юпитер, қизил тошлар — Марс, сариқ тошлар — Қуёш, кўк тошлар — Венера, икки рангли тошлар — Меркурий ва оқ тошлар — Ой таъсирида ранг олади (Нузхат ал-қулуб. — Б. 40).

5. 46 ва $\frac{5}{8}$ — Кренков томонидан нашр қилинган «Минералогия» матнида 64 ва $\frac{5}{8}$ берилган, бироқ бу хато. 46 ва $\frac{5}{8}$ сув солиштирма оғирлиги билан ҳисоблаганда 9,78 келиб чиқади, бундан билиш мумкинки, исфизрўй (суфр) таркибидан 34% кўрғошин бўлган мис қотишмаси.

ДАҒАЛ МИС

1. Рўй — кейинчалик XIV асрда мазкур қотишманинг икки тури бўлган. Биринчиси, қизил — мис ва кўрғошиндан олинган, иккинчиси, оқ рангли — мис, қалай ва кўрғошин аралашидан ҳосил бўлган (Нузхат ал-қулуб. — Б. 396).

2. «... лекин у эскирган ва қўпол» — Ўрта асрлар астрологик асарларида юлдузлар ва сайёралар одамлар ва ҳайвонлар кўринишида тасвирланган. Сатурн (юнонча Кронос) вақтнинг рамзи бўлган ва қария кўринишида тасвирланган.

ТОБЛАНГАН МИС

1. Толикун — Казвиний фикрига кўра, (Kosmographie, I. — P. 230), «бу мис (нуҳос), унга қандайдир қаттиқлаштирувчи аралашма қўшилган. Форсчасига у хафт-жуш (етти марта қайнатилган) деб аталади». Толикун ҳақида Аййн-и-Акбарийда шундай дейлади: «Харчиний топилмаганида олти металлдан қотишма тайёрланади. Баъзилар уни толикун — махсус тайёрланган мис дейди (Beitrag, XXIV. — P. 90.; Steinbuch. — P. 122).

2. С қўлёмаларида шундай қўшимча қилинган: «Аҳмад ибн Содиқ ибн Муҳаммад ат-Табиб ҳижрий 626 йил сафар ойида (январь, 1221 йил) ўзи ва ундан кейин Оллоҳ кимни истаса ўша учун шарҳлаб берди. У ва унинг оиласига тинчлик тилаймиз. У марҳаматли Оллоҳни улуғлайди ва пайғамбар ва унинг оиласига марҳамат қилишини сўрайди».

«КИТОБ АЛ-ЖАМОҲИР ФИ-МАЪРИФАТ АЛ-ЖАВОҲИР» АСАРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН УЗУНЛИК, ВАЗН ВА ПУЛ БИРЛИКЛАРИ*

Узунлик бирликлари

Фарсах = 3 милъ = 6–8 км
Милъ = 2 км
Баъ = 2 м (1 саржин)
Киман = 1 баъ
Зироъ (тирсак) = 24 исбаъ = 50 см
Банжак = 1 зироъ
Шибр (қарич) = 23–24 см
Исбаъ (бармоқ) = 2 см

Пул бирликлари

Динор (олтин) = 4,23 гр = 20 дирҳам (кумуш)
Дирҳам (кумуш) = 2,97 гр 48 фалъс
Фалъс (мис) = майда саррофлик тангаси

Ҳинд ўлчов бирликлари

Тал (вазн ўлчови) = 100 қотия = 125 ман
Қотия (вазн бирлиги) = 1,25 ман
Тина = 16 машажа = 64 доник
Машажа = 4 доник

Вазн бирликлари

Вакр (1 туя юки) = 250 кг
Кинтар = («центнер») = 100 ман = 10 000 динар = 57 кг
Килъча = 2 ратл = 1,5 кг
Ман = 2 ратл = 24 уқия = 2,60 дирҳам = 816,5 г
Ратл = 12 уқия = 130 дирҳам = 406 гр
Уқия (унция) = 12 дирҳам = 33 граммга яқин
Истар = 4,5 мисқол = 20 гр
Мисқол = 6 доник = 24 тасужа = 4, 464 гр
Дирҳам (юнонча драхма) = 3,125 гр
Доник = 4 тасужа = 0,70 граммга яқин
Қирот (юнонча карат) = 4 шаъира = 0,2 гр
Тасуж = 2 (3) хабба = 0,18 гр
Хабба (буғдой дони) = 2 шаъира = 0,044 гр
Шаъира (арпа дони) = 6 хардала = 0,023 гр
Хардала (хантал уруғи) = 0,004 гр

Берунийнинг «Минералогия» асарида келтирилган ўлчов бирликлари замонавий ўлчов бирликларига яқинлиги билан қимматлидир. Берунийнинг турли фанлардаги ижоди ва муваффақияти унинг том маънода чексиз билим соҳиби эканлигини кўрсатди ва номини мангуликка муҳрлади.

* Келтирилган ўлчов бирликларининг аксарияти ҳозирги метрик тизимга нисбатан тахминий яқинликда кўрсатилди.

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ «КИТОБ АЛ-ЖАМОҲИР ФИ-МАЪРИФАТ
АЛ-ЖАВОҲИР» («ҚИММАТБАҲО ЖАВОҲИРЛАР ҲАҚИДА БИЛИМЛАР
КИТОБИ. МИНЕРАЛОГИЯ») АСАРИДА УЧРАЙДИГАН ҚИММАТБАҲО ЖАВОҲИРЛАР,
МИНЕРАЛЛАР, ТОШЛАР ВА МЕТАЛЛАР (ФИЛИЗЗОТ) РЎЙХАТИ**

Т/Р	Ўзбек тилида	Рус тилида	Асл матндаги шакли
	Ақиқ	Агат	Муаррак
	Ақиқнинг йўл-йўл, та- рам-тарам тури	Оникс	Жаз
	Аконит (доривор ўсимлик)	Аконит	Биш
	Аконит тоши	Камень аконита, ка- мень козла	Ҳажар ал-биш
	Битум	Битум	Кир
	Биринж	Бронза	Суфр
	Гагат (ялтироқ тошқўмир)	Гагат	Сабаж
	Ганч	Ганч	Жисс
	Гил	Глина	Тин
	Гранат	Гранат	Бижозий
	Гранатга ўхшаш тош	Камень подобный гранату	Жаржун
	Жез	Латунь	Шибҳ
	Зумрад	Изумруд	Зумурруд
	Ёқутга ўхшаш тош	Камень подобный яхонту	Сабандан
	Кумқайроқ	Наждак	Сунбозаж
	Илон тош	Камень змей	Хараз ал-ҳаят
	Ишқор	Поташ	Кали
	Квас	Квас	Шабб
	Кофур (ҳиди ўткир модда)	Камфара	Райахи
	Каркидон шохи	Рог носорога	Хуту
	Карбонат кислотаси- нинг натрийли тузи	Сода	Натрун
	Кумуш	Серебро	Фидда (сийм)
	Кумуш рангли сурма	Сурьма	Кухл

Лаъл	Лал	Лаъл
Ложувард	Лазавард	Лазавард
Магнит тоши (оҳанрабо)	Магнитный камень	Магнетийс
Маржон шодаси	Коралл	Буссаз
Малахит	Малахит	Дахнаж
Мис	Медь	Нуҳос (қитр)
Мармар	Мрамор	Рухам
Маргимуш	Мышьяк	Зирних
Мис чала оксиди	Окалина медная	Рӯсухтаж
Металларнинг олтингугуртли бирикмасидан ҳосил бўлган минерал	Колчедан	Марказит
Муз қатлам	Глет	Мартак
Мис ва қўрғошин қўшилмаси	Соединение меди и свинца	Дигрўй
Миснинг қалай ва қўрғошин қотишмаси	Сплав меди с оловом и свинцом	Рўй
Марганец	Марганец	Магнисийа
Марварид	Жемчуг	Дурр, Луълу
Новшадил	Нашатирь	Нушазир
Нефрит (яшил ёки сутранг ярим шаффоф минерал)	Нефрит	Яшм
Нефть	Нефть	Нафт
Олмос	Алмаз	Алмас
Оқ мис	Медь белая	Исфизрўй
Олтингугурт	Сера	Кибрит
Оҳор	Крахмал	Нашастаж
Олтинли кум	Золотоносный песок	Сава
Олтин	Золото	Заҳаб (Нудар)
Пўлат	Сталь	Булат
Пирит (темир ва олтингугурт бирикмаси)	Пирит	Баранжа, маркашит
Рангли қотишма	Цветной сплав	Азрак
Рух	Цинк	Тўтийа

Ранг киритувчи таби-ий буёқ моддаси	Аурипигмент	Зирийх
Садаф	Перламутр	Садаф
Симоб	Ртуть	Зиъбақ
Сарғиш яшил ёки сариқ рангли минерал	Оливин хризолит	Забаржад
Сафсар	Сафсар	Жамаст
Сиркатош	Уксусный камень	Хажар ал-халл
Эмал	Эмаль	Мийно
Суюқ олтин	Золото жидкое	Мустафшар
Слюда (шиша хом ашёси)	Слюда	Талк
Туз	Соль	Андарани
Танакор (рангсиз, баъзан оқ ранг, кулранг сариқ минерал)	Бура	Бурак
Тоғ муми	Горный воск	Чираг санг
Тоғ биллури	Горный биллурь	Биллур
Тошпахта	Асбест	Азаршуст
Темир оксиди	Окись железа	Зафаран ал-хадид
Тоғ биллурига ўхшаш тош	Камень, подобный горному биллурю	Аяим
Қора доғли қизил тош	Кровавик	Шозанаж
Тўтиё	Купорос	Халқанд
Табошир	Табошир	Табашир
Темир тошқол	Шлак железный	Тўбал ал-хадид
Темир	Железо	Ҳадид
Феруза	Бирюза	Бусхаки
Шиша	Стекло	Зужож
Шиша кўпиги	Стеклянная пена	Масхақунья
Шағал	Гравий	Хаса
Чақмоқтош	Кремень	Зирр
Эфирда эритилган дори	Тинкаль	Тинкар
Юмшоқ темир	Железо мягкое	Нармахан

Яшил бұёқ	Ярь-медянка	Зинжар
Яшим	Яшма	Йашм
Қалайли оқ минерал бұёқ	Белила оловянные	Исфизаж
Қизил темиртош (темир оксиди) ва алебастрит	Железный оксид	Хумахан ва-л-карак
Қадама нақш	Мозаика	Фусайсифа
Қора мум	Черный воск	Чираг санг
Қаттиқ темир	Железо твердое	Шабуркан
Кахрабо	Янтарь	Кахрабо
Қизил рангли минерал симоб сульфид	Киноварь	Зунжуфр
Кўрғошин	Свинец	Усруб
Қалай	Олово	Расос
Ёқут	Яхонт	Йақут
Ақиқ	Сердолик	Аъқиқ
Безоар	Безоар	Бозизахр
Эчки тоши	Камень козла	Хажар ат-тайс
Мўмиё (тоғ бальзами, мураккаб табиий биологик маҳсулот)	Горная смола	Мумё
Алебастрит	Алебастрит	Карак
Устара тош	Камень для бритья	Ҳажар ал-халқ
Ёмғир чақирувчи тош	Камень притягивающий дождь	Ҳажар жолиб ли-л-матар
Дўл қайтарувчи тош	Камень града	Ҳажар ал-барад
Хитой чинни идиши	Китайская блюда	Ал-қисоъ ас-Синия
Маргимушсимон бирикма	Соединение мышьяка	Харсиний
Дағал мис	Дурная медь	Батрўй
Тобланган мис	Закаленная медь	Толиқун

АСАРДА КЕЛТИРИЛГАН ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР ВА МЕТАЛЛАРГА ҚИСҚАЧА ШАРҲ

ЁҚУТ

Ёқут — минерал, таркибида оз миқдорда (2% гача) хром ионлари (Cr^{3+}) бўлган корунд (Al_2O_3)нинг қизил рангли тури. Беруний асарда бу нодир тошни «йақут» деб номлаган, (русча номи —яхонт, корунд минералининг бир тури, яна бир бошқа тури «рубин», қизил корунд дейилади). Аллома бу жавоҳирга бошқа минералларга қараганда батафсилроқ тўхталган. Ёқутга ўхшаш минераллар ҳақида ҳам ноёб маълумотлар келтирган. Замонавий маъданшунослар ёқутни алюминий оксиди (Al_2O_3)нинг корунд минералига хос жавоҳири деб ҳисоблайди. Беруний ёқут ҳақида, унинг ранги турлича бўлишини аниқ айтиб, асосан, кенг тарқалган оқ, кўк, сариқ ва қизил рангдаги минерал турларининг ҳар бирига ўзгача таъриф ва баҳо беради. Рангини аниқ тасвирлаш мақсадида, форсийда Марс планетаси қизил тусли бўлганлиги учун «Баҳром» деб аталишини қайд этган. Зангори, ташқи кўринишидан ёқутнинг бир тури (сапфир) ҳақида фикр юритиб, ниҳоятда ноёблиги ва унга оқ ёки кумушсимон нур тушса, тош ялтираб, 6 қиррали (гоҳо 12 қиррали) юлдуз чизиқчани ҳосил қилиши ҳақида фикр юритади. Бундай жавоҳирларнинг ноёблиги ва уларнинг табиатда камлигини таъкидлаган. Ҳақиқатан ҳам, бу ёқутнинг Бирма ва Танзания ўлкаларида топилганини бугунги геолог ва минерологлар ўз асарларида келтирмоқдалар. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 6,5—7,5. Зичлиги 3,47—3,83 г/см³. Ёқутнинг умумий кимёвий формуласи $\text{R}^{2+}_3 \text{R}^{3+}_2 [\text{SiO}_4]_3$, R^{2+} -Mg, Fe, Mn, Ca; R^{3+} - Al, Fe, Cr. Одатда ёқут дейилганда тор маънода ялтироқ қизил тошлар алмандинлар тушунилади. Ранги оч пуштидан тўқ қизилгача бўлади. Биринчи тоифали қимматбаҳо тошлар туркумига мансуб. Берунийнинг маълумотларига қараганда, ёқутнинг асосий конлари Вахонда бўлган. Шимолий Мьянманинг ёқут конлари қадимдан маълум бўлиб, Ўрта Осиё ва Европага ҳам шу ердан келтирилган. Бадахшондаги ёқут кони жуда машхур бўлган. Бу жавоҳир XVIII асрда Ўрта ва Жанубий Уралдаги сочма конлардан ҳам топилган. Энг катта конлари Мьянма, Таиланд, Шри Ланкада мавжуд. Ёқутнинг йирик шаффоф хиллари сунъий йўл билан олинади.



ЛАЪЛ

Лаъл — минерал, шпинелнинг қизғиш, пушти рангли хили. Беруний асарида ал-лаъл ал-Бадахший деб берилган. Кимёвий формуласи $\text{MgO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3$ (русчасига- шпинель дейилади, у магний ва алюминий оксидидир). Қаттиқлиги 7,5—8 бўлиб, олмос, ёқутдан кейин 3-ўринда туради. Куб сингонияли, кристаллари октаэдр шаклида, зичлиги 3,5—4,1 г/см³. Унинг таркибида темир, хром, рух, шунингдек, натрий



ва қалайи аралашмалари учрайди. Минералнинг янги аралашмалари таркиби ва генетик хусусиятларига боғлиқ равишда қизил, кўк, яшил, кўнғир ва қора бўлиши мумкин. Ўрта Осиёда лаъл тошининг кони топилганлиги тўғрисида энг дастлабки маълумотни Берунийнинг илмий талқинида кўриш мумкин. Унинг ёзишича, лаъл конлари Бадахшондан уч кунлик йўл масофада Варзафанж қишлоғи ёнида жойлашган. Беруний лаълни қуйидагича таърифлаган: Лаъл ўзининг ранги ва жилваланиб туриши билан ёқутга жуда ўхшайди, лекин қаттиқлиги жиҳатдан ундан қолади, шунинг учун бу минералнинг қирралари тез синиб кетади. Магмадан ажралиб чиққан иссиқ газ эритмаларининг оҳактошларга таъсиридан лаъл ҳосил бўлади. «Лаъл» — шунингдек буюк қомусий олим 3 та жавоҳирни алоҳида қайд этиб, уларнинг чиройи, ранги, ҳатто нархларини ҳам таърифлаб энг аввало ёқутни, зумрадни ва марварид (дур)ни кетма-кетликда келтириб ўтади. Шу билан бирга лаълни ҳам қайд этилган чиройли 3 та жавоҳир тошларга қўшса бўлади, агар унга яхшилаб ишлов бериб ялтиратса, ёқутдек гўзал бўлади, бироқ қирралари чатнаши, синиб кетиши мумкин, чунки унинг қаттиқлиги барибир, ёқутга тенг келмайди деб таъкидлайди. Лаъл асл тош сифатида заргарликда ишлатилади. Ҳозир сунъий йўл билан ҳам лаъл олинади.

БИЖОЗИЙ (ГРАНАТ)



Бижозий (гранат) — минерал, кўпроқ қизил бижозий бўлиб, Беруний асарида бижазий номи билан берилган. Бу Беруний таърифи бўйича уни алмандин минерали десак, хато бўлмайди. Чунки айнан алмандин темир ва алюминий силикати бўлиб, формуласи — $Fe_3Al_2(SiO_4)_3$. Ранги одатда қизилдан то жигар ранг ёки қизғич қорамтирдир. Айнан Беруний бижозий рангини кўюк қизил, қизил шароб рангига ўхшатади. Ялтираши — ойнадек. Қаттиқлиги 6,5—7,5 бўлиб, зичлиги 4,3 г/см³. Беруний алмандин минералининг зичлигини 3,9 дан 4,2 г/см³ гача деб ёзиб, унинг кимёвий таркибига қараб ўзгариб туриши мумкинлигини алоҳида қайд этиб ўтади. Шунингдек у гранатнинг энг яхши нави Цейлонда ва ҳозирги Бирма давлатининг Рангун туманини, ўша даврдаги Пегу подшоҳлиги пойтахти Сириам шаҳрини таъкидлаб ўтади. Ҳақиқатдан ҳам бижозийнинг энг чиройли ва соф нави Цейлонда шағал ва қумлардан қазиб олинмоқда. Ҳозирги кунда бижозийнинг тури бўлган алмандин Норвегия, Австрия, Россия, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Австралия ва АҚШнинг бир нечта штатларида қазиб олинмоқда.

ОЛМОС

Олмос — туғма элементлар гуруҳига мансуб минерал, соф углероднинг кристалл ҳолидаги тури. Олмос табиатда маълум барча материаллардан қаттиқлиги билан ажралиб туради ва шунинг учун саноатнинг кўп муҳим тармоқларида қўлланади.

Олмос инсониятга қадимдан маълум бўлиб, дастлаб Ҳиндистонда (мил. ав. VIII—VII асрлар) топилган. Кўп асрлар мобайнида олмос фақат Осиё минтақасида ишлаб чиқарилган. Кейинчалик Бразилияда (XVII аср), Россияда (1829 й.), Жанубий Африкада (XIX асрнинг 60-йиллари) қазиб олина бошлаган ва 1866 йил олмос саноатининг бошланиши деб ҳисобланади. Шу вақтдан буён Африка мамлакатлари олмос қазиб олинадиган асосий минтақа бўлиб келмоқда. Бундан ташқари, олмос конлари Жанубий Америка, Осиё (Ҳиндистон, Индонезия)да ҳам бор ва саноат миқёсида олмос олинмоқда. 1955 йилдан буён Россия (Якутия)да ҳам кўп олмос қазиб чиқарилмоқда. Ўзбекистонда олмос сочмаларини топиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Беруний уни «алмаз» деб атади. Араб тилида «ал-мас», грекча уни «азамас», русчада «алмаз» деб аталган. Сурияликлар олмосни қадимдан тошлар шоҳи ҳисоблашади. Олмос етуклик, енгилмаслик, куч ва ҳукмронлик рамзидир. Беруний олмос шунчалик қаттиқки, бошқа тош ва минералларни кесади, тирнайди, бироқ уни ҳеч бир жавоҳир ё минерал чизиб, тирнай олмайди деб таъкидлайди. Олмос хоссаларини тўлиқ ўрганган буюк аллома унинг рангини оқ-шаффоф, оч жигар ранг (оч сариқ), сариқ, қизил, яшил, кўк ва қора бўлиши мумкинлигини айтади.



Қизил рангли олмос ниҳоятда кам учрайди. Бироқ Беруний кам учрайдиган қизил олмос ҳақида ҳам ёзиб ўтган. Ҳозирги замон минералоглари олмоснинг айнан қизил, сариқ, яшил, кўк ранглари борлигини тан олишиб уларга тасниф келтиришган. Табиий олмос турли шаклларда учрайди. Унинг микроскопик дончаларидан тортиб 100 ва 1000 каратли (1 карат = 0,2 г) ўта йирик кристаллари ҳам мавжуд. Кўпинча 0,1—1,0 каратли олмос учрайди. Жанубий Африкада дунёдаги энг йирик олмос — 3106 каратли «Куллинан» топилган (1905) ва ундан 105 та бриллиант ясалган. Олмос ўзининг катталиги, шакли, ранги ва қўлланишига кўра, 7 категория ва 23 гуруҳга бўлинади. Олмос саноатида 2 хил — заргарлик ва техник олмос бўлиб, улар бир - биридан фарқ қилади. Мукамал шаклли, ўта шаффоф, соф, дарзсиз ва бошқа нуқсонсиз олмос заргарлик ҳамда безак ишларида қўлланади. Сифат ва катталигидан қатъий назар, қолган барча олмослар техник олмос ҳисобланади. Олмосда кремний, алюминий, кальций ва магний бирикмалари кўп учрайди. Олмос Моос шкаласи бўйича қаттиқлик эталони ҳисобланади (олмоснинг қаттиқлиги 10). Олмоснинг уй ҳароратида иссиқлик ўтказувчанлиги, кумушникидан юқори. Диамагнит хоссага эга. Олмоснинг ранги ва шаффофлиги ҳар хил. Рангсиз, оқ, ҳаво ранг, яшил, сарғиш, жигарранг, қизғиш, тўқ кулранг хиллари учрайди. Кристаллнинг ранги кўпинча бир текис тусда бўлмайди. Олмоснинг зичлиги $3,515 \text{ г/см}^3$, нур синдириш кўрсаткичи 2,417, дисперсияси 0,063. Нурнинг тўлиқ қайтиш бурчаги $24^\circ 24'$, айрим намуналари оптик анизотропия хоссасига эга. Олмос кислота ва ҳатто қайноқ ишқор эритмалари таъсирига чидамли, селитра ва сода ($t = 500^\circ\text{C}$) эритмаларида эрийди. Олмос ҳавода $850\text{—}1000^\circ\text{C}$ да, кислородда $720\text{—}800^\circ\text{C}$ да ёнади. Вакуум ёки инерт газда 1400°C да олмоснинг устки қисмида сезиларли графитланиш бошланади. Ҳарорат кўтарилиши билан бу жараён

тезлашади ва 2000°C атрофида (15—30 минут ичида) олмос графитга тўла айланади. Импульсли қиздиришда (3400°C да ҳам) олмос кристаллари сақланади, лекин 3600°C ва ундан юқорида графитга айланади. Шу туфайли олмос нормал босим ва 1000°C гача ҳароратда чексиз вақт сақланади. Олмос ер ости тубидан ва сочма конлардан қазиб олинади.

Олмоснинг кимёвий таркиби XVIII аср охирида аниқланиб, бу ҳол турли мамлакатларда сунъий (синтетик) усул билан олмос олиш учун кўпгина уринишлар бошланишига сабаб бўлди. XX асрнинг 50 йиллари ўртасида бир неча мамлакатларда деярли бир вақтда олмосни синтез қилишга муваффақ бўлинди. Олмосни синтез қилиш усуллари ривожланиши билан махсус физик хоссаларга эга бўлган (масалан, яримўтказгич ҳолида) синтетик олмос олиш ва ундан асбобсозликда кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

ҚУМҚАЙРОҚ



Қумқайроқ — форсийда уни тарашлаш, тешиш каби хусусиятларини эътиборга олиб, «сунбозаж» деб атаганлар. Пўлат каби қаттиқ бўлганлиги учун ҳам деярли барча нодир тошларни ялтиратиш ва уларга ишлов бериш учун ишлатилиб келинган. Қумқайроқ — (жилвир) бу тош. Беруний талқинича у шунчалик қаттиқки, жавоҳирларни силлиқлаш ва пардозлашда ҳатто олмос ўрнини боса олади. Унинг ёрдамида тошларни ўйилган, тешилган ва

силлиқлаб унга ишлов берганлар. Унинг конлари Ҳиндистон, Хитойга қарашли оролларда жойлашган. Энг қадрли ва олий навлиси Нубия, Цейлон ва Ҳиндистондан топилган.

Жилвир — шу минералнинг туркийча номи, у майда ва юпқа донадор кристаллардан иборат бўлган тоғ жинси. Бокситларнинг метаморфизмга учрашидан ҳосил бўлади. Жилвир таркибидаги корунд ва бошқа минераллар (магнетит, хлорит, қизил темиртош, кварц ва мўрт слюдалар) билан бирикиб кетган. Таркибида 60% гача бўлган жилвир табиий кўринишдаги материалларга киради. Ранги қора, қорамтир, кулранг, тўқ яшил бўлади. Жилвир кўпинча мрамрларда линза, шток, уюм томирлар шаклида, баъзан норит, гранитларда ва бу жинслар контекстида ксенонитлар кўринишида мавжуд. Ўзбекистоннинг Нурота, Молгузор ва бошқа жойларида учрайди.

МАРВАРИД



Марварид — (хитойча «чжен гжу» — денгиз чиғаноғи) минерал. Аморф сингония тузилишли. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 4. Зичлиги 2,9—3,0 г/см³. Беруний уни «луълуъ» деб номлаган, агар у йирик, катта донадор бўлса «дур» деб, кичик, майдаларини «маржон» деб атаган. Русчада «жемчуг» дейилади. Марвариднинг табиий

ранглилари оқ, оқ қора ранг, оч пушти, пушти, сариқ, қора ва жигар рандагилари ҳисобланади. Энг қиммат марваридлар пушти ва қора ранглилари, энг арзонлари сариқ рандагиларидир. Марвариднинг диаметри миллиметрларда ўлчанади. Табиатда думалоқ шаклдаги марварид кам учрайди. Марварид табиатда ҳосил бўлишига қараб 2 хил категорияга бўлинади: денгиз ва дарё марваридлари. Дарё марваридлари кўл ва дарё моллюскалари чиғаноқларида ҳосил бўлади. Денгиз марваридлари тўғри шаклли бўлади ва улар анча қиммат баҳоланади. Кимёвий таркиби калций карбонат билан конхиолиннинг органоминарал агрегатидир. Марварид Австралия, Хитой, Япония қирғоқларида қазиб олинади. Бундан ташқари, бу қиммат минерални Тинч океани оролларида ҳам топиш мумкин. Марваридни қазиб олиш 6 метрдан 40 метргача бўлган чуқурликда феврал ва март ойларида олиб борилади. Марварид заргарлик соҳасида фаол ишлатилади. Марвариднинг яшаш даври 150—300 йилни ташкил этади.

ЗУМРАД

Зумрад — (юнонча «smaradgos» — яшил дегани) минерал, беришнинг тўқ яшил тури. У нафис заргарлик нодир тошлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаган минераллардан биридир. Қаттиқлиги 7,5—8. Зичлиги 2,6—3,7 г/см³. Беруний уни «зумуррад» деб атаган ва худди шунга ўхшаган нодир тошни «забаржад» деб номлаган, бироқ уларнинг орасида оз бўлсада, фарқи борлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Таркибида оз миқдорда (2% гача) хром оксиди ва берилл (таркибида бериллий ва алюминий силикатидан иборат бўлган табиий бирикма) минераллари бўлади. Зумрад билан оливин хризолитни (Беруний уни «забаржад» деб атаган) кўпчилик бирга ўхшатиб, адаштириб юборади. Айнан Беруний ҳам уларни бир-бири билан хусусияти ва рангининг яқинлигини таърифлайди. Лекин улар умуман бошқа-бошқа минераллар. Ҳатто кимёвий таркибига, зичлигига, эътибор бериб ажратса бўлади.



Хризолит — бу темир ва магнийнинг ортосиликати. Зичлиги — 3. Зг/см³. қаттиқлиги 6. 5—7. Бу грекчадан «Хризос» — олтин, «литос» — тош маъносини англатади.

Зумрад бу бериллий билан алюминийнинг қўш силикати ($3\text{BeO} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot 6\text{SiO}_2$) унга озгина хром бирикмаси аралашганлиги учун, у яшил тусли бўлади. Кўриниб турибдики, зумраднинг ранги бир хил бўлгани билан унинг таркиби умуман бошқа, нархи ҳам хризолитга қараганди 3—4 баробар қиммат. Беруний зумраднинг энг тоза ва қимматбаҳоси деб яшил рандагиси эканлигини таъкидлаган. Ҳеч қандай доғсиз, оч яшил, ёки тўқ яшил аралаш, қора чизиқлари бор зумрадни паст навли, деб ҳисоблаган.

Чиройли товланиши, яхши жилоланиши, шаффофлиги, кристалл шаклининг чиройлилиги билан қимматбаҳо тошлар ичида биринчи даражали ҳисобланади. Зумраднинг дарз кетмаган шаффоф, массаси 5 каратдан ортиқ бўлган хили, шунга тенг бўлган ол-

мосдан қимматроқ туради. Шунингдек, зумрад кварц-дала шпатли томирларда ва ўзгарган сланец карбонатли жинсларда ҳам учрайди. Зумраднинг конлари кам. Асосий конлари Россия (Урал), ЖАР (Трансвааль), Колумбия (Мусо)да учрайди. Зумраддан қимматбаҳо тақинчоқлар ва безаклар тайёрланади. Сунъий зумрад квант механикасида ишлатилади.

ФЕРУЗА



Феруза — форсчада «firuza», «ғалаба» деган маънони англатади. Феруза алюминий ва миснинг сувли фосфат бирикмасидир, кимёвий формуласи — $[\text{CuAl}_6(\text{PO}_4)_4(\text{OH})_8 \cdot 5(\text{H}_2\text{O})]$. Феруза минерали асосан ҳаворанг, кўкимтир яшил рангларда бўлади. Беруний уни «фейрузаж» деб атайди ва деярли барча физик ва киёвий хоссаларига ва нав, турларига алоҳида тасниф бериб ўтади. Беруний феруза минералини навларга ажрата туриб, заргарларнинг фикрига алоҳида эътибор бериб, уларнинг

сўзларини илмий нуқтаи назардан баҳолайди ва фикрларини тасдиқлайди. Хусусан, энг тоза олий навли феруза ўта қаттиқ, зич, ранги тўлиқ бир хил тусда, тиниқ ҳаворангдагисини қимматбаҳо ҳисоблайди. Шунингдек, Беруний ўрта асрларда Илоқ давлатига қарашли бўлган ҳозирги Сарикчўққи кони атрофидаги Илоқ конининг феруза минерали ҳақида ҳам фикр билдириб, ундан олинган феруза тошининг 200 дюмли бўлганлигини ва уни 50 динорга баҳоланганлигини, кейинчалик эса худди шу феруза ўша оғирликда 200 динорга баҳоланганлигини келтиради. Шоҳларнинг ва саркардаларнинг суюкли тоши бўлган. Нишопур, Хуросон, Исфара ферузалари қадимдан машҳур бўлиб шоҳ ва султонларнинг узукларини безаб келган. Русчада «бирюза» деб аталади. Тузилиши тригонал ҳолда. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 5—6. Зичлиги 2,6—2,8 г/см³. Энг сифатли феруза Эрон, Афғонистон, Нишопур, Синай, Брокен-Хилл (Янги Жанубий Уэльс), Викториа, Австралия, Мексика, Сан-Бернардино округи, Инью округи, Империа округи, Калифорния штати шунингдек, Аризона, Невада, Колорадо штатлари (АҚШ)да қазиб олинади. Феруза минералининг бой конлари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистонда мавжуд. Африка ва Австралия ҳудудларида феруза минерали қайта ишлаб чиқарилади. Қадимги Эронда ферузадан сув идишлари тайёрланган, ҳамда у олтиндан қиммат ҳисобланган. Сунъий олинган ферузани табиий ферузадан ажратиш учун қиздирилади. Сохта феруза минерали суюқлана бошлайди, ҳамда ёқимсиз ҳид чиқаради. Феруза минералини кимёвий таркиби-мис ва алюминий фосфатларининг доимий қўшимчалар рух, олтингугурт, хром, никел, барий, титанли бирикмалардан иборат. Оқ феруза — у жуда ёш, охиригача шаклланмаган минерал ҳисобланади. Яшил ферузадаги яшил рангни темир қўшимчалари беради. Ҳаворанг феруза энг қиммати саналади. Берунийнинг маълумотича, феруза конлари Марказий Қизилқум ва Қурама тоғларининг ҳозирги Оҳангарон туманига қарашли Ўрғозсой овулининг жанубий тоғ ён этагида жойлашган.

АҚИҚ

Ақиқ — халцедон (SiO_2 кремний диоксида) қатламида темир, марганец ва бошқа кимёвий элементлар хосил бўлса, ушбу минерал вужудга келади. Ақиқ юнонча «агатес» сўзидан олинган бўлиб, «бахтли», «фойдали» маъноларини англатади. Беруний ақиқни халцедоннинг бир тури, агат минерали деб ёзади. Русча таржимаси «сердолик». Халцедоннинг бир тури, қатламли ёки йўл-йўл, баъзан яшил, қўнғир ва ҳаворанг ҳам бўлади. Ақиқ ингичка толали халцедонлар оиласига мансуб. Қатламларда рангларнинг ҳар хил уйғунликда келишига қараб қуйидаги хиллари фарқланади: ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури (оқ ва қора қатламлар), карнеол-ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури (қизил ва оқ), сардақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури (қизил-қўнғир ва оқ) ва ақиқлар (зангори-кулранг ва оқ). Кимёвий формуласи асосан SiO_2 дан иборат. Ақиқ таркибида кўп сонли кўшимча оксидлардан иборат оддий силикатдир. У кўпроқ базальт бирикмасининг ковак бўлиқлари ичида пайдо бўлади. Ақиқ ҳақида илк ёзма манбалар милoddан аввалги III асрдан ёзма манбаларда мавжуд. Овал шаклидаги тош «Миндалина» деб ҳам номланади. Ақиқдан ҳар хил маржонлар, тақинчоқлар ясалади, саноатда эса ҳовонча, ҳовонча дастаси, тарози призмалари, электр ва сув ўлчов асбобларининг таглиги, дазмоллаш ғалтаклари ва бошқалар ишланади. Гексагонал тузилишли бўлади. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 6,5—7 га тенг. Зичлиги 2,5—2,8 г/см³. Ақиқлар дунё конларида кенг тарқалган. Уни XIX асргача дунё бозорига Германия мамлакати асосий етказиб берувчи ҳисобланган. Бугунги кунда ақиқ минералининг йирик захиралари Бразилия, Австрия, Хитой, Мадагаскар, Ҳиндистон, Австралия, Уругвай, Мексика, АҚШ, Арманистон, Монголия, Грузия ва яна 10 дан ортиқ бошқа мамлакатларнинг ҳудудларида жойлашган. Россия ҳудудида ақиқ минерали Уралда қазиб олинади. Ақиқдан тайёрланган энг катта тақинчок, 75 см диаметрга эга. Заргарлик соҳасида ақиқ минералидан зирак, брошлар, узук ва кулонлар ясалади. Беруний ўз асарида агатни ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг ўрнини боса оладиган, айрим ҳолларда ундан тарам-тарам чиройли чизиклар ўтганлиги туфайли қимматбаҳо эканлигини, юпқа соч толаси ёки ёғоч ичидаги ўзагининг гулли айлана чизикларидек расмларнинг тузилиши учун ҳам одамларнинг қўлида сақланаётганлигини таъкидлайди.



АҚИҚНИНГ ЙЎЛ-ЙЎЛ ТАРАМ-ТАРАМ ТУРИ

Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури — (юннча «оникос», «тирноқ») ақиқнинг йўл-йўл, тарам-тарам тури. Ранги кулранг ва қора чизиклар, камдан-кам оқ, алвон, сариқ, қўнғир бўлади. Беруний уни «жаз» деб атаган. Русча сига ҳам ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури ониксдир. Тригонал сингоник тузилишга эга. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 3—4,5. Зичлиги 2,6—2,7 г/см³. Агатга қара-



ганда қатлами бироз қалинроқ. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури қиммат бўлмаган заргарлик безак тошлари қаторига киради. Чунки у юмшоқ, тез ейилади. Қадимги Мисрда ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан ҳайкаллар, чироқлар ва хушбўй ёғлар учун идишлар тайёрлашган. Усталар қадимда оқ-қора ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам туридан машҳур «Гонзак нақшинтош»ни тайёрлашган. Дунёда энг катта нақшинтош 26x31 смли ўлчамга эга. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури минерали турлари учга бўлинади: ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турини ўзи (оқ ва бошқа рангли чизиклардан ташкил топган), карнеол ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури (қизил оқ ва алвон оқ рангли), халцедонли ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури (оқ кулранг ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури). Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури ақиқнинг бир кўриниши. Табиатда вулқон таъсирида юзага келган тоғ жинслари таркибида учрайди. Қаватлилиқ тузилиши қолдиқ эритмалардаги халцедон ва кремнезем заррачаларга гравитацион кучлар таъсири туфайли юзага келади.

Кимёвий таркибига кўра, ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури бу кремний оксиди ва ҳар хил элементар кўшимчалар тўплами. Ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг энг катта конлари Ҳиндистон, Бразилия, Афғонистон, Эрон, Миср, Мексика ва Туркияда жойлашган. Бироқ, Беруний ўз асарида ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турининг конлари Хитойда борлигини такидлаб ўтади. Шунингдек, у барча тарам-тарамли, чизикчали тошларни «Қаланж» деб атаган, форсийда эса «Бақарани» дейилган, фақат уларнинг қатлам ва тарамлари қалин, чизикчалари кенг бўлган. Олимнинг фикрича, хабашлар ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам турида қизил тарам бўлмайди, қора тарамли бўлиб, форсийларникидан нави бироз паст деб баҳолашишини қайд этиб ўтади.

ТОҒ БИЛЛУРИ



Тоғ биллури — юнонча «kristallos» сўзидан олинган бўлиб «муз» деган маънони англатади. Беруний уни «Биллур» деб атайди. Русчада «Горный биллур» деб таржима қилинади. Тоғ биллури рангсиз, тригонал тузилишга эга. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 7. Зичлиги 2,5-2,65 г/см³.

Тоғ биллури айна пайтда кўп сонли кварцдир. Кимёвий таркиби асосан SiO₂. Тоғ биллури конлари Бразилия, Швейцария, Япония, Венгрия, Шри-Ланка ва Мадагаскарда учрайди. Россия ҳудудлари орасида Урал ва Якутияда қазиб олинади. Заргарлик соҳасида тоғ биллури асосан тақинчоқлар яшашда ишлатилади. Беруний унинг номига алоҳида таъриф бериб, у «маха» сўзидан, яъни «ма» (сув) ва ҳаво (ҳаво), бу дегани иккита асосий ҳаёт манбаи, сув ва ҳаводан пайдо бўлганини билдиради. Чунки биллур сув ва ҳаводек рангсиз ва тиниқ, дейди. Беруний шунингдек тоғ биллурига баҳо бера туриб, ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури (жаз) билан тоғ биллурининг зичлиги бир хил дейди (Ҳақиқатдан ҳам ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури (жаз) зичлиги 2,6—2,7 г/см³, биллурники — 2,65 г/см³). Биллурининг нафақат тоғ орасида, ғорларда балки

сахро, чўлларда ҳам учрашини, турли тош-қумлар орасида бўлиши мумкинлигини ай-тиб ўтади. Берунийнинг маълумотича, ўша даврда тоғ биллури Варзафанж қишлоғида қазиб олинган. Вахон ва Бадахшондан кўп миқдорда тоғ биллурига ишлов берилган ва ишлов берилмаган ҳолатда бошқа мамлакатларга жўнатилган, деган маълумотларни ёзиб қолдирган.

МАРЖОН ШОДАСИ

Маржон шодаси — (маржон шода) юнонча «koralion», «денгиз ўғли» деган маънони англатади. Маржон шодаси, яъни минералининг ранги оқ, қизил, бинафша, сариқ, ҳаворанг, тузилиши аморф ҳолда бўлади. Беруний уни «Бус-саз» деб атайдди. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 3,5 — 4, зичлиги эса 1,3 — 2,6 г/см³. Маржон шодасидан ясалган тақинчоқлар қадимги Шумер қироллиги ҳудудларидан топилган. Экспертлар фикрича, топилган тақинчоқларнинг ёши 6000 йилдан зиёд. Ерда бундай маржон шодалари 500 млн. йилдан буён мавжуд. Беруний «Минералогия» асарида маржон шодасига қумқайроқ ёки тегирмон тоши ёрдамида ишлов берилиб, тобланган пўлатда пармаланганлиги ҳақида маълумотлар келтиради. Маржон шодаларнинг узунлиги 40 см, қалинлиги 4 см гача бўлиши мумкин. 85 % маржон шода (маржон шодаси) қаттиқ калцитдан иборат, қолганлари 15 % ли магний карбонат, темир ва марганец оксидлари, органик моддалардан иборат бўлади.

Маржон шода (маржон шодаси) Япония, Австралия, Таиланд, Канар ороллари ҳамда Ўрта Ер денгизи сувларидан олинади. Заргарликда маржон шода айлана шаклдаги тақинчоқлар ясашда қўлланилади. Оқ маржон шодаси минерали заргарлик соҳасида қўлланилмайди. Рангига қараб маржон шодалар сотувда турли хил номланади. Қора минерали- аккобар, оқ минерали byanko, оч бинафша- pelle d'angelo (фаришта териси), қизил-rosso, тўқ қизил- rosso skuro деб ҳам номланади.



САФСАР

Сафсар — юнонча «ametistot» «мастликдан эркин» деган маънони англатади. Минерал, кварцнинг шаффоф бинафша рангли тури бўлиб, тригонал тузилишга эга. Беруний бу минерални «жамаст» деб атайдди. Русчасига «сафсар»дир. Бу қимматбаҳо тош кварцнинг (SiO₂) табиатдаги йирик кристалли бўлиб унга темир ва марганец аралашиб чиройли бинафша тусга киради. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 7, зичлиги 2,6 г/см³. Сафсарнинг йирик, чиройли рангли кристаллари қимматбаҳо тош. Хозирги кунда сунъий сафсар



ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Сафсар гранит пегматитларида, кварц ер томирларида ва баъзан метаморфик тоғ жинслари ичида ҳам ҳосил бўлади. Бундан ташқари, сафсар минерали Алп тоғлари лаваси миндалиниларидан паст ҳароратда ҳам ҳосил бўлади. Кимёвий таркиби бўйича сафсар кварц SiO_2 билан темир қўшимчаларидан иборат.

Сафсар минерали қадимдан маълум. Қадимги Миср фиръавнларидан тортиб, Россиянинг буюк подшоси Екатеринанинг ҳам суюкли жавоҳир тошларидан бири бўлиб келган. Бироқ Беруний тасвирланган жамастнинг айрим хусусиятлари, физик хоссалари сафсарнинг (аметиситнинг) хусусият ва физик хоссаларига мос келавермайди. Минерал ҳақидаги биринчи маълумотлар Аристотел асарларида келтирилган. Сафсар конлари Бразилия, Шриланка ороли, Мьянма (Бирма), Урал тоғлари, Украина ва бошқа жойларда ҳам бор. Сафсар ўзгарувчан, ҳароратда тезда ўзгаради. 300°C ҳароратгача қиздирилганда тез рангсизланади, 500°C ҳароратда куйдирилганда, сарғиш-жигар цитринга айланади, 575°C да қиздирилганда, кристалл ранги перламутрга ўхшаш бўлиб қолади.

ЛОЖУВАРД



Ложувард — ложувард арабча «азул», яъни «осмон» деган маънони англатади. Ранги ҳаворанг, кўк, бинафша. Кубиксимон сингонал тузилишга эга. Беруний уни «Лазавард» деб атади. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 5,5—6. Зичлиги 2,3—2,4 г/см³. Ложувард ҳақидаги илк манбалар Бадахшондаги қадимги конларига бориб тақалади. Берунийнинг ёзишича, асосий конлар Арманистон ва Бадахшон худудларида бўлган. Уларнинг ёши 7 минг йил деб ҳисобланади. Айнан шу ердан ложувард Ўзбекистонга, Хитойга

қироллик саройлари безаклари учун келтирилган. Заргарлик соҳаларидан ташқари минерал санъат асарларида кенг қўлланилган. Қалин ложуварддан Қуёш нурларига чидамли пигментлар тайёрланган. Ложувард пластин ёки овал шаклида бўлади. Минералнинг ҳаворангли туридан эсдалик буюмлари тайёрланади. Табиатда ложувард бир неча миллиметр диаметрга эга бўлган майда кристалл ҳолатда учрайди. Ложуварднинг пайдо бўлиши метаморфик карбонатларнинг олтингугурт тутган қатламлари билан-атроф-муҳит билан ўзаро таъсири натижасида рўй беради. Минерал ҳосил бўлиши учун 600°C дан кам бўлмаган ҳарорат талаб этилади. Кимёвий таркибига кўра, ложувард натрий ва калцийнинг алюино-силикатидир. Минерални қазиб олиш тоғларда 5 минг метр баландликда амалга оширилади.

МАЛАХИТ

Малахит — юнонча «малакос», яъни «юмшоқ» деган маънони англатади. Малахит минералини ранги чиройли яшил, тузилиши моноклиник. Формулasi $\text{CuCO}_3\text{Cu}(\text{OH})$. Беруний уни «Дахнаж» деб атагани билан бирга турли мамлакат шаҳарларида турлича номланишини қайд этиб ўтади. Масалан: Ироқда — дахнаж фариди, Нишапурда — фа-

риди, Ҳиротда — ванжўйи, Ҳиндистонда — тўтиё ва ҳ. к. Шунингдек, у малахитни феруза номли тошнинг ўхшашлигини, кимёвий таркиби мисли бирикмалардан иборат эканлигини қайд этиб ўтган. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 3,5—4. Зичлиги эса 3,9 г/см³. Малахит мис сульфатли эритма билан карбонатли сувлар таъсирланишида ҳосил бўлади. Малахит минерали мис рудалари бўлган оҳакли ғорларда пайдо бўлади. Малахит минерали табиатда кристалл ҳолида кам учрайди. Кимёвий таркиби мис гидрооксокарбонат $(\text{Cu}(\text{OH}))_2\text{CO}_3$. Малахитдан ясалган буюмлар неолит даврига тақалиши олимлар томонидан аниқланган. Малахитнинг маълум захиралари Қозоғистон, Германия, Хитой, АҚШ, Австралияда жойлашган. Малахитга бой конлар Африка ҳудудида кўп учрайди. Малахит минерали қазиб олиш карьерларда олиб борилади. Табиий малахит минерали кислоталар таъсирида парчаланadi.



НЕФРИТ

Нефрит — (юнонча «nephros», яъни буйрак; нефритнинг майда тошлари буйрак шаклида бўлганлигидан қадимда ўша тошлар буйракни даволаш хусусиятига эга деб ишонганлар) минерал, тремолит, актинолит қаторидаги амфиболларнинг микротолали тури. Унинг кимёвий формуласи $2\text{CaO} \cdot 5\text{MgO} \cdot \text{H}_2\text{O} \cdot 8\text{SiO}_2$. М-бу ерда Mg ва Fe миқдорини билдиради. Чунки магний ҳам, темир ҳам нефрит таркибида ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам нефрит рангсиз оқдан, оч яшил ва ундан тўқ яшил қадар ўзгариши мумкин. Беруний уни «Йашим» («йасиб» ҳам дейишган) деб атади. Яшимнинг конлари, хусусан Шарқий Туркистонда, ҳозирги Хитойнинг Хўтон вилоятидаги Қора қош водийси ҳудудида олиниб, қайта ишланиши ҳақида аниқ маълумотлар ёзиб қолдирган. У ерда ҳозиргача нефритдан безак буюмлари ва турли рангли идишлар қилинмоқда. Шарқий туркийлар ва мўғуллар нефритни (йашим) «каш» деб аташган. Лотинчада jaspis деб ёзилган. Жуда ингичка толалари чигаллашиб кетган агрегат ҳолида учрайди. Нефритнинг қовушқоқлиги ва қаттиқлиги чигал толали агрегатлари микроструктураси билан боғлиқ. Ранги сутранг — оқ, оч яшилдан яшил ва кўнғир яшилгача бўлиши Cr^{3+} , Fe^{2+} ва Ni^{2+} аралашмаларига боғлиқ. Нефрит кам ҳолларда кулранг, оқ ёки қора рангда учрайди. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 5,5—6,5. Зичлиги 2,9—3,1 г/см³. Яхши силлиқланади. Нефритдан қадим даврда қурол, безак тош, декоратив бадий буюмлар ясада фойдаланилган. Нефрит Хитой, Ҳиндистон, Мьянма каби мамлакатлар тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Қимматбаҳо заргарлик тошларидан бири ҳисобланади. Табиатда серпентенит, пироксенли ва амфибилли кристаллик сланецлар ва бошқаларнинг метаморфизмланишидан ҳосил бўлади. Нефрит асосан, аллювиа 1 ётқизиклардан майда тош кўринишида ажратиб олинади. Йирик конлари Ёркенд, Хўтан дарёлари ҳавзаларида, Байкал кўли яқинида, Янги Зеландия оролларида ва бошқа жойларда топилган.



ГАГАТ



Гагат — (юнонча «Gagates» — қора қахрабо, арманча — «Ги шери», яъни — тун) тошқўмирнинг тўқ қора, ўта ялтироқ тури. Қайишқоқ. Синиш юзаси чиғаноқсимон. Қора ялтироқ бўлмаган гагат органоген тош ҳисобланади. Беруний уни «Сабаж» деб атайди. У қимматбаҳо нодир тошлар сирасига кирмайди. Унга ишлов берилиб, кўпроқ от ва эшакларнинг бўйнига тақиб қўйилганлигини Беруний ўз асарида ёзиб ўтган. Унинг Фарғонада ёқилғи сифатида кенг қўлланилишини алоҳида қайд этган. Гагат 20 см қалинликдаги линза ва қатлам ҳолида учрайди. Гагат неолит давридан маълум. Қадимда гагат сеvimли безак ҳисобланган. Қаттиқлиги 3—3,5. Соф оғирлиги 1,3—1,4. Денгиз лойқалари остида кўмилиб қолган дарахт қолдиқларининг метаморфизмга учрашдан ҳосил бўлади. Мезозой ва кайнозой ётқизикларида кўпинча соф ҳолда, баъзан қумтош, мергел, бир оз ўзгарган тошқўмир ва кўнғир кўмир қатламлари орасида уюм ёки бўлақлар шаклида учрайди. Гагат конлари Англия, Франция, Германия, Испания, АҚШ, Кавказ, Қрим ва Фарғона ҳудудларида аниқланган. Гагат осон жилоланади. Литотерапияда гагат массаж учун шар, амулет, тақинчоқ, яна негатив энергияни йўқотиш учун паррак ҳолида ишлатилади. Шарқ мамлакатларида майда заргарлик буюмлари (мунчоқ, тасбеҳ ва бошқалар) тайёрлашда ишлатилади.

БОЗИЗАҲР



Бозизаҳр — бу табиий, нодир тош. Беруний бозизаҳр ҳақида қуйидагиларни таъкидлаган:

1. Табиий тош;
2. Юмшоқ ва осон кесиладиган ва қирқилиш хоссасига эга;
3. Ранги сариқ, яшил ва оқ ёки сариқ фонда оппоқ, гоҳ ола-чипор сариқ бўлади;

Унинг конлари Ҳиндистон ўлкаси, Хитой деб қайд этилган. Демак, бунда Бирма атрофидаги жадеит конлари эътиборга олинган бўлиши мумкин. Бозизаҳр ва тошпахта (асбест) табиатда бирга учрайди.

ЖАДЕИТ



Жадеит — яшил, оқ, кўк, сиёҳ рангда бўлади. Змеевик (серпентин) билан минераллари бир-бирига ўхшашдир, бироқ улар ранги ва товланиши билан қисман фарқ қилади.

Жадеит бу табиатдаги натрий, алюминий ва темир силикатидир, унинг формуласи — $\text{Na}(\text{AlFe})\text{Si}_2\text{O}_6$, қаттиқлиги — 6,5—7. Зичлиги—3,25—3,35.

Серпентиннинг таркибида ҳам асосан илон пўстига ўхшаш гулдор минерал (змеевик) бўлиб, формуласи — $Mg_3Si_2O_5(OH)_4$. Қаттиқлиги—2,5. Зичлиги — 2,5—2,6.

«ЭЧКИ ТОШИ»

Эчки тоши — ушбу тошни арман халқи «Макул хайат» деб атаган. Беруний ўз асаридан уни «Хажар ат-тайс» номи билан, форсийда эса «Тирйак» номи билан атаган. Ранги қора ва яшил оралиғида. Айнан эчки тоши дейилишининг сабабларидан бири, бу нодир тош тоғ эчкиларининг ичак-чавоғи ичидан олинади ва ниҳоятда ноёб бўлиб, фақат шоҳ саройларидаги хазинада сақланади. Айтишларича, тоғ эчкиси тоғда турли заҳарли илонларни еб қўяди (ўт-ўлан билан бирга майда тош ва қумларни ҳам ейди), натижада эчкининг ичагида у қуюқлашиб, юмалоқ кўринишга келади ва табиий илон заҳрига қарши минерал пайдо бўлади. Кейин тоғ эчкиси сўйилиб, ичагидан тош олинади ва унга ишлов берилади.

МЎМИЁ

Мўмиё — бу тоғ қатрони бўлиб, баланд тоғдаги тош ва қоялар орасидан, минерал тошга ёпишган жойидан ўткир тигли асбоб билан ажратиб олинган ва уни хушбўй қатрон сифатида аҳоли уйларида сақлаган. Сабаби, у синган суякларнинг тез битишига малҳам бўладиган Fe_2O_3 (темир оксиди — қизил темиртош) табиий бирикмадир. Беруний уни «Мўмийа» деб атаган. Мўмиёнинг тиббиётда, саломатлик учун кенг қўлланилиши ҳақида Беруний умрининг охирида, яъни 1045—1048 йилларда доривор ўсимликлар ҳақида ёзган «Сайдана» («Фармакогнозия») китобида батафсил маълумот берган.



ИЛОНТОШ

Илонтош. Форсийда уни «Мор-мухра», араб тилида эса Беруний «Хараз ал-хайат» деб номлаган. Илонтош деб номланишига муаллиф иккита сабабни кўрсатади; биринчиси, бу нодир тош заҳарли илон чаққанда малҳам сифатида фойдали эканлиги айтилади, у сут ёки шаробга аралаштириб, илон чаққан жойга суртилади ва ичилади. Иккинчиси, ушбу тош илон танасидан туғилади, сўнг ундан олинади. Илонтош ҳақида Берунийнинг «Минералогия» асарида берилган изоҳда қуйидаги фикрлар келтирилади: «Илоннинг бошида тош бор, тошнинг ранги асалари ёки товус бўйнининг рангига ўхшайди. У ярқираб туради ва бебаҳодир. Бундай тошни тақиб юрган подшо заҳарланишдан сақланади ва касалликка йўлиқмайди».



КАРКИДОН ШОХИ

Каркидон шохи — бу модда жониворлардан келиб чиққан бўлиб, Беруний уни «Хуту» (айрим манбаларда «Хутв», «Хартут») деб номлаган бўлса, ҳозиргача Шимолий Африкада каркидон шохи «Хартит» дейилади.

Берунийнинг фикрича, қадимдан Хитойда заҳарли илонга қарши малҳам воситаси сифатида тиббиётда кенг қўлланилиб келинган.

КАҲРАБО



Каҳрабо — рангсиз, олтинранг, алвондан то бутунлай қорагача рангларда бўлади. Беруний уни «Қаҳраба» деб атаган. Унинг фикрича, игнабаргли дарахтларнинг учламчи геологик даврда минераллашган смоласидан пайдо бўлади. Шунингдек, у конларда пайдо бўладиган қазилма бойликдир. Тоза каҳрабо 280 °С да эрийда ва ундан юқорида ёниб кетади. Аморф сингонал тузилишга эга. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 2—2,5. Зичлиги 1,05—1,3 г/см³.

Каҳрабо органиген минерал ҳисобланади. Ер флорасининг эволюцияси натижасида каҳрабо минерали ҳосил бўлган. Кимёвий таркибига кўра, углерод бирикмалари 78%, кислород 11% ва водород 10%, қўшимча моддалар 1%, формуласи — $C_{10}H_{16}O$. Табиатда бўлаклари ҳар хил бўлган ўлчамда учрайди. Каҳрабо минерали неолит давридан маълум. Қадимда яшаб ўтган одамлар жанг қуруллари ва тақинчоқларни шу минералдан тайёрлаганлар. Айрим қабилалар орасида каҳрабо минерали пул вазифасини бажарган. Минералнинг оммабоплиги XVII—XVIII асрларга тўғри келади. Дунё каҳрабосининг қарийб 90% и Болтиқ бўйи денгизи қирғоқларидан олинади. Фанга маълумки, миллион йиллар олдин ҳалок бўлган ҳашаротларнинг қолдиқлари табиий кристалл ҳолида сақланиб қолган. Каҳрабо қаерда учрашига қараб, турларга бўлинади.

МАГНЕТИТ



Магнетит — бу магнитланган темиртош бўлиб, формуласи темир оксиди — Fe_3O_4 , (уни аниқроқ тушиниш учун $Fe \cdot Fe_2O_4$ ёки $FeO \cdot Fe_2O_3$ ҳолида ҳам ёзса бўлади). Беруний бу минерални «Магнотис», форсийда — «Ахан рубай», ҳинд тилида «Кадахак» («Харбаж»), эски санскрит тилида «Кантахар» деб атайди. Минерал «ўзига тортувчи», «жалб қилувчи» маъносини англатиб, қадимдан оҳанрабо тошини аҳоли доимо хўжаликда кенг қўллаб келган. Айниқса, камоннинг темир ўқлари танага кирганда уни чиқаришда, тиббиётда фойдаланган. Ранги

қора, қаттиқлиги 5,5—6,5. Зичлиги — 5,1 г/см³. Бугунги кунда магнетитнинг йирик конлари темир ажратиб олишда асосий хом ашё бўлиб хизмат қилмоқда. Асосий магнетит конлари; Швейцария, Австрия, Италия, Швеция, Россия, АҚШ ва Траверселла каби давлатлардир.

ҚИЗИЛ ТЕМИРТОШ

Қизил темиртош — Хуноҳан, Қизил темиртош, (юнонча «gematikos» — қон) темир ялтироғи — табиатда темирнинг кенг тарқалган минерали. Кимёвий формуласи Fe₂O₃. Таркибида 70% гача темири бор. Баъзан титан (11% гача TiO₂ титаноқизил темиртош), алюминий (14% гача Al₂O₃, — алюмоқизил темиртош), марганец (17% гача — марганец қизил темиртош), сув (H₂O — 8% гача гидроқизил темиртош) аралашмалари бўлади. Беруний бу минерални рангига қараб турлича номлаган. Агар олтин рангига ўхшаб ялтираса, уни «Шозаноҳ» деб атаган, тим қора ялтироқ бўлса уни — «Зинжи» деган. Бироз, қадрсиз бўлган қизил темиртошнинг кенг тарқалган турини у, «Хуноҳан» деб атайди. Ундан ташқари халқ орасида қимматбаҳо тошлардан бирининг номи «Хумана» дейилган. Беруний бу араблар ўзларининг тилларига мослаштириб «Хуманах» дейилишини, бу ҳам, аслида, «Хуноҳан» (геметит) эканлигини таъкидлайди. Ўз даврида унчалик қиммат бўлмаган бу минерал ҳақида Беруний кенг маълумот бермаган. Бироқ, у қаерда қизил темиртош бўлса, хоҳ у ернинг устки қисми бўлсин, хоҳ у ер остида, айнан ана шу ерда олтин борлигидан далолат беради, деб ёзади Беруний.



Тригонал сингонияли. Кристаллари кўпинча парраксимон, варақсимон, буйрак шаклида, ранги пўлатранг — кулрангдан қорагача. Ярим металлсимон ялтирайди. Чиннига чизилса, қизил из қолдиради. Қаттиқлиги 6—6,5. Соф оғирлиги 5,3 г/см³, (зичлиги). Қиздирилганда магнитланади, 1594°С ҳароратда эрийди. Қизил темиртош интрузив жинсларда, гидротермал конларда кварц, барит, магнетит, хлорит билан бирга ва вулқон кратерлари деворларида учрайди. Нураш жараёнида темир гидроксидларининг сувсизланиши натижасида ҳам қизил темиртош ҳосил бўлади. Регионал метаморфизм жараёнида қизил темиртошнинг жуда катта массалари вужудга келади. Ўзбекистонда Чотқол-Қурама тоғларидаги темир конларида (Тебинбулоқ, Суренота, Қўйтош, Ғова, Мингбулоқ, Тўрангли, Чақадамбулоқ), кўп металл конларда (Қўрғошинкон, Олтинтопган, Консой) тарқалган. Украина (Кривой Рог), Россия Федерацияси (Курск магнит аномалияси, Урал тоғлари, Сибирда), АҚШ, Канада, Бразилия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда йирик конлари бор. Қизил темиртош рудалари чўян ва пўлат олишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Тоза куқунсимон хиллари бўёқ тайёрлашда ишлатилади. Қизил темиртош — темир ажратиб олинадиган руданинг таркибидаги асосий минералдир.

АЛЕБАСТР



Алебастр — таркибида 75 % сувини йўқотган кальций сульфат, формуласи — $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$. Бу модда, яъни кальций сульфат (ганч) 128°C гача қиздирилганда сувининг бир қисмини йўқотиб алибастрга айланади. Табиатда учрайдиган селенит, ёки ганч тиниқ моноклиник кристаллардан иборат ва ангидрит ромбик кристаллардан иборат CaSO_4 минераллардир. Беруний бундай оқ тошни «Карак» деб атайди. Уни оқ тош, юмшоқ, фил суягини эслатувчи моддага ўхшатади. Шунингдек, у ақиқнинг йўл-йўл тарам-тарам тури мрамари, кальцит, яъни оҳактош (CaCO_3), ароганит ҳақида батафсил маълумотлар бериб, унинг Шарқ мамлакатларида конлари кўплигини ҳам қайд этиб ўтган.

ШИША



Шиша — таркиби шиша ҳосил қилувчи компонентлар (кремний, бор, алюминий, фосфор, германий оксидлари ва бошқалар) ва металллар (литий, натрий, қалайи, кальций, магний, кўрғошин ва бошқалар)нинг оксидларидан иборат аралашмани қиздириш йўли билан суюқлантириб совитишдан ҳосил бўлган аморф мўрт материал. Беруний уни «Зужаж» деб атайди, Беруний шишани (зужажни) қум ва кремнийли тошни майдалаб, сўнг юқори ҳароратда, олов тиғида олинишини батафсил ёзиб қолдиради. Шунинг учун ҳам шишанинг замонавий олиниш усулининг баёнини бериб ўтишни жоиз топдик. Шиша қиздирилганда кристалл моддалар каби маълум бир ҳароратда суюқланмайди ва қотмайди, балки аста-секин қаттиқ ҳолатдан чўзилувчан юмшоқ ҳолатга ва ниҳоят суюқ ҳолатга ўтади. Суюқлантирилган шиша эритмаси совитилганда маълум ҳароратлар оралиғида аввал пластик ҳолатга ўтади, сўнгра қотади. Шиша — изотроп, яъни унинг физик хоссалари турли йўналишлари бўйича ўлчанганда бир хил бўлади. Таркибидаги аорганик бирикмаларнинг турига кўра, шишалар қуйидаги синфларга бўлинади: элементар шишалар, оксид шишалар, галогенид шишалар, халкогенид шишалар ва аралаш шишалар. Ишлатилишига кўра, қурилиш шишаси, меъморчилик-қурилиш шишаси, автомобиль шишаси, термик барқарор шиша, оптик шиша ва бир қанча турлари бор. Табиатда перлит ва обсидиан каби табиий шишалар мавжуд. Шиша $1400\text{—}1450^\circ\text{C}$ ҳароратда пиширилади. Шиша халқ хўжалигида, шиша тола ва шиша пластиклар ишлаб чиқаришда, техниканинг турли соҳаларида — оптика, асбобсозлик, ёруғлик техникаси, шиша идишлар, маиший ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

СИР — ЭМАЛ

Сир — Эмал (французча «emali») — металл сиртига электро-кимёвий усулда қопланадиган мустаҳкам қоплама. Эмалларнинг асоси кремний (IV) оксид, бор (B) (III) оксиди, ишқорий ва ишқорий ер металлларининг оксидлари, баъзан фторидлар, алюминий оксиди, титан (IV)- оксиди, кўрғошин ҳамда рух оксидларидан иборат. Беруний ўз асарида таърифлаган модда бу — «Мина». Уни айнан эмал деб таржима қилиш нотўғри. Чунки Беруний таърифи бўйича бу модда шишасимон ва шишанинг бир тури бўлиб, ундан (шишадан) юмшоқроқ ва анча оғирроқ, чунки таркибида кўрғошин бирикмаси бор. Бу модда айнан бўлмаса-да, қоплаш, сирлаш, бўяш учун ишлатилган. Шунинг учун ҳам уни эмал ёки сир деб таржима қилинди. Эмал тайёрлаш учун хом ашё аралашмаси (дала шпати, кварц қуми, танакор, борат кислота, сода, селитра, флюрит, криолит, бўягичлар ва бошқалар) махсус печларда 1150 — 1300 °C ҳароратда суюқлантирилгач, тегишли ишловлар берилади. Эмал шаффоф ёки бўғиқ, турли рангда бўлиши мумкин. Сопол ва шиша маҳсулотларига қопланадиган сирлар ҳам гоҳо эмал деб аталади. Эмал металлларни занглашдан сақлайди ва ташқи кўринишини кўркамлаштиради. Эмал асосан қора металллар, чўян, пўлатга, баъзан мис ва алюминий ҳамда турли қотишмалардан ишланган маҳсулотларга қопланади.

ФИЛИЗЗОТ — МЕТАЛЛАР

СИМОБ

Симоб — бу кумушдай оқ суюқ металл. Хона ҳароратида металллар орасида ягона суюқ ҳолдаги ялтироқ металл рангидаги кумушсимон металл. -40 °C совуқда у қаттиқ ҳолга ўтади. Табиатда кўпроқ киноварь (қизил рангли симоб минерал) ва каломелли минераллари ҳолида қаттиқ бўлади. Беруний уни «зибак», «завук» деб атайдди. Бу ном «заввака» сўзидан келиб чиққан бўлиб, безамоқ, шакл бермоқ маъноларини англатади. Унинг асосий минерали киноварь бўлиб у қип-қизил тусли симоб сульфиди бўлиб, бўёқчиликда кенг қўлланилган. Беруний «завук» сўзининг келиб чиқиши «тазвик», у эса «тасвир» (тақинчоқлар) сўзларидан пайдо бўлганлигини, талаффуз пайтида ўзгарган бўлиши мумкинлигини қайд этиб ўтади. Беруний симобнинг зичлигини сувга нисбат қилиб ҳисоблайди ва 13,52 г/см³ дейди. Ушбу асарида у симобнинг зичлигини 13,58 г/см³ деб келтиради, ҳозирги маълумотларга кўра унинг зичлиги 13,55 г/см³ га тенг. Симоб буғи ўта хавфлидир. Ўзбекистонда 50 дан зиёд симоб ва сурма конлари очилган. Бироқ, уларнинг захиралари кам бўлганлиги сабабли, қазиб олинмайди. Лекин республикамызда бир қанча симоб конлари очилиши мумкин бўлган ҳудудлар бор. Буларга Молхузор—Туркистон (Зомин руда минтақаси), Зирабулоқ—Зиёвиддин, Қизилкум (хулжуҳ —1, хулжуҳ —2 ва бошқа рудали минтақалар) ва бошқалар киради.



ОЛТИН



Олтин — (Aurum), Au кимёвий элемент. Асл металллардан биридир, ранги сариқ, оғир металл. Табиатда олтин 1 та барқарор изотоп ^{197}Au ҳолида учрайди. Олтин инсонга маълум бўлган дастлабки металллардан биридир. Зичлиги — $19,299\text{ г/см}^3$. Археологик топилмалардан олтин буюмларнинг милоддан V-IV минг йил илгари ясалгани маълум. Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитойда милоддан аввалги III-II минг йилликларда олтин қазиб олинган ва ундан

турли буюм ва безаклар ишланган, кейинчалик танга пул зарб қилинган. Ўрта Осиёда Кушон давлатида олтиндан ясалган заргарлик буюмлари топилган. Беруний ўз асарида олтинни «Заҳаб» деб атайтиди ва араблар уни «Нудар» деб аташини ҳам ёзиб қолдирган. Шунингдек, румийликлар уни Харусўн (хризос), сурияликлар — Дахаба, ҳиндлар — Суварн, туркий халқ — Олтин, форсийда — Зар деб номланишини айтиб ўтади. Олтиннинг хоссалари, хусусияти олиниши билан бирга олтин конлари ва қазиб олиш жараёнлари, олтиннинг симоб билан қотишмаси ва рудаларни майдалашда уриб янчадиган тегирмоннинг қўлланиши ҳақидаги маълумотлари жуда қизиқарлидир. Олтин ҳақида фикр юритган аллома темирнинг зичлигини сув ва олтинга қийслаб $7,87\text{ г/см}^3$ тенглигини келтиради (темирнинг зичлиги — $7,86\text{ г/см}^3$). Олтин табиатда кўпинча эркин ҳолда (туғма соф олтин) учрайди. Табиатда учрайдиган бирикмалари жуда оз, улардан муҳими калаверит минерали (AuTe_2)дир. Соф олтин майда зарра ҳолда кварцга, турли хил сульфидли рудаларга, кўпинча кумга аралашган бўлади.

Ўзбекистон, Россия Федерациясида (Урал, Сибирь), Қозоғистон, Қирғизистон, АҚШ (Калифорния), Бразилия, Австралия, Хитой, Канада шунингдек, Африка мамлакатларида олтин конлари мавжуд. Денгиз ва океан сувларининг 1 м^3 да $0,008\text{ г}$ гача, тирик организмларнинг ҳужайраси ва қонида $0,01\text{—}0,05\text{ мг/кг}$ гача олтин бўлади. Ўзбекистонда олтин айрим ҳудудларда ўстириладиган маккажўхори дони ва попугида ($2\text{—}4\text{ г/т}$ гача) ва Қизилқумда шувоқ ўсимлигида борлиги аниқланган. Ўзбекистоннинг Олмалик, Зарафшон (Маржонбулоқ), Қизилқум ҳудудларида олтин ва поликристалл конлари мавжуд. Олтин юмшоқ, пластик, чўзилувчан металл (қалинлиги $0,0002\text{ мм}$ гача бўлган зарқоғоз тайёрлаш, ёки 1 г ни $3,5\text{ км}$ ли сим қилиб чўзиш мумкин), электр ва иссиқни яхши ўтказади. Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 2,5. Олтин юмшоқ бўлганлиги учун ҳам халқ хўжалигида унинг кумуш ёки мис қўшиб тайёрланган қотишмалари ишлатилади. Олтин кимёвий жиҳатдан жуда пассив элемент. Ҳавода ўзгармайди. Сульфат кислота, нитрат кислота ва бошқаларда эримайди; фақат зар сувида, хлорли сувда ва ишқорий металлларнинг цианидлари эритмаларида эрийди. Симобда эриб, олтин амалгамасига айланади. Олтин рудалардан бир неча усулда, масалан, олтинли кумни сув билан ювиб, зарралар ҳолида ажратиб олинади. Олтин амалгамация усулида ҳам бойитилади. Олтин валюта сифатида, заргарликда, кимё саноатида, электротехникада, асбобсозликда, тиббиётда, фотографияда кенг қўлланилади.

КУМУШ

Кумуш — Ag (лотинча Аргентум — оқ кукун) кимёвий элемент. Кумуш қадимдан маълум. Беруний «Фидда», сурияликлар тилида «Сима» (форсийда — сим, сем), туркий халқлар тилида уни «кумуш» деб атаганлар. Аллома шеърӣ сатрларда кумушнинг кенг қўлланилиши, айниқса, кумуш идишларда ичимлик ичишдаги роҳатни ҳам айтиб ўтган. Олтин каби кумуш тангалар ҳам муомлада бўлганлигини таъкидлайди. Ер пўстининг 1—1,5% ини ташкил қилади. Соф ҳолда ва гидро-термал конларда аргентит Ag_2S билан бирга учрайди. Кумушнинг кюстелит, конгсбергит, анимикит ва электрум каби табиӣ минераллари бор. Тоза кумуш чиройли оқ металл. Зичлиги $10,5 \text{ г/см}^3$, Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 2,7. Кумуш юмшоқ, чўзилувчан бўлганидан механик ишлови осон. Ундан $0,00003 \text{ см}$ қалинликдаги нафис варақлар тайёрлаш мумкин. Кумуш иссиқлик ва электр токини бошқа металлларга қараганда, яхши ўтказади, ёруғликни яхши қайтаради. Одатдаги шароитда сув ва нам ҳаво таъсирига чидамли. Кўпгина металллар билан қотишмалар ҳосил қилади. Кумушнинг 3 та оксиди маълум. Улардан Ag_2O ва AgO барқарор моддалар, Ag_2O , эса ўта беқарор бўлиб, соф ҳолда ажратиб олинмаган. Кумуш (I)-оксид, Ag_2O — тўқ қўнғир рангли кукун. Зичлиги $7,44 \text{ г/см}^3$. Ёруғлик нури таъсирида кислородини йўқотиб қораяди. 200°C да тўлиқ парчаланаяди. Сувда эрувчанлиги $0,714 \text{ г/л}$.



Кумуш (II)-оксид, AgO — металлсимон ялтироқ, қорамтир кулранг кристалл модда. Зичлиги $7,44 \text{ г/см}^3$. 100°C ҳароратгача қиздирилганда элементларга ажралади, 110°C да портлайди. У галваник элементларда қўлланади. Кумуш, асосан, таркибида кумуш ва кўрғошини бор рудалардан ажратиб олинади. Кумуш қотишмалари танга пул, заргарлик ва уй-рўзғор буюмлари, лаборатория идишлари ишлаб чиқаришда, электротехникада, тузлари эса фотографияда ҳам ишлатилади. Кумуш буюмлар тайёрлаш учун 875 пробали кумуш, яъни таркибида 87,5% кумуш ва 12,5% мис бўлган қотишма ишлатилади. Кимёда кумуш катализатор сифатида қўлланади. Тиббиётда аргирол, протаргол, колларгол ва ляпис каби препаратларида фойдаланилади.

МИС

Мис — Cu кимёвий жихатдан соф ҳолда бўлади, баъзан таркибида аралашма ҳолда — Ag, Au ва Fe учрайди. Масалан: олтинли мисда Au — 2—3%, витнеит минералида Au миқдори 11,6% гача, кумуш эса мис таркибида 3—4 дан 8% гача бўлади. Айрим ҳолларда катта миқдорда рух бўлиши мумкин. Беруний мисни араб тилида «Нуҳос», румийликлар — «Халку», сурияликлар — «Нуҳоса» деб аташган, дейди. Кўпчилик Араб, Ироқ ва Хуросон давлати халқлари ҳам ўз тилида бу қизил металлни мис деб аташган. Кўза, човгун, самоварлари деярли



мис металидан ясалган. Кўп Шарқ мамлакатларида эрамизнинг II асридан мисдан (гоҳо кумуш ва олтин аралаштирилган) пул тангалари зарб этиш одат тусига кириб келган. Мис тоғ жинсларининг дарзлик ва ёриқларида кўпинча нотўғри шаклда дендритлар, баъзан парракчалар ҳолида бўлади. Баъзи конларда йирик, оғирлиги бир неча тоннага тенг бўлган уюмлари (Американинг «Юқори кўл» кони) топилган. Соф ҳолда миснинг оғирлиги 1000 тонна атрофидаги бўлаги Россиянинг Екатеринбург вилоятидаги Гумезевский конида топилган.

Миснинг ранги қизил. Металл каби ялтироқ, қаттиқлиги 2,5—3, яхши эгилувчанлик хусусиятига эга. Синиши илгакли, уланиш текислиги йўқ. Солиштирама оғирлиги 8,5—8,9 г/см³, у электр токини яхши ўтказди. Ушбу хусусиятлари билан бошқа минераллардан фарқланади. Соф мис турли геологик жараёнларда юзага келади, аммо кўп миқдорда гидротермал ва экзоген шароитида пайдо бўлади. Соф миснинг юзага келишига мисол қилиб Американинг Мичиган штатидаги «Юқори кўл» конини келтириш мумкин. Баъзан соф мис ўзгарган асосли интрузив жинсларнинг ораларида учрайди. Уларнинг бу жойда мавжудлиги халкопирит ва бошқа сульфидли бирикмаларнинг парчаланиши туфайли юзага келган. У куприт Cu_2O , малахит — $\text{Cu}_2(\text{CO}_3)_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$, баъзан халкозин — Cu_2S ва бошқа минераллар билан биргаликда учраши аниқланган. Мис металл сифатида — электротехникада, машинасозликда, ҳар хил асбоб-ускуналар, танга пул, идишлар тайёрлашда ишлатилади.

ТЕМИР



Темир — ер пўстлоғида энг кўп тарқалган оғир металлардан бири бўлиб, эркин ҳолда жуда кам учрайди. Темир минераллари табиатда кенг тарқалган. Унинг саноат учун аҳамиятли рудалари жумласига магнетит Fe_3O_4 (унда 72% темир бор), қизил темиртош Fe_2O_3 (унда 70% Fe бор), лимонит $\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (ёки $2\text{FeO}_2\text{H}$) сидерит FeCO_3 (бунда 48% Fe бор) киради. Беруний темирни “Хадид” деб атаган. У ўз асарида темирнинг бир қанча турларига таъриф беради. 10 га яқин иккилик ва тўртлик шеърларни келтириб ўтади. Шамширлар учун қуйиладиган темирни у икки гуруҳга бўлади: конлардан топиладиган (табiiй, маъданли) ва

сунъий. Табiiй темирни эса ўз ўрнида яна икки турга бўлади: шабуркан — эркак, қаттиқ, қиздириб, тоблаб олинадиган ва нармахоний — аёл, бу турдаги темир қиздирилмайди. Шамширлар эса иккала турдан ҳам ясалади. Яна бир турдаги темир борки, у иккала тур аралашмасидан тайёрланган бўлади. Шундай қилиб, шамширларнинг уч тури мавжуд: шабуркан, нармахан ва аралаш темирдан ясалган. Ҳар бир тур учун алоҳида силлиқловчи тош мавжудлигини таъкидлайди. Табиатда темирнинг оксид рудаларидан ташқари кўпгина миқдорда пирит FeS_2 ҳолида ҳам учрайди.

Темир техникада асосан пўлат, чўян ҳолида олинади. Тоза темир-оқ тусли ялтироқ металл: унинг Мосс шкаласидаги қаттиқлиги унча юқори эмас (атиғи 4,5 га тенг). Те-

мир уч шакл ўзгаришга эга (α - β - γ - ва σ — темир). α -темир 769°C га қадар ферромагнит хоссага эга.

Темир электр токини яхши ўтказади.

Техник тоза темир таркибида 0,16% гача қўшимча моддалар бўлиб, у жуда пластик ва коррозияга чидамлидир. Кимёвий тоза темир ташқи кўринишидан платинага ўхшайди, у жуда яхши силлиқланади ва юқори қовушқоқликка эга, шунинг учун ҳам у машиналар, станоклар, инструментлар ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Таркибида қўшимча модда бўлган оддий темир нам ҳавода тез занглаб (коррозия ходисаси) сирти $\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ формулага эга бўлган занг билан қопланади ва ўзига ҳаво намини яхши ютади, натижада занглаш тезлашади.

ҚАЛАЙ

Қалай — (stannum), Sn кимёвий элемент. Тартиб рақами 50, атом массаси 118,71. Табиий қалай 10 та изотопдан иборат. Қалай қадимдан маълум, унинг мис билан қотишмаси — бронзадан одамлар милоддан қарийб IV минг йил илгари фойдалана бошлаганлар. Қалай табиатда эркин ҳолда деярли учрамайди. Унинг 24 та минерали маълум, шулардан муҳими қалайтош — кассетирит SnO_2 . Қалай ҳавода аста-секин хиралашадиган ялтироқ оқ металл, зичлиги 7,29 г/см³, 2 хил модификацияга эга. Қалай бошқа металллар билан қотишмалар ҳосил қилади. Оддий ҳароратда ҳавода ҳам, кислородда ҳам оксидланмайди, кимёвий жиҳатдан фаол эмас. Концентрланган нитрат ва сульфат кислоталар билан реакцияга киришади. Қалай зар сувида жуда яхши эрийди. Қалай ўз бирикмаларида 2 ва 4 валентли бўлади. Қалай рудаларида волфрам, титан, лантаноидлар ва бошқа нодир металлларнинг қўшилмаси бўлади. Бу рудаларни турли усуллар билан бойитиб, таркибида 50-70 % қалай бўлган концентратли бирикма ҳосил қилинади.



МАРГИМУШ

Маргимуш — мишьяк, русча “миш” — сичқон, “яд” — заҳар. Қадимги номи маргимуш. Маргимуш (форсча, марг — ўлим, муш — сичқон), мишьяк (Арсенисум). Кимёвий формуласи — As. Тартиб рақами 33, атом массаси 74,9216. Табиий маргимуш битта барқарор изотоп ⁷⁵As дан иборат. Сунъий радиоактив изотоплардан ⁷³As, ⁷⁴As, ⁷⁶As муҳим. Мишьякни илк бор ким ажратиб олгани номаълум. 1789 йилда мишьякни А.Лавуазе элемент деб айтган. Тарқоқ элемент, лекин табиатда 160 дан ортиқ минераллари учрайди. Мишьяк колчедани (арсенопирит) FeAsS , Мишьякли колчедан (леллингит) FeAs_2 , реалгар As_4S_4 , аурипигмент As_2S_3 кўп тарқалган бўлиб, саноат аҳамиятига эга. Соф маргимуш тўқ кулранг кристалл модда, мўрт, металл каби ялтирай-



ди. Ҳавода оксидланиб, қораяди. Иссиқликни ва электр токини яхши ўтказади. Зичлиги $5,72 \text{ г/см}^3$. Кристалл ҳолатдаги мишякдан ташқари, аморф мишяк ҳам бўлади. Қиздирилганда (615°С да) мишякнинг иккала тури ҳам суюқланмай буғга айланади. Мишяк бирикмаларида 3 ва 5 валентли. Сувда эримайди. Ҳавода ёнганда оксидланиб, арсенит ангидрид As_2O_3 ҳосил қилади. As_2O_3 табиатда арсенолит минерали ҳолида учрайди. Соф мишяк унинг бирикмаларини олишда, оптик шиша ишлаб чиқаришда, тиббиётда ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда ишлатилади. Мишякнинг 5 валентли оксиди арсенат ангидрид As_2O_5 ҳам мавжуд. Зичлиги $4,1 \text{ г/см}^3$. Сувда яхши эрийди. Мишяк галогенлар ва олтингугурт билан, юқори ҳароратда кўпгина элементлар билан бевосита бирикади. Металлар билан қотишмалар ҳосил қилади. Уларга суюлтирилган кислота таъсир эттириб, саримсоқ ҳиди келадиган заҳарли газ — водород арсенид олиш мумкин. Нитрат кислота ва зар суви мишякни оксидлаб, арсенат кислота H_3AsO_4 ҳосил қилади. Арсенат кислота — сувда осон эрийдиган қаттиқ модда. Тузлари арсенатлар дейилади. Арсенит кислота H_3AsO_3 эркин ҳолда олинган эмас, фақат сувдаги эритмаси маълум. Унинг тузлари — арсенитлар деб аталади. Мишяк As_2O_3 ни кўмир билан қайтариш орқали олинади: $\text{As}_2\text{O}_3 + 3\text{C} \Rightarrow 2\text{As} + 3\text{CO}$. Бирикмалари жуда заҳарли бўлгани учун ишлатганда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим. Мишяк қотишмалар олишда, мишяк бирикмалари эса шиша ишлаб чиқаришда, тери (кон), мўйнали узоқ асрашда ва мишяк препаратлари олишда ишлатилади. Денгиз ҳайвонлари организмда қуруқликдаги ҳайвонлардагига қараганда мишяк кўп бўлади. Одам танасида $0,08\text{—}0,2 \text{ мг/кг}$ мишяк бор. Мишяк препаратлари тиббиётда турли касалликларни даволашда қўлланади.

ЖЕЗ



Жез, латун — асосан, мис билан руҳдан (50% гача) иборат қотишма. Жез олиш қадимдан (милоддан аввал) маълум. XVIII асргача мисни писта кўмир қўшилган руҳ рудаси билан бирга эритиб жез олишган, XIX асрга келиб, мисни тўғридан-тўғри руҳ билан бирга эритиб жез ола бошлашган. Таркибида руҳ миқдори ортган сари жез ранги қизғишдан оч сариқ ранггача ўзгаради. Беруний ўз даврида жез ҳақида кўплаб маълумот қолдиради. Кўркамлиги, арзонлиги, механик хоссалари яхшилиги учун мис қотишмалари ичида жез энг кўп ишлатилади. Оддий жез — миснинг фақат руҳ билан қотишмаси. Таркибида 10% гача руҳ бўлган жез томпок, 10—20 % гача руҳ бўлган қотишма ярим томпок деб аталади. Буларнинг занглашга чидамлилиги ва пластиклиги юқори бўлгани учун улардан радиатор ва конденсатор қувурлари, лист ва ленталар тайёрланади. Таркибида тахминан 30% руҳ бўлган жез патрон латуни дейилади ва совуқ ҳолда штамплash, пресслаш йўли билан ундан турли буюмлар олинади. Таркибида 39% гача руҳ бўлган жез бир фазали (а), 39 дан 45% гача руҳ бўлгани икки фазали қотишмалардир. Жез таркибида руҳ миқдори камайган сари қотишманинг пластиклиги ортиб боради. Энг пластик жез алатундир.

Таркибида 45% дан ортиқ рух бўлган жезлар жуда қаттиқ ва мўрт бўлганлигидан техникада ишлатилмайди. Жезнинг хоссаларини янада яхшилаш учун алюминий, қалай, темир, марганец, никел, кремний, қўрғошин ва бошқа металллар қотишмаси қўшиб эригилади. Бу элементлар (ҳаммаси бўлиб 10% гача) қўшилади. Шунда кўп аралашмали (махсус) жез ҳосил бўлади. Таркибида чамаси 15% рух ва 0,5% алюминий бўлган жез тилларанг бўлгани учун ундан заргарлик ва безак буюмлари тайёрланади. Таркибида 1,5% гача қалай бўлган жез денгиз латуни дейилиб, денгиз сувига чидамли бўлгани учун кемаларда ишлатилади, 3% гача қўрғошин қўшилган жез автомобил ва соатсозликда қўлланилади. Жез деформациябоп ва қуймабоп хилларга бўлинади. Деформациябоп жездан қувурлар, лист, тасма, чивик ва бошқалар тайёрланади, қуймабоп жездан эса арматуралар, антифрикцион деталлар, подшипник втулкалари ва бошқалар қуйилади. Жез умумий машинасозликда, асбобсозликда, иссиқлик техникаси ва бошқа соҳаларда ишлатилади. Беруний ўз асарида жезга алоҳида тариф берганлиги ва халқ хўжалигида ишлатилиши деярли бир хил бўлганлиги учун ҳам биз бугунги ишлатилиши ва хоссаси ҳақида замонавий фикрни батафсил бериб ўтдик.

БРОНЗА

Бронза — мис-қалай қотишмаси бўлиб, қалайнинг миқдори 3—12 % оралиғида бўлади. Қотишманинг мўлжалланган вазифасига қараб, унинг таркибига: рух, қўрғошин, фосфор, никел қўшилади. Қалайли бронзалардан ташқари кремнийли, бериллийли, кадмийли бронзалар ҳам мавжуд. Бронзанинг зичлиги 7,5—8,8 г/см³, эриш ҳарорати 1010—1140°С. Қалайли бронзаларнинг қуймакорлик хусусиятлари юқори бўлганлиги сабабли, бадий қуймалар олишда кенг қўлланилади. Бадий ишлов беришда, бериллийли бронзалар кенг қўлланилади, чунки уларнинг қаттиқлиги ва мустаҳкамлиги юқори, коррозияга эса анча чидамли ҳисобланади. Ўрта Осиёда милoddан аввалги III-II минг йилликлардан бошлаб бронзадан турли хилдаги меҳнат қуроллари ясалган.



БЕРУНИЙНИНГ «МИНЕРАЛОГИЯ» АСАРИДА УЧРАЙДИГАН ИСМЛАР РЎЙХАТИ

- Абарвиз (Парвез)
ал-Аббос ибн ал-Мусайяб
ал-Аббос ибн ал-Ҳасан
Аббосийлар (араб халифалигидаги сулола
номи)
Аъбдо
Аъбдуллоҳ ибн Абу Фарва
Аъбдуллоҳ ибн аз-Зубайр
Аъбдуллоҳ ибн Аббос ибн Аъбд ул-Мутта-
либ
Абдуллоҳ ибн Алий
Абдуллоҳ ибн Махлуъ
Абдуллоҳ ибн Муътазз. Қаранг: Ибн
ал-Муътазз
Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб
Абдуллоҳ ибн Жудъон
Абдуллоҳ ибн Язид ибн Муъовия
Абдуллоҳ ибн Марвон ибн Муҳаммад
Абдуллоҳ ибн Умар ибн Абд ал-Азиз
Абдуллоҳ ибн Сулаймон
Абдуллоҳ ибн Тоҳир (Убайдуллоҳ ибн Аб-
дуллоҳ ибн Тоҳир)
Абдуллоҳ ибн Шихоб
Абд ал-Малик ал-Хорисий
Абд ал-Малик ибн ал-Марвон
Абд ал-Мутталиб ибн Хошим
Абд ар-Раҳмон ал-Ҳазиний
Абд ар-Раҳмон ибн Самура
Абд ар-Раҳмон ибн Ҳассон
Абу абд ар-Раҳмон ибн ал-Жассос
Абу Алий ал-Исфаконий
- Абу Алий ар-Рустамий
Абу Алий ибн Мандавайх
Абу Алий Муҳаммад ибн Илès
Абу Амр ат-Тойий
Абу Аҳмад ал-Аскарий
Абу Бакр Алий ибн ал-Ҳусайн ал-Кўхисто-
ний
Абу Бакр ал-Форисий
Абу Бакр ал-Хоразмий
Абу Бакр ас-Сулий (Муҳаммад ибн Яҳё)
Абу Бакр ибн Абдуллоҳ. Қаранг: Ибн Абу
Марям
Абу Бишр ас-Сирофий
Абу Жаъфар ал-Хозин (Абу Жафар ибн
Хабаш ал-Хозин)
Абу Жаъфар ибн Бону
Абу Жаъфар Устоз Хормуз. Қаранг: Устоз
Хормуз
Абу Дуъод ал-Аёдий
Абу Зайд ал-Аражоний
Абу Зуъайб
Абу Исҳоқ ал-Форисий (Абу Исҳоқ
Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий
ал-Истахрий)
Абу Исҳоқ ас-Собиъ
Абу Яқуб
Абу Яъла ибн Абу Заръо. Қаранг: ал-Бахи-
лий
Абу Юсуф Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий
Абу-л-Аъббос ал-Оммоний
Абу-л-Аъббос ас-Саффоҳ

Абу-л-Аъббос Хоразмшоҳ
Абу-л-Абяд ал-Абсий
Абу-л-Аъло ас-Сарвий
Абу-л-Қосим ибн ал-Омидий (ал-Ҳасан
ибн Бишр Абу-л-Қосим ал-Омидий)
Абу-л-Қосим ибн Бобак (Абу-л-Қосим Абд
ус-Самад ибн Бобак)
Абу-л-Қосим ибн Солиҳ ал-Кирмоний
Абу-л-Фазл ал-Аърузий ас-Саффор
Абу-л-Фазл аш-Шукрий
Абу-л-Фараж ал Ваъва ад-Димишқий. Қа-
ранг: Ал-Ваъва ад-Димишқий
Абу-л-Фараж ибн Ҳинду (Абу-л-Фараж
Али ибн ал-Ҳусайн ибн Ҳинду)
Абу-л-Ҳайр ибн Хасан (Ибн ал-Ҳаммор)
Абу-л-Ҳасан Али ибн ал-Ҳусайн ал-Масъу-
дий. Қаранг: ал-Масъудий
Абу-л-Ҳасан ал-Али Фаҳр уд-Давла. Қа-
ранг: Фаҳр уд-Давла
Абу-л-Ҳасан ал-Лихёний
Абу-л-Ҳасан ал-Мавсилиий
Абу-л-Ҳасан ас-Санаубарий
Абу-л-Ҳасан ат-Турунжий (Абу-л-Ҳасан
Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Табарий ат-Ту-
рунжий)
Абу-л-Ҳасан Абу-л-Ҳасан Муҳаммад ибн
Яъқуб ибн Носих. Қаранг: Муҳаммад ибн
Абу Юсуф
Абу-л-Хавл ал Ҳимёрий
Абу-л-Ҳуқайиқ Яхудий
Абу-л-Ҳусайн
Абу Маъаз ал-Жавамакониий
Абу Мансур ас-Соълибий (Абу Мансур
абду-л-Малик ибн Муҳаммад ибн Исмоил
ас-Соълибий)
Абу Муслим

Абу Муҳаммад ал-Қутайбий
Абу Муҳаммад ас-Сўқобозий
Абу-н-Нажм (ал-Фазл ибн Қудамо ал-Иъ-
жлий)
Абу Наср ал-Утбий (Абу Наср Муҳаммад
ибн Абд ал-Жаббор ал-Утбий)
Абу Нувос (ал-Ҳасан ибн Хониъ Абу Ну-
вос)
Абу Саъийд ал-Ғонимий
Абу Саъийд ал-Қазвиний
Абу Саъийд ибн Дўст
Абу Таммом (Ҳабиб ибн Авс Абу Таммом
ат-Тоъий)
Абу-т-Тоййиб ал-Мутанаббий
Абу Тимхон
Абу Тоҳир ибн Баҳо уд-Давла
Абу Уъбайд
Абу Уъбайд ал-Қосим ибн Саллом
Абу Ҳайё
Абу Ҳайё Абу Ҳанифа ад-Диноварий
Абрукулус (Прокл)
Авмонис
Авн ал-Ибодий ал-Жавҳарий
Авс ибн Ҳажар
Авс ал-Муҳаллим
Адит (сиғиниш объекти — санамнинг
номи)
Адий ибн Зайд
Аёрун
Айюб ал-Асвод ал-Басри
Ал-Ажжож (Абдуллоҳ ибн Руъбо)
Алийлар (Ҳазрати Алийга ихлос ва унинг
имомлигини тан олувчилар)
Алий (халифа, пайғамбар Муҳаммад с.а.в.
нинг куёви)
Алий ибн Абд ал-Азиз ал-Қозий

(ал-Журжоний)

Алий ибн Абдуллоҳ

Алий ибн Бассом

Алий ибн Жаҳм (ас-Самий)

Алий ибн Зайд

Алий ибн Исо ибн Довуд ибн ал-Жарроҳ

Алий ибн Муқла. Қаранг: Ибн Муқла

Амир

Амир ибн аз-Зариб ал-Аъдвоний

Амр ибн Аҳмар

Амр ибн Қулсум

Амр ибн Лайс

Амр ибн Маъдийкариб

Амр ибн Ҳорис

Амра

Антара

Ануширвон (Эрон Сосонийлар сулоласи-

нинг вакили Хусрав I нинг тахаллуси,

“ўлмас жон” маъносини билдиради)

Аротастонус (юнон олими Эрастосфен но-
мининг арабчаси)

Арбад

Ардашер Бобак ўғли

Арибосиус

Аристутолис (Арасту)

Аршимийдус (Архимед)

ал-Асвад ибн Яъфур

ал-Асмоъий

Атаюс ал-Омидий

Аттоб

Афлутархус (Плутарх)

Афридун

Аҳмад ибн Абд ас-Самад (вазир)

Аҳмад ибн Али

Аҳмад ибн ал-Валид ал-Форисий

Аҳмад ибн ал-Фазл ал-Бухорий

Аҳмад ал-Асан ал-Язидий

ал-Ахтал (Ғиёс ибн Ғайс ат-Тоғлибий)

ал-Аъшо (Маймун ибн Қайс ал-Аъшо)

Аъдий ибн Зайд

Ал-Аъувфий

Аънтара

Ағустус (Август)

Бажком ал-Маконий

Бадр ибн Ҳасанавайх

Балқийс

Бараҳмакин

Бармакийлар

Бассийл

Батлимус (Птолемей)

Баҳмон Ардашер Равондаст (Ар-
таксеркс I)

Башшор ибн Бурд

Бакр ибн ал-Нагтоҳ ал-Ҳанафий

Беворасп

Бисутун ибн Вашмгир

Бишр ибн Шозон ал-Жавҳарий

Буғраҳон Хорун

Бухтйешу ибн Жибрил

Бувайҳийлар

Букайр аш-Шомий

Булус (Павлус)

ал-Бухтурий Абу Убайда ал-Валиб ибн
Убайд

Бодон

Болинас

ал-Боҳилий (Абу Яъла ибн Абу Заръа)

ал-Ваъваъ ад-Димишқий (Абу Фараж

ал-Ваъваъ ад-Димишқий)

Ваддох ал-Яман

ал-Валид ибн Абд ул-Малик

Варқак

ал-Восиқ

Вашмгир ибн Зиёр

Винол ас-Собеъ

Данонийр (Яхё ибн Холиднинг чўриси)

Доҳир ибн Жажо

Дийужанус (Диоген)

ал-Димишқий. Яна қаранг: Мазид ибн

Алий

Дийскурийдус (Диоскурий)

Жамийл ибн Маъмар ал-Узро

Жаҳзо ал-Бармакий

ал-Жайҳоний (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад
ибн Аҳмад)

Жолинус (Голен Клавди)

ал-Жарийр

Жобийр ибн Ҳайён ас-Сўфий (Гебер)

ал-Жоҳиз (Абу Усмон Умар ибн Баҳр ал-
Жоҳиз)

Жибрил ибн Бохтйешу

Зайдон ал-Қахрамон

аз-Зоҳир ибн ал-Ҳоқим

Зайд ал-Хайл

Зибриқон ибн Бадр

Зиёд ибн Солиҳ

Зубайда

аз-Зубайр ибн ал-Аввом

Зулқарнайн (Македониялик Искандар)

Зурайра

Зу-р-Руммо

Зухайр

ал-Ибодий

Ибн Абу Марям (Абу Бакр ибн Абдуллоҳ)

Ибн ал-Омийд Абул Фазл

Ибн ал-Аҳмар

Ибн ал-Жассос (Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн
ибн Аҳмад ал-Жассос)

Ибн ал-Мунажжим (Али ибн Яхё)

Ибн ал-Муътаз

Ибн ал-Риқоъ

Ибн ал-Румо (Али ибн ал-Аббос ибн Жу-
райж)

Ибн Бобак (Абдусаммад ибн Мансур)

Ибн Бармак (Холид ибн Бармак)

Ибн Бахлул (Мажнун абу Вухайб ал-Кў-
фий)

Ибн Жинний (Усмон ибн Жинний)

Ибн Дурайд (Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳа-
сан ибн Аътоҳия ал-Аздий)

Ибн Закария (Муҳаммад ибн Закария
ар-Розий)

Ибн Мандавайҳ

Ибн Моса (Яхё ибн Моса)

Ибн Муқла (Али ибн Муқла)

Ибн Самуда

Ибн Ҳаббоб ал-Жавҳарий

Ибн Ҳамдун ан-Надийм Абдуллоҳ ибн Аҳ-
мад

Ибн Ҳамза

Иброҳим ан-Наззом (Иброҳим ибн Сайёр
ибн Хониъ Абу Исҳоқ)

Иброҳим ибн ал-Маҳдий

Иброҳим ибн Сайёр ибн Хониъ Абу Исҳоқ.
Қаранг: Иброҳим ан-Наззом

Ийёс ибн Муъовия

Иешуъбохт

Иешуъ (Исо Навин)

Имрул Қайс (Хундуж ибн Хужр)
Иъсом
Исмоил ал-Асвад ал-Ходим
Исмоил ибн Аббод ас-Соҳиб (Соҳиб ибн
Аббос)
Исмоил ибн Али
Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний
Исмоил ибн Иброҳим
Исҳоқ ал-Мавсилий
Ифлотун (Афлотун-Платон)

Каъб ибн Мома ал-Аёдий
ал-Киндий. Қаранг: Абу Юсуф Яъқуб ибн
Исҳоқ
ал-Кирмоний. Қаранг: Абу-л-Қосим ибн
Солиҳ ал-Кирмоний
Кисро Абарвийз
Константин Ғолиб

ал-Лаҳҳом
Лебид

Маъдуд ибн Масъуд ибн Маҳмуд
Мазид ибн Али ал-Ҳаддод ад-Димишқий
ал-Маъмун
Маъмун Хоразмшоҳ
ал-Мансур (халифа)
Мансур ал-Қодий (Абу Аҳмад Мансур ибн
Муҳаммад)
Мансур Муваррид ал-Форисий
Марвон ибн Муҳаммад
Мардовиж ибн Зиёр
Манолоус
Масрур
Масъуд
ал-Масъудий (Абул Ҳасан Али ибн ал-Ху-

сайн ал-Масъудий)
ал-Маҳдий
Маҳмуд. Қаранг: Ямин уд-давла Маҳмуд
Машраф
Марвонийлар
Менелай. Қаранг: Манолоус
Мосаржавайҳ
Монолоус (Менелай)
Моний ал-Мувосвас
ал-Муъайяд
ал-Муваффақ
Муъийз уд-Давла Аҳмад ибн Бувайх
ал-Муқтадир
Мунаббих ибн ал-Ҳажжож
ал-Мунхил
Муънис ал-Ходим ал-Музаффар
ал-Мунаққиш
Мусо (Мусо пайғамбар)
Мусъоб ибн Зубайр
ал-Мусайяб
Мусо ал-Ходий
Мусо ибн Нусайр
Мусибон
ал-Мутаваккил
ал-Муътадид
ал-Муътазз
ал-Муталаммис
ал-Мутанаббӣ
ал-Муътасим
ал-Мутӣиъ
ал-Мухаббал ас-Саъдий
Муҳаммад (Оллоҳнинг Расули с.а.в.)
Муҳаммад ибн Абу Юсуф (Абул Ҳасан
Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Носих)
Муҳаммад ибн Қосим ибн Мунаббих
ас-Сақифий

Муҳаммад ибн Закария ар-Розий. Қаранг:
Ибн Закарийо
Муҳаммад ибн Тоҳир

ан-Набиға. Қаранг: ан-Набиға аз-Зубёний
ва ан-Набиға ал-Жаъдий
ан-Набиға аз-Зубёний (Зиёд ибн Муъа-
вия)
ан-Набиға ал-Жаъдий (Абдуллоҳ ибн Қайс
Абу Лайло)

Наср ибн Аҳмад ал-Хотибий
Наср ибн Яъқуб ад-Дийнаварий ал-Котиб
Наср ибн Ҳасан Фирузон
Нумайр ал-Уъқайлий
ан-Нумайрий
ан-Нуъмон
ан-Нуъмон ибн Мунзир
ан-Нусаййиб
Нўҳ ибн Мансур ар-Разий ас-Сомоний
Платон.Қаранг: Ифлотун
Попак (Бобак)
Птолемей. Қаранг: Батлимус

Райлик ака-ука заргарлар (Ҳасан ва Ҳу-
сайн)
